А.КАРИМОВ, Ф.ИСЛОМОВ,
А.АВЛОҚУЛОВ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ



КАРИМОВ А.А., ИСЛОМОВ Ф.Р., АВЛОҚУЛОВ А.З.

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятларини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан дарслик сифатида тавсия этилган

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2004

657(07)
К 25

Илмий муҳаррир:

ВАҲОБОВ А. В., *иқтисод фанлари доктори, профессор*

Тақризчилар:

ГАДОЕВ Э.Ф., Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди;

ЖЎРАЕВ Т.И., Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди;

ИБРАГИМОВ А.К., Банк-молия академияси «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори;

УМАРОВ К.Ю., Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири, иқтисод фанлари номзоди.

TDIU
kutubxonasi
n/v 5984

Каримов, А.А, ва бошқ.
Бухгалтерия ҳисоби: Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик/Муаллифлар: А.А. Каримов, Ф.Р. Исломов, А.З. Авлоқулов. — Т.: «Шарқ», 2004. — 592 б.

ББК 65.053я73.

Ушбу дарслик иқтисодиётдаги ўзгаришлар инобатга олинган ҳолда Давлат таълим стандартлари бўйича тузилган ўқув дастури асосида яратилган. Дарсликда бухгалтерия ҳисоби назарияси, бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб ва солиқ ҳисобини юритиш тартиби баён этилган.

«Бухгалтерия ҳисоби» дарслиги олий таълимнинг иқтисодиёт йўналишидаги бакалавриат ва магистратура талабалари, шунингдек, турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерлари, аудиторлар, солиқчилар ва кенг омма учун мўлжалланган.

© «Шарқ» НМАК Бош таҳририяти, 2004.

МУНДАРИЖА

Кириш. 9

I *бўлим*. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ НАЗАРИЯСИ

1-боб. Бухгалтерия ҳисоби ва унинг моҳияти

1.1. Ҳисоб ҳақида умумий тушунча. 13
1.2. Ҳисоб турлари. 16
1.3. Бухгалтерия ҳисоби тарихи. 18
1.4. Бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва функциялари. 22

2-боб. Бухгалтерия ҳисобининг предмети, объекти, субъектлари ҳамда усуллари

2.1. Бухгалтерия ҳисобининг предмети. 25
2.2. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари ва субъектлари. 26
2.3. Бухгалтерия ҳисобининг усуллари ҳақида тушунча. 29
2.4. Ҳужжатлаштириш. 31
2.5. Бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларидаги хатоларни тўғрилаш. . 36
2.6. Бухгалтерия ҳисобварақлари ҳақида тушунча. 37
2.7. Икки ёқлама ёзув ва унинг аҳамияти. 39
2.8. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва унинг иқтисодий мазмуни. 41
2.9. Бухгалтерия баланси. 45
2.10. Хўжалик муомалалари таъсирида балансда рўй берадиган ўзгаришлар. 50

3-боб. Бухгалтерия ҳисобининг регистрлари ва шакллари

3.1. Бухгалтерия ҳисобининг регистрлари ва шакллари ҳақида тушунча. 53
3.2. Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шакли. 58
3.3. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли. 59
3.4. Бухгалтерия ҳисобининг бош журнал шакли. 61
3.5. Информацион технологияларга асосланган бухгалтерия ҳисоби шакли. 62
3.6. Бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизими. 65

4-б о б. Бухгалтерия ҳисоби ишларини ташкил қилиш ва юритиш

4.1. Бухгалтерия ҳисоби ишларини ташкил қилиш 69
4.2. Ҳисоб юритиш сиёсати 73

5-б о б. Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш

5.1. Бухгалтерия ҳисобини халқаро андозалар талабларига мувофиқ ташкил қилиш 82
5.2. Бухгалтерия ҳисоби миллий андозалари ва уларнинг аҳамияти 84
5.3. Бухгалтерия ҳисобининг турлари 86

II бўлим. БОШҚАРУВ ҲИСОБИ

6-б о б. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби

6.1. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг мақсади ва вазифалари 93
6.2. Харажатларни туркумлаш 97
6.3. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар 99
6.4. Ишлаб чиқариш харажатларининг дастлабки ва йиғма ҳисоби 101
6.5. Турли мулк шаклларн мавжуд шароитда харажатларни ҳисобга олиш ва таннарх ҳисоблашнинг усуллари 103
6.6. Моддий харажатларни ҳисобга олиш 108
6.7. Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий суғуртага ажратмалар бўйича харажатлар ҳисоби 111
6.8. Ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган бошқа харажатлар ҳисоби 114
6.9. Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби 115
6.10. Корхона умумишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби 117
6.11. Яроқсиз маҳсулот (иш, хизмат)лар ва нобудгарчиликлар ҳисоби 121
6.12. Келгуси давр харажатлари ҳисоби 123
6.13. Тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш ва ҳисобга олиш 123

III бўлим. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ

7-б о б. Асосий воситалар ҳисоби

7.1. Асосий воситалар ҳисобининг аҳамияти ва вазифалари 127
7.2. Асосий воситаларни туркумлаш ва баҳолаш 128
7.3. Асосий воситалар ҳаракатини ҳужжатлаштириш 132

7.4. Асосий воситалар киримини ҳисобга олиш..... 135
7.5. Асосий воситалар амортизацияси (эскириши) ҳисоби..... 139
7.6. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришни ҳисобга олиш... 148
7.7. Асосий воситаларни таъмирлаш ҳисоби..... 153
7.8. Асосий воситаларни инвентаризация қилиш..... 154

8 - б о б. Лизинг муомалалари ҳисоби

8.1. Лизинг муомалаларининг моҳияти..... 158
8.2. Лизинг муомалаларининг объекти, предмети ва субъектлари..... 164
8.3. Лизинг муомалаларининг кўринишлари..... 168
8.4. Лизинг муомалаларини бухгалтерияда ҳисобга олиш..... 178

9 - б о б. Номоддий активлар ҳисоби

9.1. Номоддий активлар ҳисобининг вазифалари..... 191
9.2. Номоддий активларни туркумлаш ва баҳолаш..... 193
9.3. Номоддий активлар киримини ҳисобга олиш..... 196
9.4. Номоддий активлар амортизацияси (эскириши) ҳисоби.... 198
9.5. Номоддий активларни ҳисобдан чиқаришни ҳисобга олиш 202
9.6. Гудвилл ҳисоби..... 205

10 - б о б. Узоқ муддатли молиявий инвестициялар ҳисоби

10.1. Узоқ муддатли молиявий инвестицияларнинг моҳияти ва уларни ҳисобга олишнинг вазифалари..... 209
10.2. Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни туркумлаш ва баҳолаш..... 211
10.3. Инвестицияларни дисконтлаш..... 216
10.4. Узоқ муддатли молиявий инвестициялар ҳаракатини ҳисобда акс эттириш..... 217

11 - б о б. Капитал қўйилмалар ҳисоби

11.1. Капитал қўйилмалар ҳисобининг вазифалари..... 222
11.2. Капитал қўйилмаларни туркумлаш..... 223
11.3. Капитал қўйилмаларни бухгалтерияда ҳисобга олиш..... 226
11.4. Қурилиши тугалланган объектларни ҳамда тугалланмаган қурилишни ҳисобга олиш..... 233

12 - б о б. Ишлаб чиқариш захираларини ҳисобига олиш

12.1. Ишлаб чиқариш захиралари ҳисобининг вазифалари, уларни туркумлаш ва баҳолаш..... 235
12.2. Материаллар ҳаракатини ҳужжатларда расмийлаштириш... 242
12.3. Материалларнинг омбордаги ҳисобини ташкил қилиш..... 245

12.4. Материалларнинг киримини бухгалтерияда ҳисобга олиш.... 248
12.5. Транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисобга олиш..... 250
12.6. Материаллар сарфланишини бухгалтерияда ҳисобга олиш.. 251
12.7. Қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш.....
12.8. Ишлаб чиқариш захираларини инвентаризация қилиш..... 252
254

13-б о б. Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) ва унинг сотилишини ҳисобга олиш

13.1. Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) ва уни ҳисобга олиш вазифалари.....
13.2. Тайёр маҳсулотни баҳолаш ва унинг номенклатураси..... 258
13.3. Тайёр маҳсулотнинг омбордаги ва бухгалтериядаги ҳисоби..... 260
13.4. Тайёр маҳсулотни жўнатишни ҳисобга олиш..... 251
13.5. Сотиш харажатлари ҳисоби..... 264
13.6. Тайёр маҳсулот сотишнинг аналитик ва синтетик ҳисоби..... 267
13.7. Қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш..... 269
13.8. Даргумон қарзлар бўйича резервлар ҳисоби..... 274
13.9. Консигнация муомалалари ҳисоби..... 275
276

14-б о б. Меҳнат ва иш ҳақини ҳисобга олиш

14.1. Меҳнат ва иш ҳақини ҳисобга олишнинг асосий вазифалари..... 280
14.2. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизимлари, фонди ва унинг таркиби..... 282
14.3. Меҳнат ҳақи ҳисобини ҳужжатларда расмийлаштириш..... 286
14.4. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг синтетик ва аналитик ҳисоби..... 288
14.5. Меҳнат таътили ҳамда касаллик варақаси бўйича ҳақ тўлаш..... 291
14.6. Иш ҳақидан ажратма ва тўловлар ҳисоби..... 293
14.7. Иш ҳақи фондининг ишлатилиши устидан назоратни ташкил этиш..... 296

15-б о б. Пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий инвестициялар ҳисоби

15.1. Пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий инвестициялар ҳисобининг вазифалари..... 299
15.2. Касса муомалаларини ҳисобга олиш..... 303
15.3. Ҳисоб-китоб счёти бўйича муомалалар ҳисоби..... 312
15.4. Банкларда очилган махсус ҳисобварақларда бажариладиган пул муомалаларининг ҳисоби..... 327
15.5. Валюта муомалалари ҳисоби..... 332
15.6. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар ҳисоби..... 338

16-б о б. Ҳисоб-китоб ва кредит муомалалари ҳисоби

16.1. Ҳисоб-китоб ва кредит муомалалари ҳисобининг вазифалари 342
16.2. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни юритиш 343
16.3. Ҳисобдор шахслар билан бўладиган муомалалар ҳисоби 344
16.4. Ходимлар билан бошқа муомалалар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби 347
16.5. Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби 349
16.6. Банк кредитлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби 353

17-б о б. Капитал, резервлар ва тақсимланмаган фойда ҳисоби

17.1. Капитал, резервлар ва тақсимланмаган фойдани ҳисобга олишнинг вазифалари 362
17.2. Турли мулкчилик шаклидаги корхоналарда устав капиталини шакллантириш хусусиятлари 363
17.3. Устав капиталининг шаклланиши ва фойдаланилиши ҳисоби 365
17.4. Қўшилган капитал ҳисоби 370
17.5. Резерв капитали ҳисоби 372
17.6. Тақсимланмаган фойда ва дивидендлар ҳисоби 374
17.7. Грантлар, субсидиялар ҳамда келгуси давр харажатлари ва тўловлари резервини ҳисобга олиш 379

18-б о б. Молиявий натижалар ҳисоби

18.1. Молиявий натижалар ҳисобининг аҳамияти ва вазифалари. 383
18.2. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва тақсимланиши. 386
18.3. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда (зарар) ҳисоби... 388
18.4. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби.... 393
18.5. Давр харажатлари ҳисоби 394
18.6. Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар ҳисоби..... 403
18.7. Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоби 405
18.8. Фавқулодда фойда ва зарарлар ҳисоби 407
18.9. Якуний молиявий натижа ҳисоби 408

19-б о б. Молиявий ҳисобот

19.1. Молиявий ҳисобот, унинг аҳамияти ва таркиби 410
19.2. Молиявий ҳисоботни тузиш қоидалари 412
19.3. Инвентаризация 414
19.4. Чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот 420
19.5. Консолидацияланган молиявий ҳисобот 422
19.6. Молиявий коэффициентлар ва рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш 439

IV бўлим. СОЛИҚЛАР ВА ТЎЛОВЛАР ҲИСОБИ

20-боб. Умумдавлат солиқлари ҳисоби

20.1 Солиқларнинг моҳияти ва аҳамияти 443
20.2 Юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқлар ва унинг аҳамияти 446
20.3. Даромад (фойда) солиғига тортиладиган базани аниқлаш... 448
20.4 Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби 454
20.5. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.... 466
20.6. Акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби 470
20.7. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби 472
20.8 Экология солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби 472
20.9. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби 475

21-боб. Маҳаллий бюджетга тўланадиган солиқлар ҳисоби

21.1. Кичик корхоналар учун ягона солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби 478
21.2. Ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби 484
21.3. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби 485
21.4. Инфраструктурани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш тўлаш тартиби 489

22-боб. Бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ҳисоби

22.1. Бюджетдан ташқари фондларни ташкил этиш мақсади ва уларнинг турлари 490
22.2. Пенсия фондига тўловлар ҳисоби 492
22.3. Бандликка кўмаклашиш фондига тўловлар ҳисоби 495
22.4. Давлат йўл фондига тўловлар ҳисоби 497

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 501

Иловалар

1-илова. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни 504
2-илова. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобварақлари режаси 510
3-илова. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи 526

Илму фан шундай бир соҳаки, қариб қолиш, кексайиш, сафдан чиқиб қолиш каби ҳолатлар унинг табиатига бегонадир

И. Каримов

КИРИШ

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин илгариги иқтисодий тизим ўрнига жаҳон стандартларига мос демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш модели танлаб олинди. Шунинг учун ҳам ўтиш даврида ҳуқуқий асосларни шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифаси қўйилди. Шунингдек, давлат мулкига асосланган мулкчилик шаклини ислоҳ қилиш ҳисобига кўп укладли иқтисодиёт негизини яратиш масаласи устувор йўналиш сифатида қабул қилинди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир. Аввал бошданоқ биз ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб олдик — зарур ҳуқуқий омилни шакллантирмасдан туриб, тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилмасдан туриб, ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислоҳотлар ортга чекинмаслигининг кафолатини амалда яратиб бўлмайди»[1].

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ва унинг кейинги босқичларида устувор йўналишларнинг белгиланиши, айниқса ижтимоий-сиёсий ҳаётни, жумладан иқтисодиётни эркинлаштириш, мулкдорлар синфини ташкил қилишдан келиб чиққан ҳолда бир қанча соҳаларни, жумладан бухгалтерия ҳисоби тизимини ҳам ислоҳ қилишни тақозо этди.

---

[1] А.И.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: Ўзбекистон, 1995, 29-бет.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг қарор топтирилиши, кўп укладли иқтисодиётнинг вужудга келтирилиши барча жабҳада бўлгани каби, бухгалтерия ҳисоби борасида ҳам улкан ўзгаришларнинг содир бўлишига олиб келди. Маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган иқтисодиёт шароитида шаклланган корхона, ташкилот ва муассасалардаги бухгалтерия ҳисобини юритиш тизими жаҳон иқтисодий тизимига дадил кириб бораётган мамлакатимиз учун замонавий талабларга жавоб бера олмай қолмоқда. Кейинги йиллар мобайнида халқаро андозаларга тўла-тўкис жавоб берувчи бухгалтерия ҳисоби тизимини яратиш борасида кўпгина ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Бухгалтерия ҳисобидан фойдаланувчилар доираси анча кенгайиб бораётганлиги, интеграция жараёнлари чуқурлашаётганлиги, қўшма корхоналар барпо этилаётганлиги, жаҳон молия бозорига (қимматли қоғозлар биржаларига, халқаро банкларга, фондларга ва бошқаларга) чиқилаётганлиги сармоялар, ишчи кучи ва валютанинг айрим мамлакатлар ўртасида эркин ҳаракатланиши зарурлиги бухгалтерия ҳисоби тизимини жаҳон андозаларига кўчиришни янада қаттиқроқ талаб қилмоқда. Қолаверса, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро талабларга мувофиқ ўзгартириш кейинги вақтларда Ўзбекистон учун ҳам табора долзарб вазифага айланмоқда. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида республикада халқаро андозаларга тўла-тўкис мос келувчи бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу андозалар бухгалтерия ҳисоби шакллари ва усулларини танлашда корхоналарнинг мустақиллигини кенгайтирибгина қолмасдан, ҳисоб ахборотининг ишончлилиги учун уларнинг масъулиятини ҳам оширмоқда.

Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишда халқаро тамойилларга асосланган ҳисобварақлар режасининг қабул қилиниши навбатдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Янги ҳисобварақлар режаси Ўзбекистон Республика-

сида фаолият юритиб келаётган корхоналарнинг ташқи иқтисодий алоқаларга киришишида, жаҳон иқтисодий интеграциясига қўшилишида асосий восита бўлиб хизмат қилади. Мазкур ҳисобварақлар режаси, бир томондан, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро андозаларга яқинлаштирса, иккинчи томондан, бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби ўртасидаги муаммоларни барҳам топтиришга кўмаклашади.

Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиниши, энг аввало, унинг бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб ва солиқ ҳисобига бўлиб ўрганишимизни тақозо этади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, бухгалтерия ҳисобини бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб ва солиқ ҳисобига ажратилган ҳолда ташкил қилиш нафақат корхонанинг, балки барча манфаатдор томонларнинг, шу жумладан давлатнинг ҳам истиқболи учун хизмат қилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган бу борадаги улкан ислоҳотлар келажакда профессионал бухгалтер, аудитор ва бошқа иқтисодий касбларни эгаллашга интилаётган, қизиқувчан, фидоий, прагматик ҳамда зукко талабалар учун замонавий талабларга жавоб бера оладиган дарслик яратиш лозим. Ушбу дарслик олий таълимнинг иқтисодиёт йўналишидаги бакалавриат, магистратура талабалари, тегишли ихтисослик коллежлари ва лицейлари ўқувчилари ҳамда шу соҳага қизиқувчи тадбиркорлар учун мўлжалланган.

Дарслик мантиқан изчил бўлган 4 бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда бухгалтерия ҳисоби назариясининг барча жабҳалари: ҳисоб турлари, бухгалтерия ҳисобининг функциялари, бухгалтерия ҳисоби фанининг предмети, объектлари, субъектлари, бухгалтерия ҳисобининг усуллари, бухгалтерия ҳисобининг регистрлари ва шакллари, бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ҳамда такомиллаштириш масалалари бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари асосида кўриб чиқилган.

Дарсликнинг иккинчи бўлимида бошқарув ҳисобининг муҳим элементи бўлмиш ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ҳамда маҳсулот таннархини аниқлаш масалалари атрофлича ёритишга ҳаракат қилинган.

Учинчи бўлимда молиявий ҳисобнинг барча элементлари — асосий воситалар, лизинг муомалалари,

номоддий активлар, узоқ муддатли молиявий инвестициялар, ишлаб чиқариш захиралари, пул маблағлари, ҳисоб-китоб муомалалари, капитал ҳамда резервлар, молиявий натижалар ва бошқа мавзулар кўриб чиқилган.

Тўртинчи бўлимда бошқа ўқув адабиётлардан фарқли равишда, ҳисобнинг янги тури бўлган солиқ ҳисобининг элементлари — юридик шахслар тўлайдиган солиқлар, уларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибларининг услубий асослари батафсил ёритилган.

Дарсликнинг яна бир эътиборни жалб қиладиган томони шундаки, унда бухгалтерия ҳисобининг янги объектлари — лизинг муомалалари, номоддий активлар, молиявий инвестициялар, консигнация муомалаларининг иқтисодий маъноси, мазмун-моҳияти ҳам кенгроқ ёритилган.

Муаллифлар дарсликнинг 6, 8 ва 12-бобларини тайёрлашда яқиндан ёрдам берган кафедра ўқитувчилари И.Очилов ва Д.Азларовга ўз миннатдорчилигини билдиради.

I бўлим

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ НАЗАРИЯСИ

1-боб. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

1.1. Ҳисоб ҳақида умумий тушунча

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳисоб корхона маблағларини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш жараёнида моддий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, бошқариш ва раҳбарлик қилиш учун жуда муҳим ҳисобланади. Корхона фаолиятининг барча жараёнларини узлуксиз кузатиб бориш зарур. Корхона хўжалик фаолиятида юз берадиган айрим ҳодисаларни кузатиш, ўлчаш ва рўйхат қилиш унинг фаолиятини миқдорларда акс эттиришдан иборатдир. Бу ҳисобнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Ҳисоб ишлари жуда қадим-қадимларда вужудга келган. У турли ижтимоий-иқтисодий босқичларда мавжуд бўлган. Турли ижтимоий-иқтисодий босқичларда ҳисобнинг мазмуни, аҳамияти, вазифаси, техникаси ва шакллари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлар бевосита шу ижтимоий-иқтисодий босқичларнинг ишлаб чиқариш усули билан белгиланган. Ҳисоб моддий ишлаб чиқариш тараққиётининг ҳамма босқичларида фойдаланилган ва у тобора такомиллашиб борган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, ҳисобнинг бажарадиган вазифаларини белгилашимиз мумкин. Қуйидагилар ҳисобнинг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади:

♦ корхона, ташкилот ва муассасаларнинг хўжалик фаолиятида содир бўладиган жараёнларни кузатиб бориш;

♦ кузатиш натижасида олинган маълумотларни миқдор кўрсаткичларда ифодалаш;

♦ корхона, ташкилот ва муассасалар хўжалик фаолиятида содир бўладиган жараёнларни ҳужжатларда акс эттириш;

♦ махсус ҳужжатларда қайд қилинган хўжалик муомалаларини умумлаштириш ва гуруҳлаш;

♦ корхона, ташкилот ва муассасалар хўжалик фаолияти устидан узлуксиз назорат олиб бориш ва унга таъсир этиш.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин эркин бозор муносабатларига асосланган жамиятни барпо этишдек улкан масъулиятли вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Фақатгина бозор иқтисодиёти орқалигина биз тўкин-сочин жамиятни ҳамда эркин, фаровон ҳаётни бунёд этиш мумкин.

Бозор муносабатларига ўтишда ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини ўзгартириш, бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулидан демократик бошқарувга асосланган жамиятга ўтиш, иш юритишда ишбилармонлик ва уддабуронлик имкониятларини қўллаб-қувватлашга кенг эътибор берилмоқда. Шу билан бирга мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келмоқда. Бу ўзгаришларнинг ҳаммаси ҳисоб ишларини такомиллаштириш ва уни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни тақозо этади.

Мана шу жараёнда ҳисобни тўғри ташкил қилиш ва корхонани самарали бошқариш учун маълум талабларга риоя қилиш керак. Бу талаблар қуйидагилардан иборат:

1. ***Ҳисоб ва режа кўрсаткичларининг бирлиги.*** Бу талаб корхонада режа кўрсаткичларини ҳисоб кўрсаткичлари билан таққослаш ва режа кўрсаткичларининг бажарилиши устидан узлуксиз назорат олиб боришни таъминлайди. Режа ва ҳисоб кўрсаткичларини таққослашнинг зарурлиги шундаки, корхонанинг истиқболдаги ишлар режасини тузиш учун ҳисоб кўрсаткичлари ёрдамида ўтган даврда қандай натижаларга эришилганлиги тўғрисида маълумотлар олади.

2. ***Ҳисобнинг аниқлиги ва тўғрилиги.*** Барча ҳисоб маълумотлари аниқ ва тўғри бўлиши ҳамда улар айни вақтда объектив бўлиши лозим. Ҳисоб маълумотлари фақат ютуқларни эмас, балки камчиликларни ҳам ошкора акс эттирищи лозим.

3. ***Ҳисобнинг оддийлиги ва тушунарли бўлиши.*** Бу талабга кўра, ҳисоб кўрсаткичлари оддий ва барча фойдаланувчилар учун тушунарли бўлиши керак, бу эса хўжаликни бошқарищда ҳар бир ходимга ҳисоб маълумотларидан фойдалана олиш имкониятини беради.

4. ***Ҳисобнинг тежамкорлиги.*** Ушбу талабга кўра, ҳисоб ишларини узлуксиз такомиллаштириш ва соддалаштириш, ҳисоб олиб боришнинг замонавий ва арзон усулларини жорий қилишга ҳисоб ходимлари сонини камайтириш йўли билан эришиш мумкин.

5. ***Ҳисобнинг тўлиқлиги ва ўз вақтида бажарилиши.*** Ҳисоб хўжалик жараёнининг ҳамма томонини эгаллаши ва у тўғрида тўлиқ маълумот бериши лозим. Содир бўлаётган хўжалик муомалалари тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида берилиши лозим. Ўз вақтида ва тўлиқ олиб борилган ҳисоб ёрдамидагина корхонанинг хўжалик фаолиятига тўғри раҳбарлик қилиш, хўжалик жараёнини мукаммал ўрганиш, содир бўлган камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф этиш имкониятларига эга бўлиши мумкин.

Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ҳамма ишларини ҳисобга олиш миқдорий ифодалаш ва сифат жиҳатдан тўғри тавсифнома бериш учун зарурдир. Шу боисдан ҳам ҳисоб ёрдамида кузатиладиган объектлар сон кўрсаткичлари билан ифода этилади. Ҳисобда шу мақсад учун натура, меҳнат ва пул ўлчовларидан фойдаланилади.

Натура ўлчови хўжалик маблағлари ва уларнинг иш жараёнидаги ҳаракатларини натура ҳолда ифодалаш учун хизмат қилади. Натура ўлчовларини қўллаш ҳисобга олинаётган объектнинг хусусиятларидан, яъни унинг физик ва истеъмол хоссасидан фарқ қилади. Масалан, ҳисоб объектлари: оғирлик бирлигида (грамм, килограмм, тонна); узунлик бирлигида (сантиметр, метр) ва бошқаларда ўлчанади.

Меҳнат ўлчови маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки бирон-бир ишни бажариш учун сарфланган

иш вақтини аниқлаш учун хизмат қилади. Бу ўлчовга мисол қилиб *киши/кун*ни, *киши/соат*ини келтириш мумкин.

Пул ўлчови корхонанинг хўжалик маблағларини ва уларнинг манбаларини, шунингдек, хўжалик жараёнларини ҳисобга олиш ва улар устидан назорат ўрнатиш мақсадида умумлашган маълумот олиш учун фойдаланилади. Пул ўлчови ёрдамида ҳисобнинг муҳим асоси — хўжалик фаолияти устидан пул билан назорат ўрнатилади. Бундан ташқари, пул ўлчови сифат кўрсаткичи — маҳсулот бирлигининг таннархини аниқлашга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасида пул ўлчовининг бирлиги сифатида сўм ва тийин бирликлари қўлланилади.

1.2. Ҳисоб турлари

Иқтисодий ҳаётда рўй бераётган ўзгаришларни ўз вақтида ва тўғри ҳисобга олиб бориш мураккаб жараён ҳисобланади. Иқтисодиётдаги мана шу ўзгаришларни акс эттиришни соддалаштириш борасида ҳисобни туркумларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Бутунги кунда ҳисобнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- оператив ҳисоб;
- статистик ҳисоб;
- бухгалтерия ҳисоби.

Оператив ҳисоб ишлаб чиқаришнинг айрим бўлинмаларида содир бўлаётган хўжалик жараёнлари ва хўжалик муомалалари ҳақида зарур маълумотларни тезкор ҳолатда етказиб беришга қаратилган жорий кузатиш ва назорат қилиш усулидир. Хўжалик муомалаларини амалга оширишда бу ҳисоб ёрдамида режалаштирилган кўрсаткичлар ҳақиқатда эришилган кўрсаткичлар билан ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан солиштирилади, олинган маълумотлардан корхона ёки унинг бўлинмалари фаолиятини бошқаришда фойдаланилади.

Оператив ҳисобнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда хўжалик жараёни тўғрисидаги маълумотлар тезлик билан қайд қилинади ва тегишли жойга зудлик билан етказилади. Бундай маълумотлардан эса муайян корхонада хўжалик жараёни, шунингдек, бутун халқ

хўжалигига оператив раҳбарлик қилиш учун фойдаланилади. Оператив ҳисобда барча ўлчовлар — натура, меҳнат ва пул ўлчовларидан кенг фойдаланилади.

Статистик ҳисоб муайян шароитда халқ хўжалигининг бутун миқёсида ҳамда айрим соҳаларида ижтимоий ривожланиш қонуниятларини миқдорий ифодада ўрганади. Демак, статистик ҳисоб оммавий-ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш ва назорат қилиш тизимидан иборатдир.

Статистик ҳисоб тегишли усуллардан, масалан, статистик кузатиш, статистик йиғиш, статистик гуруҳлаш, ўртача миқдорларни ҳисоблаш ва бошқалардан фойдаланиб, жамият хўжалик фаолияти ривожланишининг асосий қонуниятларини аниқлайди. Статистик кўрсаткичлар ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини миқдор ва сифат жиҳатидан ифодалайди. Шу билан биргаликда статистик ҳисоб орқали мамлакатнинг макроиқтисодий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам ҳисобланади. Булар жумласига қуйидагилар киради: Ялпи ички маҳсулот, Миллий даромад, Соф миллий маҳсулот, инфляция даражаси, ишсизлик даражаси, аҳоли сони, аҳоли таркиби, аҳолининг иш билан бандлик даражаси ва бошқалар.

Статистик ҳисобда ўрганилаётган ҳодисаларнинг хусусиятларига қараб, пул, натура ва қиймат ўлчовлари қўлланилади. Статистик ҳисоб хўжалик фаолияти ҳақидаги дастлабки маълумотларни мустақил ташкил қилинадиган бошланғич ҳужжатлар асосида олади. Бундан ташқари, статистик ҳисоб хўжалик фаолияти ҳодисаларини ўрганишда бухгалтерия ва оператив ҳисобнинг маълумотларидан кенг фойдаланади.

Бухгалтерия ҳисоби — бу кундалик ва умумий маълумотлар олиш мақсадида корхоналар хўжалик фаолиятини узлуксиз равишда кузатиш ва назорат қилиш тизимидан иборатдир.

Бухгалтерия ҳисоби ягона халқ хўжалиги ҳисоби тизимининг бир тури бўлганлиги сабабли ҳисобга хос бўлган ҳамма умумий вазифалар унга тегишлидир.

Бухгалтерия ҳисобининг статистик ва оператив ҳисобдан фарқли томонлари қуйидагилардир:

♦ корхоналар маблағларининг жойланиши ва уларнинг ташкил топиш манбаларида бўладиган ўзгариш-

ларга олиб келувчи ҳамма хўжалик жараёни ва муомалаларини ёппасига қайд қилади;

♦ бу жараён ва ўзгаришлар икки ёқлама ёзиш усули билан мунтазам, узлуксиз ҳамда ўзаро боғланган равишда қайд қилинади;

♦ ёзув фақат ҳужжатларгагина асосланади;

♦ ҳамма хўжалик муомалалари бухгалтерия ҳисобида пул ифодасида акс эттирилади.

Демак, бухгалтерия ҳисоби корхоналарда содир бўлаётган хўжалик жараёни ва муомалаларини пул ифодасида ёппасига узлуксиз, ўзаро боғланган, ҳужжат билан асосланган ҳолда акс этишини таъминлайди. Ҳисобнинг бу тури оператив ҳисобдан фарқ қилиб, айрим хўжалик операцияларини ёки жараёнларини эмас, балки корхона хўжалик фаолиятининг ҳамма томонини қамраб олгани учун статистик ҳисоб каби мустақил иқтисодий фан ҳисобланади.

1.3. Бухгалтерия ҳисоби тарихи

Бозор иқтисодиётига ўтиш бухгалтерия касбининг ғоятда масъулиятли ва машаққатли эканлигини яна бир бор кўрсатмоқда. Бухгалтер касбининг шарафли ва машаққатли касб эканлигини тарихга бир назар ташлаш орқали ҳам сезиш мумкин.

Хўжалик ҳисоби тахминан эрамиздан 4 минг йил илгари хўжалик фаолиятининг талаблари асосида юзага келган. Ижтимоий босқичларнинг ўзгариб бориши натижасида ҳисоб объектлари ҳам алмашиб турган ва биринчи ҳисоб услуби — *инвентаризация*, иккинчиси *контокоррент* билан, яъни хўжалик жараёнида шахслар орасидаги ҳисоб-китобларни олиб бориш билан тўлдирилган.

Молиявий муаммоларни акс эттирувчи ёзувлар илк бор бундан 4000 йил муқаддам қилинганлиги аниқланган. Хусусан, мисрлик ер эгалари далаларни суғоришда Нил дарёси сувидан фойдаланганликлари учун дон ва олган ҳосилларидан солиқларни тўлаш бўйича ҳисоб юритишган. Солиқчилар ер эгаларининг уй деворларида тўланган солиқ ҳамда тилхатни билдирувчи белгилар ёрдамида ёзувлар қолдиришган. Археологларнинг фикрича, Месопотамиядан топил-

ган лойдан ясалган ёзувли жадваллар ҳам илк ҳисоб тамойиллари пайдо бўлганлигидан далолат беради. Ҳисоб тизимлари эрамиздан аввалги 2000 йилда ривожланган, икки ёқлама бухгалтериянинг элементлари эса илк христианлик давридаги Римда пайдо бўлган. Ўша даврда римликларга «амортизация» тушунчаси ҳам таниш эди.

Ўрта асрларга келиб бозор муносабатлари ривожлана бошлаган, лекин хўжалик фаолиятини баҳолашнинг самарали услубларсиз ўсишга эришиш мумкин эмас эди. Самарадорлик даражасини баҳолашда олинган фойдани сарф этилган капиталга нисбатини олиш керакми ёки фақатгина ўз капиталига нисбатини олиш керакми деган масала пайдо бўлган. Бу масалани ечиш учун ҳисобчилик ишларида кескин ислоҳот ўтказиш зарурияти, яъни ўз маблағларини ҳисобга олишда счётлар тартибини киритиш, тартиб бўйича барча хўжалик жараёнларини икки марта бир хил қийматда бир счётнинг дебетида ва иккинчи счётнинг кредитида акс эттиришга эҳтиёж туғилган. Аввал молни сотиб олиш ёки сотиш оддий ҳисоб юритишда бир хилда акс эттирила бошлаган, чунки уларда ўз маблағларининг счётлари йўқ бўлганлиги сабабли моддий қийматликларни ҳисобдан чиқариш ёки қайтариб олмаслик шарти билан олинган маблағларни бир хил ёзувда акс эттириш биринчи ҳолда счётнинг кредитида ва иккинчи ҳолда шу счётнинг дебетида қайд этиш орқали амалга оширилган.

Икки ёқлама ёзув тизими 13—14 асрларда Шимолий Италиянинг айрим савдо марказларида қўлланила бошлаган. Икки ёқлама бухгалтерия тўла тизимининг илк ҳужжатида 1340 йил санаси акс эттирилган ва бу Генуя муниципиал ёзувларида бўлганлиги аниқланган. Биринчи бухгалтерия ҳисоби тизими Лука Пачоли исмли роҳиб томонидан юритилган. У ёзган китобнинг номи «Арифметика ва геометрия суммаси, пропорция ва нисбатлар ҳақидаги билимлар» эди. Асосан математикага бағишланган бу китоб 1494 йилда ёзилган. Баъзи олимларнинг таъкидлашича, ушбу меҳнатнинг бир қисми бўлмиш «Счётлар ва ёзувлар ҳақида рисола» айнан буҳгалтерия ҳисобининг пайдо бўлишини билдиради. Унда биринчи бўлиб счётларни юритиш, бухгалтер ва харидорларга қўйиладиган талаблар, икки

ёқлама бухгалтериянинг асосий ғоялари таърифи, инвентарларнинг ўзгартирилиши каби тушунчалар, бухгалтерия баланси тушунчаси ва бухгалтерия ҳисобининг асосий жараёни (процедураси) баён қилинган. Лука Пачоли асари илк маротаба бухгалтерия ҳисобига тизимий ёндашишни акс эттирганлиги билан алоҳида эътиборга моликдир.

«Бухгалтер» (немисча buch — китоб, halten — тутмоқ, сақламоқ) сўзи эса илк маротаба Германияда 1498 йил 13 февралда, Лука Пачолининг асари нашр этилгандан 4 йил ўтгач пайдо бўлди. Император Максимилиан I нинг фармонида шу сўз қўлланилган эди.

Бухгалтерия ҳисоби ва назоратининг асосини Европа ва Америка бухгалтерия йўналишлари ташкил этади. Тарихий манбаларга кўра, 19-асрнинг охирига келиб бухгалтерия ҳисобида қуйидаги мактаб ва йўналишлар мавжуд бўлган:

1. Италия бухгалтерия мактаби ва йўналиши.
2. Франция бухгалтерия мактаби.
3. Немис бухгалтерия йўналиши.
4. Англо-Америка бухгалтерия мактаби.

Италияда бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳуқуқий томонга аҳамият берилган. Унинг кўзга кўринган намояндалари бўлиб Ф.Вилла, Ф.Марш, Ж.Чербони, Ж.Росси ва бошқалар ҳисобланиб, уларнинг фикрича, бухгалтер моддий қийматликларни эмас, балки корхонанинг моддий жавобгар шахсларининг (яъни агентларнинг) юридик ва жисмоний шахсларнинг (яъни корреспондентларнинг) ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳисобга олиши деб ҳисобланган. Шундай қилиб, бухгалтер маблағларни эмас, балки моддий жавобгар шахсларнинг жавобгарлигини оширишни, бошқача қилиб айтганда, ғазнадаги пулни ёки омбордаги мол ва ашёларни эмас, балки ғазнабон ёки омборчининг жавобгарлигини ҳисобга олган. Э. Дагранжанинг қоидасига кўра, берувчи кредитланиб, олувчи дебетланган. XX-асрда бухгалтерга ҳуқуқшунос, судья (ҳакам) сифатида давлат ҳуқуқларини амалда қўлловчи шахс мақомини бериш масалалари бир неча бор кўтарилди.

Францияда бу соҳанинг фарангистонлик йирик намояндалари Ж.Куриль-Сенебль, А.Гильбо, Н.Б.Дюморис ва бошқалар бухгалтерия ҳисобини қуйидагича

талқин қилишди: бу соҳанинг асосий вазифасини бошқалар маблағи сақланиши устидан назоратни таъминлаш эмас, балки корхона ва ташкилотлар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашдир. Бухгалтер биров маблағининг қоровули эмас, балки иқтисодчидир. У махсус услубиёт ёрдамида капитал, захиралар, моддий қийматликларнинг ҳаракатини кўрсатиши зарур. Лекин уларнинг юридик сояси сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини кўрсатишга аҳамият бериши шарт эмас, дейишади. Бу ерда икки ёқлама ёзув табиатига бошқача қараш юзага келди, яъни харажатсиз кирим йўқ, деб таълимот беришади. Хулоса қилиб айтганда, бу мактаб намоёндалари Ж.Прудон фикрларини умумлаштириб, бухгалтерия ҳисоби ҳақиқий сиёсий иқтисод деган фикрга келишган. Уларнинг фикрича, иқтисодчиларнинг катта қисми ёмон бухгалтерлардир, чунки улар кирим ва чиқим дафтарларини юритиш тўғрисида кўп нарсани билмайдилар, дейишган.

Германияда бу йўналиш намояндалари ёзувларнинг кетма-кетлиги, ҳисобчилик шаклларига катта аҳамият берадилар. Германиядаги бу таълимотнинг тарафдорлари Ю.Гюгли, И.Ф.Шер, Г.Никлеши ва бошқалар Италия ёки Франция бухгалтерия йўналишидаги каби счётлардан балансга ўтишни эмас, балки балансдан счётларга ўтишни таклиф этади. Агар юқоридаги икки мактаб вакиллари ҳар қандай счётнинг дебети ва кредитини бир хил мезон сифатида кўрсатсалар, яъни бир қаторлик счётлар назариясини қўлласалар, олмон мактабининг вакиллари эса дебет ва кредитнинг сифати счётнинг актив ёки пассивлигига қараб ўзгаришини, яъни счётларнинг икки қаторлилик назариясини эътироф этадилар.

Англия ва Америкада бу мактаб вакиллари бухгалтерия ҳисоби орқали одатларни ва улар ёрдамида корхоналарни бошқариш қуроли эканлигини кўрсатадилар. Уларнинг фикрича, бухгалтерия маълумотлари психологик жиҳатдан администраторларнинг стимулидир.

Буюк Британиянинг таркибий қисми бўлмиш Шотландия пойтахти Эдинбург шаҳри маълумотномасига асосан, 1773 йилда 7 нафар бухгалтер бор эди. XIX асрнинг охирида эса бу ерда «Бухгалтерлар жамияти» ташкил этилди. 1880 йилда қиролича Виктория «Анг-

лия ва Шотландияда қасамёд қилган бухгалтерлар институти» ташкил этилишини маъқуллаган. Шу вақтдан бошлаб профессионал бухгалтерлик касби давлат миқёсида тан олинди.

Америка олимлари Г.Эмерсон, Ч.Гариссон, Ч.Клари, В.Патон ва бошқаларнинг бу соҳадаги ютуқлари бўлиб, «стандарт-кост», «директ-кост» ва «мажбуриятлар маркази»нинг яратилиши ҳисобланади. Бу ютуқлар вақти келиб бухгалтериянинг махсус тармоғи бўладиган бошқарув ҳисобини яратишда хизмат қилади.

Россияда бухгалтерия ҳисоби 18-асрнинг бошларида, илк саноат корхоналарининг пайдо бўлиши билан вужудга келган. Бу давлатда бухгалтерия ҳисобининг ривожига Петр I ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган.

19-асрнинг охири 20-асрнинг бошларида Туркистонда ҳам бухгалтерия фани ривожлана бошлаган. Уни ривожлантиришда катта ҳисса қўшган, ҳатто ўзбек бухгалтерия ҳисоби асосчиси сифатида эътироф этиладиган шахс Мулла Зайниддиндир. У киши рус тилини мукаммал билиб, Санкт-Петербургда бухгалтерия ҳисобини асосларини ўрганиб, Тошкентда биринчи бухгалтерия мактабини ташкил этган ва бухгалтерия фанини талабаларга ўргатган. Бухгалтерия ҳисобида назорат, шахмат мемориал-ордер шакллари ривожи унинг номи билан боғликдир.

Ҳозирги кунда республикамизда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисобига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини юксак чўққиларга олиб чиқиш учун ўзбек олимларидан С.Қодирхонов, А.Сотволдиев, Р.Ражабов, С.Воҳидов, О.Бобожонов, М.Тўлахўжаева, Э.Гадоев, Т.Жўраевлар ўз ҳиссаларини қўшган ва бу ишларни самарали давом эттирмоқда.

1.4. Бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва функциялари

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни тўлиқ ва ишончли молиявий ҳамда бухгалтерия ахбороти билан ўз вақтида таъминлашдан иборат. Ҳар қандай бошқарув тизими ахборот билан таъминлашнинг тегишли тизимига эҳтиёж сезади. Ахборот тўплаш,

умумлаштириш ва қайта ишлашнинг энг муҳим воситаларидан бири бухгалтерия ҳисобидир.

Бундан ташқари, корхона янги фактлар ва ҳодисаларни ўз вақтида ҳамда тўғри ҳисобга олиши, талқин этиши ва ана шу асосда барқарор ривожлана олиши учун у маълумотлар йиғиш ва қайта ишлашнинг самарали тизимига эга бўлиши керак.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- корхонада содир бўлаётган хўжалик муомалаларини ҳужжатларда ўз вақтида расмийлаштириш;
- бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни шакллантириш;
- самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;
- молиявий ҳисоботни ўз вақтида тузиш ва тегишли органларга тақдим этиш.

Бухгалтерия ҳисобининг функциялари қуйидагилардир:

- режали;
- назорат;
- ахборот;
- таҳлилий функция (баҳолаш);
- ҳисоб.

Режали функция режалаштирилаётган ишлаб чиқариш учун пул ва моддий воситалар эҳтиёжига асосан ҳисоблаш, тахмин қилинаётган даромад (фойда), маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархини режалаштириш, шунингдек, қўйилган мақсадга эришиш йўлларини излашдан иборат.

Назорат функцияси ишлаб чиқариш жараёни ва иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳақиқатда бажарилиши ва бизнес-режаларда мўлжалланганини кузатиш, яъни хатти-ҳаракатлар мўлжалланган режага қанчалик мувофиқлигини белгилаш жараёнидир.

Ахборот функцияси ички ва ташқи фойдаланувчилар учун корхона ҳақида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлашни билдиради. Бу функция қўйилган мақсадларни амалга ошириш учун корхона раҳбари, ташқи инвесторлар ва фойдаланувчиларга асосан мо-

лиявий ахборотга асосланадиган самарали ахборот тизими зарурлиги натижасида келиб чиқади.

Таҳлилий функция корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш мақсадида қарор қабул қилиш учун илгари қабул қилинган стратегия ва тактикасини баҳолаш ва таҳлил қилиш жараёнидир. Таҳлил натижасида корхонада бой берилган имкониятларни ҳисоблаб чиқиш, мавжуд резервлар ҳажмини белгилаш, ускуналар, меҳнат ва хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш даражасини ошириш, шунингдек, моддий ресурслар билан узлуксиз таъминлашни йўлга қўйиш мумкин.

Ҳисоб функцияси корхона хўжалик фаолиятининг ҳужжатлар асосидаги ялпи, узлуксиз ва ўзаро боғланган ифодасидир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ҳисоб ҳақида тушунча.
2. Ҳисобни тўғри ташкил қилишга қўйиладиган талаблар.
3. Ҳисобда қўлланиладиган ўлчов бирликлари.
4. Ҳисобнинг қандай турлари мавжуд?
5. Оператив, статистик ва бухгалтерия ҳисобининг ўхшаш ҳамда фарқли томонлари нималардан иборат?
6. Бухгалтерия ҳисоби қайси даврда вужудга келган?
7. Бухгалтерия ҳисобининг қандай мактаб ва йўналишлари мавжуд?
8. Бухгалтерия ҳисобининг мақсади нимадан иборат?
9. Бухгалтерия ҳисоби қандай вазифа ва функцияларни бажаради?

2-боб. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ОБЪЕКТИ, СУБЪЕКТЛАРИ ҲАМДА УСУЛЛАРИ

2.1. Бухгалтерия ҳисобининг предмети

Мулкчилик ва тармоқ шаклидан қатъий назар, барча корхоналарда бухгалтерия ҳисоби юритилади. У корхонадаги хўжалик маблағларининг тузилиши, жойланиши, қайси манбалардан ташкил топганлиги ҳамда хўжалик жараёни ва муомалалари таъсири остида бўлаётган ўзгаришларнинг бориши устидан узлуксиз назорат олиб боради.

Бухгалтерия ҳисобида корхона ихтиёридаги маблағлар, хўжалик жараёни ва унинг таъсири остидаги хўжалик маблағларининг ҳажми, тузилиши, жойланиш ва тайинланишидаги содир бўладиган ўзгаришлар акс эттирилади ҳамда корхоналар хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари аниқланади.

Бухгалтерия ҳисоби воситасида корхоналар хўжалик фаолияти жараёни, маблағлари акс эттирилади ҳамда уларнинг ташкил топиш манбалари нималардан иборат эканлиги тўғрисидаги маълумотлар олинади.

Шуниси ҳам борки, бухгалтерия ҳисобида фақат пул ўлчовида фойдаланиш мумкин бўлган хўжалик жараёни ва маблағларигина ўз аксини топади. Пул ифодасига эга бўлмаган корхоналарнинг мулклари бухгалтерия ҳисобида ўз аксини топмайди. Агар уларнинг қиймати аниқланиб, пулда ифодаланган бўлса, у ҳолда булар ҳам бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олинади.

Демак, бухгалтерия ҳисобининг предмети корхонанинг пул ифодасида акс эттириладиган хўжалик маблағлари, шу маблағлар манбалари, уларнинг хўжалик фаолияти ва молиявий натижаларидир.

Бухгалтерия ҳисоби предметини бундай таърифлаш билан барча корхоналар учун умумий бўлган халқ хўжалигининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришини

олиб бориш кўрсатилади. Бу бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим хусусиятларидан биридир.

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқа тармоқлари корхоналарида, тижорат банклари, суғурта компаниялари, ноишлаб чиқариш тармоғи корхоналари ва умуман олганда барча корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда юритилади. Ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва бутун иқтисодиёт бўйича бухгалтерия ҳисоботларини йиғиш ва бу маълумотларни керакли кўрсаткичларда гуруҳлаштириш натижасида ҳамма корхоналарнинг хўжалик маблағлари, уларнинг тузилиши, жойланиши ва тайинланиши, хўжалик фаолияти ҳақидаги бухгалтерия ҳисобининг маълумотларига эга бўладилар.

Бухгалтерия ҳисобининг предмети ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш учун бухгалтерия ҳисобининг объектлари билан яқиндан танишмоғимиз лозим.

2.2. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари ва субъектлари

Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, ўз сармояси, резервлар, даромад ва харажатлар, фойда ва зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган хўжалик операциялари ***бухгалтерия ҳисобининг объектлари*** ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобининг объектини умумлаштирилган ҳолда қуйидагилар ташкил этади: хўжалик маблағлари, хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалари, хўжалик жараёнлари ва молиявий натижалар.

Қуйидаги чизмада бухгалтерия ҳисобининг объектлари кўрсатиб ўтилган:



Корхоналар молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишн учун маълум турдаги маблағларга эга бўлиши керак. Улар хўжалик жараёнида турли функцияларни бажаради ва шунинг учун улар бухгалтерия ҳисобида хўжалик маблағлари деб юритилади. Бухгалтерия балансида хўжалик маблағлари активлар сифатида эътироф этилади.

Активлар — субъект назорат қиладиган, келгусида улардан даромад олиш мақсадида аввалги фаолият натижасида олинган иқтисодий ресурслардир. Корхона, ташкилот ва муассасаларда активлар асосан қуйидаги турларга бўлинади:

- узоқ муддатли активлар;
- айланма (жорий) активлар.

Узоқ муддатли активлар деб, узоқ муомала муддатига эга бўлган (12 ойдан ортиқ) ва инвестициялаш мақсадида сақлаб турилган ҳамда ҳисобот кунидан бошлаб 12 ой давомида сотилиши мумкин бўлмаган активлардир. Уларнинг таркибига асосий воситалар, номоддий активлар, узоқ муддатли молиявий инвестициялар, капитал қўйилмалар ва бошқа узоқ муддатли активлар киради.

Айланма (жорий) активлар деб, асосан қайта, такрорий сотиш мақсадида ёки қисқа муддатда ушлаб турилган ва ундан ҳисобот кунидан кейинги 12 ой мобайнида фойдаланиш кутилаётган активларга айтилади. Айланма активлар таркибига ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот ва товарлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари, пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ҳамда жорий дебиторлик қарзлари киритилади.

Корхона маблағлари ҳар хил манбалар ҳисобига шаклланади. Бухгалтерия балансига биноан хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалари 2 турга бўлинади:

- ўзлик маблағларининг манбалари;
- мажбуриятлар.

Ўз маблағлари манбалари таркибига корхонани ташкил этиш пайтида ҳосил қилинган устав капитали, шунингдек, қўшилган капитал, резерв капитали, мақсадли тушумлар, корхонанинг ишлаб топилган соф фойдасидан шакллантирилган бошқа воситалар киради.

Мажбуриятлар шахснинг (қарздорнинг) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ишни амалга ошириш, масалан, мол-мулкни топширишни бажариш, пул тўлаш ва бошқа мажбуриятларидир ёки муайян ҳаттиҳаракатдан тийилиб туриш мажбуриятидир.

Ҳар бир корхона муайян турдаги фаолиятни амалга оширишга ихтисослашган. Бирор-бир турдаги фаолиятни амалга ошириш, хусусан, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз давом этиб туриши учун аввал таъминот, кейин эса сотиш жараёнини амалга ошириш лозим.

Таъминот жараёни корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг нормал бориши учун мунтазам равишда хомашё, материал, ёқилғи, шунингдек, турли хилдаги асосий воситаларнинг харид қилиб турилиши зарурлиги билан изоҳланади. Бу жараён ишлаб чиқариш жараёни учун зарур воситаларни мол етказиб берувчилардан пулга сотиб олиб, корхонага келтириш билан чегараланади.

Ишлаб чиқариш жараёни моддий неъматлар яратиш билан боғлиқ бўлган энг мураккаб хўжалик муомалаларини ўз ичига олади. Бу жараёнда меҳнат буюмлари, меҳнат воситалари ҳамда ишчи кучи ёрдамида истеъмол қийматига эга бўлган моддий неъматлар ишлаб чиқарилади.

Сотиш жараёни хўжалик маблағлари айланишининг сўнгги босқичи бўлиб, бу босқичда корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар харидор ва истеъмолчиларга шартномалар асосида етказилади. Сотиш жараёни хўжалик жараёнини тугаллайди ва яна янгидан таъминот жараёни бошланади ҳамда бу жараён олдингига қараганда кенгроқ тус олади.

Ҳисобот давридаги корхона фаолиятининг якуний кўрсаткичи бўлиб молиявий натижа ҳисобланади. **Молиявий натижа** — хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард иқтисодий якунидир.

Молиявий натижа, яъни фойда ёки зарарни ўлчашда даромадлар ва харажатлар бевосита дахлдор элементлар ҳисобланади.

Даромадлар ва харажатлар қуйидагича аниқланади:

— ***Даромадлар*** — *бу ҳисобот даврида иқтисодий фой-*

дани активлар оқими ёки кўпайиши шаклида ўсиши ёки пассивларни қатнашчиларнинг капиталдаги омонатларидан фарқ қилувчи ўсишига олиб келувчи камайишидир;

*— **Харажатлар** — ҳисобот даврида иқтисодий фойдани активларнинг чиқиб кетиши ёки улардан фойдаланиш шаклида камайиши, шунингдек, қатнашчилар ўртасида капиталнинг камайишига олиб келувчи мажбуриятларнинг юзага келишидир.*

Даромадлар ва харажатларни аниқлаш уларнинг асосий хусусиятларини белгилайди, шу билан биргаликда улар молиявий натижа, яъни фойда ёки зарарни аниқлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳисобот даврида олинган барча даромадларнинг харажатлардан ортиши **фойда** сифатида эътироф этилади. Агар корхонанинг ҳисобот давридаги барча харажатлари барча даромадларидан ортиқ бўлса, у ҳолда молиявий натижа **зарар** сифатида эътироф этилади.

"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган хоҳ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, хоҳ унинг ташқарисида жойлашган барча хўжалик субъектлари юридик шахслар, уларнинг шўъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмалари **бухгалтерия ҳисоби субъектлари** ҳисобланадилар.

Юридик шахс ҳисобланмайдиган, аммо банкда счётга ва тугалланмаган балансга эга бўлган хўжалик субъектлари ҳам бухгалтерия ҳисоби субъектлари ҳисобланадилар ва ҳисобни "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ юритадилар.

2.3. Бухгалтерия ҳисобининг усуллари ҳақида тушунча

Бухгалтерия ҳисоби ўзининг предмети хусусиятларига мос ўрганиш усулларидан фойдаланадики, булар маълум кузатиш натижаларини пул кўрсаткичида ифодалаш, қайд қилиш ҳамда уни зарур ёзувлар ёрдамида тартибга солиш, унинг натижаларини аниқлашдан иборатдир. Ҳар бир фанда бўлгани каби, бухгалтерия ҳисоби фанида ҳам унинг предметини ўрганиш усуллари мавжуд. Бу усулларга қуйидагилар киради:

Ҳужжатлаштириш. Бу корхона хўжалик фаолиятини кузатиб бориш, ҳисобга олинадиган хўжалик операцияларини назорат қилиш ва акс эттиришнинг асосий усулидир. Ҳужжатлаштириш бухгалтерия ҳисобида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар қандай содир бўлган хўжалик муомаласининг ҳужжатларда ўз вақтида ҳамда тўғри акс эттирилишини тақозо этади. Ҳужжатсиз бухгалтерия ҳисобида ёзувлар амалга оширилмайди. Ҳужжат юридик асосга эга бўлиб, улар корхона фаолиятига баҳо беришда бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ишончлилигини таъминлайди.

Инвентаризация. Бу бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан ҳақиқат ўртасидаги тафовутни бартараф қилиш мақсадида корхона маблағлари натура ҳолатини, ушбу корхонанинг бошқа корхоналар билан ҳисоб-китоб ишларини текшириш усулидир. Инвентаризация ёрдамида ҳақиқатдаги мавжуд моддий қийматликлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, дебитор ва кредиторлар бухгалтерия ҳисобидаги маълумотлар билан таққосланади. Аниқланган тафовут, яъни маблағларнинг ортиқча ёки кам чиқиши тегишли далолатномаларда расмийлаштирилади ва ҳисобда акс эттирилади.

Баҳолаш. Баҳолаш хўжалик маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ва хўжалик жараёнини пул ўлчовида ифодалаш усулида намоён бўлади. Бу усул бухгалтерия ҳисобида натура ўлчовидаги мулкларни қиймат ўлчовига келтириш ва бир хил ўлчовда акс эттириш ҳамда умумлаштириш учун фойдаланилади. Ушбу усул ёрдамида мулклар умумлаштирилиб, умумий баланс чиқариш имкони мавжуд бўлади.

Калькуляция. Бу корхона фаолиятини бошқариш жараёнида сарфланган харажатларни ва ишлаб чиқарилган маҳсулот, иш ёки хизмат бирлигининг таннархини аниқлаш усулидир.

Ҳисобварақлар тизими. Ҳисобварақлар тизими ҳисоб объектларини уларнинг иқтисодий белгиларига қараб гуруҳлаштиришга асосланган. Ҳисобот даври мобайнида хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида турли-туман муомалалар содир бўлади. Улар ҳисобварақлар тизимидан фойдаланиб, хўжалик муомалаларининг маълум иқтисодий мазмунига қараб умумлаштирилади.

Ҳисобварақлар тизими бухгалтерия ҳисобини икки томонли тизимда юритиладиган акциядорлик жамиятлари, корхоналар, хусусий фирмалар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқлаган ягона ҳужжат ҳисобланади.

Икки ёқлама ёзув. Бу корхонада содир бўлган хўжалик муомаласини ҳисобварақлар тизимида акс эттириш усулидир. Бу усулнинг муҳим бир хусусияти шундан иборатки, ҳар қандай хўжалик муомаласига тегишли бир сумма бухгалтерия ҳисобида шу вақтнинг ўзида камида иккита ҳисобварақда акс эттирилади.

Бухгалтерия баланси. Хўжалик маблағлари ва манбаларини маълум бир санага бўлган ҳолатини акс эттириш усули ҳисобланади. Балансда корхона маблағларининг жойланиши ва таркиби, маблағлар манбаларининг ташкил топиши ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Ҳисобот. Маълум даврга бўлган хўжалик фаолиятини акс эттирувчи умумлаштирилган хўжалик жараёни ва муомалаларини уларнинг иқтисодий мазмунига қараб маълум тартибда гуруҳлаштирадиган ва ўзаро алоқадорлигини таъминлайдиган кўрсаткичларни акс эттирувчи шакллар йиғиндиси ҳисобот ҳисобланади. Ҳисобот корхонанинг маълум бир давр бўйича хўжалик фаолиятининг якунини кўрсатади.

2.4. Ҳужжатлаштириш

Корхона ва ташкилотларда содир бўлган хўжалик муомалаларини, шунингдек, мавжуд бўлган моддий бойликларни ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ва назорат қилишни таъминлаш учун бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланилади.

Бухгалтерия ҳисоби ишларини ташкил қилиш ва юритишда ҳужжатлардан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Чунки, корхонада содир бўлган ҳар бир хўжалик муомаласи ҳужжатлаштирилган тақдирдагина, унинг узлуксиз ҳисобга олиниши таъминланади. Шу билан биргаликда ҳужжатлардаги маълумотлар корхонада содир бўладиган хўжалик муомалаларининг ишончлилигини таъминлайди.

Хўжалик муомалаларини ҳужжатлаштириш корхонани оператив бошқаришга самарали таъсир кўрсатади, бошқарув ходимларининг ўз вазифаларини суиистеъмол қилмасдан, виждонан бажаришини таъминлайди.

Корхонада ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби шундай йўлга қўйилиши керакки, у сохталаштириш имкониятини, ўз вақтида келиб тушмаслиги ва уларни бухгалтерия ҳисобида кечикиб расмийлаштирилишини истисно қилсин. Мазкур масалада корхона раҳбарлари томонидан тегишли назоратнинг йўқлиги нохуш оқибатларга олиб келиши ҳамда пул ва товар-моддий бойликларнинг талон-тарож қилинишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ўтказилаётган хўжалик муомалаларига доир ҳужжатлар ҳаракати устидан корхона раҳбари томонидан ҳам, бош бухгалтер томонидан ҳам ўзаро икки томонлама назорат йўлга қўйилиши лозим. Бунинг учун корхонада ҳужжатларнинг аниқ айланишини йўлга қўйиш ва масъул ижрочиларни кўрсатган ҳолда ҳужжатлар оборотининг турли босқич чизмалар кўринишида графиклар ёки ишлар рўйхатини тузиш керак бўлади. Ҳужжатлар айланиши графигини амалга ошириш устидан назоратни бош бухгалтер амалга ошириши керак.

Бухгалтерия ҳисобида **ҳужжат** амалга оширилган хўжалик муомаласи тўғрисида ёзма гувоҳлик бўлиб, бухгалтерия ҳисоби маълумотларига юридик куч бағишлайди.

Бухгалтерия ҳисобида ҳамма хўжалик муомалаларини ҳужжатлаштириш жорий бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларига исботловчи куч беради. Баъзи ҳолларда хўжалик тортишувларини хўжалик суди томонидан тўғри ҳал қилиш имконини беради.

Ҳужжатлаштириш ёрдамида хўжалик маблағлари ҳаракатини ўз вақтида тўғри ҳисобга олиш, шунингдек, бир моддий жавобгар шахсдан иккинчисига ўтказишда моддий бойликларнинг бутлиги таъминланади. Шунинг учун ҳам хўжалик муомалаларини ҳужжатлаштириш натижасида корхона мол-мулкининг бутлиги таъминланади.

Корхона ва ташкилотларда ҳисоб-китобларни амалга ошириш, молиявий натижаларни аниқлаш, хуллас, барча жараёнлар ҳужжатларда акс эттирилади. Бу эса корхонада амалга оширилган хўжалик муомалалари устидан назорат ўрнатиш билан бирга, иш юритишда муайян тартиб-интизомни йўлга қўйилади ва оқибат натижада ҳисобни мустаҳкамлайди.

Ҳисоб ишларини умумлаштиришга фақат тўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар, яъни белгиланган техник андозаларда кўзда тутилган барча реквизитлари тўлдирилган ҳужжатлар қабул қилинади. Бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларининг реквизитлари қуйидагилардир:

- корхонанинг номи;
- ҳужжатнинг номи;
- унинг рақами ва санаси;
- хўжалик муомаласининг қисқача мазмуни;
- унинг миқдорий пулдаги ифодаси;
- мазкур хўжалик муомаласи учун жавобгар шахсларнинг исм-шарифи;
- мазкур хўжалик муомаласи учун жавобгар шахсларнинг шахсий имзолари;
- хўжалик муомалаларининг характери ва ҳисоб ахборотига ишлов бериш технологиясига боғлиқ ҳолда бирламчи ҳужжатларга бошқа зарур реквизитлар ҳам киритилиши мумкин.

Ҳужжатларга қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардир:

- ўз вақтида тузиш;
- тўлиқ ва ишончли бўлиши;
- хўжалик фаолияти устидан дастлабки ва жорий назоратни олиб бориш.

Бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган ҳужжатлар бир нечта белгилари бўйича тавсифланади:

- тузилган жойи бўйича;
- акс эттирилган хўжалик муомалаларнинг ҳажмига кўра;
- қамраб олиш усулига кўра;
- мақсадига кўра.

Тузилган жойига кўра ҳужжатлар ички ва ташқи ҳужжатларга бўлинади. **Ташқи ҳужжатларга** мол етказиб берувчилар, буюртмачилар, солиқ идоралари ҳамда бош-

қа юридик шахслардан келиб тушадиган ҳужжатлар (юкхатлар, ҳисобварақ-фактуралар, банк кўчирмалари, инкассо топшириқномалари ва бошқалар) киради.

Ички ҳужжатларга корхонанинг ўзида расмийлаштирилган ва корхона доирасидан четга чиқмайдиган ҳужжатлар (корхона раҳбарининг буйруқлари, моддий бойликларни ички кўчириш юкхатлари ва бошқалар) киради.

Акс эттирилган хўжалик муомалаларининг ҳажмига кўра ҳужжатлар бирламчи ва йиғма ҳужжатларга бўлинади.

Бирламчи ҳужжатлар — содир этилган пайтида битта хўжалик муомаласига расмийлаштириладиган ҳужжатлар.

Йиғма ҳужжатлар муайян бир ҳисоб объектига тегишли бўлган бирламчи ҳужжатлар бўйича тегишли гуруҳ ва тизимларга ажратиш йўли билан тузилади.

Қамраб олиш усулига кўра ҳужжатлар бир марталик ва жамғарув ҳужжатларига бўлинади.

Хўжалик муомаласи бир қабулда амалга ошириладиган ва мазкур муомала ана шу билан якунланганида **бир марталик ҳужжатлар** тузилади.

Жамғарув ҳужжатлари маълум бир давр мобайнида бир ҳисоб объектига тегишли бўлган хўжалик муомалаларига доир ҳужжатларни жамғариш йўли билан тузилади.

Мақсадига кўра ҳужжатлар қуйидаги турларга бўлинади:

- фармойиш ҳужжатлари;
- тасдиқловчи ҳужжатлар;
- комбинациялаштирилган ҳужжатлар;
- бухгалтерия расмийлаштириш ҳужжатлари;
- ахборот ҳужжатлари.

Фармойиш ҳужжатлари бирор-бир хўжалик муомаласини амалга ошириш учун буйруқ ёки кўрсатма берадиган ҳужжатлардир. Ушбу турдаги ҳужжатларга ходимни ишга олиш ёки уни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ ва бошқа шу каби ҳужжатлар киради. Фармойиш ҳужжатларида берилаётган топшириқнинг мазмуни, бажарилиш муддати ва тартиби, шунингдек бажарувчи шахс кўрсатилади. Бундай ҳужжатлар асосида бухгалтерия ҳисобварақларида ёзув қилинмасдан,

балки корхона раҳбарининг ходимлар фаолияти юзасидан назорат ўрнатишни таъминлайди.

Тасдиқловчи ҳужжатлар корхонада муайян бир хўжалик муомаласининг содир бўлганлигини исботловчи ҳужжатлардир. Бундай турдаги ҳужжатларга юкхатлар, далолатномалар, квитанциялар, ҳисобварақ-фактуралар ва бошқа шу каби ҳужжатлар мисол бўлади. Тасдиқловчи ҳужжатлар хўжалик муомаласи содир бўлган пайтда тузилади, шунинг учун ҳам бўлиб ўтган хўжалик муомаласини ҳисобда акс эттиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Комбинациялаштирилган ҳужжатлар фармойиш ва тасдиқловчи ҳужжатларнинг хусусиятларини ўзида мужассам қилади. Ушбу турдаги ҳужжатларда хўжалик муомаласини амалга ошириш учун берилган фармон ва шу муомала бажарилганлигини акс эттирувчи ҳисоботнинг бўлиши жуда қулайдир. Комбинациялаштирилган ҳужжатларга касса чиқим ордери киради. Бу ҳужжатда пулнинг кассир томонидан берилганлигини исботловчи маълумот билан бирга пулнинг тўланиши зарур эканлигини кўрсатувчи фармойиш ҳам мавжуддир.

Бухгалтерия расмийлаштириш ҳужжатлари бухгалтерия ҳисоби ходимлари томонидан ҳисоб ишларини тезлаштириш ва ихчамлаштириш учун тузилади. Бундай ҳужжатларга бухгалтерия маълумотномалари, амортизация ҳисоблаш жадваллари, фойдани тақсимлаш бўйича ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳужжатлар киради.

Ахборот ҳужжатлари корхона раҳбарларига ва тегишли юқори органларга зарур ахборот маълумотларини бериш учун хизмат қилади. Бундай ҳужжатларга моддий бойликларни сотиб олиш учун тузилган шартномалар, моддий қийматликларнинг нормативлари ва бошқа шу каби ҳужжатлар киради.

Ҳозирги вақтда ҳисоб ишларини автоматлаштириш кенг йўлга қўйилмоқда. Бу, ўз навбатида, хўжалик муомалаларини ҳужжатлаштиришни янги босқичга кўтармоқда. Хўжалик муомалаларини ҳужжатлаштиришнинг ва дастлабки ҳужжат маълумотларини ҳисоблаш машиналарига киритишнинг яхшиланишини ҳар хил замонавий маълумот ташувчи воситалардан фойдаланиш йўли билан амалга ошириш истиқболли йўллардан бири ҳисобланади.

2.5. Бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларидаги хатоларни тўғрилаш

Бухгалтерия ҳисобининг бирламчи ҳужжатларида ўчириб ёзишлар ва айтиб қўйилмаган тузатишларга йўл қўйилмайди. Хатолар бўйича қилинган тузатишлар мазкур тузатишлар киритилган сана кўрсатилган ҳолда ана шу тузатишларни киритган шахс имзоси билан, кассада эса корхона бош бухгалтери ёки унинг ўринбосари имзоси билан ҳам тасдиқланади. Банк ҳужжатлари (банк кўчирмалари, тўлов топшириқномалари, тўлов талабномалари, чеклар ва ҳоказолар)даги хатоларни тузатишга йўл қўйилмайди.

Бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларидаги хатоларни тузатишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Корректура усули.
2. Қўшимча проводка усули.
3. "Қизил сторно" усули.

Корректура усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда нотўғри ёзувнинг устидан юпқа қилиб чизилади, унинг ён томонига ёки тепасига тўғри ёзув ёзилади ва бу тўғрида муайян ҳужжатнинг тагида ҳисобнинг шу соҳасига жавобгар шахс ёки бош бухгалтер томонидан изоҳ берилади ва унинг имзоси билан тасдиқланади. Қилинган тузатишга "тузатилгани тўғри" деган ёзув илова қилинади ва тузатиш санаси кўрсатилади.

Қўшимча проводка усули бухгалтерия ҳужжатларида хато аниқланган пайтда амалга оширилади. Масалан, бухгалтер бирорта хўжалик муомаласини унутганида ёки ҳисобварақлар бўйича мураккаб проводкаларни амалга оширишда қандайдир операция ўтказилмаса хўжалик муомаласини баҳолаш хато равишда пасайтирилса, бухгалтерия проводкаси икки ёқлама ёзув усули билан ўтказилмаган айрим ҳоллар ҳам бўлади. Бундай вазиятда бухгалтер ана шундай хато аниқланган ҳолда, аниқланган хатолар тўғрисида кичик маълумотнома тузади ва бухгалтерия ҳисобварақлари бўйича қўшимча проводкалар ўтказади.

"Қизил сторно" усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда хато ёзув қизил сиёҳ билан худди ўзидек қилиб яна бир марта ёзилади, ундан кейин тўғри ёзув аввалгидек тегишли регистрда акс эттирилади. Ҳисоб-

варақ бўйича жами оборот топилаётганида қизил сиёҳ билан ёзилган сумма умумий йиғиндидан айириб ташланади.

Молиявий ҳисоботларда ҳеч қандай ўчириб ёки тузатиб ёзишлар бўлмаслиги керак. Хатолар тузатилганида тегишли қайдлар қайд қилинади, уларни ҳисобот ва балансни имзолаган шахслар тасдиқлаб, тузатиш санасини кўрсатадилар.

Жорий йилдаги ва ўтган йилдаги ҳисобот маълумотларини тузатиш (ҳисоботлар тасдиқланганидан кейин) маълумотлар бузилганлиги аниқланган давр учун тузилган ҳисоботда амалга оширилади, бунда тузатишлар ҳисобот даврига (чорак, йил бошидан бошлаб) доир маълумотларгагина киритилади.

2.6. Бухгалтерия ҳисобварақлари ҳақида тушунча

Корхона баланси муайян вақт даври учун бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари бўйича ўтказилган хўжалик муомалаларига доир йиғма маълумотларнигина акс эттиради. Кундалик ва жорий фаолиятда балансда йиғма рақамлар олиш учун корхонада хўжалик воситалари ҳолати ҳамда ҳаракати тўғрисида бутун батафсил ахборот акс этадиган ва жамулжамликда бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари тизимини ташкил этадиган ҳисобварақлар қўлланилади.

Ҳисобварақлар — бухгалтерия ҳисобининг асосий элементларидан бири бўлиб, бухгалтерия ҳисоби объектларини иқтисодий гуруҳлаш усули, хўжалик муомаласини бажариш давомида моддий воситалар ва пул маблағлари ҳаракатини, уларнинг ҳолати ва ҳосил бўлиш манбаларини акс эттиришдир. Бухгалтерия ҳисоби объектининг ҳар бир тури учун алоҳида ҳисобварақ очилади, унда маблағлар кирими — дебети ва чиқими — кредити акс эттирилади. Ҳисобварақлар бўйича ёзувлар якунлари **оборотлар**, дебет ва кредит оборотлари ўртасидаги тафовут эса **сальдо (қолдиқ)** деб аталади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳар бир ҳисобварақ корхона бухгалтерия бўлимига келиб тушаётган бирламчи ҳужжатлар асосида хўжалик муомалалари бўйича ҳаракатларни назорат қилиш ва унда акс эттириш учун мўлжалланган.

Ҳисобварақнинг кўриниши чизма тарзида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет	Ҳисобварақнинг номи	Кредит

Бухгалтерия балансига мувофиқ, ҳисобварақлар 2 га бўлинади: актив ва пассив ҳисобварақлар. **Актив ҳисобварақлар** деб, хўжалик маблағларининг ҳолати ва ўзгаришини ҳисобга оладиган ҳисобварақларга, **пассив ҳисобварақлар** деб, маблағларнинг келиб чиқиш манбаларининг ҳолати ва ҳаракатини ҳисобга оладиган ҳисобварақларга айтилади.

Актив ҳисобварақлар қуйидагича ифодаланади:

Дебет	Актив ҳисобварақ	Кредит
Ой бошидаги сальдо Маблағларнинг купайиши Ой охиридаги сальдо		Маблағларнинг камайиши

Актив ҳисобварақнинг ой охиридаги сальдоси (СКА) қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$СКА = Снд + Одт — Окт,$$

бу ерда — Снд — ҳисобварақ дебети бўйича бошланғич сальдо; Одт — дебет бўйича оборот;
Окт — кредит бўйича оборот.

Пассив ҳисобварақ қуйидагича ифодаланади:

Дебет	ҳисобварақнинг номи	Кредит
Маблағлар манбаининг камайиши		Ой бошидаги сальдо Маблағлар манбаининг купайиши Ой охиридаги сальдо

Пассив ҳисобварақнинг ой охиридаги сальдоси (Скп) қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$Скп = Снк + Окт - Одт,$$

бу ерда: Снд — ҳисобварақ кредити бўйича бошланғич сальдо; Окт — кредит бўйича оборот; Одт — дебет бўйича оборот.

2.7. Икки ёқлама ёзув ва унинг аҳамияти

Икки ёқлама ёзув бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Икки ёқлама ёзув тизими биринчи маротаба 1494 йилда пайдо бўлган. Унинг асосчиси итальян роҳиби Лука Пачоли ҳисобланади. Икки ёқлама ёзув икки томонламалилик хусусиятига эга бўлиб, барча иқтисодий ҳодисалар бир-бирини тўлдирадиган икки жиҳатга: кўпайтириш ёки камайтириш, пайдо бўлиш ва йўқолиш жиҳатларига эга. Бунинг натижасида корхонада амалга ошириладиган барча хўжалик муомалалари камида иккита ҳисобварақда: бир ҳисобварақнинг дебети ва бошқа ҳисобварақ кредити бўйича рўйхатга олиниши керак, токи дебет бўйича умумий сумма кредит бўйича умумий суммани мувозанатлаштирсин ва тизимда ҳар доим баланс ушлаб турилсин.

Бухгалтерия ҳисобида **икки ёқлама ёзиш деб**, хўжалик муомалалари натижасида вужудга келадиган иқтисодий ҳодисаларни ҳисобварақлар орқали ўзаро алоқадор ҳолда акс эттириш усулига айтилади.

Демак, барча хўжалик муомалалари бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида икки ёқлама ёзув усули билан: бир ҳисобварақ дебетида ва айни вақтда бошқа ҳисобварақ кредитида тенг суммада акс эттирилади. Икки ёқлама ёзув тизими назорат аҳамиятига эга, чунки ҳисобот даври учун барча ҳисобварақлар дебети бўйича оборотлар суммаси кредит бўйича барча ҳисобварақлар оборотлари суммасига тенг. Ҳар қандай хўжалик муомаласини икки ёқлама ёзув билан акс эттириш бухгалтерия баланси умумий суммасининг тенглигини сақлайди.

Икки ёқлама ёзув орқали ҳисобварақлар ўртасидаги ўзаро боғланишни белгилаш **ҳисобварақлар корреспонденцияси** дейилади.

Мисол. Корхона ходимларига март ойи учун 50000 сўм иш ҳақи кассадан тўланди. Бунда 5010—"Миллий

валютадаги пул маблағлари" ҳамда 6710—"Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи юзасидан қарзлар" ҳисобварақлари ўзаро боғланишни, яъни ҳисобварақлар корреспонденциясини ҳосил қилмоқда.

Дебетланувчи ва кредитланувчи ҳисобварақ ҳамда муомала суммасининг кўрсатилиши **бухгалтерия проводкаси** деб аталади. Бухгалтерия проводкасини тузиш ўтказилган хўжалик муомалалари натижасида қандай ҳисобварақлар дебетланганлиги, қайсилари кредитланганлиги ва қанча суммага расмийлаштирилганини кўрсатишни ифодалайди. Бухгалтерия проводкалари бирламчи ҳужжатлар асосида тузилади.

Бухгалтерия проводкалари икки хил бўлади:

1. Оддий бухгалтерия проводкаси;
2. Мураккаб бухгалтерия проводкаси.

Оддий бухгалтерия проводкаси дейилганида бир ҳисобварақнинг дебетланиши ҳамда иккинчи ҳисобварақнинг кредитланиши тушунилади.

Мураккаб бухгалтерия проводкаси дейилганида эса, бир неча ҳисобварақ дебетланиб, битта ҳисобварақнинг кредитланиши ёки бир ҳисобварақнинг дебетланиши ҳамда бир неча ҳисобварақларнинг кредитланиши тушунилади.

Бир вақтнинг ўзида бир неча ҳисобварақ дебетланиб ва бир неча ҳисобварақ кредитланиши ҳоллари юз бермайди.

Оддий бухгалтерия проводкасига қуйидаги бухгалтерия ёзувини мисол қилиб келтириш мумкин. Масалан, асосий ишлаб чиқаришга 200000 сўмлик материал берилди. Ушбу муомалага қуйидаги проводка берилади:

Д-т 2010—"Асосий ишлаб чиқариш" — 200000 сўм;
К-т 1010—"Хом-ашё ва материаллар" — 200000 сўм.

Юқоридан кўриниб турибдики, корхонада содир бўлган хўжалик муомаласи битта ҳисобварақнинг дебетида, иккинчи ҳисобварақнинг кредитида акс эттирилган.

Энди, мураккаб бухгалтерия проводкасига мисол келтирамиз.

Мисол. Корхонанинг ишчи ва хизматчиларига иш ҳақи ҳисобланди:

1) Асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларга — 50000 сўм;

2) Ёрдамчи ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларга — 20000 сўм;

3) Тайёрлов цехида банд бўлган ишчиларга — 44000 сўм;

4) Корхона бошқарувида банд бўлган ходимларга — 30000 сўм.

Ушбу муомалаларга қуйидаги мураккаб бухгалтерия проводкаси берилади:

Д-т 2010—"Асосий ишлаб чиқариш" — 50000 сўм;

Д-т 2310—"Ёрдамчи ишлаб чиқариш" — 20000 сўм;

Д-т 2510—"Умумишлаб чиқариш харажатлари" — 44000 сўм;

Д-т 9420—"Маъмурий-бошқарув харажатлари" — 30000 сўм;

К-т 6710—"Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи юзасидан қарзлар" — 144000 сўм.

Юқоридаги муомаладан кўриниб турибдики, хўжалик муомаласи таъсирида тўртта ҳисобварақ дебетланган ҳамда битта ҳисобварақ кредитланган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, икки ёқлама ёзиш усули бухгалтерия ҳисобининг муҳим усули сифатида бухгалтерия баланси ва ҳисобварақлар тизими билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки хўжалик муомалаларини икки ёқлама ёзганда ҳисобварақлар тизимидан фойдаланилади. Ҳисобварақлар тизимига эса бошланғич маълумотлар бухгалтерия балансидан олинади. Демак, икки ёқлама ёзиш усули бухгалтерия балансидаги тенгликни ҳисобварақлар тизими ёрдамида ҳамма вақт таъминлаб туради.

2.8. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва унинг иқтисодий мазмуни

Корхонада бухгалтерия ҳисобини тегишлича ташкил этиш учун корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ҳамда ҳар бир ҳисобварақ тавсифланган ва уларга доир ҳисобварақларнинг намунавий корреспонденцияси берилган режани қўллаш бўйича йўриқномадан тўғри фойдаланиш катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобини миллий андозаларини амалга татбиқ этиш ва бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида бухгалтерия ҳисобварақларининг

янги режаси ишлаб чиқилди. "Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома" номли 21-сон БҲМА Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни 5-моддасига биноан ишлаб чиқилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси асосида хўжалик муомалалари бухгалтерия ҳисобварақлари ишчи режасини тузадилар ва у хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилади.

Ҳисобварақлар режаси — бухгалтерия ҳисоби бўйича ҳисобварақларнинг уларнинг иқтисодий мазмунига кўра бир тизимга солинган рўйхатидир.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасининг янги таҳрири Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли қарори билан тасдиқланди ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан 21-сон БҲМС сифатида рўйхатдан ўтказилди. Мазкур стандарт 2002 йил 2 ноябрдан кучга кирди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва аудиторлик ташкилотлари 2002 йил 1 январдан бошлабоқ янги Ҳисобварақлар режаси бўйича ҳисоб юрита бошладилар, 2003 йил 1 январдан бошлаб уларга биржалар, 2004 йил 1 январдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа хўжалик юритувчи субъектлар қўшиладилар. Ҳисобварақлар режасида 249 та баланс ва 14 та балансдан ташқари ҳисобварақ мавжуд.

Ҳисобварақлар режасининг дастлабки 1—8-бўлимларида доимий ёки баланс ҳисобварақлари, 9-бўлимда эса транзит ёки вақтинчалик ҳисобварақлар жойлаштирилган.

Доимий ҳисобварақлар деб номланишининг сабаби — улар ҳар бир ҳисобот даври якунида ёпиладиган вақтинчалик ҳисобварақлардан фарқли ўлароқ, доимий сальдога эга бўлишлари мумкин. Доимий ҳисобварақлар балансда кўрсатилади, шунинг учун ҳам бу ҳисобварақлар **баланс ҳисобварақлари деб** номланади: булар активлар, мажбуриятлар ва хусусий сармоя ҳисобварақларидир.

Доимий ҳисобварақлар: актив, пассив ва контрар (контрактив ва контрпассив) бўлиши мумкин.

Актив ҳисобварақларда турли хил активлар акс эттирилади ва улар фақат дебет сальдосига эга бўлади. Активларнинг кўпайиши ушбу ҳисобварақларнинг дебетида акс эттирилади.

Пассив ҳисобварақлар мажбуриятлар ва сармоянинг ошишини акс эттириш учун мўлжалланган, фақатгина кредит сальдосига эга бўлади, мажбуриятлар ва сармоя ошиши мазкур ҳисобварақларнинг кредитида акс эттирилади.

Контрар ҳисобварақлар — молиявий ҳисоботда активлар ёки мажбуриятларнинг соф қийматини акс эттириш учун сальдолари уларга боғлиқ бўлган асосий ҳисобварақлар сальдосидан чегириладиган ҳисобварақлардир.

Контрактив ҳисобварақлар сальдоси ҳисоботда уларнинг соф (баланс) қийматини акс эттириш учун асосий воситаларнинг бошланғич қийматидан чегириладиган асосий воситаларнинг эскириши мисол бўлади. Асосий воситаларнинг эскириши ҳисобварақлари балансда уларнинг бошланғич қийматини камайтириб кўрсатади.

Контрпассив ҳисобварақка сотиб олинган хусусий акцияларни мисол қилиб келтириш мумкин, ҳисоботда устав капиталининг ҳақиқий ҳажмини акс эттириш учун "Устав сармояси" ҳисобварағи сальдосидан унинг сальдоси чегирилади.

Ҳисобварақлар режасининг 9-бўлими **транзит (вақтинчалик) ҳисобварақлар** — даромад ва харажатлар ҳисобварақларидан иборат ва ҳисобварақларни жойлаштириш тартиби бўйича "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" шаклига мувофиқ келади. Уларнинг транзит (вақтинчалик) ҳисобварақлар деб аталишининг сабаби шундаки, улар ҳар бир ҳисобот даврининг охирида ёпилади ҳамда кейинги ҳисобот даври бошида ноллик сальдога эга бўлади. Ҳисобварақлар режасида "жамлама" ҳисобварақ тушунчаси, илова ҳисобварақлар мавжуд эмас, яъни иккинчи тартиб ҳисобварақлари жамлама ҳисобварақларининг таҳлилий таркибий қисмларидир. Барча ҳисобварақлар энди тўрт белгили рақамланишга эга ва актив, мажбуриятлар ҳамда сармоянинг ҳар бир тури бўйича очилади.

Корхонанинг баланс ҳисоботида оборот (жорий) ва узоқ муддатли активлар ва пассивларни алоҳида ҳисобга олишлари керак. Бу оборот сармояси сифатида айланаётган активлар ва корхонанинг узоқ муддатли операцияларида фойдаланаётган активларни бир-биридан ажратиш лозим. Шунингдек яқин даврда ҳақ тўланиши лозим бўлган мажбуриятлар (жорий мажбуриятлар) ҳақида тасаввурга эга бўлиш керак, чунки уларни сўндириш учун оборот активларидан фойдаланилади.

Балансдан ташқари ҳисобварақлар — бу корхонага қарашли бўлмаган, лекин вақтинчалик тасарруфида бўлган, активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати, шартли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳақидаги ахборотни умумлаштиришга мўлжалланган ҳисобварақлар. Бу ҳисобварақлар бошқа ҳисобварақлар билан боғланмайди ва хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида акс эттирилмайди.

Янги ҳисобварақлар режаси 9 бўлимдан ташкил топган:

0110—0990 — узоқ муддатли активлар ҳисобварақлари — 1-бўлим,

1010-2990 — товар-моддий захиралар ҳисобварақлари — 2-бўлим,

3110—3290 — келгуси даврлар харажатлари ва муддати узайтирилган (жорий) харажатлар — 3-бўлим,

4010—4910 — олишга доир жорий ҳисобварақлар (дебиторлар) — 4-бўлим,

5010—5910 — пул маблағлари ва бошқа активлар — 5-бўлим,

6010—6910 — жорий мажбуриятлар (кредиторлар) — 6-бўлим,

7010—7910 — узоқ муддатли мажбуриятлар (кредиторлар) — 7-бўлим,

8010—8910 — хусусий сармоя — 8-бўлим,

9010—9900 — даромадлар ва харажатлар — 9-бўлим.

Ҳисобварақлар режаси халқ хўжалиги тармоқларининг, мулкчилик шаклидан қатъий назар, хўжалик ҳисобидаги корхоналар учун мажбурий ҳисобланади, бундан банк ва бюджет ташкилотлари мустасно, улар ўз ишларининг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳисобварақларнинг махсус режаларига эгадир.

2.9. Бухгалтерия баланси

Бухгалтерия баланси молиявий ҳисоботнинг асосий шаклларидан бири ҳисобланади. У корхона маблағларини гуруҳлаш ва таркибини пул баҳосида акс эттириш ҳамда пул маблағларини, уларни ҳосил этиш манбаларини муайян санага жойлаштириш усулидан иборат.

"*Баланс*" атамаси лотинча *bis* — «икки марта», *banx* — «тарози палласи» сўзларидан таркиб топган бўлиб, том маънода "икки палла" деган маънони англатади ва тенглик, мувозанат тушунчаси сифатида ишлатилади.

Бухгалтерия балансининг ҳар хил турлари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги белгилари бўйича таснифланади:

- тузилиш вақтига кўра;
- ахборот ҳажмига кўра;
- мулкчилик шаклига кўра;
- акс эттириш объектига кўра;
- тозалаш усулига кўра.

Тузилиш вақтига кўра бухгалтерия балансларини *кириш, жорий, тугатиш, бўлиш ва бирлаштириш балансларига* бўлинади.

Кириш баланси корхонанинг ташкил топиш пайтида тузилади. У корхона ўз фаолиятини бошлаётган бойликлар суммасини белгилайди. Кириш балансида устав капитали таъсис ҳужжатлари бўйича ва унга доир бадаллар пул маблағлари, бошқа мол-мулк кўринишидан, ақлий мулк номоддий активлар кўринишида акс эттирилади ва ҳоказо.

Жорий баланслар корхона қонунчилик билан белгиланган муддатда мавжуд бўлган вақт мобайнида вақти-вақти билан тузилиб турилади.

Тугатиш баланси корхона фаолиятини тугатиш санасида мол-мулк ва унинг манбалари ҳолатини тавсифлаш учун тузилади. Тугатиш баланси асосида тугатиш комиссияси корхонанинг тугатилиш пайтидаги кредиторлик ва дебиторлик қарзлари суммасини белгилайди, сўнгра кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилади, кейин корхонани ташкил этиш чоғида муассислар томонидан устав капиталига киритилган бадалларни қайтаради. Сўнгра корхона мол-мулкининг қолганини унинг муассислари ўртасида тақсимлайди, яъни барча узил-кесил ҳисоб-китобларни амалга оширади.

Тугатиш балансида хўжалик субъектининг активлари тугатиш комиссияси баҳосида, яъни улар сотилиши мумкин бўлган баҳода акс эттирилади. Олиниши умидсиз қарзлар ва зарарлар тугатиш балансига киритилмайди.

Бўлиш балансларини йирик корхонанинг бир неча майда корхоналарга бўлиниш вақтига ёки шу корхонанинг бир ёхуд бир неча таркибий бўлинмасини бошқа корхонага бериш вақтига тузилади. Баъзи ҳолларда бу баланс бериш баланси ҳам деб юритилади.

Бирлаштириш баланси бир неча корхоналар битта балансга бирлашганида тузилади.

Ахборот ҳажми бўйича балансларни *бир марталик* ва *йиғма балансларга* бўлинади.

Бир марталик баланс фақат битта корхона бўйича жорий ҳисоб асосида тузилади.

Йиғма баланс бир марталик балансларни асосида тузилади ва бирлашмалар (вазирликлар, фирмалар, акциядорлик жамиятлари ва шу кабилар)нинг хўжалик маблағларини акс эттиради.

Мулкчилик шаклига кўра *давлат, кооператив, ўз, аралаш* ва *қўшма корхоналар,* шунингдек, *жамоат ташкилотлари балансларини* фарқ қилади,

Акс эттириш объектига кўра балансларни *мустақил* ва *алоҳида балансга* ажратилади.

Мустақил балансни юридик шахс бўлган корхоналар тузади.

Алоҳида балансни корхонанинг таркибий бўлинмалари (филиаллар, цехлар, корхонанинг автотранспорт ва турар-жой ҳамда коммунал хўжаликлари) тузади.

Тозалаш усулига кўра балансларни *брутто-баланс* ва *нетто-балансларга* бўлинади.

Брутто-баланс — тартибга солувчи моддаларни ўз ичига олувчи балансдир. Воситаларнинг ҳақиқий қийматини (таннархи ёки қолдиқ қийматини) аниқлашда суммалар бошқа моддалар суммаларидан чегириладиган моддалар *тартибга солувчи моддалар* дейилади. Масалан, "Асосий воситалар" суммасидан "Асосий воситаларнинг эскириши" тартибга солувчи модда суммаси чегирилади. Брутто-балансда ана шу тартибга солувчи моддалар суммаси баланс якуний қийматига киритилади.

Нетто-баланс — қийматидан тартибга солувчи моддалар суммаси чегирилган баланс бўлиб, бунга *тозалаш* дейилади. Ўзбекистондаги барча корхоналар нетто-баланс тузади, яъни баланс якунига асосий воситалар, арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг қолдиқ қийматда, қайта сотиладиган товарлар эса таннархи бўйича киритилади.

Балансга қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардир:

- баланснинг тўғрилиги;
- баланснинг реаллиги;
- баланснинг яхлитлиги;
- баланснинг изчиллиги;
- баланснинг тушунарлилиги.

Баланснинг тўғрилиги балансни тузишда асосланилган ҳужжатларнинг тўлалиги ва сифати билан таъминланади. Агар ҳисобот даврида хўжалик фаолиятининг барча муомалалари ўз вақтида ҳужжатли расмийлаштирилмаган ёки нотўғри расмийлаштирилган бўлса, унда баланс корхона ишининг ҳақиқий якунини акс эттирмайди. Бухгалтерия балансининг ҳар бир моддаси ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисобварақларидаги ёзувлар, бухгалтерия ҳисоб-китоблари ва инвентарлаш билан тасдиқланган бўлиши керак. Бухгалтерия баланси маълумотларини қасддан бузиш — *ниқоблаш* дейилади. Балансни ниқоблаш қоида бузилишларини яшириш мақсадида атайин ва балансни тузиш бўйича айрим қоидалардан бехабарлик оқибатида билмасдан қилинган бўлиши керак.

Баланснинг реаллиги моддалар баҳосининг объектив воқеликка мувофиқ келишини англатади. Баланснинг "тўғрилиги" ва "реаллиги" тушунчаларини бир-бирига аралаштирмаслик керак. Баланс тўғри, аммо нореал бўлиши мумкин, яъни баланс маълумотлари ҳужжатлар асосида тузилган бўлади ва ҳақиқий мавжуд маблағларни кўрсатади, аммо унинг айрим моддалари реал ҳолатни, масалан, асосий воситалар — маънавий эскирганлиги, дебиторлик қарзини талаб қилиб олиб бўлмаслиги ва шу кабиларни кўрсатмайди.

Баланснинг яхлитлиги балансни ягона ҳисобга олиш ва баҳолаш тамойиллари бўйича тузилишини, яъни корхонанинг барча таркибий бўлинмаларида ва тармоқларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг бир

хилдаги мазмуни, уларнинг корреспонденцияси ва шу кабилар қўлланилишини англатади.

Ўзбекистонда баланслар бирлигига эришилган, чунки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2002 йил 27 декабрда тасдиқланган бухгалтерия балансининг ягона шакли қабул қилинган, ҳисобварақларнинг ягона режаси қўлланилади. Молиявий ҳисоботнинг барча шакллари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи услубияти ва уларни ташкил этиш бошқармаси ишлаб чиққан "Корхоналар чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича кўрсатмалар" асосида тузилади.

Балансниг изчиллиги ҳар бир кейинги баланс олдинги балансдан келиб чиқиши лозимлигида ифодаланади. Масалан, олдинги йил якуний баланси (йил охирига бўлган маълумотлар) бошланғич баланси бўлиши керак, чунки ҳисобот йили олдинги йилнинг давоми ҳисобланади.

Балансниг тушунарлилиги — унинг балансни тузувчилар ва уни ўқийдиган ҳамда таҳлил қиладиганлар тушуниши учун қулайлигидир. Балансни аниқ ва тушунарли қилиш учун моддалар реквизитлари ва номлари икки тилда (ўзбек ва рус тилида) баён қилинган, унинг шакли анча соддалаштирилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига раҳбарлик қилиш учун маълум бир муддатга унинг ихтиёридаги маблағлар, уларнинг ташкил топиш манбалари ҳолати ҳақидаги маълумотлар зарур. Бунинг учун бухгалтерия баланси тузилади.

Бухгалтерия баланси — корхона маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари ҳолатини пул шаклида гуруҳлаш ва акс эттириш усулидир.

Бухгалтерия баланси икки қисмдан: *актив* ва *пассив* қисмлардан иборат. Баланс активида корхона сармоясининг таркиби ва жойлаштирилиши, пассивда эса — активларни ташкил топиш манбалари, яъни ўз сармояси ва мажбуриятлар, бошқа корхона ёки жисмоний шахсларнинг вақтинча жалб қилинган маблағлари кўрсатилади. Актив ва пассив томонларнинг ҳар бир сатрлари баланс моддалари деб аталади. Ҳар бир модда хўжалик маблағини ёки унинг келиб чиқиш манбаи ҳолатини акс эттиради.

Шундай қилиб, бухгалтерия баланси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

♦ корхона эгалик қиладиган воситаларни акс эттирувчи активлар;

♦ корхона тасарруфидаги ўз сармояси;

♦ кейинчалик белгиланиши бўйича қайтарилиши лозим бўлган активларни сотиб олиш, ҳосил қилиш натижасида юзага келган мажбуриятлар.

Бухгалтерия балансида корхона активлари икки гуруҳда: узоқ муддатли ва айланма активларда акс эттирилади.

Узоқ муддатли активларга асосий воситалар, номоддий активлар, узоқ муддатли инвестициялар, сотиб олинган акциялар ва заёмлар киритилади. Корхонанинг ишлаши билан бу воситалар ўз қийматини ўзгартирмайди. Масалан, асосий воситалар қиймати қисқа вақт бўлаги мобайнида миқдоран жиддий ўзгармайди ва у фақат уларнинг ишлаш муддати тугашига кўра қопланади.

Жорий активлар, одатда, нақд маблағларни, истеъмолчилар ҳисобрақамларини ва нақд маблағлар шаклини эгаллаши лозим бўлган захираларни ўз ичига олади. Жорий хўжалик даври мобайнида бу активлар доимо ўзгариши мумкин. Нақд маблағларга айлантирилиши осон бўлган жорий активлар осон реализация қилинадиган активларга киритилади.

Корхона баланси активларини ўрганишда қуйидагиларни аниқлаш мумкин:

♦ балансни тузиш кунида корхонада қандай воситалар бўлган;

♦ улар қандай жойлаштирилган;

♦ уларнинг хўжалик фаолиятидаги роли қандай.

Баланс пассиви маълумотлари асосида қуйидагиларни билиб олиш мумкин:

♦ маблағлар қайси манбалардан келиб тушганлигини;

♦ маблағлар кимга тегишли эканлиги (ўзиники ёки жалб қилинган);

♦ маблағларнинг белгиланган мақсади қандай эканлиги.

Баланс пассиви ҳам икки бўлимдан иборат:

♦ ўз маблағлари манбаи;

♦ мажбуриятлар.

Ўз маблағлари манбаи қаторига устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитал, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ва бошқа сатрлар киритилади.

Баланс пассивининг мажбуриятлар бўлимида юридик ва жисмоний шахслардан олинган, вақти келганда қайтарилиши лозим бўлган барча мажбуриятлар кўрсатилади.

Кўриниб турибдики, бухгалтерия балансида муайян санага бўлган хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари акс эттирилган. Баланснинг айрим моддаларини солиштириш учун молиявий ҳисоботда бухгалтерия баланси билан бирга ўзаро боғланган ҳамда бир-бирини тўлдирадиган бир қатор ҳисобот шакллари назарда тутилган.

2.10. Хўжалик муомалалари таъсирида балансда рўй берадиган ўзгаришлар

Хўжалик маблағлари ва унинг манбалари хўжалик жараёнида доимо ҳаракатда бўлади. Содир бўлаётган жараёнларнинг ҳар бирини ўз вақтида ҳисобга олиб бориш зарурдир. Чунки ҳар куни корхонада кўплаб хўжалик муомалалари амалга оширилади, буларнинг таъсирида хўжалик маблағларининг таркиби, жойланиши ва уларнинг ташкил топиш манбалари ўзгариши мумкин. Бу ўзгариш оқибат натижада бухгалтерия балансининг ўзгаришига сабаб бўлади, чунки баланснинг актив ва пассив томонида хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари акс эттирилади. Лекин баланснинг тенглиги сақланиб қолинади. Бу маблағлар ҳолатини баланс усули билан умумлаштиришнинг асосий мазмунини ташкил қилади.

Хўжалик муомалалари натижасида балансда қуйидаги ўзгаришлар бўлиши мумкин:

1. Актив томонда кўпайиш, актив томонда камайиш.
2. Пассив томонда кўпайиш, пассив томонда камайиш.
3. Актив томонда кўпайиш, пассив томонда кўпайиш.
4. Актив томонда камайиш, пассив томонда камайиш.

Балансда рўй берадиган ўзгаришлар актив ва пассив қисмларнинг тенглигини сақлайди. Чунки, ҳар бир хўжалик муомаласи икки ёқлама ёзув асосида — бир ҳисобварақнинг дебетида, иккинчи ҳисобварақнинг кредитида акс эттирилади.

Хўжалик муомалалари натижасида баланс моддаларидаги маблағлар ва уларнинг манбаларининг ўзгаришини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз.

Биринчи муомала. Корхона кассасидаги пул ҳисоб-китоб счётига ўтказилди — 500 сўм.

Иккинчи муомала. Тақсимланмаган фойда ҳисобидан резерв фондига ажратма қилинди — 200 сўм.

Учинчи муомала. Мол етказиб берувчилардан материаллар сотиб олинди, лекин пули тўланмаган — 3000 сўм.

Тўртинчи муомала. Ҳисоб-китоб счётидан аввал банкдан олинган узоқ муддатли кредит қайтарилди — 600 сўм.

Бу ўзгаришлар балансда қуйидагича акс эттирилади:

Моддалар	Ўзгаришгача сумма	Ўзгаришлар	Ўзгаришдан кейинги сумма	Моддалар	Ўзгаришгача сумма	Ўзгаришлар +;–	Ўзгаришдан кейинги сумма
1. Асосий воситалар	10000	–	10000	1. Устав капитали	12000	–	12000
2. Ишлаб чиқариш захиралари	4000	+3000	7000	2. Резерв капитали	2000	+200	2200
3. Тайёр маҳсулот	800	–	800	3. Тақсимланмаган фойда	500	–200	300
4. Касса	600	–500	100	4. Узоқ муддатли кредитлар	600	–600	–
5. Ҳисоб-китоб счёти	2000	+500 –600	1900	5. Мол етказиб берувчиларга қарзлар	2300	+3000	5300
Баланс	17400	+2400	19800	Баланс	17400	+2400	19800

Демак, ҳар қандай хўжалик муомаласи балансда кўрсатилган 4 хил ўзгаришдан бирининг бўлишига сабаб бўлади. Ҳар бир хўжалик муомаласи балансда иккита бир-бирига тенг ўзгариш содир қилади, бу нарса хўжалик маблағларининг айланишидаги хусусиятидан келиб чиқади. Чунки ишлаб чиқариш жараёнида икки томонлама ўзгариш, яъни ўзгаришлар ёки хўжалик маблағларида ёки унинг манбаларида ёхуд бир вақтнинг ўзида ҳам маблағда, ҳам манбада содир бўлади. Лекин ҳар қандай хўжалик муомаласидан кейин ҳам баланснинг актив ва пассив томонларининг жами суммасидаги тенглик сақланиб қолиши керак.

Такрорлаш учун саволлар

1. Бухгалтерия ҳисоби фанининг предмети нимадан иборат?
2. Бухгалтерия ҳисобининг объекти деганда нимани тушунасиз?
3. Хўжалик жараёнлари қандай босқичлардан ташкил топади?
4. Бухгалтерия ҳисобининг субъектларига кимларни киритишимиз мумкин?
5. Бухгалтерия ҳисобининг қандай усуллари мавжуд?
6. Бухгалтерия ҳисобидаги хатоларни тўғрилашнинг қандай усуллари мавжуд?
7. Бухгалтерия ҳисобварақлари ҳамда уларнинг турлари.
8. Икки ёқлама ёзув деб нимага айтилади?
9. Ҳисобварақлар режаси ҳақида тушунча.
10. Бухгалтерия баланси деб нимага айтилади?
11. Хўжалик муомаласи туфайли балансда рўй берадиган ўзгаришлар.

3-боб. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ РЕГИСТРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

3.1. Бухгалтерия ҳисобининг регистрлари ва шакллари ҳақида тушунча

Корхонада содир бўладиган ишлаб чиқариш, молия-хўжалик фаолиятида содир бўладиган ва амалга ошириладиган операциялар бухгалтерия ҳисобининг бошланғич ҳужжатларида акс эттирилади, улар кейинчалик йиғилади ва йиғма қайдномалар тузилади. Уларнинг маълумотлари тегишли регистрларга ёзиб чиқилиш тартибига ва иқтисодий мазмунига мувофиқ гуруҳланиши керак.

Бухгалтерия ҳисобининг регистрлари деб, бошланғич ва йиғма ҳужжатларда акс эттирилган хўжалик маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбаларини иқтисодий мазмунига кўра гуруҳлаш ҳамда хўжалик муомалаларининг таркиби ва ҳаракатини ҳисобга олишда қўлланиладиган махсус шаклдаги жадвалларга айтилади. Бу жадваллар бухгалтерия ҳисобида ҳисобварақларнинг ўзаро алоқаси ва ҳисобварақлардаги ёзувларнинг иқтисодий мазмунини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларига журналлар, қайдномалар, дафтарлар, карточкалар ҳамда тасдиқланган бланклар киради.

Ёзув турларига кўра ҳисоб регистрларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- Хронологик;
- Систематик;
- Комбинациялашган.

Хронологик ҳисоб регистрларида корхонада амалга оширилган ёки содир бўлган хўжалик операциялари ҳеч қандай тизимга солинмаган ҳолда фақатгина ҳужжатларнинг бухгалтерияга келиб тушиш вақтига қараб рўйхатга олинади. Хронологик ҳисоб регистри вазифасини бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шакли-

да қўлланиладиган "Хўжалик муомалаларини рўйхатга олиш журнали" бажаради. Ушбу журналда хўжалик операциялар содир бўлиш вақтига қараб кетма-кет ёзиб борилади.

Систематик ҳисоб регистрлари корхонада содир бўладиган хўжалик муомалаларини маълум белгиларига қараб систематик равишда ёзиш учун мўлжалланган. Систематик ҳисоб регистрларига "Бош дафтар", аналитик ҳисоб карточкалари мисол бўлади.

Комбинациялашган ҳисоб регистрлари корхонада амалга ошириладиган хўжалик операцияларини ҳам систематик, ҳам хронологик тартибда гуруҳлаштиришни таъминловчи ҳисоб регистрларидир. Ушбу турдаги ҳисоб регистрлари бухгалтерия ҳисобининг такомиллашуви натижасида вужудга келган бўлиб, унда хўжалик муомалалари бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақларида ўзларининг иқтисодий мазмунига кўра ажратилган ҳолда бир вақтда акс эттирилади.

Ҳисоб регистрлари улардаги маълумотнинг ҳажмига қараб икки турга бўлинади:

- Синтетик ҳисоб регистрлари;
- Аналитик ҳисоб регистрлари.

Синтетик ҳисоб регистрларида ёзувлар умумлашган ҳолда пул ифодасида ҳеч қандай тушунтиришсиз қайд этилади. Синтетик ҳисоб регистрларида ёзувлар олинган айрим ҳужжатларга мувофиқ олиб борилмайди, бунда олдиндан иқтисодий мазмунга кўра гуруҳланган бир хилдаги ҳужжатлар йиғиндиси бўйича акс эттирилади. Ушбу турдаги ҳисоб регистрларига бош дафтар, хўжалик муомалаларини рўйхатга олиш журнали ва бошқалар киради.

Аналитик ҳисоб регистрлари хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари, хўжалик жараёнлари тўғрисида батафсил маълумотларни акс эттириб, аналитик гуруҳларга бўлиб рўйхатга олиб бориш учун мўлжалланган. Аналитик ҳисоб регистрларида корхонада амалга ошириладиган хўжалик муомалалари синтетик ҳисоб регистрларидагига нисбатан деталлаштирилган ҳолда акс эттирилади. Бундай турдаги ҳисоб регистрларига "Асосий воситалар", "Дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ва бошқа ҳисобварақлар бўйича юритиладиган карточкалар мисол бўлади.

Қайдномалар ҳисоб регистрларининг ажралмас бир қисми бўлиб ҳисобланади.

Қайдномаларда корхонада содир бўлган бир хил маълумотларни англатувчи хўжалик муомалалари тизимга солиниб, маълум бир даврга ҳисобварақлар бўйича йиғма проводкалар берилади. Бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган қайдномалар 2 турга бўлинади:

- Йиғма қайдномалар;
- Гуруҳловчи қайдномалар.

Йиғма қайдномаларда маълум бир ҳисобот даври ичида айрим бухгалтерия ҳужжатларининг маълумотлари бўйича бир хилдаги хўжалик муомалалари жамланиб борилади. Бундай турдаги қайдномаларга маҳсулотларни жўнатиш ва сотиш бўйича қайднома ҳамда бошқа қайдномалар мисол бўла олади.

Гуруҳловчи қайдномаларда бир хилдаги ижро ҳужжатларининг ойлик маълумотлари йиғиб ёзилади. Бунга иш ҳақини тақсимлаш қайдномаси ва бошқа қайдномалар мисол бўла олади.

Корхонада бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги қайдномалари қўлланилади:

- Асосий воситалар ва ҳисобланган амортизация ажратмаларини ҳисобга олиш қайдномаси;
- Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш қайдномаси;
- Ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, шунингдек, улар бўйича тўланган ҚҚСни ҳисобга олиш қайдномаси;
- Пул маблағларини ҳисобга олиш қайдномаси;
- Маҳсулот сотилишини ҳисобга олиш қайдномаси;
- Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси;
- Меҳнатга ҳақ тўланишини ҳисобга олиш қайдномаси;
- Шахматли қайднома.

Ҳар бир қайднома фойдаланилаётган бухгалтерия ҳисобларидан бири бўйича муомалаларни ҳисобга олиш учун қўлланилади. Ҳар бир муомала бўйича сумма бир вақтнинг ўзида иккита қайдномада акс эттирилади:

- Кредитланувчи ҳисобварақни кўрсатган ҳолда ҳисобварақ дебети бўйича биттасида;

♦ Дебетланувчи ҳисобварақни қайд этган ҳолда корреспонденцияланувчи ҳисобварақнинг кредити бўйича бошқасида.

Сўнгра шахматли қайдномада корхона фаолиятининг ойлик якунлари бўйича умумлаштирилади.

Айланма қайднома

Ҳисобварақ №	га	дан	ДО
Жами			

қайднома

...варақлар							
Асосий воситалар							
Материаллар							
Тайёр маҳсулот							
Ҳисоб-китоб счёти							
Валюта счёти							
Бюджет билан ҳисоблашишлар							
—							
Кредит бўйича жами							

Бухгалтерия ҳисоби регистрларининг энг кўп қўлланиладиган тури—карточкалардир. **Карточкалар** корхонада амалга ошириладиган хўжалик муомалаларини рўйхатга олиш учун мўлжалланган бир хил шаклдаги қоғоз ёки картондан тайёрланган бир неча устунли жадваллардир. Улар бир хил бўлганлиги учун махсус белгиланган яшикларда сақланади. Карточкалар мажмуасига ***картотека*** дейилади.

Карточкалар, одатда, бир йилга мўлжалланган бўлади. Улар картотекага ҳеч бир қийинчиликсиз жойлаштирилади, шунинг учун ҳам улардан бир йилда ҳар бир ҳисобварақка қанча талаб қилинишини олдиндан аниқлаш зарурияти йўқ. Карточкадан фойдаланиш бухгалтерия ҳисоби техникасини такомиллаштириш, ҳисоб ходимлари ўртасида меҳнатни тўғри тақсимлаш учун кенг имкониятларни яратиб беради.

Корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ишларини ташкил қилиш ва юритишнинг бир нечта усулларидан фойдаланилади.

Бухгалтерия ҳисобининг шакли деб, бухгалтерия ҳисоби ёзувларини маълум техника воситасидан фойдаланиб ташкил қилишга айтилади. Бунда корхона ҳисоб ишларида содир бўлган ҳар бир хўжалик муомаласининг ўз вақтида, тўғри ва изчиллик билан ҳисоб регистрларининг аниқ бир тизимида жамланиши таъминланади.

Амалиётда бухгалтерия ҳисобининг турли шакллари мавжуд. Ушбу шакллар қуйидаги асосий жиҳатларга кўра бир-биридан фарқ қилади:

- Ҳисоб регистрларининг сони, вазифалари ва ташқи кўринишига кўра;
- Синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари, хронологик ва систематик регистрларнинг ўзаро алоқасига кўра;
- Ҳисоб регистрларига ёзувларни ёзиш тартиби ва техникасига кўра.

Ҳозирги вақтда амалиётда бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер, журнал-ордер, бош журнал ҳамда информацион технологияларга асосланган шакллари амал қилиб келмоқда.

3.2. Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шакли

Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шакли давлат корхоналари ва кичик корхоналарда кенг қўлланилади.

Мемориал-ордер шакли қуйидаги афзалликларга эга:

♦ ҳисоб жараёни қатъий изчилликда олиб борилади;

♦ ҳисоб техникаси содда ва тушунарли бўлади;

♦ регистрларнинг стандарт шаклларини қўллаш мумкин;

♦ ҳисоб ишларини бухгалтерия ходимлари ўртасида уларнинг малакаларига кўра тақсимлаш мумкин.

Мемориал-ордер шакли қуйидаги камчиликларга эга:

♦ ҳисоб ишларини юритишда кўп меҳнат талаб этилади;

♦ аналитик ҳисоб синтетик ҳисобдан ажралиб қолади, ҳисоб алоҳида юритилади;

♦ турли хил регистрларида бир хил ёзувлар кўп маротаба қайд қилинади.

Мемориал-ордер шаклининг моҳияти шундан иборатки, хўжалик муомалаларини қайд этиш учун синтетик ва аналитик ҳисобнинг махсус жамғарув оборот қайдномаларидан, яъни: асосий воситалар, ҳисобланган амортизация ажратмалари; ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш қайдномаси; ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, шунингдек, улар бўйича тўланган ҚҚСни ҳисобга олиш қайдномаси; пул маблағларини ҳисобга олиш қайдномаси; маҳсулот сотилишини ҳисобга олиш қайдномаси; мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси; меҳнатга ҳақ тўланишини ҳисобга олиш қайдномаларидан фойдаланилади. Корхона бухгалтериясига келиб тушган бирламчи ҳужжатлар уларни тўлдириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Оборот қайдномалари ва жамлама ҳисоб регистрлари асосида мемориал-ордерлар тузилади. Мемориал-ордерлар маълумотлари ҳар ойда "Бош дафтар" журналига ўтказилади. Сўнгра унга қараб оборот сальдо баланси чиқарилади ва кейин у баланс ҳисоботи шаклига ўтказилади. "Бош китоб"да барча ҳисобварақлар дебети бўйича бир ой учун оборотлар суммаси барча

ҳисобварақлар кредити бўйича оборотлар суммасига, шунингдек "Суммаси" устуни якунига тенг бўлиши керак. Оборотлардан кейин бир ой учун кейинги саторда келаётган ой бошида ҳар бир ҳисобварақнинг сальдоси чиқарилади ва у ҳисобот балансига киритилади.

Мемориал-ордерларнинг тузилишига мисол келтирамиз:

"Касса" 1-мемориал-ордери
2002 йил _____ ойи учун

Муомала мазмуни	дебет	кредит	Сумма (сўм)
Корхона кассасига пул олинди	5010	5110	
Маҳсулотни сотишдан олинган тушум	5010	4010	
Иш ҳақи берилди	6710	5010	
Ҳисоб-китоб счётига кассадан пул топширилди	5110	5010	
Кредит бўйича жами			

Бухгалтер _____

Ижрочи _____

Мемориал-ордерларни рўйхатга олиш журнали
Ҳисобварақ _____

М/О №	Сана	Муомала мазмуни	Сумма

3.3. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли 1960 йил 1 январидан жорий этилган. Бухгалтерия ҳисобининг ушбу шакли жорий этилгунига қадар мемориал-ордер шакли амал қилган эди.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида ёзув-

лар йиғма ва гуруҳловчи қайдномаларда (журнал-ордерлар), шунингдек, ёрдамчи қайдномаларда гуруҳлаб борилади. Бухгалтерияга келтирилган бошланғич ҳужжатлар мемориал-ордерларда акс эттирилмасдан, бевосита шу журналларнинг ўзида акс эгтирилади, чунки бухгалтерия ҳисобининг бу шаклида қўлланиладиган журналлар бир вақтда хўжалик муомалаларини бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштирувчи ордерлар ҳисобланиб, мемориал-ордерларни тузиш заруриятини йўқотади. Бу ерда мемориал-ордерларнинг ўрнини аввалдан ҳисобварақларнинг корреспонденцияси тузиб қўйилган махсус ҳисоб регистрлари тузилади. Бу регистрлар йиғма ва гуруҳловчи қайдномалар, яъни журнал-ордерлардир. Бухгалтерия ҳисоби бу шаклининг журнал-ордер деб номланиши ҳам шу регистрларнинг номидан келиб чиққан. Журнал-ордерларда бирламчи ҳужжатларнинг маълумотларини тўғри гуруҳлаштиришни таъминлаш учун ҳисобварақлар кредити бўйича намунавий корреспонденция ва ойлик, чораклик ҳамда йиллик ҳисоботлар учун зарур бўлган кўрсаткичлар рўйхати назарда тутилган. Жамлама ва таҳлилий ҳисоб учун мўлжалланган журнал-ордерларда, бундан ташқари, таҳлилий ҳисобнинг зарур моддалари ҳам назарда тутилган.

Бухгалтерия ҳисоби журнал-ордер шаклининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

♦ Журнал-ордерларда муомалаларни рўйхатга олиш тартибида ёзувлар фақат ҳисобварақлар кредити бўйича, дебетланувчи ҳисобварақлар билан корреспонденцияда амалга оширилади;

♦ Жамлама ва таҳлилий ҳисоб ёзувлари ягона тизимдан жой олади;

♦ Хўжалик ҳисоблари бухгалтерия ҳисобида даврий ва йиллик ҳисоботларни назорат қилиш ва тузиш учун тақозо этиладиган кўрсаткичлар бўйича акс эттирилади;

♦ Олдиндан кўрсатилган ҳисобварақлар корреспонденцияси, таҳлилий ҳисоб моддалари номенклатураси, даврий ва йиллик ҳисоботларни тузиш учун тақозо этиладиган кўрсаткичлар билан биргаликда регистрлардан фойдаланилади;

♦ Ойлик журнал-ордерлар қўлланилади.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида

ҳисоб регистрлари шундай тартибда тузилиши лозимки, бунда бухгалтерия ҳисоботини тузиш учун зарур бўлган маълумотларни тўғридан-тўғри шу регистрларнинг ўзидан олиш мумкин бўлсин. Бухгалтерия ҳисоботининг ҳамма турларини ва жадвалларини шу ҳисоб регистрларининг маълумотлари асосида қўшимча ишлар бажармасдан бевосита тузиш мумкин.

Таҳлилий ҳисоб моддаларидаги маълумотларни бевосита бухгалтерия ҳисоботи жадвалларига ўтказиш мумкин. Демак, бухгалтерия ҳисоби журнал-ордер шаклининг хусусиятларидан бири бухгалтерия ҳисобининг бу шаклидаги ҳисоб регистрларининг бухгалтерия ҳисоботи тузишга мослашганлигидир.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида ҳужжатларнинг айланиши тезлашади, мемориал-ордер ва рўйхатга олиш журналлари тузилмайди, жамлама ва таҳлилий ҳисоб қўшилиб кетади ва ҳисоботни қўшимча ишлар бажармасдан тўғридан-тўғри ҳисоб регистрларидан тузиш мумкин ва ҳоказо. Буларнинг барчаси ҳисоб регистрларидаги ёзувларнинг такрорланишини йўқотади ва иш усулининг қуйидаги ҳолда бўлишини таъминлайди: ҳужжатларда расмийлаштирилган хўжалик муомалаларини акс эттириш, ҳужжатлардан ҳисоб регистрларига маълумотларни ёзиб олиш ва ҳисобот учун ҳисоб регистрларининг маълумотларини жамлаш каби жараёнларни ўз ичига олади. Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида вақтнинг тежалиши, хато ёзувларнинг бирмунча камайиши ва объектлар ҳақидаги маълумотларнинг бирмунча кўргазмали бўлиши таъминланади

3.4. Бухгалтерия ҳисобининг бош журнал шакли

Бухгалтерия ҳисобининг бош журнал шаклида жамлама ҳисоб регистри бош журнал орқали юритилади. Ушбу шаклда хронологик ва систематик ёзувлар бир ҳисоб регистрида, яъни бош журналда олиб борилади. Бухгалтерия ҳисобининг ушбу шаклида ҳар бир хўжалик муомаласига бошланғич ҳужжатлар асосида мемориал-ордер ёзилади ва унга асосланган ёзув бош журналга кўчирилади. Ҳар бир мемориал-ордер ва унга илова қилинган бошланғич ҳужжатлар асосида ҳисоб-

варақларга ёзувлар ёзилади. Ҳисобот ойининг охирида эса ҳисобварақлар бўйича оборот қайдномалари тузилади. Ушбу қайднома жами бош журналдаги тегишли ҳисобварақлар обороти билан таққосланади.

"Бош дафтар" журнали

2002 йил _____ ойи учун

М/О бўйича сумма	ҳисобварақ №		...обварақ		...обварақ		...отлар	
	Дт	Кт	Дт	Кт	Дт	Кт	Дт	Кт
1.05.2002 йилга сальдо								
1								
2								
3								
4								
5								
6								
7								
Жами оборот								
2002 йил 1_____ га сальдо								

3.5. Информацион технологияларга асосланган бухгалтерия ҳисоби шакли

Корхона ва ташкилотларда ҳисоб ишларининг самарадорлигини ошириш ҳамда вақтни тежаш мақсадида бухгалтерия ҳисобининг замонавий шакли — информацион технологияларга асосланган шакли ҳаётга татбиқ этилиб келинмоқда. Ушбу шаклнинг бир қанча афзалликлари мавжуд:

— бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларидаги маълумотларни қайта ишлашни тезлаштиради;

— иқтисодий маълумотларни қайта ишлашда банд бўлган ходимлар сонини қисқартиради ҳамда меҳнат унумдорлигини оширади;

— ҳисоб ишларида аниқлик ва изчилликни таъминлайди;

— ҳисоб ишларини юритиш билан боғлиқ харажатларни камайтиради.

Электрон ҳисоблаш машиналари ҳозирги вақтда ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишда қўлланилиши билан бирга ҳисоб маълумотларини йиғиш, уларни қайта ишлаш, жамлама ва таҳлилий ҳисоб регистрларини тузиш, ҳисобот шаклларини тўлдириш ва бошқа бир қанча ҳисоб ишларини бажаришда кенг қўлланилмоқда. Амалиётда компьютерлардан кенг фойдаланиш бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг янги усулларини вужудга келтирди.

Бухгалтерия вазифаларини ечишда информацион технологиялардан фойдаланишни ташкил этиш бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини тузиш пайтидан бошлаб якуний молиявий ҳисоботни тузиш билан якунланувчи операцияларнинг йиғиндисидан иборатдир.

Ҳозирги босқичда бухгалтерия вазифаларини ахборот технологияси асосида марказлаштирилган ҳолда ташкил қилиш қуйидагиларни таъминлайди:

— фойдаланувчининг иш жойида ўрнатилган компьютерларни қўллаш, бу ерда вазифаларни ечиш ҳисобчи томонидан бевосита унинг иш жойида бажарилади;

— корхона (ташкилот, фирма)нинг турли хилдаги бўлинмалари иқтисодий вазифаларини интеграциялашган ҳолда ишлаб чиқилишини таъминловчи маҳаллий ва кўп босқичли ҳисоблаш тармоқларини шакллантириш;

— ҳисоблаш техникасида бажариладиган бухгалтерия ҳисоблашлари таркибини анча кўпайтириш;

— ҳар хил бўлинмалар учун корхонанинг ягона тақсимланган маълумотлар базасини яратиш;

— бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини машинада шакллантириш имкониятлари, бу қоғозсиз технологияларга ўтишни таъминлайди ва ҳужжатларни йиғиш ҳамда рўйхатга олиш бўйича операциялар меҳнаттаалаблиги даражасини камайтиради;

— бухгалтерия ҳисоби вазифалари мажмуаларини ечишни интеграциялаш;

— диалогли усулда амалга ошириш йўли билан ахборот хизмати кўрсатишни ташкил этиш имконияти.

Информацион тизимда бажариладиган технологик жараён учта босқичдан иборат:

1-босқич. Бу босқич бирламчи ҳисоб, бирламчи ҳужжатларни тузиш, уларни ишлаб чиқиш ва ҳисобнинг ҳар бир участкаси бўйича таҳлилий ҳисобнинг қайдномалари тузилиши бажарилади. Масалан, иш ҳақи ҳисоблаш бўйича ҳисоблаш тўлов ҳужжатлари, қўшиб ҳисобланган ва ушлаб қолинган иш ҳақининг тўпламлари ҳамда бошқалар тузилади.

2-босқич. Бу босқич проводкаларни тузиш, уларни таҳлилий ва жамлама ҳисобнинг турли регистрлари, ҳисобварақларнинг тартиб рақамлари бўйича қайд дафтари ордерларига жойлаштиришдан иборат бўлади.

3-босқич. Бу босқич йиғма жамлама ҳисобни: Бош китобнинг ҳисобварақлари бўйича ҳисобот сальдо қайдномалари ва молиявий ҳисоботнинг шаклларини тузишдан иборат бўлади, бу "Проводка-Бош китоб-Баланс" машина дастурининг асосий модули томонидан таъминланади.

Ҳисоб вазифаларини ишлаб чиқиш технологияларини амалга оширишнинг муҳим элементи унинг дастурий таъминланиши бўлади. Компьютер дастурлари бозорида ҳар хил корхоналар, фирмалар, ташкилотлар учун мўлжалланган бухгалтерия дастурлари вариантларининг кўпгина турлари тақдим этилган. Дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш кўп сонли фирмалар томонидан олиб борилади, улардан энг машҳурлари "1С:Бухгалтерия", "Турбо-Бухгалтерия", "Фолио", "Парус", "Хакерс-Дизайн" ва бошқалардир.

Хориж ва мамлакатимизнинг ушбу соҳага тегишли назарияси ва амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш шуни кўрсатадики, йирик корхоналарда бухгалтерия ҳисоби бошқарувининг уч даражали — бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб ва солиқ ҳисоби бўйича ташкил этилади.

Бухгалтерия ҳисобини уч даражага — бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб ва солиқ ҳисобига ажратилган ҳолда ташкил қилиш информацион технологияларни қўллашга ихтисослашган бухгалтерия ҳисоби шаклида самаралироқ бўлади. Чунки амалда қўлланиладиган кўпгина компьютер дастурларида бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб ва солиқ ҳисобининг ишлари алоҳида ташкил қилинади.

Бухгалтерия ҳисобининг информацион технологияларга асосланган шаклининг асосий хусусияти компьютер дастурлари асосида автоматлаштирилган тартибда ҳисоб регистрларини тузиш имконияти яратилганлигидадир. Бу регистрларда ҳисоб маълумотларини корхонани бошқариш, назорат, таҳлил қилиш ва бухгалтерия ҳисоботини белгиланган тартибда тузиш учун зарур бўлган аснода умумлаштириш, гуруҳлаш мумкин бўлади.

Бу шаклни амалиётга кенг жорий қилиш орқали бухгалтерия ҳисоби маълумотларини қайта ишлаш жараёни янги босқичга кўтарилади. Бу жараён ҳисоб маълумотларини автоматик тарзда олиш ва уни қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Бунга дастлабки ҳужжатлар, уларни автоматлаштирилган қайта ишлашга мослаштириш, маълумотларни компьютерларда қайта ишлашга мослаштирилган ҳужжатнинг айланиши, ҳисоблаш техникаси ишлари дастурлари, маълумотларни автоматик равишда қайта ишлаш тартибини тавсифловчи технологик хариталар ва бошқаларни мисол қилиб киритишимиз мумкин.

3.6. Бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизими

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш бевосита кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг тараққиёти билан боғлиқ. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳисоб ишларини ихчамлаштириш мақсадида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизими ишлаб чиқилган.

Микрофирмаларга мулкчилик шаклидан қатъий назар, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик миқдори ишлаб чиқариш тармоқларида 10 кишига қадар, савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида 5 кишига қадар бўлган корхоналар киради.

Кичик корхоналарга мулкчилик шаклидан қатъий назар, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик миқдори саноат соҳасида 40 кишига қадар, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида 20 кишига қадар, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо

ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида 10 кишига қадар бўлган корхоналар киради.

Кичик корхона ўз ишлаб чиқариши ва бошқарув эҳтиёжларидан, уларнинг мураккаблиги ва ишловчилар сонидан келиб чиққан ҳолда, тегишли органлар тасдиқлаган бухгалтерия ҳисоби шаклини мустақил танлайди. Бунда кичик корхона бухгалтерия ҳисобининг регистрларини қуйидаги талабларга риоя қилган ҳолда ўз ишининг хусусиятларига мустақил равишда мослаштириши мумкин:

- Ягона услубий асос (икки ёқлама ёзув қоидаси);
- Таҳлилий ва жамлама ҳисоб маълумотларининг ўзаро боғлиқлиги;
- Барча хўжалик муомалаларини регистрларда ялпи акс эттириш;
- Бирламчи ҳисоб ҳужжатлари асосида ҳисоб, бирламчи ҳужжатлар маълумотларини кичик корхонани бошқариш ва унинг хўжалик фаолиятини назорат қилиш, шунингдек, бухгалтерия ҳисобини тузиш учун зарур бўлган кўрсаткичлар бўйича тўплаш ва бир тизимга солиш.

Кичик корхоналар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишда "Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузиш тартиби тўғрисида" 20-сон БҲМАдан фойдаланади.

Кичик корхонада бирламчи ҳисоб ахборотининг муайян моддий бойликларни олиб келиш йўли билан барча хўжалик муомалаларини ялпи ҳужжатлаштириш бухгалтерия ҳисобининг бошланғич босқичи бўлиб ҳисобланади.

Кичик корхоналар амалга ошириладиган муомалаларни ҳужжатлаштириш учун бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг намунавий шакллари, идоравий шакллар, шунингдек, тегишли намунавий шаклларга нисбатан мустақил ишлаб чиқилган, мажбурий реквизитлари мавжуд бўлган ва амалга оширилган муомалалар ҳисобида тўғри акс эттиришни таъминлайдиган шаклларни қўллашлари мумкин.

Бухгалтерия ҳисобининг бирламчи ҳисобида қўлланиладиган ҳужжатларнинг мажбурий реквизитлари қуйидагилардир: ҳужжатнинг номи, тузилган сана,

хўжалик муомаласининг мазмуни, хўжалик муомаласининг ўлчов бирлиги (миқдорий ёки қиймат ифодасида), хўжалик муомаласини амалга ошириш ва уни тўғри расмийлаштириш учун маъсул бўлган мансабдор шахсларнинг исм-шарифи, шахсий имзолари ва бошқалар.

Соддалаштирилган тизимда ҳисоб ишлари қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

♦ Бошланғич ҳужжатлардаги ҳамда бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги маълумотларни рўйхатга олиш;

♦ Бухгалтерия ҳисоботини тузиш;

♦ Корхона учун зарур бошқа ахборотни олиш учун бухгалтерия ҳисоби регистрлари маълумотларидан фойдаланиш.

Кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шаклида ҳисоб регистрларининг қуйидаги икки туридан фойдаланиш мумкин:

1. Хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш дафтари;
2. Тегишли ҳисоб объектларини ҳисобга олиш қайдномалари.

Хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш дафтари таҳлилий ва жамлама ҳисоблар регистри бўлиб, унинг асосида кичик корхонада муайян санада маблағлар мавжудлиги ва уларнинг манбаларни белгилаш ва бухгалтерия ҳисобини тузиш мумкин. Хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш дафтари комбинациялашган регистр ҳам бўлиб, кичик корхона томонидан қўлланиладиган барча бухгалтерия ҳисобварақларини ўз ичига олади, уларнинг ҳар бири хўжалик муомалаларининг ҳисобини юритиш имконини беради. Бунда у баланснинг тегишли моддалари мазмунини асослаш учун батафсилроқ бўлиши лозим.

Кичик корхона дафтарни қайднома кўринишида юритиб, уни ҳар ой учун ёки муомалалар ҳисоби бутун ҳисобот йили учун юритиладиган дафтар шаклида очиши мумкин, бу ҳолда охирги саҳифасига дафтардаги мавжуд саҳифалар сони ёзилади, у раҳбар ва бош бухгалтернинг имзолари, шунингдек, кичик корхона муҳрининг изи билан тасдиқланади.

Хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш дафтари йил бошида (корхона фаолияти бошида) активлар ва пассивларнинг ҳар бир тури бўйича мавжуд бўлган қол-

диқлар суммалари қайди билан очилади. Сўнгра "Муомала мазмуни" устунида ой қайд қилинади ва хронологик тартибда позицияли усул билан ҳар бир бирламчи ҳужжат асосида ойнинг барча хўжалик муомалалари акс эттирилади. Бунда Дафтарда "суммаси" устуни бўйича қайд этилган ҳар бир муомалага доир суммалар бир вақтнинг ўзида тегишли воситалар турлари ва манбаларини ҳисобга олиш ҳисобварақларининг "Дебет" ва "Кредит" устунлари бўйича икки ёқлама ёзув билан акс эттирилади.

Воситалар ва уларнинг манбалари дебет ва кредит оборотларининг бир ой учун якунлари ҳисобланганидан сўнг уларнинг ҳар бири бўйича кейинги ойнинг 1-кунига сальдоси чиқарилади.

Барча ҳисобварақлар дебет оборотларининг умумий якуни кредит оборотларининг умумий якуни ва "Назорат суммаси" якунига тенг бўлиши керак.

Соддалаштирилган шакл бўйича ҳисобни ташкил этиш учун кичик корхоналар ҳисобварақлар режаси асосида хўжалик муомалаларининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари иш режасини тузишлари зарур, у кичик корхонага асосий воситалар ва улар манбаларининг ҳисобини асосий бош ҳисобварақлардаги бухгалтерия ҳисоби регистрларида юритиш ва бу билан умуман бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг тўғрилиги устидан назоратни таъминлаш имконини беради.

Кўрлаш учун саволлар

1. Бухгалтерия ҳисобининг регистрлари деб нимага айтилади?
2. Ҳисоб регистрларининг қандай турлари мавжуд?
3. Бухгалтерия ҳисоби регистрларига нималар киради?
4. Бухгалтерия ҳисобининг шакллари деб нимага айтилади?
5. Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шакли.
6. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли.
7. Бухгалтерия ҳисобининг бош журнал шакли.
8. Информацион технологияларга асосланган бухгалтерия ҳисоби шакли.
9. Бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизими.

4-боб. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЮРИТИШ

4.1. Бухгалтерия ҳисоби ишларини ташкил қилиш

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонада бухгалтерия ҳисоби ишларини тўғри ташкил қилиш ғоят муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Корхона ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби содир бўлаётган хўжалик жараёни ҳамда муомалаларини кузатиб ва қайд этиб қолмасдан, ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошира бориб, режалаштириш, назорат қилиш ва иқтисодиётни бошқариш ишида асосий вазифаларни бажаради. Шу боисдан ҳам ҳисоб ишларини ташкил қилиш масалаларига катта эътибор қаратилади.

Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисоби ишларини ташкил қилишга қўйилган энг асосий талаб — бу унинг кам харажатли ва содда бўлишлигидир. Корхонада ҳисоб ишлари ана шундай ташкил этилгандагина, бухгалтерия ҳисоби юқори самарага ҳамда яхши натижаларга эришиш мумкин. Бунинг учун эса, энг аввало, ҳар бир корхонанинг ўзига хос тармоқ хусусиятларини ва бошқа жиҳатларини чуқур ўрганиш лозим.

Ҳар бир корхонада ташкил этилган бухгалтерия ҳисоби хўжалик фаолияти жараёнида содир бўлаётган хўжалик муомалаларини узлуксиз кузатиш, кузатиш натижаларини сон кўрсаткичларида ифодалаш, кейин уларни ёппасига махсус ҳужжатларда акс эттиришни таъминлаш лозим. Шу билан биргаликда корхона бизнес-режасини ва келгусидаги стратегик дастурларини тузишда керакли маълумотлар билан таъминлаши ва уларнинг бажарилиши устидан амалий равишда назорат олиб бориши керак.

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби бўйича умумий раҳбарлик қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби ва аудити услубияти бошқармаси зиммасига юклатилган. Бу бошқарма дастлабки ҳисоб масалалари бўйича халқ хўжалиги тармоқларига умумий раҳбарлик қилиб, бухгалтерия ҳисоби бўйича кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича иш олиб боради ҳамда дастлабки ҳисобнинг типик шаклларини ишлаб чиқиб, нашр қилдиради, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун мажбурий бўлган ҳисоб ва ҳисобот масалалари бўйича йўриқнома, услубий кўрсатмалар ишлаб чиқади.

Бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш бўйича методологик раҳбарлик ҳам Молия вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби ва аудити услубияти бошқармаси томонидан олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан келишилган ҳолда бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасини, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг типик шаклларини, улардан фойдаланишга оид йўриқномаларни тасдиқлайди, бухгалтерия ҳисобини яхшилаш ва такомиллаштиришга доир таклифларни жорий қилади.

"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни хўжалик юритувчи субъект раҳбари амалга оширади.

Раҳбар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия ҳисоби ишларини ташкил қилиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтер хизматидан фойдаланиш;

— бухгалтерия ҳисоби ишларини юритишни шартнома асосида ихтисослаштирилган бухгалтерия фирмасига ёки таркибига бухгалтерия субъекти ҳам кирадиган хўжалик бирлашмасининг марказлаштирилган ҳисобга олиш бўлимига юклаш;

— бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

Шу билан биргаликда корхона раҳбари қуйидагиларни таъминлаши шарт: ички ҳисоб ва ҳисобот тизимининг ишлаб чиқилишини, хўжалик муомалаларини назорат қилиш жараёнини, бухгалтерия ҳисобининг тўлиқ ва аниқ юритилишини, ҳисоб-китоб ҳужжатларининг сақланишини, ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот тайёрланишини, солиқ ҳисоботлари

ва бошқа молиявий ҳужжатлар тайёрланишини, ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини.

Раҳбар бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилиши учун барча зарур шароитларни яратиши, корхона, муассасанинг барча бўлимлари ва хизматлари, ҳисоб-китобга алоқаси бўлган барча ходимлари томонидан бош бухгалтернинг ҳужжатлар ва маълумотларни расмийлаштириш ҳамда ҳисоб учун тақдим этиш хусусидаги талаблари оғишмай бажарилишини таъминлаши шарт.

Бош бухгалтер корхона, муассаса амалга ошираднган барча хўжалик операцияларини назорат қилишни ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттиришини, тезкор ахборот тақдим этилишини, белгиланган муддатларда бухгалтерия ҳисоботи тузишни, ички хўжалик резервларини аниқлаш ва сафарбар қилиш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари бўйича корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти учун иқтисодий таҳлилини амалга оширишни таъминлайди.

Бухгалтерия ишларида амалга оширилган муомалалар учун жавобгарлик имзо билан ўз тасдиғини топади. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига биноан, хўжалик юритувчи субъект раҳбари хўжалик муомалаларини амалга ошириш рухсатномасига ва субъект номидан ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатининг мавжудлиги учун жавобгар бўлади. Рўйхатда эгаллаб турган лавозимига кўра имзолаш ҳуқуқи иерархияси шаклида ва раҳбарлик вазифасини ҳамда субъект вакили сифатида ҳаракат қилишга вакил қилинган ҳар бир мансабдор шахс бухгалтерия ҳисоби вазифаларини амалга оширади. Субъект электрон имзолардан фойдаланганида, унинг хўжалик ҳужжатлари учун электрон имзолардан фойдаланиш ва уларни ишлатишга алоқадор керакли эҳтиётқорлик ва назорат чоралари белгиланиши керак.

Корхона бош бухгалтери раҳбар билан биргаликда товар-моддий бойликлар ва пул маблағларини қабул қилиш ҳамда бериш учун асос бўладиган ҳужжатларга, шунингдек, ҳисоб-китоб, кредит ва молиявий мажбуриятлар ҳамда хўжалик шартномаларига имзо чекади. Ушбу ҳужжатларда бош бухгалтернинг имзоси бўлмаса, у ҳақиқий деб топилмайди. Ҳужжатларга имзо чекиш ҳуқуқи корхона, муассаса раҳбарининг ёзма равишда-

ги фармойиши билан бунга ваколат берган шахсларга берилиши мумкин.

Корхонада моддий жавобгар шахсларни (кассир, омбор мудири ва бошқаларни) ишга тайинлаш, вазифасини ўзгартириш ва ишдан бўшатиш бош бухгалтер билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Агарда корхона бош бухгалтери ўзгартирилса, олдинги бош бухгалтер ишлари янги тайинланган бош бухгалтер зиммасига юклатилади, ушбу жараёнда бухгалтерия ҳисобининг ҳолати ва ҳисобот маълумотларининг аниқлиги текширилиб, корхона раҳбари тасдиқлайдиган тегишли далолатнома тузилади.

Корхонанинг чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларига раҳбар ва бош бухгалтер имзо чекади.

Агарда корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ишлари шартнома асосида ихтисослаштирилган ташкилот ёки мутахассис томонидан юритилса, молиявий ҳисоботга корхона раҳбари ва бухгалтерия ҳисобини юритадиган мутахассис имзо чекади.

Бирламчи ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари, бухгалтерия ҳисоботи белгиланган тартибга мувофиқ мажбурий тарзда сақланиши керак. Улар билан ишлаш даврида сақлашни таъминлаш ва уларни архивга ўз вақтида топшириш учун бош бухгалтер масъулдир.

Бухгалтерия бўлими ҳужжатларни ишлаб чиқиши, бухгалтерия регистрларида ҳисоб ёзувларини оқилона олиб бориши ва улар асосида бошқарув ва молиявий ҳисоботларни ҳамда солиқ ҳисоб-китобларини тузишни таъминлаши зарур.

Бухгалтерия аппарати, одатда, қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:

Материал бўлими. Бу ерда сотиб олинган моддий қийматликларни, мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни, материалларни сақлаш ва фойдаланиш жойлари бўйича кирими ва сарфланишини ҳисоби юритилади.

Ҳисоблашиш бўлими. Бу ерда дастлабки ҳужжатларга асосан иш ҳақи ҳисоблаш ва ундан ушланмалар бўйича барча ҳисоблашишлар олиб борилади, меҳнат ҳақи фонди ва истеъмол фондидан фойдаланиш бўйича назорат амалга оширилади, ижтимоий суғуртага ажратмалар бўйича ҳисоблашиш ҳисобини олиб боради.

Ишлаб чиқариш-калькуляция бўлими. Бу бўлимда барча турдаги ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар ҳисоби юритилади, маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи аниқланади ва ҳисобот тузилади.

Умумий бўлим. Бу бўлимда юқорида санаб ўтилган бўлимларда ҳисобга олинмайдиган муомалалар ҳисоби юритилади, бош дафтар юритилади ва бухгалтерия ҳисоботи тузилади.

Бухгалтерия ҳисоби бўлимларида ҳисоб-китоб жараёнининг сифати ва самарадорлигини янада ошириш ҳисобчи ходимлар меҳнатини илмий ташкил этишдан ажралмасдир. Меҳнатни илмий ташкил этиш чора-тадбирлари тизимида иш жойларини фан ва техника ютуқлари асосида мақсадга мувофиқ ташкил этиш муҳим ўрин тутади.

Бухгалтерия ходимлари иш жойларини барпо этиш ҳисоб жараёнининг оқилона асосланган технологиясидан ажралмасдир. Шу муносабат билан иш жойларини белгилашдан олдин ҳисоб жараёнининг мазмуни чуқур таҳлил қилиниши керак. Кўп ҳолларда бир хилдаги бирламчи ҳисоб ҳужжатлари билан ишлайдиган бухгалтерларнинг иш столлари нафақат хонанинг қарама-қарши бурчакларида, балки турли хоналарда бўлиши керак.

Корхона бош бухгалтери, унинг ўринбосари, шунингдек, бошқа бухгалтерлар алоҳида хоналарда жойлаштирилиши керак. Хонага эшитиладиган, шунингдек, хона ичида ҳосил этиладиган шовқинлар бухгалтерия ходимларининг меҳнат унумдорлигига салбий таъсир қилади. Шунинг учун ҳам шовқин кучини пасайтиришга, яъни хона деворларига товушни ютадиган материалларни қоплашга жиддий эътибор берилиши лозим. Ҳисоб ишларини замонавий ташкил этиш учун, энг аввало, бухгалтерия бўлимини техника воситалари (компьютер, принтер, факс, модем, телефон ва бошқалар) билан тўлиқ жиҳозлаш лозим. Бу бухгалтерия ҳисоби ишлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

4.2. Ҳисоб юритиш сиёсати

Ҳисоб юритиш сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тамойил ва асосларига мос равишда юритиш ва тузиш учун қўлланиладиган усуллар мажмуи тушунилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати субъект томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузишда қўлланиладиган ўзига хос қоидалар ва амалий ёндашувларни ифодалайди.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати субъект раҳбари томонидан "Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот" номли 1-сон БҲМА асосларида тақдим этиладиган молиявий ҳисоботнинг йилма-йил қиёсланиши учун тузилади. Ҳисоб юритиш сиёсати шундай ташкил қилиниши керакки, унда молиявий ҳисобот барча учун қулай бўлган БҲМА асосида тузилиши мумкин бўлсин.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати қуйидагича бўлиши лозим:

- фойдаланувчилар эҳтиёжлари учун аҳамиятли;
- ишончли бўлиши;
- айнан шундай фаолият юритувчи бошқа субъектларнинг молиявий ҳисоботларини таққослаш имкониятини бериши;
- тушунарли ва оддий бўлиши шарт.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишни ташкил қилишнинг аниқ йўналиши бўйича субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати шакллантирилишида Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонун ҳужжатларини қўллаш лозим.

Корхонанининг ҳисоб юритиш сиёсатини танлаш ва асослашга қуйидаги омиллар таъсир этади:

- мулкчилик шакли ва ташкилий-ҳуқуқий шакл;
- фаолият тури ёки тармоқ бўйсунуви;
- ишлаб чиқариш кўлами ҳамда ишловчи ходимларнинг сони;
- солиқ солиш тизими билан муносабат (ҳар хил солиқлардан озод бўлиш, солиқ ставкалари, солиқ солиш бўйича имтиёзлар);

♦ бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳаракат қилиш эркинлигининг даражаси;

♦ молия-хўжалик фаолиятининг ривожланиш стратегияси (узоқ келажакда корхонанинг иқтисодий ривожланиш масалалари ва мақсадлари, сармояларнинг кутилаётган йўналишлари, келажакдаги масалаларни ечишдаги тактик ёндошувлар);

♦ бошқарув фаолиятининг техник жиҳатдан қуролланганлиги;

♦ корхонани маълумотлар билан таъминлашнинг самарали тизимининг мавжудлиги;

♦ бухгалтерия ходимларининг малака даражаси, корхона раҳбарларининг ташаббускорлиги, талабчанлиги ҳамда тадбиркорлиги;

♦ корхона иши самарасидан моддий манфаатдорлик ва мажбуриятлар бўйича моддий жавобгарлик тизими.

Корхона раҳбари юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоб юритиш сиёсатини асослаши ва тўғри ёндашиши мумкин. Махсус БҲМАлар бўлмаганда, корхона раҳбари ҳисоб юритиш сиёсатини ишлаб чиқишда ўз тушунчаларидан фойдаланишга ҳақли, чунки у фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботлардан фойдали ахборотларни бера олади. Ўз тушунчаларини қўллаш жараёнида корхона раҳбари БҲМАнинг шу каби масалалар бўйича талаблари ва кўрсатмаларини, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эълон қилинган ҳар қандай бошқа ахборотни, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар учун уларни аниқлаш, акс эттириш ва ўлчаш баҳоларини, капиталнинг асосий жаҳон молиявий бозорлари томонидан қабул қилинган тармоқ амалиётини кўриб чиқади.

Ҳисоб юритиш сиёсатини шакллантиришда бухгалтерия ҳисобини юритиш учун танланган усуллар маъмурий ҳужжат эълон қилинган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб қўлланилади, ҳисобот йили давомида янги тузилган хўжалик юритувчи субъектлар бундан мустасно.

Янги тузилган хўжалик юритувчи субъект биринчи ҳисоботини эълон қилгунга қадар, ўзи танлаган ҳисоб

юритиш сиёсатини расмийлаштиради ва уни юридик шахс мақомини олган вақтдан бошлаб, 90 кун ичида амалга оширади. Субъект томонидан танланган ҳисоб юритиш сиёсати юридик шахс мақомига эга бўлган вақтдан (давлат рўйхатидан ўтгандан) кейин қўлланилиши мумкин.

Календарь йили давомида ҳисоб юритиш сиёсати ўзгартирилмайди.

Қуйидаги ҳолларда хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсатида ўзгаришлар бўлиши мумкин:

- субъект қайта ташкил этилганида;
- мулкдорлар ўзгарганида;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоботини меъёрий тартибга солиш тизимида ўзгаришлар бўлганида;
- Бухгалтерия ҳисобининг янги омилларини ишлаб чиқишда.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан боғлиқ бўлмаган ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларнинг оқибатлари бухгалтерия ҳисоби юритишда ўзгартирилган омилларнинг қўлланилиш куни (ойнинг биринчи санаси)дан субъект томонидан текширилган қиймат кўринишида баҳоланиши керак.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати 1-сон БҲМАнинг 16-50 бандларида ва "Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асослари"да келтирилган асосий тамойилларга асосан аниқланиши мумкин:

- ҳисоблаш тамойили;
- икки ёқлама ёзиш усули;
- узлуксизлик;
- хўжалик муомалалари, активлар ва пассивларнинг пулдаги баҳоси;
- ишончлилик;
- эҳтиёткорлик;
- мазмуннинг шаклдан устунлиги;
- кўрсаткичларнинг қиёсийлиги;
- молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги;
- активлар ва пассивларнинг аниқ баҳоси;
- ҳисобот даври даромад ва харажатларининг мослиги;

- ♦ тушунарлилик, оддийлик;
- ♦ аҳамиятлилик;
- ♦ муҳимлик;
- ♦ ҳаққоний, холис тақдим этиш;
- ♦ тугатилганлик;
- ♦ изчиллик;
- ♦ ўз вақтидалик;
- ♦ оффсеттинг (ўзаро қопланиш);
- ♦ холислик (объективлик).

Ҳисоблаш қоидаси. Ҳисоблаш қоидасига асосан активлар, пассивлар, ўз капитали, даромадлар, харажатлар, хўжалик муомалалари ва ҳодисалар содир этилган пайтда бухгалтерия ҳисобида кўрсатилади, улар бўйича пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти олинган ёки тўланган вақт бундан мустасно.

Бухгалтерия ёзувлари ҳисобда ҳисоблаш тамойилидан фойдаланилган ҳолда, хўжалик муомалаларининг содир бўлиш вақтида амалга оширилади. Бу тамойилга мувофиқ, маҳсулот харидорга берилгандан кейингина реализация қилинган ҳисобланади, яъни юкланган (туширилган) маҳсулотнинг қиймати реализациядан олинган тушум ҳисобланади. Ижара ҳақи ўзи тўланиши лозим бўлган даврдаги харажат сифатида ижарачининг бухгалтерия регистрларида мос равишда акс эттирилиши лозим. Шундай қилиб, ҳисоблаш тамойили субъектнинг даромадлари ва харажатлари тегишли бўлган келиб тушиш санасидан қатъий назар, ҳисобот даврида акс эттирилишини билдиради.

Молиявий ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботдан ташқари, ҳисоблаш қоидаси асосида тузилади.

Икки ёқлама ёзиш усули. Икки ёқлама ёзиш усули билан ҳисоб юритиш қоидаси хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия муомалаларини икки ёқлама ёзиш тизими асосида юритиш кераклигини билдиради. Икки ёқлама ёзиш тизими бир хил муомала бўйича айнан бир хил суммани бухгалтерия ҳисобининг икки ҳисобварағида — бирининг дебети ва бошқасининг кредитида акс эттирилишидан иборат бўлади.

Узлуксизлик. Узлуксизлик тамойили бухгалтерия ҳисобини юритиш муддати хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият кўрсатиш муддатига мос келиши кераклигини, яъни хўжалик юритувчи субъектда бухгалте-

рия ҳисоби уни тугатиш ёки банкрот бўлгунига қадар олиб борилиши кераклигини билдиради. Ўз фаолиятини тугатган кундан бошлаб хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисобини юритишни тақозо қилмайди.

Хўжалик муомалалари, активлар ва пассивларнинг пул баҳоси. Барча хўжалик муомалалари, активлар ва пассивлар ягона пул бирлигида баҳоланиши керак. Бу корхона мулкини, унинг мажбуриятларини баҳолаш, ҳар хил иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун бошқа субъектлар фаолиятининг ўхшаш кўрсаткичлари билан таққослаш учун зарурдир.

Ўзбекистон Республикасида ***сўм*** ва унинг таркибий қисми — ***тийин*** пул ўлчови бўлиб ҳисобланади.

Айни вақтда, агар ресурслар, мажбуриятлар ва капитал чет эл валютаси эквивалентида сотиб олинган ёки киритилган бўлса, у ҳолда таҳлилий ҳисобда чет эл валютаси ҳисобини юритиш учун зарур.

Ишончлилик. Ахборотда жиддий ёки олдиндан ўйлаб киритилган хатолар бўлмаса ва фойдаланувчилар унга ишонсалар, у ишончли ҳисобланади. Хўжалик муомалалари ишончлилигини бирламчи ҳисоб ҳужжатлари тасдиқлайди.

Молиявий ҳисоботлар ҳамда ҳисоб регистрларидаги маълумотларнинг ишончлилиги учун жавобгарлик ҳисобот шакллари ва бошқа молиявий маълумотларни тузган ва имзолаган шахслар зиммасига юкланади.

Эҳтиёткорлик. Эҳтиёткорлик тамойили молиявий ҳисоботда активлар ва даромадларнинг орттирилган баҳоси ҳамда мажбуриятлар ёки харажатларнинг баҳосини пасайтириб кўрсатилишига йўл қўймасликни англатади. Ушбу тамойилни қўллаш яширин захираларни ҳосил қилиш ёки орттирилганлигини таъминлаш активлар ва даромадларни, мажбуриятлар ва харажатларни атайлаб пасайтириб ёки орттириб кўрсатиш ҳуқуқини бермайди.

Мазмуннинг шаклдан устунлиги. Бу тамойил, агар ахборот ишончли бўлсада, лекин юридик жиҳатдан нотўғри шаклда тақдим этилган бўлса ва қарор қабул қилиш учун зарур бўладиган барча маълумотларни ўзида акс эттирсагина қўлланилади. Бундай ҳужжат маълумотлар қандай шаклда тақдим этилишидан қатъий назар ҳисобга олиниши керак.

Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги. Молиявий ахборот фойдали ва мазмунли бўлиши учун ахборот ҳар хил ҳисобот даврлари бўйича қиёсий бўлиши керак. Молиявий ҳисоботда барча қиёсий ахборотни аввалги даврга нисбатан ҳамма маълумотлар бўйича ёритиш зарур. Ўтган давр молиявий ҳисоботида шарҳланган ва ёзма жорий ҳисобот даври учун тақдим этилган ҳамда янгиланган бўлиши керак, бу жорий ҳисобот даври молиявий ҳисоботларини холис тақдим этилиши учун зарур бўлсагина амалга оширилади.

Молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги. Молиявий ҳисоботда келтирилган ахборотларнинг ишончлилигини таъминлаш учун улар хатолардан холис ва мустақил бўлиши, яъни фойдаланувчилардан қатъий назар молиявий ахборотларнинг бир хил кўринишда тақдим қилинишини таъминлаши керак.

Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси. Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳолаш шарти уларнинг ҳақиқий таннархи ёки сотиб олинган нархи баҳолашнинг асоси бўлишини назарда тутади.

Ҳисобот даври даромадлари ва харажатлари мослиги. Ҳисобот даври даромадлари ва харажатлари мослиги фақат ушбу ҳисобот даврида даромад олишни таъминлаган харажатлар акс эттирилишини билдиради. Агар айрим кўринишдаги харажатлар ва даромадларнинг бевосита боғлиқлигини аниқлаш қийин бўлса, харажатлар бир неча ҳисобот даврлари орасида тақсимотнинг бирон-бир тартиби асосида тақсимланади.

Тушунарлилик. Молиявий ҳисоботларда берилаётган ахборот фойдаланувчилар учун оддий ва тушунарли бўлиши керак. Натижада фойдаланувчиларга молиявий ҳисоботларни ўқий олиш талабини қўяди.

Аҳамиятлилик. Молиявий ахборотлар фойдаланувчилар қарорлар қабул қилиш жараёнида ёрдам бериши ва муомала молиявий-хўжалик фаолиятига тааллуқли воқеалари баҳолашда ёрдам бериш эҳтиёжларини қондиришда аҳамиятли бўлиши керак.

Муҳимлик. Агар ахборотнинг муҳимлиги уни ўтказиб юборганида ёки нотўғри тасаввур қилинганда, молиявий ҳисоботлар асосида ахборотдан фойдаланувчилар томонидан иқтисодий қарорлар қабул қилишларига таъсир этса, ахборот муҳим ҳисобланади.

Муҳимлик тамойилига кўра молиявий ҳисоботларда ҳамда тушунтириш хатларида битта моддада бошқа унча муҳим бўлмаган бир хил типдаги моддаларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳаққоний ва холис тақдим этиш. Молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларнинг турларидан қатъий назар, субъектнинг молиявий ҳолати, муомалалар натижалари, пул маблағлари ҳаракати ҳақида ҳаққоний, холис тасаввур ҳосил қилиши керак.

Тугатилганлик. Ишончлиликни таъминлаш мақсадида молиявий ҳисоботдаги ахборот тўлиқ ва тугатилган бўлиши керак, яъни ҳисобот тузиш соҳасида жорий даврдаги ҳамма муомалалар ҳисобга олиниши ва бухгалтерия ёзувлари амалга оширилиши ва тугатилиши шарт.

Изчиллик. Фойдаланувчилар хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволидаги ўзгариш йўналишларини аниқлаш учун турли даврлардаги ҳисоботларни қиёслаш имкониятларига эга бўлишлари керак.

Молиявий ҳисобот бандларини тақдим этиш ва таснифлаш, агар хўжалик юритувчи субъектнинг муомалалари моҳиятидаги ва ҳисоботдаги шаклларни таҳлил қилиш тартиби ёки қонунда ва атроф-муҳитдаги жиддий ўзгаришлар ҳисоботни тақдим этиш турларини ўзгартириш лозимлигини тақозо этмаса, у ҳолда давр-дан-даврга сақланиб қолиши лозим.

Ўз вақтидалик. Маълумот ўз вақтида тақдим этилсагина, фойдаланувчилар учун фойдали ҳисобланади. Молиявий ҳисобот тузилган кундан кейин фойдаланувчилар ихтиёрига белгиланган муддатда етказиб берилмаса, молиявий ҳисоботларнинг фойдалилиги пасайиб кетади. Ҳисобот маълумотлари асоссиз кечиктирилса, у ўз аҳамиятини йўқотган бўлади.

Оффсеттинг (ўзаро қоплаш). Активлар пассивлар ўртасида ўзаро қопланишни амалга ошириш мумкин эмас. Даромадлар ва харажатлар ҳисобланган бўлса, шунга қарамасдан хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботлар изоҳида муҳимлик қоидасига асосан ушбу суммани ёритиш масаласини кўриши лозим.

Холислик (объективлик). Молиявий ҳисобот субъектнинг молиявий аҳволи, фаолиятининг молиявий натижалари ва пул маблағлари ҳақида холис ахборот бери-

ши керак. Холислик қоидасига эришиш учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби юритишда ва молиявий ҳисобот тузишда БҲМА ва ҳисоб юритишнинг асосий тамойилларини қўллаши лозим.

Такрорлаш учун саволлар

1. Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ишларини ташкил қилишга умумий раҳбарлик ким томонидан амалга оширилади?
2. Корхонада раҳбарнинг ҳуқуқлари ва бурчлари нималардан иборат?
3. Бош бухгалтер қандай вазифаларни амалга оширади?
4. Бухгалтерия аппарати қандай бўлимлардан ташкил топади?
5. Ҳисоб юритиш сиёсати деганда нимани тушунасиз?
6. Бухгалтерия ҳисобининг қандай тамойиллари мавжуд?

5-боб. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

5.1. Бухгалтерия ҳисобини халқаро андозалар талабларига мувофиқ ташкил қилиш

Республикамиз мустақилликка эришган вақтдан бошлаб бозор иқтисодиёти талаблари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро андозаларига мувофиқлаштириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби тизими босқичма-босқич ислоҳ қилиб келинмоқда, ушбу ислоҳотни иқтисодий, фуқаролик-ҳуқуқий соҳада юз бераётган жараёнлар ва бухгалтерия ҳисоби бобида халқаро миқёсда уйғунлаштириш зарурияти тақозо этди.

Бозор иқтисодиёти бухгалтерия ҳисоби фақат ҳисоб юритиш сиёсати ва статистика вазифасини бажариб қолмасдан, балки манфаатдор томонларга тасарруфида мавжуд бўлган молиявий ресурслардан қандай қилиб яхшироқ фойдаланиш тўғрисида холис ва асосланган қарор қабул қилиши учун хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти тўғрисида ахборот тўплаш, уни қайта ишлаш ва узатиш воситасига айланди.

Ҳозирги пайтда бухгалтерлар ишига қўйиладиган талаблар тубдан ўзгармоқда. Бухгалтер корхона раҳбарига молиявий аҳволнинг барқарорлигини оширишга имкон берадиган йўлларни кўрсатиб бериши, иқтисодий таҳлил, умуман корхонанинг пул оқимлари ва молиясини бошқариш билан, яъни молиявий менежмент билан шуғулланиши керак.

Бунинг учун, энг аввало, бухгалтерлар БҲМАларини ва ҳисоб ишларига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билишлари лозим. Ана шундагина бухгалтерия ҳисобини самарали ташкил қилишга эришиш мумкин.

Мавжуд халқаро амалиёт бухгалтерия ҳисобини меъёрлар ёрдамида бошқаришнинг 4 даражали тизимини кўзда тутади.

Биринчи даража — қонун ҳужжатлари, масалан, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун.

Иккинчи даража — асосий қоидалар мажмуи, яъни бухгалтерия андозалари. Мазкур даражада бухгалтерия тушунчалари ва қоидалари шундай белгиланадики, токи улар бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ шахслар томонидан бир хилда талқин этилсин.

Учинчи даража — турли идоралар томонидан турли тармоқлар ва умуман мамлакат бўйича ишлаб чиқиладиган, бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хилма-хил услубий кўрсатмалар, тавсиялар.

Тўртинчи даража — ҳисоб сиёсатини белгилаш ва ҳужжатлар айланишини юритиш учун корхонада чиқарилган ички иш ҳужжатлари.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини меъёрий бошқарувининг ана шу тўрт даражали тизимини жаҳон андозалари талаблари даражасида ташкил қилишга ҳаракат қилинмоқда.

Маълумки, жаҳон амалиётига мос келадиган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунсиз миллий ҳисоб тизимини етарли даражада қайта қуриш мумкин эмас. 1996 йил 30 августида қабул қилинган ушбу Қонун, энг аввало, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, бухгалтерия ҳужжатлари ва регистрлари, активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш ва баҳолашнинг асосий тамойиллари ва қоидалари, ўз ва қарзга олинган капитал ҳисоби, молиявий ҳисоботлар олдига қўйилган асосий вазифалар, мақсад ва талабларни белгилаб беради. Бундан ташқари, мазкур Қонун бухгалтерия ҳисобини юритишда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқи, бурчи ва маъсулиятларини, шунингдек, молиявий ҳисоботларни топшириш ва чоп этиш бўйича қўйиладиган талабларни белгилаб беради.

"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом" ҳамда бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларининг амалиётга татбиқ этилиши бухгалтерия ҳисобининг ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

5.2. Бухгалтерия ҳисоби миллий андозалари ва уларнинг аҳамияти

Иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашиб бориши, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви, ўз навбатида, мавжуд қонунчилик базасини доимий равишда такомиллаштириб боришни, уни халқаро меъёрлар ва андозаларга мослаштириб боришни тақозо қилади.

Халқаро андозалар талабларидан келиб чиққан ҳолда, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини соддалаштирилган тизими, корхонанинг олиб бораётган фаолияти ва иқтисодий аҳволи тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантиришда ёрдам беради, бу эса, ўз навбатида, бухгалтерия ҳужжатларини барча фойдаланувчиларга, жумладан, чет эл инвесторларига қулайлигини оширади.

Мамлакатимизда аста-секин бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари ишлаб чиқилмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларини ишлаб чиқишда, аввало, халқаро андозаларга мурожаат этилади. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозалари Халқаро бухгалтерия андозалари бўйича қўмита (ХБАБҚ) томонидан ишлаб чиқилади. Ушбу қўмита 1973 йилда тўққиз мамлакат, яъни Канада, Австрия, Германия, Франция, Япония, Мексика, Нидерландия, Буюк Британия ва АҚШнинг профессионал бухгалтерия тузилмалари томонидан таъсис этилган. Айни вақтга келиб мазкур ташкилот 30 дан ортиқ андозани ишлаб чиқди ва эълон қилди.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро талабларга мувофиқ ўзгартириш кейинги вақтларда Ўзбекистон учун тобора долзарб ишга айланмоқда. Бунга, биринчидан, халқаро бозорларда иш олиб борадиган компаниялар ўртасида муносиб муомала тили бўлишини талаб қилувчи жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши, иккинчидан, халқаро андозаларни чуқур ўрганиш ва уларни мамлакатимиз амалиётида кенг қўлланиш зарурлиги сабаб бўлмоқда. Шу боисдан ҳам бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларини ишлаб чиқишда бевосита халқаро андозаларга таянмоқда.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларини амалга киритиш зарурати асосан бухгалтерия ҳисобининг базавий қоидалари ва тамойилларини тушунтириш ва

умумлаштириш, асосий тушунчаларни баён қилиш, у ёки бу бухгалтерия усулларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида ҳисобнинг ўзига хос хусусиятларини қўллашдан иборатдир.

"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг кўрсатмалари ва моддалари бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларида (БҲМА) ўз ривожини топди. Ҳозирги кунга қадар қуйидаги БҲМАлар тасдиқланди:

1 — Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот;

2 — Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар;

3 — Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот;

4 — Товар-моддий захиралар;

5 — Асосий воситалар;

6 — Лизинг ҳисоби;

7 — Номоддий активлар;

8 — Консолидаллашган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига қўйилган инвестициялар ҳисоби;

9 — Пул оқими тўғрисида ҳисобот;

10 — Давлат субсидиялари ҳисоби ва давлат ёрдамини изоҳлаш;

11 — Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига қилинган харажатлар;

12 — Молиявий инвестициялар ҳисоби;

15 — Бухгалтерия баланси;

16 — Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги кутилмаган ҳодиса ва хўжалик фаолиятида содир бўладиган воқеалар;

17 — Капитал қурилиш бўйича пудрат шартномалари;

19 — Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш;

20 — Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузиш тартиби тўғрисида;

21 — Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома.

5.3. Бухгалтерия ҳисобининг турлари

Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришда, энг аввало, ривожланган мамлакатлардаги бухгалтерия ҳисоби тизимидан кенг фойдаланиш лозим. Мамлакатимизда амал қилиб келаётган бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро андозалар ва меъёрлар талаблари даражасида ташкил этиш давр талаби ҳисобланади. Хорижий давлатлар амалиётидан маълумки, ўша давлатларда бухгалтерия ҳисобининг 3 тури амал қилади:

- бошқарув ҳисоби;
- молиявий ҳисоб;
- солиқ ҳисоби.

Бошқарув ҳисоби ўзида шундай ҳисоб маълумотларини жамлайдики, бу маълумотлар фақат корхонанинг ўзида бошқарув учун зарурдир. Бошқарув ҳисоби ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва таннархни калькуляция қилиш билан бирга, у мавжуд ҳолатни таҳлил этиш, қарор қабул қилиш, компьютерлар ва технологик дастурлардан фойдаланиш, ресурслардан фойдаланиш ва таннархнинг шаклланишини бошқариш, харажатларнинг меъёрдан четга чиқишини таҳлил этиш ва бошқаларни қамраб олади. Бошқарув ҳисоби маълумотларида маълумотларни тез олиш, ўқиш ва улардан фойдаланиб, оператив бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти бўлиши керак.

Молиявий ҳисоб шундай маълумотларни ўзида мужассам этадики, ушбу маълумотлар нафақат корхона фаолиятига раҳбарлик қилишда фойдаланилади, балки ташқи фойдаланувчиларга ҳам тегишли маълумотлар маълум қилинади. Молиявий ҳисоб ахборотларни умумлаштириш ва синтез қилишга йўналтирилган. У баъзи бир давр учун корхона фойдасини тезкор аниқлашга, корхонанинг активлари ва пассивларини ҳисобот баланси шаклида умумлаштиришга, корхонанинг мулкий ва молиявий ҳолатини таърифлашга имкон беради.

Солиқ ҳисоби корхона, ташкилот ва муассасаларда солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида ва тўғри ҳисобга олиш, солиқ имтиёзларини қўллаш ҳамда уларни ўз вақтида бюджетга ўтказилиб борилишини таъминлаб берувчи бухгалтерия ҳисоби туридир. Солиқ ҳисоби ўз

усуллари ёрдамида солиқ ва йиғимлар, уларнинг объекти, субъектлари ва солиққа тортиш базасини, тўлаш муддатларини аниқлаб беради.

Бухгалтерия ҳисобининг ушбу тури корхона, ташкилот ва муассасаларда солиқнинг мажбурий тўлов эканлигини ёритиб бериш билан бирга, унинг рағбатлантириш функцияси ҳам мавжуд эканлигини уқтириб туради. Бевосита солиқ ҳисобида корхона, ташкилот ва муассасаларга берилган имтиёзлар ёритиб берилади ҳамда ушбу имтиёзларнинг корхона, ташкилот ва муассасаларнинг молиявий фаолиятига таъсир даражаси ўрганилиб чиқилади.

Солиқ ҳисобини йўлга қўйишда асосий ҳужжат бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг қарорлари, тушунтириш ва кўрсатмалари услубий асос сифатида кенг қўлланилиши мумкин.

Ҳозирги кунда солиқ ҳисоби молиявий ҳисобнинг таркибий қисми сифатида ўрганилади. Бунга, энг аввало, солиқ ҳисобининг маълумотлари молиявий ҳисоботларда акс эттирилаётганлиги сабаб бўлмоқда. Аммо солиқ ҳисоби молиявий ҳисобидан ажратилган ҳолда ўрганилиши лозим.

Молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисоби алоҳида-алоҳида вазифаларни бажаради. Молиявий ҳисобнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- молиявий ҳисобот тузиш;
- молиявий активлар устидан назоратни ўрнатиш.

Бошқарув ҳисобининг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- ишлаб чиқариш харажатларини калькуляция қилиш ҳамда маҳсулот таннархини аниқлаш;
- ишлаб чиқариш фаолияти устидан назорат қилиш.

Солиқ ҳисобининг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- корхона томонидан бюджетга тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоб-китоб қилиш;
- ҳисобланган солиқ ва мажбурий тўловларни ўз вақтида бюджетга ўтказилишини таъминлаш.

Молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисоблари бир-бирига ўхшаш бўлсада, аммо улар ўртасида фарқли жи-

ҳатлар ҳам мавжуд. Қуйида ушбу тафовутлар кўрсатиб ўтилган.

Ҳисоб юритишнинг мақсадига кўра.

Молиявий ҳисоб — бу расмий ҳисоб тури бўлиб, уни юритиш мулкчиликнинг ва бизнес юритишнинг шаклидан қатъий назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун мажбурий ҳисобланади. У қабул қилинган тартиб-қоида, талаблар ва стандартлар асосида ташкил этилмоғи лозим. Бу ҳисоб тури асосан корхона фаолиятида содир этиб бўлинган операция тўғрисидаги ахборотлар бўлиб, улар объектив характерга эга бўлган ҳамда маъмурият ва у билан қизиқувчи ташқи фойдаланувчиларга мўлжалланган ахборотдир. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатлари солиқ идораларига топширилиши шарт. Улар аудиторлик назорати учун асосий объект бўлиши, керак бўлса, у кенг фойдаланувчилар эътибори учун чоп этилиши ҳам мумкин.

Бошқарув ҳисоби — корхона раҳбарияти, менежерлари ва мутахассислари учун бошқарув қарорларини қабул қилишда, ишлаб чиқаришдаги рўй берган ўзгаришларга эътибор беришига хизмат қилади. Бу ҳисоб маълумотлари корхона фаолиятида келгуси даврда амалга ошириладиган операциялар билан боғлиқ бўлиб, ундаги маълумотлар эҳтимоллилик ва субъектив характерга эга бўлиши, шу билан бирга тижорат сири сифатида ҳам ушлаб турилиши мумкин.

Солиқ ҳисоби — ҳисобнинг ушбу тури ҳам уни юритиш нуқтаи назаридан мажбурий ҳисобланади. Ушбу ҳисоб тури Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва солиқ қонунчилигига оид бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этилади. Солиқ ҳисоби ҳужжатлари солиқ органларига топширилиши шарт.

Ҳисоб тамойилларига кўра.

Молиявий ҳисоб қабул қилинган ва тасдиқланган меъёр ва стандартлар асосида иш юритади. У иккиёқлама ёзув, маълумотларни таққослаш тамойилларига асосланади. Бу тамойилларга биноан корхона бухгалтерлари ва назорат қилувчи ташкилотлар ўз фаолиятини амалга оширса, ташқи фойдаланувчилар ахборотларни таққослаш ва солиштириш имконига эга бўладилар. Бунинг натижасида ташқи фойдаланувчилар, инвесторлар корхонанинг молиявий ҳолатини, тўлов қоби-

лиятини, киритаётган инвестициясининг рентабеллик даражасини баҳолаш имконига эга бўлади.

Бошқарув ҳисоби умумий қабул қилинган тамойилларга эга эмас, балки иш юритиш қоидаларининг фойдали томонларини эътиборга олган ҳолда ҳисоб ишларини амалга ошириш ва унинг асосий кўрсаткичи бўлган мақсадга мувофиқ бошқарув қарорини қабул қилишдир. Асосийси, уларнинг оддийлиги, соддалиги ва фойдаланиш жараёнида ўзига қулайлиги билан белгиланади.

Солиқ ҳисобида асосий тамойиллар Давлат Солиқ қўмитаси кўрсатмалари асосида амал қилади. Молиявий ҳисобнинг тамойиллари ҳам солиқ ҳисобида қўлланилиши мумкин.

Ҳисоб юритишнинг мажбурийлиги.

Фаолият тури ва мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар молиявий ҳисоб юритишлари ва тегишли органларга молиявий ҳисобот тақдим этишлари шарт. Бошқарув ҳисобида бундай мажбурийлик белгиланган эмас. Бундай ҳисоб юритилиши ҳар бир корхонанинг ички иши ҳисобланади ва одатда раҳбарият кўрсатмаси бўйича амалга оширилади. Амалдаги қонунчиликка биноан барча хўжалик юритувчи субъектлар солиқ тўловчилар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам улар солиқ ҳисобини юритиши шарт.

Ахборот манбаларига кўра.

Молиявий ҳисоб учун — бу корхонанинг молиявий ахборотларини жамлаш мақсадида фақат ҳисоб тизими маълумотлар тизимидир.

Бошқарув ҳисоби учун эса ахборот манбалари бўлиб, нафақат ҳисоб тизими маълумотлари балки, хом-ашё ва материаллар сарф қилиниш меъёрлари, технологик чиқиндилар тўғрисидаги маълумот, маҳсулотнинг харидоргирлиги бўйича бозордаги шароитларни ўрганиш, илмий-тадқиқот ва лаборатория ишлари натижалари ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш бўйича маълумотлар ҳамда хўжалик шартномаларини томонлар бажармаслиги оқибатида жарима санкцияларининг миқдори ҳақидаги маълумот ва бошқалар ҳисобланади.

Солиқ ҳисоби учун ахборот манбалари бўлиб, молиявий ҳисобот маълумотлари ҳисобланади. Молиявий ҳисоботда хўжалик юритувчи субъект томонидан ҳисоб-

ланган ва тўланган солиқлар миқдори, шунингдек жарима суммалари ҳам кўрсатилади.

Ҳисобнинг натижаларидан фойдаланувчиларига кўра. Молиявий ҳисобни баъзида ташқи ҳисоб ҳам деб тушунувчилар бор. Бу ҳисобнинг натижалари асосида олинган ахборотлар, маълумки, матбуотда чоп этилиши билан бирга унда нафақат молиявий маълумотлар, балки, корхонани реклама қилиш, унинг янги ишлаб чиқарган маҳсулотлари ва фаолиятидаги барча ютуқ ва муваффақиятлари ҳам эълон қилинади. Корхона раҳбарлари бундай молиявий ҳисоботларни тайёрлашга ва унинг тўғрилигига шахсан жавобгардирлар. Бу ахборотлар бошқа ташкилотлар, харидорлар, буюртмачилар, компаниялар акциядорларини ҳамда чет эл сармоядорларини қизиқтиради. Албатта бу ахборотлардан фойдаланган хоҳ юридик, хоҳ жисмоний шахслар ҳисобот тайёрлаган корхона билан ўз хўжалик муносабатларини амалга оширадилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бошқарув ҳисобини ички ҳисоб деб атасак бўлади. Унинг маълумотлари натижаларидан корхона маъмурияти муайян бир фаолият учун жавоб берадиган бошқарув поғоналари менежерлари ва ходимлари фойдаланиб, тегишли бошқарув қарорларини тайёрлайдилар.

Солиқ ҳисоби маълумотларидан фойдаланувчилар кўлами кенг. Энг аввало, солиқ органлари хўжалик юритувчи субъектнинг маълумотларидан манфаатдордир. Шунингдек, турли кредиторлар, банк муассасалари ва бошқа фойдаланувчилар ҳам ўз манфаатлари нуқтаи назаридан солиқ ҳисоби маълумотларидан кенг фойдаланади.

Ҳисобот ахборотларини топшириш шаклига кўра. Молиявий ахборотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тавсия этилган шакллар асосида хўжалик юритувчи субъектнинг юқори ташкилотига, солиқ идораларига топширадилар. Бу шакллар мулкчиликнинг турли шаклларида фаолият кўрсатаётган субъектлар учун бир хил ҳисобланади. Уларни топшириш муддатлари аниқ белгиланган бўлиб, хўжалик фаолиятининг ой, квартал ва йил якунларига мувофиқ тайёрланади.

Бошқарув ҳисоби натижалари ихтиёрий равишда

тайёрланиши мумкин. У мақсадга мувофиқлик тамойили асосида амалга оширилади. Улар учун маълум шакл-даги бланк ва жадваллар мавжуд эмас. Албатта бошқарув ҳисоби бўйича тузилган ахборотлар ва ҳисоботлар кечиктирмасдан қабул қилинадиган бошқарув қарорлари учун талаб қилинадиган маълумотлардан иборат бўлиши керак.

Солиқ ҳисоби маълумотлари молиявий ҳисоботда кўрсатилади. Шу боисдан ушбу ҳисоб турида ҳисобот ахборотларини топшириш шакли молиявий ҳисобникига ўхшаш бўлиб, топшириш муддатлари аниқ белгиланган.

Ҳисоб ахборотларида қўлланиладиган ўлчов бирликларига кўра.

Молиявий ҳисобда хўжалик маблағларини ва хўжалик жараёнларини умумлашган ўлчов бирлиги ягона пул ифодасида акс эттирилади (миллий валюта-сўмда).

Бошқарув ҳисоби билан шуғулланувчи ходимлар ўзларининг иш фаолиятларида барча турдаги ўлчов бирликлари: натура, меҳнат ва пул ўлчов бирликларидан фойдаланадилар.

Солиқ ҳисобида барча кўрсаткичлар ягона ўлчов бирлиги, яъни пул ифодасида акс эттирилади.

Танлаш эркинлиги.

Молиявий ҳисоб хўжалик муомалаларини, тасдиқланган андозалар ҳамда қоидалар асосида уларни баҳолашни акс эттириши керак. Бошқарув ҳисоби қатъий чеклашларга эга эмас. Унинг асосий мақсади — бошқарув қарорларини қабул қилиш учун фойдали бўлиш. Солиқ ҳисоби Солиқ кодекси ва бошқа солиққа оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида юритилади.

Ҳисобот тузишнинг даврийлиги.

Молиявий ҳисобот вақти-вақти билан белгиланган муддатларда тузилади. Бошқарув ҳисоботи тузиш муддати белгиланган эмас. У ҳар куни, ҳар ойда ва ҳар чоракда тузилиши мумкин. Солиқ ҳисоби бўйича ҳисобот маълумотлари белгиланган муддатларда тузилади.

Ахборотнинг аниқлик даражаси.

Молиявий ҳисобот хўжалик муомалалари содир этилганидан кейин тузилади, шунинг учун объектив хусусиятга эга ва аудиторлик текширувидан ўтказилиши мумкин. Бошқарув ҳисоби келгусида содир этила-

диган муомалалар бўйича ишлайди. Шу боисдан ҳам унинг ахбороти тахминий ва субъектив хусусиятга эга.

Солиқ ҳисоби маълумотлари объектив ҳамда ҳаққоний бўлиши шарт.

Тахминий жавобгарлик.

Молиявий ҳисоб ва ҳисобот тамойиллари бузилганда акциядорлар, кредиторлар ва бошқа фойдаланувчилар судга мурожаат қилиб, корхонанинг йиллик бухгалтерия баланси ва ҳисоботида келтириладиган ахборотни бузишда айблашлари мумкин.

Бошқарув ҳисоби ахборотидан фойдаланилган ҳисоботлар ҳисобнинг умумқабул қилинган тамойилларига мувофиқ келиши шарт эмас ва фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун мўлжалланган эмас.

Солиқ ҳисоби юритиш тартиби бузилганида солиқ идоралари томонидан айбловлар қўйилиши ҳамда белгиланган тартибда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисоблари ўртасида бирмунча тафовутлар мавжуд бўлсада, уларнинг ўхшаш томонлари ҳам мавжуд. Молиявий ҳисобнинг кўпгина кўрсаткичлари бошқарув ҳамда солиқ ҳисобида ўз ифодасини топади. Молиявий ҳисоб учун умумқабул қилинган тамойиллар бошқарув ва солиқ ҳисобида ҳам амал қилади.

Бошқарув ҳисобининг тезкор маълумотлари молиявий ва солиқ ҳисобида ҳам ишлатилади, чунки бошланғич ахборотни йиғиш ягона қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Энг муҳим ўхшашлик шундаки, молиявий ҳисобнинг ҳам, бошқарув ҳисобининг ҳам, солиқ ҳисобининг ҳам маълумотларидан корхонанинг бозордаги стратегиясини белгилаш бўйича қарорлар қабул қилишда фойдаланиш мумкин.

Такрор учун саволлар

1. Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларининг моҳияти нимадан иборат?
2. Бухгалтерия ҳисобининг қандай турлари мавжуд?
3. Бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб ва солиқ ҳисобининг ўхшаш ва фарқли томонлари нималардан иборат?

БОШҚАРУВ ҲИСОБИ

6-боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ

6.1. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг мақсади ва вазифалари

Бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у бошқарув ҳисобининг концепцияси, харажатлар таснифи, устама харажатлар ҳисоби, бошқарув ҳисобида режалаштириш ва смета тузиш, зарарсизлик нуқтаси таҳлили, калькуляция усуллари (*норматив усул, стандарт-кост, директ-костинг, кайзен-костинг, таргет-костинг, АВС-костинг ва ҳоказо*), бюджетлаштириш, сегментлар ҳисобот, бошқарув ҳисобида қарорлар қабул қилиш каби масалаларни ўз ичига олади. Ушбу бўлимда бошқарув ҳисобининг энг асосий қисми ҳисобланган ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг юритилишига эътибор қаратилади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш харажатлари деб, маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларга айтилади. Уларга хом-ашё, материал, ёқилғи, амортизация ажратмаси, ишчи-хизматчиларга иш ҳақи ва маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатлар киради.

Агар бир хил маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларнинг жами суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулот сонига тақсимласак, ишлаб чиқарилган бир бирлик маҳсулотнинг таннархини топамиз. **Тан-**

нарх кўрсаткичи корхона фаолиятида муҳим сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. У қанча паст бўлса, ишлаб чиқариш рентабеллиги шунча юқори бўлади. Таннархга корхонанинг ҳамма харажатлари қўшилмайди, баъзи харажатлари бошқа манбалар ҳисобидан қопланади. Масалан, фойда ҳисобидан давр харажатлари қопланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари харажат калькуляция моддалари бўйича ишлаб чиқариш турлари, харажатларнинг вужудга келиш жойлари, маҳсулот турлари бўйича бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Харажатларни ҳисобга олиш ҳамда маҳсулот таннархини калькуляция қилишдан асосий мақсад ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатларни ўз вақтида, тўлалигича ва ҳаққоний аниқлаш, шу билан бирга айрим маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш ҳамда корхона ресурслари ва пул маблағлари ишлатилиши устидан назоратни ўрнатишдан иборат.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ислоҳоти амалга оширилиши энг асосий масалалар бўйича ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Аввал 1995 йилда кейинчалик 1999 йилда "*Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида*"ги Низомнинг қабул қилиниши мамлакатимиз бухгалтерия ҳисобида тубдан ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлди. Ушбу Низом харажатларнинг моҳияти, корхонанинг ҳисобот давридаги фойдаси билан боғлиқлигидан келиб чиқиб тақсимлашни белгилаб берди. Бундай тақсимлаш бозор иқтисодиёти хусусиятларидан келиб чиқади ва у бизнинг бухгалтерия ҳисоби тизимимизни халқаро миқёсда қўлланилаётган "Директ-костинг" ҳисоб тизимига анча яқинлаштирди. Харажатлар ҳисобининг айнан шу тизимга яқинлаштирилиши бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоби бажариши керак бўлган вазифалардан келиб чиқди.

Маълумки, бозор муносабатлари шароитида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси тегишли фойдаланувчиларни тегишли ахборот билан таъминлашдир. Фойдаланувчиларни ички ва ташқи гуруҳга бўлиниши эса ҳисобнинг молиявий ҳамда бошқарув ҳисобига бўли-

нишига олиб келади. Харажатлар ҳақидаги маълумотлар, биринчи навбатда, корхона фаолиятининг молиявий натижаларини аниқлаш учун зарурдир, яъни:

Маҳсулот сотишдан тушган тушум — Харажатлар = Фойда

Бундай ахборот кредитор, инвестор, банк, солиқ инспекцияси каби ташкилотлар учун катта аҳамиятга эга. Айниқса, корхонанинг даромад (фойда) солиғини харажатлар ҳақидаги ахборотсиз ҳисоблаш мумкин эмас.

Корхона ва уни бошқариш нуқтаи назаридан эса харажатларнинг умумий суммаси, алоҳида ишлаб чиқариш бўлинмаларининг унумли ҳамда унумсиз харажатлари ва бошқалар ҳақидаги ахборотлар йиғишни талаб этади.

Шундай қилиб, харажатларни ҳисобга олиш ҳам молиявий ҳисобнинг, ҳам бошқарув ҳисобининг энг муҳим қисмларидан бири экан. Мана шу асосда харажатлар ҳисоби олдидаги вазифаларни аниқлаш мумкин.

Молиявий ҳисобнинг асосий вазифаси фойдаланувчиларни корхона фаолиятининг молиявий натижалари, унинг молиявий ҳолати, хусусан, мулкий ҳолати ҳамда тўлов қобилияти ҳақидаги ахборот билан таъминлашдир. Демак, бу жиҳатдан, харажатлар ҳисоби олдида қуйидаги вазифалар туради:

♦ корхона фаолияти билан боғлиқ барча харажатларни ўз вақтида тўлалигича ҳисобга олиш;

♦ харажатлар ҳақидаги маълумотларни алоҳида ҳисоб варақаларида ҳамда ҳисобот шаклларида тўғри акс эттириш ва солиқларни ҳисоблаш учун етарли даражадаги ишончли маълумотлар билан таъминлаш.

Бу вазифаларни бажариш учун харажатларни молиявий ҳисоб тамойиллари, хусусан, икки ёқлама ёзув асосида ҳисобга олиш етарлидир. Бошқарув ҳисобининг энг асосий хусусияти эса унинг маълумотлари бошқарув учун фойдалилигидир. Жумладан, бошқарув ҳисоби харажатлар ҳақида шундай батафсил маълумотларни бериши керакки, токи унинг асосида энг тўғри бошқарув қарорлари қабул қилишнинг имконияти пайдо бўлсин. Бу соҳадаги халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда харажатлар ҳисоби ҳақидаги маълумотларни корхона қуйидаги ҳолатда шакллантириши керак:

♦ харажатларни уларни пайдо бўлиш жойлари бўйича ҳисобга олиш;

♦ харажатлар ҳисобини жавобгар хўжалик марказлари бўйича ташкил қилиш;

♦ харажатларни уларни пайдо қилган объектлари ёки уларни ташувчилари, яъни алоҳида маҳсулот турлари бўйича жамлаб бериш.

Бу вазифалар бошқарув ҳисобининг асосий вазифасини бажаришга имкон беради. Масалан, харажатларни уларнинг пайдо бўлиш жойлари ва жавобгар хўжалик марказлари бўйича ҳисобга олиш энг муҳим бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон яратади.

Демак, харажатларни ҳисобга олишнинг қуйидаги вазифаларини ҳам санаб ўтишимиз керак экан:

♦ алоҳида ишлаб чиқариш жараёнлари ёки бўлинмалари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил қилиш ва улар устидан назоратни таъминлаш;

♦ алоҳида маҳсулот турлари бўйича асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳақидаги маълумотни шакллантириб бериш;

♦ корхонанинг ишлаб чиқаришдан ташқари барча бошқарув харажатларининг таҳлилий маълумотларини йиғиб бериш ва уларнинг талқинини амалга ошириш.

Бу вазифалардан кўриниб турибдики, ҳисоб ва таҳлил бошқарув ҳисобининг бир-бири билан чамбарчас боғланган икки томони экан. Зеро маҳсулот баҳосининг энг қуйи чегарасини аниқлаш учун ҳам таннархни ҳисоблаш талаб этилади.

Ҳар бир корхона ёки бирлашмада ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини тўғри калькуляция қилишнинг ташкил этиш имкониятлари қуйидагилардан иборат:

1) аввалдан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган технология режасининг мавжуд бўлиши;

2) омбор хўжалигининг тўғри ташкил қилиниши ҳамда ишлаб чиқариш учун зарур ўлчов асбоблари ва мосламалар билан таъминланган бўлиши;

3) ишлаб чиқариш харажатини аналитик ҳисобварағи;

4) калькуляция объектлари ҳамда калькуляция бирлигини аниқлаш;

5) калькуляция моддалари, комплекс харажатлар моддалари номенклатурасини ишлаб чиқиш;

6) комплекс харажат моддаларини калькуляция объектлари ўртасида тақсимлаш усулини танлаш ва ҳоказолар.

Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялашда қуйидаги қоидалар асос бўлиб хизмат қилади:

♦ корхонадаги барча харажатларни уларнинг аҳамиятидан, қатъий назар тўлалигича ҳисобга олиш;

♦ харажатларни корхонадаги фаолият соҳалари бўйича алоҳида ҳисобга олиш зарурдир. Аниқроғи, асосий фаолият, бошқа турдаги фаолият, масалан, таъмирлаш, ёрдамчи хўжалик, асосий ва ёрдамчи хўжалик, асосий ва ёрдамчи саноат ишлаб чиқариш бўлимлари ва бошқалар;

♦ ҳар бир харажатни у тегишли бўлган даврда ҳисобга олиш ва қоплаш шартдир.

Юқоридаги қоидаларга бўйсуниш харажатлар ҳисобининг оптимал ташкил қилиниши, молиявий ҳисоботнинг эса объектив ва ишончли бўлишини таъминлайди.

6.2. Харажатларни туркумлаш

Харажатлар ҳисоби бухгалтерия ҳисоби вазифаларидан келиб чиқиб қуйидаги элементлар бўйича гуруҳланади:

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг гуруҳланиши

ланиш тури	Харажат турлари
Ишлаб чиқ... жараёнидаги иқтисодий ўрнига қараб	Асосий ва доимий
Таркибига қараб	Комплекс ва бир элементли
Таннархга ўтказиш усулига қараб	Тўғри ва эгри
Ишлаб чиқариш ҳажмига қараб	Ўзгарувчан ва ўзгармас
Юзага келишига қараб	Доимий ва бир вақтли
Ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишига қараб	Ишлаб чиқариш ва тижорат
Самарадорликка қараб	Самарали ва самарасиз

Харажатлар таркиби Ўзбекистон Республикасида "Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом"да белгилаб қўйилган. Ушбу Низомга мувофиқ харажатлар икки гуруҳга бўлиниб ҳисобга олиниши белгиланган:

1) маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар;

2) маҳсулот таннархига киритилмайдиган харажатлар.

Бундан ташқари, молиявий фаолият бўйича ҳамда фавқулодда харажатлар алоҳида ҳисобга олинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб харажатларнинг гуруҳланиши қуйида келтирилади.

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

а) бевосита ва билвосита материал харажатлар;

б) бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи харажатлари;

в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

Бевосита харажатлар деб, маҳсулотнинг айрим турлари таннархига тўғридан-тўғри, яъни бевосита ўтказиладиган харажатларга айтилади. *Билвосита,* яъни эгри харажатлар деб, ҳисобот ойи давомида йиғиб-тақсимловчи ҳисобварақларда ҳисобга олиниб, таннархни калькуляция қилишда, маҳсулотнинг айрим турлари таннархига бирон-бир кўрсаткичга мутаносиб равишда тақсимлаш йўли билан қўшиладиган харажатларга айтилади.

2. Давр харажатлари (операцион харажатлар):

а) маҳсулот сотиш харажатлари;

б) маъмурий ёки бошқарув харажатлари;

в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар;

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар:

а) фоизларни тўлаш бўйича харажатлар;

б) хорижий валюта билан операциялар бўйича курслардаги салбий фарқлар;

в) қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш натижасидаги зарарлар;

г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар;

4. Фавқулодда харажатлар даромад (фойда)дан оли-

надиган солиқ тўлагунга қадар фойда ва зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинади.

Маҳсулот (иш ва хизмат)лар ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади.

Юқоридаги харажатлар иқтисодий мазмунга кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

6.3. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар

Ишлаб чиқаришнинг мураккаблиги ҳамда харажатларнинг хилма-хиллиги уларни ҳисобга олишда бутун бир гуруҳ ҳисобварақларнинг қўлланилишини тақозо этади. 21-миллий бухгалтерия стандартига мувофиқ харажатларни ҳисобга олишда қуйидаги ҳисобварақларни қўллаш белгилаб қўйилган.

20—Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ҳисобварақлари.

2010—"Асосий ишлаб чиқариш".

23—Ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ҳисобварақлари.

2310—"Ёрдамчи ишлаб чиқариш".

25-Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари.

2510—"Умумишлаб чиқариш харажатлари".

26—Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари.

2610—"Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулот".

27—Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари.

2710—"Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар".

31—Келгуси давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари.

3110—"Олдиндан тўланган ижара ҳақи".

3120—"Олдиндан тўланган хизмат ҳақи".

3190—"Бошқа бўнак харажатлари".

89—Келгусидаги харажатлар ва тўловлар резервлари бўйича ҳисобварақлар.

8910—"Келгусидаги харажатлар ва тўловлар резервлари".

Элементлар ва калькуляция моддалари бўйича харажатлар ҳисобини таъминлаш учун ҳамма харажатлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари бўйича 2010-ҳисобварақда гуруҳланади. 2010—"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағи асосий ишлаб чиқаришга, яъни мазкур корхонани ташкил этишдан маҳсулот (ишлар ва хизматлар) етиштириш мақсад бўлган ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

2310—"Ёрдамчи ишлаб чиқариш" ҳисобварағи асосий ишлаб чиқариш ёки корхонанинг асосий фаолияти учун ёрдамчи (кўмакчи) бўлган ишлаб чиқаришлар харажатлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулот ва хизматлари цех ҳамда завод бўлимлари томонидан ишлатилади. Шунинг учун ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулот ва хизматлар таннархи ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш харажатлари таркибига киритилади.

2510—"Умумишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварағи корхонанинг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларига хизмат кўрсатиш бўйича харажатлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун тайинланган.

2610—"Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулот" ҳисобварағи ишлаб чиқаришда бракдан кўрилган зарарлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

2710—"Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар" ҳисобвара-

ғида корхонанинг хизмат кўрсатувчи хўжаликлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар ҳисоби амалга оширилади.

3110—"Келгуси давр харажатлари" ҳисобварағи мазкур ҳисобот даврида қилинган, аммо келгуси ҳисобот даврига тегишли бўлган харажатлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

Ушбу ҳисобварақ таркибига қуйидагилар киради: телефон учун олдиндан тўланган абонент тўлови, ижара тўлови, рўзнома ва ойномаларга обуна қиймати ва бошқалар. Ҳисобварақ актив бўлиб, иқтисодий тарафдан хўжалик жараёнининг ҳолатини кўрсатади.

Шу даврнинг ўзида таннархни бошқариш қисмининг ишлаб чиқариш эҳтиёжи келгуси давр харажатлари ҳамда тўловлари учун резерв маблағларини ташкил этилишини талаб этади. Шунинг учун яна бир 8910—"Келгусидаги харажатлар ва тўловлар резервлари" ҳисобварағи керакдир. Ушбу ҳисобварақ ишлаб чиқариш ёки муомала сарфларига харажатлар ва тўловларни бир меъёрда қўшиш мақсадида белгиланган тартибда резерв қилинган суммаларнинг ҳолати ҳамда ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

Ҳисобварақ пассив бўлиб, хўжалик жараёнининг ҳолатини тавсифлайди. Уни юргизиш учун эса Молия Вазирлигининг рухсати керакдир.

6.4. Ишлаб чиқариш харажатларининг дастлабки ва йиғма ҳисоби

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳужжатларда тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш корхонада бошқарув ҳисобининг самарали ишлашини таъминлайди. Шу билан биргаликда ҳисоб маълумотлари асосида корхона ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қилиш ва келгусидаги фаолиятни режалаштириш имконияти ошади.

2010—"Асосий ишлаб чиқариш" ва 2310—"Ёрдамчи ишлаб чиқариш" ҳисобварақлари бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир маҳсулот тури, калькуляция бандлари ва бажарилган жойи бўйича алоҳида юритилади. Бунинг учун аналитик ҳисоб карточкаси юритилади.

2510—"Умумишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб 12-қайдномада юритилади. 12-қайднома шахмат шаклида бўлиб, тегишли графаларга ҳисобварақлар бўйича хўжалик муомалаларининг суммаси ёзилади.

Цехлар бўйича харажатлар акс эттирилиб ва № 12-қайдномада жами маълумотлар чиқарилгандан сўнг, цех қайдномалари харажатлари жамланади. Якуний маълумотларни "Корреспондентлашадиган ҳисобварақлар жами" жадвалига, қайдноманинг орқа томонига ёзилади. Юқоридаги маълумотлар № 10-журнал-ордерда харажатлар бўйича синтетик ҳисобварақларда ёзув учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бундан сўнг бутун корхонада харажатлар ва ишлаб чиқариш фаолияти бўйича натижаларни аниқлаш лозим. Бунинг учун № 12 ва 15-қайдномаларда ҳисобга олинган ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий элементлар ва харажатлар йўналиши бўйича умумлаштириб таҳлил этиш ва синтетик ҳисобварақлар бўйича кредит оборотини аниқлаш керак. Бу маълумотлар Бош китобни юритишга асос бўлади.

Корхона бўйича ишлаб чиқариш харажатларини № 10-журнал ордерда жамланади. Ушбу журнал-ордер шахмат қайдномаси принципига асосан тузилади. Кредит ҳисобварақлар устунлар бўйича, дебет ҳисобварақлар қаторлар бўйича жойлаштирилган. Яъни ишлаб чиқариш харажатлари синтетик ҳисобварақлар системаси қаторлар бўйича жойлаштирилган. Устунлар ва қаторлар бўйича маълумотлар йиғилганда натижалар бир-бирига мос келиши керак. № 10-журнал-ордер маълумотлари ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий элементлар бўйича аниқлаш учун ҳамда таннарх ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. №10-журнал-ордер якуний маълумотларини № 10-1-журнал-ордернинг қатори бўйича кўчирилади. № 10-1-журнал-ордер 10-журнал-ордернинг давоми бўлиб ҳисобланади. Унда № 10-журнал-ордердаги кредит бўйича ҳисобварақлар обороти акс эттирилади ва ноишлаб чиқариш ҳисобварақлар дебети билан корреспонденциялашади.

Якуний маълумотлар жамланиб, кредит бўйича ҳисобварақлар оборот суммалари аниқланади ва Бош

китобга кўчирилади. Бош китоб йиллик ҳисоботларни асосини ташкил этувчи якуний маълумотнома бўлиб ҳисобланади. Ушбу китобда маълум давр мобайнида ҳар бир ҳисобварақ бўйича хўжалик операциялари обороти акс эттирилади.

6.5. Турли мулк шакллари мавжуд шароитда харажатларни ҳисобга олиш ва таннарх ҳисоблашнинг усуллари.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усули деб, у ёки бу маҳсулот бирлигининг таннархини аниқлашда қўлланиладиган усуллар тизимига айтилади.

У ёки бу калькуляция усулини қўллаш қуйидаги асосий омиллар билан аниқланади: ишлаб чиқариш тури ва мураккаблиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси, характери, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқариш жараёнининг узун-қисқалиги ва ҳоказо.

Ишлаб чиқариш тури ва мураккаблиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ва характери, ишлаб чиқариш жараёнининг узун-қисқалиги ва бошқа омилларга кўра калькуляция қилишнинг 4 усули мавжуд:

1. Оддий усул;
2. Жараёнлар усули;
3. Буюртмали усул;
4. Норматив усул.

Ҳар бир корхонада шу корхонанинг ишлаб чиқариш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда калькуляциялашнинг у ёки бу усули қўлланилиши мумкин.

Калькуляция қилишнинг оддий усули. Бу усул тугалланмаган ишлаб чиқариш бўлмаган ёки оз миқдорда бўлган, оддий ишлаб чиқаришга мансуб бўлган корхоналарда қўлланилади. Ушбу усулда ҳисобот даврида ишлаб чиқаришга тааллуқли барча харажатларнинг умумий қиймати аниқланиб, бу харажатлар маҳсулот турлари ўртасида маълум кўрсаткичларга (ўртача режа таннархи, асосий ишчиларнинг иш ҳақи, материаллар харажати ва бошқалар) мутаносиб равишда тақсимланади.

Мисол. "Бобур" компаниясида уч турдаги - А, Б, С маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Уларнинг режа таннархи А — 160 сўм, Б — 45 сўм, С — 226 сўм. Жорий даврда бу маҳсулотлардан — 100, 300, 800 дона ишлаб чиқарилган. Ишлаб чиқариш харажатлари 260370 сўм. Бу харажатлар маҳсулот турлари ўртасида қуйидагича тақсимланади:

Маҳсулот турлари	Ўлчов					Жорий
А	[illegible]	100	[illegible]	7,61	19816	198,1
Б	45	300	13500	6,42	16720	55,7
С	226	800	180800	85,97	22840	279,8
Жами:			210300	100	260370	

Демак, А маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи — 198,1 сўм, Б — маҳсулотники — 55,7 сўм, С маҳсулотники — 279,8 сўмга тенг.

Жараёнлар бўйича маҳсулот таннархи калькуляцияси. Бу усул кўпинча металлургия, тўқимачилик ва бошқа саноатнинг шунга ўхшаш тармоқларида қўлланилиши мумкин.

Жараёнлар бўйича харажатларни ҳисобга олиш усули маҳсулот ишлаб чиқаришда хом-ашёнинг бир неча жараёндан ўтганидан сўнг тайёр маҳсулот ҳолига келадиган ишлаб чиқаришларда қўлланилади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг охирги жараёнидан ташқари ҳар бир жараён ниҳоясига етказилган хом-ашёга ишлов бериш босқичи бўлиб, унинг натижасида корхона якуний, истеъмолга яроқли тайёр маҳсулот эмас, балки ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулот олади. Олинган ярим тайёр маҳсулотлар корхонада ишлаб чиқаришнинг кейинги босқичларида фойдаланилиши билан бирга, у кейинчалик ярим тайёр маҳсулот ёки бутловчи қисм сифатида сотилиши ҳам мумкин.

Жараёнлар бўйича харажатларни ҳисобга олиш усули барча корхоналарда бир хил эмас. Баъзи корхона-

ларда тўғри харажатлар бухгалтерия ҳисобида алоҳида бир жараён бўйича акс эттирилади, хом-ашёнинг дастлабки қиймати эса фақат биринчи жараён маҳсулоти таннархига киритилади. Якуний маҳсулотнинг таннархи барча жараёнлар харажатлари суммасидан иборат бўлади.

Мисол. "Бобур" компаниясида ишлаб чиқариш 4 жараёндан ташкил топган. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми 1000 дона. Белгиланган норма бўйича 1-цехга жўнатилган хом-ашё ва материаллар қиймати — 20000 сўм, 2-жараён томонидан ишлов бериш учун — 16000 сўм, 3-жараён томонидан — 24000 сўм, 4-жараён томонидан — 28000 сўм сарфланган.

Жараёнлар бўйича таннарх қуйидагича аниқланади:

1-жараён — 20000:100=200 сўм;
2-жараён — 16000:100=160 сўм;
3-жараён — 24000:100=240 сўм;
4-жараён — 28000:100=280 сўм;
Жами: 88000:100=880 сўм.

Маҳсулотнинг бир бирлигининг ҳақиқий таннархи 880 сўмга тенг.

Корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар 2110—"Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар" ҳисобварағида акс эттирилади. Агарда корхона 2-жараёндан сўнг ҳосил бўлган 36000 сўмлик (20000+16000) ярим тайёр маҳсулотни кейинчалик сотиш мақсадида омборга қабул қилиб олса, бухгалтерия ҳисобида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 2110 — "Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар" — 36000 сўм:

К-т 2010 — "Асосий ишлаб чиқариш" — 36000 сўм.

Буюртмали усул. Калькуляция қилишнинг буюртмали усули мураккаб маҳсулот, якка тартибда маҳсулот ишлаб чиқаришда, тажриба ишларини бажаришда қўлланилади. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, бунда барча асосий харажатлар ҳар бир ишлаб чиқаришда буюртмачи учун алоҳида ҳисобга олинади. Ҳар бир буюртмага буюртма варағи очилиб, бу ерда харажатлар йиғилади. Қабул қилинган буюртма махсус китобларда рўйхатга олинади ва унга навбатдаги рақам бириктирилиб, ушбу рақам буюртма тайёр ҳолга келтирилгунга қадар унинг шифри бўлиб туради. Буюртма

бажарилиши мобайнида расмийлаштирилган ҳамма дастлабки ҳужжатларда ана шу шифр қўйиб борилади. Буюртма маҳсулот тайёр ҳолга келтирилгандан сўнг варақа ёпилади.

Ишлаб чиқариш буюртмалари четдан маҳсулотнинг маълум турларини ишлаб чиқариш учун берилади. Бошқа харажатлар эса цех ёки корхона бўйича ҳисоб қилинади, айрим ишлаб чиқариш буюртмалари таннархини калькуляциялашда уларнинг таннархи бирон-бир кўрсаткичга мутаносиб равишда тақсимлаш йўли билан ўтказилади. Буюртмали усулда харажатлар ҳисоби ва калькуляциялаш объекти айрим ишлаб чиқариш буюртмалари ҳисобланади. Буюртманинг ҳақиқий таннархи ҳар ойда эмас, балки буюртма тайёр бўлганидан кейин аниқланади.

Калькуляция қилишнинг норматив усули. Норматив усулнинг устунлиги шундан иборатки, у меъёрдан четга чиқиш бўйича бошқариш тамойилини бажаришга ёрдам беради. Яъни харажатларни ҳамма моддалари бўйича меъёрдан четга чиқишини даврий аниқланиши, бошқарувга оператив аралашишни талаб этадиган маълумот етказиб беришга имкон яратади.

Норматив усул фақатгина ҳисоб усули бўлибгина қолмай, балки хўжалик юритиш усули ҳамдир. Бошқариш, ҳисоб ва назорат усули сифатида норматив усул хўжалик фаолиятини режалаштириш, ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш ўртасида тор боғлиқликни таъминлайди.

Норматив усулнинг асосий мақсади — меъёрдан четга чиқишни бир тизимда ҳисобга олиш ҳамда меъёрлаштиришни, техника-технологияни, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни такомиллаштириш асосида ишлаб чиқаришни оператив (тезкор) бошқаришдир.

Норматив усул таннарх шаклланишини комплекс бошқариш тизимидир. Шунинг учун уни қайта ишлаш ва жорий қилишда бирлашма бошқарувининг ҳамма хизматлари иштирок этиши лозим. Яъни норматив усулни қайта ишлаш ва жорий этишда, авваламбор, қуйидаги бошқарув хизматлари иштирок этади: режа-иқтисод бошқаруви, ҳисоб ва ҳисобот бошқаруви, материал-техник таъминоти, бош технолог, бош конструктор, бош энергетик, техник меъёрлаштириш бўлимлари.

Норматив усулнинг асосий тамойиллари қуйидагилардир:

♦ маҳсулотнинг меъёрдаги таннархи аниқланади, бунинг учун норматив калькуляция тузилади;

♦ ҳисобот ойи давомида асосий ишлаб чиқариш харажатларининг ҳақиқий суммаси эмас, балки ҳақиқий суммаси билан меъёрлаштирилган суммаси ўртасидаги фарқ, яъни меъёрдан четга чиқиш ҳисобга олинади;

♦ ҳисобот даври давомида меъёрларнинг ўзгаришлари ҳам ҳисобга олинади.

Норматив усулнинг мураккаблиги эса шундан иборатки, у қуйидагиларга асосланган бўлиши керак:

♦ тўғри ташкил қилинган норматив хўжалик;

♦ илмий-техник жиҳатдан асосланган меъёрларнинг мавжудлиги;

♦ барча харажатлар бўйича бухгалтерия ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштириш ва улар устидан назорат олиб бориш;

♦ ҳисоб ишларини бажаришда компютерлардан кенгроқ фойдаланиш.

Фақатгина ана шу талаблар бажарилган ҳолладагина ҳақиқий норматив усул ҳақида гапириш мумкин.

Норматив усулда маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи қуйидагича аниқланади:

$$ХТ = МТ \pm МЧ + МУ,$$

бу ерда: ХТ — ҳақиқий таннарх; МТ — меъёрдаги таннарх; МЧ — меъёрдан четга чиқиш; МУ — меъёрнинг ўзгариши.

Мисол. Корхонада қуйидаги маълумотлар мавжуд:

♦ маҳсулот бирлигининг меъёрдаги таннархи — 200 сўм;

♦ ишлаб чиқарилган маҳсулот — 100 дона;

♦ ортиқча сарф-харажат — 180 сўм;

♦ тежалган харажат — 160 сўм;

♦ ой бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш — 20 дона;

1 дона тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг меъёрдаги таннархи 210 сўм.

Норматив усул бўйича маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи қуйидагича аниқланади:

1. Меъёрдаги таннарх 20000 сўм (200 сўм ×100 дона).

2. Меъёрдан оғиши: тежалган 160 сўм, ортиқча сарф 180 сўм.

3. Норманинг ўзгариши +200 сўм, чунки тугалланмаган ишлаб чиқариш эски меъёрлар бўйича 4200 сўм (210 сўм×20 дона), янги меъёрлар бўйича 4000 сўм (200 сўм×20 дона).

4. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи 20220 сўм (20000+180–160+200).

Калькуляция қилишнинг норматив усули ишлаб чиқариш харажатлари устидан тезкор назорат олиб бориш, корхона ички ишлаб чиқариш резервларини аниқлаш ва уларни ишга солиш имкониятини беради. Шунинг учун бу усул энг долзарб ва илғор усул ҳисобланади.

6.6. Моддий харажатларни ҳисобга олиш

Моддий харажатлар маҳсулот таннархида катта салмоқни эгаллайди. Буларга "Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом"га мувофиқ қуйидагилар киради:

1. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот асосини ташкил қиладиган, четдан сотиб олинадиган хом-ашё ва материаллар.

2. Маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнини бир меъёрда таъминлаб туриш, маҳсулот ўраш ва бошқа ишлаб чиқариш мақсадлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган, сотиб олинган материаллар, шунингдек, асосий фондлар, бино, иншоот, асбоб-ускуналарни таъмирлашда ишлатиладиган материаллар, эҳтиёт қисмлар.

3. Ушбу корхонада қўшимча қайта ишлашни ёки йиғишни талаб этувчи сотиб олинган комплектлашган маҳсулот ва ярим тайёр маҳсулотлар.

4. Асосий фаолият турига тааллуқли бўлмаган чет корхона ва хўжаликларда бажариладиган ишлаб чиқариш характеридаги иш ва хизматлар.

5. Табиий ҳамда минерал хом-ашё базасини қайта тиклаш учун қилинадиган ажратмалар, сув учун тўланадиган тўловлар ва бошқалар.

6. Четдан сотиб олинадиган ёқилғининг ҳамма турлари. Технологик мақсадларга, корхона транспорти бажарадиган ишлаб чиқаришга хизмат қилиш бўйича транспорт ишларига, биноларни иситишга, ишлаб чиқаришга сарфланадиган сотиб олинган энергиянинг ҳамма турлари.

7. Корхонанинг хўжалик, технологик ва бошқа ишлаб чиқариш мақсадлари учун сарфланадиган сотиб олинган энергиянинг ҳамма турлари.

8. Меъёр чегарасидаги материал ресурсларнинг камомади ва бузилишидан келадиган нобудгарчиликлар.

9. Материал ресурсларини транспортда ташиш, ортиш, тушириш билан боғлиқ харажатлар. Бу харажатлар ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементига қўшилади (ходимларнинг иш ҳақи, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига, асосий фондлар амортизацияси, материал харажатлари ва бошқалар).

10. Мол етказиб берувчилардан олинган материал ресурслари билан бирга сотиб олинган тара ва ўраш харажатлари материал ресурслари қийматига қўшилади.

11. Маҳсулот таннархига қўшиладиган материал ресурслари харажатларидан, қайтарилган чиқиндилар ёки таралар қиймати уларни сотиш ёки улардан фойдаланиш ҳақиқий таннархи бўйича чиқариб ташланади.

12. "Материал харажатлари" элементи бўйича акс эттириладиган материал ресурслари баҳоси (қиймати) қуйидагилардан ташкил топади: сотиб олиниш қийматидан, жумладан, бартер алмашувида (қўшилган қиймат солиғисиз), коммисион тўловлар, ташқи иқтисодий таъминот ташкилотларига тўланадиган, брокерлар хизматлари қўшилган товар биржалари хизмат қиймати, бож тўловлари, чет ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган транспорт, сақлаш ва келтириш билан боғлиқ харажатлар (тўловлар).

Моддий харажатларни тўғри ҳисобга олиш маҳсулот таннархига катта таъсир кўрсатади. Бунинг учун ҳисобни шундай ташкил этиш керакки, унда ҳақиқий харажатларни нормалар билан узлуксиз ва тезкор солиштириш имкони бўлсин.

Материаллар ишлаб чиқаришга корхонада белгиланган норма бўйича уларни ҳажми, оғирлиги, ҳисоби қайд қилинган ҳужжатлар асосида қўйиб юборилади. Бошланғич ҳужжатларни материал ҳисоб гуруҳи ишлаб чиқади.

Харажатлар моддалари бўйича материаллар сарфини ҳисобга олиш учун турли хил ҳужжатлаштириш усуллари қўлланилади. Кўпроқ инвентар ва партион усулларидир.

Инвентар усулда режалаштирилган маҳсулот ҳажмига нисбатан ўрнатилган нормалар чегарасида цехга қўйиб юборилган материаллар қайд қилинган бошланғич ҳужжатлар асосида бухгалтерия сарф қилинган материаллар қийматини ҳисоблаб чиқади. Бунда нормалардан четга чиқиш ҳисобга олинади.

Материалларни ҳисобга олишнинг инвентар усули цехларда доим ой боши ёки охирига ишлатилмай қолган материаллар қолдиғи мавжуд бўлса ишлатилади. Бундан келиб чиққан ҳолда материаллар ҳақиқий сарфи ушбу материаллар қолдиғи чегирилиб ташланиб ҳисобланади. Бунинг учун ҳар бир ҳисоб даври (смена, ҳафта, ой) охирида ишлатилмай қолган материаллар инвентаризацияси ўтказилади. Шундан сўнг материаллар харажати аниқланади: бошланғич қолдиққа жўнатилган материаллар қўшилиб, охирги қолдиқ олиб ташланади.

Материаллар сарфини ҳисобга олиш учун партион усул ҳам қўлланилади, бунда улар ҳар бир очилган материаллар партияси бўйича ҳисобга олинади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида сарф қилинган материаллар қийматини ҳисобдан чиқаришнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин, бу инфляция оқими билан боғлиқ.

ЛИФО усули — ўсиб бораётган инфляция шароитида вақт бўйича охирги сотиб олинган материаллар қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобни юритиш;

ФИФО усули — камайиб бораётган инфляция шароитида вақт бўйича биринчи сотиб олинган материаллар қиймати бўйича ҳисобни олиб бориш.

АВЕКО усули — ўртача қиймат бўйича ҳисобни олиб бориш.

Ишлаб чиқаришга сарфланган асосий материаллар ва сотиб олинган тайёр маҳсулотларни бошланғич ҳужжатлар асосида ҳисобга олиш фақат таннархга тўғридан-тўғри ўтказиладиган материаллар бўйича бўлиши мумкин. Агар корхонада бир хил материалдан бир вақтнинг ўзида бир неча хил маҳсулот ишлаб чиқарилса, у ҳолда таннархни аниқлашда материаллар сарфи калькуляция объектлари ўртасида бирон-бир кўрсаткичга мутаносиб равишда тақсимланади. Саноатнинг баъзи бир тармоқларида (машинасозлик, кимё, енгил сано-

ат ва бошқ.) тақсимлашнинг кенг қўлланиладиган усулларидан бири ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий сонига нисбатан қайта ҳисобланган материалларнинг меъёрдаги сарфида мутаносиб равишда тақсимлашдир.

Моддий харажатлар таннархга ўтказилаётганда авал улар бўйича харажатлар пайдо бўлиш жойларида ҳисобга олинади, кейин таннархга ўтказилади. Ишлаб чиқаришга ишлаб чиқариш захиралари сарфланганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т «Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобварақлари»;

К-т «Ишлаб чиқариш захиралари ҳисобварақлари».

6.7. Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий суғуртага ажратмалар бўйича харажатлар ҳисоби

Ишлаб чиқариш характеридаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига "Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом"га мувофиқ қуйидагилар киради:

1. Корхонада қўлланиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва окладлар асосида ҳақиқатан бажарилган иш учун ҳисобланган ишлаб чиқариш характеридаги иш ҳақи, қуйидагилар қўшилган ҳолда:

а) оғир табиий иқлим жойларда узоқ муддат узилишсиз иш стажига эга бўлганлар учун иш ҳақига қўшимча;

б) доимий иши йўлда амалга ошириладиган алоқа, темир йўл, сув, автомобиль транспорти ва бошқа соҳаларда банд бўлган ходимлар иш ҳақига қўшимча. Бундай ходимлар учун корхоналардан чиқиб, қайтиб келгунгача бўлган ҳар бир сутка учун қўшимча ҳақ тўланади;

в) тўғридан-тўғри қурилишда, капитал таъмирлаш каби ишларда банд бўлган ходимларга қонунда кўзда тутилгандек айрим ишларни бажарганлиги учун тўланадиган қўшимча ҳақ;

г) ер ости ишларида банд бўлган ходимларга тўланадиган қўшимча ҳақ;

д) амалдаги қонунларга мувофиқ чўл, сувсиз ва тоғли ҳудудларда меҳнат қилувчи ходимларга тўланадиган ҳақлар;

е) авангард ишларни бажаришда банд бўлган ходимлар, транспорт ташкилоти ва йўлда об-ҳаво ноқулайлиги туфайли ушланиб қолган ходимлар учун тўланадиган суммалар;

ж) махсус шартномага мувофиқ корхона, ташкилотлардан муайян ишларни бажариш учун жалб қилинган ходимларга ва уларни юборган ташкилотга тўланадиган суммалар.

2. Меъёрдан ортиқча ишлаган ҳамда яхши ишлаган кунлари ва ҳолатлар ҳисобига берилган дам олиш кунлари учун тўланадиган ҳақ.

3. Миқдор кўринишида тўланадиган маҳсулот қиймати.

4. Амалдаги қонунларга мувофиқ, рағбатлантириш характеридаги тўловлар: мукофотлар, касб маҳорати учун тариф ставкалари, ойлик маошга қўшимчалар ва бошқа рағбатлантиришлар.

5. Тунги сменада, сменадан ортиқча, шунингдек дам олиш кунлари меҳнат шароити оғир ва зарарли бўлганлиги учун тўланадиган тўловлар.

6. Амалдаги қонунларга мувофиқ, навбатдаги меҳнат таътили ва қўшимча таътиллар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болали оналарнинг танаффус соатлари учун тўловлар ва бошқалар.

7. Иш ҳақи қисман сақланган ҳолда, мажбурий таътилда бўлган ходимларга тўланадиган ҳақлар.

8. Қон топширувчилар учун тўланадиган тўловлар, текшириш ва қон топшириш, дам олиш кунлари учун бериладиган тўловлар.

9. Корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаганлиги учун олий ва ўрта махсус ўқув юрти талабалари учун тўловлар.

10. Талабалар қурилиш отрядлари таркибида ишловчи олий ва ўрта махсус ўқув юрти талабалари меҳнатига ҳақ.

11. Тузилган шартномага кўра бажарилган ишлар учун корхона штатида бўлмаганлар меҳнатига ҳақ.

12. Амалдаги қонунларга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этадиган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига қўшиладиган бошқа тўлов турлари.

13. "Ишлаб чиқариш характеридаги меҳнатга ҳақ

тўлаш харажатлари" элементи бўйича қишлоқ хўжалик корхоналари йиллик иш натижалари бўйича тўловларни ҳам акс эттирадилар.

Иш ҳақи харажатларини тўғри ҳисоблаш учун уларни ҳисобварақларга қилинган ишлар бўйича тўғри мутаносибликда тақсимлаш керак бўлади. Яъни ишлаб чиқаришда ишчиларнинг маҳсулот бирон-бир турини ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган асосий иш ҳақи одатда бошланғич ҳужжатларга асосланиб, калькуляция қилиш объектлари бўйича ҳисоб қилинади ва таннархга тўғридан-тўғри ўтказилади.

Ҳисобланган иш ҳақи суммаси 6710-ҳисобварақ кредитида ҳисобга олинади.

Асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг ишбай иш ҳақи маршрут варақалари, нарядлар ва бошқа бошланғич ҳужжатлар асосида, калькуляциянинг тўғри элементи сифатида қилинган ишлар ва буюртмалар бўйича, 2010 ва 2310-ҳисобварақлар дебетига олиб борилади. Агар ишлаб чиқариш ишчиларига вақтбай иш ҳақи ҳисобланса, ишбай иш ҳақига мутаносиб равишда буюртмалар бўйича тақсимланади.

Қўшимча иш соатлари, тунги иш соатлари ҳамда шунга ўхшаш соатлари учун қўшимча иш ҳақлари буюртмалар ва иш турига нисбатан 2010 ва 2310-ҳисобварақлар дебетига тақсимланади. Иш ҳақини тақсимлаш билан бир қаторда ишчиларга таътил учун захира яратилади. Унинг миқдори корхонада ҳисобланган режа фоизи ҳамда корхонада ҳисобланган иш ҳақи суммасига нисбатан яратилади.

Ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларга иш ҳақи ҳисобланганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т «Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобварақлари»:

К-т 6710—"Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб китоблар ҳисобварағи".

Меҳнат ҳақи бўйича харажатлар цехлар бўйича 12-қайдномада (2010, 2310, 2510, 2610 ҳисобварақларнинг дебетига), 15-қайдномада ҳамда 10/1-журнал-ордерда акс эттирилади.

Захира суммаси маҳсулот, иш ва хизматлар таннархига қўшилади ҳамда иш ҳақи ҳисобланган ҳисобварақларга олиб борилади.

Дебет 2010, 2310, 2510-ҳисобварақлар;

Кредит 8910—"Келгуси харажатлар ва тўловлар резерви" ҳисобварағи.

Ҳисобланган иш ҳақи ва мукофотларни тақсимлаш ҳамда таътил учун ойликларга захиралар яратиш билан бир қаторда тиббиёт суғуртаси, нафақа фондларига ўрнатилган фоизлар миқдорида ажратмалар ҳисобланади.

Низомга биноан бу харажатлар турига қуйидагилар киради:

1. "Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари" элементи бўйича таннархга қўшиладиган қуйидаги ажратмалар: амалдаги қонунлар бўйича ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларидан мажбурий ажратмалар — ижтимоий суғурта органларига, нафақа фондига, давлат бандлик хизматига ва тиббий суғурта органларига.

2. Давлатга қарашли бўлмаган нафақа фондларига, ихтиёрий тиббий суғуртага ва бошқа ихтиёрий суғурта турларига ажратмалар.

Ажратмалар маҳсулот, иш ва хизматлар таннархига олиб борилиб, иш ҳақи ҳисобланган ҳисобварақлар дебетига олиб борилади.

6.8. Ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган бошқа харажатлар ҳисоби

"Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом"га мувофиқ кейинги харажат элементи бўлмиш "Ишлаб чиқариш характеридаги асосий фондлар ва номоддий активлар амортизацияси"га қуйидагилар киради:

1. Белгиланган меъёрга кўра асосий ишлаб чиқариш фондлари баланс қиймати асосида ҳисобланган тўла тиклаш бўйича амортизация ажратмаси суммаси. Бунга амалдаги қонунга мувофиқ ҳисобланган тезлаштирилган амортизация ҳам қўшилади.

2. Узоқ муддатга асосий воситаларни ижарага олган корхона, ўзига қарашли асосий фондлар ва ижарага олинган асосий фондлар бўйича тўла тиклаш юзасидан амортизация ажратмасини "Асосий фондлар амортизацияси" элементида акс эттиради. Бундай ҳолларда, ижара берган корхона ижарага берилган асосий воситалар бўйича амортизация ҳисобламайди.

3. Ишлаб чиқариш характеридаги номоддий активлар бўйича эскириш ҳар ойда уларнинг дастлабки муддати бўйича ҳисобланган эскириш миқдорида таннархга қўшилади.

Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатларга "Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом"га мувофиқ қуйидагилар киради:

1. Ишлаб чиқариш жараёнига хизмат қилиш бўйича харажатлар.

2. Ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли хизмат сафари харажатлари.

3. Ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар ва ишлаб чиқариш активларининг мажбурий суғуртаси бўйича харажатлар.

4. Брак ҳисобига нобудгарчиликлар.

5. Кафолатланган таъмирлаш ва (маҳсулотга кафолатланган хизмат муддати белгиланган ҳолда) кафолатланган хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар.

6. Ички ишлаб чиқариш сабабларига кўра бўш қолинган вақт бўйича нобудгарчилик.

7. Ишлаб чиқаришдаги ҳолатлар юзасидан меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун тўланадиган нафақа.

8. Ишлаб чиқариш жараёнида тўғридан-тўғри иштирок этадиган ходимлар соғлигини муҳофаза қилиш ва дам олишини ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар билан боғлиқ харажатлар.

9. Таннархга қўшиладиган ва белгиланган тартибда ҳисобланадиган бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, бюджетдан ташқари махсус фондларга ажратмалар.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳамма харажатлар маҳсулот таннархига қўшилади, бу ўз навбатида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси бажарилишини таъминлайди.

6.9. Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби

Корхонада асосий фаолиятнинг нормал давом этишини таъминлаш мақсадида ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ташкил этилади. Ёрдамчи ишлаб чиқаришларга қуйидагилар киради:

♦ турли хил энергия, электроэнергия, газ ва бошқалар билан хизмат кўрсатиш;

♦ транспорт хизматини кўрсатиш;
♦ асосий воситаларни таъмирлаш;
♦ инструментлар, қурилиш деталларини тайёрлаш ва қурилиш материалларини бойитиш;
♦ ёғоч тайёрлаш ва ёғоч арралаш;
♦ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тузлаш ва консервалаш.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар фаолиятини бухгалтерияда ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳисобварақ очилган:

2310—"Ёрдамчи ишлаб чиқариш".

Бу ҳисобварақ актив бўлиб, дебетида ёрдамчи ишлаб чиқаришлар бўйича қилинган харажатлар, кредитида эса ишлаб чиқариши тугатилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархи суммаси акс эттирилади.

2310-ҳисобварақ дебетланганида қуйидаги ҳисобварақлар кредитланади:

0211—0299 — ҳисобварақлар — ёрдамчи ишлаб чиқаришларда фойдаланилаётган асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммасига;

1010, 1070, 1090 ҳисобварақлар — ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сарфланган материал суммасига;

1610-ҳисобварақ — материаллар қийматидаги фарқлар ҳисобдан чиқарилганида;

2510-ҳисобварақ — умумишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми ёрдамчи ишлаб чиқаришларга ўтказилганида;

2610-ҳисобварақ — брақдан кўрилган йўқотишлар ёрдамчи ишлаб чиқаришларга ўтказилганида;

3110, 3190-ҳисобварақлар — келгуси давр харажатлари ҳисобдан чиқарилганида;

6710-ҳисобварақ — ишчиларга иш ҳақи ҳисобланганида;

6510—6520-ҳисобварақлар — ижтимоий суғуртага ва давлат мақсадли фондларига ажратма ҳисобланганида;

4730-ҳисобварақ — моддий қийматликларнинг камомади ёрдамчи ишлаб чиқаришларга ўтказилганида.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш томонидан тайёрланган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар қуйидаги ҳужжатлар асосида расмийлаштирилади:

♦ юкхатлар — омборга топширилган тайёрланган инструментлар миқдори кўрсатилган ҳолда;

♦ таъмирланган асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси — бажарилган ва топширилган ишлар ҳажмига;

♦ маршрут варақалар — юк автомобиллари томонидан ташилган юк ҳажмига.

2310-ҳисобварақ кредитланганда қуйидаги ҳисобварақлар дебетланади:

1010, 1070, 1090-ҳисобварақлар ишлаб чиқарилган эҳтиёт қисмлар ва ишлаб чиқаришдан қайтган чиқитлар киримга олинганида;

2610-тузатиб бўлмайдиган бракнинг ҳисобдан чиқиши;

2810-ҳисобварақ — ёрдамчи ишлаб чиқаришлар маҳсулотининг омборга кирим қилиниши;

5910-ҳисобварақ — камомад ва нобудгарчиликларнинг акс эттирилиши.

9110, 9130-ҳисобварақлар — четга жўнатилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар қийматига;

9210, 9220-ҳисобварақлар — асосий восита ва номоддий активларни ҳисобдан чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар қийматига;

9410-ҳисобварақ — маҳсулот сотишга кўрсатилган хизматлар харажатларини ҳисобдан чиқаришга.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар харажатлари ҳар бир цех бўйича алоҳида тузиладиган 12-қайдномада юритилади.

6.10. Корхона умумишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби

Умумишлаб чиқариш харажатлари — асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларини бошқариш, уларга хизмат қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлардир.

Ҳисобварақлар режасига мувофиқ умумишлаб чиқариш харажатларининг бухгалтерия ҳисоби "Умумишлаб чиқариш харажатлари" деган 2510-ҳисобварақда юритилади. Мазкур ҳисобварақ корхонанинг асосий ва

ёрдамчи ишлаб чиқаришларига хизмат кўрсатиш харажатлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Хусусан, мазкур ҳисобварақда қуйидаги харажатлар акс эттирилиши мумкин:

♦ машина ва ускуналарни сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш чиқимлари;

♦ ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларини тўлиқ тиклаш учун амортизация ажратмалари ҳамда уларни ремонт қилиш харажатлари;

♦ ишлаб чиқариш мол-мулкини суғурта харажатлари;

♦ ишлаб чиқариш биноларини иситиш, ёритиш ва сақлаш харажатлари;

♦ ишлаб чиқариш бинолари, машина ва ускуналар ҳамда ишлаб чиқаришда фойдаланилувчи бошқа ижарага олинадиган воситалар учун ижара ҳақи;

♦ ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ишлаб чиқарувчи ходимларга иш хақи тўлаш;

♦ шунга ўхшаш мақсадлардаги бошқа харажатлар.

Умумишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқариш захиралари, ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар бўйича ҳисоб-китоблар ва бошқалар ҳисоби юритиладиган ҳисобварақларнинг кредит қисмидан олиб "Умумишлаб чиқариш харажатлари" номли 2510-ҳисобварақда акс эттирилади. "Умумишлаб чиқариш харажатлари" номли 2510-ҳисобварақда ҳисобга олинадиган харажатлар "Асосий ишлаб чиқаришлар" номли 2010-ҳисобварақ ва "Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" номли 2310-ҳисобварақнинг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Юқорида келтирилган муомалалар ҳисобварақлар режасидаги ҳисобварақлар бўйича қуйидагича бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

♦ ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ишлаб чиқарувчи ходимларга иш ҳақи ҳисобланганда:

Д-т 2510 — "Умумишлаб чиқариш харажатлари" — 37000 сўм;

К-т 6710 — "Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб китоблар" — 37000 сўм.

♦ умумишлаб чиқариш харажатлари маҳсулотлар таннархига ўтказилганда:

Д-т 2010 — "Асосий ишлаб чиқаришлар" —20000 сўм;

К-т 2510—"Умумишлаб чиқариш харажатлари"— 20000 сўм;

Д-т 2310—Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" — 17000 сўм;

К-т 2510—"Умумишлаб чиқариш харажатлари" — 17000 сўм.

Умумишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби алоҳида юритиладиган объектлар ўртасида тақсимлаш тартиби тегишли меъёрий ҳужжатларда акс эттирилган.

2510—"Умумишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварағининг таҳлилий ҳисоби корхонанинг алоҳида бўлинмалари ва харажатлар моддалари бўйича юритилади.

Корхоналарда умумишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот таннархига тўғри тақсимлаш катта аҳамиятга эга. Агарда, умумишлаб чиқариш харажатлари турли маҳсулотларга тақсимланса, шундай оптимал усуллардан фойдаланиш керакки, у маҳсулотлар таннархини ошириб юбормасин.

Хорижий амалиётда қуйидаги тақсимлаш усулларидан фойдаланилади:

- бевосита тақсимлаш усули;
- қайта тақсимлаш усули;
- тенгламалар системаси усули;
- кетма-кет тақсимлаш усули.

Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш усулларининг таҳлили шуни кўрсатадики, корхоналар учун энг мақбул усуллар бу — тенгламалар системаси ва қайта тақсимлаш усулларидир. Агарда, бу усуллар билан умумишлаб чиқариш харажатлари тақсимланса, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳеч қайсисининг таннархи ошиб ёки камайиб кетмайди. Бу маҳсулотни бозордаги мавқеини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Тақсимот базасини аниқлаш умумишлаб чиқариш харажатларни тақсимлашдаги яна бир муаммолардан биридир. Умумишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги тақсимот базаларига нисбатан тақсимланса мақсадга мувофиқ бўлади:

- ишлаб чиқариш бинолари ижара ҳақи уларнинг жойлашган майдонига мувофиқ;
- ишлаб чиқаришдаги машина ва ускуналар ижара ҳақи ҳақиқатда ишлаган иш соатларига мувофиқ;

♦ ишлаб чиқариш биноларини ёритиш, иситиш ва сақлаш харажатлари уларнинг жойлашган майдонига мувофиқ;

♦ ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ишлаб чиқарувчи ходимларга иш ҳақи харажатлари ҳисобланган иш ҳақига мутаносиб равишда;

♦ асосий ишлаб чиқариш воситаларини тўлиқ тиклаш учун амортизация ажратмалари ҳамда уларни ремонт қилиш харажатлари уларнинг бошланғич қийматларига мувофиқ.

Умумишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилиш учун умумлашлаб чиқариш харажатларини ўзгарувчан ёки доимий харажатларга ажратсак яхши натижаларга эришамиз. Умумишлаб чиқариш харажатларини бундай туркумлаш корхона бошқарувига бошқарув қарорларини чиқариш учун маълумотлар билан таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш бўйича қуйидаги мисолни кўриб чиқамиз. Фараз қилайлик, шакар ишлаб чиқариш корхонасида иккита ишлаб чиқариш ва битта ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи бўлинма мавжуд. Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи бўлинмада тўртта ишчига 55000 сўм иш ҳақи ҳисобланган. Биринчи ишлаб чиқариш бўлинмасидаги ишчиларга 300000 сўм иш ҳақи ҳисобланган, иккинчисидаги ишчиларга эса 250000 сўм ҳисобланган. Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаймиз:

Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи бўлинмадаги ишчиларга иш ҳақи харажатлар маҳсулотлар таннархига тақсимланиши керак. Бунда, тақсимот базаси иш ҳақи ҳисобланади. Тақсимлаш базаси фоиз кўрсаткичларда қуйидагича бўлади:

$$300000:(250000+300000)\times 100\% = 55\%,$$
$$250000:(250000+300000)\times 100\% = 45\%.$$

Демак, тақсимланиши лозим бўлган 55000 сўм юқоридаги фоиз нисбатларида тақсимланади:

$$55000:100\times 55\% = 30250 \text{ сўм},$$
$$55000:100\times 45\% = 24750 \text{ сўм}.$$

Биринчи ишлаб чиқариш бўлинмасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархига 30250 сўм ўткази-

лади, иккинчи ишлаб чиқариш бўлинмасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархига 24750 сўм ўтказилади. Умумий харажатлар миқдори 55000 (30250+24750) сўм. Юқоридаги муомалалар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

Д-т 2010—"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағи — 30250 сўм;

К-т 2510—"Умумишлаб ишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварағи — 30250 сўм;

Д-т 2020—"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағи — 24750 сўм;

К-т 2510—"Умумишлаб ишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварағи — 24750 сўм.

Ҳар қандай умумишлаб чиқариш харажатлари ўзларининг тақсимот базасига нисбатан юқоридаги тартибда тақсимланади.

6.11. Яроқсиз маҳсулот (иш, хизмат) лар ва нобудгарчиликлар ҳисоби

Ишлаб чиқаришда бухгалтериянинг асосий вазифаларидан бири брак ҳисобига ҳамда ярим тайёр маҳсулот ва бошқа моддий бойликларнинг бузилиши, камомади натижасида келадиган нобудгарчиликларни тўғри ҳамда ўз вақтида аниқлашдан иборат.

Брак нобудгарчилик суммаси унумсиз харажатнинг бир тури бўлиб, у маҳсулот таннархининг ошишига ва корхона даромадининг камайишига олиб келади. Брак ҳисобига нобудгарчиликлар суммаси "Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом"га кўра ишлаб чиқариш таннархининг "Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар" моддаси таркибида таннархга қўшилади.

Ишлаб чиқаришда брак деб, ўз сифатига кўра белгиланган стандарт ва техник шароитларга тўғри келмайдиган деталь ҳамда ярим тайёр маҳсулотга айтилади. Ишлаб чиқаришда бракка йўл қўйилган бўлса, бундай маҳсулотни қайта ишлаш учун қўшимча харажатлар талаб қилинади ёки ундан умуман фойдаланиш имконияти бўлмай қолади. Брак ишлаб чиқариш ўз яроқлилик даражасига кўра иккига бўлинади: *тузатилиши мумкин бўлган* ва *тузатилиши мумкин бўлмаган* маҳсулотлар.

Брак топилган жойига қараб икки хил, яъни *ички* ва *ташқи бракка* бўлинади. Техник назорат бўлимининг ходимлари бундай маҳсулотларни акт ҳужжати билан расмийлаштирадилар. Бракнинг келиб чиқиш сабаби, унинг айбдори, айбдоридан ушлаб қолинадиган маблағ ва бошқа маълумотлар ана шу актда кўрсатилади.

Тузатилиши мумкин бўлмаган брак бўйича асосий ишлаб чиқариш ҳисобварағи маълумотлари асосида унинг ҳақиқий таннархи аниқланади. Брак маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи ҳамма асосий харажатлар ва умумишлаб чиқариш харажатлари йиғиндисидан ташкил топади. Брак таннархига қуйидаги проводка тузилади.

Дебет 2610—"Ишлаб чиқаришдаги брак" ҳисобварағи;

Кредит 2010—"Асосий ишлаб чиқариш" ёки 2310—"Ёрдамчи ишлаб чиқарищ" ҳисобварақлари.

Ташқи брак бўйича ишлаб чиқаришда харидор корхона зиммасига тушадиган турли чиқимлар (брак маҳсулотни алмаштириш билан боғлиқ транспорт харажатлари, тузатиб бўладиган брак учун тузатиш харажатлари ва ҳоказо) ҳам акс эттирилади. 2610-ҳисобварақнинг кредитига эса айбдордан ушлаб қолинадиган маблағ, брак маҳсулотдан фойдаланиш қиймати ҳамда брак йўл қўйишда товар юборувчи корхоналар айбдор бўлса, у ҳолда улардан ундириб олинадиган маблағ акс эттирилади. Ушбу суммаларга қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 1010—"Материаллар" ҳисобварағи;

Дебет 6710—"Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи;

Дебет 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" ҳисобварағи;

Кредит 2610—"Ишлаб чиқаришдаги брак" ҳисобварағи.

Ушбу бухгалтерия ёзувларидан сўнг ишлаб чиқаришдаги брак ҳисобварағи бўйича брак ҳисобига нобудгарчилик суммаси кўрсатилади. Бу сумма ушбу ҳисобот ойида ишлаб чиқарилган яроқли маҳсулотлар таннархига тўғридан-тўғри ўтказилади.

6.12. Келгуси давр харажатлари ҳисоби

Келгуси давр харажатларига қуйидагилар киради:

- газета ва журналларга йиллик обуна харажатлари;
- мулкларни йиллик суғурта қилиш харажатлари;
- келгуси даврлар учун олдиндан тўланган ижара ҳақи суммалари ва бошқа шу турдаги харажатлар.

Келгуси давр харажатларини ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳисобварақлардан фойдаланиш кўзда тутилган:

3110—"Олдиндан тўланган ижара ҳақи";
3120—"Олдиндан тўланган хизмат ҳақи";
3190—"Бошқа бўнак харажатлари".

Бу ҳисобварақлар актив бўлиб, уларнинг дебетида ҳисобот даврида қилинган ва маҳсулот таннархига келгуси ҳисобот даврларида қўшиладиган харажатлар акс эттирилади. Ҳисобварақларнинг кредитида эса ушбу харажатларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

3110—"Олдиндан тўланган ижара ҳақи" ҳисобварағида ҳисобот даврида келгуси ҳисобот даврларига тегишли бўлган тўланган ижара ҳақлари ҳисобга олинади.

3120—"Олдиндан тўланган хизмат ҳақи" ҳисобварағида ҳисобот даврида келгуси ҳисобот даврига тааллуқли бўлган тўланган хизмат ҳақлари ҳисобга олинади.

3190—"Бошқа бўнак харажатлари" ҳисобварағида юқоридаги ҳисобварақларда ҳисобга олинмайдиган бошқа турдаги келгуси давр харажатлари ҳисобга олинади.

6.13. Тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш ва ҳисобга олиш

Тугалланмаган ишлаб чиқариш деб, 100%лик тайёр маҳсулот даражасига келмаган, тайёр маҳсулот тариқасида кўрилмайдиган, бундан келиб чиқиб харидорга сотиб бўлмайдиган маҳсулот қисмига айтилади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини ва уни тайёр маҳсулот даражасига қанчалик яқинлигини аниқлаш бухгалтерия ҳисоби учун жуда муҳимдир.

Бу турдаги ишлаб чиқариш таркибига қайта ишлаш жараёнидан ўтган хом-ашё, материал ва ярим тайёр маҳсулотлар ўзи тайёр ҳолга келтирилган, аммо техни-

ка назорати бўлими томонидан қабул қилинмаган маҳсулотлар киради.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаш учун маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашадиган деталь, қисм ва шу кабиларнинг ҳаракати ҳисобини юритиш лозим. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳар бир фазасида вақти-вақти билан мавжуд тугалланмаган ишлаб чиқаришларни текшириш, ҳисоб маълумотларини инвентаризация маълумотлари билан таққослаш лозим.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш инвентаризацияси давомида инвентаризация ёрлиқлари ёки варақаларида фақат буюмларнинг ҳақиқий сони ёки миқдори кўрсатилибгина қолмай, балки уларнинг тайёрлик даражаси ҳам кўрсатилади. Бу, ўз навбатида, тугалланмаган ишлаб чиқаришни тайёрлик даражасига кўра баҳолашни енгиллаштиради. Инвентаризация натижасида аниқланган тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи тайёр маҳсулотни калькуляция қилишда қўлланиладиган калькуляциялаш моддалари бўйича ҳақиқий таннархда баҳоланади. Брак ҳисобига нобудгарчилик, махсус асбобускуналар ва мосламалар қийматини қоплаш, ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, тайёрлаш харажатлари ҳамда ишлаб чиқаришдан ташқари сарфлар бундан мустасно. Бу харажат моддалари фақат тайёр маҳсулот таннархига қўшилади.

Корхонада тугалланмаган ишлаб чиқаришларига эга бўлган ишлаб чиқаришда тайёр маҳсулотга тегишли харажатларни аниқлаш учун уларни ҳар ойда баҳолаб туриш лозим. Бунда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот таннархини аниқлаш учун ой бошига қолган тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларига ой давомида қилинган харажатларни қўшиб, ҳисобдан чиқарилган, қайтарилган ҳамда ой охирига қолган тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари суммасини олиб ташлаш лозим. Шу боисдан ҳам тугалланмаган ишлаб чиқаришларни тўғри аниқлаш ва уларни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини аниқлаш учун харажатларнинг қуйидаги шаклдаги умумий қайдномаси тузилади:

Демак, ушбу жадвал орқали тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғини аниқлашимиз мумкин, аммо бу

Ой бо- ши- ча- ри- ни	Ой о- ра- ли- ги- да	Жами харажатлар	Хом-ашё ва материал чиқитлар қийматини	Брак маҳсулот қийматини	Тугалланмаган маҳсулот қийматини	Бошқа чиқариб ташлашлар	Ой охиридаги тугалланмаган ишлаб чиқариш	Товар маҳсулотга ўтғри келадиган харажатлар
1	2	3=1+2	4	5	6	7	8=3-4-5-6-7	9

усул мураккаб ҳисобланади. Серияли ишлаб чиқариш тусидаги кўпгина корхоналарда тугалланмаган ишлаб чиқариш норматив таннархда баҳоланади. Қисқа технологик циклли айрим саноат тармоқларида (тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқалар) тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи хом-ашё ва материаллар харажати бўйича баҳоланиб, қолган барча харажатлар тайёр маҳсулот таннархига қўшилади.

Ишлаб чиқаришнинг серияли хилига мансуб корхоналарда тугалланмаган ишлаб чиқариш инвентаризацияси ҳар чоракда, қатор саноат тармоқларида (масалан, тўқимачилик, пойабзал, тикувчилик) ҳар ойда ўтказилади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш инвентаризацияси давомида инвентаризация ёрлиқлари ва варақаларида фақат буюмларнинг ҳақиқий сони ёки миқдори кўрсатиблигина қолмай, балки уларнинг тайёргарлик даражаси ҳам кўрсатилади. Бу, ўз навбатида, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг тайёргарлик даражасига кўра баҳоланишни енгиллаштиради. Инвентаризация натижасида аниқланган тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи тайёр маҳсулотни калькуляция қилишда қўлланиладиган калькуляциялаш моддалари бўйича ҳақиқий таннархда баҳоланади. Брак ҳисобига нобудгарчилик, махсус асбоб-ускуналар ва мосламалар қийматини қоплаш, ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, тайёрлаш харажатлари ҳамда ишлаб чиқаришдан ташқари сарфлар бундан мустаснодир. Бу харажат моддалари фақат тайёр маҳсулот таннархига қўшилади.

1. Корхона ишлаб чиқариш харажатлари деб нимага айтилади?
2. Маҳсулот таннархини аниқлашнинг зарурияти нимада?
3. Харажатлар қандай туркумланади?
4. Ишлаб чиқариш харажатларининг дастлабки ва йиғма ҳисоби деганда нимани тушунасиз?
5. Маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг қандай усуллари мавжуд?
6. Ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисобида қандай тартибда акс эттирилади?
7. Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулот деб нимага айтилади?
8. Келгуси давр харажатларини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг хусусиятлари нималардан иборат?
9. Тугалланмаган ишлаб чиқариш деб нимага айтилади?
10. Тугалланмаган ишлаб чиқаришни иқтисодиётнинг турли тармоқларида ҳисобга олишнинг хусусиятлари нималардан иборат?

II бўлим

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ

7-боб. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ

7.1. Асосий воситалар ҳисобининг аҳамияти ва вазифалари

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда асосий воситаларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Асосий воситалар корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнида жуда катта роль ўйнайди, чунки улар барча корхона таянадиган ва корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини баҳолаш мезони бўлган ишлаб-чиқариш техника базасини ташкил этади.

"Асосий воситалар" номли 5-сон БҲМАнинг 7-бандига асосан, **асосий воситалар** узоқ давом этадиган вақт мобайнида (бир йилдан ортиқ вақт давомида) моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, ноишлаб чиқариш соҳасида ҳам амал қиладиган, шунингдек, ижарага бериш учун фойдаланиладиган моддий активлардир.

Корхоналарда асосий воситаларни ҳисобга олиш қуйидагиларни таъминлаши лозим:

♦ асосий воситаларнинг олиниши, жойи ўзгартирилишини тўғри ва ўз вақтида акс эттириш;

♦ асосий воситаларни бошқа активлардан ажратилган ҳолда гуруҳларга бўлиб уларни ҳисобга олишни ташкил қилиш;

♦ асосий воситаларни жорий ҳисобда ва бухгалтерия балансида тегишли андозаларга ва меъёрий ҳужжатларга асосан тўғри ва ўз вақтида баҳолаш;

♦ уларни сотиб олинганидан кейин ҳисобдан чиқарилишига қадар турган жойи (фойдаланиш жойи) бўйича мавжудлиги ва сақланишини, айрим ҳолларда уларнинг сақланиши учун маъсул бўлган шахслар бўйича назорат қилиш;

♦ асосий воситаларнинг эскиришини тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаб чиқиш ҳамда уни ҳисобда тўғри акс эттириш;

♦ таъмирлаш бўйича харажатларни аниқлаш ва бу мақсадлар учун ажратилган маблағларнинг оқилона ишлатилишини назорат қилиш;

♦ эскирган, хўжалик учун ошиқча бўлган асосий воситаларни ўз вақтида ҳисобдан чиқаришни таъминлаш;

♦ ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар бўйича молиявий натижаларни тўғри ва ўз вақтида аниқлаш.

7.2. Асосий воситаларни туркумлаш ва баҳолаш

Асосий воситалар бажарадиган вазифасига кўра ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш воситаларига бўлинади. *Ишлаб чиқариш асосий воситалари* бевосита моддий неъматларни яратишда иштирок этадиган воситаларидир. Ноишлаб чиқариш асосий воситалари гуруҳига уй-жой ҳамда коммунал-хўжалик, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқаларнинг асосий воситалари киритилади.

Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятида асосий воситалар объектлардан фойдаланиш даражасига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

♦ фойдаланилаётган;

♦ захирада турган;

♦ бузуқ ёки ишлатиш ҳолатида бўлмаган асосий воситалар.

Асосий воситаларнинг бундай гуруҳланиши улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, эскирган воситаларни алмаштириш, кераксиз асосий воситаларни бошқа корхонага бериш ёки сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек уларнинг эскиришини тўғри ҳисоб-китоб қилиш учун зарур.

Асосий воситалар натурал-моддий таркибига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- ер;
- ерни ободонлаштириш бўйича капитал сарфлар;
- иморатлар;
- иншоотлар;
- узатувчи мосламалар;
- машина ва жиҳозлар;
- транспорт воситалари;
- асбоб-ускуналар;
- ишлаб чиқариш инвентарлари;
- хўжалик инвентарлари;
- иш ҳайвонлари ва маҳсулдор чорва;
- кўп йиллик дарахтлар;
- бошқа асосий воситалар.

Ер амалдаги қонунчиликка биноан корхонага мулк тарзида берилган ер майдонидир. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 17-моддасига биноан, "юридик шахслар Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин". Ернинг қийматига уни харид қилишда кўчмас мулк агентликларига тўланадиган комиссион тўловлар, адвокатлик хизмати учун ҳақ, харид қилишдаги солиқ тўловлари, дренаж қиймати, ерни тозалаш ва бошқа харажатлар қўшилади.

Ерни ободонлаштириш бўйича капитал сарфлар таркибига ернинг унумдорлигини ошириш, автомобиль ва бошқа транспорт турларига тўхташ жойларини барпо этиш ҳамда шунга ўхшаш бошқа харажатлар киради.

Иморатлар ҳамда биноларга ишлаб чиқариш корпуслари, цехлар, устахоналар, бошқарма бинолари, омборхоналар, турар-жой бинолари ва бошқа ишлаб чиқариш, маъмурий-хўжалик ва ижтимоий-маиший мақсадлардаги объектлар, шунингдек улардан тўғри фойдаланиш учун зарур бўлган жами коммуникация воситалари (иситиш, ёритиш, шамоллатиш, сув-газ таъминоти тизими, ички телефон ва сигнализация воситалари, лифт хўжалиги) киради.

Иншоотларга меҳнат жараёни ва унинг натижаларини ўзгартирмаган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларининг техникавий ёки умумий вазифаларини бажаришга хизмат қиладиган объектлар (нефть ва газ қудуқлари, шах-

та йўллари, автомобиль йўллари, кўприклар, эстакадалар, сув омборлари ва бошқалар) киради.

Узатувчи мосламаларга машина-двигателдан иш машиналарига электр, иссиқлик, механик энергияни узатишга, шунингдек суюқ ва газсимон моддаларни бир объектдан бошқа объектга етказиб беришга хизмат қиладиган қурилмалар (электр узатиш йўллари, қувур йўллари, иссиқлик ва газ тармоғи ҳамда бошқалар) киради.

Машина ва жиҳозлар асосий воситаларнинг энг асосий тури ҳисобланади ва ўз навбатида қуйидаги гуруҳлардан таркиб топади:

♦ куч машина ва жиҳозлари электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарадиган ёки уни механик ҳаракат энергиясига айлантириб берадиган генератор-машиналар, двигатель машиналар (қозонхоналар, буғ двигателлари, турбиналар, куч трансформаторлари ва бошқалар)дир;

♦ иш машиналари ва жиҳозлари меҳнат предметларига механик, термик, кимёвий ёки бошқа йўсинда технологик ишлов беришга, уларни ишлаб чиқариш жараёнида қўзғатиш, қазиб олиш, эритиш, тайёрлашга хизмат қиладиган қурилмалар (станоклар, аппаратлар, агрегатлар)дир;

♦ ўлчов ва ростлаш асбоблари ҳамда қурилмалари ва лаборатория жиҳозлари фойдаланиладиган техника ишидаги турли параметр (кўрсаткич)ларни ўлчаш, ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш, хом-ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотлар сифатини текшириш, намлик даражаси, шовқин таъсири ва бошқаларни ўлчашда ишлатилади. Уларга манометрлар, тарозилар, микроскоплар, диспетчерлик назорати ва бошқалар киради;

♦ ҳисоблаш техникаси маълумотларни электрон ҳисоблаш машиналарида қайта ишлайдиган воситалардир. Уларга компьютерлар, принтерлар ва бошқа компьютер воситалари киради;

♦ бошқа машина ва жиҳозларга юқорида санаб ўтилмаган машина ва жиҳозлар (ўт ўчириш ва бошқа махсус машиналар) киради.

Транспорт воситалари кишилар ҳамда юк ва турли мақсадлардаги нарсаларни ташишга мўлжалланган ҳаракат воситалари (темир йўл, сув, автомобиль, коммунал транспорти ва муҳим нефть қувур йўллари)дир.

Асбоб ва ускуналар қўл меҳнати жараёнида ишлатиладиган ёки иш қисмларини кучайтириш, ошириш учун машинага бириктириладиган воситалар (электродреллар, вибраторлар)дир.

Ишлаб чиқариш инвентарлари ишлаб чиқариш жараёнини енгиллаштиришда ишлатилади. Уларнинг таркибига бак, контейнер, инвентарь идишлари киради.

Хўжалик инвентари идора (офис) ишларини ва хўжаликни юритишда зарур бўлган меҳнат воситаларидир.

Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор чорва ҳар бир етилган мол (от, ҳўкиз, сигир)лар бўлиб, алоҳида инвентарь объекти сифатида ҳисобда акс эттирилади.

Кўп йиллик дарахтлар алоҳида хиёбон, парк, боғдаги миқдори ва ёшидан қатъий назар экилган дарахтлар гуруҳидир.

Бошқа асосий воситаларга кутубхона воситалари, ижарага олинган асосий воситалар, консервациядаги асосий воситалар ва бошқалар киради.

"Асосий воситалар" номли 5-сон БҲМАга биноан асосий воситалар қуйидаги баҳоларда баҳоланади:

- Дастлабки қиймат;
- Сотиш қиймати;
- Тугатиш қиймати;
- Қолдиқ қиймати;
- Ўрнини қоплаш қиймати.

Дастлабки қиймат — активни харид қилишда ҳақиқатда тўланган пул маблағлари ёки уни барпо этишда амалга оширилган ҳақиқий харажатлардир. Харид қилишнинг ҳақиқий қиймати асосий воситани харид қилиш ва уни ишлатиш учун тайёр ҳолга келтиришда қилинган барча харажатларни, яъни: харид нархи, юридик йиғимлар ва бошқа харажатларни ўз ичига олади. Ташкилот текинга олган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати эксперт йўли билан бозор нархида баҳоланган қиймат бўйича тан олинади. Текинга олинган асосий воситани кирим қилинган санада амал қилган нарх асосида жорий бозор қиймати шакллантирилади. Амалдаги нарх тўғрисидаги маълумотлар ҳам ҳужжатлар ва эксперт йўли билан тасдиқланиши керак.

Сотиш қиймати асосий воситаларни битим пайтида манфаатдор тарафлар ўртасида айирбошлаш мумкин бўлган суммадир.

Тугатилиш қиймати чиқиб кетишга доир кутилаётган харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда активнинг фойдали хизмати натижасида уни тугатиш пайтида пайдо бўладиган активларнинг тахмин қилинаётган қийматидир.

Қолдиқ қиймати актив ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириладиган жамғарилган амортизацияни чиқариб ташланган ҳолда асосий воситаларнинг дастлабки ёки жорий қийматидир.

Ўрнини қоплаш қиймати корхона активдан кейинчалик фойдаланиш ҳисобига қоплашни мўлжаллаётган сумма, шу жумладан тугатилиш қиймати.

Асосий восита пулга харид қилинса, унинг қиймати контрактда иккиламчи бозорда фаол ишлаётган шу сингари активда аниқланган бозор нархи бўйича кўрсатилиши мумкин.

Асосий воситани хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан яратилган ва уни яратиш чиқимларини аниқ белгилаш мумкин бўлган ҳолларда асосий восита ҳақиқий таннарх бўйича акс эттирилади.

Баъзи вақтларда асосий воситаларни қайта баҳолашга эҳтиёж туғилади. Асосий воситаларни қайта баҳолаганда асосий воситанинг бутун занжири қайта баҳоланиши керак. Қайта баҳолаш натижасида асосий воситанинг баланс қиймати кўпайган ҳолда ушбу кўпайиш аввалги баҳодан ошадиган суммада 8510—"Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" ҳисобварағининг кредитида акс эттирилиши лозим. Қайта баҳолаш натижасида асосий воситанинг баланс қиймати камайган бўлса, бу камайиш аввалги баҳодан ошадиган суммада харажат сифатида тан олинади.

7.3. Асосий воситалар ҳаракатини ҳужжатлаштириш

Корхонанинг асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

АВ-1 шакли. Асосий воситаларни қабул-топшириш далолатномаси. Далолатнома ҳар бир объект учун ёзилиб, бухгалтерияга берилади ва асосий воситани ҳисобга олиш инвентар карточкаларига ёзиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

АВ-2 шакли. Таъмир қилинган, тикланган ва такомиллаштирилган объектларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси.

АВ-3 шакли. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида далолатнома.

АВ-4 шакли. Автотранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш далолатномаси.

АВ-6 шакли. Асосий воситаларни ҳисобга олиш инвентар карточкаси. Асосий воситаларни қабул-топшириш далолатномалари ва ушбу объект техник ҳужжатлари асосида ҳар бир объектга инвентар карточкаси очилади.

АВ-7 шакли. Асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича инвентар карточкалари рўйхати.

АВ-8 шакли. Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси. Туркум гуруҳлари бўйича асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш учун қўлланилади. Карточка маълумотлари асосида асосий воситалар ҳаракати ҳақидаги ҳисобот тўлғазилади.

АВ-9 шакли. Асосий воситалар инвентар рўйхати.

Асосий воситалар корхонага келиб тушганда раҳбар тайинлаган комиссия ҳар бир объект бўйича алоҳида қабул қилиш-топшириш далолатномаси (юкхат)ни расмийлаштириши лозим (АВ-1 шакли).

Далолатномада объект тавсифи, турган жойи, сотиб олинган манбаи, чиқарилган ёки қурилган йили, ишга туширилган сана, объектнинг синов натижалари, унинг техник шартларга мувофиқлиги ва бошқалар кўрсатилиши лозим.

Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш умумий далолатномаси билан бир турдаги ва нархи бир хил хўжалик инвентарлари, асбоблар, станоклар олинганлигини расмийлаштириш мумкин. Қабул қилиш-топшириш далолатномасига паспортлар, ишлатиш тартиби, йўриқномалар илова қилинади.

Ҳисобга қабул қилинган асосий воситалар ҳар бир объектига инвентар рақами (сони) берилади, масалан 001 дан 099 гача инвентар рақамлари биноларга, 100 дан 199 гача иншоотларга, 100 дан 299 га қадар бўлган рақамлар узатиш қурилмаларига берилади ва ҳоказо. Берилган инвентар рақами асосий воситалар объектига металл жетонни қоқиб қўйиш, бўёқ билан белги

қўйиш ва бошқа усулларда белгилаб қўйилади. Бу белги объект фойдаланишда бўлган жами давр учун сақланади ва бухгалтерия ҳисобининг барча бошланғич ҳужжатлари ҳамда регистрларида кўрсатилади. Объект чиқим қилинганда унинг инвентар рақами янги киритм қилинган асосий воситаларга берилмайди.

Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси илова ҳужжатлар билан бирга корхона бухгалтериясига топширилади. Бухгалтерия далолатнома асосида белгиланган намунадаги инвентар варақаси очади (АВ-6 шакли). Бу варақада объект ҳақидаги барча маълумотлар қайд этилади (дастлабки ёки тикланиш қиймати, амортизация ажратмалари меъёри, киритм қилинган пайтдаги эскириш даражаси). Сўнгра инвентар варақалари асосий воситаларнинг гасниф гуруҳлари бўйича махсус рўйхат тузилади (АВ-7 шакли).

Рўйхатда қайд қилинган варақалар асосий воситалар картотекасида тармоқ гасниф гуруҳларига, гуруҳ ичида эса турган жойи, фойдаланиш жойи ва турлари бўйича гуруҳланган тартибда сақланади.

Ҳаракатсиз асосий воситалар объектлари варақалари алоҳида гуруҳланади. Асосий воситаларнинг чиқими далолатнома билан расмийлаштирилади ва бу ҳақда инвентар варақасига қайд қилинади, сўнгра варақа картотекадан олиб қўйилади.

Қайта баҳоланган асосий воситалар объектлари тикланиш қиймати бўйича варақанинг "таъмирлаш, модернизациялаш" бўлимига ёзилади.

Қайта баҳолаш чоғида белгиланган эскириш суммаси варақанинг тегишли бўлимида кўрсатилади.

Асосий воситалар ишлатиладиган жойларда (корхона цехлари, участкалари, бўлимлари) ҳисоб асосий воситаларнинг инвентар рўйхати бўйича олиб борилади (АВ-9 шакли). Бунда ҳамма моддий жавобгар шахслар билан белгиланган намунада ва икки нусхада моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади. Шартноманинг бир нусхаси ҳар бир моддий жавобгар шахснинг бухгалтерия (шахсий) делоси (ҳужжатлари мажмуи)да, иккинчи нусхаси шу ходимларнинг ўзида сақланади.

Ҳамма моддий жавобгар шахслар асосий воситаларни ўз жавобгарлигига олганини инвентаризация

рўйхатига имзо қўйиб тасдиқлаб беради, асосий воситаларнинг кейинги тушумларида эса бирламчи ҳужжатларга имзо қўяди. Асосий воситаларнинг ҳар қандай кўчиши (бошқага бериш, тугатиш ва бошқалар) моддий жавобгар шахсларнинг иштирокида расмийлаштирилади.

Олинган, ҳисобдан чиқарилган корхона ичида жойи ўзгартирилган (кўчирилган) асосий воситаларнинг инвентар варақалари тегишли қайдлар ўтказилганидан кейин ой охиригача жой-жойига қўймай, алоҳида сақланади. Чунки ҳар ойда шу варақалар асосида асосий воситалар амортизацияси (эскириш) ҳисоб-китоблари тузилади, уларнинг ҳар бир тури бўйича кирим, чиқим оборотлари жамланади ва асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш варақаси тўлдирилади.

Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш варақаси (АВ-8 шакли) жорий йил учун январь ойи бошида очилади. Варақада дастлаб асосий воситаларнинг борлиги, турлари бўйича маълумот 1 январь ҳолатига кўрсатилади, сўнгра ҳар ойда ой давомидаги оборотлар ёзувидан кейин кейинги ойнинг 1 кунидаги ҳолат бўйича асосий воситаларнинг мавжудлиги қайд этилади. Шу маълумотлар асосида асосий воситалар ҳаракатининг оборот рўйхати (қайднома) тузилади. Унинг якунлари асосий дафтардаги якунлар билан солиштирилиб чиқилади ва шу асосда корхонанинг асосий воситалари мавжудлиги ҳамда уларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот тузилади.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши АВ-1 ва АВ-3 шаклларидаги далолатнома билан расмийлаштирилади.

Бу шаклларда чиқим қилинадиган объектларнинг дастлабки қиймати ва эскириш суммаси қайд этилади. Инвентар варақаси картотекадан олиниб, далолатномага илова қилинади. Асосий воситаларнинг турган ўрни бўйича инвентар рўйхатида тегишли қайдлар қилинади.

7.4. Асосий воситалар киримини ҳисобга олиш

Асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳисобварақлар очилган:

0110—"Ер";

0111—"Ерни ободонлаштириш";

0112—"Молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ўзлаштириш";
0120—"Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар";
0130—"Машина ва жиҳозлар";
0140—"Мебель ва офис жиҳозлари";
0150—"Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси";
0160—"Транспорт воситалари";
0170—"Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор ҳайвонлар";
0180—"Кўп йиллик экинлар";
0190—"Бошқа асосий воситалар";
0199—"Консервация қилинган асосий воситалар".

Ушбу ҳисобварақлар актив бўлиб, уларнинг дебет томонидаги сальдо корхонада мавжуд асосий воситаларнинг дастлабки қийматини акс эттиради. Асосий восита объектларининг кўпайиши ҳисобварақларнинг дебет томонида, камайиши эса кредит томонида акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг кирим қилиниши қуйидаги кўринишларда бўлади:

- Корхона томонидан яратилиши;
- Бошқа корхоналардан сотиб олиш;
- Текинга олиш;
- Асосий воситаларни муассислар томонидан корхонанинг устав капиталига уларнинг улуши тарзида ёки акцияларнинг ҳақини тўлаш ҳисобига киритиш.

Асосий воситалар корхонага қабул қилинаётганда махсус тузилган комиссия томонидан асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузиш билан расмийлаштирилади. Ушбу далолатномада асосий воситаларнинг дастлабки баҳоси, эскириш суммаси, қабул қилинаётган воситанинг қисқача тавсифи, комиссия аъзоларининг исми-шарифи, моддий жавобгар шахс томонидан қабул қилиниши кўрсатилади. Бунда ушбу далолатномага таърифловчи техник ва бошқа ҳужжатлар илова қилинади, далолатнома эса корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси тасдиқлангандан сўнг корхона бухгалтериясига берилади, шу далолатнома асосида ҳар бир объектга инвентарь варақаси очилади.

Тегишли шартномалар асосида корхона мутахассислари ва четдан жалб этилган мутахассислар кучи билан барпо этилган асосий воситалар объектлари 0810-"Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварағининг кредити билан корреспонденцияда 0110—0190-ҳисобварақлар дебети бўйича ҳақиқий таннархига қараб асосий воситалар сифатида кирим қилинади.

Корхонанинг ўз кучи билан қурилган асосий воситалар объектларининг баланс қийматига ўсиб борувчи якун билан барча бевосита харажатлар: материал, ишчи кучи ва бошқа харажатлар, шунингдек қурилиш жараёнига бевосита дахлдор бўлган қўшимча харажатлар киритилади.

Ўсиб борувчи якун билан ҳисобланган харажатлар қурилиш давомида 0810—"Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварағида акс эттирилади. Қурилиш тугаллангунига қадар бино 0120—"Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар" ҳисобварағида ҳисобга олинмайди, чунки у ҳали фойдаланишга топширилмаган. Қурилиш тугалланганидан кейин ва фойдаланишга топширилганида 0810-ҳисобварақда жамланган барча харажатлар суммаси 0120—"Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар" ҳисобварағига ўтказилади ҳамда кейинги ойдан бошлаб ундан амортизация ҳисобланиши лозим.

Мисол. "Бобур" ҳиссадорлик жамияти цех биносини ўз кучи билан қуриб, фойдаланишга топширди. Қурилишга сарфланган жами харажат 92179000 сўмни ташкил қилди. Ушбу муомалага ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 0120—"Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар" — 92179000 сўм

К-т 0810—"Тугалланмаган қурилиш" — 92179000 сўм.

Бошқа корхона ва шахслардан сотиб олинган асосий воситаларни 0820—"Асосий воситаларни сотиб олиш", 0840—"Асосий подани шакллантириш", 0890—"Бошқа капитал қўйилмалар" ҳисобварақларининг кредити билан корреспонденцияда 0110—0190-ҳисобварақлар дебети бўйича кирим қилинади.

Мисол. "Бобур" ҳиссадорлик жамияти янги ишлаб чиқариш фаолияти учун бино сотиб олди, унинг харид қиймати — 2000000 сўм, брокер хизмати учун 20000 сўм ҳамда

юрист хизматига 15000 сўм тўлаган, ҳужжатларни расмийлаштиришга 25000 сўм харажат қилинган. Ушбу муомалага ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

♦ Бино харид қилинди:

Д-т 0820—"Асосий воситаларни сотиб олиш" — 2060000 сўм

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 2060000 сўм;

♦ бино балансга қабул қилинди:

Д-т 0120—"Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар" — 2060000 сўм;

К-т 0820—"Асосий воситаларни сотиб олиш" — 2060000 сўм.

Фойдаланишга қабул қилинган асосий воситалар бўйича ҚҚС уларнинг дастлабки қийматини кўпайтиради ҳамда эскириш қийматини оширган ҳолда, корхона харажатларига секин-аста ўтказилади.

Бошқа корхона ёки жисмоний шахслардан текинга, шунингдек, ҳукумат органларининг субсидияси сифатида олинган асосий воситалар 8530—"Текинга олинган мол-мулк" ҳисобварағи билан корреспонденцияда 0110—0190-ҳисобварақлар дебети бўйича кирим қилинган санада эксперт йўли билан, бозор қиймати бўйича белгиланган баҳода акс эттирилади.

Мисол. Транспорт воситаси бепул олинди. Ушбу муомалага ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 0160—"Транспорт воситалари";

К-т 8530—"Текинга олинган мол-мулк".

Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, бепул олинган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати (идора ичида бериладиганидан ташқари) фойда (даромад) солиғини ҳисоблаш базасига киритилади ва ундан солиқ ундирилади.

Таъсисчилар устав капиталига улуш сифатида киритган ёки акциялар ҳақини тўлаш ҳисобига берган асосий воситаларни кирим қилиш 4610—"Муассисларнинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзлари" ҳисобварағи кредити ҳамда 0110—0190-ҳисобварақлар дебетида акс эттирилади.

Мисол. Компаниянинг муассисларидан бири устав капиталини шакллантириш бўйича қарзини транспорт воситасини қўшиш йўли билан узди. Қиймати — 2000000 сўм. Ушбу муомалага ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 0160—"Транспорт воситалари" — 2000000 сўм;

К-т 4610—"Муассислар қарзлари" — 2000000 сўм.

7.5. Асосий воситалар амортизацияси (эскириши) ҳисоби

Амортизация асосий воситанинг фойдали хизмат муддати давомида амортизация қийматини мунтазам равишда тақсимлаш ва кўчириш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодасидир. Асосий воситанинг амортизация қиймати тахмин қилинаётган тугатилиш қийматини чиқариб ташлаган ҳолда активнинг дастлабки қиймати ёки молиявий ҳисоботларда кўрсатилган қиймат ўрнини босадиган бошқа қийматнинг суммасидир.

Асосий воситанинг эскириши билан амортизация ўртасида мустаҳкам алоқа бор. Бироқ улар бир хил тушунчалар эмас. Эскириш асосий воситаларидан фойдаланиш вақтида уларнинг техник ишлаб чиқариш хоссаларини аста-секин йўқотиш жараёнини акс эттиради.

Амортизация анча мураккаб жараён бўлиб, истеъмол қилинган асосий воситалар қийматини уларнинг эскиришига мувофиқ равишда маҳсулот таннархига, давр харажатларига ўтказиш, истеъмол қилинган асосий воситаларнинг ўрнини қоплаш мақсадида пул фондини жамғариш жараёнини акс эттиради. Демак, эскириш амортизациянинг дастлабки шарт-шароитидир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 23-моддасига биноан асосий воситаларнинг амортизация нормалари қуйидагича белгиланган:

Асосий воситалар гуруҳлари	Амортизация нормаси
1. Енгил автомобиллар, такси, йўлларда фойдаланиладиган автотрактор техникаси, махсус асбоб-ускуна, инвентарь ва жиҳозлар, компьютерлар, периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	20 фоиз
2. Юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар ва автотиркамалар, саноатнинг барча тармоқлари, металл қуйиш корхонаси учун машиналар ва ускуналар, темирчилик-пресслаш ускуналари, қурилиш ускуналари, қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари, офис учун мебель	15 фоиз

3. Темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти воситалари, куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар: иссиқлик-техника ускуналари, турбина ускуналари, электр двигателлари ва дизель генераторлар, электр узатиш ва алоқа қурилмалари, трубопроводлар	8 фоиз
4. Бинолар, иншоотлар ва иморатлар	5 фоиз
5. Бошқа гуруҳларга киритилмаган, амортизация қилинадиган активлар	10 фоиз

Асосий воситаларга эскириш ҳисоблашда "Асосий воситалар" номли 5-сон БҲМАга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига амал қилиш лозим.

Қуйидаги асосий воситаларга амортизация ҳисобланмайди:

- Ер;
- Маҳсулдор ҳайвонлар, буқа ва ҳўкизлар;
- Кутубхона фонди;
- Бюджет ташкилотлари, шу жумладан, илмий-тадқиқот, конструкторлик ва технологик ташкилотларнинг воситалари;
- Белгиланган тартибда консервацияга ўтказилган асосий воситалар;
- Тўлиқ амортизацияланган асосий воситалар.

Узоқ муддатли ижара ҳолларида ижарага олинган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларини ижарага олувчи ўтказади. Қисқа муддатли ижарада амортизация ажратмаларини ижарага берувчи ҳисоблайди.

Амортизацияланувчи қиймат мунтазам равишда асосий воситани фойдали ишлатишнинг бутун даврига тақсимланади. Амортизация турли хил усулларни қўллаш йўли билан амалга оширилади:

Тўғри чизиқли усул асосий воситани фойдали ишлатишнинг бутун даври мобайнида эскиришнинг доимий суммаларини ҳисоблаб ёзишдан иборат.

Камайиб борувчи қолдиқ усули бўйича мунтазам ҳисоблаб ёзилаётган суммалар фойдали ишлатиш муддати давомида камаяди.

Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаб ёзиш усулига биноан амортизация миқдори фақат асосий восита қанча марта ишлатилишига ёки қанча маҳсулот бирлиги ишлаб чиқарилиши кутилаётганига боғлиқ бўлади.

Кумулятив усулда амортизация суммаси ҳисоблаш коэффициентининг маҳражи бўлган объектнинг хизмат муддати йиғиндиси билан аниқланади. Бу коэффициентнинг суратида объектнинг хизмат муддати охиригача қоладиган йиллар сони тескари тартибда кўрсатилади.

Амортизацияни ҳисоблашда унинг тугатилиш қийматига эътибор бериш лозим. Агар бошқа суммани ишончли тарзда ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлмаса, асосий воситанинг қолдиқ қиймати нолга тенг бўлади.

Тўғри чизиқли усулда амортизация ҳисоблаш. Тўғри чизиқли усул деб тугатилган қиймати айрилган асосий воситалар объекти қийматини даврлар бўйича фойдаланиш муддати давомида тенг нисбатда ҳисоблаш усулига айтилади. Амортизация суммаси амортизацияланаётган қийматни (тугатиш қиймати айрилган объектнинг дастлабки қийматини) кўзда тутилган фойдаланиш даврлари сонига бўлиш йўли билан топилади:

$$\text{Йиллик амортизация суммаси} = \frac{\text{(дастлабки қиймати—тугатиш қиймати)}}{\text{хизмат қилиш муддати.}}$$

Мисол. "Бобур" ҳиссадорлик жамиятида асосий воситага эскириш ҳисоблаш бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд;

♦ Асосий воситанинг баланс қиймати — 50000 минг сўм;

♦ Тугатилиш қиймати — 2000 минг сўм;

♦ Хизмат муддати — 5 йил.

Йиллик амортизация суммаси = (50000 — 2000)/5= 9600 минг сўм.

Амортизацияни тўғри чизиқли усулда ҳисоблаш жадвали

Йиллар	Баланс қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	
1-йил	50000	9600	9600	40400
2-йил	50000	9600	19200	30800
3-йил	50000	9600	28800	21200
4-йил	50000	9600	38400	11600
5-йил	50000	9600	48000	2000

Амортизацияни тўғри чизиқли усулда ҳисоблашда унинг суммаси фойдаланиш муддати давомида бир хил бўлади, жамғарилган эскириш бир текисда ошиб боради, қолдиқ қиймати эса, баҳоланган тугатиш қийматига етгунча бир текисда камайиб боради.

Бажарилган иш ҳажмига кўра амортизация ҳисоблаш. Бажарилган иш ҳажмига нисбатан амортизацияни ҳисоблаш усули асосий воситаларнинг ҳар ҳисобот йилида бажарган ишининг ҳисобига асосланган. Мазкур усул билан эскиришнинг ҳар йилги қийматини ҳисоблаш учун жами фойдаланиш муддати давомида умумий баҳоланган ишлаб чиқаришни ҳамда ҳар бир аниқ йилдаги ишлаб чиқаришни олдиндан аниқлаш лозим. Ишлаб чиқариш сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулот, ишланган соатлар миқдори ва ҳоказолар олиниши мумкин.

Корхонада шу давр мобайнида 480000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 1-йилда — 80000, 2-йилда — 120000, 3-йилда — 100000, 4-йилда — 80000, 5-йилда — 100000 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳсулот бирлигига кетган амортизация харажатлари қуйидагига тенг:

(50000 — 2000)/480000 = 0,1 ҳар бир сўмлик маҳсулот учун.

Бажарилган иш ҳажмига кўра амортизация ҳисоблаш жадвали

	Баланс	Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	
1-йил	50000	80000	8000	8000	42000

2-йил	50000	120000	12000	20000	30000
3-йил	50000	100000	10000	30000	20000
4-йил	50000	80000	8000	38000	12000
5-йил	50000	100000	10000	48000	2000

Бажарилган *иш ҳажмига кўра амортизация* ҳисоблаш усули объектлардан фойдаланиш муддати, уларнинг тузилиш хусусиятлари билан чекланган ҳамда мазкур активларнинг хўжалик фаолияти ҳажми йилма-йил ўзгарган ҳолларда қўлланилади.

Жадаллаштирилган (тезкор) усуллар. Қолдиқли камайиш ҳамда кумулятив усуллар тезкор усуллар бўлиб ҳисобланади. Тезкор усуллар моҳияти шундаки, асосий воситалардан фойдалана бошлаганда ҳисобланган амортизация суммаси объект хизмат муддатининг якунида ҳисобланган амортизация суммасидан анча юқори бўлади. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган асосий воситаларнинг кўпгина турлари фойдаланишнинг дастлабки йилларида анча самарали хизмат қилиши ҳамда юқори ишлаб чиқариш хусусиятига эгалигидан келиб чиқиб, бу усулдан фойдаланилади. Бу эса, агар уларнинг фойдалилиги ва ишлаб чиқариш хусусияти кейинги йилларда анча юқори бўлса, у ҳолда асосий воситалардан фойдалана бошлаганда эскиришнинг катта қисмини ҳисобдан чиқариш амалга ошириладиган мувофиқлик қоидасига жавоб беради.

Тезкор усуллар, хусусан, технологиялар такомиллаштирилиши туфайли кўп турдаги ускуналар ўз қийматини йўқотиши (маънавий эскириши) билан ҳам тушунтирилади. Шундай қилиб, эскиришнинг катта суммасини келгусида эмас, балки жорий ҳисобот даврида ҳисобдан чиқариш тўғрироқ бўлади.

Янги кашфиётлар ва материаллар илгари харид қилинган ускунанинг маънавий эскиришига олиб келади ва уни жисмоний эскиришдан анча олдинроқ алмаштириш заруратини юзага келтиради. Тезкор усулларнинг яна бир афзаллиги шундаки, таъмирлаш бўйича харажатлар, одатда, объектдан фойдаланиш муддатининг бошидагига нисбатан охирида кўпроқ бўлиши ҳисобланади. Бу эса таъмирлаш харажатларининг умумий суммаси ва амортизация ажратмалари бир неча

йиллар давомида амалда доимий бўлиб қолишига олиб келади. Натижада асосий воситалар объектларининг фойдалилиги кўп йиллар давомида бир хиллигича қолади.

Иккала тезкор усулда ҳам дастлабки йилларда ҳисобланган амортизация суммалари анча юқори бўлади, бажарилган ишлар ҳажмига пропорционал равишда эскириш суммасини ҳисоблаш усули эса амортизация ҳажмининг йилдан-йилга кескин ўзгариб туриши туфайли амортизация ўзгаришининг аниқ тамойили ҳақида тасаввур бера олмайди. Ҳар йили амортизациянинг кескин ўзгариши асосий воситаларнинг қолдиқ қийматида ҳам ўз аксини топади. Тўғри чизиқли усулда эса қолдиқ қиймат миқдори тезкор усуллардаги қолдиқ қийматга нисбатан ҳар доим анча юқори бўлади.

Асосий воситаларнинг ҳар хил турларига амортизациянинг турли усуллари қўлланилишига рухсат этилганлигини, бироқ бунда бир турдаги асосий восита учун фақатгина битта усул қўлланилиши мумкинлигини назарда тутиш лозим.

Солиққа тортиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига биноан амортизация меъёрлари қўлланилиши лозим. Корхонанинг ҳисоб сиёсатига кўра ҳисобланган амортизация билан Солиқ Кодексига мувофиқ ҳисобланадиган амортизация ўртасидаги фарқ вақтинчалик фарқ дейилади, у вақтинчалик фарқлар ҳисобининг солиқ самараси ёрдамида ҳисобда акс эттирилади.

Мисол. "Бобур" компаниясида фаолиятнинг дастлабки йилида солиқ тўлангунга қадар бўлган фойда 250 минг сўмни ташкил этган. Бунда ҳисоб фойдаси ва солиққа тортиладиган фойда ўртасида фарқ мавжуд, ҳисоб сиёсатига мувофиқ ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган амортизация 130 минг сўмни, солиққа тортиш мақсадлари учун амортизация эса (тўғри чизиқли усулда) — 100 минг сўмни ташкил қилганлигидан юзага келади. Бу айнан вақтинчалик фарқ бўлиб, солиққа тортиладиган фойда уни ҳисобга олганда 250000+(130000—100000)=280000 сўмга тенг. Фойда солиғининг 20%лик ставкаси бўйича ҳисобланган фойда солиғи (250000×20%)=50000 сўмни ташкил этади, лекин бюджетга (280000×20%)=56000 сўм тўлаш керак бўлади, бу икки миқдор ўртасидаги фарқ вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган фойда солиғи ҳисобланади ва у қайси ҳисобот

даврида сўндирилишига қараб боғлиқ равишда 0930 ёки 3210-ҳисобварақларида акс эттирилади.

Ушбу муомалалар бўйича қуйидагича проводкалар берилади:

Д-т 9810—"Фойда солиғи бўйича харажатлар" — 50000 сўм;

Д-т 0950, 3210—"Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад солиғи" — 6000 сўм;

К-т 6410—"Фойда солиғи бўйича бюджетга қарзлар" — 56000 сўм.

Корхонанинг ҳисоб сиёсатига мувофиқ ҳисобланган амортизация Солиқ Кодекси бўйича амортизациядан юқори бўлган ҳолатда мазкур фарқ суммасига солиқ бўйича муддати узайтирилган қарз юзага келади. Юқорида келтирилган мисолнинг аксини кўриб чиқамиз, бунда ҳисоб фойдаси 280000 сўмни, солиққа тортиладиган фойда эса — 250000 сўмни ташкил қилган.

Бухгалтерия ёзуви қуйидагича бўлади:

Д-т 9810—"Фойда солиғи бўйича харажатлар" — 56000 сўм;

К-т 6410—"Фойда солиғи бўйича бюджетга қарзлар" — 50000 сўм;

К-т 6250, 7250—"Солиқларга оид вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар" — 6000 сўм.

Қолдиқли камайиш усулида амортизация ҳисоблаш. Камайиб борувчи қолдиқ усули активдан фойдаланиш муддатида амортизация суммасининг доимо камайиб боришини ифодалайди. Ушбу усулда эскириш меъёри асосий воситаларнинг қолдиқ қийматига кўпайтирилади. Одатда, бу усулда амортизация меъёри икки ҳисса қилиб олинади.

Қолдиқли камайиш усулида амортизация ҳисоблаш жадвали

Йиллар	Баланс қиймати	ортиза-си	Жа ил-ган рти-за	Қолдиқ қиймати
1-йил	50000	(40%×50000)=20000	20000	30000
2-йил	50000	(40%×30000)=12000	32000	18000
3-йил	50000	(40%×18000)=7200	39200	10800
4-йил	50000	(40%×10800)=4320	43520	6480
5-йил	50000	4480	48000	2000

Кумулятив усулда амортизация ҳисоблаш. Кумулятив усул (йиллар йиғиндиси усули)да ҳар йилги амортизация меъёри амортизация муддати якунига қадар қолган амортизацияланаётган қийматнинг бўлаги сифатида белгиланади. Бўлак амортизация ҳисобининг тугагунича қолган тўлиқ йиллар йиғиндисини амортизация муддатини белгилайдиган йилларнинг тартиб сонига бўлиб аниқланади.

5 йил фойдаланиш муддатига мўлжалланган асосий воситалар учун йиллик рақамлар йиғиндиси қуйидагича бўлади:

$$5+4+3+2+1=15 \text{ йил.}$$

Кумулятив усулда амортизация ҳисоблаш жадвали

Йиллар	Баланс қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдиқ қиймати
1-йил	50000	(5/15×48000)=16000	16000	34000
2-йил	50000	(4/15×48000)=12800	28800	21200
3-йил	50000	(3/15×48000)=9600	38400	11600
4-йил	50000	(2/15×48000)=6400	44800	5200
5-йил	50000	(1/15×48000)=3200	48000	2000

Жадвалларлан кўриниб турибдики, амортизация ҳисоблашнинг охирги икки усулида асосий воситалардан фойдаланиш муддатининг бошида ҳисобланган амортизация ажратмалари объект хизмат муддатининг охирида ҳисобланган амортизация қийматидан ортиқ бўлади.

Ушбу усуллар ишлаб чиқаришга тааллуқли асосий воситаларни ҳисоблаш учун қўлланилади, чунки мазкур воситалардан фойдаланишнинг биринчи йилларида самаралироқ фойдаланилади ва таъмирлашга харажатлар унчалик кўп бўлмайди. Кейинги йилларда амортизация харажатлари камаяди, таъмирлаш харажатлари эса одатда ошиб боради.

Асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари улар ҳисоблаб ўтказилган ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирилади. Асосий воситаларнинг айрим объектлари бўйича ажратмалар

тегишли суммаларни жамғариш йўли билан ёки объектларнинг дастлабки қийматини камайтириш йўли бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар режасида қуйидаги ҳисобварақлар очилган:

0211—"Ерни ободонлаштиришнинг эскириши";

0212—"Молиявий лизинг шартномаси бўйича олиниб ўзлаштирилган асосий воситаларнинг эскириши";

0220—"Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламаларнинг эскириши";

0230—"Машина ва жиҳозларнинг эскириши";

0240—"Мебель ва офис жиҳозларининг эскириши";

0250—"Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши";

0260—"Транспорт воситаларининг эскириши";

0270—"Иш ҳайвонларининг эскириши";

0280—"Кўп йиллик экинларнинг эскириши";

0290—"Бошқа асосий воситаларнинг эскириши";

0299—"Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши".

Ушбу ҳисобварақларнинг кредитида асосий воситаларга ҳисобланган ва ҳисобланаётган эскириш суммалари кўрсатилади. Ҳисобварақларнинг дебетида асосий воситани ҳисобдан чиқариш пайтида унга ҳисобланган эскириш суммасининг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Асосий воситаларга эскириш ҳисобланганида, эскириш суммалари харажатларга ўтказилади. Эскириш суммаси ишлаб чиқариш харажатларига ўтказилганида қуйидагича ёзув қилинади:

Д-т Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобварақлари;

К-т Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.

Агарда эскириш давр харажатларига ўтказилса қуйидагича ёзув қилинади:

Д-т 9420—"Маъмурий-бошқарув харажатлар";

К-т Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.

7.6. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришни ҳисобга олиш

Маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизмат кўрсатиш ёхуд ташкилотни бошқариш учун фойдаланилмаётган асосий воситалар объектларининг қиймати бухгалтерия балансидан ҳисобдан чиқарилиши керак.

Қуйидаги хўжалик операциялари натижасида асосий воситалар объектларининг қиймати корхона активлари таркибидан чиқиб кетади:

- реализация қилинганида;
- бундан буён фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабларига кўра ҳисобдан чиқарилганида;
- чет корхона ва шахсларга бепул берилганида;
- бошқа корхоналарнинг устав капиталига улуш сифатида қўшилганида;
- молиявий лизинг шартномасига кўра топширилганида;
- камомад ёки йўқотиш аниқланганида.

Асосий воситалар чиқиб кетганида уларнинг дастлабки қиймати асосий воситаларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари кредитидан 9210-"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади. Асосий воситаларни четга сотишдан тушган тушум 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобварағи кредити бўйича 4890—"Бошқа шахсларнинг қарзлари-жорий қисми" ва 0990—"Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари" ҳисобварақлари дебети билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Асосий воситалар чиқиб кетганида улар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси 0210—0290-ҳисобварақлари дебетидан 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобварағи кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Тўлиқ амортизация қилинмаган асосий воситаларнинг реализация қилинишидан кўрилган фойда (зарар) реализация қилинадиган асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати, ҚҚС (фақат ҚҚС тўловчилари учун) ҳамда сотиш харажатлари ва тушумлари-

га тўғриланган, ойнинг 1-санасига ҳисобланган эскириш ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Мисол. "Бобур" ҳиссадорлик жамиятида май ойида компьютер ҳисобдан чиқарилди: баланс қиймати 120000 сўм, эскириш қиймати 30000 сўм.

Асосий воситанинг сотиш қиймати 80000 сўм. Молиявий натижани аниқлаб, муомалага қуйидагича проводка берамиз:

♦ компьютернинг сотиш қийматига:

Д-т 4890—"Бошқа шахсларнинг қарзлари-жорий қисми" — 200000 сўм;

К-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 200000 сўм.

♦ баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 120000 сўм;

К-т 0130—"Машина ва жиҳозлар" — 120000 сўм.

♦ эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 0230—"Машина ва жиҳозларнинг эскириши" — 30000 сўм;

К-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 30000 сўм.

♦ ҚҚС ҳисоблаб ёзилди. ҚҚС суммаси асосий воситаларнинг шартномавий қиймати ва қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқдан аниқланади. Солиққа тортиладиган база 200—(120—30)=110000 сўмдан иборат;

ҚҚС= 110000×20/100=22000 сўм;

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 22000 сўм;

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" — 22000 сўм.

♦ Асосий воситани сотишдан фойда олинди (200000+30000—120000—22000)=88000 сўм:

Д-т 9210-"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 88000 сўм;

К-т 9310—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетишидан фойда" — 88000 сўм.

Тўлиқ амортизация қилинган асосий воситаларни бепул беришдан кўрилган зарарлар мазкур асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати ҳамда берилган ойдан олдинги ойнинг 1-санасига ҳисоблаб ёзил-

ган ва бераётган тараф томонидан тўланадиган ҚҚС суммасига кўпайтирилган эскириш ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Мисол. Бошланғич қиймати 70000 сўм бўлган станок бошқа корхонага бепул берилган, эскириш суммаси — 30000 сўм.

Бунда асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ҚҚСга тортиш объекти бўлиб ҳисобланади, яъни 70000—30000=40000 сўм.

Ҳисоблаб ёзилган ҚҚС суммаси=40000×20/100=8000 сўм.

Асосий воситани бепул беришдан кўрилган зарар суммаси қуйидагига тенг: 70000—8000—30000=32000 сўм. Ушбу муомалаларга қуйидагича проводка берамиз:

♦ баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 70000 сўм;

К-т 0130—"Машина ва жиҳозлар" — 70000 сўм;

♦ эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 0230—"Машина ва жиҳозларнинг эскириши" — 30000 сўм;

К-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 30000 сўм.

♦ ҚҚС ҳисобланди:

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 8000 сўм;

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" — 8000 сўм.

♦ Станокни бепул беришдан зарар кўрилди (70000—8000—30000)=32000 сўм:

Д-т 9430—"Бошқа операцион харажатлар" — 32000 сўм;

К-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 32000 сўм.

Мол-мулкни бепул беришдан кўрилган зарарлар тескари ҳисоблаш йўли билан бераётган корхонада солиққа тортиладиган базага киритилади.

Асосий воситалар бошқа корхонанинг устав капиталига бадал сифатида киритилиши мумкин.

Мисол. Корхона бошқа корхонанинг устав капиталига бошланғич қиймати 350000 сўм бўлган, 500000 сўм шартнома баҳосига эга бўлган ҳамда эскириши 140000 сўм бўлган станокни улуш сифатида киритди. Ушбу муомалаларга қуйидагича проводкалар берилади:

♦ Бошланғич қийматни ҳисобдан чиқариш:

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 350000 сўм;

К-т 0130—"Машина ва жиҳозлар" — 350000 сўм.

♦ эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 0230—"Машина ва жиҳозларнинг эскириши"— 140000 сўм;

К-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 140000 сўм.

♦ шартномавий бозор баҳоси бўйича узоқ муддатли инвестициялар:

Д-т 0620—0690—"Узоқ муддатли инвестициялар" — 500000 сўм;

К-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 500000 сўм.

♦ Шартнома қийматининг баланс қийматидан ошиб кетишининг акс эттирилиши:

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 290000 сўм;

К-т 8520—"Резерв капитали" — 290000 сўм.

Устав капиталига бадал киритишда шартнома қийматининг баланс қийматидан ошиб кетиши корхона даромади бўлиб ҳисобланмайди ва солиққа тортилмайди.

Асосий воситаларни молиявий лизинг шартномасига кўра топширишда асосий воситаларни жорий қийматигача қайта баҳолаш амалга оширилиши мумкин.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати (агар топшириладиган объектдан фойдаланилмаган бўлса) ёки қолдиқ қиймати (агар топширишгача объектдан фойдаланилган бўлса) ва жорий қиймати орасидаги фарқ, улар молиявий лизинг шартномасига кўра топширилган тақдирда келгуси даврлар даромад (харажат)лари сифатида акс эттирилади. Лизинг тўлови ҳисоблаб ёзилиши давомида улар бир маромда (ҳар ойда) молиявий фаолиятдан олинган даромадга киритилади.

Мисол. Лизинг берувчи корхона бошланғич қиймати 350000 сўмлик бўлган ускунани молиявий лизинг шартномасига кўра топширади. 300000 сўмлик шартнома қиймати бўйича ҳисоблаб ёзилган эскириш 140000 сўм.

Проводкалар қуйидагича бўлади:

♦ шартнома баҳоси бўйича чиқиб кетиш ҳамда жорий ва узоқ муддатли қисмини ажратган ҳолда бутун лизинг даври учун белгиланган лизинг тўловларининг акс этиши:

Д-т 0920, 4810—"Молиявий лизинг бўйича олинадиган тўловлар" — 300000 сўм;

К-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 300000 сўм.

♦ бошлангич қийматни ҳисобдан чиқариш:

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 350000 сўм;

К-т 0130—"Машина ва ускуналар" — 350000 сўм.

♦ ҳисобланган эскиришни ҳисобдан чиқариш:

Д-т 0230—"Машина ва ускуналарнинг эскириши"— 140000 сўм;

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 140000 сўм.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши натижасини акс эттириш қуйидагича бўлади:

К-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 90000 сўм;

К-т 7230, 6230—"Муддати узайтирилган даромад"— 90000 сўм.

♦ лизинг тўловлари келиб тушганда:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти";

К-т 4810—"Лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар".

Бир вақтнинг ўзида молиявий фаолиятдан олинган даромаддан муддати узайтирилгани даромаднинг тегишли қисмини ҳисобдан чиқариш бухгалтерияда қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 6230—"Муддати узайтирилган даромад";

К-т 9550—"Молиявий лизинг шартномасига кўра мол-мулкни топширишдан олинган даромад".

7.7. Асосий воситалар таъмирини ҳисобга олиш

Асосий воситалар фойдаланиш жараёнида уларнинг физик хосса ва сифатлари йўқолиб боради. Уларни тиклаш учун корхона таъмирлаш ишларини ўтказиши мумкин.

Асосий воситалар таъмирининг икки тури мавжуд:

1. Капитал таъмир;

2. Жорий таъмир.

Бир йилдан ортиқ муддатда ўтказиладиган машина ва жиҳозлар таъмири **капитал таъмир** ҳисобланади. Бу таъмирда агрегатни қисмларга ажратиш, барча эскирган деталь қисмларни алмаштириш ёки тиклаш, йиғиш, созлаш ва синаш ишлари бажарилади.

Бино ва иншоотларни капитал таъмирлашда эскирган конструкция ва деталлар таъмирланадиган объектлардан фойдаланиш имкониятларини яхшилайдиган янгилари ёки мустаҳкамроқ ва тежамлироқлари билан алмаштирилади.

Капитал таъмирда машина ва жиҳозлар узоқ муддатга тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Жорий таъмир бир йилдан кам муддат ичида ўтказилади ҳамда машина ва жиҳозларни узоқ муддатга тўхтатиб қўйиш билан боғлиқ эмас.

Таъмир ишлари бошланишига қадар нуқсонлар қайдномаси асосида тузиладиган сметаларга мувофиқ ҳар бир объект бўйича норматив харажатлар миқдори аниқланади. Сметада таъмирнинг барча турлари учун харажатлар аниқ бир жиҳоз турини таъмирлашнинг меҳнатталаблигини тавсифлайдиган мураккаблик бирлигига тўғри келадиган нормативлар бўйича ёки уларнинг тури ҳамда режалаштирилган иш ҳажми бўйича харажатлар меъёрлари асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Корхона асосий воситаларини таъмирлаш пудрат ёки хўжалик усулида бажарилиши мумкин.

Пудрат усулида бажарилганда корхона таъмирлаш - қурилиш ташкилоти билан пудрат шартномасини тузади.

Хўжалик усулида эса таъмир ўз кучи билан амалга оширилади.

Иккала усулда ҳам таъмирлаш харажатлари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобидан қопланади. Бунинг учун эса корхонада махсус захира ташкил этилади. Захира Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги рухсати билан ташкил этилади. Захира суммаси корхонанинг ўзи мустақил белгилайдиган норматив миқдорда ҳар ойда маҳсулот таннархига ўтказилиб боради. Норматив 5 йил муддатга қатъий белгиланган суммада ёки асосий воситаларнинг дастлабки қийматига нисбатан фоизларда ишлаб чиқилиши керак.

Захира суммаси бухгалтерия ҳисобида 8910—"Келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви" ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ пассив бўлиб, у бўйича сальдо таъмир ишларида фойдаланилмаган захира суммасини акс эттиради. Дебет бўйича оборот — захирадан таъмир ишларини бажариш билан боғлиқ иш ва хизматлар ҳақини тўлашда фойдаланишни, кредит бўйича оборот эса — корхона харажатларига киритиш ҳисобига ҳар ойда яратиладиган захира суммасини тавсифлайди.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига захира ташкил этилганида бухгалтерияда қуйидагича ёзув қилинади:

Д-т — Ишлаб чиқариш харажатлар ҳисобварақлари;

К-т 8910—"Келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви".

Таъмирлаш учун харажатлар қилинса қуйидагича ёзув қилинади:

Д-т 8910—"Келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви";

К-т 2310—"Ёрдамчи ишлаб чиқариш";

К-т 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар".

7.8. Асосий воситаларни инвентаризация қилиш

Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, корхоналар ўз активлари ва мажбуриятларини инвентаризация қилишлари лозим.

Инвентаризациянинг мақсади корхона асосий воситаларининг ҳақиқатда борлигини ва сифат ҳолатини аниқлаш, техник ҳужжатлар (транспорт, тавсифнома, лойиҳалар)ни текшириш ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларини ойдинлаштиришдан иборат.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда асосий воситаларни инвентаризация қилиш "Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш" номли 19-сон БҲМА ва "Асосий воситалар" номли 5-сон БҲМАга асосланади.

"Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги Низом"га мувофиқ, асосий воситалар инвентаризацияси

бир йилда камида бир марта йиллик ҳисобот тузишдан олдин ўтказилади.

Қуйидаги ҳолларда асосий воситалар инвентаризацияси муқаррар ўтказилади:

- Асосий воситалар объектлари ижарага берилганида ёки давлат тасарруфидан чиқарилганида;
- Йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузишдан олдин;
- Моддий жавобгар шахс алмашганида;
- Ўғирлик ва суиистеъмоллик ҳоллари аниқланганида;
- Ёнғин ёки бошқа табиий офатлар юз берганида;
- Асосий воситалар қайта баҳоланганида;
- Корхона тугатилган ёки қайта ташкил этилганида.

"Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш" номли 19-сон БҲМАга асосан асосий воситалар инвентаризациясини ўтказишдан олдин қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- Инвентарь карточкалар, инвентарь варақаларнинг мавжудлиги ва ҳолатини;
- Техник паспортлар ва бошқа техник ҳужжатларнинг мажудлиги ва ҳолатини;
- Корхонага ижара асосида, сақлашга ёки вақтинча фойдаланишга қабул қилинган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳолатини.

Инвентаризацияни корхона раҳбари буйруғи билан тайинланган комиссия ўтказади. Комиссиянинг вазифаси асосий воситаларни сақлаш ва ундан тўғри фойдаланишни текширишдан иборат. Комиссия корхонага керак бўлмаган асосий воситаларни аниқлаши ҳамда улар бўйича алоҳида рўйхат тузиши керак. Инвентаризация якунлари бўйича инвентаризация рўйхати тузилади. Рўйхат моддий жавобгар шахс ва комиссия томонидан имзоланади ва бухгалтерияга топширилади.

Асосий воситаларни инвентаризация қилиш натижасида аниқланган ҳақиқий мавжуд мулк ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ўртасидаги тафовутлар қуйидагича акс эттирилади:

Масалан, "Бобур" ҳиссадорлик жамиятида ҳисобот йилида бошланғич қиймати 240000 сўмлик жиҳоз камомади аниқланди. Жиҳозга ҳисобланган эскириш 160000 сўм. Жиҳоз

айбдор шахс топилмаганлиги сабабли давр харажатларига ўтказилди. Ушбу муомалаларга ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

♦ Бошланғич қийматни ҳисобдан чиқариш:

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 240000 сўм;

К-т 0130—"Машина ва жиҳозлар" — 240000 сўм.

♦ эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 0230—"Машина ва жиҳозлар эскириши" — 160000 сўм;

К-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 160000 сўм.

♦ камомад суммаси қимматликларнинг меъёрдан ортиқча табиий йўқолишидан кўрилган талофатларни ҳисобга олиш ҳисобварағига ўтказилди (240000—160000)=80000 сўм;

Д-т 5910—"Камомадлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар" — 80000 сўм;

К-т 9210-"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 80000 сўм.

♦ Агарда айбдор шахс аниқланмаса камомад суммаси давр харажатлари таркибида акс эттирилади — 80000 сўм:

Д-т 9430—"Бошқа операцион харажатлар" — 80000 сўм;

К-т 5910—"Камомадлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар" — 80000 сўм.

Агарда асосий воситалар камомади бўйича айбдор шахс аниқланса, камомад суммаси айбдор шахсдан ундирилади.

Масалан, "Бобур" ҳиссадорлик жамиятида ҳисобот йилида бошланғич қиймати 50000 сўмлик жиҳоз камомади аниқланди. Жиҳозга ҳисобланган эскириш 23000 сўм. Жиҳоз қиймати айбдор шахсдан икки ҳисса қилиб ундирилди. Ушбу муомалаларга ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

♦ Бошланғич қийматни ҳисобдан чиқариш:

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 50000 сўм;

К-т 0130—"Машина ва жиҳозлар" — 50000 сўм.

♦ эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 0230—"Машина ва жиҳозлар эскириши" — 23000 сўм;

К-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 23000 сўм.

♦ Камомад суммаси қимматликларнинг меъёрдан ортиқча табиий йўқолишидан кўрилган талофатларни ҳисобга олиш ҳисобварағига ўтказилди — 27000 сўм;

Д-т 5910—"Камомадлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар" — 27000 сўм;

К-т 9210—"Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 27000 сўм.

♦ камомад суммаси икки ҳисса қилиб ундириш асосида моддий жавобгар шахс зиммасига ўтказилди (50000—23000)×2=54000 сўм;

Д-т 4730—"Етказилган моддий зарарни қоплашда ходимларнинг қарзи" — 54000 сўм;

К-т 5910—"Камомадлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар" — 27000 сўм;

К-т 9310—"Ундирилган жарима, боқиманда ва бурдсизликлар" — 27000 сўм.

Асосий воситаларни инвентаризация қилиш натижасида ортиқча мол-мулк мавжудлиги аниқланса, у молиявий натижаларга кирим қилинади:

Д-т Асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари;

К-т 9390—"Бошқа операцион даромадлар".

Такрорлаш учун саволлар

1. Асосий воситалар деб нимага айтилади?
2. Асосий воситалар иқтисодий моҳиятига кўра қандай туркумланади?
3. Асосий воситалар қандай баҳоларда баҳоланади?
4. Асосий воситалар ҳаракати қайси ҳужжатларда расмийлаштирилади?
5. Асосий воситалар ҳисобини юритишда қайси ҳисобварақлар қўлланилади?
6. Амортизация деб нимага айтилади?
7. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг қандай усуллари мавжуд?
8. Жадаллаштирилган усуллар бўйича амортизация ҳисоблашнинг солиққа тортишга таъсири нималардан иборат?
9. Асосий воситаларни таъмир қилишнинг қандай усуллари мавжуд?
10. Асосий воситаларни инвентаризация қилишнинг хусусиятлари нималардан иборат?

8-боб. ЛИЗИНГ МУОМАЛАЛАРИ ҲИСОБИ

8.1. Лизинг муомалаларининг моҳияти

Лизинг муносабатлари ишлаб чиқаришнинг муҳим омилларини ўзида акс эттиради. Бир томондан, меҳнат ва капитал биргаликда лизинг субъектларининг қатнашишида бюджетни шакллантиради. Бундан, ўз навбатида, жамоанинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ечилади, иккинчи томондан, такрор ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бозорни зарурий маҳсулот билан таъминлашга имкон бўлади.

Лизинг олувчи (корхона) икки томонлама ижтимоий-иқтисодий мақомга эга бўлади, яъни ўз ихтиёри билан ва мустақил ташкилот сифатида фаолият юритади ҳамда уни нафақат ўзининг ишлаб чиқаришини такомиллаштириш қизиқтиради, балки ишлаб чиқариш фаолият доирасидан келаётган даромад ҳам унинг бош мақсадини ташкил этади. Бунда илмий-техника тараққиётининг тезлашиши ҳам таъминланади.

Шу жумладан, лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасидаги иқтисодий алоқаларни лизинг тўловлари ташкил этади. Бунда эгалик муносабатлари, фойдаланиш, реализация ва ишлаб чиқариш воситалари (асбоб-ускуналар, мулкка)га эгалик қилишни ўзлаштирилиши ҳам ўз аксини топади. Лизингнинг иқтисодий моҳияти, лизинг битими даврида пайдо бўладиган мулкий муносабатлар билан тавсифланиши асосида тушунтирилади. Шартнома предмети бўлган лизинг мулки лизинг берувчининг ўз мулки ҳисобланади, лизинг олувчи шартнома амал қилиш муддати мобайнида унга эгалик қилиш ва ундан маълум тўлов асосида лизинг берувчидан фойдаланишга олади. Лизинг берувчи мулкка тўлиқ эгалик қилиши учун сотувчи (етказиб берувчи)дан олди-сотди шартномаси асосида мулкнинг тўла қийматини тўлаб беради.

Лизинг олувчи мулкдан фойдаланиш ва унга эга-

лик қилиш ҳуқуқини лизинг шартномаси асосида олади. Бунда лизинг берувчига шартномада назарда тутилган лизинг тўловлари суммасини тўлиқ тўлаб беради. Лизинг тўловлари ўз таркибига шартномада таъкидланган мулкнинг тўла ёки қисман қийматини ҳамда, кўрсатилган лизинг хизмати ва қўшимча сервис хизматлари тўловини олади.

Натижада, лизинг берувчида тижорат нуқтаи назаридан лизинг битими қуйидагича тусда бўлади:

♦ лизинг берувчининг келишув асосидаги умумий харажатлари қуйидаги тенглик билан изоҳланади:

$$Л_т = Б_к + К_т + К_т$$

бунда:

$К_т$ — кредит ресурсларидан фойдаланганлик учун тўлов, сўмда;

$К_т$ — қўшимча хизматлар учун тўлов, сўмда;

$Б_к$ — лизинг шартномаси предмети ҳисобланган мулкнинг баланс қиймати, сўмда.

♦ Лизинг битими асосида лизинг олувчининг лизинг тўловлари харажатлари қуйидагича ҳисобланади:

$$Л_т = А + К_т + Ко_т + К_т + ҚҚС + Б_б$$

бунда:

А — лизинг берувчида жорий йилда ҳисобга олинадиган амортизация ажратмалари миқдор ўлчови, сўмда;

$Ко_т$ — лизинг шартномаси асосида лизинг берувчининг комиссион мукофот пули, сўмда;

ҚҚС — лизинг берувчи хизматлари бўйича лизинг олувчи томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи, сўмда;

$Б_б$ — божхона божи, сўмда;

$К_т$ — кредит ресурсларидан фойдаланганлик учун тўлов, сўмда;

$К_т$ — қўшимча хизматлари учун тўлов, сўмда.

Маълумки, лизинг берувчининг мулкдан фойдаланиш харажатлари лизинг тўловлари асосида тўлиқ компенсацияланмайди, яъни қопланмайди. Компенсация суммаси шартнома муддати ва мулк амортизацияси муддатига боғлиқ ҳолда шартномада олдиндан белгиланган бўлади. Агар, амортизация муддати шартнома муддатидан ошиб кетса, бунда мулкнинг амортизация муддати тугашига қадар лизинг берувчида қолдиқ қийматида ўз

мулки бўлиб қолаверади. Комиссион мукофот тўлови лизинг берувчи харажатларини қоплаш манбаи бўлиб хизмат қилади. Лекин, бу аниқ битим билан боғлиқ эмас ва фойда манбаини шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Демак, лизинг берувчининг манфаатли қизиқишини, хусусан, лизинг битими ташкил этади. Бунда иқтисодий фойдали манфаатдорлик ётади.

Энди лизинг олувчига келсак, бунда у лизинг асосида ўз харажатларини мулкдан фойдаланиш чоғида олиниши мумкин бўлган даромади билан бир ўлчамга келтириши керак. Шу боис, битимни тузиш, тайёрлашда инвестицион лойиҳа (бизнес-режа) ҳолида аниқ ва равшан, деталлашган ҳолда синчиклаб ўрганилиб, ишлаб чиқилгандан сўнг томонларнинг розилиги олинади. Лизингнинг иқтисодий моҳияти қанчалик специфик мулкий муносабатларга яқинлиги билан аниқланиши, шуни таъкидлаш жоизки, лизинг мулкига эгалик қилиш ҳуқуқининг лизинг берувчидан лизинг олувчига ўтиши мумкин.

Молиявий лизинг шартномасида лизинг олувчи ҳуқуқида лизинг мулкини сотиб олиш кўзда тутилиши мумкин.

Лизинг олувчи лизинг мулкини лизинг берувчига сотиб олиш қийматини шартнома муддати давомида ёки муддатидан аввал тўлаш асосида ўзиники қилиб олиши мумкин. Сотиб олиш баҳоси, агар шартномада сотиб олиш олдиндан кўрсатилган бўлса ёки шартномадаги томонларнинг махсус келишуви асосида ўрнатилган тартибда аниқланади. Сотиб олиш баҳоси сифатида мулкнинг қолдиқ қиймати ёки бозор нархида шундай ёхуд шунга ўхшаш мулк баҳоси хизмат қилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, лизинг мулкидан фойдаланиш лизинг олувчи учун фойда келтиради.

Сотувчилар учун лизинг объекти қуйидаги восита бўлиб хизмат қилади:

- лизинг ёрдамида савдо ҳажмини ошириш ва харид каналларини кенгайтириш имконияти;
- эҳтиёжманд харидор учун ўткир рақобат курашида ғалабани таъминловчи восита;
- тайёр маҳсулот захирасини камайтириш ва айланма маблағларини айланишини тезлаштириш йўли;

♦ техника, саноат технологияси, ускуна ва қуролларга бўлган тўловга қобилиятли талабни қўллаб-қувватлаш.

Лизинг маҳсулот (техника, саноат қуроллари, асбоб-ускуналар)ни етказиб берувчиларга савдо ҳажмини кенгайтиришга кенг имконият яратади. Бунинг натижасида, кейинчалик, доимий равишда эҳтиёт қисмларни ҳам етказиб бериш ва хом-ашё материаллари, ремонт ва кадрлар тайёрлашни ҳам амалга ошириш мумкин бўлади. Лизинг бизнесида қатнашувчи томонлар, яъни инвесторлар сифатида ишлаб чиқаришга лизинг орқали маблағларни жалб қилувчилар ҳам сотувчилардан кам манфаат олмайдилар. Шундай қатнашчилардан институционал ва хусусий инвесторлар, яъни бевосита лизинг берувчиларни келтириш мумкин.

Кўп аналитик ҳужжатларда ва материалларда шу борада лизингнинг қуйидаги томонлари эътиборга лойиқ:

♦ солиқ, божхона, амортизация имтиёзларидан келадиган иқтисодий даромад. Солиқ имтиёзлари айрим ҳолатларда даромад солиғидан озод қилишни, амортизация ажратмаларининг юқорилиги боис солиққа тортиладиган даромад суммасини камайтириш имкониятларини кўзда тутади. Божхона имтиёзлари божхона бож тўловларини қисқартирилиши билан изоҳланади. Бунда берилган имтиёзлар лизинг берувчи лизинг олувчидан лизинг тўловлари миқдорини камайтириш йўли билан бўлиниш назарда тутилади;

♦ лизинг берувчилар, инвесторлар таваккалчилиги (риск)нинг камайиши, улар қизиқишининг ҳимояси. Бунда асосий воситаларнинг аниқ моддий элементлари сифатида ишлаб чиқилади. Натижада, битим бевосита лизинг объектини кафолатлайди. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, мулк лизингга берилганда лизинг битими шартлари бузилса ёки лизинг олувчи банкрот бўлса ҳамда амалга ошириш қийин жараён, яъни кенг ҳажмли ишлаб чиқариш технологик ускунаси мавжуд бўлса ҳам, мулк эгаси бўлиб қолиш ҳуқуқи қолиши лозим. Инвестор таваккалчилиги (риск)нинг камайиши лизингга олинган мулкни мақсадли ишлатилиши ёки ишлатилмаслигига боғлиқ;

♦ давлат аҳамиятига молик тармоқ ёки ишлаб чиқаришга маҳаллий бюджет маблағларини жалб қилиш.

Лизинг битимининг охирги гуруҳ қатнашчиларидан лизинг мулки асосида уни амалга оширувчи бўлиб лизинг олувчилар ҳисобланади. Улар учун фойда олинаётганлиги ҳис қилиниши лозим, йўқса бутун лизинг жараёни ўзига тортувчанлик хусусиятини йўқотади.

Шунингдек, лизинг олувчилар учун:

♦ лизинг тўловларининг таннархида ётган солиққа тортиладиган фойданинг камайиши;

♦ лизинг берувчи балансида қоладиган лизинг мулкининг қисман мулк солиғидан озод қилиниши;

♦ объектга тезлаштирилган амортизация қўлланганда, лизинг олувчида ишлаб чиқаришни тезкор янгилаш ва қайта қуроллантириш имконияти пайдо бўлади;

♦ лизинг асосида бошланғич молиявий оғирликларнинг камайиши — бу лизинг тўловларининг тезликда ва катта ҳажмдаги тўловларни талаб қилмайди. Бу эса маблағларни ишлаб чиқаришга узоқ муддатга жалб қилинишини таъминлайди. Вазият ишлаб чиқариш фондларини янгилаш, илғор технологияларни, асбоб-ускуналарни фойдаланишга олиш билан изоҳланади. Бундан ташқари, шуни таъкидлаш жоизки, лизинг тўловлари, энг авваламбор, лизинг объектини фойдаланишдан олинган даромаддан тўланади. Шу жумладан, лизинг тўлови таркиби шартларига, лизинг мулки асосида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар кўриниши ҳам киритилиши мумкин;

♦ ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, қайта ташкил қилиш, янгилашда ўз капитал маблағларини жалб қилинмаслиги ва нобуд (сарф) бўлмаслиги;

♦ бутун инвестицион муддатда лизинг олувчи (фирма)нинг тўловга қобилиятлилигининг сақланиб қолиши. Лизинг олувчида ишлаб чиқаришнинг лизинг маблағларидан қопланганидан қолган ўз ихтиёридаги қисмининг айланма маблағларнинг ўсишига жалб қилиниши;

♦ мавсумий ва даврий бўлмаган ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш муаммоларининг тезкор ҳал қилиниши;

♦ лизинг тўловларининг миқдори олдиндан маълум бўлганлиги учун молиявий ҳисоб-китобларнинг оддий

асосланганлиги ҳамда харажат базасини аниқ режалаштириш ва ҳисоб-китобларни таҳлил қилишнинг мумкинлиги;

♦ лизинг тўловларини хоҳлаган кўринишда — ўлчамига, даврийлигига, муддатининг узайтирилиши, тўлов усулини танлаб олишига қараб ҳисоб-китобларнинг эгилувчанлиги;

♦ лизинг олувчи таваккалчилиги (риск)нинг камайиши. Яъни, лизинг олувчи маҳсулотининг бозорда етарли даражада харид қилинмаган ҳолда, лизинг мулкини қайтариб бериш имкониятига эга бўлиши. Бу, ўз навбатида, янги маҳсулот (ускуна)ни ўзлаштиришдаги рискнинг камайишига олиб келади;

♦ танлаш имкониятининг борлиги: лизинг объектини сотиб олиш, шартнома муддатини узайтириш ёки янги асбоб-ускуна жалб қилиш;

♦ лизинг лизинг олувчида кредит линиясини сақлаб қолишга рухсат беради. Бундан ташқари, оддий молиялаштирувчи институтларга боғлиқликнинг камайиши ва уларга талабнинг қисқариши;

♦ лизинг берувчи лизинг мулкини эгаси бўлганлиги учун лизинг олувчи балансида мулкнинг акс этмаслиги. Бу эса, ўз навбатида, лизинг олувчини мулк солиғидан озод қилади;

♦ битимни манфаатлилигини таъминловчи восита бўлиб, корхонада мулкни лизингга олиш тушунилади. Чунки, уни ссуда асосида фойдаланишга олаётганда, лизинг мулки кредитни кафолатловчи гаров сифатида амал қилади. Хорижий давлатларда баъзи лизинг компаниялари лизинг олувчилардан ҳеч қандай қўшимча кафолат талаб қилмайдилар;

♦ кичик ва ўрта бизнес асосидаги корхоналар, фирмалар учун лизинг қисман ягона молиялаштириш имконияти бўлиб ҳисобланади;

♦ лизинг берувчида рискнинг ўтиши орқали лизинг олувчида мулк ўз мулки сифатида эмас, балки вақтинча фойдаланиш учун олинса, мулкнинг жисмоний ва маънавий эскириш таваккалчилиги (риск)нинг камайиши. Бундан ташқари, маънавий эскирган деталлар ва тармоқни алмаштириш масаласининг қўйилиши;

♦ мулкнинг олиниши ва сотилиши, танлаб олиниши, йиғилиши каби меҳнат талаб қиладиган муомала-

ларда маъмурий кечикишлар сингари трансакцияларда лизинг олувчи маблағининг иқтисод қилиниши.

Лизинг жараёнини объектив баҳолаш учун унинг камчиликларини ҳам келтириш лозим бўлади. Лизинг моҳиятига кўра, лизинг берувчида мулкнинг маънавий эскириши ҳамда лизинг тўловини ололмаслик тавакалчилиги (риски) ётади. Бошқа томондан, баъзан лизинг олувчида лизинг қиймати харид ва банк кредити қийматидан кўпга тушади. Аммо, лизингнинг ижобий томонлари миқдори салбийларига қараганда бир мунча юқоридир. Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда лизинг хизматлари бозори энди шакллана бошламоқда. Ҳозирги кунга келиб солиқ, божхона ва бошқа имтиёзлар кўпгина давлатлар қонунчилигига кўра, қонун билан мустаҳкамланган ва юқорида таъкидланган лизинг хусусиятлари, амалий жиҳатдан лизинг муносабатлари жараёнида салбий томонларнинг ўрнини қоплайди.

8.2. Лизинг муомалаларининг объекти, предмети ва субъектлари

Лизинг битимини тузиш даврида лизинг объектини аниқлаш жудаям муҳим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 587, 588-моддаларида келтирилишича, лизинг шартномаси объекти ва предмети бўлиб, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ҳамда ер участкалари ва бошқа табиий объектлардан ташқари барча истеъмол қилинмайдиган буюмлар хизмат қилади. Бу 6-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий андозасида ҳам ўз аксини топганини таъкидлаш жоиз. Агар юқорида кўрсатилган қоидани иқтисодий нуқтаи назардан изоҳлайдиган бўлсак, у қуйидаги кўринишни олади.

Лизинг объекти бўлиб, истеъмол қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ҳар қандай ашёлар бўлиши мумкин, ер участкалари ва бошқа табиат объектлари бундан мустасно.

Мулк кўринишлари ишлаб чиқариш асосий воситалари (бино, иншоотлар, ўтказиш қурилмалари, умумишлаб чиқариш аҳамиятидаги ускуна ва машиналар, авиация маҳсулотлари, кўтарма транспорт қурилмалари, қишлоқ хўжалиги техникаси, оргтехника, асбоб-

лар, машина—қурилишнинг бошқа маҳсулотлари) ҳамда мулкий мажмуа (корхона, цех, технологик линиялар) ҳолида бўлиши мумкин, лекин айланма маблағларсиз (хомашё, материаллар, маҳсулотлар). Шуни таъкидлаш жоизки, бунда лизинг объекти бўлиб янги мулк, олдин фойдаланишда бўлган, яъни ишлаб чиқариш воситаларининг иккиламчи бозорида муомалада бўлган мулк сифатида ҳам намоён бўлишини назарда тутиш лозим. Агар, лизинг объекти кўчмас мулк (бино, иншоот, корхона ва цех) бўлса, лизинг шартномасида лизинг олувчига кўчмас мулк банд қилган ўша ердан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам берилиши кўзда тутилади. Чунки мулкдан фойдаланишда бу жуда зарур.

Лизинг объекти предмети — айланма маблағлар таркибида бўлса, қонун билан рухсат берилмайди. Лизинг бозори субъектлари бўлиб: лизинг берувчилар, лизинг олувчилар, мулкни ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар), банклар ва бошқа молия-кредит муассасалари ҳамда гарчи, лизинг муомалаларида асосий қатнашчилар бўлмасада, лекин бозорнинг бошқа қатнашчиларига воситачилик, информацион ва консалтинг хизматларини кўрсатиш борасида брокерлик ва консалтинг фирмалари ҳисобланадилар.

Асосий лизинг субъектлари бўлиб, лизинг шартномасидаги томонлар — лизинг берувчи ва лизинг олувчи ҳисобланади.

Молиявий лизингда битим қатнашчиси бўлиб, лизинг шартномаси объекти — мулк ишлаб чиқарувчиси (сотувчи) гарчи лизинг шарномасида бевосита томон сифатида бўлмаса-да, у ҳам ҳисобланади.

Лизинг берувчи — бу юридик шахс бўлиб, мулкни ишлаб чиқарувчи (сотувчи)дан қабул қилиб олувчи ва лизинг шартномаси асосида лизинг олувчига берувчи тушунилади. Қонун бўйича лизинг берувчи юридик шахс мақомини олмаган тадбиркорлик сифатида қайд қилинган жисмоний шахс ёки фуқаро бўлиши мумкин.

Лизинг хизматлари бозорида лизинг берувчилар функциясини қоидага кўра махсус тижорат ташкилотлари, яъни акциядорлик жамияти кўринишидаги лизинг компаниялари бажаради. Лизинг берувчилар бўлиб банклар, бошқа молия-кредит муассасалари, ва айниқса, бевосита лизинг мулкини ишлаб чиқарувчилар, яъни

машина қурилиш заводлари, қурилиш фирмалари ва бошқалар ҳисобланади. Лизинг фаолиятини амалга оширищ учун юридик ҳуқуқ — лицензия берилади.

Лизинг олувчи — бу юридик шахс ёки тадбиркор сифатида қайд қилинган ҳамда юридик мақомини олмаган фуқаро ҳисобланади. У, ўз навбатида, лизинг шартномаси бўйича лизинг мулкидан вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланишга қабул қилиши (ёки олиши) тушунилади. Лизинг олувчи бўлиб, хоҳлаган лизинг шарномаси бўйича ёки бошқа мулкни олишга хоҳиш билдирган корхоналар бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқарувчи (сотувчи) — лизинг шартномаси предмети бўлган лизинг мулкини олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи тушунилади.

Ишлаб чиқарувчи (сотувчи) — бу лизинг олувчи (оператив лизингда лизинг берувчи) томонидан танланган мулк эгаси ҳисобланган ва бу мулк олди-сотди шартномасини лизинг берувчи билан имзолаган юридик ёки жисмоний шахсдир.

Лизинг хизматлари бозорида ишлаб чиқарувчи (сотувчи) функциясини кўпинча мулк ишлаб чиқарувчилар ҳамда машина ва технология ускуналарни улгуржи савдоси билан шуғулланувчи фирмалар ҳам бажарадилар. Банк ва бошқа молия-кредит муассасалари, гарчи, бевосита лизинг берувчилар бўлмасаларда, улар ҳам лизинг хизматлари бозорида лизинг берувчиларга зарурий мулкни қўлга киритиш учун қарз маблағлари билан таъминловчи қатнашчилар сифатида намоён бўладилар.

Лизинг хизматлари бозорида фаолият кўрсатаётган брокерлик фирмалари жуда муҳим ўрин тутади. Уларнинг мақсад-вазифаси бизнес ҳамкор қидириш, бозорнинг бошқа қатнашчиларини информацион (ахборот) таъминоти билан таъминлаш ва ҳаттоки воситачилик вазифасини бажаришдан иборатдир.

Лизингга ихтисослаштирилган консалтинг фирмалари бозорнинг барча қатнашчиларига, биринчи навбатда, лизинг олувчиларга консалтинг ёрдамини кўрсатадилар.

Халқаро лизинг субъектлари бўлиб лизинг берувчи, лизинг олувчи ёки етказиб берувчи вазифасини бажарувчи хорижий юридик шахслар бўлиши мумкин.

Лизинг хизматлари бозорида профессионал воситачилар таркиби

№	Профессионал воситачилар	Мазкур профессионал воситачиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тавсиф
1.	Дистрибьютор (улгуржи сотувчи)	• Тўла ўз номидан, мустақил муносабатлар асосида ишлаб чиқарувчилар билан қандай муносабатда бўлса, лизинг мулкини сотиб олувчиларга худди шундай алоқада бўлади, фақат мулк эгаси бўлиб ҳисобланмайди. • Баҳони белгилайди, бозорни ўрганади, сервис хизматлари кўрсатади.
2.	Дилер	• Кичик мустақил тадбиркор, у ўз ҳисобидан зарурий ускунани сотиб олади ва харидорларга сотади, аммо у техникани реклама ва сервис хизматини кўрсатишда ҳам иштирок этиши мумкин.
3.	Брокер	• Ўз мижозлари топшириғига ва ҳисобига биноан фаолият кўрсатади. • Ўзаро қизиқувчи томонларни учраштиради, аммо таваккалчилик (риск)ни ўзига олмайди.
4.	Комиссионер	• Ўз номидан, лекин, мижоз ҳисобидан битим тузади. • Ўз эҳтиёжидан ошган харажатларга жавоб беради.
5.	Маклер	• Битим учун қизиқувчи томонларни тўплайди ва учраштиради, лекин ўзи бунда иштирок этмайди. • У томонларнинг расмий розилигисиз ҳеч қанақа битим туза олмайди.
6.	Консигнатор	• Ишлаб чиқарувчилардан ускунани комиссия шартига кўра олади ва сотувчи ўрнатган нархдан кам бўлмаган баҳога сотади. • Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ускунани етказиб берувчида қолади.
7.	Ишончли вакил	• Ўз фирмасининг номидан ва унинг топшириғига кўра битим тузади. • Шартномада ўрнатилган шартларга кўра ва мижозлар топшириғи асосида фаолият кўрсатади.
8.	Ишлаб чиқарувчи агенти (харидор)	• Ишлаб чиқарувчи номидан ва унинг топшириғига кўра аниқ белгиланган ҳудудда фаолият кўрсатади. • У нафақат битта аниқ битим, балки келишилган муддатларга кўра бошқа бир қатор битимларни тузиш ҳуқуқига эга

9.	Коммивояжер	• Лизинг объектини фақатгина сотмасдан, уни фойдаланувчига етказиб ҳам беради
10.	Жўнатма сотувчи	• Фирманинг тақсимловчи вакили, лизинг мулкини каталогларни тарқатиш йўли билан салоҳиятли сотиб олувчи — ижарачиларга сотади
11.	Маслаҳатчи	• Лизинг хизматлари бозорида тузилган битимлардан фоизлар тўлови билан ишбилармон доираларда тажрибалар ўтказади • Битимдан даромад кутмайди ва буюртмачиларга кафолат бермайди

8.3. Лизинг муомалаларининг кўринишлари

Амалиётда корхоналар учун лизингдан аниқ мақсадли фойдаланиш чоғида унинг кўриниши, шакллари ва қўллаш тартиби асосида реализация қилишни тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади.

Лизингни 2 та асосий кўринишга: молиявий ва оператив лизингга ажратиб ўрганиш қабул қилинган.

Молиявий лизингда (уни баъзан тўлиқ амортизацияли лизинг деб ҳам аташади) мулк шартнома бўйича унинг меъёрий хизмат қилиш муддатида ёки бундан кам бўлган муддатга ҳамда амортизация ажратмаси меъёри ҳисобланадиган белгиланган муддатга берилади. Агар шартномада томонлар меъёрий хизмат қилиш муддатидан кам муддатни танлашган бўлса, шарномада муддат тугаши билан мулкнинг қолдиқ қиймати суммаси кўрсатилади. Молиявий лизингда шартномада (объект) мулкни ҳамда ишлаб чиқарувчи (сотувчи)ни танлаш ҳуқуқи лизинг олувчига берилади. Шартномада яна олдиндан лизинг олувчининг розилиги ва топшириғига биноан ишлаб чиқарувчи (сотувчи)нинг мулкини танлашни лизинг берувчи амалга ошириши мумкин. Барча ҳолатда ҳам лизинг берувчи мулкни қўлга киритаётган вақтда ишлаб чиқарувчи (сотувчи)ни мулк лизингга берилиши учун олинаётганлигини огоҳлантириши лозим.

Лизингнинг асосий кўринишлари таснифи

Сабаблари	Техник	Ташкил
Лизинг объектлари	Кўчар ва кўчмас мулк	
Битимнинг давомийлиги	Объектдан фойдаланишнинг норматив муддатли молиявий лизинг, фойдаланиш муддати нормативдан кам бўлган оператив (жорий) лизинг	
Амортизация шартлари	Тўлиқ (тезкор) амортизацияли, тўлиқ бўлмаган амортизация	
Бозор сфераси	Ички, халқаро, транзит	
Битимнинг ташкилий кўриниши	Бевосита, билвосита, қайтарилувчи, "леведж-лизинг"	
Хизмат кўрсатиш ҳажми	Соф, тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган хизматлар тўплами билан, комплекс	
Лизинг тўловларининг шакллари	Пулли, компенсацион, аралаш	
Солиқ имтиёзларига муносабати	Ҳақиқий, қалбаки	

Молиявий лизингда қўшимча воситалар билан жалб қилиш лизинг мулкини қўлга киритиш жараёни каби муҳим аҳамият касб этади. Масалан, бунда: кафолат, гаров ва суғурта тизими.

Лизинг мулкини қўлга киритиш жараёни уч вариантда бўлиши мумкин:

1. Лизинг олувчи мустақил мулк ва уни ишлаб чиқарувчи (сотувчи)сини танлайди, бунда у битим ҳақини тўлаб, шартнома бўйича лизинг олувчига фойдаланиш ҳуқуқини беради;

2. Лизинг берувчи ишлаб чиқарувчи (сотувчи)ни танлайди ва бунда, мулкни етказиб бериш шарти билан лизинг олувчи олдида масъулият олади;

3-вариантда лизинг берувчи лизинг олувчини ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан бўладиган муносабатда вакиллик вазифасини бажаради.

Лизингнинг энг кенг тарқалган кўриниши молиявий лизингдир. У мулкдан фойдаланиш даврида мулкни узоқ муддатга ва тўла қийматини қоплашга беришни назарда тутади.

Молиявий лизингнинг қатнашчиларининг ўзаро алоқалари

Ўзаро муносабатлар ибо	Амалга оширишга ёндашув
Мулкни ва уни ишлаб чиқарувчи (сотувчи)-сини танлаш	Лизинг олувчи амалга оширади
Мулкни қўлга киритиш	Молиялаштиришни тўлиқ ёки қисман лизинг берувчи мулкни ишлаб чиқарувчи (сотувчи)ни маълум қилиб амалга оширади
Лизинг жараёнида қатнашувчилар муносабатлари (ишлаб чиқарувчи, сотувчи), лизинг берувчи, лизинг олувчи)	Салоҳиятли қатнашчилар сифатида
Мулкни етказиб бериш шарти учун масъулият	Ишлаб чиқарувчи (сотувчи)ни лизинг берувчи танламаса, лизинг олувчи олдида маъсъулиятни мулк ишлаб чиқарувчи (сотувчи) ўз бўйнига олади
Мулкни сотиб олиш ҳуқуқи	Ушбу ҳуқуққа шартнома муддати тугашига қадар лизинг олувчи эга бўлади
Мулк суғуртаси ва сервис хизматини кўрсатиш	Лизинг олувчи амалга оширади
Мулкнинг тасодифан ишдан чиқиш, нобуд бўлиш, йўқотиш риски	Мулк лизинг олувчига берилаётган вақтда унга ўтади
Лизинг муддатининг давомийлиги	Мулк қийматини қоплаш ва хизмат кўрсатишнинг меъёрий муддатига яқин
Шартнома даври давомидаги лизинг тўловлари ҳажми	Шартнома имзоланган дақиқадаги лизинг мулки баҳосининг тўлиқ қийматида
Лизинг мулкининг ҳисоби	Лизинг берувчининг балансида ва лизинг олувчининг балансдан ташқари 001-*счёти*да ёки ўзаро шартномага мувофиқ

Оператив (жорий) лизинг — лизинг шартномаси бўйича (уни тўлиқсиз амортизацияли лизинг деб ҳам аташади) мулк лизинг олувчига унинг меъёрий хизмат қилиш муддатидан анча кам бўлган муддатга берили-

ши тушунилади. Бу, ўз навбатида, лизинг берувчида мулкни кўп маротаба лизингга бериш имкониятини яратади. Оператив (жорий) лизингнинг муддати шартномада томонлар келишувига биноан ўрнатилиши мумкин. Шунинг учун шартнома объекти бўлиб, оператив (жорий) лизингда, кўпроқ (автомобиллар, самолётлар ва техниканинг бошқа кўринишлари) лизинг олувчилар учун қисқа муддатли, бир марталик ёки мавсумий ишларни қилиш учун ҳамда маънавий тез эскирувчи техника воситалари хизмат қилиши мумкин. Оператив (жорий) лизингда ҳам мулкни танлаш ҳуқуқи лизинг олувчида бўлади, лекин лизинг берувчи омборида мавжуд мулкдан танлаш имконияти билан чегараланади.

Лизингни оператив (жорий) ва молиявий лизингга бўлиниши Ўзбекистонда битим объектини қоплаш даражаси билан қисман аниқ фарқланади.

Бухгалтерия ҳисобида "молиявий лизинг" ва "оператив (жорий) лизинг" атамалари лизинг битими ҳисоби билан бевосита боғлиқ. Бунда, молиявий лизинг амалиётида барча таваккалчилик (риск) ва даромадлар мулк эгаси билан боғлиқ битим орқали аниқланади ва лизинг берувчидан лизинг олувчига ўтади ҳамда лизинг олувчида муддат якунида мулк ўзлаштирилади. Бунда, албатта, айнан лизинг олувчи ўз молиявий ҳисоботида лизинг мулки қиймати ва лизинг берувчи олдида лизинг тўловлари бўйича мажбуриятларини кўрсатиши лозимлиги маслаҳат берилади. "Молиявий лизинг" атамаси иқтисодий атамалар луғатида мавжудлигига қарамасдан, лизинг муносабатларини фақат молиявий жараёнлар сифатида англаш хато бўлади. Тўғри, лизинг шубҳасиз молиявий функцияни ҳам бажаради, яъни асосий фондларга маблағ қўйишни таъминлайди ва лизинг олувчи айланма капиталини кўпайтиради. Лекин, бу функция лизингнинг хоҳлаган кўриниши, ҳатто оддий ижаранинг ишлаб чиқариш воситаларида ҳам кузатилади. Лизинг битимини молиявий ва оператив (жорий) лизингга бўлиниши ташкилотнинг ва бухгалтерия ҳисобининг хусусиятларида кўпроқ намоён бўлади.

Оператив лизинг хусусиятлари

Муносабатлар таркиби	Амалга оширилишига ёндашув
Лизинг мулки	Кўчар ва кўчмас мулк лизинг берувчининг ўз мулки ҳисобланади
Лизинг олувчининг ҳуқуқи	Шартномани муддатидан аввал тўхтатиш ва лизинг берувчига мулкни қайтариш
Мулкни қайтарилиши бўйича муносабатлар	Лизинг олувчи шартномада келишилган мулк қийматидаги фарқни маълум бир муддатга қоплайди (мулкнинг тугатилиш қиймати билан назарда тутилган қолдиқ қиймати орасидаги фарқ)
Лизинг тўловларининг ставкалари	Қоидага кўра лизинг берувчи томонидан ўтказиладиган сервис хизматларини ўз ичига олган барча харажатларнинг юқорилиги
Лизинг битимларининг муддати	Жуда қисқа муддат ичида мулкнинг жисмоний эскириши (бир марталик, мавсумий ва бошқалар)
Оператив лизингнинг аҳамияти	Лизинг олувчининг маблағлари қатнашмаётганлиги сабабли маблағини мулк учун қисқа муддатда тўлашда фойдаланади
Лизинг берувчининг риски (хавф-хатари)	Мулк бузилганда ёки йўқотилганда унинг қийматини қоплаши
Лизинг олувчининг кафолати	Шартнома муддати тамом бўлганда мулкнинг ўрнатилган қолдиқ қийматини таъминлаш

Яъни, мулкдан фойдаланиш шартига боғлиқ ҳолда, лизинг ўрнига тўлиқ ҳамда тўлиқсиз амортизацияли иборалари тўғри келади.

Молиявий лизинг учун тўлиқ амортизация қуйидагича характерланади: мулкнинг меъёрий амортизацияси муддати билан битим давомийлигининг тўғри келиши; бир марта лизингга берилганда мулк қийматининг тўлиқ тўланиши.

Ўзбекистон Республикаси 5-сонли БҲМАсининг 24-бандига мувофиқ, асосий воситаларга жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш назарда тутилган. Шу жумладан, молиявий лизингда ҳам лизинг мулкига жадаллаштирилган усулни қўллаш тавсия этилади. Бунда

шартномада томонларнинг келишувига биноан бу ҳақда солиқ органларининг тавсияси (розилиги) лозим. Яъни, тезкор амортизация механизмини қўллаш замонавий технологик тармоқлар ва мулкнинг аниқ кўринишлари рўйхатида бўлиши лозим ҳамда у маҳаллий давлат органи томонидан ўрнатилади. Амортизация фондларини шу тартибда пайдо бўлиши корхона ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш ва тезкор қайта тиклаш учун аниқ шарт-шароит яратади.

Мулк қийматини қисман тўлашга рухсат берувчи тўлиқсиз амортизацияли лизинг ўз таркиби жиҳатидан оператив (жорий) лизинг кўрсаткичларига тўғри келади. Қоидага кўра, у асосан кўчмас мулк ҳамда ҳар хил кўчар мулкларни ўз қамровига олади, яъни оператив (жорий) лизинг механизми орқали (ҳужжатлаштирилади) ифодаланади.

Лизинг битими асосий қатнашчиларининг мамлакатда жойлашганлигига боғлиқ равишда лизинг ички ва халқаро лизингга бўлинади. Ички лизингда лизинг битимининг барча қатнашчилари бўлиб, бир давлатнинг юридик ва жисмоний шахслари ҳисобланадилар. Агарда лизинг берувчи ва лизинг олувчининг жойлашган манзиллари ҳар хил давлатда бўлса, халқаро лизинг деб юритилади. Бунда, лизинг олувчи учун шартномадаги мулк хориждан келтирилса, у жойлашган давлатда халқаро лизинг — импорт лизинг деб изоҳланади. Агар мулк лизинг берувчи жойлашган давлатда қўлланилса ёки йиғилса (сотиб олинса), лизинг — экспорт лизинг деб юритилади. Тўғридан — тўғри, бевосита халқаро лизинг кўриниши мавжуд. Бунда, барча муомалалар ўзаро ҳар хил давлатларнинг юридик шахс ҳуқуқини олган тижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Унинг хусусияти шундаки, лизинг берувчи доимий яшаётган давлатида экспорт кредити олиш имкониятига эга бўлиб, бу билан ўз мулки, хизматини сотиш бозорини кенгайтиришга эришса, лизинг олувчи корхона эса ишлаб чиқаришини тезкор қайта қуроллантириш ва мулкдан фойдаланишни тўлиқ молиялаштиришни таъминлайди.

Лизинг тўловлари хусусияти бўйича қуйидагича фарқланади: пулли, компенсацион ва аралаш лизинг.

Пулли лизинг хусусияти ҳамма тўловлар пул шаклида амалга оширишда кўринади.

Компенсацион тўловларни мулкдан фойдаланиш натижасида ишлаб чиқилган маҳсулотни етказиб бериш ёки қарама-қарши хизматлар кўрсатиш шаклида амалга оширишни назарда тутади.

Аралаш — пулли ва компенсацион тўловлар мажмуасига асосланади ҳамда бунда бартер битими элементлари иштирок этади.

Солиқ ва амортизация имтиёзларини қўллаш сабабларига кўра лизинг **ҳақиқий** ва **қалбаки** лизингга бўлинади.

Ҳақиқий лизинг ҳуқуқий алоқаларда амал қилаётган қонунчиликка мувофиқ лизинг шакллари асосидаги тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий таркибида мавжуд.

Қалбаки лизинг спекулятив характер касб этади ва мамлакатда амал қилаётган солиқ ва бошқа имтиёзлар ҳисобига даромад олишни назарда тутади. Бунда, лизинг ўрнига қисқа муддатда тўлаш асосида олди-сотди жараёнидан фойдаланилади, агарда унинг шартларида қуйидагилар олдиндан назарда тутилмаган бўлса:

♦ лизинг олувчида (улар томонидан аниқланган шартларга кўра) мулкнинг сотилиши билан тўлиқ амортизацияланиши;

♦ шартнома муддати мобайнида бошланғич синов билан узоқ муддатли фойдаланилгандан сўнг мулкни қўлга киритилиши.

Ўзбекистонда лизинг битимларининг ишлаб чиқариш воситалари олди-сотди битимидан фарқли тамойиллари ҳозирча қонунлар билан аниқ белгилаб қўйилмаган. Бу, виждонсиз тадбиркорларга даромадларнинг катта қисмини солиққа тортилишидан қонуний бекитиб қолишга имкон беради. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 595, 597, 598-моддаларида ижарачи (лизинг олувчи) ва сотиб олувчини аниқ бир аҳамияти жиҳатидан тенглаштирилади. Фойдаланилган мулк қийматини битим охирида тўлаш мажбуриятини олгандан сўнг, қолган муддатда ижарачи (лизинг олувчи) сотиб олувчига тааллуқли фойдаланилган мулкнинг агарда олди-сотди шартно-

масида у бир томон бўлса, барча ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Амалиётда лизинг битимлари ҳажмига қараб: кичик, ўрта ва йирик лизингга бўлинади.

Кичик лизинг — кўпгина мамлакатларда кенг тарқалган. Бундай битимларни предмети бўлиб, одатда ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлмаган (ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмайдиган мулк-компьютер) оргтехника, телефон маркази, хавфсизлик тармоғи тизими ва бошқалар ҳисобланади.

Ўрта лизинг — бу 200 минг сўмдан 2,5 млн. сўмгача диапазондаги ва нархи деярли замонавий мулк кўринишлари — ҳар хил аҳамиятга эга кичик заводлар, технологик саноат қуроллари ва бошқаларни ўз ичига олади. Мижозларни танлаш лизинг берувчилар (лизинг компаниялари) билан ва асосан маҳаллий (молиялаштирувчи) банкнинг филиали орқали амалга оширилади.

Лизинг берувчилар (лизинг компаниялари) ўз банки мижозлари билан ишлашда бир томондан кўп сонли мижозлар билан ишлаш имкониятига эга бўлади, бошқа томондан эса кредит хавф-хатар (риск)ларидан ҳимоялаш ва нархнинг ташкил топишида махсус техникадан фойдаланишларнинг маблағи ҳисобига кредитлаш жараёнини оптималлаштиради.

Йирик лизинг битимлари (20 млн. сўмдан ортиқ) шундай мулкларга мўлжалланганки, бунда самолётлар, кема-пароходлар, энергетика техникалари хизмат қилади. Бу бозор секторида ишлаш катта миқдордаги йирик молия ресурслари ҳамда жиддий лизинг берувчилар (лизинг компаниялари) мутахассисларни қайта тайёргарлиги талаб этилади, яъни алоҳида буюртмачилар учун махсус молия схемасини ярата олувчи кадрлар керак бўлади.

Лизинг олувчи корхона ўз маблағлари ва меҳнатини янгилаш, қувват берувчидан йиғиб олишга ҳаракат қилар экан, корхона (лизинг олувчи) нафақат мулк эгаси, балки қўлланилаётган мулкни хусусий қилиши мумкин. Корхона лизинг олувчи сифатида лизинг битими натижаси якунида мулк эгаси, ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорга айланади. У нафақат берилган мулкдан фойдаланади, балки ундан тўлиқ эгаси сифатида ҳамда

аниқ тартибда ишлаб чиқаришга қўйилган капиталнн кўпайтириш, яхшилаш ва ўз навбатида лизинг муомалалари даврида олинган ўз даромади ҳисобига янги асосий воситаларга ҳам эга бўлади. Лизинг тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий шакли сифатида мулкчилик муносабатларига боғлиқ ҳолда аниқ хўжалик тизимини маблағ билан таъминлайди.

Ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучлари элементларининг ўзаро боғлиқлигини англаган ҳолда, лизинг ишлаб чиқаришининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида моддий асослар (тадбиркорлик фаолиятининг моддий элементлари, мулк олди-сотдиси, кредитлаш шартлари)га асосланади ва ижтимоий-иқтисодий характерга эга. Таъкидланганидек, лизинг механизми ижара муносабатига ўзаро боғлиқ (ЎзРФК), лекин бунда у жуда мураккаб уч томонлама асосга эга бўлади ва таркибида кредит битими, инвестицион битим ва ижара фаолиятидаги компонентлар ётади. Шунингдек, тадбиркорликнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шаклини ташкил қилиш учун ишлаб чиқаришни кенг миқёсда билиш, мижоз (харидор) талабининг ўзгарувчанлигини ҳамда молиявий бизнес хусусиятларини чуқур англаш талаб этилади. Лизинг механизми мулкий муносабатларнинг мажмуасини амалга оширади: ишлаб чиқаришга ускуналарни вақтинчалик фойдаланиш йўли билан бериш, уларни сотиб олиш ва ниҳоят ижарага бериш.

Ишлаб чиқариш учун лизинг қувват йиғиш воситаси, фан ва техника тараққиёти (ФТТ)ни тезлаштириш воситаси, корхона ишлаб чиқариш салоҳиятини янгилаш, бутун халқ хўжалигида ишлаб чиқаришга жалб қилинган инвестициялар самарадорлигини амалга ошириш механизми бўлиб ҳисобланади. Лизинг кўчар мулк сифатида (машина-техника лизинги) ҳамда кўчмас мулк сифатида амал қилади.

Кўчар мулк: технологик ускуналар, транспорт воситалари, қурилиш техникалари ва бошқаларни ўз ичига олади.

Кўчмас мулкка ишлаб чиқариш аҳамиятидаги бино ва иншоотлар киради. Ўз навбатида, лизинг, тадбиркорлик фаолиятининг муҳим кўриниши сифатида муносабатларнинг ташкилий-иқтисодий шаклларидан ибо-

рат. Мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён сифатида, у кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришдаги муҳим вазифаларни қамраб олади: молиявий, ишлаб чиқариш, таъминот, солиқ ва амортизация ажратмалари имтиёзлари. Бунда охиргилардан фойдаланишда қуйидагилар кузатилади:

♦ лизинг мулки лизинг берувчи балансида ҳисобга олинади ёки ўзаро келишув асосида лизинг олувчида юритилади;

♦ лизинг тўловлари лизинг олувчи ишлаб чиқараётган маҳсулот (хизмат) таннархига олиб борилади. Бу, ўз навбатида, солиққа тортиладиган даромад миқдорини камайтиради;

♦ жадаллаштирилган амортизация, шартномада келишилган муддатда ҳисобланади. Бу эса солиққа тортиладиган даромад миқдорини камайтириб, моддий-техник базани янгиланишини тезлаштиради.

Компанияда лизинг лойиҳасини тайёрлаш жараёнини уч босқичга ажратиш мумкин.

Мижоз дастлаб қандай жиҳозларни ижарага олиши, юклаш, транспорт суғуртаси, монтаж қилиш, ишга тушириш ва ходимларни ўқитишни ҳисобга олган ҳолда, унинг қийматини аниқлаши лозим. Бунинг учун эса унга ишлаб чиқарувчи компаниянинг нарх варағи зарур бўлади. Жиҳозларни танлашда мижозга ихтисослашган бозор тузилмалари консалтинг фирмалари, инжиниринг компаниялари ёрдамга келиши мумкин. Бундан ташқари, мижоз ускуналарни харид қилиши учун шартнома лойиҳасига эга бўлиши керак, чунки сотувчи ўз ускуналарини қандай ҳақ тўлаш шартларида етказиб берилаётганлигини билиши даркор. Икки хил усул: хорижий банк кафолати остида олдиндан ускуналар ҳақининг 15 фоизини тўлаш ёки аккредитив очиш амалда қўлланилади.

Иккинчи босқич — бизнес-режани тайёрлашдан иборат. У барча техник молиявий ва иқтисодий саволларга жавоб беради. Ускуналар қандай муддатга олинаётганлиги ҳамда қандай муддат ичида қайтарилишини аниқ белгилаш бу босқичда энг катта аҳамият касб этади.

Учинчи босқич — лизинг олиш, аризани тақдим этишни ўз ичига олади. Бунда бошқа зарур ҳужжатлар:

Низом, таъсис шартномаси, солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган баланс, бизнес-режа ва бошқалар илова қилиниши шарт.

Албатта, улар тақдим этилган бизнес-режани кўриб чиқадилар, корхона молиявий ҳолатини аниқлаб, унинг кредитни тўлашга лаёқатлилигини таҳлил қиладилар, зарур коэффициентларни ҳисоб-китоб қиладилар.

8.4. Лизинг муомалаларини бухгалтерияда ҳисобга олиш

Лизинг муомалаларининг бухгалтерия ҳисоби "Лизинг ҳисоби" номли 6-сон БҲМАга асосан юритилади.

Молиявий лизинг қуйидаги шартларнинг бирортасига жавоб бериши лозим:

- лизинг муддати 12 ойдан ортиқ бўлиши керак;
- лизинг муддати активнинг хизмат муддатининг саксон фоизидан камни ташкил этмаслиги;
- лизинг олувчи активни қатъий белгиланган нархда ёки лизинг муддатидан сўнг аниқланадиган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса;
- лизинг муддати тугагач, лизинг активларининг қолдиқ қиймати лизинг муддатининг дастлабки қийматига нисбатан йигирма фоиздан кам бўлса;
- лизинг давридаги лизинг тўловлари суммаси лизинг активлари қийматидан тўқсон фоиздан ортиқ бўлса.

Оператив лизингнинг муддати мулкнинг хизмат қилиш муддатига нисбатан қисқа (бир йилдан кам) ва лизинг тўловлари лизинг берувчининг барча харажатларини қопламайди. Бунда ижарага берилган активнинг қиймати ва мулкчилик ҳуқуқи ижарага берувчида қолади.

Оператив лизинг ҳисоби. Шартнома асосида асосий воситалар объекти қисқа муддатли ижарага берилганида ижарага берувчи олинадиган ижара ҳақи суммасини 4820—"Оператив лизинг бўйича олинадиган тўловлар" ҳисобварағида ҳисобга олади. Бу ҳисобварақ актив бўлиб, унинг дебетида оператив лизинг бўйича ижарачилардан олинадиган сумма, кредитида эса пул маблағларини ҳисобга оладиган ҳисобварақлар билан ўзаро алоқадор ҳолда олинган ижара ҳақи суммаси акс эттирилади.

Қисқа муддатли ижарага беришдан даромад олинса, қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Д-т 4820—"Оператив лизинг бўйича олинадиган тўловлар" ҳисобварағи;

К-т 9350—"Оператив лизинг бўйича олинган даромад" ҳисобварағи.

Ижара ҳақи суммаси ҳисоб-китоб счётига келиб тушганида ҳисобда қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти";

К-т 4820—"Оператив лизинг бўйича олинадиган тўловлар".

Асосий воситалар объектини қисқа муддатли ижарага олувчи ижарага олинган объектнинг баланс қийматини балансдан ташқари 001—"Оператив лизинг бўйича олинган асосий воситалар" ҳисобварағига кирим қилади ва тўлашга тегишли ижара ҳақи суммасини ижарага олинган объектдан қаерда фойдаланилишига қараб харажатларни ҳисобга олувчи тегишли ҳисобварақларни (2010, 2310, 2510, 94) дебетлаб, 6910—"Тўланадиган оператив лизинг" ҳисобварағининг кредитига ёзилади. Ижара ҳақи суммаси тўланганида қуйидагича ёзув қилинади:

Д-т 6910—"Тўланадиган оператив лизинг";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

Оператив лизинг бўйича ижара муддати тугагач, ижарага олинган объектнинг баланс қиймати балансдан ташқари 001—"Оператив лизинг бўйича олинган асосий воситалар" ҳисобварағидан чиқим қилинади.

Молиявий лизинг ҳисоби. Молиявий лизинг объектларни бир йилдан ортиқ муддатга, келгусида сотиб олиш ёки қайтариб бериш шарти билан фойдаланишга беришни кўзда тутади. Молиявий лизингнинг моҳияти мулкни бўлиб-бўлиб тўлаш асосида сотиб олишни ифодалайди ва товар кредити шаклига эга бўлади. Бунга лизинг муддати давомида лизинг берувчининг барча харажатларини тўлиқ қоплашга етарли бўлган ва унга фойда келтиришни таъминлайдиган лизинг тўловлари йиғиндисини кўзда тутган шартномалар киради.

Лизинг тўлови лизинг объекти қийматини, мулкни суғурталаш харажатларини ва кредит учун лизинг (фоиз) ставкасини ўз ичига киритган суммани таш-

кил этади. Лизинг олувчи лизинг мулкини актив таркибида ҳисобга олади, лизинг бўйича қарзлар эса мажбуриятлар деб ҳисобланади.

Лизинг берувчи компанияда лизинг муомалаларини ҳисобга олиш. Бозор иқтисодиёти шароитида лизинг муносабатларини қарор топтиришда лизинг компанияларининг ўрни ниҳоятда каттадир. Лизинг компаниялари лизинг мулкини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар 0800—"Капитал қўйилмалар" ҳисобварағида акс эттиради. Лизинг мулкини сотиб олиш лизинг компаниясининг ўз маблағлари ва қарзга олинган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Лизинг компаниясининг бухгалтериясида лизинг муомалалари қуйидагича акс эттирилади:

♦ лизинг компанияси лизинг мулкини сотиб олди:

Д-т 08—ҳисобварақнинг тегишли ҳисобварағи;

К-т 6010—"Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар".

♦ сотиб олинган асосий воситалар қиймати тўланди:

Д-т 6010—"Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

♦ лизинг объекти асосий воситалар таркибига киритилди:

Д-т 01—ҳисобварақнинг тегишли ҳисобварағи;

К-т 08—ҳисобварақнинг тегишли ҳисобварағи.

Лизинг муомалаларини амалга оширишда лизинг берувчи компанияда қуйидаги операциялар амалга оширилади:

♦ молиявий лизинг бўйича асосий воситалар объекти ижарага берилганида шартнома қийматига қуйидагича проводка берилади:

а) лизинг суммасининг жорий йилда олинадиган қисмига:

Д-т 4810—"Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар";

К-т 9210—"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши";

б) ижара муддатининг келгуси йилларида олинадиган қисмига:

Д-т 0920—"Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар";

К-т 9210—"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши".

Молиявий лизинг бўйича ижарага берилган объектнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши";

К-т 01—Асосий воситаларни ҳисобга олувчи тегишли ҳисобварақлар.

ҚҚС ҳисобланганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши";

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар".

Одатда лизинг объектининг баланс қиймати ҳамда унинг лизинг олувига бериладиган шартнома қиймати ўртасида фарқ мавжуд бўлади. Бу фарқ 9210-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобварағининг кредитида сальдо бўлиб қолади. Ушбу сальдо даромад ҳисобланади ҳамда у ҳисобдан чиқарилганида қуйидагича проводка берилади:

а) жорий йилда даромадга ўтказиладиган қисмига:

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши";

К-т 6230—"Муддати узайтирилган даромад" — жорий қисмига;

б) ижара муддатининг келгуси йилларида даромадга ўтказиладиган қисмига;

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши";

К-т 7290—"Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар".

Ижара ҳақи олинганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти";

К-т 4810—"Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар".

Ижара ҳақи олинганидан сўнг молиявий лизинг бўйича берилган объектнинг лизинг олувчи билан келишилган қиймати ва унинг баланс қиймати орасидаги фарқ сумманинг жорий қисми қуйидаги проводка билан даромадга ўтказилади:

Д-т 6230—"Муддати узайтирилган даромад" — жорий қисми;

К-т 9550—"Молияланадиган лизинг бўйича даромадлар".

Лизинг берувчи ҳар йилнинг бошида жорий йил бўйича олинадиган лизинг тўловлари суммасига қуйидагича проводка беради:

♦ олинадиган ижара ҳақи суммасига:

Д-т 4810—"Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар";

К-т 0920—"Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар";

♦ жорий йилда даромадга ўтказиладиган қисмига:

Д-т 7290—"Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар";

К-т 6230—"Муддати узайтирилган даромад" — жорий қисми;

Ижара ҳақи олинганида қуйидагича ёзув қилинади:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти";

К-т 4810—"Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар".

Молиявий лизинг бўйича берилган объектнинг лизинг олувчи билан келишилган қиймати ва унинг баланс қиймати орасидаги фарқ сумманинг жорий қисмига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 6230—"Муддати узайтирилган даромад" — жорий қисми;

К-т 9550—"Молияланадиган лизинг бўйича даромадлар".

Молиявий лизинг шартномасига кўра лизинг олувчилар ижарага олинган мулкнинг қийматидан 15% миқдорида ўз маблағлари ҳисобидан бўнак тўлашлари мумкин. Лизинг берувчининг балансида олинган бўнак суммасига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти";

К-т 6390—"Бошқа олинган бўнаклар".

Бўнак суммаси тўланадиган ижара ҳақи суммасидан ушлаб қолинса қуйидагича проводка берилади:

Д-т 6390—"Бошқа олинган бўнаклар";

К-т 4810—"Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар".

Мисол. Лизинг компанияси 5 йил муддатга транспорт воситасини кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан "Бобур" компаниясига берди.

Транспорт воситасининг баланс қиймати — 1000000 сўм;

Лизинг бўйича шартнома баҳоси — 1600000 сўм;

Ҳар йили сотиш баҳосидан тўланадиган фоиз 5%;

Транспорт воситасининг хизмат муддати — 10 йил;

Ҳисобланган ҚҚС суммаси 100000 сўм.

Лизинг компанияси транспорт воситасининг шартнома қийматидан 15% — 240000 сўм бўнак олган. Шартнома шарти бўйича бу бўнак биринчи йилги тўланадиган ижара ҳақи суммасидан ушлаб қолинади. Ушбу муомалалар лизинг компаниясида қуйидагича акс эттирилади:

♦ лизинг компанияси транспорт воситасини мол юборувчилардан сотиб олди. Транспорт воситасининг қиймати ва сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар —1000000 сўм;

Д-т 0820—"Асосий воситаларни сотиб олиш" — 1000000 сўм;

К-т 6010—"Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" — 1000000 сўм;

♦ сотиб олинган асосий воситалар қиймати тўланди — 1000000 сўм:

Д-т 6010—"Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" — 1000000 сўм;

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 1000000 сўм;

♦ транспорт воситаси балансга қабул қилинди — 1000000 сўм:

Д-т 0160—"Транспорт воситалари" — 1000000 сўм;

К-т 0820—"Асосий воситаларни сотиб олиш" — 1000000 сўм;

♦ транспорт воситасининг шартнома баҳосидан 15% бўнак олинди:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 240000 сўм;

К-т 6390—"Бошқа олинган бўнаклар" — 240000 сўм;

♦ транспорт воситаси шартнома бўйича 5 йилга ижарага берилди. Биринчи йили қайтариладиган ижара ҳақи суммаси 320000 сўм. Қолган 4 йил ичида қайтариладиган ижара ҳақи суммаси — 1280000 сўм:

а) лизинг суммасининг жорий йилда олинадиган қисмига:

Д-т 4810—"Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар" — 320000 сўм;

К-т 9210—"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" — 320000 сўм;

б) ижара муддатининг қолган 4 йил ичида олинадиган қисмига:

Д-т 0920—"Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар" — 1280000 сўм;

К-т 9210—"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" — 1280000 сўм;

♦ молиявий лизинг бўйича ижарага берилган транспорт воситасининг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди — 1000000 сўм:

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" — 1000000 сўм;

К-т 0160—"Транспорт воситалари" — 1000000 сўм;

♦ лизингга берилган транспорт воситасининг шартнома қийматидан ҚҚС ҳисобланди — 100000 сўм:

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" — 100000 сўм;

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" — 100000 сўм;

♦ транспорт воситасини ижарага беришдан олинган даромад суммасига (9210-ҳисобварақнинг кредит қолдиғи):

а) Жорий йил даромадига ўтказиладиган суммага 100000 сўм (500000/5):

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" — 100000 сўм;

К-т 6230—"Муддати узайтирилган даромад" — жорий қисми — 100000 сўм;

б) ижара муддатининг келгуси 4 йил ичида даромадга ўтказиладиган қисмига — 400000 сўм:

Д-т 9210—"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" — 400000 сўм;

К-т 7290—"Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар" — 400000 сўм;

♦ ҚҚС суммаси бюджетга ўтказиб берилганида — 100000 сўм:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" — 100000 сўм;

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 100000 сўм.

Фоизлар қўшилган ҳолда лизинг бўйича ҳар йили тўланадиган сумма қуйидагича топилади:

Йил	Асосий қарз	Фоиз ставкаси	Муд		сумма
1	1600000	5	80000	320000	400000
2	1600000	5	80000	320000	400000
3	1600000	5	80000	320000	400000
4	1600000	5	80000	320000	400000
5	1600000	5	80000	320000	400000
Жами			400000	1600000	2000000

Иккинчи йилдан бошлаб йил бошида жорий йилда олинадиган лизинг тўловлари суммасига молиявий лизинг бўйича узоқ муддатли олинадиган тўловлар суммаси қуйидаги проводка орқали камайтириб борилади:

Д-т 4810—"Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар"

К-т 0920—"Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар".

Шу билан бирга лизинг муомаласидан олинган даромаднинг бешдан бир қисмига 7290-ҳисобварақ дебетланиб, 6210-ҳисобварақ кредитланади.

Ҳисобот даврида олинадиган ижара ҳақи суммаси 320000 сўм, шундан олинган бўнак суммаси 240000 сўм ушлаб қолинди. Қолган 80000 сўм (320000—240000) ҳисоб-китоб счётига ўтказиб берилди:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 80000 сўм;

Д-т 6390—"Бошқа олинган бўнаклар" — 240000 сўм;

К-т 4810—"Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар" — жорий қисми — 320000 сўм.

Лизинг муомаласидан олинган даромаднинг бешдан бир қисми — 100000 сўм фойдага ўтказилди:

Д-т 6230—"Муддати узайтирилган даромад" — жорий қисми — 100000 сўм;

К-т 9550—"Молияланадиган лизингдан даромадлар" — 100000 сўм.

♦ молиявий лизинг бўйича ҳисобланган йиллик фоиз суммасига — 80000 сўм:

Д-т 4830—"Олинадиган фоизлар" — 80000 сўм;

К-т 9530—"Фоизлар кўринишидаги даромадлар" — 80000 сўм;

♦ ҳисобланган фоиз суммаси ҳисоб-китоб счётига ўтказиб берилди 80000 сўм:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 80000 сўм;

К-т 4830—"Олинадиган фоизлар" — 80000 сўм.

Юқорида келтириб ўтилган муомалалар лизинг муддатининг охиригача ҳар йили такрорланади.

Лизинг шартномасига биноан 5 йил муддатга ижарага берилган транспорт воситаси бўйича биринчи йилдан сўнг 0920-ҳисобварақда кейинги 4 йил ичида олинадиган асосий қарз суммаси 1280000 сўмни ташкил этади. Қолган 4 йил ичида ҳар йили 320000 сўмдан олиб турилса, ижара муддати охирида 0920-ҳисобварақда қолдиқ қолмайди.

Иккинчи йилда лизинг компаниясининг балансида содир бўладиган муомалалар қуйидагича кўриниш олади:

♦ иккинчи йил бошида жорий йилда олинадиган лизинг тўловлари суммасига молиявий лизинг бўйича узоқ муддатли олинадиган тўловлар суммаси камайтирилади — 320000 сўм:

Д-т 4810—"Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар"— жорий қисми — 320000 сўм;

К-т 0920—"Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар" — 320000 сўм;

♦ лизинг муомаласи бўйича олинадиган даромаднинг бешдан бир қисми фойдага ўтказилди — 100000 сўм:

Д-т 7290—"Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар" — 100000 сўм;

К-т 6230—"Муддати узайтирилган даромад" — жорий қисми — 100000 сўм;

♦ Ҳисобот даврида олинадиган ижара ҳақи суммаси ҳисоб-китоб счётига ўтказилди — 320000 сўм:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 320000 сўм;

К-т 4810—"Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар" — жорий қисми — 320000 сўм.

Лизинг муомаласидан олинган даромаднинг бешдан бир қисми — 100000 сўм жорий йил фойдасига ўтказилди:

Д-т 6230—"Муддати узайтирилган даромад" — жорий қисми — 100000 сўм;

К-т 9550—"Молияланадиган лизинг бўйича даромадлар" — 100000 сўм;

♦ молиявий лизинг бўйича 2-йил учун ҳисобланган фоиз суммасига — 80000 сўм:

Д-т 4830—"Олинадиган фоизлар" — 80000 сўм;

К-т 9530—"Фоизлар кўринишидаги даромадлар" — 80000 сўм;

♦ ушбу фоиз суммаси ҳисоб-китоб счётига ўтказиб берилди — 80000 сўм:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 80000 сўм;

К-т 4830—"Олинадиган фоизлар" — 80000 сўм.

Кейинги йилларда ҳам лизинг тўловларини ҳисоблаш ушбу тартибда амалга оширилади.

Лизинг олувчи балансида лизинг муомалаларини ҳисобга олиш. Лизинг олувчи корхонада лизинг муомалаларини ҳисобга олиш тартиби билан юқорида келтирилган мисол орқали танишиб чиқамиз:

♦ транспорт воситасининг шартнома баҳосидан 15% — 240000 сўм бўнак ўтказиб берилди:

Д-т 4310—"ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар" — 240000 сўм;

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 240000 сўм;

♦ "Бобур" компанияси кейинчалик сотиб олиш шарти билан транспорт воситасини 5 йил муддатга ижарага олди. Транспорт воситасининг шартномавий баҳоси — 1600000 сўм:

Д-т 0310—"Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар" — 1600000 сўм;

К-т 7910—"Тўланадиган молиявий лизинг"нинг узоқ муддатли қисми — 1600000 сўм;

♦ йил бошида жорий йилда тўланадиган лизинг тўловлари суммасига — 320000 сўм:

Д-т 7910—"Тўланадиган молиявий лизинг"нинг узоқ муддатли қисми — 320000 сўм;

К-т 6910—"Тўланадиган лизинг"нинг жорий қисми — 320000 сўм;

♦ лизинг шартномаси бўйича олинган транспорт во-

ситасининг биринчи йилги асосий тўланмаси суммасидан олдин берилган 240000 сўм бўнак суммаси ушланиб, қолган 80000 сўм ҳисоб-китоб счётидан ўтказиб берилди:

Д-т 6910—"Тўланадиган лизинг"нинг жорий қисми — 320000 сўм;

К-т 4310—"ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар" — 240000 сўм;

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 80000 сўм;

♦ транспорт воситасининг шартнома қийматидан биринчи йили тўланадиган фоиз ҳисобланди — 80000 сўм:

Д-т 9610—"Фоизлар кўринишидаги харажатлар" — 80000 сўм;

К-т 6920—"Тўланадиган фоизлар" — 80000 сўм;

♦ ҳисобланган фоиз суммаси ҳисоб-китоб счётидан ўтказиб берилди — 80000 сўм:

Д-т 6920—"Тўланадиган фоизлар" — 80000 сўм;

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 80000 сўм;

♦ "Бобур" компаниясида лизингга олинган транспорт воситаси бўйича биринчи йили амортизация ҳисобланди — 160000 сўм (1600000/10):

Д-т 2310—"Ёрдамчи ишлаб чиқариш" — 160000 сўм

К-т 0299—"Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши" — 160000 сўм.

Кейинги 4 йил ичида тўланадиган асосий қарз суммаси 1280000 сўмни ташкил этади. Қолган 4 йил ичида ҳар йили 320000 сўмдан пул ўтказиб турилса, 7910—"Тўланадиган молиявий лизинг — узоқ муддатли қисми" ҳисобварағи бўйича сальдо қолмайди.

"Бобур" компанияси беш йил ичида шартномада кўрсатилган асосий суммани ва унинг фоизларини тўлиқ тўлаганидан сўнг, транспорт воситасини ўзининг балансига кирим қилади — 1600000 сўм:

Д-т 0160—"Транспорт воситалари" — 1600000 сўм;

К-т 0310—"Молияланадиган лизинг бўйича олинган асосий воситалар" — 1600000 сўм.

Шу билан биргаликда транспорт воситаси бўйича 5 йил давомида ҳисобланган эскириш суммаси ҳам киримга олинади — 800000 (160000×5) сўм:

Д-т 0299—"Молияланадиган лизинг шартномаси

бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши" — 800000 сўм;

К-т 0260—"Транспорт воситаларининг эскириши"— 800000 сўм.

Лизинг объектини сотувчи корхонадаги бухгалтерия ҳисоби. Лизинг объектини сотувчи корхона лизинг компанияси билан олиб бориладиган ҳисоб-китобни қуйидагича расмийлаштиради:

♦ лизинг компаниясидан жўнатиладиган лизинг объектлари қийматидан бўнак олинди — 270000 сўм:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 270000 сўм;

К-т 6310—"Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар" — 270000 сўм;

♦ лизинг объекти лизинг компаниясига жўнатилганида:

а) шартнома баҳоси — 900000 сўм;

б) ҚҚС — 100000 сўм;

Д-т 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" —1000000 сўм;

К-т 9010—"Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар" — 900000 сўм;

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" — 100000 сўм;

♦ лизинг компаниясидан юборилган лизинг объектлари учун пул келиб тушганида — 730000 сўм:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти"— 730000 сўм;

К-т 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" — 730000 сўм;

♦ бюджетга ҚҚС суммаси ўтказиб берилганида — 100000 сўм:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" — 100000 сўм;

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 100000 сўм;

♦ олдиндан олинган бўнак суммаси қопланганда — 270000 сўм:

Д-т 6310—"Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар" — 270000 сўм;

К-т 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" — 270000 сўм.

Лизинг тўловларини маҳсулот таннархига ўтказиш тартиби. "Харажатлар таркиби тўғрисида"ги Низомга биноан лизинг тўловлари ҳам харажат объекти бўлиб

ҳисобланади. Лизинг тўловларининг умумий суммаси қуйидагилардан иборат:

♦ қайтариладиган лизинг объектининг тўлиқ суммасидан лизинг шартномасига биноан сотиб олинган мулк учун олинган кредит ресурслар бўйича тўланма;

♦ лизинг берувчига тўланадиган комиссион тўланма;

♦ суғурта тўлови (агар лизинг объекти суғурта қилинса);

♦ бошқа харажатлар.

Лизинг тўловлари лизинг олувчи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархига киритилади, чунки лизинг шартномасини шаклан ижара шартномасининг бир тури деб ҳисоблаш мумкин.

Лизинг олувчи лизинг мулкини асраш, лизинг берувчи олдидаги ўз мажбуриятини суғуртаси қўшилган ҳолда объектнинг суғуртаси, шунингдек, агар шартномада бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, бу мулкдан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз ҳисобидан қилади.

Ижарага олинган асосий воситаларни сақлаб туриш харажатлари маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархига киритилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Лизинг деб нимага айтилади?
2. Лизинг предмети нима?
3. Лизинг объекти қандай унсурлардан ташкил топган?
4. Кимлар лизинг муносабатларининг субъекти бўлиши мумкин?
5. Лизинг муомалаларининг қандай кўринишлари мавжуд?
6. Лизинг олувчи балансида лизинг муомалалари қандай акс эттирилади?
7. Лизинг берувчида лизинг муносабатларини акс эттиришнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

9-боб. НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ

9.1. Номоддий активлар ҳисобининг вазифалари

Ўзбекистон Республикасининг негизида мулкнинг давлат шакли бўлган режали иқтисодиётдан хўжалик юритишнинг бозор моделига ўтиш жараёнида янги мулк шакллари, жумладан хусусий мулкнинг пайдо бўлиши сабабли бухгалтерия ҳисоби тизимида ҳам туб ўзгаришлар қилиш зарурияти туғилди.

Ҳисобнинг ҳар бир бўлими ва аналитик услубларнинг кўпчилиги амалда назарий, услубий ёндошишни ва асослашни талаб қилади. Бозор иқтисодига ўтиш билан ҳисобда юзага келган муаммоларни ечиш йўллари ҳамда фойдаланиладиган тушунчаларнинг доираси кенгайди. Лекин бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари, уларнинг моҳияти ва мақсади ўзгармасдан қолди. Молиявий ҳисоботларнинг элементлари бўлган актив ва пассивларнинг янги кўринишлари, уларни баҳолаш услублари, молиявий натижаларни ҳисоб-китоб қилиш ва харажатларни ҳисобга олиш йўллари, ахборотларни туркумларга ажратувчи ҳисобварақлар режасининг янги кўриниши ўз ифодасини топди. Айниқса, бухгалтерия ҳисоби тизимида янги тушунча номоддий активлар, яъни "кўринмас активлар" (***intangible assets***)ни баҳолаш, ҳисобга олиш, амортизацияни ҳисоблаш усуллари, шунингдек ликвидация қилиш тартибларини баён қилишни тақозо этади.

Номоддий ёки "яширин" активлар таркибига жисмоний, ошкора шаклига эга бўлмаган, лекин хўжалик юритувчи субъектга даромад келтирувчи маблағлар киритилади. Номоддий активлар ҳисоби бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун ва бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида, хусусан, "Номоддий активлар" ҳамда "Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб

чиқаришга харажатлар" деб номланган 7- ва 11-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида баён этилади.

"Номоддий активлар" номли 7-сон БҲМАга мувофиқ, **номоддий активлар** — моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган, хўжалик юритувчи субъект томонидан хўжалик фаолиятида фойдаланиш мақсадида назорат қилинадиган, шунингдек узоқ вақт (бир йилдан кўп) ишлатиш учун мўлжалланган мол-мулк объектлари.

Номоддий активлар таркибига жисмоний, ошкора (кўриниб турадиган) шаклга эга бўлмаган, лекин корхонага даромад келтирадиган воситалар киради.

Умумий тарзда номоддий активлар деганда саноат ва ақлий мулк объектларининг қиймати, мулк ҳуқуқи объекти сифатида тан олинадиган бошқа шунга ўхшаш мулкий ҳуқуқлар, шунингдек, узоқ муддатли чиқимлар тушунилади.

Номоддий активлар таърифи активдан хўжалик фаолиятида фойдаланилиши ва жисмоний моҳиятга эга бўлмаслиги (пул эмаслиги)ни тақозо қилади. Активларни юридик ҳуқуқлар, шу жумладан, мулк ҳуқуқи тарзида бўлган ва улардан узоқ муддат давомида фойдаланиш мумкин бўлган ҳолда жисмоний кўринишга эга бўлмаган активлар номоддий активлар таърифига жавоб беради.

Активнинг юридик ҳуқуқини белгилайдиган шартнома ушбу ҳуқуқ билан ифодалаш йўли билан белгиланиши мумкин эмас. Бундай активлар муҳим эканлигини белгилаш учун хўжалик юритувчи субъектга ушбу активдан қандай фойдалар олинишини аниқлаш имконини берадиган бир қатор омилларни ҳисобга олиш лозим.

Хўжалик юритувчи субъект хўжалик фаолияти жараёнида номоддий активларни харид қилиш, ривожлантириш ва кўпайтириш бўйича мажбуриятлар олади. Корхонанинг номоддий активлари таркибида патентлар, лицензиялар, ақлий мулк ва савдо маркалари акс эттирилади. Танҳо ҳуқуқлар, компьютер дастурларини таъминлаш, муаллифлик ҳуқуқлари, мижозларнинг рўйхатлари, лицензиялар, маркетинг ҳуқуқлари, импорт квоталари, ташкилий харажатлар (янги хўжалик юритувчи субъектни барпо этиш харажатлари яъни бош-

лаш харажатлари), ноу-хау, бозор тўғрисидаги билим, техник кўникмалар ва бошқалар амалиётда учрайдиган номоддий активга оддий мисоллар бўлади.

Бухгалтерия ҳисобида номоддий активларни ҳисобга олишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

♦ номоддий активларни бошқа активлардан ажратилган ҳолда гуруҳларга бўлиб, уларни ҳисобга олишни ташкил қилиш;

♦ номоддий активларни жорий ҳисобда ва бухгалтерия балансида тегишли андозаларга ҳамда меъёрий ҳужжатларга асосан тўғри ва ўз вақтида баҳолаш;

♦ корхонага мавжуд ва камёб тушган номоддий активлар бўйича бухгалтерия ҳисоби андозаларига ва меъёрий ҳужжатларга асосан амортизация ҳисоблаш;

♦ мавжуд номоддий активлардан зарур жойда тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан самарали фойдаланишни ташкил қилиш;

♦ эскирган, хўжалик учун ошиқча бўлган номоддий активларни ўз вақтида ҳисобдан чиқаришни таъминлаш;

♦ ҳисобдан чиқарилган номоддий активлар бўйича молиявий натижаларни тўғри ва ўз вақтида аниқлаш.

9.2. Номоддий активларни туркумлаш ва баҳолаш

Бухгалтерия ҳисобида номоддий активларни ҳисобга олишни соддалаштириш мақсадида уларни туркумлаб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Амалиётда номоддий активларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

♦ **Патентлар** — корхона томонидан муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун фойдаланиладиган, қонун билан ҳимояланган гувоҳнома ҳисобланади. Патент корхона томонидан белгиланган меъёрий ҳужжатлар асосида сотиб олинади;

♦ **Ноу-хау** — ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти давомида фойда келтирувчи янги технологиялардир. Уни таъсисчилар келишувида аниқланган қиймат бўйича корхона устав капиталига улуш ҳисобида киритиш мумкин. Ноу-хау техник, тижорат, бошқарув, молия каби характердаги техник билим ва амалий характердаги бошқа билимларни ўз ичига олади;

♦ **Товар белгилари, савдо маркалари ва атамалари** — белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда бошқа фирмалар томонидан рухсат берилмаган тарзда фойдаланишдан қонун билан муҳофаза қилинган корхоналар номи ва бу корхоналар маҳсулотларининг номлари;

♦ **Саноат намуналари** — ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги буюмлар ва халқ истеъмоли товарларининг ташқи қиёфасини белгилайдиган бадиий-конструкторлик ечимларидан фойдаланиш ҳуқуқи. Саноат намуналарига ҳажмий модель (автомобиль, станок, мебель ва ҳоказо) ёки ясси тасвир-саноат нақшлари (газлама, гилам гуллари, шрифт шакли ва ҳоказо) мисол бўла олади;

♦ **Дастурий таъминот** — техник дастур воситалари, автоматлаштирилган бошқариш тизими бўйича техник ва фойдаланиш ҳужжатлари йиғиндиси;

♦ **Гудвилл** — корхонани харид қилиш чоғида юзага келади ва сотиб олинаётган корхона учун ҳақ ҳамда унинг соф (мажбуриятларини чегирган ҳолдаги) активларининг баҳоловчи (бозор) қиймати ўртасидаги фарқ;

♦ **Ташкилий харажатлар** — янги хўжалик юритувчи субъектни барпо этиш харажатлари, яъни ишни бошлаш харажатлари;

♦ **Франшизалар** — бир корхона томонидан бошқасига унга қарашли активлардан, шу жумладан, савдо маркалари ва атамалари каби номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқининг берилиши, бунинг устига, бевосита белгиланиши бўйича мазкур активлардан фойдаланиш ҳамда тақдим этиладиган хизматлар (товарлар)нинг белгиланган сифат стандартларига риоя қилиш бундай ҳуқуқ берилишларининг мажбурий шарти ҳисобланади;

♦ **Муаллифлик ҳуқуқлари** — илмий, адабий, мусиқа ёки бошқа асарларни нашр қилиш, ижро этиш ёки бошқа турдаги фойдаланиш ҳуқуқи;

♦ **Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи** — хўжалик ёки бошқа мақсадларда ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишни таъминловчи ҳуқуқ, аммо ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазкур ер участкасини мулк қилиб олишни билдирмайди.

Номоддий активларни баҳолашда "Номоддий активлар" номли 7-сон БҲМАга асосланилиш лозим. Номоддий активларни баҳолашда қуйидаги баҳо (қиймат)лардан фойдаланилади:

- дастлабки қиймат;
- сотиш қиймати;
- тугатиш қиймати;
- ҳолдиқ қиймати;
- ўрнини қоплаш қиймати.

Дастлабки қиймат — активни харид қилишда ҳақиқатда тўланган пул маблағлари ёки уни барпо этишда амалга оширилган ҳақиқий харажатлардир. Харид қилишнинг ҳақиқий қиймати номоддий активни харид қилиш ва уни ишлатиш учун тайёр ҳолга келтиришда қилинган барча харажатларни, яъни: харид нархи, юридик йиғимлар ва бошқа харажатларни ўз ичига олади. Ташкилот текинга олган номоддий активларнинг дастлабки қиймати эксперт йўли билан бозор нархида баҳоланган қиймат бўйича тан олинади. Текинга олинган номоддий актив кирим қилинган санада амал қилган нарх асосида жорий бозор қиймати шакллантирилади. Амалдаги нарх тўғрисидаги маълумотлар ҳам ҳужжатлар ва эксперт йўли билан тасдиқланиши керак.

Сотиш қиймати номоддий активларни битим пайтида манфаатдор тарафлар ўртасида айирбошлаш мумкин бўлган суммадир.

Тугатилиш қиймати чиқиб кетишга доир кутилаётган харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда активнинг фойдали хизмати натижасида уни тугатиш пайтида пайдо бўладиган активларнинг тахмин қилинаётган қийматидир.

Қолдиқ қиймати актив ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириладиган жамғарилган амортизацияни чиқариб ташланган ҳолда номоддий активларнинг дастлабки ёки жорий қийматидир.

Ўрнини қоплаш қиймати корхона активдан кейинчалик фойдаланиш ҳисобига қоплашни мўлжаллаётган сумма, шу жумладан тугатилиш қиймати.

Номоддий актив пулга харид қилинса, унинг қиймати контрактда иккиламчи бозорда фаол ишлаётган шу сингари активга аниқланган бозор нархи бўйича кўрсатилиши мумкин.

Номоддий актив хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан яратилган ва уни яратиш чиқимларини аниқ белгилаш мумкин бўлган ҳолларда номоддий актив ҳақиқий таннарх бўйича акс эттирилади.

Номоддий актив қийматини белгилаш мумкин бўлган ҳолларда у актив сифатида алоҳида модда билан акс эттирилмайди.

Корхона томонидан гудвилл актив сифатида акс эттирилмайди, чунки у корхонани сотиб олиш пайтида харид қилиш нархи билан мазкур субъектни ташкил қилувчи активларнинг ҳақиқий нархи ўртасидаги тафовут сифатида юзага келади.

Баъзи вақтларда номоддий активларни қайта баҳолашга эҳтиёж туғилади. Номоддий активни қайта баҳолаганда номоддий активнинг бутун занжири қайта баҳоланиши керак. Қайта баҳолаш натижасида номоддий актив баланс қиймати кўпайган ҳолда ушбу кўпайиш аввалги баҳодан ошадиган суммада "Захира сармоя" ҳисобварағининг кредитида акс эттирилиши лозим. Қайта баҳолаш натижасида номоддий активнинг баланс қиймати камайган бўлса, бу камайиш аввалги баҳодан ошадиган суммада харажат сифатида тан олинади.

9.3. Номоддий активлар киришини ҳисобга олиш

Номоддий активларни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳисобварақлар очилган:

0410—"Патентлар, ноу-хау ва лицензиялар"

0420—"Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари"

0430—"Дастурий таъминот"

0440—"Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи"

0450—"Ташкилий харажатлар"

0460—"Франшизалар"

0470—"Муаллифлик ҳуқуқлари"

0480—"Гудвилл"

0490—"Бошқа номоддий активлар".

Номоддий активларнинг кирим қилиниши қуйидаги кўринишларда бўлади:

- корхона томонидан яратилиши;
- бошқа корхоналардан сотиб олиш;

♦ текинга олиш;

♦ номоддий активни муассислар томонидан корхонанинг устав капиталига уларнинг улуши тарзида ёки акцияларнинг ҳақини тўлаш ҳисобига киритиш.

Номоддий активларни кирим қилишда қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

♦ номоддий активлар корхона томонидан яратилганида — номоддий активни барпо этиш тўғрисидаги шартнома; корхона раҳбарининг барпо этилган объект тўғрисидаги ҳужжатларга махфийлик мақомини бериш ва бу ҳужжатлардан фойдаланувчилар доирасини чеклаб қўйиш йўли билан объектни ноу-хау сифатида хизмат ёки тижорат сири режимини таъминлаш тўғрисидаги муҳофаза ҳужжати; объектни барпо этишга кетган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар; объектни кирим қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома ва баҳолаш далолатномаси;

♦ пулга сотиб олинган тақдирда — ҳуқуқлар берилганлиги тўғрисидаги шартнома, амалга оширилган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар, қабул қилиб олиш далолатномаси;

♦ текинга олинган тақдирда — ҳуқуқлар берилганлиги тўғрисидаги шартнома, қабул қилиб олиш далолатномаси ва баҳолаш далолатномаси;

♦ номоддий активни муассислар томонидан корхонанинг устав фондига уларнинг улуши тарзида ёки акцияларнинг ҳақини тўлаш ҳисобига киритилганида — таъсис ҳужжатлари, қабул қилиб олиш далолатномаси ва баҳолаш далолатномаси.

Тегишли шартномалар асосида корхона мутахассислари ва четдан жалб этилган мутахассислар кучи билан барпо этилган номоддий активлар объектлари 0830—"Номоддий активларни сотиб олиш" ҳисобварағининг кредити билан корреспонденцияда 0410-0490-ҳисобварақлар дебети бўйича ҳақиқий таннархига қараб номоддий активлар сифатида кирим қилинади.

Бошқа корхона ва шахслардан сотиб олинган номоддий активлар 0830—"Номоддий активларни сотиб олиш" ҳисобварағининг кредити билан корреспонденцияда 0410—0490-ҳисобварақлар дебети бўйича кирим қилинади.

Мисол. "Бобур" ҳиссадорлик жамияти 2001 йил сентябрь ойида қиймати 500000 сўмлик дастурий таъминотни ўзга ташкилотдан сотиб олди ва уни балансга қабул қилиб олди. Ушбу муомалага ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

♦ номоддий актив харид қилинди:

Д-т 0830—"Номоддий активларни сотиб олиш" — 500000 сўм;

К-т 6990—"Бошқа мажбуриятлар" — 500000 сўм.

♦ Номоддий актив балансга қабул қилинди:

Д-т 0430—"Дастурий таъминот" — 500000 сўм

К-т 0830—"Номоддий активларни сотиб олиш" —500000 сўм.

Бошқа корхона ёки жисмоний шахслардан текинга, шунингдек, ҳукумат органларининг субсидияси сифатида олинган номоддий активлар 8530—"Текинга олинган мол-мулк" ҳисобварағи билан корреспонденцияда 0410—0490-ҳисобварақлар дебети бўйича кирим қилинган санада эксперт йўли билан, бозор қиймати бўйича белгиланган баҳода акс эттирилади.

Таъсисчилар устав фондига улуш сифатида киритган ёки акциялар ҳақини тўлаш ҳисобига берган номоддий активларни кирим қилиш 4610—"Муассисларнинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзлари" ҳисобварағи кредити ҳамда 0410—0490-ҳисобварақлар дебетида акс эттирилади.

9.4. Номоддий активлар амортизацияси (эскириши) ҳисоби

Амортизация номоддий активнинг фойдали хизмат муддати давомида амортизация қийматини мунтазам равишда тақсимлаш ва кўчириш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодасидир. Номоддий активларнинг амортизация қиймати тахмин қилинаётган тугатилиш қийматини чиқариб ташлаган ҳолда активнинг дастлабки қиймати ёки молиявий ҳисоботларда кўрсатилган қиймат ўрнини босадиган бошқа қийматнинг суммасидир.

Номоддий активларга эскириш ҳисоблашда "Номоддий активлар" номли 7-сон БҲМАга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига амал қилиш лозим.

"Номоддий активлар" номли 7-сон БҲМАга асосан номоддий активнинг амортизация қиймати унинг фойдали хизмат муддатидан ошмаган ҳолда, фойдали хизмат муддатини белгилаш мумкин бўлмаган пайтда 5 йилни ҳисобга олиб (лекин корхонанинг фаолият муддатидан ошмаган ҳолда) мунтазам асосда тақсимланиши керак.

Қуйидаги номоддий активларга амортизация ҳисобланмайди:

♦ ҳақиқий эмас (ишламайдиган) деб топилган ва ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайдиган номоддий активлар;

♦ корхонага тегишли бўлмаган, лекин ҳуқуқ эгаси томонидан лицензия шартномаси ёки бошқача шартнома (танҳо бўлмаган лицензия) бўйича берилган ва балансдан ташқари ҳисобварақда ҳисобга олинадиган номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқи асосида корхона фойдаланаётган номоддий активлар;

♦ корхонага тегишли товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига эгалик ҳуқуқи, шунингдек вақт ўтиши билан уларнинг истеъмол хусусияти ўзгармайдиган товар чиқарилган жой номига эгалик ҳуқуқи;

♦ гудвилл.

Амортизацияланувчи қиймат мунтазам равишда номоддий активни фойдали ишлатишнинг бутун даврига тақсимланади. Амортизация турли хил усулларни қўллаш йўли билан амалга оширилади: тўғри чизиқли усул, камайиб борувчи қолдиқ усули ва ҳосил қилинган бирликлар суммаси амортизацияни ҳисоблаб ёзиш усули киради.

Тўғри чизиқли усул номоддий активни фойдали ишлатишнинг бутун даври мобайнида эскиришнинг доимий суммаларини ҳисоблаб ёзишдан иборат.

Камайиб борувчи қолдиқ усули бўйича мунтазам ҳисоблаб ёзилаётган суммалар фойдали ишлатиш муддати давомида камаяди.

Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаб ёзиш усулига биноан амортизация миқдори фақат номоддий актив қанча марта ишлатилишига ёки қанча маҳсулот бирлиги ишлаб чиқарилиши кутилаётганига боғлиқ бўлади.

Тўғри чизиқли усул. Амортизацияни ҳисоблаб ёзиш усулларидан бирортасини қўллашни аниқлаш қийин бўлган ҳолларда ҳисоблаб ёзишнинг тўғри чизиқли усулидан фойдаланилади.

Амортизацияни ҳисоблашда унинг тугатилиш қийматига эътибор бериш лозим. Агар бошқа суммани ишончли тарзда ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлмаса, номоддий активнинг қолдиқ қиймати нолга тенг бўлади.

Мисол. "Бобур" ҳиссадорлик жамиятида номоддий активга эскириш ҳисоблаш бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:

♦ Номоддий активнинг баланс қиймати — 10000 минг сўм;

♦ Тугатилиш қиймати — 1000 минг сўм;

♦ Хизмат муддати — 5 йил.

Йиллик амортизация суммаси = (10000-1000)/5= 1800 минг сўм.

Амортизацияни тўғри чизиқли усулда ҳисоблаш жадвали

...лар	Баланс қиймати	Йиллик ...а-...и	Жамғарил-ган аморти-зация	Қолдиқ қиймати
1-йил	10000	1800	1800	8200
2-йил	10000	1800	3600	6400
3-йил	10000	1800	5400	4600
4-йил	10000	1800	7200	2800
5-йил	10000	1800	9000	1000

Бажарилган иш ҳажмига кўра амортизация ҳисоблаш.

Корхонада шу давр мобайнида 90000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 1-йилда — 20000, 2-йилда — 30000, 3-йилда — 10000, 4-йилда — 20000, 5-йилда — 10000 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бажарилган иш ҳажмига кўра амортизация ҳисоблаш жадвали

Йиллар	Баланс қиймати	Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдиқ қиймати
1-йил	10000	20000	2000	2000	8000
2-йил	10000	30000	3000	5000	5000
3-йил	10000	10000	1000	6000	4000
4-йил	10000	20000	2000	8000	2000
5-йил	10000	10000	1000	9000	1000

Қолдиқли камайиш усулида амортизация ҳисоблаш. Бу усулда амортизация ҳисоблашда амортизация меъёри 2 ҳиссага орттирилади ва амортизация меъёри 40%(2×20%)га тенг бўлади.

Қолдиқли камайиш усулида амортизация ҳисоблаш жадвали

Йиллар	Баланс қиймат	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдиқ қиймати
1-йил	10000	(40%×10000)=4000	4000	6000
2-йил	10000	(40%×6000)=2400	6400	3600
3-йил	10000	(40%×3600)=1440	7800	2160
4-йил	10000	(40%×2160)=864	8704	1296
5-йил	10000	296	9000	1000

Номоддий активлар бўйича амортизация ажратмалари улар ҳисоблаб ўтказилган ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирилади. Номоддий активларнинг айрим объектлари бўйича ажратмалар тегишли суммаларни жамғариш йўли билан ёки объектларнинг дастлабки қийматини камайтириш йўли билан бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Номоддий активлар эскиришининг ҳисобланган суммаси ишлаб чиқариш харажатлари (муомала харажатлари, маъмурий харажатлар, сармоя қўйиш)ни ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети ва 0510—0590-ҳисобварақлар кредитига киритилади.

Корхоналар тегишли номоддий активлар бўйича жамғарилган амортизация тўғрисидаги ахборотни қуйидаги ҳисобварақларда акс эттиради:

0510—"Патентлар, ноу-хау ва лицензияларнинг эскириши";

0520—"Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг эскириши";

0530—"Дастурий таъминотнинг эскириши";

0540—"Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқининг эскириши";

0550—"Ташкилий харажатларнинг эскириши";

0560—"Франшизаларнинг эскириши";

0570—"Муаллифлик ҳуқуқларининг эскириши";

0590—"Бошқа номоддий активларнинг эскириши".

Ушбу ҳисобварақларнинг кредитида ҳисобланган эскириш суммалари, дебетида эса номоддий активларнинг чиқиб кетишида ҳисобланган эскириш суммаларининг ўчирилиши акс эттирилади.

Мисол. Корхонада сентябрь ойида ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун номоддий активлардан фойдаланилиши натижасида 5600 сўм эскириш ҳисобланди. Ушбу муомалага қуйидагича проводка берилади:

Д-т 2010—"Асосий ишлаб чиқариш" — 5600 сўм;

К-т 0530—"Дастурий таъминотнинг эскириши" — 5600 сўм.

Корхонада шу ой мобайнида мавжуд лицензия учун маъмурий харажатлар ҳисобига 3200 сўмлик эскириш ҳисобланди. Ушбу муомалага ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9420—"Маъмурий-бошқарув харажатлари" — 3200 сўм;

К-т 0510—"Патентлар, ноу-хау ва лицензияларнинг эскириши" — 3200 сўм.

9.5. Номоддий активларни ҳисобдан чиқаришни ҳисобга олиш

Маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизмат кўрсатиш ёхуд ташкилотни бошқариш учун фойдаланилмаётган номоддий активлар объектларининг қиймати бухгалтерия балансидан ҳисобдан чиқарилиши керак.

Қуйидаги хўжалик операциялари натижасида номоддий активлар объектларининг қиймати корхона активлари таркибидан чиқиб кетади:

♦ реализация, яъни ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартнома асосида иқтисодий маънода сотганда ва юридик маънода эгалик ҳуқуқи тўхтатилганида;

♦ бундан буён фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабларига кўра ҳисобдан чиқарилганида;

♦ номоддий активнинг амал қилиш муддати тугагач ҳисобдан чиқарилганида;

♦ бошқа корхоналарнинг устав капиталига улуш сифатида қўшилганида;

♦ ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартнома асосида бошқа шахсларга текин топширилганида.

Номоддий активларни ҳисобдан чиқарилиши билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

♦ эгалик қилиш ҳуқуқи бошқаларга берилганида — ҳуқуқни бошқа бировга бериш тўғрисидаги шартнома, ҳақ олинганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати ва бошқа ҳужжатлар, ҳуқуқни бошқаларга бериш қийматини баҳолаш тўғрисидаги мустақил баҳоловчи хулосаси, чиқиб кетиш далолатномаси;

♦ амал қилиш муддати тугатилганлиги туфайли ҳисобдан чиқарилганида — ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатнома;

♦ бошқа корхоналарнинг устав капиталига қўйганида — таъсис ҳужжатлари, фойдаланиш ҳуқуқини бошқа бировга бериш тўғрисидаги шартнома, фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш қийматини баҳолаш тўғрисидаги мустақил баҳоловчи хулосаси, фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги шартнома бўйича қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси, чиқиб кетиш далолатномаси;

♦ текинга берилган тақдирда — фойдаланиш ҳуқуқини бошқа бировга бериш тўғрисидаги шартнома, фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги шартнома бўйича қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси, чиқиб кетиш далолатномаси.

Номоддий активлар чиқиб кетганида уларнинг дастлабки қиймати номоддий активларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари кредитидан 9220—"Бо-

шқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади. Номоддий активларни четга сотишдан тушган тушум 9220—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобварағи кредити бўйича 4890—"Бошқа шахсларнинг қарзлари-жорий қисми" ва 0990—"Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари" ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Номоддий активлар чиқиб кетганида улар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси 0510—0590-ҳисобварақлари дебетидан 9220-"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобварағи кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Мисол. "Бобур" ҳиссадорлик жамиятида май ойида дастурий таъминот ҳисобдан чиқарилди: баланс қиймати 200000 сўм, эскириш қиймати 150000 сўм. Номоддий активнинг сотиш қиймати 80000 сўм. Молиявий натижани аниқлаб, муомалага қуйидагича проводка берамиз:

♦ дастурий таъминотнинг сотиш қийматига:

Д-т 4890—"Бошқа шахсларнинг қарзлари-жорий қисми" — 80000 сўм;

К-т 9220—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 80000 сўм.

♦ баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 9220—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 200000 сўм;

К-т 0430—"Дастурий таъминот" — 200000 сўм.

♦ эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 0530—"Дастурий таъминотнинг эскириши" — 150000 сўм;

К-т 9220—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 150000 сўм.

♦ дастурий таъминотни сотишдан фойда олинди (80000+150000—200000)=30000 сўм:

Д-т 9220—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 30000 сўм;

К-т 9320—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетишидан олинган фойда" — 30000 сўм.

Агарда корхона дастурий таъминотни 40000 сўмга сотганида, молиявий натижа қуйидагига тенг бўлар эди:

♦ дастурий таъминотнинг сотиш қийматига;

Д-т 4890—"Бошқа шахсларнинг қарзлари-жорий қисми" — 40000 сўм;

К-т 9220—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 40000 сўм.

♦ баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 9220—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 200000 сўм;

К-т 0430—"Дастурий таъминот" — 200000 сўм.

♦ эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 0530—"Дастурий таъминотнинг эскириши" — 150000 сўм;

К-т 9220—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 150000 сўм.

♦ дастурий таъминотни сотишдан зарар кўрилди (40000+150000—200000)=10000 сўм:

Д-т 9430—"Бошқа операцион харажатлар" — 10000 сўм;

К-т 9220—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 10000 сўм.

9.6. Гудвилл ҳисоби

Гудвилл компания ишбилармонлик алоқаларининг шартли қиймати, жамғарилган номоддий активлар "баҳоси", сезилмайдиган сармоя — савдо маржасининг нуфузи, амалий алоқалар тажрибаси, мижозларнинг, шунингдек бошқарув, ташкилий ва техника ресурсларининг муқимлиги, молия дунёсидаги нуфуз, маҳсулот сотиш фаолияти устидан назорат механизми ва шу кабиларни пул ҳисобида "баҳолаш"ни англатади.

Гудвилл корхона мулкини баҳолашнинг пинҳона имкониятларини аниқлашга қаратилиб, объектнинг узил-кесил баҳолаш қийматини аниқлаш чоғида ундан фойдаланиш мажбурийдир.

Гудвилл муомалаларида сотиб олинаётган корхонани баҳолашда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

♦ инвесторлар учун корхона жойлашувининг фойдалилигига;

♦ меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва қийматига;

♦ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга (кўрсатилаётган хизматларга) бўлган талабга;

♦ ривожланиш ва иқтисодий кўрсаткичларни ўзгартириш истиқболларига ва бошқа омилларга.

Бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан гудвилл (фирма баҳоси) харидор сотиб олинаётган корхона учун

мазкур корхона активларини алоҳида сотиб олинганида юзага келадиган активларнинг ҳақиқий бозор қийматидан юқори нархда тўлаган ҳолатида юзага келади. Агар харидор айрим объектларнинг ҳақиқий қийматидан (харид қилинаётган корхона мажбуриятларини чегирган ҳолда) юқори нарх тўлаган бўлса, у ҳолда сезилмайдиган (кўзга кўринмайдиган) активлар юзага келади, бундан эса бу ортиқча тўлов "фирма баҳоси"-ни ташкил қилади деган хулоса чиқариш мумкин. Яъни, гудвилл фақатгина корхонанинг яхлит олди-сотдисида акс эттирилиши мумкин, чунки у мустақил ҳисоб бирлигига ажратилмайди ҳамда корхонанинг бошқа активлари билан биргаликдагина амал қилади.

Гудвиллнинг юзага келиш сабаблари турли хил бўлиши мумкин. Энг кўп учрайдиганлари жумласига, одатда, самарали реклама сиёсати, алоҳида таъсирчан сотиш тизими, бошқарув гуруҳининг устун рақобатчилари мавжудлиги, компаниянинг қулай ёки имтиёзли меъёрий-ҳуқуқий иш режими ва солиққа тортиш шартлари, рақобатчилар эгаллаб ололмайдиган ишлаб чиқариш сирларидан фойдаланиш, ходимларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасини оширишга оид ноёб дастурни ўтказиш ва бошқаларни айтиб ўтиш лозим. Мазкур омилларнинг санаб ўтилиши гудвиллнинг корхонанинг бутун фаолияти давомида амал қилишидан, бироқ у фақатгина корхона сотилишида, фирма харид қилинаётган баҳо — объектив маълумот асосидаги уни баҳолаш имконияти мавжуд бўлган ҳолатдагина акс эттирилишидан далолат беради.

Айрим ҳолларда гудвилл манфий миқдорга эга бўлади. Бу ҳол харид қилинган компания активлари қиймати унинг харид баҳосидан ортиқ бўлганида юзага келади. Бундай вазиятлар камдан-кам ҳолларда учрайди, мазкур ҳолатда эса манфий гудвилл суммаси қимматли қоғозларга инвестицияларни истисно қилган ҳолда, фирманинг узоқ муддатли активлари қийматига мутаносиб равишда тақсимланади.

Гудвилл бухгалтерия ҳисобида 0480—"Гудвилл" ҳисобварағида ҳисобга олинади. Корхона томонидан гудвилл кирим қилинаётганда, активларнинг ҳақиқий ва харид қийматлари орасидаги фарққа қуйидагича проводка берилади:

Д-т 0480—"Гудвилл";
К-т 8330—"Пайлар ва улушлар".

Гудвиллга бошқа турдаги номоддий активлар каби эскириш ҳисобланмайди. Шу боисдан у ишлатилганида бошланғич қийматидан ҳар ойда муайян сумма харажатларга қўшилади. Бу муомалага ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

Д-т Харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар;
К-т 0480—"Гудвилл".

Номоддий актив айрим объектларига эгалик ҳуқуқининг амал қилиш муддатлари

Номоддий актив объектлари	Ҳуқуқ амал қила бошлаган вақт	Асосий муддат (йил)	Узайтирилгандан кейинги қўшимча муддат (йил)
Ихтиро	Биринчилик вақтидан	20 (патент бўйича) 5 (дастлабки патент бўйича)	Кўзда тутилмаган
Саноат намунаси	Биринчилик вақтидан	5	Кўпи билан 5 йил
Товар белгиси	Биринчилик вақтидан	10	Ҳар гал 10 (энг кўп муддати чекланмаган)
ЭҲМ учун дастур	У қачон чиқарилганидан қатъий назар, 3-шахслар фойдалана оладиган объектив шакл берилган пайтдан бошлаб	Муаллифнинг бутун ҳаёти мобайнида	+50
Муаллифлик ҳуқуқи	Қачон эълон қилинганидан қатъий назар, асарга 3-шахслар фойдалана оладиган объектив шакл берилган санадан бошлаб	Муаллифнинг бутун ҳаёти мобайнида	+50
Ноу-хау	Ноу-хауга 3-шахслар фойдалана оладиган объектив шакл берилган ва ноу-хауга тааллуқли ахборот махфийлигини сақлаш чоралари кўрилган санадан бошлаб	Муддатсиз (махфий сақлаш муддатига қараб)	

Такрорлаш учун саволлар

1. Номоддий активлар деб нимага айтилади?
2. Номоддий активларнинг қандай турлари мавжуд?
3. Номоддий активлар қандай баҳоларда баҳоланади?
4. Номоддий активлар ҳаракати билан боғлиқ муомалалар бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади?
5. Номоддий активларга эскириш ҳисоблашда қайси усуллар қўлланилади?
6. Бухгалтерия ҳисобида гудвиллни акс эттиришнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

10-боб.

УЗОҚ МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ

10.1. Узоқ муддатли молиявий инвестицияларнинг моҳияти ва уларни ҳисобга олишнинг вазифалари

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан корхона, ташкилот ва муассасаларда мавжуд маблағлардан самарали фойдаланиш, корхона ихтиёридаги активларнинг самарадорлигини максимал даражада кўтариш асосий вазифа бўлиб ҳисобланади. Чунки маблағлардан самарали фойдаланиш корхона активлари унумдорлигини оширишда ва бу орқали максимал даражада фойда олишда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтказиш ва тармоқлар иқтисодини изчил ривожлантириш инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир. Бугунги кунда инвестицияларни бозор иқтисодиётига мослаштириш ва инвестицион фаолиятни бошқариш ўзгача ёндашишларни талаб этмоқда. Чунки хўжалик юритишнинг замонавий йўлини танлаш инвестицион сиёсатни ҳам тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Инвестицион сиёсатни амалга оширишда бозор муносабатларига мос дастаклардан фойдаланиш, яъни инвестицион жараён қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериш; мамлакатда инвесторлар учун тўлақонли рақобатни таъминлаш; молиявий, моддий ва ақлий бойликларни бошқаришда батамом эркин ҳаракат қилиш ва шунга тенглаштирилган тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Инвестиция инглизча *investment* сўзидан олинган бўлиб, сармоя қўйиш деган маънони англатади. Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига биноан, **инвестициялар** — иқтисодий ва бошқа фаолият объектлари-

га киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар.

Инвестицияларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги турлари мавжуд:

- Реал инвестициялар;
- Молиявий инвестициялар;
- Интеллектуал инвестициялар.

Реал инвестициялар — бу корхона асосий воситаларини вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялардир. Бухгалтерия ҳисобида бу турдаги инвестициялар капитал қўйилмалар сифатида эътироф этилади.

Молиявий инвестициялар — даромад олиш (худди фоизлар, роялти, дивидендлар ва ижара ҳақи сингари) ва асосий капитал қийматини кўпайтириш мақсадида унинг тасарруфида бўлган корхона активларидир.

Интеллектуал инвестициялар — бу корхонанинг интеллектуал бойликларни харид қилишга сарфлаган маблағларидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий инвестициялар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Молиявий инвестициялар юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрида мавжуд бўлган бўш пул маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Молиявий инвестициялар муддатига кўра қисқа муддатли ва узоқ муддатли бўлади.

Узоқ муддатли молиявий инвестициялар — бу узоқ муомала муддатига эга (12 ойдан ортиқ) активларнинг сотиб олинишига оид инвестициялардир.

Қисқа муддатли молиявий инвестициялар — ўзида муомала муддати 12 ойдан ошмайдиган, енгил сотиладиган молиявий активларнинг харид қилинишига оид инвестициялардир.

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни ҳисобга олишнинг вазифалари қуйидагилардир:

- узоқ муддатли молиявий инвестицияларни ва улар бўйича олинган даромадларни ўз вақтида ва тўғри аниқлаш;
- узоқ муддатли молиявий инвестициялар учун ажратилган маблағларни ўз вақтида ҳисобдан чиқаришни таъминлаш;

♦ узоқ муддатли молиявий инвестицияларни ҳисобга олишда БҲМАларини кенг қўллаш;

♦ узоқ муддатли молиявий инвестициялардан олинган даромадларнинг корхона молиявий натижаларида акс эттирилишини таъминлаш;

♦ узоқ муддатли молиявий инвестициялардан олинган даромадлардан бюджетга тегишли қисмини амалдаги меъёрий ҳужжатларга, Солиқ Кодексининг талабига мувофиқ тўғри ҳисоблашни ташкил қилиш, бюджетга тегишли қисмини ўз вақтида ўтказишни таъминлаш;

♦ узоқ муддатли молиявий инвестициялар ҳисобига келиб тушган маблағлардан корхонани кенгайтириш, ривожлантириш ва корхона жамоаси эҳтиёжи учун ишлатишни таъминлаш.

10.2. Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни туркумлаш ва баҳолаш

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олишни енгиллаштириш учун қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

♦ Қимматли қоғозлар;
♦ Шўъба корхоналарига инвестициялар;
♦ Қарам бирлашмаларга инвестициялар;
♦ Қўшма корхоналарга инвестициялар;
♦ Бошқа узоқ муддатли инвестициялар.

Қимматли қоғозлар узоқ муддатли инвестицияларнинг асосий қисмини ташкил этади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қимматли қоғозлар инвестициялар йўналтиришнинг асосий воситаси ҳисобланади.

1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида"ги қонунига мувофиқ "**қимматли қоғозлар** — бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкий ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқловчи, дивиденд ёки фоиз кўринишида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсга бериш имкониятини назарда тутувчи пул ҳужжатларидир". Юқорида қайд этилган қонунга кўра, қимматли қоғозларга:

♦ акциялар;

- ♦ облигациялар;
- ♦ хазина мажбуриятлари;
- ♦ депозит ва хазина сертификатлари;
- ♦ векселлар;
- ♦ ҳосилавий қимматли қоғозлар киради.

Акция (голландча ***actie*** сўзидан олинган бўлиб, қимматли қоғоз деган маънони англатади) — бу акциядорлик жамиятининг устав фондига муайян ҳисса қўшганликдан гувоҳлик берувчи, унинг эгасига фойданинг бир қисмини олиш ва, одатда, ушбу жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғоздир.

Акция амал қилиш муддати чекланмаган қимматли қоғоз бўлиб, у уни чиқарган акциядорлик жамияти амал қилиб турган вақт мобайнида муомалада бўлиши мумкин.

Акциялар бўйича олинган даромад ***дивиденд*** (лотинча *dividendus* сўзидан олинган бўлиб, бўлишга тегишли деган маънони англатади) деб номланади. Дивиденд, одатда, акциядорлик жамиятининг фойдасига боғлиқ бўлади. Агар компания ҳисобот йили натижаларига кўра фойдага эга бўлса, катта дивиденд тўлаш имконияти бўлади ва аксинча.

Акциялар икки турга бўлинади:

- ♦ оддий акциялар;
- ♦ имтиёзли акциялар.

Оддий акция акциядорлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини беради, олинадиган дивиденд миқдори акциядорлик жамиятининг олган соф фойдасига боғлиқ ва бошқа ҳеч нарса билан кафолатланмаган.

Имтиёзли акциялар акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини ва бу билан корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини бермайди. Уларнинг имтиёзлилиги шундаки, хўжалик фаолияти натижаларидан қатъий назар кафолатланган даромадни олиш имкониятини, иккинчи томондан, акциядорлик жамияти тугатилган вақтда акциялар қийматини биринчи навбатда олиш ҳуқуқига эга.

Облигация (лотинча ***obligatio*** сўзидан олинган бўлиб, мажбурият маъносини англатади) — бу унинг эгаси қарз берганлигидан гувоҳлик берувчи, унга ушбу қимматли қоғознинг номинал қийматини унда кўрсатил-

ган муддатда белгиланган (қатъий) фоиз тўланган ҳолда қоплаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоздир.

Облигация — бу бир шахснинг (инвесторнинг) бошқа бир шахсга(эмитентга) маблағларни вақтинчалик фойдаланиш учун берганлиги ҳақидаги гувоҳномадир. Облигациялардан олинадиган даромад фоиз кўринишида бўлади.

Хазина мажбуриятлари — бу уларнинг эгалари томонидан бюджетга пул маблағларини берганликларини тасдиқловчи ҳамда ушбу қимматли қоғозларга эгалик қилишнинг бутун муддати давомида белгиланган даромадни олиш ҳуқуқини берувчи давлат қимматли қоғозларидир. Улар жисмоний шахслар учун чиқариладиган қимматли қоғозлардир.

Депозит сертификатлари (инглизча ***certifikate of deposit***) — бу пул маблағларини омонатга қўйилганлиги тўғрисида, омонатчига белгиланган муддат тугагандан сўнг депозит суммаси ва унга тегишли фоизларни олиш ҳуқуқини берувчи кредит муассасасининг гувоҳномасидир. 1994 йилдан бошлаб депозит сертификатлари юридик шахслар учун 1 йилгача муддатга, жисмоний шахлар учун 3 йилгача муддатга чиқарила бошланди.

Вексел (немисча ***Wechsel*** сўзидан) — бу вексел берувчининг ёки векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда кўзда тутилган муддат келганда вексел эгасига маълум миқдордаги суммани тўлаш ҳақидаги сўзсиз мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоздир. Амалдаги қонунчиликка кўра, векселлар корхона ва ташкилотлар томонидан аниқ савдо битими асосида ёзилиши мумкин.

Ҳосилавий қимматли қоғозлар — бу шартномалар бўлиб, улар бўйича бир томон қимматли қоғозларнинг маълум бир миқдорини маълум муддатда келишилган нархда сотиб олиш ёхуд сотиш ҳуқуқи ёки мажбуриятини олади. Уларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- ♦ опцион;
- ♦ варрант;
- ♦ фьючерс.

Опцион (лотинча ***optio*** сўзидан олинган бўлиб, танлов деган маънони англатади) — бу битимда иштирок этаётган томонларнинг бирига қимматли қоғозлар маълум бир миқдорини муайян вақт мобайнида белгилан-

ган нархда сотиб олиш ёки контрагентга сотиш ҳуқуқини берувчи шартномадир. Контрагент эса, мукофот эвазига ушбу ҳуқуқни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Варрант (немисча *warrant* сўзидан) — бу унинг эгаси маълум муддат давомида ёки маълум бир кунда варрантлар эмитенти томонидан дастлабки чиқарилган қимматли қоғозларни харид қилиш ҳуқуқини олганлиги тасдиқловчи ҳужжат.

Фьючерс (инглизча *future* сўзидан олинган бўлиб, келажак маъносини англатади) келишилган миқдордаги қимматликларни маълум вақт мобайнида битим тузиш вақтида белгиланган нархда етказиб бериш тўғрисидаги шартномаларни ўзида намоён қилади.

Республикамиз амалиётида узоқ муддатли молиявий инвестицияларни йўналтиришнинг асосий воситаси акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларини харид қилиш ҳисобланмоқда.

Корхонанинг шўъба корхоналар, қўшма корхоналар ва қарам бирлашмаларга инвестициялари мавжудлиги уларни бухгалтерия ҳисобида алоҳида туркумларга ажратишни тақозо этади.

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларнинг баҳоланиши "Молиявий инвестициялар ҳисоби" номли 12-сон БҲМАга асосланади.

Харид қилиниши чоғида молиявий инвестициялар брокерлик хизматларига оид тўловлар, божлар, банк хизматига оид тўлов ва бошқа харажатлар каби харид қилишга оид харажатлар билан биргаликда харид қилиш қиймати бўйича баҳоланади.

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларнинг акциялар ёки бошқа қимматли қоғозлар эмиссияси йўли билан қисман ёки тўлиқ харид қилиниши чоғида уларнинг номинал қиймати эмас, балки қимматли қоғозлар бозоридаги сотиш қиймати харид қилиш қиймати бўлиб ҳисобланади. Узоқ муддатли молиявий инвестицияларнинг алмашлаш ёки бошқа активга қисман алмаштириш йўли билан харид қилишда харид қиймати берилаётган активнинг бозор қийматига асосланган ҳолда аниқланади.

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларнинг ўз ичига фоизлар улушини, ҳисобланган дивидендларни улар-

ни сотиб олиш вақтигача бўлган давр учун бўлган қиймат бўйича сотиб олиниши харидор томонидан сотувчига тўланган фоизлар суммаси чиқариб ташланган ҳолда харид қилиш қиймати бўйича ҳисобга олинади. Агар узоқ муддатли молиявий инвестициялар харид қилиш вақтига қадар ҳисобланган фоизлар билан бирга сотиладиган бўлса, у ҳолда уларнинг фоизларни тўлаш куни билан тўғри келмайдиган кунларда сотиб олиниши чоғида харидор билан сотувчи ўзаро тегишли суммани бўлашиб олишлари керак. Харидор сотувчига инвестициялар қиймати билан бир қаторда уларнинг сўнгги тўлови амалга оширилган вақтдан бошлаб ўтган давр учун тўланиши лозим бўлган фоизларни тўлайди. Фоизларни тўлашнинг навбатдаги муддати келган вақтда харидор уларни тўлиқ, жами давр учун олади.

Қарзга оид қимматли қоғозларга инвестицияларнинг харид қилиш қиймати билан сўндириш қиймати ўртасидаги фарқ (дисконт ёки харид қилиш чоғидаги мукофот) одатда инвестор томонидан қимматли қоғозни харид қилиш вақтидан бошлаб сўндириш вақтигача ҳисобдан чиқарилади, яъни амортизация қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектлар узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қуйидаги баҳоларда ҳисобга олиб боради:

- харид баҳосида;
- қайта баҳолашни ҳисобга олган қийматда;
- қимматли қоғозлар портфели асосида аниқланадиган харид ва жорий қийматлар юзасидан энг кам баҳолашда.

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қайта баҳолашни амалга ошириш учун қайта баҳолашлар даврийлиги аниқлаб олиниши зарур. Бунда қайта баҳолашнинг якка тартибдаги усули қўлланилади.

Қайта баҳолаш натижасида узоқ муддатли молиявий инвестициялар қийматининг ошиб кетиши 8510— "Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" ҳисобварағида, камайиши эса қўшимча баҳолаш чегарасида резерв капиталининг камайтирилиши ёки аввалги қўшимча баҳолашдан ошган суммада-харажат сифатида ҳисобга олинади.

Агар узоқ муддатли молиявий инвестицияларнинг қайта баҳоланиши натижасида дастлаб камайиш, ке-

йин эса кўпайиш юз берган бўлса, у ҳолда узоқ муддатли молиявий инвестициялар қийматининг аввалги камайиш суммаси қайта тикланиши лозим бўлади. Тикланиши лозим бўлган сумма қабул қилинган ҳисоб сиёсатига мувофиқ даромад ёки тақсимланмаган фойдага киритилади.

Узоқ муддатли молиявий инвестициялар ўз қийматининг бир қисмини йўқотган ҳолларда (яъни, инвестициялар баҳосининг пасайиш жараёни юз берганида) уларнинг баланс қиймати қайта кўриб чиқилиши керак.

10.3. Инвестицияларни дисконтлаш

Инвестицион фаолиятнинг фаоллашувида инвесторлар муҳим роль ўйнайди. Инвестор ўз сармоясининг бирор-бир объектга йўналтирар экан, аввало, унинг маблағи келажакда қанчани ташкил этиши, яъни йўналтирган сармоясининг муайян даврдан сўнг қанча миқдорга тенг бўлиши қизиқтиради. Бунинг учун инвестор ўз маблағини дисконтлаши лозим. Дисконт баҳо ҳам инвестицияларни ҳисобга олишда кенг қўлланилади.

Молиявий ҳисоб-китобларда ҳамма вақт ва ҳар қандай шароитда ҳам бошланғич, ошган, чегирма ва устама суммалари маълум бўлмайди. Бу муаммо дисконтлаш усулларини қўллаш билан ҳал этилади.

Дисконт — бошланғич суммани ҳисоблаш, аниқлаш учун ошган қийматдан айириладиган чегирма суммасидир. ***Дисконтлаш*** (устама ёзиш) — устамаларни ёзиш, аниқроғи, фоизларни ҳисоблаш демакдир. Дисконтлаш формуласи ёрдами билан сарфланган сармоянинг қопланиш муддатларини ва унинг сотувнинг дастлабки нархи сифатида баҳоланувчи К(0) ҳажмини аниқлаш мумкин.

$$K_0 = K_n/(1+P)^n.$$

K_0 — дастлабки капитал миқдори; бунда: K_n — давр охиридаги капитал (инвестиция миқдори); Р — фоиз ставкаси.

Мисол. Донор (инвестор) корхона акцептор (қарз олувчи) корхонага 5 йил муддатга 100000 сўм пулни 4 фоизлик ставка билан қарзга берди. Дисконтлаш формуласи орқали 3

йилдан сўнг йиғиладиган жами инвестиция ҳажмини топамиз:

$$К_з=100000\times(1+0,04)^3=112486,4 \text{ сўм.}$$

Бу ҳолатда дисконт суммаси 12486,4 сўм (112486,4—100000) га тенг.

10.4. Узоқ муддатли молиявий инвестициялар ҳаракатини ҳисобда акс эттириш

Корхонада узоқ муддатли молиявий инвестициялар ҳисобини юритиш орқали қуйидагилар намоён бўлади:

♦ бошқа акционерлик жамиятларининг акцияларига ва бошқа субъектларнинг, шу жумладан, шўъба корхоналарнинг устав капиталларига оид узоқ муддатли инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати;

♦ давлат ва маҳаллий облигациялар, сертификатлар ва тижорат банклари, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда тадбиркорлик тузилмаларининг шунга ўхшаш қимматли қоғозларига оид узоқ муддатли инвестициялар;

♦ субъектларга, ўзга хил тадбиркорлик тузилмаларига берилган узоқ муддатли пул ва бошқа кўринишдаги қарзларнинг ҳаракати ва қолдиқлари.

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларга доир муомалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун ҳисобварақлар режасида қуйидаги ҳисобварақлар очилган:

0610—"Қимматли қоғозлар";
0620—"Шўъба корхоналарга инвестициялар";
0630—"Қарам бирлашмаларга инвестициялар";
0640—"Қўшма корхоналарга инвестициялар";
0690—"Бошқа узоқ муддатли инвестициялар".

0610—"Қимматли қоғозлар" ҳисобварағида акционерлик жамиятларининг акциялари, фоизли облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари (опцион, фьючерс ва бошқалари)га узоқ муддатли молиявий инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати акс эттирилади.

0620—"Шўъба корхоналарга инвестициялар", 0630-"Қарам бирлашмаларга инвестициялар", 0640—"Қўшма корхоналарга инвестициялар" ҳисобварақларида мос равишда шўъба, қарам ва қўшма корхоналарга инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати акс эттирилади.

0690—"Бошқа узоқ муддатли инвестициялар" ҳисобварағида келажакда молиявий даромад олиш мақсадида корхонанинг давлат корхонасига, хайрия ёки экологик ташкилотларга инвестицияларнинг мавжудлиги ҳисобга олиб борилади.

Бу ҳисобварақлар актив бўлиб, дебетдаги қолдиқлар ҳар ойнинг бошига корхона томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар қийматини ифодалайди. Дебет томонидаги обороти ой давомида сотиб олинган қимматли қоғозлар қийматини, инвестиция учун сарфланган маблағлар миқдорини, кредит томонидаги оборотлар ҳисобдан чиқарилган, сотиб юборилган, қайтариб берилган қимматли қоғозлар қийматини ёки инвестицияларнинг узилишини акс эттиради.

Молиявий инвестицияларнинг таҳлилий ҳисоби қимматли қоғозлар турлари ва инвестиция объектлари бўйича юритилади.

Мисол. "Нур" компанияси сотиб олган акцияларнинг қиймати 600000 сўм, номинал қиймати эса 500000 сўм, узиш муддати 10 йил. Акциялар бўйича ҳар йили 10 фоиз даромад олишга келишилган.

Акциялар сотиб олинганида:

Д-т 0610—"Қимматли қоғозлар" — 600000 сўм ;

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 600000 сўм ;

Ҳар йили олинадиган даромаднинг ҳисобланиши:

500000×10/100=50000 сўм.

Сотиб олиш ва номинал қийматлар ўртасидаги фарқ:

600000 — 500000 =100000 сўм, демак, ҳар йилга 100000/10=10000 сўм.

Йиллик даромад ҳамда акцияни сотиб олиш ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқ: 50000—10000= =40000 сўм.

Йил охирида олинган даромад ва тафовутлар қуйидагича ҳисобга олинади:

♦ сотиб олиш ва номинал қийматлари ўртасидаги фарққа:

Д-т 4840—"Олинадиган дивидендлар" — 10000 сўм;

К-т 0610—"Қимматли қоғозлар" — 10000 сўм;

♦ йиллик даромад ҳамда акцияни сотиб олиш ва номинал қийматлари фарқи орасидаги тафовут суммасига:

Д-т 4840—"Олинадиган дивидендлар" — 40000 сўм;

К-т 9520—"Дивидендлар кўринишидаги даромадлар" — 40000 сўм.

Ҳисоб-китоб счётига пул келиб тушганида:
Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 50000 сўм;
К-т 4840—"Олинадиган дивидендлар" — 50000 сўм.

Агар қимматли қоғознинг номинал қиймати уни сотиб олиш қийматидан кўп бўлса, ушбу қоғоз бўйича даромад ҳисобланганида номинал ва сотиб олиш қийматлари орасидаги фарқнинг қисми ҳам ҳисобдан чиқарилади.

Одатда, узоқ муддатли қимматли қоғозлар купон (қирқиладиган купон) билан чиқарилади. Ушбу талонлар бўйича мунтазам равишда муомала даврида фоизлар тўланади. Бу ҳолда қимматли қоғозларнинг номинал ва сотиб олиш қийматлари орасидаги фарқ корхонага тегишли даромад ҳисобланганида ҳисобдан чиқарилади.

Мисол. "Нур" компанияси "Бек" ҳиссадорлик жамиятининг облигацияларини 600000 сўмга сотиб олди. Уларнинг номинал қиймати 500000 сўм. Облигациялар бўйича йиллик 20 фоиз даромад ҳар 6 ойда қирқиладиган купон орқали берилиши мўлжалланган. Облигацияни сотиб олиш ва номинал қийматлари орасидаги фарқ 600000 —500000 = 100000 сўм. Муомала даври — 5 йил.

Облигацияни сотиб олиш:
Д-т 0610—"Қимматли қоғозлар" — 600000 сўм;
К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 600000 сўм.

Ярим йилдан кейин облигациялардан ойлик ставкасининг ярми миқдорида даромад ҳисобланди (500000×10/100)=50000 сўм:
Д-т 4840—"Олинадиган дивидендлар" — 50000 сўм
К-т 9520—"Дивидендлар кўринишидаги даромадлар" — 50000 сўм.

Бир вақтнинг ўзида облигацияни сотиб олиш ва номинал қийматлари орасидаги фарқ амортизацияланади (100000/10)=10000 сўм:
Д-т 9610—"Фоизли кўринишдаги харажатлар" =10000 сўм;
К-т 0610—"Қимматли қоғозлар" — 10000 сўм.

Бинобарин, 0610—"Қимматли қоғозлар" ҳисобварағида ярим йилдан кейин (600000—10000)=590000 сўм, бир йилдан кейин (600000—20000)=580000 сўм ҳисобга олинади.

Фараз қилайлик, бир йилдан кейин облигацияларнинг нархи биржада кескин пасайиб кетди. Шунга мувофиқ, облигациялар пакети 550000 сўм деб баҳоланди. Демак, жорий даврга облигацияларнинг ҳақиқий қиймати ва баланс қий-

мати орасидаги фарқ (580000—550000)=30000 сўмни ташкил этади. Ҳисобот даври охирида ушбу муомалага қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9690—"Молиявий фаолиятдан бошқа харажатлар" — 30000 сўм;

К-т 0610—"Қимматли қоғозлар" — 30000 сўм.

Қолган 4 йилга (йилда икки маротаба 2×4=8) облигация қиймати фарқини қайта кўриб чиқиши керак:

(550000—500000)/8=6250 сўм.

Бир йилдан сўнг корхонада қуйидагича проводка берилади:

♦ облигациянинг ҳақиқий ва номинал қийматлари орасидаги фарқнинг амортизация суммасига:

Д-т 9610—"Фоизли кўринишдаги харажатлар" — 6250 сўм;

К-т 0610—"Қимматли қоғозлар" — 6250 сўм.

♦ облигация бўйича ҳисобланган даромад суммасига:

Д-т 4840—"Олинадиган дивидедлар" — 50000 сўм;

К-т 9520—"Дивидендлар кўринишидаги даромадлар" — 50000 сўм.

♦ даромад ҳисоб-китоб счётига олинганида:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 50000 сўм

К-т 4840—"Олинадиган дивидендлар" — 50000 сўм.

Қимматли қоғозлар мўлжалланган даромадни келтирмаган тақдирда ёки уни айнан келажакда сотиш учун олинган бўлса, улар бошқа ташкилотларга сотиб юборилади.

Қимматли қоғозларни сотишда 9220—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобварағидан фойдаланилади. Агар қимматли қоғозларни сотиш натижасида даромад олинса, ушбу ҳисобварақнинг дебети 9320—"Бошқа активларнинг реализация қилишдан ва бошқача чиқиб кетишидан олинган фойда" ҳисобварағининг кредити билан, агар зарар кўрилган бўлса ҳисобварақнинг кредити 9430—"Бошқа операцион харажатлар" ҳисобварағининг дебети билан корреспонденцияда бўлади.

Мисол. "Дўстлик" корхонаси аввал сотиб олган облигацияни бошқа корхонага сотди. Баланс қиймати-500000 сўм, сотиш қиймати — 400000 сўм. Ушбу муомалаларга қуйидагича проводка берилади:

♦ облигацияни сотишдан тушган тушум:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 400000 сўм;

К-т 9220—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 400000 сўм.

♦ облигациянинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 9220—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 500000 сўм;

К-т 0610—"Қимматли қоғозлар" — 500000 сўм.

♦ сотишдан олинган зарар (500000—400000)=100000 сўм:

Д-т 9430—"Бошқа операцион харажатлар" — 100000 сўм;

К-т 9220—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 100000 сўм.

Шўъба, қўшма ва қарам корхоналарга маблағ сарфланганида, ушбу корхоналарга инвестициялар мавжудлигини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебети асосий воситаларни, номоддий активларни, ишлаб чиқариш заҳираларини ва пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг кредити билан ўзаро корреспонденцияда бўлади.

Инвестицияларнинг узилишида эса уларни ҳисобга олиб борувчи ҳисобварақларнинг кредити пул маблағлари ва активларни ҳисобга олувчи бошқа ҳисобварақларнинг дебети билан ўзаро корреспонденцияда бўлиши мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Инвестиция сўзининг моҳияти нимада?
2. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестициянинг қандай турлари мавжуд?
3. Молиявий инвестицияларнинг қандай турлари мавжуд?
4. Молиявий инвестициялар қандай баҳоларда баҳоланади?
5. Инвестицияларни дисконтлаш деганда нимани тушунасиз?
6. Инвестициялар даромадлилиги бухгалтерия ҳисобида қай тартибда акс эттирилади?

11-боб. КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ҲИСОБИ

11.1. Капитал қўйилмалар ҳисобининг вазифалари

Капитал қўйилмалар хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш фаолиятининг ўзига хос бир шаклидир, у асбоб-ускуналарни замонавийлаштириш, ишлаб чиқариш объектлари ва бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган объектларни қайта қуриш, таъмирлаш ва асосий ишлаб чиқариш воситаларини кенгайтирилган ҳолда қайта ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Капитал қўйилмалар асосий воситаларни, такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда уларнинг сифат таркибини яхшилаш харажатларининг мажмуидир. Капитал қўйилмалар ҳажми ишлаб турган корхоналарни қуриш, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш ва қувватларни сақлаш, шунингдек, ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна, транспорт воситалари ва асосий воситаларнинг бошқа объектларини харид қилишга маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига қилинган харажатларнинг умумий суммасига кўра белгиланади.

Капитал маблағлар ҳажмига қуйидаги соҳаларга йўналтирилган харажатлар киради:

- Қурилиш-монтаж, лойиҳа-қидирув, геология-разведка, бурғулаш ва бошқа ишларга қилинган харажатлар;
- Ишлаб турган корхоналарни тиклаш, техник қайта жиҳозлаш ва техника воситаларнинг қувватини кенгайтиришга қилинган харажатлар;
- Машина ва ускуналар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари, транспорт воситалари ва асосий воситаларнинг бошқа объектларини сотиб олишга кетган харажатлар;
- Корхона, ташкилот ва муассасалар учун янги объектлар қуришга кетган харажатлар;

♦ Бошқа шу турдаги харажатлар.

Капитал қўйилмаларни бухгалтерияда ҳисобга олишда "Асосий воситалар" номли 5-сон БҲМА ва "Капитал қурилиш учун пудрат шартномалари" номли 17-сон БҲМАдан фойдаланилади.

Капитал қўйилмаларни бухгалтерияда ҳисобга олишнинг долзарб вазифалари қуйидагилардан иборат:

♦ қилинган барча капитал харажатларни объектларнинг турлари бўйича тўлиқ ва ўз вақтида акс эттиришни таъминлаш;

♦ капитал қўйилмалар режаси, ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий воситалар объектларини ишга тушириш режаларининг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

♦ молиявий маблағлар билан таъминлаш бўйича белгиланган режанинг бажарилиши ва ички резервларни сафарбар қилиш устидан назоратни таъминлаш;

♦ сотиб олинган асосий восита объектларининг баланс қийматини тўғри белгилаш ва унинг ўз вақтида киримга олинишини таъминлаш.

11.2. Капитал қўйилмаларни туркумлаш

Капитал қўйилмалар ҳисобини соддалаштириш учун уларни туркумлаб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда капитал қўйилмаларнинг туркумланиши кўрсатиб ўтилган:

Капитал қўйилмаларни туркумлаш

Тур кўра				кўра
Янги қурилиш; кенгайтириш; тиклаш; техник қайта жиҳозлаш; қувватларни ошириш.	Қурилиш; монтаж; жиҳозлар, асбоб-ускуналар, инвентарь харажатлари; бошқа капитал харажатлар.	Ишлаб чиқариш объектларини қуришга мўлжалланган харажатлар; ноишлаб чиқариш объектларини қуришга мўлжалланган харажатлар.	Пудрат усулида қилинадиган капитал харажатлар; хўжалик усулида қилинадиган капитал харажатлар.	Ўз маблағлари ҳисобига; четдан жалб қилинган қарз маблағлари эвазига; четдан жалб қилинган қайтарилмайдиган маблағлар эвазига.

Капитал қўйилмаларнинг такрор ишлаб чиқариш тузилмаси корхонанинг янги қурилишга, амалда ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, тиклаш, техник қайта жиҳозлаш ва қувватларни оширишга қилинган харажатларнинг таркиби ва нисбатини англатади.

Янги қурилиш объектларига қуйидагилар киради: янгидан бунёд этилаётган корхоналарнинг асосий, ёрдамчи ва ноишлаб чиқариш объектларини, шунингдек, ишга туширилганидан сўнг мустақил балансда турадиган бўлинмалар ва айрим корхоналарни тиклаш.

Кенгайтириш деганда ишлаб турган корхонада қўшимча ишлаб чиқаришларни қуриш, шунингдек, корхона ҳудудида ва унинг атрофидаги майдончаларида асосий, ёрдамчи ва ноишлаб чиқариш аҳамиятидаги айрим цехлар ва объектларни қуриш ҳамда ишлаб турганларини кенгайтириш тушунилади.

Тиклаш деганда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий даражасини янги технологиялар асосида қайта қуриш тушунилади.

Техник қайта жиҳозлаш илғор техника ва технологияни жорий этиш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ҳамда маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган асосий воситаларни замонавий, самарали асосий воситалар билан алмаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Қувватларни ошириш деганда ишлаб чиқариш жараёнида ишдан чиққан асосий воситаларни янгилаб туриш ҳамда тиклашга оид ишлар тушунилади.

Капитал қўйилмаларнинг технологик тузилмаси қурилиш ва монтаж ишлари билан боғлиқ ҳамда асосий воситалар объектларини сотиб олишга, шунингдек, бошқа капитал ишлар ва хизматлар учун қилинган харажатлар таркиби ва нисбатини англатади.

Қурилиш ишларига асосий воситалар объектларини барпо этиш, қурилган бинолар ва иншоотларни ёки уларнинг айрим қисмларини кенгайтириш ҳамда тиклаш ва бошқа ишлар киради.

Моитаж ишлари деганда технология, энергетика, кўтариш-транспорт ва бошқа жиҳозларни йиғиш ҳамда ўрнатиш, яъни уларни йиғиб, пойдеворга ўрнатгандан кейингина ишлатилиши мумкин бўлган ишлар тушунилади.

Жиҳозлар, асбоб-ускуна ва инвентарь харажатларига барча турдаги жиҳозлар, технологик жиҳатдан ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган транспорт воситалари, лаборатория учун жиҳозлар, устахоналар, тажриба ускуналари ва шу кабиларнинг қиймати, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва инвентарнинг қиймати киради.

Жиҳозлар, ўз навбатида, монтаж талаб қиладиган ва монтаж талаб қилмайдиган ҳамда смета қийматига кирадиган ва смета қийматига кирмайдиган жиҳозларга бўлинади.

Бошқа капитал харажатлар таркиби капитал маблағлар ҳисобидан ўтказилувчи лойиҳа-қидирув, шунингдек, қурилаётган корхоналар маъмуриятини таъминлашга, ишчиларни уюшган ҳолда ишга олишга ҳамда сметада кўзда тутилган бошқа харажатларни ўз ичига олади.

Капитал қўйилмалар вазифасига кўра ***ишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар қурилишига*** (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа ва шу каби соҳаларга мўлжалланган) ва ***ноишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар қурилишига*** (турар-жой, коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, халқ таълими ва шу каби соҳаларга мўлжалланган) объектларга ажратилади.

Капитал қўйилмалар ишларни бажариш усулига кўра пудрат ва хўжалик усулида бажариладиган капитал қўйилмаларга бўлинади.

Пудрат усулида қурилиш-монтаж ишларини ихтисослаштирилган пудрат қурилиш-монтаж ташкилотлари олиб боради, бунда икки томон — бош пудратчи ва буюртмачи алоқага киришиб, уларнинг ўзаро муносабатлари пудрат шартномаси билан белгиланади.

Хўжалик усулида қурилиш-монтаж ишлари корхонанинг ўз куч ва воситалари (қурилиш участкаси) билан бажарилади.

Капитал қўйилмалар маблағ билан таъминлашда *ўз* ***маблағлари*** (корхона фойдаси, захиралар ва бошқалар) ҳисобидан, ***четдан жалб қилинган қарз маблағлари*** (банк кредити, турли хил юридик ва жисмоний шахсларнинг қарз маблағлари) ҳисобидан ҳамда ***чет-***

дан жалб қилинган қайтарилмайдиган маблағлар (давлат ҳамда халқаро хорижий ташкилотларнинг грантлари ва бошқа қайтарилмайдиган маблағлар) ҳисобидан қопланиши мумкин.

11.3. Капитал қўйилмаларни бухгалтерияда ҳисобга олиш

Капитал қўйилмалар ва у билан боғлиқ барча харажатларни буюртмачи, яъни ўзи учун қураётган ва шу қурилишни маблағ билан таъминлаётган корхона ҳисобга олиб боради. Янги корхона қурилаётганида қурилаётган корхонанинг маъмурияти ана шундай ташкилот бўлади, амалда ишлаб турганида эса — капитал қурилиш бўлими орқали иш тутаётган корхонанинг ўзи ана шундай ташкилот бўлади.

Капитал қўйилмаларнинг ҳисоби амалдаги харажатлар ва смета қиймати бўйича уларнинг турлари асосида умуман қурилиш бўйича ҳам, айрим объектлар бўйича ҳам, қурилиш бошланган йилдан эътиборан ўсиб борувчи якунлар билан объектлар ишга туширилгунига қадар ёки тегишли ишларнинг тўла-тўкис бажарилиб, харажатларнинг ҳисобдан чиқарилгунигача юритилади.

Капитал қўйилмалар бўйича харажатларнинг аналитик ҳисоби 18—"Капитал маблағ харажатлари" қайдномасида юритилади. Мазкур қайднома йил чораги, ярим йил ёки йил учун очилади. Қайдномага барча ҳисобварақларни қўшиш, ишлаб чиқаришга тегишли ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган объектлар бўйича харажатларни алоҳида ажратиб кўрсатиш, булар ичида эса янги қурилишни, кенгайтиришни, тиклаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

18-қайднома бирламчи ҳужжатлар (тўлов топшириқномалари ва тўлов талабномалари, материаллар бериш учун юкхатлар), харажатларни тақсимлаш қайдномалари, ишланма жадваллар каби ҳужжатлар асосида тўлдирилади.

Капитал қўйилмаларнинг синтетик ҳисоби 16-журнал-ордерда юритилади.

Корхонанинг асосий воситаларига ва номоддий активларига инвестициялар ҳақида, шунингдек, маҳсулдор ва ишчи ҳайвонларнинг (қийматидан қатъий назар, корхонанинг айланма маблағларига кирувчи парандалардан, қуёнлардан, асаларилардан, йўл ва қўриқловчи итлар, тажриба остидаги итлардан ташқари) асосий подасини ташкил қилиш бўйича харажатлар ҳақидаги ахборотлар қуйидаги ҳисобварақларда умумлаштирилади:

0810—"Тугалланмаган қурилиш";

0820—"Асосий воситаларни сотиб олиш";

0830—"Номоддий активларни сотиб олиш";

0840—"Асосий подани шакллантириш";

0850—"Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар";

0860-"Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар";

0890—"Бошқа капитал қўйилмалар".

Ушбу ҳисобварақлар актив ҳисобланади. Ҳисобварақларнинг дебетида асосий восита объектларини қуришга кетган ҳақиқий харажатлар ҳамда асосий воситалар, номоддий активларни сотиб олишга, шунингдек, асосий подани шакллантиришга ва бошқа капитал қўйилмаларга қилинган ҳақиқий харажатлар акс эттирилади. Ушбу ҳисобварақлар кредити бўйича 0810—0890—"Капитал қўйилмалар" ҳисобварақлари харажатлари 0110—0190—"Асосий воситалар", 0410-0490—"Номоддий активлар" ҳисобварақларининг дебетига ҳисобдан чиқариш операциялари амалга оширилади.

0810—0890—"Капитал қўйилмалар" ҳисобварақлари бўйича сальдо корхонанинг тугалланмаган қурилишга капитал қўйилмалари миқдорини ва асосий воситалар сотиб олинишини, шунингдек, бошқа тугалланмаган харажатлар суммасини акс эттиради.

0810—"Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварағида иморат ва иншоотлар барпо этиш, капитал қурилиш сметаларида, лойиҳа-смета ҳисобларида, титул рўйхатларида кўзда тутилган асбоб-ускуналарни, воситаларни, инвентарларни ва бошқа жиҳозларни харид қилиш бўйича сарф-харажатлар ҳисобга олинади.

0820—"Асосий воситаларни сотиб олиш" ҳисобварағида асосий воситаларни харид қилиш ёки корхона-

нинг ўзида асосий воситалар объектларини яратиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳисобга олинади.

0830—"Номоддий активларни сотиб олиш" ҳисобварағида номоддий активларни харид қилиш ёки корхонанинг ўзида номоддий активлар объектларини яратиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳисобга олинади.

0840—"Асосий подани шакллантириш" ҳисобварағида асосий подага ўтказиладиган хўжаликдаги ёш маҳсулдор ва ишчи ҳайвонларни ўстириш бўйича харажатлар, асосий пода учун харид қилинган катта ёшдаги ва ишчи ҳайвонларнинг қиймати, ҳайвонларни етказиб бериш билан боғлиқ сарф-харажатларни ҳам қўшган ҳолда, бошқа корхоналардан текинга олинган катта ёшдаги ҳайвонларни хўжаликка олиб келиш билан боғлиқ сарфлар ҳисобга олинади. Асосий подага ўтказиладиган ёш ҳайвонлар ҳақиқий таннарх бўйича баҳоланади. Асосий подага ўтказиладиган ёш маҳсулдор ва ишчи ҳайвонларнинг барча турларининг қиймати йил давомида 1110—"Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар" ҳисобварағидан 0840—"Асосий подани шакллантириш" ҳисобварағи дебетига йил бошидаги баланс қиймати бўйича ҳисобга олинадиган, йил бошидан то ҳайвонларни асосий подага ўтказиш пайтига қадар бўлган даврда ортган вазни ёки ўсган вазнининг режа таннархини қўшган ҳолдаги қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Четдан харид қилинган катта ёшдаги ҳайвонларнинг қиймати 0840—"Асосий подани шакллантириш" ҳисобварағи дебетига уларни харид қилишнинг ҳақиқий таннархи бўйича, етказиб бериш сарфлари қўшилган ҳолда кирим қилинади.

Асосий подани ташкил этишнинг тугалланган муомала бўйича харажатлари 0840—"Асосий подани шакллантириш" ҳисобварағидан 0170—"Ишчи ҳайвонлар ва маҳсулдор ҳайвонлар" ҳисобварақларининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

0850—"Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар" ҳисобварағида ер майдонини такомиллаштириш бўйича корхонанинг капитал харажатлари, шу жумладан, кириш йўллари, автомобиллар ва бошқа транспорт воситаларини қўйиш жойлари, панжаралар ва тўсиқларнинг бошқа турларининг қиймати акс эттирилади.

0860—"Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар" ҳисобварағида ижарага олинган мулкни ободонлаштиришга, шунингдек уни таъмирлаш ва модернизациялашга капитал маблағлар ҳисобга олиб борилади.

Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебети бўйича асосий воситалар объектларининг дастлабки қийматига ўрнатилган тартибда киритиладиган, қурувчиларнинг ушбу объект учун ҳақиқатда сарфланган барча харажатлари, шунингдек, корхонанинг асосий воситаларни, номоддий активларни харид қилиш, асосий подани ташкил қилиш ва бошқа капитал қўйилмалар билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади.

Асосий воситаларни сотиб олиш ва қурилиш билан боғлиқ, лекин ўрнатилган тартибда асосий воситаларнинг дастлабки қийматига киритилмайдиган харажатлар капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлардан 9430—"Бошқа операцион харажатлар" ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Иш пудрат усулида олиб борилганида буюртмачилар қурилиш ишларини бажариш учун пудратчи ташкилотларни жалб этиб, улар билан қурилишнинг бутун даври учун пудрат шартномалари тузади.

Капитал қурилишлар пудрат усулида бажарилганида сарфланадиган капитал маблағ харажатларини ҳисобга олиб боришда "Капитал қурилиш учун пудрат шартномалари" номли 17-сон БҲМАга асосланиш лозим. Ушбу андозанинг 4-бандига мувофиқ, қурилиш пудрат шартномаси — буюртмачининг топшириғига асосан пудратчи қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини таваккал қилиб зиммасига оладиган, буюртмачи эса бажарилган ишни қабул қилиб оладиган ва ҳақини тўлайдиган шартномадир. Қурилиш пудрат шартномасида шартномада иштирок этувчи барча томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилади.

Қурилиш ишлари пудрат усулида бажарилганида қурилишга кетадиган харажатларни пудратчи ҳисобга олиб боради. Буюртмачи қурилиш сифатини назорат қилади ҳамда қуриб битказилган объектларни 2-шакл "Қурилиши тугаган объектдаги бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси" бўйича фойдаланишга

қабул қилиб олади. Далолатномага "Бажарилган қурилиш ишлари қиймати ҳақидаги маълумотнома" илова қилинади.

Бажарилган ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган қурилиш ишлари ва жиҳозларни монтаж қилиш бўйича ишларни пудратчи ташкилотлар ҳисобварақларига кўра тўлов учун банк томонидан қабул қилинган смета қиймати ёки шартнома нархи бўйича буюртмачи қуйидаги бухгалтерлик ёзувларида акс эттирилади:

Д-т 0810—"Тугалланмаган қурилиш";

К-т 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар".

♦ Пудратчиларга тўланадиган суммага;

Д-т 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

♦ Банкнинг узоқ муддатли кредитлари ҳисобига пудратчига ўтказиладиган суммага:

Д-т 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар";

К-т 7810—"Узоқ муддатли кредитлар".

Капитал қурилиш ишлари олиб борилаётган объектларда ўрнатиладиган асбоб-ускуналар қай йўсинда олиб борилишидан қатъий назар, 0710—"Ўзимизда ишлаб чиқарилган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар" ҳисобварағи ва 0720—"Хориждан олинган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар" ҳисобварақларига кўра сотиб олинади ва ҳисобга олинади.

Йиғиш-ўрнатишни талаб қилувчи асбоб-ускунага уларнинг қисмлари йиғилганидан сўнг, фундаментга, устунга, полга ва иморат ҳамда иншоотларнинг бошқа конструкцияларига мустаҳкамлангандан кейин ишга тушириладиган кўтарма асбоб-ускуналар, шунингдек, бундай асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмларининг кўтармалари киради. Бундай асбоб ускуналар таркибига, шунингдек, назорат-ўлчов аппаратлари ва ўрнатиладиган асбоб-ускуна таркибига йиғиш-ўрнатилиш учун мўлжалланган бошқа асбоблар киради.

Асбоб-ускуна ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда харид қилиш (тайёрлаш) баҳолари бўйича қиймати ва бу бойликларни корхона омборига етказиш ва тайёрлов харажатлари-

дан ташкил топган харид қилиш (тайёрлаш)нинг ҳақиқий таннархи бўйича ҳисобга олинади.

Мол етказиб берувчилардан олинган монтажни талаб қиладиган жиҳозларнинг қийматига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 0710—"Ўзимизда ишлаб чиқарилган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар";

К-т 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар".

♦ Белгиланган тартибда монтаж қилиш учун берилган жиҳозлар суммасига:

Д-т 0810—"Тугалланмаган қурилиш";

К-т 0710—"Ўзимизда ишлаб чиқарилган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар".

Сметаларда ўтказилган кўзда тутилган бошқа капитал ишлар ва харажатлар уларнинг турларига қараб ҳисобга олинади ҳамда бу ишларнинг бажарилишига кўра ёки чет ташкилотнинг тўлов учун қабул қилган ҳисобварақлари асосида 0810—"Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварағида акс эттирилади.

Булар айрим объектлар ўртасида смета қийматига мутаносиб равишда тақсимланади. Ушбу харажатларнинг тегишли улуши фақатгина қуриб битказилган объектлар қийматига қўшилади.

Қурувчи (буюртмачи) қурилиш ишлари қандай усулда олиб борилаётганлигидан қатъий назар, фойда ва зарарни алоҳида-алоҳида бухгалтерия ҳисобида юритиши шарт. Олинган жарималар, пенялар, шунингдек, моддий бойликлар ва хизматларни четга сотишдан келган фойда буюртмачи ҳисобидаги фойда ҳисобварағига киритилади.

Йил якуни бўйича зарар аниқланганида зарарнинг умумий суммаси бошқа капитал ишлар ва харажатлар таркибидаги объектларнинг инвентарь қийматига қўшилади.

Иш хўжалик усулида олиб борилганида қурилиш ишларини амалга оширишни ҳисобга олиш корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти харажатларининг амалдаги барча қоидаларига асосланади. **Хўжалик усулида** қурилиш-монтаж ишлари корхонанинг ўз куч ва воситалари (қурилиш участкаси) билан бажарилади. Хўжалик усули билан қурилиш ишлари олиб борилга-

нида капитал маблағлар бўйича қуйидагича проводкалар берилади:

♦ Мол етказиб берувчилардан олинган қурилиш материаллари қийматига:

Д-т 1050—"Қурилиш материаллари";

К-т 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар".

♦ Сотиб олинган жиҳозлар қийматига:

Д-т 0710—"Ўзимизда ишлаб чиқарилган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар";

К-т 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар".

♦ Сотиб олинган қурилиш материаллари ва жиҳозларнинг қийматини тўлашга:

Д-т 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

♦ қурилиш учун сарфланган материаллар қийматига:

Д-т 0810—"Тугалланмаган қурилиш";

К-т 1050—"Қурилиш материаллари".

♦ Монтажга берилган жиҳозлар қийматига:

Д-т 0810—"Тугалланмаган қурилиш";

К-т 0710—"Ўзимизда ишлаб чиқарилган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар".

♦ Қурувчиларга берилган иш ҳақи суммасига:

Д-т 0810—"Тугалланмаган қурилиш";

К-т 6710—"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоблашишлар".

♦ Ижтимоий суғуртага ажратмалар суммасига:

Д-т 0810—"Тугалланмаган қурилиш";

К-т 6510—"Суғурта юзасидан тўловлар";

К-т 6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар".

♦ Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган солиқларга:

Д-т 6710—"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоблашишлар";

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар".

♦ Бюджетга ўтказилган солиқлар суммасига:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

♦ Қурувчиларга иш ҳақи тўлаш учун банкдан олинган пул маблағларига:

Д-т 5010—"Миллий валютадаги пул маблағлари";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

♦ Курувчиларга иш ҳақи тўланганида:

Д-т 6710—"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоблашишлар";

К-т 5010—"Миллий валютадаги пул маблағлари".

Қурилиш ишлари тугаганидан сўнг асосий воситанинг бошланғич қийматини аниқлаш чоғида 0810—"Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварағи дебетидаги маълумотлар жамланади, сўнгра асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларга ўтказилади:

Д-т 0120—"Иморат, иншоот ва узатувчи мосламалар";

К-т 0810—"Тугалланмаган қурилиш".

11.4. Қурилиши тугалланган объектларни ҳамда тугалланмаган қурилишни ҳисобга олиш

Барча қурилиш монтаж ишлари тугалланиб, қабул-қилиш далолатномалари билан расмийлаштирилиб, тасдиқланган ҳолдагина, қурилиш тугалланган ҳисобланади.

Бажарилган ишлар қабул қилиб олинганидан сўнг, қуриб битказилган объектлар фойдаланишга топширилади. Мазкур қабулни махсус қабул комиссияси ўзининг қурилиши тугалланган капитал маблағ объектларини қабул қилиш далолатномаси орқали амалга оширади. Далолатнома бухгалтерияга берилади ҳамда объектнинг инвентарь қийматини белгилашда, уни асосий воситалар таркибига киритишда ҳамда тегишли *молиялаштириш манбаларидан олинган маблағларни* ҳисобдан чиқаришда асос бўлиб хизмат қилади.

Қурилиши тугалланган объектни асосий воситалар таркибига киритишда унинг инвентарь қиймати аниқланади.

Инвентарь қиймат — барпо этиладиган қурилиш, тиклаш ёки сотиб олинган объектларга тегишли жами харажатлар.

Бинолар ва иншоотларнинг инвентарь қиймати қурилиш ишлари харажатлари ва уларга тегишли бўлган бошқа капитал ишлар ва харажатлардан таркиб топади. Бошқа капитал ишлар ва харажатлар тўғридан-тўғри объектларнинг инвентарь қийматига қўшилади.

Объектларни асосий воситалар таркибига киритишда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 0120—"Иморат, иншоот ва узатувчи мосламалар";

К-т 0810—"Тугалланмаган қурилиш".

Амалга оширилмаган ва тўхтатиб қўйилган капитал қурилиш харажатлари белгиланган тартибда ҳисобдан чиқаришга ижозат олинишига қараб, асосий воситаларнинг қийматини оширмайдиган харажатлар сифатида ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттирилиб, қурувчи (буюртмачи) балансидан чиқарилади:

Д-т 9430—«Бошқа операцион харажатлар»;

К-т 0810—"Тугалланмаган қурилиш".

Ҳисобот даври якунида корхонада тугалланмаган қурилиш алоҳида ҳисобга олинади. Тугалланмаган қурилиш объектларига қуйидагилар киради:

- қурилиши давом этаётган объектлар;
- қурилиши тўхтатиб қуйилган, вақтинча тўхтатилган ёки узил-кесил тўхтатилган объектлар;
- гарчи ишга туширилган бўлсада, аммо ҳозирча қабул-қилиш далолатномалари тасдиқланмаган объектлар.

Бухгалтерия ҳисобида тугалланмаган қурилиш 0810—"Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварағининг сальдосида акс эттирилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Капитал қўйилмалар деганда нимани тушунасиз?
2. Капитал қўйилмаларни амалга оширишнинг қандай турлари мавжуд?
3. Капитал қўйилмалар қайси усулларда амалга оширилади?
4. Инвентар қиймат қандай аниқланади?
5. Қурилиши тугалланмаган объектлар қандай ҳисобга олинади?

12-боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАХИРАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

12.1. Ишлаб чиқариш захиралари ҳисобининг вазифалари, уларни туркумлаш ва баҳолаш

Корхоналар ўз ишлаб чиқариш фаолиятларини амалга ошириши учун маълум миқдорда ишлаб чиқариш захираларига эга бўлиши керак. Ишлаб чиқариш захиралари хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятини нормал давом этишини таъминлайди. Уларнинг таркибига материаллар, хом-ашё, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар киради.

Ишлаб чиқариш захиралари, асосий воситалардан фарқли равишда, бир ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, ўз қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига шу даврнинг ўзида тўла ўтказади. Материаллар билан биргаликда, хом-ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар корхона оборот активларини ташкил қилади. Корхона учун зарур бўладиган оборот маблағларининг умумий миқдори тегишли вазирликлар томонидан белгиланади. Материалларнинг ҳар бир тури бўйича нормативларни корхонанинг ўзи мустақил белгилайди. Ҳар бир корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг тўхтовсиз давом этиб туришида белгиланган нормативларга риоя қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналарда ишлаб чиқариш захираларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, уларнинг оқилона сарфланишига риоя қилиш, маҳсулот таннархида моддий харажатларнинг салмоғини минималлаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Энг аввало, материалларни тўғри, тежамли сарфлаш корхона фаолиятини ривожлантиришда ва бу орқали мамлакат иқтисодиётини гуллаб-яшнашида, аҳолининг моддий фаровонлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

♦ Ишлаб чиқариш захиралари ҳаракати билан боғлиқ муомалаларни ўз вақтида тегишли ҳужжатларда расмийлаштириш;

♦ Ишлаб чиқариш захираларининг тўғри сақланиши устидан назорат олиб бориш;

♦ Ишлаб чиқариш захираларининг ишлаб чиқаришга тўғри сарфланиши ҳамда уларни сарфлаш меъёрларига риоя қилиш устидан узлуксиз назорат олиб бориш;

♦ Маҳсулот таннархини ҳисоблашда сарфланган материалларни калькуляция объектлари ўртасида тўғри тақсимлаш.

Корхонада ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олишни енгиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида уларни туркумлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш захиралари улардан фойдаланишнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

♦ ***Хом-ашё*** — маҳсулотнинг моддий асосини ташкил этадиган меҳнат ашёларидир. Масалан, пахта, руда ва бошқалар;

♦ ***Материаллар*** — хом-ашёга таъсир этиш учун қўлланиладиган ва маҳсулотга маълум истеъмол хусусиятини беришда фойдаланиладиган воситалардир. Улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосини ташкил этади, яъни газлама, чарм, металл ва ҳоказолар;

♦ ***Сотиб олинадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар*** — маълум даражада ишлов босқичидан ўтган, лекин ҳали пировард маҳсулот даражасига етказилмаган маҳсулотлар;

♦ ***Ёқилғи*** — кўмир, бензин, торф, газ ҳамда нефть маҳсулотлари;

♦ ***Эҳтиёт қисмлар*** — машина ва жиҳозларни тузатишда, ишдан чиққан қисмларни алмаштиришда қўлланиладиган машина ва механизмларнинг деталь, агрегат ва қисмлари;

♦ ***Қурилиш материаллари*** — бевосита қурилиш ва монтаж ишлари жараёнида, қурилиш қисмларини тайёрлашда, бино ва иншоотларнинг алоҳида конструкция ва қурилмаларини кўтаришда ва қуриб тугатишда

фойдаланилади. Уларга қурилиш учун зарур бўладиган ёғоч-тахта, шифер, мих ва бошқалар киради;

♦ ***Идиш ва идиш материаллари*** — турли материал ва маҳсулотларни ўраш, жойлаштириш, ташиш ҳамда сақлашда ишлатиладиган буюмлардир. Уларга ёғоч, картон, металлдан ясалган, шиша ва бошқа идишлар киради;

♦ ***Инвентарь ва хўжалик анжомлари*** — ушбу гуруҳга корхона хўжалик фаолиятида ишлатиладиган инвентарь буюмлар ҳамда арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар киради;

♦ ***Бошқа томонга қайта ишлашга берилган материаллар*** — корхона балансида турган, қайта ишлаш учун бошқа корхонага берилган материаллар. Уларга, асосан, қайта ишлаш учун ўзга корхонага берилган ўсимликчилик, чорвачилик ҳамда ўрмон хўжалиги маҳсулотлари киради;

♦ ***Бошқа материаллар*** — юқоридаги сатрларда кўрсатиб ўтилмаган бошқа материаллар киради. Уларга чиқитлар, тузатилмайдиган браклар, металлом ва бошқалар мисол бўлади.

Мол-мулк инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибига киритилиши учун қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

♦ хизмат муддати бир йилдан ошмаган;

♦ хизмат муддатидан қатъи назар бир бирлик (комплект) учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган (харид қилиш пайтида) энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда қийматга эга бўлган буюмлар. Раҳбар ҳисобот йилида уларни инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибида ҳисобга олиш учун буюмлар қийматининг камроқ чегарасини белгилашга ҳақли.

Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибига қуйидагилар киритилади:

♦ махсус асбоб-ускуналар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумли ва оммавий ишлаб чиқариш ёки якка тартибдаги буюртмани тайёрлаш учун мўлжалланган, мақсадли асбоб ва мосламалар);

♦ махсус ва санитария кийими, махсус пойабзал;

♦ кўрпа-тўшаклар;

♦ ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва ҳоказолар);

♦ ошхона инвентари, шунингдек дастурхон ва сочиқлар;

♦ барпо этиш харажатлари қурилиш-монтаж ишларининг таннархига киритиладиган вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар;

♦ фойдаланиш муддати бир йилдан ошмайдиган алмаштириладиган ускуналар;

♦ овлаш қуроллари (тўрлар, матраплар, траллар ва ҳоказо).

Корхона уларнинг вазифаси ва молия-хўжалик фаолиятидаги ўрнига боғлиқ ҳолда инвентарь, асбоблар ва хўжалик анжомларини ҳисобга олиш учун ҳисобварақларни мустақил очиш ҳуқуқига эга. Топшириш пайтида инвентарь ва хўжалик анжомларининг қиймати тўлалигича ишлаб чиқариш ёки давр харажатларига киритилади.

Материалларни бухгалтерия ҳисобида тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ишлаб чиқариш захираларини баҳолаш "Товар-моддий захиралар" номли 4-сон БҲМАга асосланган бўлиши лозим. Ушбу стандартга мувофиқ материаллар энг кам баҳода, яъни таннархи бўйича ёки соф сотиш қийматида ҳисобга олиниши лозим. Чунки бухгалтерия ҳисобининг эҳтиётқорлик тамойилини акс эттиришнинг бири бўлиб паст баҳолаш қоидаси ҳисобланади: таннарх бўйича ёки сотишнинг соф қиймати.

"Товар-моддий захиралар" номли 4-сон БҲМАга асосан товар моддий захираларнинг таннархи барча сотиб олиш харажатларини ва товар-моддий захираларни манзилга етказиб бериш ҳамда тегишли ҳолатга келтириш билан боғлиқ бўлган транспорт-тайёрлов харажатларини ўз ичига олади.

Материалларни сотиб олиш харажатлари сотиб олиш қийматини, импорт божлари ва йиғимларни, маҳсулотни сертификация қилиш харажатларини, таъминот, воситачи ташкилотларга тўланган комиссион тўловларни, солиқларни (кейинчалик ҳисоб-китоб тарзида), шунингдек транспорт-тайёрлов харажатлари, хизмат ва захираларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатларни ўз ичига олади. Савдо дисконтлари, сийловлари ва шунга ўхшаш бошқа чегирмалар материалларни сотиб олиш харажатларини белгилашда

амалга оширилади. Бошқа харажатлар, агар улар материалларни манзилига етказиш пайтида пайдо бўлган тақдирдагина товар-моддий захираларнинг таннархига киритилади. Масалан, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган қўшимча харажатлар ёки муайян мижозлар учун маҳсулот ишлаб чиқариш сарфларини материаллар қиймати бўйича харажатларга киритиш имконияти вужудга келиши мумкин.

Материалларнинг ҳар бир турини тайёрлаш, ҳақиқий таннархини ҳисоблаш кўп меҳнат ва вақт талаб қилади. Шунинг учун ҳам кўпчилик ҳолларда моддий бойликлар жорий ҳисобда — ўртача сотиб олиниш баҳоси, режа таннархи бўйича ва бошқа баҳоларда баҳоланади. Материалларнинг ҳақиқий таннархи билан ўртача сотиб олиниш баҳоси ёки режа таннархи ўртасидаги фарқ уларнинг гуруҳлари бўйича алоҳида ҳисобварақларда ҳисобга олинади. Амалиётда компьютерларнинг кенг қўлланилиши материал захиралари ҳар бир турининг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш имкониятини яратади.

Ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқариладиган материалларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш, уларни баҳолашнинг қуйидаги усулларини қўллаш билан амалга ошириш мумкин:

1. Ўртача таннарх бўйича ёки AVECO усули;
2. Ўртача чамаланган баҳолар бўйича, биринчи тушум-биринчи харажат, FIFO усули;
3. Ўртача чамаланган баҳолар бўйича, охирги тушум-охирги харажат, LIFO усули.

Ўрта таннарх бўйича ҳисоблаш материалларнинг ўртача нархларига асосланган. Бу усул бўйича ҳар бир бирликнинг қиймати давр бошларида ўхшаш бирликларнинг ўртача ўлчанадиган қийматидан давр мобайнида сотиб олинган ва ишлаб чиқарилган ўхшаш бирликлар қийматидан белгиланади. Ўртача қиймат даврий асосда ёки хўжалик юритувчи субъектда мавжуд бўлган вазиятга кўра, ҳар бир қўшимча етказиб бериш давомида ҳисобланиши мумкин. ФИФО усулида ишлаб чиқаришга биринчи сотиб олинган материаллар партияси бўйича баҳоланади, сўнгра иккинчи партия баҳоси бўйича ва ҳоказо. ФИФО усулида хом-ашё, материаллар ва товарлар келиб тушиш тартиби бўйича баҳоланади. Бу шундан далолат берадики, материаллар тан-

нархининг қисми сифатда нисбати олдинги баҳода ҳақиқатда ушбу материаллар юқори ёки паст нархда сотиб олинганлигидан қатъий назар сарфланади. Материалларнинг баҳоси уларнинг жорий баҳосини акс эттиради. Инфляция даврида ФИФО усулидан қўлланилса, соф фойданинг энг юқори даражасига эришилади.

ЛИФО усулида материаллар ишлаб чиқаришга аввал охирги партия таннархи бўйича ёзилади, сўнгра аввалги партия ва ҳоказо. Захирада қолган материаллар қиймати ҳисобот даврининг охирида биринчи сотиб олинган материал таннархи бўйича ҳисобланади. ЛИФО усулидан фойдаланиш инфляция даврида энг паст фойдани, дефляция, яъни нархларнинг пасайиши вақтида энг юқори фойдани келтиради.

Бир қанча мамлакатларнинг солиқ қонунчилигида, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида бу усулни қўллаш тақиқланади. Чунки бу усулда корхона фойдасидан тўланадиган солиқни ҳисоблаш базаси камайиб кетади.

Мисол. "Бобур" компаниясида йил давомида қуйидаги материаллар сотиб олинди:

...б олин... ...наси	Миқдори	...бир бирлик ...териалнинг ...ймати, сўм	
10 ...арт	1000	600	
28 май	1700	800	1360
9 ноябрь	1500	900	1350
Жами	4200		3310

Йил давомида 2800 сўмлик материал сарфланди ва омборда 1400 сўмлик материал қолди.

ФИФО усули бўйича материалларни баҳолаймиз:

Материаллар сарфи	Миқдори		Жами ми...
1-партия	1000	600	600
2-партия	1700	800	1360
3-партия	100	900	900
Жами сарфланди	2800		2860
Омбордаги қолдиқ	1400	900	1260

ЛИФО усули бўйича материалларни баҳолаймиз:

Материаллар сарфи	Миқдори	Бир бирлик материалнинг қиймати, сўм	Жами қиймати, сўм
1-партия	1500	900	1350
2-партия	1300	800	1040
3-партия	—	—	—
Жами сарфланди	2800		2390
Омбордаги қолдиқ	400	800	320
	1000	600	600
Жами қолдиқ	1400		920

AVECO усули бўйича материалларни баҳолаймиз:

Материаллар сарфи	Миқдори	Бир бирлик материалнинг қиймати, сўм	Умумий қиймати, сўм
1-партия	1000	600	600
2-партия	1700	800	1360
3-партия	100	900	900
Жами сарфланди	2800	788.8	2207
Омбордаги қолдиқ	1400	788.8	1103

Эслатма. Материал бирлигининг ўртача қиймати AVECO усулида қуйидагича аниқланади:

$$(3310/4200)=788.8 \text{ сўм.}$$

Юқорида келтирилган усуллардан фойдаланиб сарфланган материал таннархи ҳамда йил охирида захираларга тақсимланадиган харажатларни аниқлаш лозим:

ФИФО усули бўйича:

Сотишдан олинган даромад	3250
Жами материал таннархи	3310
Ҳисобот даври охирида материал қолдиғи	1260
Сарфланган материал таннархи	2050
Ялпи фойда	1200

ЛИФО усули бўйича:

Сотишдан олинган даромад	3250
Жами материал таннархи	3310
Ҳисобот даври охирида материал қолдиғи	920
Сарфланган материал таннархи	2390
Ялпи фойда	860

AVECO усули бўйича:	
Сотишдан олинган даромад	3250
Жами материал таннархи	3310
Ҳисобот даври охирида материал қолдиғи	1103
Сарфланган материал таннархи	2207
Ялпи фойда	1043

Юқоридаги жадваллардан кўриниб турибдики, материалларни баҳолашнинг турли хил усулларини қўллаш шароитида корхонанинг ялпи фойдаси турлича бўлади.

ЛИФО усули "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот"ни тузиш учун кўпроқ талабга жавоб беради. Аммо амалдаги баҳонинг ошиши ёки пасайиши шароитида ишлаб чиқариш захиралари қийматини жорий балансда баҳолаш учун унчалик мақсадга мувофиқ эмас ва унинг Ўзбекистонда қўлланилишига рухсат берилмаган.

Баланс тузишда ФИФО усулини қўллаш мақсадга мувофиқдир, чунки ишлаб чиқариш захиралари қиймати ҳисобот даври охирида жорий баҳога яқинроқ бўлади ва корхона активларини аниқ акс эттиради.

12.2. Материаллар ҳаракатини ҳужжатларда расмийлаштириш

Материаллар ҳаракати билан боғлиқ муомалаларни ўз вақтида ҳужжатларда расмийлаштириш уларнинг ҳисобини тўғри юритишни таъминлайди. Корхоналарга материалларнинг ўз вақтида келтирилишини таъминот бўлими назорат қилиб боради. Таъминот бўлими ходимлари мол етказиб берувчи корхоналар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишини текшириб, уларга материаллар камомади ва сифати бўйича эътирозлар ва даъволар қўйиш, корхонага ўз вақтида етиб келмаган юкларни топиш вазифаларини бажарадилар.

Мол етказиб берувчиларнинг шартнома шартларига риоя қилишлари устидан назорат олиб бориш ишлаб чиқаришни тўхтовсиз, ўз вақтида давом этишини таъминлайди.

Мол етказиб берувчилардан олинган счёт ва бошқа ҳисоб-китоб ҳужжатлари, энг аввало, корхона бухгал-

териясига топширилади, улар текширилади, сўнгра ўз вақтида рўйхатга олинади. Шундан сўнг бу ҳужжатлар корхонанинг таъминот бўлимига топширилади. Ҳар бир счёт бўйича унинг тўланиши ёки тўланмаслиги аниқланади. Агар шартнома шартларига мол етказиб берувчилар тўла амал қилган бўлса, счётни тўлашга розилик берилади. Тўланиши лозим бўлган счёт ва бошқа ҳисоб-китоб ҳужжатлари материални қабул қилиш учун омборга берилади. Материаллар корхонага келтирилгунга қадар ҳамма ҳужжатлар махсус папкада сақланади. Ўз вақтида юборилмаган материаллар тўғрисида омбор мудири корхонанинг таъминот бўлимига тегишли чора кўрилиши учун хабар беради.

Одатда, мол етказиб берувчи корхоналардан материалларни таъминот бўлими экспедитори етказиб беради. Мол етказиб берувчи ёки транспорт ташкилотларидан материалларни қабул қилганда таъминотчи идиш, пломба, тамға ҳамда материаллар сифатини текширади. Агар текшириш натижасида камомад ёки юклар сифати бузилганлиги аниқланса, мол етказиб берувчи ёки транспорт ташкилотига даъво қўйиш ҳуқуқини берадиган далолатнома тузилади.

Корхона ўзаро тузилган шартномага мувофиқ мол етказиб берувчилардан келган материаллар учун ҳисоб-китоб, юклаш ва бошқа йўлланма ҳужжатлар (тўлов талабномаси, счёт-фактура, товар-транспорт юкхатлари) олади.

Корхонага келган ҳужжатлар оператив ходим томонидан келган материалларни қайд қилиш учун очилган М-1 шаклидаги махсус дафтарда рўйхатга олинади ҳамда шартномада кўзда тутилган талабларга мос келиши назоратдан ўтказилади.

Мол етказиб берувчи ёки транспорт ташкилоти омборидан материалларни олиш учун бухгалтер экспедиторга М-2, М-2а шаклдаги ишончнома ёзиб беради.

Моддий бойликларни олишга бериладиган **ишончнома** — корхона мол етказиб берувчиларидан товар-моддий бойликларни олиш учун ўз вакилига берадиган ҳужжатидир.

Корхона ишончноманинг икки — **М-2** ва **М-2а** шаклидан фойдаланади. М-2 шаклидан фойдаланганида бериш-олишлар ҳақидаги маълумотлар ишончнома

варақасининг қўшимча қисмига (корешогига) ёзилади, бу ҳолда берилган ишончномани махсус дафтарга ёзиб қўйишга ҳожат қолмайди.

Корхона моддий бойликларни оммавий тарзда ишончнома билан оладиган ҳолларда М-2а шаклидаги ишончномадан фойдаланади. Берилган ишончнома эса махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади.

Ишончнома корхона раҳбари ва бош бухгалтери томонидан муҳрланган ҳолда берилади, сўнгра у **М-2б** шаклидаги махсус дафтарга қайд қилинади. Экспедитор эса ишончномани олишда дафтарга имзо чекади.

Ишончномани олган ходим материаллар олингандан кейинги биринчи кундан қолдирмасдан унга юклатилган вазифани бажарганлиги ҳамда олинган материалларни омборга топширганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни бухгалтерияга топшириши шарт. Ишлатилмаган ишончномалар белгиланган муддати ўтиб кетгандан кейинги кунда бухгалтерияга топширилади. Муддати ўтиб кетган ишончномалар бўйича ҳисобот бермаган шахсларга янги ишончномалар бериш ман қилинади.

Материалларни омборга омбор мудири ёки омборчи қабул қилади. Келтирилган материаллар мол етказиб берувчининг ҳужжатлари билан мувофиқ бўлса, омборчи **М-4 шаклидаги кирим ордери** тузади. Кирим операциялари сони кам бўлганида, мол етказиб берувчининг ҳужжатига муҳр қўйишга рухсат этилади. Ҳақиқатда кирим қилинган материаллар ва юборилган ҳужжатлар орасида тафовут аниқланса, материалларни қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Бу далолатнома мол етказиб берувчи ёки бошқа манфаатдор бўлмаган корхона вакиллари иштирокида тузилади. Далолатнома тузилганида кирим ордери расмийлаштирилмайди.

Омбордан цехларга сарфлаш учун бериладиган материалларга лимит-забор карталари, талабнома ҳамда юкхатлар расмийлаштирилади. Материалларнинг бир маротаба, кам такрорланадиган харажат қилиниши талабномалар билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжат истеъмолчи цех, бўлим ва участкалар томонидан расмийлаштирилади.

Омбордан цехларга материаллар мунтазам бериб борилса, у ҳолда лимит-забор карталари қўлланилади.

Лимит-забор картаси корхонанинг ишлаб чиқариш ёки режа бўлими томонидан ёзилади. Унда шу цех ёки участкага берилиши лозим бўлган материал маълум турининг ойлик чекланган меъёри кўрсатилади. Чекланган меъёр цех ёки участканинг ишлаб чиқариш режаси ва шу цех ёки участкада материалларни сарфлаш меъёри асосида аниқланади. Лимит картаси икки нусхада ёзилади, бир нусхаси омборга, иккинчиси эса цехга берилади. Материаллар берилгандан сўнг лимит картасининг цех нусхасига имзо қўяди, цех ходими омборчининг нусхасига ўз имзосини қўяди.

Омборчи ҳар бир операциядан кейин фойдаланилмаган лимит қолдиғини ҳисоблаб чиқади. Лимит етмаган тақдирда лимитдан ташқари материаллар харажати талабнома билан расмийлаштирилади.

Материалларнинг сарфланиши бўйича лимитнинг *шу тариқа белгиланиши меъёрдан ортиқча сарфлар* ҳақида корхона раҳбарларига ўз вақтида хабар қилиш имконини беради. Лимит карталарининг қўлланилиши ҳужжатлар сонини камайтиради ва уларни қайта ишлашни енгиллаштиради.

Материалларнинг ички кўчишида, яъни бир омбордан иккинчи омборга, бир цехдан иккинчи цехга берилганида ҳамда чиқиндилар омборга қабул қилинганида **қабул қилиш юкхатлари** билан расмийлаштирилади.

Омбор ходимларига материалларни бошқа ҳужжатлар бўйича ҳамда турли хатлар, оғзаки фармойишлар асосида бериш тақиқланади.

12.3. Материалларнинг омбордаги ҳисобини ташкил қилиш

Корхона омборида материалларнинг бут сақланишини ташкил этиш уларни тўғри ҳисобга олиб борилишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам омбор хўжалиги ишларини ташкил қилишга муайян талаблар қўйилади.

Корхона омборида материалларни ҳисобга олишнинг *тўғри ташкил қилиниши материалларни ҳисобга* олиш усулига, ҳисоб рўйхати (регистри)нинг турига, миқдорига, фойдаланилган кўрсаткичларга ва уларнинг ўзаро солиштирилишига боғлиқ.

Корхона омбори ихтисослаштирилган бўлиши керак, чунки хилма-хил материалларнинг кимёвий ҳамда физик хоссалари уларни турли хил шароитларда сақлашни талаб қилади. Омборхона тегишли материаллар жойлаштириладиган стеллажлар, токчалар, шкаф ва яшиклар билан жиҳозланиши лозим. Материалларнинг ҳар бирига уларнинг номи, номенклатура рақами, нави, ўлчами, ўлчов бирлиги кўрсатилган ёрлиқ ёзилиб, сақлаш жойига ёпиштириб қўйилади.

Тез ёнишга мойил бўлган материаллар махсус омборларда сақланиши лозим. Бу омборлар ёнғинга қарши қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

Очиқ ҳавода сақланиши лозим бўлган материаллар омборхона ҳовлисида махсус ажратилган, ёғингарчиликдан сақланадиган бостирмага жойлаштирилади. Ҳамма омборхоналар тош-тарози, ўлчов идишлари ва бошқа шунга ўхшаш зарур мосламалар билан таъминланган бўлиши шарт.

Омбор мудири моддий маъсул шахс ҳисобланиб, омборхонада сақланаётган ҳамма материаллар ҳаракати фақат у орқали амалга оширилади. Омборчини ишга олиш, бошқа лавозимларга ўтказиш ва хизмат вазифасидан озод қилиш бош бухгалтер билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Омбор мудирини ишга қабул қилишда унинг тўла равишда шахсий моддий жавобгарлиги ҳақида шартнома тузилади. Уни ишдан бўшатиш сақланаётган молларнинг тўлиқ инвентаризацияси ўтказилиб, жавобгарлиги остидаги моддий бойликлар бошқа шахсга ўтгандан кейингина амалга оширилади.

Омборда материалларнинг қолдиқлари тўғрисида тўлиқ маълумот олиш мақсадида уларни алоҳида турлари, навлари, размери ва номенклатура рақамлари бўйича ҳисобга олиш зарур.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда материаллар бўйича аналитик ҳисобни тўғри юритиш муҳим. Шу сабабли улар ҳозирги пайтда уч хил усул бўйича юритилади:

1. Материаллар ҳаракатини ҳисобга олувчи дафтарда;
2. Материаллар ҳаракатини юритувчи карточкаларда;
3. Оператив-бухгалтерлик (қолдиқ) усули.

Материалларни тўғри ҳисобга олишда уларнинг фак-

тура баҳосини аниқлаш муҳимдир. Халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартлари бўйича материалларни жорий ҳисобда ҳисобга олишда уларнинг ҳақиқий қийматини билиш жуда муҳим. Халқаро савдо амалиётидаги фактура баҳосини аниқлашда моддий қийматликлар баҳоси ва қопланадиган транспорт тарифлари, юкларнинг суғурта тўловлари, экспорт солиқлари ва божхона йиғимларининг маълум тартибда қопланиши ва уни томонлар қопланишини белгилаш зарур.

Омборларда материалларнинг миқдор кўрсаткичларидаги ҳисоби юритилади. Бунинг учун материалларнинг ҳар бир турига ёки номенклатура рақамига М-17 сонли типик шаклдаги варақлар очилади. Улар материал ҳаракати билан боғлиқ кирим ва чиқим операциялари бўйича расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлар асосида тўлдирилади ва ҳар бир кирим ҳамда чиқим операциялари ёзилгандан кейин материал қолдиғи аниқланади. Материалларнинг омбордаги ҳақиқий қолдиғи меъёрдаги қолдиқ билан солиштирилади ва ўртадаги фарқдан таъминот бўлими ходимлари хабардор қилинади.

Кирим ва чиқим операциялари бўйича кундалик расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлар белгиланган муддатда корхона бухгалтериясига топширилади.

Материалларнинг омбордаги ҳисоби оператив бухгалтерия ёки бошқа усуллар ёрдамида ҳисобга олинади. Ушбу усулларнинг моҳияти шундан иборатки, бунда материалларнинг омбордаги ҳисоби сон шаклида, бухгалтерияда эса пул шаклида юритилади. Бухгалтерияда юритиладиган ҳисоб материалларнинг ҳаракати бўйича омборда расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлардаги маълумотларга асосланади. Омборларда расмийлаштирилаётган бошланғич ҳужжатларнинг тўғри ёки нотўғрилигини бухгалтерия ходимлари белгиланган муддатларда текшириб боради ва ёзувлар тўғрилиги омбор варақаларининг "назорат" бўлимида имзо билан тасдиқланади. Ҳисобот ойининг охирида омбордаги ҳисоб бухгалтерияда юритиладиган синтетик ҳисоб маълумотлари билан таққосланади. Бунинг учун эса ҳар бир омбор бўйича қолдиқ ведомости юритилади. Ведомостда омбор варақалари асосида материал қолдиғи ёзилади ва у пул кўрсаткичига айлантирилади. Қолдиқ ведо-

мостидаги материал қолдиғининг умумий суммаси бухгалтерияда материаллар ҳаракати бўйича юритиладиган 10-ведомост маълумотлари билан солиштирилади. Сонларнинг тўғри келиши ҳисобот ойи давомида омборда ва бухгалтерияда юритилган ҳисобнинг тўғрилигидан далолат беради.

12.4. Материалларнинг киримини бухгалтерияда ҳисобга олиш

Корхона бухгалтериясида моддий бойликларнинг кирим-чиқимлари хусусидаги барча бирламчи ҳужжатлар: манзил белгилари, имзолар, суммалар ва амалга оширилган тадбирларнинг қонунга тўғри келиш-келмаслиги текширилади.

Кирим ордерларидаги ёзувлар тегишли тўлов ҳужжатлари, счёт-фактуралар, юкхатлар ва бошқа ҳужжатлар билан солиштирилади. Нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар қайта кўриб чиқиш учун қайтарилади.

Бухгалтерияда текширишдан ўтказилган ҳужжатлар таксировка қилинади, яъни материал миқдори унинг нархига кўпайтирилиб, ҳужжат бўйича умумий сумма аниқланади. Кейин барча кирим-чиқим ҳужжатлари омборлар, жамлама ҳисобварақлар бўйича гуруҳларга ажратилади, бу гуруҳлар эса ҳисоб нархи бўйича кичик гуруҳларга бўлинади. Бу ҳужжатларнинг якунлари М-43 шаклидаги материалларнинг жамлама ҳисоби жамғарув қайдномасига ёзиб қўйилади.

Бухгалтерия ҳисобида материалларнинг ҳисобини юритишда қуйидаги ҳисобварақлардан фойдаланиш мумкин:

1010—"Хом-ашё ва материаллар";

1020—"Сотиб олинадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар";

1030—"Ёқилғи";

1040—"Эҳтиёт қисмлар";

1050—"Қурилиш моллари";

1060—"Идиш ва идиш материаллари";

1070—"Бошқа томонга қайта ишлаш учун берилган материаллар";

1080—"Инвентар ва хўжалик анжомлари";

1090—"Бошқа материаллар".

Ушбу ҳисобварақларнинг дебетида ишлаб чиқариш захираларининг кўпайиши, кредитида эса уларнинг ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун сарфланиши акс эттирилади. Юқорида санаб ўтилган ҳисобварақлар актив ҳисобланиб, уларнинг дебетидаги қолдиқ ҳисобот даври бошидаги материаллар қолдиғини акс эттиради.

Мол етказиб берувчилар счётлари ва омбор кирим ордерлари асосида омборга материалларнинг қабул қилинишига қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Д-т 1010—"Хом-ашё ва материаллар";

К-т 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар".

Қабул қилиш вақтида материалларнинг камомади ёки етишмаслиги аниқланса, у ҳолда материалнинг сотиб олиниш баҳосига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4860—"Даъволар бўйича олинадиган счётлар";

К-т 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар".

Агарда корхонага келтирилган материаллар мол етказиб берувчилар ҳужжатларида кўрсатилганидан ортиқ бўлса, у ҳолда кўп чиққан материал қийматига тегишли материал счётлари дебетланиб, 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" ҳисобварағи кредитланади.

Сотиб олинган материаллар бўйича мол етказиб берувчилар счётининг тўланишига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар".

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

Корхонанинг ўзида тайёрланган ва омборга қабул қилинган материалларнинг ҳақиқий таннархига қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Д-т 1010—"Хом-ашё ва материаллар"

К-т 2310—"Ёрдамчи ишлаб чиқариш".

12.5. Транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисобга олиш

Материаллар мол етказиб берувчилардан сотиб олинганида кўп ҳолларда уларни сотиб олиш ҳамда тайёрлаш билан боғлиқ операциялар 1510—"Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш" ҳисобварағида ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақнинг дебетида 6010, 2310, 2010, 6990 ва бошқа ҳисобварақларнинг кредитлари бўйича материалларнинг сотиб олиш қиймати шаклланади. Шунингдек бу ерда материаллар билан боғлиқ транспорт-тайёрлов харажатлари ҳам ифодаланади.

Бу ҳисобварақнинг кредит томонида 1010—1090-ҳисобварақларнинг дебети бўйича ҳақиқатда келиб тушган ва кирим қилинган материалларнинг ҳисоб қиймати акс эттирилади.

Ҳисоб нархларида қабул қилинган материаллар ва уларни сотиб олиш ҳамда тайёрлаш қийматлари орасидаги фарқ 1610—"Материаллар қийматидаги оғишлар" ҳисобварағига ўтказилади ва ҳар ойнинг охирида 1610—"Материаллар қийматидаги оғишлар" ҳисобварағининг дебетида йиғилган сумма ишлаб чиқаришга ва бошқа эҳтиёжларга сарфланган материалларнинг қийматига мутаносиб тақсимланиб, харажатлар ҳисобварағига кўчирилади.

1510—"Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш" ҳисобварағи дебетидаги қолдиқ корхонага ҳали келиб тушмаган йўлдаги материаллар қийматини ифодалайди.

Материалларнинг ҳақиқий таннархи таркибига транспорт-тайёрлов харажатлари ҳам киради. Буларга материалларнинг шартнома қийматидан ташқари уларни сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатлар киради. Бу харажатлар материалларнинг турлари бўйича тегишли ҳисобварақларда мавжуд материалларнинг умумий ҳажми бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ва фоизини ҳисоблаб чиқаради.

Бу нарса ҳисобот ойи давомида сарфланган материалларга тўғри келадиган транспорт-тайёрлов харажатларини аниқлаб ҳисобдан чиқариш учун зарур.

Сарфланган материаллар қайси ҳисобварақларга ўтказилган бўлса, транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ҳам шу ҳисобварақларга ёзилади. Ҳақиқий таннархнинг режадан ошиш улушини топиш ва ҳисобга олиш ҳам шу тартибда бажарилади. Бу ерда фарқ шундаки, оғишиш (тежалган ёки ортиқча харажат) бўлиши мумкин. Ортиқча харажат транспорт-тайёрлов харажатларига ўхшаб, режа таннархини кўпайтиради, тежалган сумма эса уни камайтиради. Тежалган сумма минус ёки қизил сторно билан ёзилади.

Қуйидаги жадвалда "А" корхона бўйича транспорт-тайёрлов [illegible]атлари суммаси ва фоизини [illegible]аб

К[illegible]	Материалларни баҳо[illegible]	
	Шартнома баҳода	Ҳақиқий [illegible]да
Ой бо[illegible]лдиқ	10000	15000
Ой давомидаги кирим	50000	60000
Жами тушум (1+2)	60000	75000
Транспорт-тайёрлов харажатлари: суммада: фоизда	15000 25	75000—60000 (15000×100)/60000
Ҳисобот ойида сарфланди	40000	45000
Ой охирига қолдиқ	20000	30000

топиш мисоли келтирилган:

12.6. Материаллар сарфланишини бухгалтерияда ҳисобга олиш

Материалларнинг сарфланишини бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олишнинг муҳим хусусиятлари мавжуд. Корхонада материаллар қуйидаги мақсадлар туфайли омбордан чиқиб кетиши мумкин:

- ишлаб чиқаришга сарфланганида;
- ортиқча материаллар сотилганида ва бошқа ҳолларда.

Омбордан ишлаб чиқаришга материаллар сарфланганида қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Д-т Ишлаб чиқариш харажатлари (2010, 2310, 2510 ва ҳоказо)

К-т 1010—"Хом-ашё ва материаллар".

Ҳисоб-китобнинг журнал-ордер шаклидаги корхо-

наларда ишлаб чиқариш учун сарфланган материалларнинг улгуржи баҳоси, шартнома ёки режа таннархи бўйича 10-журнал-ордер, бошқа мақсадлар учун сарфланган материаллар эса 10/1-журнал-ордерга ёзилади.

Моддий бойликлардан тўғри фойдаланиш мақсадида ҳар бир корхона зарур бўлмаган материалларнинг бор-йўқлигини текшириб кўриши лозим. Агарда корхонада кераксиз ёки ортиқча материал борлиги аниқланса, уни бошқа корхонага сотиши мумкин.

Масалан, корхонада ҳақиқий қиймати 20000 сўмлик ортиқча материал борлиги аниқланди ва корхона уни 30000 сўмга бошқа корхонага сотди. Ушбу муомалаларга ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

♦ материалнинг ҳақиқий қиймати ҳисобдан чиқарилди.

Д-т 9220—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 20000 сўм;

К-т 1010—"Хом-ашё ва материаллар" — 20000 сўм.

♦ материалнинг сотиш қиймати акс эттирилди:

Д-т 4890—"Бошқа шахсларнинг қарзлари-жорий қисми" — 30000 сўм;

К-т 9220—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 30000 сўм.

ҚҚС ҳисобланди 4000 сўм;

Д-т 9220—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 4000 сўм.

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" — 4000 сўм.

♦ ортиқча материалларни сотишдан фойда олинди (30000—20000—4000)=6000 сўм;

Д-т 9220—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" — 6000 сўм;

К-т 9320—"Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетишидан олинган фойда" — 6000 сўм.

12.7. Қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш

Хом-ашё ва материаллар қабул қилган корхоналар уларнинг қийматини мол етказиб берувчиларга қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) билан биргаликда тўлайди. Мол етказиб берувчи корхона олинган тушумдан ҚҚСни бюджетга тўлайди.

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) товарларни сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида янги ҳосил қилинган қийматга асосланган ҳолда соф даро-

маднинг бир қисмини бюджет даромадига олиб қўйишнинг бир шаклидир. ҚҚС 20 фоизлик ставкада ундирилади.

ҚҚС икки хил усулда ҳисобланади:

1) Қўшилган қиймат солиғи суммаси белгиланган ставкалар асосида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$С_{ҚҚС} = С_{Тоб} \times СС/100; \qquad (1)$$

бунда: $С_{ҚҚС}$ — истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси; $С_{Тоб}$ — солиққа тортиладиган оборот; СС — қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

2) Товар (иш, хизмат)лар қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олган нархлар ва тарифлар бўйича сотилганида — солиқ қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$С_{ҚҚС} = Т_к \times СС/(СС+100); \qquad (2)$$

бунда: $Т_к$ — қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган товар (иш, хизмат)лар қиймати.

Масалан, "А корхона" мол етказиб берувчилардан 200000 сўмлик материал сотиб олди. ҚҚС суммаси қуйидагича бўлади:

1- ҳолат бўйича:

ҚҚС суммаси=(200000×20%)/100%=40000 сўм.

2-ҳолат бўйича:

ҚҚС суммаси=(200000×20%)/(100%+20%)=33333,(3) сўм.

Моддий бойликларни харид қилиш бўйича тўланадиган ҚҚСни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиб бориш учун 4410—"Солиқ бўйича бўнак тўловлар" ҳисобварағидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Материаллар ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадларга сарфланиши жараёнида ҳисобланган ҚҚС суммаси 4410—"Солиқ бўйича бўнак тўловлар" ҳисобварағидан 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" ҳисобварағига сарфланган материаллар қийматига мутаносиб равишда ўтказилади.

Мисол. Корхона мол етказиб берувчидан 100000 сўмлик материал қабул қилиб олди. ҚҚС—20000 сўм. Жами — 120000 сўм. Ушбу муомалага қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади.

♦ сотиб олинган материал қийматига — 100000 сўм:

Д-т 1010—"Хом-ашё ва материаллар" — 100000 сўм;

К-т 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" — 100000 сўм.

♦ ҳисобланган ҚҚС суммасига — 20000 сўм:

Д-т 4410—"Солиқ бўйича бўнак тўловлар" — 20000 сўм;

К-т 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" — 20000 сўм.

♦ Мол етказиб берувчига пул ўтказиб берилганида:

Д-т 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" — 120000 сўм;

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 120000 сўм.

Ҳисобот ойи давомида корхонада 45000 сўмлик материал ишлаб чиқаришга сарфланди. Демак, ҚҚС 9000 сўмга тенг:

(45000×20%)/100%=9000 сўм.

Бу суммага қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" — 9000 сўм;

К-т 4410—"Солиқ бўйича бўнак тўловлар" — 9000 сўм.

12.8. Ишлаб чиқариш захираларини инвентаризация қилиш

Корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг тўғрилиги уларнинг ишлаб чиқариш захиралари инвентаризация қилиш билан тасдиқланади. Ишлаб чиқариш захираларини инвентаризация қилиш "Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш" номли 19-сон БҲМА ва "Товар-моддий захиралар" номли 4-сон БҲМАлар билан тартибга солинади.

Инвентаризациядан кўзланган асосий мақсад — ишлаб чиқариш захираларининг натура ва қиймат кўринишида амалда мавжуд эканлигини аниқлашдан иборат. Инвентаризация қилиш натижасида бойликларнинг тўғри сақланиши ва берилиши, тарози ва ўлчов асбобларининг ҳолати, ҳисоб юритиш тартиби ва бошқалар текширилади.

Ишлаб чиқариш захираларини инвентаризация қилиш бир йилда камида бир марта молиявий ҳисоботни тузишдан олдин, лекин ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин амалга оширилади. Бундан та-

шқари, ишлаб чиқариш захираларининг сақланишини, уларни сақлаш шарт-шароитларини ва омборда ҳисобга олиш аҳволини назорат қилиш учун инвентаризациялар ўртасидаги даврда мунтазам текширишлар ва материалларни танлаб инвентаризациялаш ўтказилиши керак.

Қуйидаги ҳолатларда инвентаризация муддатидан олдин ўтказилиши шарт:

- корхона мол-мулкини ижарага бериш, сотиб олиш, сотиш, шунингдек давлат корхонасини акциядорлик жамиятига айлантириш чоғида;
- товар-моддий бойликлар қайта баҳоланганида;
- моддий жавобгар шахс ўзгарганида;
- талон-тарож қилиш ёки суиистеъмол қилиш, шунингдек бойликларнинг бузилиши билан боғлиқ фактлар аниқланганида;
- ёнғин ёки табиий офатлар содир бўлганида;
- корхона тугатилаётганида тугатиш балансини тузиш олдидан ва бошқа ҳолларда.

Текшириш кўламига кўра инвентаризация ёппасига ёки танлаб ўтказиладиган, ўтказиш вақти бўйича режалаштирилган ёки тўсатдан ўтказиладиган инвентаризацияларга бўлиниши мумкин.

Инвентаризацияни ўтказишга корхона раҳбари ва бош бухгалтери раҳбарлик қилади. Ишлаб чиқариш захираларини инвентаризация қилиш инвентаризация қилувчи ишчи комиссиялар томонидан моддий жавобгар шахс иштирокида амалга оширилади.

Инвентарлаш даврида моддий бойликларнинг мавжудлиги тарозида тортиш, ўлчаш усули билан аниқланади ва рўйхатда расмийлаштирилади. Рўйхатни моддий жавобгар шахс имзолайди.

Инвентаризация қилиш натижасида материаллар бўйича ҳужжатлардаги маълумотлар ва ҳақиқий қолдиқлар орасидаги фарқ солиштирув қайдномасида расмийлаштирилади.

Ишлаб чиқариш захираларини инвентаризация қилиш натижасида аниқланган ҳақиқий мавжуд мулк ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ўртасидаги тафовутлар қуйидагича акс эттирилади:

Масалан, "Бобур" ҳиссадорлик жамиятида ҳисобот йилида 24000 сўмлик материал камомади аниқланди ва у айб-

дор шахс топилмаганлиги сабабли давр харажатларига ўтказилди. Ушбу муомалаларга ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

♦ Инвентаризация натижасида камомад аниқланди:

Д-т 5910—"Камомадлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар" — 24000 сўм;

К-т 1010—"Хом-ашё ва материаллар" — 24000 сўм.

♦ Камомад суммаси давр харажатларига ўтказилди:

Д-т 9430—"Бошқа операцион харажатлар" — 24000 сўм;

К-т 5910—"Камомадлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар" — 24000 сўм.

Корхона айбдор шахслардан камомадни ҳақиқий нархда эмас, балки ҳозирги даврдаги бозор нархларида ундириш ҳуқуқига эга. Масалан, корхона омборида 5000 сўмлик материал камомади аниқланди ва 8000 сўм қийматда айбдор шахсдан ундириб олинди. Ушбу муомалаларга ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

♦ Инвентаризация натижасида камомад аниқланди:

Д-т 5910—"Камомадлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар" — 5000 сўм;

К-т 1010—"Хом-ашё ва материаллар" — 5000 сўм.

♦ Моддий жавобгар шахсдан ушлаб қолинадиган сумма;

Д-т 4730—"Ходимларнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзлари" — 8000 сўм.

К-т 5910—"Камомадлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар" — 8000 сўм.

♦ Моддий бойликларни ундиришдан даромад аниқланди— (8000—5000)=3000 сўм;

Д-т 5910—"Камомадлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар" — 3000 сўм;

К-т 9390—"Бошқа операцион даромадлар" — 3000 сўм.

Ишлаб чиқариш захираларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлар доирасида табиий камайиши, корхона раҳбари кўрсатмаси бўйича тегишли равишда ишлаб чиқариш харажатларига ўтказилади.

Суиистеъмол қилишлар оқибатида йўл қўйилган камомад ва йўқотишлар аниқланган тақдирда тегишли ҳужжатлар камомад аниқлангандан сўнг 5 кун ичида тергов органларига оширилиши лозим, аниқланган камомад суммасига эса фуқаролик даъвоси қўзғатилади.

Айбдорлари аниқланмаган ўғирликлар бўйича кўрилган зарарлар фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базага "Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом"нинг 1-иловасига биноан киритилади.

Ишлаб чиқариш захираларини инвентаризация қилиш натижасида ортиқча мол-мулк мавжудлиги аниқланса, у молиявий натижаларга кирим қилинади:

Д-т 1010—"Хом-ашё ва материаллар"

К-т 9390—"Бошқа операцион даромадлар".

Такрорлаш учун саволлар

1. Ишлаб чиқариш захиралари деганда нимани тушунасиз?
2. Ишлаб чиқариш захираларининг қандай турлари мавжуд?
3. Ишлаб чиқариш захиралари қайси баҳоларда баҳоланади?
4. Материаллар ҳаракати қайси ҳужжатлар билан расмийлаштирилади?
5. Материалларнинг омбордаги ва бухгалтериядаги ҳисоби қандай ташкил қилинади?
6. Харид қилинган материаллар бўйича ҚҚСни ҳисоблаш қай тартибда амалга оширилади?
7. Материаллар инвентаризацияси тўғрисида нималарни биласиз?

13-боб. ТАЙЁР МАҲСУЛОТ (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) ВА УНИНГ СОТИЛИШИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

13.1. Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) ва уни ҳисобга олиш вазифалари

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш халқ хўжалиги ва аҳолининг эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган ҳар бир корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг якунловчи босқичи ҳисобланади.

Тайёр маҳсулот деб — корхонадаги барча ишлов операцияларидан ўтиб бўлган, тайёр ҳолга келтирилган белгиланган давлат стандарти ва техникавий шартларнинг барча талабларига жавоб берадиган ҳамда техника назорати бўлими томонидан қабул қилинган ёки буюртмачиларга топширилган маҳсулотга айтилади. Унинг таркибига буюртмачи корхоналар учун бажарилган иш, хизматлар ҳамда ушбу корхонага қарашли ишлаб чиқаришдан ташқари хўжаликлар учун бажарилган иш ва хизматлар ҳам киради.

Корхона маҳсулотни истеъмолчилар билан тузилган шартномалар режа топшириқлари асосида бозор талабларини ўрганиш каби масалаларга катта эътибор берган ҳолда ишлаб чиқаради.

Саноат маҳсулоти натура ва қиймат кўрсаткичида ҳисобга олинади. Натура кўрсаткичлари маҳсулотни уларнинг табиий хусусиятларига қараб миқдори, сони ва оғирлигини тавсифлаб беради, бу кўрсаткичлардан тайёр маҳсулотни миқдорий жиҳатдан ҳисобга олиш учун фойдаланилади. Тайёр маҳсулот (иш, хизмат) ни натура кўрсаткичларининг пулдаги ифодаси унинг қиймат кўрсаткичини ифодалайди.

Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тизимида тайёр маҳсулот, уни ортиб жўнатиш вазифаларига қуйидагилар киради:

1. Маҳсулот (иш, хизмат) сотилиши билан боғлиқ бўлган ҳамма хўжалик операцияларини ҳисобда тўғри ва ўз вақтида акс эттириш;

2. Маҳсулот (иш, хизмат) сотишда шартномалар бажарилиши устидан назорат ўрнатиш;

3. Сотилган маҳсулотнинг ассортимент ва ҳажми бўйича ҳамда сотиш режасининг бажарилишини назорат қилиш;

4. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган давр харажатларини ўз вақтида аниқ ҳисоб-китоб қилиш;

5. Сотилган маҳсулот учун олинган тушумни аниқ ҳисоб-китоб қилиш, фойда суммасини тўғри аниқлаш ва бошқалар.

Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши корхонанинг бир маромда ишлашига, омбор хўжалиги ва маҳсулот сотишни тўғри ташкил қилишга, хўжалик операцияларининг ҳужжатларда ўз вақтида расмийлаштирилишига боғлиқдир.

"Товар-моддий захиралар" номли 4-сон БҲМАга мувофиқ (5.3-банд) **тайёр маҳсулот** хўжалик юритувчи субъектларда бўлган активлар ҳисобланади ва улар хўжалик юритувчи субъектнинг кундалик фаолиятида сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулот, товарлар сифатида корхонанинг товар-моддий захиралари таркибига киради.

Тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш шу маҳсулотнинг ишлаб чиқаришдан олиниши, унинг ҳаракати, сотилиши ва харидорлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни акс эттиради.

Омбордаги маҳсулот деганда, ишлаб чиқаришнинг барча ишлов операцияларидан ўтиб, техника назорати бўлими томонидан омборга бенуқсон деб қабул қилинган ва асосан сотишга мўлжалланган товар маҳсулоти тушунилади.

Жўнатилган мол (товар)лар деб, харидорларга ёки истеъмолчиларга жўнатилган, лекин унинг учун харидорлар томонидан ҳали пули тўланмаган йўлдаги маҳсулотга айтилади.

Масъул сақлашга қабул қилинган мол (товар)лар деб, харидорларга жўнатилган товар маҳсулот ҳар хил сабабларга кўра (сифатига кўра харидорнинг талабини

қондирмайдиган, харидорларга адашиб бориб қолган, яъни бир корхонанинг ўрнига иккинчи корхонага шартномадан ташқари бориб қолган товарлар ва шу кабилар) сотиб олиш учун қабул қилинмай қолган бўлиши мумкин. Бундай маҳсулотни тегишли корхоналар ўз жавобгарлигига қабул қилиб олиб, дарҳол бу молларни юборувчи корхонага хабар қиладилар. Шунинг учун бундай моллар масъул сақлашга қабул қилинган моллар деб юритилади. Бунга қўшимча равишда кўргазмада қўйилган тайёр маҳсулотни ҳам киритиш мумкин. Чунки кўргазмада қўйилган тайёр маҳсулот ҳам корхонада ишлаб чиқарилган ва сотилиши керак бўлган маҳсулотлардир.

13.2. Тайёр маҳсулотни баҳолаш ва унинг номенклатураси

Маҳсулот (иш, хизмат) одатда маълум бир қийматда баҳоланади ва сотилади.

Баҳо — қийматнинг пулдаги ифодасидир. Унинг асосини у ёки бу маҳсулотни тайёрлаш билан боғлиқ ижтимоий зарурий меҳнат ташкил қилади.

Тайёр маҳсулот (иш, хизмат)нинг сотиш қийматини белгилашда "Товар-моддий захиралар" номли 4-сон БҲМАдан фойдаланилади. 4-сонли БҲМАнинг 7-бандига биноан тайёр маҳсулотлар энг кам баҳода баҳоланиши керак: таннархда ёки соф сотилиш қийматида.

Ҳисобот даври охирида маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш мумкин. Лекин маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ҳар куни содир бўлади, шу сабабдан жорий ҳисобда маҳсулотни шартли баҳода баҳолаш керак. Тайёр маҳсулотларнинг оператив ҳисоби ишлаб чиқариш режа таннархида ёки шартнома баҳосида ёхуд чакана баҳода юритилади.

Ушбу стандартда маҳсулот (иш, хизматлар)нинг сотилиши (21—22 бандлар) тартиби қуйидагича баён қилинган:

Материаллар ва маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришда фойдаланадиган бошқа хом-ашё, агар улардан тайёрланган маҳсулот бозор (кундалик) нархида сотилса, қийматидан паст нархда арзонлаштирилмайди. Бироқ агар омборда мавжуд бўлган нархдаги мате-

риалдан тайёрланган тайёр маҳсулотнинг таннархи сотиш соф қийматидан ошиб кетса, материаллар сотиш соф қийматигача арзонлаштирилади. Бундай вазиятларда материаллар қийматини ўлчашнинг мавжуд шаклларидаги энг яхшиси бўлиши мумкин.

Сотишнинг соф қиймати — ишлаб чиқаришни тугаллаш ва маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган бутлаш харажатларини чиқариб ташлаган ҳолда ТМЗни сотишнинг ҳисоб-китоб нархидир.

Демак, мазкур БҲМАдаги баҳолашга мувофиқ, агар корхона ишлаб чиқарган маҳсулотининг таннархи маҳсулотни сотиш режасидан ёки бозордаги жорий нархларидан ошиб кетса, корхона ўзининг маҳсулотини сотиш соф қийматигача арзонлаштириши мумкин. Лекин қуйидаги ҳолларда тайёр маҳсулот сотишнинг соф қийматидан арзон баҳоланиши мумкин:

1. Захираларни сотиш нархи арзонлашганда;
2. Захираларга зарар етганда;
3. Захиралар тўла ва қисман эскирганда.

Корхоналарда маҳсулотнинг режа ва ҳақиқий таннархини ҳисобот даври якунида тартибга солиш керак. Ҳақиқий таннарх ҳисобот даври охирида аниқланади. Режа таннарх эса олдиндан белгиланади. Ҳисобот даври охирида ҳақиқий таннарх режа таннархдан кам ёки кўп бўлиши мумкин.

Тайёр маҳсулотлар қайси ҳисобварақларда ҳисобга олинган бўлса, оғишишлар ҳам шу ҳисобварақларда тежалган бўлса — қизил сторно усулида, ортиқча харажат бўлса — оддий сиёҳда акс эттирилади.

13.3. Тайёр маҳсулотнинг омбордаги ва бухгалтериядаги ҳисоби

Корхоналарда тайёр маҳсулот ҳисоби вазифаларини аниқ ташкил қилиш мақсадида улар омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиб борилади.

Пировард, истеъмолга яроқли бўлган маҳсулот техник назорат бўлими томонидан текширилгандан сўнг омборга топширилади. Тайёр маҳсулотни омборга қабул қилишда топшириш накладнойи ёки маҳсулот топшириш ведомостида расмийлаштирилади. Бу ҳужжатларда топширувчи цех, топширилиш муддати, маҳсулотнинг

номенклатура рақами, унинг сони, режа таннархи ва тегишли моддий жавобгар шахсларнинг имзоси кўрсатилади. Қабул ҳужжатлари асосида бухгалтерия маҳсулот топшириш ведомостини юритади. Бажарилган иш ёки хизматлар қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Омборларда маҳсулот ҳаракатининг миқдор кўрсаткичларидаги ҳисоби варақларда юритилади. Варақага ҳар бир кирим ва чиқим ҳужжатлари асосида маҳсулот ҳаракати билан боғлиқ операциялар ёзиб борилади.

Тайёр маҳсулотнинг омбордаги ҳисоби оператив бухгалтерия усулида ташкил қилинади, яъни ҳар бир буюм номенклатура рақамига омбор материаллари ҳисоби карточкаси очилади (№ М-17-шакл). Тайёр маҳсулотнинг келиб тушиши ва четга берилиши биланоқ омбор ходими ҳужжатлар асосида уларнинг сонини карточкаларга ёзиб қўяди ва ҳар бир ёзувдан кейин қолдиқ ҳисоблаб қўйилади. Бухгалтер ҳар куни тугаган сутка учун омбордан ҳужжатларни қабул қилиб олиши керак (қабул қилиш-топшириш накладнойи, буйруқ-накладной, товар-транспорт накладнойи).

Омбор ҳисобининг тўғри юритилганлиги омбор ҳисоби карточкасига бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади. Моддий жавобгар шахс омбор ҳисоби карточкалари асосида ҳар ойда тайёр маҳсулот номенклатураси, ўлчов бирлиги сонига таянган ҳолда тайёр маҳсулотнинг қолдиқ ҳисоби ведомостини тўлдиради. Бу ерда ҳисоб баҳолари бўйича қолдиқлар таксировка қилинади ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштирилади.

Маҳсулот кирими ва чиқими билан боғлиқ операциялар расмийлаштирилган дастлабки ҳужжатлар омбор варақаларига ёзилганидан кейин бухгалтерияга топширилади. Бу ерда ҳужжатлар текширилади, гуруҳланади ва улар асосида тегишли ҳисоб регистрлари тузилади. Тайёр маҳсулот ҳаракатининг пул шаклида ифодаланган ҳисоби омбор ҳисоби маълумотлари асосида бухгалтерияда юритилади.

Тайёр маҳсулот ҳаракати ҳисобини тўғри ташкил қилиш корхона томонидан ишлаб чиқиладиган буюм турлари номининг рўйхати — номенклатурасидан фой-

даланиш катта аҳамиятга эга. Уни тузиш асосида тайёр маҳсулотни туркумлаш, яъни ушбу корхонада ишлаб чиқариладиган бир маҳсулот турини бошқа маҳсулотдан ажратиб турувчи маълум белгилари ётади. Номенклатура рўйхатини тузишда асос қилиб қуйидаги белгилар олинади: модел, фасон, артикул, марка ва ҳоказо. Ҳар бир маҳсулот турига номенклатура рақами бириктирилади ва у ҳар хил сонлардан иборат бўлади. Маҳсулот номенклатурасидан (рўйхатдан) корхонанинг қуйидаги хизматларида фойдаланилади:

♦ диспетчерлик хизмат тури маҳсулот ишлаб чиқариш графигининг бажарилишини назорат қилади;

♦ цехлар ишлаб чиқарилган маҳсулот ассортиментини қилишда, омборга тайёр маҳсулотни топширишда юк хати ёзиш учун фойдаланади;

♦ маркетинг бўлими — жўнатиш бўлими шартномаларини бажариш имкониятларини назорат қилиш учун;

♦ бухгалтерия — тайёр маҳсулотнинг аналитик ҳисобини юритишда умумий маълумотлар ва ҳисоботлар тузиш учун фойдаланилади.

Ҳисоб-китобнинг журнал-ордер шаклида тайёр маҳсулотнинг аналитик ҳисоби 16-қайдномада юритилади. Бу қайднома тўртта бўлимдан иборат бўлиб улар қуйидагилардир:

1-бўлим "Тайёр маҳсулотнинг пул шаклидаги ҳаракати" деб номланади ва унда маҳсулотнинг ҳисобот ойи бошланишига қолдиғи, омборга қабул қилингани харидорларга жўнатилган ва ҳисобот ойи охирига қолдиғи ҳисобда қабул қилинган баҳо ҳамда ҳақиқий таннархда кўрсатилади.

2-бўлим "Жўнатилган ва сотилган маҳсулотлар" деб номланиб, унда жўнатилган маҳсулотларнинг аналитик ҳисоби харидор корхоналар номига ёзилган ҳар бир тўлов талабномаси бўйича алоҳида юритилади.

3-бўлим "Тўланган ва тўланмаган счётлар хақида умумий маълумотлар" деб номланиб, унда жўнатилган ва сотилган маҳсулотлар тўғрисида умумий маълумотлар кўрсатилади.

4-бўлимда солиқ бўйича солиқ идоралари билан ҳисоб-китоб маълумотлари келтирилади.

16-қайднома
"Тайёр маҳсулотнинг пул шаклидаги ҳаракати"

Кўрсаткичлар	Баҳоси бўйича	Таннарх бўйича	Ёзув учун асос
Ой бошига қолдиқ			
Ишлаб чиқаришдан қабул қилиш			
Қолдиқ билан жами ҳақиқий таннархнинг ҳисоб баҳосига нисбати, %			
Ҳисобот ойидаги ортиб жўнатилган маҳсулот			
Ой охирига бўлган қолдиқ			

Ҳисобот даври охирида 16-қайдноманинг ойлик жами суммаси 11-журнал-ордерга кўчирилади. Бу журнал-ордер икки бўлимдан иборат бўлиб, 1-бўлимда тайёр маҳсулот, реализация билан боғлиқ харажатлар ҳисобварағи, жўнатилган товарлар, сотиш, харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоб ҳисобварақларининг кредити бўйича ёзувлар келтирилади. Иккинчи бўлимда маҳсулот сотиш бўйича аналитик ҳисоб маълумотлари келтирилади.

16-қайднома ва 11-журнал-ордер асосида тузиладиган товарни сотиш ҳақидаги ҳисоботда қуйидаги кўрсаткичлар кўрсатилади: сотилган маҳсулотнинг режа таннархи, режа ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқ, сотиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобварағи, солиқ, сотишдан олинган тушум ва охирги молиявий натижа, яъни фойда ёки зарар суммаси.

13.4. Тайёр маҳсулотни жўнатишни ҳисобга олиш

Омбордан тайёр маҳсулот харидорларга корхонанинг сотиш бўлими буйруғига асосан жўнатилади. Маҳсулотни сотиш харидор корхоналар билан тузилган шартнома ва жўнатиш графигига мувофиқ амалга оширилади.

Сотиш режасини бажаришда харидорларга жўнатилган маҳсулот ҳисобини тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Буни маҳсулот ортиб жўнатишдан тортиб то унинг учун харидорлардан пул келиб тушгунча бўлган товар маҳсулотнинг ҳаракатини доимий равишда кузатиб туриш керак. Бундай назорат ҳар бир

дастлабки ҳужжат билан жўнатилган товар маҳсулот бўйича алоҳида юритилиб, шу маҳсулотнинг қачон ва кимга жўнатилганлиги, унинг йўлдаги ҳаракатига қанча вақт кетиши кераклиги ва ҳақиқатда қанча вақт кетганлиги, қандай харидорлар маҳсулотни қачон қабул қилиб олганликлари ва қачон пулни тўлаш кераклиги, қандай харидорлар уларга жўнатилган моллар учун пул тўламаган ва нима учун тўланмаганлигини, хуллас, йўлдаги барча товар маҳсулотнинг тақдирига доир масалалар ҳақида хабардор бўлиб туриш имконини беради.

Маҳсулотнинг омбордан кетишини расмийлаштирувчи ҳужжат асосида харидорларга жўнатилаётган тайёр маҳсулотга счёт, тўлов талабномаси ёзилади ва товар олувчи корхонага хизмат қилувчининг банкига топширилади.

Тўлов-талабнома. Мол етказиб берувчининг счёт-фактурага мос равишда ортиб жўнатилган маҳсулот қиймати учун харидорнинг ҳисоб-китоб счётидан пулни ўтказиб бериш тўғрисида банкка берган буйруғидир. Унда ортиб жўнатилган маҳсулот қиймати ва сотиш баҳоси, сони, ассортименти қайд қилинади (бу ҳолатда счёт-фактура, албатта, тўлов-талабномасига илова қилиниши лозим).

Счёт-фактура ёки тўлов талабномасининг алоҳида бўлмасида тара ва қадоқлаш қиймати ҳамда харидор томондан тўланадиган темир йўл бўйича тариф суммаси кўрсатилади. Баъзида харидор томонидан тўланиши лозим бўлган темир йўл тарифи бўйича суммага умумий маҳсулотнинг сотиш баҳоси қўшиб кўрсатилиши мумкин. Қўшилган қиймат солиғи суммаси алоҳида бўлмада кўрсатилади. Мол етказиб берувчи билан харидор ўртасида тузилаётган шартнома вақтида франко жой тўғрисида тўхталиб ўтиладики, бунда маҳсулотни ортиб жўнатиш билан боғлиқ харажатларни мол етказиб берувчи ўз зиммасига олади. Франко жойнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Франко-омбор мол етказиб берувчи. Бунда маҳсулот ортиб жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларини мол етказиб берувчи корхона тўлов-талабномасига қўшади (омбордаги ортиб тушириш ишларининг қиймати темирйул тарифи ва етказиб бериш харажатлари).

Франко-станция жўнатиш шундай нархки, у мол етказиб берувчи тўлов-талабномасининг суммаси, темир йўл тарифи ва маҳсулотни вагонга ортиш харажатлари йиғиндисидан иборат.

Белгиланган станциягача франко вагон шундай нархки, бунда мол етказиб берувчи тўлов талабномасига фақат темир йўл тарифи суммасини қўшади.

Белгиланган станциягача франко. Бунда жўнатиш бўйича барча харажатлар темир йўл тарифи қўшилган ҳолда мол етказиб берувчи томонидан тўланади.

Нархнинг франко омбор харидор турида мол етказиб берувчи кўрсатилган харажатлардан ташқари харидорнинг станциядаги ортиб тушириш ишлари, унинг омбордаги ва омборига етказиб бериш ишлари бўйича харажатларни тўлайди (қоплайди).

Бизнинг республикамизда энг кенг тарқалган тури франко станция жўнатиш ҳисобланади.

Хўжалик шартномаси — бу корхоналарнинг хўжалик муносабатлари ўрнатиш ҳақидаги ўзаро келишувидир. Шартнома томонлар мажбурияти ва ҳуқуқларини белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Юз берган шароитни ҳисобга олиб вақти-вақти билан шартнома шартлари кўриб чиқилиши ва уларга ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Агар корхона белгиланган номенклатурадаги маҳсулотни жўнатиш юзасидан шартнома шартларини бузса, у ҳолда ушбу корхонага нисбатан жазо чоралари қўлланади. Демак, шартнома билан расмийлаштирилган ҳар бир режали буюртма корхона ходимлари бажариши шарт бўлган қонундир. Бундай тартиб ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, юқори иш унумдорлигига эришишни таъминлайди. Белгиланган муддатда маҳсулот сотиш режасининг бажарилмаганлиги учун жарима тўлаш чораси қўлланилади. Жарима миқдори маҳсулот сотиш шартларига қараб аниқланади.

Тайёр маҳсулотларни харидорларга жўнатиш харидор билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади. Бу шартномаларда жўнатиладиган маҳсулот муддати, миқдори, қиймати ва ҳисоб-китоб шартлари келтирилади. Жўнатилган маҳсулот счёт-фактура, чиқим ҳужжати, тўлов талабномаси ва бошқа ҳужжатларда расмийлаштирилади.

Маҳсулотлар харидорларга жўнатилганида жўнатилган товар қийматига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9110—"Сотилган маҳсулотнинг таннархи"

К-т 2810—"Омбордаги тайёр маҳсулот".

Жўнатилган товарларнинг аналитик ҳисоби ўз вақтида банк инкассасига берилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича, тўлаш муддати етган ва тўлаш муддати етмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича алоҳида ҳамда тўлашга қабул қилинмаган, маъсул шахсда бўлган жўнатилган товарлар алоҳида ҳисобга олинади.

13.5. Сотиш харажатлари ҳисоби

Маҳсулотни реализация қилиш бир қанча харажатларни келтириб чиқаради. Бундай турдаги харажатлар сотиш харажатлари деб юритилади. Ушбу турдаги харажатларни тўғри, аниқ ва ўз вақтида акс эттириш ҳар бир корхонанинг молиявий натижаларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Сотиш харажатларини ҳисобга олиш "Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом"га асосан амалга оширилади. Низомга биноан сотиш харажатлари таркибига қуйидагилар киритилади:

- темир йўл, сув, автомобиль, от-уловда ташиш харажатлари ҳамда транспорт воситалари бекор туриб қолганлиги учун тўланган жарималар;
- савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг иш харажатлари;
- маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, маъмурий-бошқарув ходимларидан ташқари;
- уларнинг ижтимоий суғурта ажратмалари;
- савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган биноларни, иншоотлар ва хоналарни ижарага олиш, сақлаш ва тузатиш харажатлари;
- асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;
- санитария кийим-боши, ошхона дастурхон ва сочиқлари, ошхона идиш-товоғи ва анжомлари эскириши;
- газ, ёқилғи, электр энергияси харажатлари;
- товарларни сақлаш, уларга ишлов бериш ва уларни сортларга ажратиш харажатлари;

♦ савдо рекламаси харажатлари;

♦ ташиш, сақлаш ва сотиш чоғида товарларнинг норма доирасида ва ундан ортиқча йўқотилиши;

♦ ўраш-жойлаш материаллари харажатлари;

♦ мол-мулкни мажбурий суғурта қилиш харажатлари;

♦ меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги харажатлари;

♦ вентиляторлар, машиналар ва уларнинг ҳаракатланувчи қисмларини ўрнатиш ва сақлаш, туйнуклар, ўйиқлар ва бошқаларнинг атрофини ўраш бўйича жорий (номукаммал тусдаги) харажатлар;

♦ махсус кийим-бош ва пойафзални ювиш ва тузатишга материаллар қиймати;

♦ умумий овқатланиш ва савдо ходимлари тиббий кўрикдан ўтказилганлиги учун тиббиёт муассасаларига ҳақ тўлаш;

♦ касса хўжалигини ва тушум инкассациясини юритиш чиқимлари;

♦ умумий овқатланиш корхоналарида қоғоз салфеткалар, қоғоз дастурхонлар, қоғоз стаканлар ва тарелкалар, бир марта фойдаланиладиган анжомлар қиймати;

♦ сотиш бозорларини ўрганиш бўйича белгиланган нормативлар доирасида ва ундан ортиқча харажатлар (маркетингга, рекламага сарфланган харажатлар);

♦ илгари иш жойи бўйича лавозим оклад миқдорини сақлаган ҳолда бошқа ташкилотлар корхоналардан, шунингдек, вақтинчалик ўриндошлик бўйича ходимларга тўланадиган окладлардаги фарқ;

♦ совун, аптека, дори-дармон воситаларининг қиймати;

♦ солиқлар (ер учун, мулк учун, автотранспорт воситалари учун);

♦ умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлашга ва таъмирлашга ажратмалар;

♦ банк хизматларига тўловлар;

Юқорида биз келтирган харажатлар 9410—"Сотиш бўйича харажатлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ транзит ҳисобварақ бўлиб, қайси давр бўлмасин, унинг ой бошида қолдиқ суммаси бўлмайди. Унинг дебет томонида товарларни сотиш билан боғ-

лиқ бўлган харажатлар кўрсатилса, кредит томонида ушбу харажатларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Бу сумма фойданинг камайишига олиб келади, яъни фойда ҳисобидан қопланади.

9410—"Сотиш бўйича харажатлар" ҳисобварағининг аналитик ҳисоби 15-сонли қайдномада харажатларнинг дебет ва кредит обороти бўйича кўрсатилади. Дебет оборотининг жами суммаси №1, 2, 7, 10/1-журнал-ордерларида акс эттирилса, кредит бўйича оборот суммалари эса №11-журнал-ордерда акс эттирилади.

Сотиш харажатлари ҳар ойда тўлиқ суммада қуйидаги ёзув билан молиявий натижаларга ўтказилади:

Д-т 9900—"Якуний молиявий натижа";

К-т 9410—"Сотиш харажатлари".

13.6. Тайёр маҳсулот сотишнинг аналитик ва синтетик ҳисоби

Маҳсулотнинг сотилиши корхона маблағлари айланишининг якунловчи жараёнидир. Бу жараён корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг халқ хўжалиги истеъмолида ўз ўрнини топганлигини англатади. Ҳозирги пайтда корхона ишини баҳолашда маҳсулотнинг сотилиши асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Халқаро ҳисобда маҳсулот, товарлар сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинадиган тушумни белгилашнинг икки усули мавжуд:

♦ **Касса усули** — бунда сотувдан олинган тушум, юклаб жўнатилган маҳсулот учун ҳақ сифатида пул келиб тушишига қараб эътироф этиб борилади.

♦ **Юклаб жўнатиш усули** — бунда маҳсулот харидорларга жўнатилиб, уларга ҳисоб-китоб ҳужжатлари (счёт-фактура, транспорт юк хатлари ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатлар) топширилишига қараб бу маҳсулот сотилган ҳисобланади.

Касса усули қўлланилганда маҳсулотни топшириш ва унинг ҳақини тўлашга доир хўжалик операциялари бажарилгандан кейингина маҳсулот сотиш ишлари тугатилган ҳисобланади. Агар маҳсулот жўнатилиб, унинг пули харидорлардан келиб тушмаган бўлса, сотиш иши якунланган деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Юклаб жўнатиш усули қўлланилганда маҳсулот ва товар жўнатилиб, ишлар ва хизматлар бажарилганидан кейин, уларнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидор (буюртмачи)га тақдим этилган бўлса, ана шундай маҳсулот (ишлар, хизмат)лар ва товарлар сотилган ҳисобланади. Ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидор (буюртмачи)га шартномада кўзда тутилган усулда берилган вақтдан эътиборан бу ҳужжатлар харидор (буюртмачи)га тақдим этилган ҳисобланади. Агар шартнома шартларига кўра харидор (буюртмачи) маҳсулотни бевосита ишлаб чиқарувчи корхонанинг ўзида қабул қилса, у ҳолда бундай маҳсулот харидор (буюртмачи) га топширилиб, шартномада кўзда тутилган ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидор (буюртмачи)га ёхуд унинг вакилига тақдим этилганидан кейин сотилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 24 апрелдаги сессиясида тасдиқланган ва 1998 йил 1 январдан бошлаб амалда қўллаш учун тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 10-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитасининг 1998 йил 4 январдаги "Корхона ва ташкилотларни солиққа тортиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги хатига биноан ҳам юридик шахслар даромадларидан олинадиган солиқ ҳисоблаш усулига кўра амалга оширилади. Бунга кўра корхона ва муассасалар жўнатилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар юзасидан ушбу маҳсулот, иш ва хизматлар қийматини тўлаш вақти ҳамда ҳақиқатан пул келиб тушишидан қатъий назар, жўнатилган маҳсулот иш ва хизматлар қийматидан давлат бюджетига солиқ ҳисоблашлари ва уни бухгалтерия ҳисобида ўша ҳисобот даврида акс эттиришлари лозим. Демак, юқорида айтилганлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги хўжалик юритиш шароитида 1998 йил 1 январдан бошлаб корхона ва муассасаларда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар, пулнинг қачон келиб тушишидан қатъий назар, улар харидор корхоналарга жўнатилган вақтдан бошлаб реализация қилинган деб ҳисобланади.

"Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромад"

номли 2-сон БҲМАга мувофиқ қуйидаги шартлар бажарилганда товарларни сотишдан тушган даромадлар тан олинади (12-банд):

♦ хўжалик юритувчи субъект товарларга эгалик қилишнинг хатарлари ва афзалликларининг анча қисмини харидорга топширганида;

♦ хўжалик юритувчи субъект, одатда, мулкка эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган даражадаги раҳбарлик давомийлигини ҳам, сотилган товарларни назорат қилиш самарадорлигини ҳам сақлаб қолмаганида;

♦ даромад миқдори ишончли даражада баҳоланганида;

♦ хўжалик юритувчи субъект битим билан боғлиқ иқтисодий наф олиш эҳтимоли мавжуд бўлганида;

♦ битим билан боғлиқ қилинган ёки кутилаётган харажатлар ишончли даражада аниқланадиган бўлганида.

Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромад операция билан боғлиқ бўлган иқтисодий наф хўжалик юритувчи субъект томонидан олинган тақдирдагина тан олинади. Даромадга киритилган миқдорни ундириш хусусидаги ноаниқлик вужудга келган тақдирда, қайтарилмаган миқдор ёки олиш мумкин бўлмаган миқдордаги пул дастлаб тан олинган даромад миқдорининг ўзгартирилиши сифатида эмас, балки харажат сифатида тан олинади.

Корхона ишини сотиш режасининг бажарилишига қараб баҳолаш корхона раҳбарларини маҳсулот сотиш ва молиявий фаолият масалаларига кўпроқ эътибор беришга чақиради ҳамда корхонанинг бир маромда ишлашига ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришига ижобий таъсир кўрсатади. Булар эса, ўз навбатида, корхонадаги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Харидорлар томонидан тўланган пул мол етказиб берувчи корхонанинг ҳисоб-китоб счётига келиб тушади. Мол етказиб берувчи ташкилотларнинг тайёр маҳсулоти харидорлар томонидан шу маҳсулотни тайёрловчи корхонанинг ўзида бевосита қабул қилиб олинса ёки у маҳсулот транзит усули билан (таъминот сотиш ташкилотларининг иштирокисиз) жўнатилса, маҳсулотнинг харидорга топширилиши тегишли ҳужжат-

лар билан расмийлаштирилади ва у молиявий натижаларга киритилади.

Корхонада сотиш учун мўлжалланган маҳсулот (иш, хизмат) **товар маҳсулоти** деб номланади. Товар маҳсулоти (иш, хизмат) таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- буюртмачи ва харидорларга сотилган тайёр маҳсулот (иш, хизмат) ва корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган ярим фабрикат;
- халқ истеъмоли товарлари, чиқиндилардан тайёрланган ишлаб чиқариш-техника мақсадларига мўлжалланган буюмлар, ярим фабрикатлар ҳамда маҳаллий хом-ашёдан халқ истеъмоли учун тайёрланган ноозиқ-овқат (турлари) товарлари;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари;
- саноат хусусиятидаги ишлар ва хизматлар;
- ўз капитал қурилиши эҳтиёжларига сотиладиган маҳсулот, иш ва хизматлар;
- ўз хизматидаги ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар эҳтиёжи учун берилган маҳсулот, саноат хусусиятидаги бажарилган иш ва хизматлар;
- саноат хусусиятига эга бўлмаган ишлар ва хизматларнинг амалга оширилиши, қиймати харидорлар томонидан тўланган ва комплектлаш учун сотиб олинган буюмлар;
- ўз кучи билан четга бажарилган илмий-тадқиқот ишлари.

Маҳсулот (иш, хизмат) сотилиши ҳисобини ташкил қилишда сотилган маҳсулот, товарлар, иш ва хизматларнинг ҳар бирининг алоҳида тури бўйича юритилиб, сотилаётган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг таркибий тузилиши ҳамда уларнинг ҳар бирининг умумий сотилиш суммасидаги ҳиссаси, ҳар қайсининг рентабеллик даражаси ва бошқа маълумотлар акс эттирилиши лозим.

Сотилган маҳсулот 9010—"Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар", 9020—"Товарларни сотишдан олинган даромадлар", 9030—"Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар" ҳисобварақларида ҳисобга олинади. 9040—"Сотилган товарларнинг қайтарилиши" ва 9050—"Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар" ҳисобварақларида сотилган то-

варларнинг қайтарилиши ҳамда харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар акс эттирилади.

9010, 9020, 9030-ҳисобварақларнинг кредитида 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" ҳисобварағи билан корреспондентланган ҳолда маҳсулот (иш, хизмат) лар сотишдан олинадиган соф тушум акс эттирилади. Бу ҳисобварақларда харидорларга жўнатилган маҳсулот (иш, хизмат)лар бўйича ҳисобланган акциз солиғи ва ҚҚС суммалари акс эттирилмайди.

Тайёр маҳсулотнинг сотилишида сотиш баҳосининг акс эттирилишига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар";

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар";

К-т 9010—"Маҳсулот сотишдан олинган даромад".

4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" ҳисобварағи актив бўлиб, унинг сальдоси харидор ва буюртмачиларнинг корхонадан сотилган маҳсулот (иш, хизмат) лар бўйича қарзини кўрсатади, дебет оборотн ҳисобот ойида топширилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг сотиш қийматини, кредит оборотн эса ҳисобот ойида харидорлар томонидан тўланган суммани кўрсатади.

Харидорларга юклаб жўнатилган маҳсулотлар ҳаракатининг ҳисоби 16-қайдноманинг 2-бўлимида юритилади. Юклаб жўнатилган ва сотилган маҳсулотларнинг ҳисобварақлари бўйича синтетик ҳисоб 11-журнал-ордерда юритилади. Бу журнал-ордер 2810, 9410, 9010, 9020, 9030, 9210, 9220, 4010-ҳисобварақларнинг кредит оборотларини ва 9010, 9020, 9030-ҳисобварақларнинг аналитик маълумотларини ёзиш учун мўлжалланган. 11-журнал-ордер 15 ва 16-ведомостларнинг аналитик маълумотларига асосан тўлдирилади.

Ҳисобот даври якунида 9010, 9020, 9030-ҳисобварақлар ёпилади:

Д-т 9010, 9020, 9030-ҳисобварақлар;

К-т 9900—"Якуний молиявий натижа".

Шу билан бирга сотилган маҳсулотнинг таннархи ҳам ҳисобот даври якунида якуний молиявий натижага ўтказилади:

Д-т 9900—"Якуний молиявий натижа";

К-т 9110, 9120, 9130.

13.7. Қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш

Корхоналар ўз маҳсулотларини сотилишини ҳисобга олиш билан бир қаторда маҳсулот(иш, хизмат) лар учун қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) ҳам ҳисобга олиб боришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат Солиқ Қўмитаси 1997 йил 5 декабрда "Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (иш ва хизмат) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида" йўриқномани ишлаб чиқди ва 1998 йил 1 январдан бошлаб амалда қўллаш учун тавсия қилинди. Мазкур йўриқномада умумий қоидалар, солиқ тўловчилар, солиққа тортиш объектлари, солиққа тортиш оборотларини аниқлаш, солиққа тортиш оборотларини корректировка қилиш, солиқ имтиёзлари ҳамда ставкалари бюджетга тўланиши керак бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасини аниқлаш тартиби, счёт-фактура солиқни тўлаш муддати ва ҳ.к. ларини тақдим қилиш, солиқ тўловчиларнинг масъулияти, солиқ идораларининг назорати батафсил баён қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон ҳудудида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар қўшилган қиймат солиғини тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар. Юридик шахслар деганда солиққа тортиш мақсадида мулкка эга бўлган корхона, бирлашма, ташкилотларнинг ҳамма турлари, хўжалик юритувчи ёки мулкни оператив бошқарувчи, бу мулкка ўзининг мажбурияти бўйича жавоб берувчи ҳамда мустақил баланс ва ҳисоб-китоб счётига эга бўлган корхоналар тушунилади.

Товарлар (иш, хизмат) бўйича оборот деб, жўнатилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар тушунилади.

Ушбу йўриқномада кўрсатилишича, товарлар (иш, хизмат) реализацияси бўйича оборотлар қўшилган қиймат солиғига тортиш объекти бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномага мувофиқ аниқланадиган ўзининг мақсадлари ва оборот учун фойдаланиладиган қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилганлар бундан мустаснодир. Қўшилган қий-

мат солиғи 20% ставкада тўланади. Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС солиғининг суммаси реализация қилинган товарлар, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар учун ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммасидан ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига қўшиладиган товарлар (иш, хизмат) қиймати учун тўланиши керак бўлган солиқ суммасининг айирмасига тенг. Бу тартиб қўшилган қиймат солиғини тўловчи барча корхона ва ташкилотларга тааллуқли.

Асосий воситалар ва номоддий активлар қўшилган қиймат солиғи тўланган сумма қўшилган ҳолда сотиб олиниш қиймати бўйича ҳисобда акс эттирилади. Қўшилган қиймат солиғига тортиладиган ва тортилмайдиган товар сотадиган, иш ва хизматлар бажарадиган корхоналар ҳамда ҚҚС бўйича имтиёзга эга бўлган корхоналар, кўрсатилган товарларни олувчи шахсга счёт-фактура расмийлаштиришга мажбурдирлар. Счёт-фактура йўриқномада кўрсатилган шакл бўйича ёзилиши шарт.

Харидорларга жўнатилган тайёр маҳсулотларга ҚҚС ҳисобланганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар";

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар".

ҚҚС суммаси бюджетга ўтказиб берилганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

13.8. Даргумон қарзлар бўйича резервлар ҳисоби

Даргумон қарз — бу корхонага ўз вақтида келиб тушмаган ёки келиб тушиши бўйича кафолат билан таъминланмаган дебитор қарзлар. Даргумон қарзлар бўйича резервлар ҳисобот даври охирида корхона дебитор қарзлари бўйича ўтказилган инвентаризация натижалари асосида ташкил этилади. Ташкил этиладиган резерв суммасининг миқдори қарздорнинг молиявий ҳолатига боғлиқ равишда ва қарзнинг қисман ёки тўлиқ келиб тушиш эҳтимолини инобатга олган ҳолда ҳар бир қарздор бўйича алоҳида аниқланади.

Даргумон қарзлар бўйича резервлар, одатда, корхона фойдаси ҳисобидан ташкил этилади. Ушбу турдаги резервлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан ташкил этилади.

Даргумон қарзлар бўйича резервлар ҳисобини юритишда 4910—"Даргумон қарзлар бўйича резервлар" ҳисобварағидан фойдаланилади. Ушбу ҳисобварақ контрактив бўлиб, унинг кредитида резервни ташкил этиш муомалалари акс эттирилса, дебетида ундан фойдаланиш кўрсатилади.

Даргумон қарзлар бўйича резервлар суммаси ташкил этилганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9430—"Бошқа операцион харажатлар";

К-т 4910—"Даргумон қарзлар бўйича резервлар".

Даргумон қарзлар бўйича резервлар ҳисоби 11, 12, 15-журнал-ордерларда ва 16-қайдномада юритилади.

4910—"Даргумон қарзлар бўйича резервлар" ҳисобварағи бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси

№	муомалаларининг	Ҳис кор	
		де	
1.	Даргумон қарзлар бўйича резервлар ташкил этилди	9430	4910
2.	Берилган бўнаклар бўйича даргумон қарзларнинг ҳисобдан чиқарилиши	4910	4310
3.	Даргумон қарзлар бўйича резервлар ҳисобидан харидор ва буюртмачилар қарзларининг ҳисобдан чиқарилиши	4910	4010 4020
5.	Ҳисобот йилида фойдаланилмаган даргумон қарзлар бўйича резервлар суммаси келгуси йил фойдасига ўтказилди	4910	9390

13.9. Консигнация муомалалари ҳисоби

Бир томоннинг (консигнантнинг) бошқа томонга (консигнаторга) хорижий мамлакат омборидаги товарни ўз номидан, бироқ консигнант ҳисобига сотиш тўғрисидаги топшириғи **консигнация** дейилади.

Консигнаторни — консигнация савдосини ташкил қилиш топшириғини бажаришни ўз зиммасига олувчи, бироқ товарнинг эгаси ҳисобланмаган шахсни тақ-

дирлаш миқдори ва тартиби консигнация шартномасида сотиладиган товар қийматининг муайян фоизи кўринишида ёки энг кам нарх билан сотиш нархи ўртасидаги фарқ кўринишида берилади.

Корхоналар томонидан консигнация шартлари асосида олинадиган товарлар 004—"Комиссияга олинган товарлар" балансдан ташқари ҳисобварағида ҳисобга олиниши керак.

Консигнация муомалаларини ҳисобга олиш Адлия вазирлиги томонидан 1999 йилнинг 21 январида рўйхатга олинган Молия вазирлигининг "Консигнация операциялари бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари тўғрисидаги" тушунтириши, "Товар-моддий захиралар" номли 4-сон БҲМА ҳамда Молия вазирлиги, Давлат Солиқ Қўмитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Марказий банк томонидан 2001 йил 7 ноябрда қабул қилинган "Бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботда хорижий валюта муомалаларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги Низом" билан тартибга солинади.

Консигнация асосида амалга ошириладиган муомалаларда даромаддан ажратма ва ҚҚС тўлаш алоҳида хусусиятларга эга. Буни қуйидаги муомалаларда кўриб чиқамиз.

1. Фаолиятнинг асосий йўналиши бўйича даромад (фойда) солиғи ва ҚҚСни тўловчилар.

♦ Консигнация товарининг келиб тушиш пайтида ҳисобланган ва тўланган ҚҚС суммасига:

Д-т 4410—"Солиқ бўйича бўнак тўловлари";
К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик".
Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик";
К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

♦ Божхона божлари ва акциз солиғини ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш:

Д-т 9430—"Бошқа операцион харажатлар";
К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик".
Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик";
К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

Товарларни шартномавий баҳода сотиш:

Д-т 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар";
К-т 9020—"Товарларни сотишдан олинган даромад".

♦ Товар инвойси ва БЮД бўйича консигнант даромади ва консигнант даромади қийматига (агар бу шартнома шартларида кўзда тутилган бўлса) сотиш кунига бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича:

Д-т 9120—"Сотилган товарлар таннархи";

К-т 6990—"Бошқа мажбуриятлар".

Бир вақтнинг ўзида 004—"Комиссияга қабул қилинган товарлар" ҳисобварағидан консигнация товари қиймати ҳисобдан чиқарилади.

♦ Товарни сотишдан тушган тушумни кирим қилиш:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти";

К-т 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар".

♦ Консигнаторнинг ялпи даромади суммасига:

Д-т 9020—"Товарларни сотишдан олинган даромад".

К-т 9900—"Якуний молиявий натижа".

♦ Сотиш ҳажмига ҳисобланган ҚҚС суммасига:

Д-т 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар";

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар".

♦ Божхонада аввал тўланган ҚҚСни ҳисобга олиш:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар";

К-т 4410—"Солиқ бўйича бўнак тўловлари".

♦ Бюджетга тўланган ҚҚС суммасига:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар"

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

♦ Давр харажатларини ҳисобдан чиқариш:

Д-т 9900—"Якуний молиявий натижа";

К-т 9430—"Бошқа операцион харажатлар".

2. Ялпи даромад ва ягона солиқ тўловчилар.

♦ ҚҚС, божхона божлари ва акциз солиғини ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш:

Д-т 9430—"Бошқа операцион харажатлар";

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик".

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

♦ Товарни сотишдан тушган ялпи тушумнинг келиб тушиши:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти";

К-т 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар".

♦ Консигнатор комиссияси суммаси билан биргаликда консигнация товари қийматига:

Д-т 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар";

К-т 9020—"Товарларни сотишдан олинган даромад".

♦ Сотиш санасигача бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий курси бўйича консигнант даромади суммасига ва БЮД бўйича консигнация товарининг қийматига:

Д-т 9120—"Сотилган товарлар таннархи";

К-т 6990—"Бошқа мажбуриятлар".

Бир вақтнинг ўзида 004—"Комиссияга қабул қилинган товарлар" ҳисобварағидан консигнация товари қиймати ҳисобдан чиқарилади.

♦ Консигнаторнинг ялпи даромади суммасига:

Д-т 9020—"Товарларни сотишдан олинган даромад"

К-т 9900—"Якуний молиявий натижа".

♦ Ялпи даромад солиғи ҳисоблаб ёзилган ва тўланган:

Д-т 9810—"Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар";

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик".

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик";

К-т 5110— "Ҳисоб-китоб счёти".

♦ Давр харажатларини ҳисобдан чиқариш:

Д-т 9900—"Якуний молиявий натижа";

К-т 9430—"Бошқа операцион харажатлар".

Такрорлаш учун саволлар

1. Тайёр маҳсулот деб нимага айтилади?
2. Тайёр маҳсулот қандай баҳоларда баҳоланади?
3. Тайёр маҳсулотнинг омбордаги ва бухгалтериядаги ҳисоби қандай ташкил қилинади?
4. Бухгалтерия ҳисобида тайёр маҳсулотни жўнатиш ҳамда сотиш муомалалари қай тартибда акс эттирилади?
5. Маҳсулотларнинг сотилиши бўйича ҚҚС қай тартибда ҳисобга олинади?
6. Консигнация муомалалари деганда нимани тушунасиз?
7. Бухгалтерия ҳисобида даргумон қарзлар резерви қайси мақсадлар учун ташкил қилинади?

14-боб. МЕҲНАТ ВА ИШ ҲАҚИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

14.1. Меҳнат ва иш ҳақини ҳисобга олишнинг асосий вазифалари

Инсон ўз эҳтиёжларини қондириш учун моддий неъматлар яратар экан, уларни ишлаб чиқариш учун моддий ресурслардан ташқари бевосита инсон ўз меҳнатини сарфлайди. Меҳнат жараёнида янги маҳсулот яратилиб, инсон эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Истеъмолчиларнинг асосий даромад манбалари иш ҳақи бўлганлиги сабабли, товарларга бўлган талаб ва таклиф, улар баҳоси бевосита иш ҳақига боғлиқ бўлади. Корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти жонли меҳнатни истеъмол қилиш билан бирга юз беради. Унинг миқдори ишлаган киши-соатлар билан ўлчанади. Меҳнат жараёнида ҳар бир ходимнинг бажарган иши, тайёрлаган маҳсулоти, истеъмолчиларга кўрсатган хизматлари учун сарфланган меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини асослаш ҳамда аниқлашни талаб қиладиган ўзаро муносабатлар вужудга келади.

Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби — ҳисоб ишларининг аниқ ва оператив маълумотлар талаб қилувчи энг муҳим ҳамда қийин соҳаларидан биридир. Унда ходимлар сонининг ўзгариши, иш вақтининг сарфланиши, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, тўлов турлари ва ходимлар тоифаси бўйича ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ташқари амалга ошириладиган бошқа тўловлар, корхонанинг ҳар бир ходими билан ҳисоб-китоблар акс эттирилади. Бу маълумотлар асосида меҳнат унумдорлиги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, ходимлар сони, иш ҳақи фондининг сарфланиши ва бошқалар бўйича режа топшириқларининг бажарилиши устидан назорат ана шу маълумотлар асосида амалга оширилади.

Шу муносабат билан корхонанинг бухгалтерия хизмати олдида меҳнат меъёри ва унга ҳақ тўлашни ҳисобга

олиш, назорат қилиш вазифалари ҳам белгиланадики, бу эса:

♦ ишбай ишловчилар ва бошқа ходимларнинг иш сифатини тўғри ва ўз вақтида ҳужжатлар билан расмийлаштиришни, шунингдек, иш ҳақини ҳисоблаш ва уни белгиланган муддатларда тўлашни;

♦ ҳисобланган иш ҳақи суммаларини ва ижтимоий суғуртага ажратмаларни ишлаб чиқариш харажатларига киритиш учун харажатларнинг йўналишлари бўйича аниқ тақсимлашни;

♦ иш ҳақидан бюджетга мажбурий тўловларни, шунингдек, корхонага етказилган моддий зарарни айрим ташкилотлар ва жисмоний шахслар фойдасига тўғри ҳамда ўз вақтида ушлаб қолиш ва ўтказишни;

♦ ходимлар сонини ва иш вақтидан фойдаланишни назорат қилишни таъминлаши керак.

Корхона ва ташкилотларда ходимлар сони ишлаб чиқариш дастури асосида аниқланади. Корхонада ходимлар, энг аввало, икки гуруҳга ажратилади:

♦ асосий фаолиятда банд бўлган ходимлар;

♦ асосий бўлмаган фаолиятда банд бўлган ходимлар.

Асосий фаолиятда банд бўлган ходимлар таркибига асосий ва ёрдамчи цехларнинг, ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг, завод лаборатория ва бўлинмаларининг, тозалаш иншоотларининг, алоқа узелларининг, ахборот-ҳисоблаш марказларининг, барча турдаги қўриқлашнинг, завод бошқармаларининг ходимлари киради.

Асосий бўлмаган фаолиятда банд бўлган ходимлар тоифасига уй-жой ва коммунал хўжалигига хизмат кўрсатиш, савдодаги, тиббиёт муассасалари ҳамда мактабгача тарбия муассасаларида банд бўлган ходимлар киради.

Корхонада ходимлар бажарадиган вазифаларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

♦ ишчилар;

♦ хизматчилар.

Ишчилар таркибига моддий неъматларни яратиш, тузатиш, юкларни кўчириш, йўловчилар ташиш, моддий хизматлар кўрсатиш билан бевосита банд бўлган ходимлар киради.

Хизматчилар таркибига раҳбарлар, мутахассислар ва бошқа ходимлар киради.

Раҳбарлар таркибига корхона ва унинг таркибий бўлинмаларида раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган ходимлар (директор, унинг ўринбосарлари, бош муҳандис, бош иқтисодчи, бош бухгалтер, бош технолог) ва бошқалар киради.

Мутахассислар таркибига муҳандислар, иқтисодчилар ва бошқа иқтисодий ҳамда муҳандислик-техникавий ишлар билан банд бўлган ходимлар киради.

Бошқа ходимлар тоифасига ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштириш ишларини олиб борувчи, хўжаликка хизмат қилувчи бошқа ходимлар (кассирлар, назоратчилар, табелчилар, иш юритувчилар ва ҳоказолар) киради.

14.2. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизимлари, фонди ва унинг таркиби

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатни тўғри нормалаш уни илмий ташкил этишнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Яхши асосланган нормаларсиз корхона фаолиятини илмий режалаштириб бўлмайди, бинобарин, нормаларни тўғри белгилаш корхона жамоасидаги ҳар бир ходимнинг шахсий манфаатларини корхонанинг манфаати билан уйғунлаштиради, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш ҳақи тўловининг яхшиланишига олиб келади.

Меҳнатни нормалаш — амалдаги вақт нормалари, хизмат кўрсатиш нормаларини ўз ичига олади.

Вақт нормаси — бу муайян ишни бажариш учун зарур бўлган вақт миқдорини белгилайдиган меҳнат ўлчовидир.

Ишлаб чиқариш нормаси — вақт бирлигида тайёрланиши лозим бўлган маҳсулот миқдорини доналар, тонналар, метрлар ва ҳоказоларда характерлайди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш учун **тариф тизими**дан фойдаланилади. У қуйидагиларни ўз ичига олади: тариф-малака маълумотномаси, тариф сеткалари, тариф ставкаси.

Тариф тизими — тариф-малака маълумотномаси, тариф сеткаси ва тариф ставкаси каби тушунчаларни ўз ичига олади. Корхонада бажариладиган ишларнинг ишлаб чиқариш тавсифи тариф-малака маълумотномасида келтирилади. Ушбу ҳужжат ишчилар малакасини

аниқлаш ва уларга маълум разряд белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

Тариф сеткаси — бу разрядлар ва уларга тегишли бўлган тариф коэффициентлари кўрсатиладиган ҳужжатдир. Ҳамма корхоналарда биринчи разряднинг тариф коэффициенти бирга тенг бўлиб, разряд ортиши билан тариф коэффициенти ҳам ошиб боради.

Тариф ставкаси — ишчининг разрядига мувофиқ унга маълум вақт бирлиги давомида тўланадиган ҳақ миқдорини аниқлайди. Одатда, тариф ставкаси биринчи разряд учун белгиланиб, қолган разрядлар учун эса биринчи разряд тариф ставкасини қолган разрядлар тариф коэффициентларига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

И[illegible]кки[illegible]ш	[illegible]	[illegible]	[illegible]риф
0	1,[illegible]	12	[illegible],581
1	1,450	13	3,808
2	1,595	14	4,038
3	1,755	15	4,271
4	1,930	16	4,508
5	2,115	17	4,748
6	2,308	18	4,991
7	2,510	19	5,238
8	2,716	20	5,488
9	2,926	21	5,741
10	3,140	22	5,998
11	3,358		

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизимлари, миқдорларини мустақил белгилайдилар. Айни вақтда корхоналар меҳнатга ҳақ тўлашнинг қонун билан кафолатланган энг кам миқдорини таъминлаши лозим.

Иш ҳақи меҳнат учун тўланадиган ҳақнинг ҳамма турларини, шу жумладан, маблағ билан таъминлаш манбаидан қатъий назар, пул ёки натура шаклида ҳисобланган ҳар хил мукофотларни, қўшимча ҳақлар-

ни, устама ҳақни ва ижтимоий имтиёзларни, шунингдек, ходимга ишланмаган вақт учун тўланадиган ҳақларни (таътил ҳақи, байрам кунлари ва ҳоказолар учун) ўз ичига олади.

Иш ҳақи ўз таркибига кўра иккига бўлинади:

- асосий иш ҳақи;
- қўшимча иш ҳақи.

Асосий иш ҳақи ишчи ва ходимларнинг ишлаган вақтлари учун тўланадиган ҳақ бўлиб, унинг таркибига қуйидагилар киради:

- тариф ставкалари ва маошлар, ишбай нархлар учун тўланадиган ҳақ;
- ишчиларнинг айби бўлмаган ва бекор туриб қолишлар учун тўланадиган ҳақ;
- тунда ишлаганлик учун қўшимча ҳақ;
- аккорд усулида тўланадиган ҳақ;
- иш ҳақи фондидан тўланадиган мукофотлар;
- дам олиш кунлари, байрам кунлари, иш вақтидан ташқари соатларда ишлаганлик учун одатдаги иш шарт-шароитидан четга чиққанлик ва бошқалар учун ишчиларга юқори нархлар бўйича тўланадиган қўшимча ҳақ.

Қўшимча иш ҳақи ходимларнинг ишламаган вақтлари учун тўланадиган ҳақ бўлиб, унинг таркибига қуйидагилар киради:

- таътилларга тўланадиган асосий ва қўшимча ҳақ;
- ўсмирларга имтиёзли соатлар учун тўланадиган ҳақ;
- давлат ва жамоат бурчларини бажарганлик учун тўланадиган ҳақ;
- текинга бериладиган квартиралар, коммунал хизматлар ва бошқалар қиймати.

Ҳозирги шароитда ишчи ва ходимларга тўланадиган иш ҳақи шакллари ҳам ранг-барангдир. Қуйидаги жадвалда иш ҳақи тўлашнинг шакллари келтирилган:

Иш ҳақи тўлаш шакллари	
Ишбай	**Вақтбай**
Оддий ишбай Ишбай-мукофот Ишбай-прогрессив Билвосита ишбай Аккорд	Оддий вақтбай Вақтбай-мукофот

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай шаклида иш ҳақи ҳақиқатда бажарилган ишга амалдаги нархлар асосида иш бирлиги учун ҳисобланади.

Оддий ишбай шаклида ишлаб чиқарилган маҳсулот сонини ишбай нархига кўпайтириш йўли билан иш ҳақи миқдори аниқланади.

Ишбай-мукофот шаклида бевосита ишбай нархлар бўйича иш ҳақидан ташқари маълум ишлаб чиқариш ютуқларига эришилганлиги учун ҳақ олади. Масалан, иш сифатининг яхшилиги, моддий бойликлар тежалгани ва ҳоказолар.

Ишбай-прогрессив шаклида ишчилар меҳнатига белгиланган бошланғич меъёр доирасида бевосита ишбай нархлар бўйича, бу меъёрдан ортиқчасига эса оширилган нарх бўйича ҳақ тўланади. Ишбай нархлар ошиши ҳар бир ҳолда махсус шкала бўйича аниқланади.

Билвосита ишбай шакли ишбай нархлари бўйича белгиланиб, хизмат кўрсатаётган участкадаги ўртача иш меъёрининг бажарилиш фоизига кўпайтирилиши мумкин.

Аккорд шакли бутун иш ҳажми учун иш ҳақи миқдорини белгилайди ҳамда аккорд топшириқларни бажариш муддатларини қисқартирганлик учун мукофотлашни ўз ичига олади. Бунда ишларнинг умумий қиймати вақт меъёрлари ва нарх асосида аниқланади. Ишбай аккорд шакли асосан мавсумий ишларни ҳамда айрим буюртмаларни бажаришда қўлланилади.

Иш ҳақининг вақтбай шаклида ходимнинг малакасига ва ишлаган вақтига қараб ҳақ тўланади.

Оддий вақтбай шаклида ходимлар ишлаган вақтига қараб белгиланган маош асосида ҳақ олишади.

Вақтбай-мукофот шаклида тариф ставкалари бўйича иш ҳақидан ташқари муайян миқдор ва сифат кўрсаткичларига эришганлик учун қўшимча равишда мукофот тўланади.

Корхона ва ташкилотларда ходимларга иш ҳақидан ташқари турли хил пул тўловлари ва рағбатлантириш тўловлари ҳам берилади. Уларга қуйидагилар киради:

- йиллик иш якунлари бўйича рағбатлантириш;
- муҳим ишлаб чиқариш топшириқларини бажарганлик учун рағбатлантириш;

♦ корхоналарнинг ўқишга юборилган талабаларга берадиган стипендиялари;

♦ даволаниш учун бериладиган йўлланмалар қиймати;

♦ меҳнат жамоаси аъзоларига акциялар учун тўланадиган дивидендлар ва бошқалар.

14.3. Меҳнат ҳақи ҳисобини ҳужжатларда расмийлаштириш

Корхона ва ташкилотларда меҳнат ҳақи ҳисобини тўғри ташкил қилиш учун, энг аввало, шахсий таркиб ҳисобини тўғри юритиш лозим. Ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш, уларга таътил берилгани, тунда, иш вақтидан ташқари вақтда, байрам кунларида ишлаганлиги ҳақида ишончли маълумот бўлгандагина корхона ходимлари билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиши мумкин. Ана шу мақсадда корхона кадрлар бўлими шахсий таркиб ҳисобини ҳамда бошқа хизматлар билан биргаликда иш вақтидан фойдаланиш ҳисобини олиб боради.

Шахсий таркибни ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳужжатлардан фойдаланилади:

Т-1 шакли. Ишга қабул қилиш ҳақида буйруқ.

Т-2 шакли. Шахсий варақа.

Т-5 шакли. Бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ.

Т-6 шакли. Таътил бериш ҳақида қайд.

Т-8 шакли. Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида буйруқ.

Иш вақтини ҳисобга олиш учун Т-12 шаклидаги махсус табелдан фойдаланилади. **Табель** — бўлим, бригада, цех ходимларининг номма-ном рўйхати бўлиб, ундан иш вақтини ҳисобга олиш учун фойдаланилади.

Ҳар бир ходимга табель рақами бириктирилади ва у меҳнат, иш ҳақи бўйича рамийлаштириладиган барча ҳужжатларда кўрсатилиб боради.

Ҳисобот даври бошланишидан аввал ўтган ойдаги табелдан ходимнинг исм-шарифи кўчириб ёзилади ва ишга чиқиш, иш вақтини сарфлаши шартли белгилар ёрдамида ҳисобга олиб борилади. Масалан, меҳнат таътилидагилар "Т", касаллик варақаси бўйича ишга чиқмаётганлар "К" ҳарфи ва ҳоказолар билан белгиланади.

Ишга чиқиш ва иш вақтидан фойдаланиш ҳисоби табелда икки хил усулда амалга оширилади. Биринчи усулда барча ишга чиққан, кечиккан ва ишга чиқмаган ходимлар тўлиқ рўйхат қилиб борилади. Иккинчи усулда эса табелда фақат кечикканлар, ишга чиқмаганлар, яъни маълум меъёрдан четга чиққан ходимлар рўйхат қилиб борилади.

Ҳар бир ходимнинг ишлаган вақти табелда ҳисобот ойининг биринчи ярмига ва ой охирига, яъни икки марта ҳисоблаб чиқилади. Табель цех бошлиғи томонидан имзоланади ва бухгалтерияга иш ҳақи ҳисоблаш учун топширилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай шаклида иш ҳақи ҳисоблаш учун табель маълумотлари етарли эмас. Бунинг учун қуйидаги бирламчи ҳужжатлардан фойдаланилади:

- ишбай ишлаш учун нарядлар;
- рапортлар;
- маршрут варақалари;
- қайдномалар;
- бичиш карталари ва ҳоказо.

Маҳсулотни ҳисобга олиш бўйича бирламчи ҳужжатнинг энг кенг тарқалган тури наряддир. Кўпчилик корхоналарда наряд айрим ишчи ёки бригада томонидан бажариладиган ҳар бир ишлаб чиқариш топшириғига алоҳида ёзилади. Топшириқлар цехнинг режа-диспетчер бюроси томонидан цехнинг ишлаб чиқариш режасига мувофиқ технологик карта асосида тўлдирилади. Ишчи томонидан топшириқ бажарилгандан кейин ишлаб чиқарилган маҳсулот сони ёки бажарилган иш ҳажми бажариш учун сарфланиши лозим бўлган материал меъёри ва ҳақиқатда берилган материалнинг сони топшириқда кўрсатилади. Бу, ўз навбатида, иш ҳақини топшириқ асосида ҳисоблашдагина эмас, балки материаллар сарфининг белгиланган меъёрига риоя қилиниши устидан назорат олиб бориш имконини ҳам беради.

Баъзи корхоналарда ишлаб чиқариш ҳисоби маршрут варақалари тизимида юритилади. Одатда, маршрут варақалари цехнинг режа-диспетчер ходимлари томонидан ёзилиб, унда қайта ишланиши лозим бўлган айрим деталлар партияси ишлаб чиқариш топшириғи

сифатида қайд қилинади, бажарилган иш натижалари қайта ишлаш жараёнларининг биринчи операциясидан то охирги операциясигача назорат қилинади. Шу билан биргаликда маршрут варақалари ёрдамида технологик жараённинг бориши назорат қилинади.

Ишчиларга иш ҳақи ҳисоблашда йўналиш варақаси фақат бир сменада ишлаб тамомланган деталлар бўйичагина асос бўла олади. Агар шу сменада айрим деталларнинг ишлови тугалланмаса, унда ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш учун рапорт очилади. Рапорт иш смена бошланмасдан олдин ёзилади ва зарур деталларни цехга жўнатиш учун омбор ходимига топширилади. Омбор ходими деталларни жўнатиб, бу ҳақда рапортга тегишли белги қўйганидан кейин у техника назорати бўлимига берилади. Смена охирида қайта ишланган деталлар сони рапортда қайд қилинади.

Меҳнат ва иш ҳақини ҳисоблаш бўйича расмийлаштириладиган бошланғич ҳужжатлар белгиланган муддатда бухгалтериянинг иш ҳақини ҳисоблаш бўлимига топширилади. Бухгалтерияда бошланғич ҳужжатлар текширилади ва қайта ишлаш учун ҳисоблаш марказига берилади. Қайта ишланган ҳужжатлар, ишчиларнинг табель рақамлари бухгалтерияда цехлар бўйича гуруҳланади ва ишчиларнинг иш ҳақи шахсий варақаларига ёзиб борилади. Ушбу бошланғич ҳужжатлар асосида ҳисоблаш ведомости, иш ҳақи бўйича меъёрдан четга чиқиш ведомости ва бошқа йиғма ҳужжатлар тузилади.

14.4. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг синтетик ва аналитик ҳисоби

Корхона ва ташкилотларда тузилган иш ҳақини ҳисоблаш қайдномасида ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ҳамда ундан ушлаб қолинадиган суммалар акс эттирилади. Иш ҳақини ҳисоблаш ведомости ҳар бир цех ходимларининг тоифалари бўйича алоҳида тузилади.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар ойнинг биринчи ярми учун иш ҳақи ҳисоблашнинг бўнакли ва бўнаксиз тартибини қўллаши мумкин.

Ҳисоб-китобнинг бўнакли усулида корхона ходимига бўнак берилади, ойнинг иккинчи ярми учун иш

ҳақи тўлаётганда эса узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади. Иккинчи ҳолда ишчига режадаги бўнак ўрнига ойнинг биринчи ярми учун ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича ёки ҳақиқатда ишланган вақт бўйича иш ҳақи ҳисоблаб ёзилади.

Иш ҳақини ҳисоблаш қайдномаси иш ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобни расмийлаштириш учун асосий ҳужжатдир. Бу ҳужжатда ҳар бир табель рақами, ходимларнинг тоифаси ҳамда тўлов ва ушлаб қолиш турлари бўйича тузилади. Иш ҳақини ҳисоблаш ведомостида қуйидаги кўрсаткичлар бўлади:

♦ тўлов турлари бўйича ҳисобланди — 6710—"Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар" ҳисобварағининг кредит оборотн;

♦ иш ҳақидан ажратма ва тўловлар ушлаб қолинди ва ҳисобланди — 6710—"Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар" ҳисобварағининг дебет обороти;

♦ қўлга бериш ёки ойнинг охирида корхонада қолди — 6710—"Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар" ҳисобварағининг дебет обороти.

Иш ҳақини ҳисоблаш ведомостининг охирги кўрсаткичи тўлов ведомостини тўлдириш учун ҳамда ходимга иш ҳақи бериш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи бўйича ҳисоблашишларни олиб бориш бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасида қуйидаги ҳисобварақлардан фойдаланиш кўзда тутилган:

6710—"Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар" ҳисобварағи;

6720—"Депонирлаштирилган иш ҳақи" ҳисобварағи.

Ушбу ҳисобварақлар пассив бўлиб, қолдиқ ҳисобварақларнинг кредит томонида қолади.

"Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом"та мувофиқ меҳнат ҳақи харажатлари ишлаб чиқариш ҳамда давр харажатларининг муҳим харажат элементларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ҳисобланганда, уларни харажатлар таркибига киритиш лозим.

Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти билан банд бўлган ишчи ва хизматчиларига иш ҳақи ҳисобланганида қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Д-т "Ишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварақлари (2010, 2310, 2510);

К-т 6710—"Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар" ҳисобварағи.

Корхонанинг маъмурий-бошқарув ишларида банд бўлган ходимларга иш ҳақи ҳисобланганида қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Д-т 9420—"Маъмурий-бошқарув харажатлари" ҳисобварағи;

К-т 6710—"Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар" ҳисобварағи.

Уч иш куни давомида олинмаган иш ҳақи депонентга ўтказилган, яъни сақлаш учун қолдирилган ҳисобланади. Кассир уни банкка корхонанинг ҳисоб-китоб варағига ўтказиб, "депонентга қўйилган сумма" деб кўрсатади. Ходимлар уни корхона кассасидан чиқим ордери бўйича олади. Ходимларнинг иш ҳақи суммаси депонентга ўтказилганида қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Д-т 6710—"Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар" ҳисобварағи;

К-т 6720—"Депонирлаштирилган иш ҳақи" ҳисобварағи.

Депонентга қўйилган суммалар депонентлар дафтарида ёки депонент варақачасида қайд этилади. У корхона томонидан 3 йил мобайнида сақланади. Кўрсатилган муддат тугагач, депонентга қўйилган суммалар йиллик баланс тузиш пайтида корхона даромадларига қўшилади ва қуйидагича бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштирилади:

Д-т 6720—"Депонирлаштирилган иш ҳақи" ҳисобварағи;

К-т 9360—"Кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромад" ҳисобварағи.

Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўланганида қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Д-т 6710—"Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар" ҳисобварағи;

К-т 5010—"Миллий валютадаги пул маблағлари" ҳисобварағи.

Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китобнинг аналитик ҳисоби иш ҳақи ҳисоблаш-тўлаш ведомостларида, синтетик ҳисоби эса 6710—"Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар" ҳисобварағида юритилади.

14.5. Меҳнат таътили ҳамда касаллик варақаси бўйича ҳақ тўлаш

Ишлаб чиқаришнинг мавсум давомида бир текисда давом этмаслиги ҳамда бошқа ҳолатлар (кўпчилик ишловчилар ёз ойларида таътилга кетади) муносабати билан ишчиларга меҳнат таътили бир маромда берилмайди.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархини тўғри аниқлаш учун йил давомида таътилларга ҳақ тўлаш бўйича харажатларни бир маромда киритиб боришни таъминлаш зарур. Шу боисдан меҳнат таътили вақтига тўланадиган иш ҳақи харажатларини ҳар ойда маҳсулот таннархига белгиланган миқдорда киритиб бориш зарур. Бунинг учун меҳнат таътилига тўланадиган иш ҳақи маҳсулот таннархига йил давомида бир маромда ўтказилишини таъминлаш учун ҳар ойда маълум миқдордаги маблағ корхона томонидан захира қилиб борилиши керак.

Захира суммаси бухгалтерия ҳисобида 8910—"Келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви" ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ пассив бўлиб, у бўйича сальдо фойдаланилмаган захира суммасини акс эттиради. Дебет бўйича оборот — захирадан ишчиларга меҳнат таътили бўйича ҳақ тўлашни, кредит бўйича оборот эса — корхона харажатларига киритиш ҳисобига ҳар ойда яратиладиган захира суммасини тавсифлайди.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига захира ташкил этилганида бухгалтерияда қуйидагича ёзув қилинади:

Д-т—"Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобварақлари";

К-т 8910—"Келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви".

Ишчиларга меҳнат таътили вақтида иш ҳақи ҳисобланганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 8910—"Келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви";

К-т 6710—"Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар".

Мисол. № 173 қарорга мувофиқ ходим Каримов Искандарга март ойида 24 кун муддатга таътил берилди.

Ходимнинг шахсий варақасида қуйидаги маълумотлар мавжуд:

- 2002 йил 1 январида ходимнинг ойлик маоши 40000 сўм қилиб белгиланган. 2001 йилда ходимнинг ойлиги 35000 сўмни ташкил этган;
- шу муддат давомида олган мукофот суммаси 120000 сўмни ташкил этган;
- ходимга 25000 сўм моддий ёрдам берилган;
- дам олиш ва байрам кунларида ишлаганлик учун 40000 сўм қўшимча ҳақ олган;
- йил охирида акция бўйича 175000 сўм дивиденд олган;
- касаллик варақаси бўйича 20900 сўм иш ҳақи олган.

Корхона ходими Каримов Искандарга 24 иш куни учун таътил ҳақи ҳисоблаймиз:

1) Меҳнат таътили бўйича ҳақ ҳисоблаш учун йил бўйича жами олган иш ҳақисини ҳисоблаймиз:

(35000×9)+(40000×2)=315000+80000=395000 сўм.

120000 сўм мукофот, 40000 сўм қўшимча ҳақ ва 20900 сўм касаллик варақаси бўйича ҳақ. Жами 575900 сўм (395000+120000+40000+20900).

2) Ўртача ойлик иш ҳақи 47992 сўм (575900/12).

3) Кунлик иш ҳақи 1889 сўм 50 тийин (47992/25,4).

Демак, таътил ҳақи 45348 сўм (1889,5×24).

Меҳнат таътилига ҳақ ҳисобланганида ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 8910—"Келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви" — 45348 сўм;

К-т 6710—"Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар" — 45348 сўм.

Корхона ишчи ва бошқа ходимлари касал бўлиб қолганида уларга касаллик варақаси бўйича ҳақ тўланиши лозим. Даволаш (тиббий) муассаса томонидан берилган меҳнат қобилиятини йўқотиш тўғрисида варақа-бюллетень нафақа ҳисоблаш учун асос бўлади. Нафақа миқдори касал бўлишидан илгари ишлаган ойнинг ўртача иш ҳақи, касаллик давом этиши ва меҳнат стажига боғлиқ. Иш стажи 5 йилгача бўлганда иш ҳақининг — 60 фоизи, 5 йилдан 8 йилга-

ча — 80 фоизи, 8 йилдан ортиқ бўлса — 100 фоизи ҳисобланади.

Иш стажидан қатъий назар, иш ҳақининг 100 фоизи ҳажмида нафақалар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича, ишлаб чиқариш жароҳати ва касб касаллиги бўйича, 18 ёшгача 3 боласи бор бўлган ишчиларга ва уруш ногиронларига тўланади.

Иш ҳақи суммасига ижтимоий суғурта ажратмалари ҳисобланадиган барча иш ҳақи, қўшимча ҳақ ва тўловлар (бир марталик бериладиган мукофотлардан ташқари) киритилади.

Мисол. Ишчи 2001 йил октябрь ойида 5 кун касал бўлган. Бу тўғрида тиббиёт муассасидан берилган меҳнат қобилиятини йўқотиш тўғрисидаги варақа ва табелда ёзувлар бор. Узлуксиз иш стажи—7 йил.

Унинг аввалги ойдаги иш ҳақиси қуйидагича бўлган:

- Ишбай —15000 сўм;
- Вақтбай — 2000 сўм;
- Олдинги йилнинг ўртача ойлик мукофот суммаси — 1300 сўм.

Меҳнат қобилиятини йўқотганлик нафақасини ҳисоблаш учун ўртача ойлик ҳақ 18300 сўм (15000+2000+1300). Октябрь ойида 22 иш куни мавжуд. Ўртача кунлик иш ҳақи 831,8 сўм (18300/22)ни ташкил қилади. Иш стажи ва касал бўлган кунларни ҳисобга олган ҳолда нафақа 3327,2 сўм (831,8×5×0,8)ни ташкил этади.

Ушбу муомалага ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар" — 3327,2 сўм;

К-т 6710—"Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар" — 3327,2 сўм.

14.6. Иш ҳақидан ажратма ва тўловлар ҳисоби

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидаги корхона ходимлари иш ҳақидан қуйидаги пул ушланмалари ва чегирмалари амалга оширилади:

- даромад солиғи;
- пенсия фондига ажратма;
- касаба уюшмасига ажратма (ихтиёрий);
- ходим томонидан корхонага етказилган моддий зарарни қоплаш бўйича тўловлар;
- алиментлар;

♦ кредитга сотилган товарлар учун тўловлар ва бошқалар.

Корхонада бажарилган иш учун пул ёки натура шаклида даромад олувчи барча ходимлар даромад солиғи тўлайди. Ушланадиган солиқ миқдори амалдаги қонунчиликка биноан қуйидаги шкала ёрдамида аниқланади:

Солиққа тортиладиган даромад миқдори	Солиқ суммаси
Энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдоригача	даромад суммасининг 13 фоизи
Энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдоридан (+1 сўм) ўн баравари миқдоригача	энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан олинадиган солиқ+беш баравардан ошадиган сумманинг 22 фоизи
Энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдоридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдоридан	энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинадиган солиқ+ўн баравардан ошадиган сумманинг 32 фоизи

Масалан, ходимга май ойида 30000 сўм иш ҳақи ҳисобланди. Ушланадиган солиқ миқдори қуйидагига тенг:

Минимал иш ҳақи 4535 сўм.

1) 4535×5=22675 сўм. Ушбу суммадан ушланадиган солиқ суммаси қуйидагига тенг: 22675×13%/100%= 2947,75 сўм;

2) 5 баравардан ошган сумма 7325 сўм (30000—22675)га тенг. Ушбу суммадан ушланадиган солиқ миқдори қуйидагига тенг: 7325×22%/100%=1611,5 сўм.

3) Жами ушланган солиқ миқдори 4559,25 сўм (2947,75+1611,5)ни ташкил қилади.

Юқоридаги муомала ҳисобда қуйидагича проводка билан расмийлаштирилади:

Д-т 6710—"Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар" — 4559,25 сўм;

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар"— 4559,25 сўм.

Ишчи ва хизматчиларнинг қарилиги, ногиронлик ҳамда боқувчисини йўқоттанлик учун нафақа билан таъминлаш учун ҳар бир корхонада Пенсия фондига белгиланган миқдорда ажратма ажратади. Ҳозирги кунда иш ҳақидан Пенсия фондига 2,5% миқдорида ажратма қилинади.

Мисол. Ишчига бир ойда 30000 сўм иш ҳақи ҳисобланган. Иш ҳақидан Пенсия фондига ушланадиган сумма 750 сўм

(30000×2,5%/100%)га тенг. Юқоридаги муомала ҳисобда қуйидагича проводка билан расмийлаштирилади:

Д-т 6710—"Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар" — 750 сўм;

К-т 6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар" — 750 сўм.

Амалдаги қонунчиликка биноан ҳар бир корхона ихтиёрий равишда ҳисобланган иш ҳақидан касаба уюшмасига ажратма қилиб бориши мумкин. Ҳозирги кунда иш ҳақидан касаба уюшмасига ажратиладиган тўлов миқдори 1%га тенг.

Мисол. Юқоридаги мисол бўйича ишчига ҳисобланган ойлик маош миқдори 30000 сўмга тенг эди. Ана шу суммадан касаба уюшмасига қилинадиган ажратма миқдори 300 сўм (30000×1%/100%)га тенг. Ушбу муомала ҳисобда қуйидагича проводка билан расмийлаштирилади:

Д-т 6710—"Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар" — 300 сўм;

К-т 6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар" — 300 сўм.

Ижро варақалари асосида баъзи ходимларнинг иш ҳақидан алимент ушланиши мумкин. Ушлаб қолинган алимент пули иш ҳақи берилган кундан эътиборан 3 кун ичида алимент ундирувчига бериши ёки почта орқали жўнатиши лозим. Агарда алимент ундирувчининг манзили номаълум бўлса, у ҳолда ушланган алимент суммаси суднинг депозит ҳисобварағига ўтказилади.

Мисол. Октябрь ойида иш ҳақидан 1000 сўм миқдорида алимент ушланди ва ушбу сумма алимент ундирувчига етказилди. Ушбу муомала ҳисобда қуйидагича проводка билан расмийлаштирилади:

Д-т 6710—"Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар" — 1000 сўм;

К-т 6990—"Бошқа мажбуриятлар" — 1000 сўм.

Агар корхона савдо ташкилоти билан банк кредити ҳисобидан корхона ходимига кредитга сотилган моллар учун ариза-мажбуриятнинг ҳамма суммасига савдо ташкилотлари билан ҳисоб-китоб қилган бўлса, бундай моллар учун пул ушлаб қолиш мумкин.

Бундай муомалаларни ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар режасида 4710—"Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари" ҳисобварағи тайин-

ланган. Бу ҳисобварақ актив бўлиб, унинг қолдиғи корхонага қайтарилмаган кредит бўйича ходимларнинг қарзини кўрсатади, дебет оборотн банк кредити ҳисобидан корхонанинг яна берган топшириқ мажбурият суммасини, кредит оборотн эса қарзни қоплаш учун ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақларидан ушланган суммани кўрсатади.

Ишчиларнинг кредитга товар олиши муносабати билан банкдан кредит олинса қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4710—"Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари";

К-т 6810, 7810.

Ишчиларнинг иш ҳақидан кредитни узиш бўйича ушланмалар қилинса қуйидагича проводка берилади:

Д-т 6710—"Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар";

К-т 4710—"Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари".

Ушбу ушланмалар кредитни сўндиришга йўналтирилганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 6810, 7810;

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

14.7. Иш ҳақи фондининг ишлатилиши устидан назоратни ташкил этиш

Ишлаб чиқариш режасининг бажарилишига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш фонди устидан доимий назорат бевосита корхона ходимлари томонидан амалга оширилади.

Бухгалтерия ходимлари ишбай нарх ва баҳоларнинг тариф ставкаларини, маош, устама ҳақ ва қўшимча тўловлар, мукофотларнинг тўғри қўлланилиши ва ҳисобланиши устидан жорий назорат ўрнатиши керак.

Шу вақтга қадар иш ҳақи фондидан тўғри фойдаланилиши устидан ташқи назорат функциялари давлат томонидан банк муассасалари зиммасига юкланган эди.

Банк назорати маҳсулот (иш, хизмат) лар ишлаб чиқариш ҳажми ёки корхона фаолиятини ифодаловчи бошқа кўрсаткичлар (даромад) ҳамда иш ҳақи буйича ҳисоб ва ҳисоботнинг жорий этилган тартиби асосида ҳар чоракда амалга оширилар эди.

Банк муассасалалари корхонага иш ҳақи учун маблағларни маҳсулот (иш, хизмат)лар ёки даромад ҳажмининг ўсиш даражаси 0,7 коэффициентига тўғриланган иш ҳақи фондининг база даражасига асосланган ҳолда берар эди. Ишлаб чиқариш ҳажми камайган тақдирда иш ҳақи учун маблағлар банк томонидан иш ҳақи фондининг база даражасида берилар эди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағларидан мустақил фойдаланиш кўламини ошириш мақсадида республикамизда кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августда қабул қилинган "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг банкдаги ўз ҳисобварақларидаги пул маблағларидан эркин фойдаланишини янада кучайтириш чора-тадбирлари белгилаб берилган. Хусусан, ушбу Қарорнинг 3-бандига мувофиқ 2002 йил 1 сентябридан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик юритувчи субъектларга тижорат банкларидаги ўз ҳисоб рақамларидан нақд маблағларни топширилган нақд тушум доирасида белгиланган тартибда биринчи талаб бўйича олиш ҳуқуқи берилиши кўзда тутилган.

Қарорнинг 4-бандига биноан 2002 йил 1 октябридан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлашга йўналтириладиган маблағларнинг давлат томонидан тартибга солиниши бекор қилиниши таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, 2002 йилнинг тўртинчи чорагидан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъий назар, юридик шахслар ёлланиб ишловчиларга меҳнатга ҳақ тўлаш сифатида ҳисобланган ва амалда тўланган суммалар ҳамда бошқа даромадлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, ушбу даромадлардан солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар чоракда тақдим этиши белгилаб қўйилган.

Қарорнинг амалиётга татбиқ этилиши республикамизда фаолият юритаётган юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди устидан назоратни ўзлари юритишини белгилаб беради.

Такрорлаш учун саволлар

1. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг таркиби нималардан ташкил топган?
2. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг қандай шакллари мавжуд?
3. Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоби қандай ҳужжатларда расмийлаштирилади?
4. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳисоби қандай юритилади?
5. Меҳнат таътили ҳамда касаллик варақаси бўйича ҳақ тўлаш ҳисобини юритишнинг моҳияти нимада?
6. Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ажратма ва тўловлар таркибига нималар киради?
7. Иш ҳақи фондининг ишлатилиши устидан назоратни ким олиб боради?

15-боб. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА ҚИСҚА МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ

15.1. Пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий инвестициялар ҳисобининг вазифалари

Иқтисодий категорияга амал қилувчи ҳар бир мамлакат ривожланишининг асосий воситаларидан бири пул бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтиш ва унда иш юритишда унинг ўрни ва аҳамияти янада ошиб боради. Дарҳақиқат, пул — "бозор тили" деб бежиз айтилмаган. Ҳар бир иқтисодий ахборот, товарлар ва хизматлар баҳоси, тўловлар, даромад ва харажатлар, молиявий талаблар ва мажбуриятлар, иқтисодий алоқалар макро ва микро даражада фақат пулда ифода қилинади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида бозор муносабатларининг ривожланиши жараёнида шартномавий асослари меҳнат воситалари ва кредитларини харид қилиш, маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш бобида битимлар тузаётган корхоналар ўртасида муносабатлар кенгайиб бормоқда. Бундан ташқари, бюджет, банклар, суғурта органлари, турли жамоат ташкилотлари, хайрия фондлари, бевосита ходимлар ва ҳоказолар билан тўлов муомалалари амалга оширилмоқда. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ғоятда кенг ва хилма-хил доираси билан амалий алоқалар корхона хўжалик фаолиятининг мунтазам ва объектив жиҳатдан муқаррар белгисига айланмоқда. Корхоналар ўртасидаги ҳар хил тўловлар ва ўзаро ҳисоб-китоблар моддий, меҳнат ёки бевосита пул муносабатлари асосида пайдо бўлиши мумкин, лекин охир-оқибатда улар одатда муайян томоннинг фойдасига пул қарзи тусини олган мулкий мажбурият кўринишида намоён бўлади.

Барча мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг пул маблағлари, хоҳ у ўз маблағи бўлсин, хоҳ қарзга олинган бўлсин, кассада пул қолдиқлари ва оборотда фойдаланиладиган тушумнинг бир қисмидан ташқари, унинг банкдаги ҳисоб-китоб счётида сақланиши лозим. Банк корхонанинг ҳисобварақларидан пулни ўтказиш ва бериш тўғрисидаги ҳамда банк қоидалари ва банк билан корхона ўртасидаги шартномада кўзда тутилган бошқа муомалаларни ўтказиш ҳақидаги фармойишларини бажаради.

Ҳисоб-китоб счётидан тўловлар мол етказиб берувчилардан олинган материал ва асосий воситалар учун, бюджет ва суғуртага бўлган қарзларини тўлаш учун, иш ҳақи бериш учун кассага пул маблағлари олиниши ва бошқа мақсадлар учун амалга оширилади. Ҳар бир тўлов корхона билан, яъни ҳисоб-китоб эгаси билан келишган ҳолда амалга оширилади, лекин қуйидаги ҳолларда банк корхонанинг ҳисоб-китоб счётидан маблағларни бошқа ташкилотлар ҳужжатлари асосида ечиб олади: молия органларининг буйруқлари асосида, агар солиқларнинг тўлаш муддати ўтиб кетган бўлса; кредитдан фойдаланганлик учун фоиз; банк хизмати учун ва ҳоказо.

Нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда томонларнинг масъулияти ҳар бир иштирокчи учун белгиланади. Масалан, мол етказиб берувчи учун бу — шартномага ва юклаб жўнатилган маҳсулотга мувофиқ амалга оширилган пул эквивалентини ўз вақтида олиш, харидор учун — мол етказиб берувчи томонидан шартнома шартларининг бажарилиши.

Шу билан бирга банклар ҳам мулкчилик шаклидан қатъий назар, мижозлар олдида қабул қилган мажбуриятлар бажарилмагани учун моддий жавобгар бўлади; уларнинг вазифалари — тўлов муомалаларини ўтказишнинг белгиланган қоидаларига қатъий риоя этилишини амалда таъминлаш, хизмат кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг "Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида"ги қонунида кўзда тутилган ҳуқуқларини бирон-бир тарзда бузишга ва иқтисодий манфаатларини камситишга йўл қўймаслик, ушбу қоидаларни қўллаш амалиётини мунтазам равишда умумлаштириш, ишлаб чиқиш ва тўлов муомалалари-

нинг тартибини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритишдир.

Корхоналар томонидан бюджет ва турли фондлар ўртасидаги қарзларни узиш пул тўлов воситасида амалга оширилади. Ликвид активлар бўлган пул маблағлари ёрдамида корхоналар маблағларининг пул шакллари ишлаб чиқариш захиралари, меҳнат қуроллари ва ҳоказоларга айлантирилиши, пул тушумини ва ундан ўрин олган соф даромадни олиш амалга оширилади. Шундай қилиб, тўлов тизими ва тўлов муомалалари маблағлар доиравий оборотини таъминлашнинг энг муҳим омили бўлиб майдонга чиқади, уларни ўз вақтида тугаллаш эса ишлаб чиқаришнинг узлуксиз жараёнини таъминлашнинг зарурий шарти бўлиб хизмат қилади.

Тўловлар, асосан, нақд пулларни ишлатмасдан, корхонанинг банкда очган ҳисоб-китоб, валюта ёки бошқа хил ҳисобварақлари орқали ёки нақд пуллар билан ўзаро ҳисоб-китоблар кўринишида амалга оширилади (*нақд пулсиз ёки нақд пулли ҳисоб-китоблар*).

Ҳисоб-китоб муомалаларини банк орқали ўтказиш корхоналарнинг ўзлари белгилаган иш ҳақи фондларига, хизмат сафарлари ва хўжалик харажатлари лимитларига риоя қилишларини ҳар томонлама назорат қилиш, корхонанинг давлат бюджети билан солиқлар, йиғимлар бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишини, мол етказиб берувчиларнинг ҳисобварақлари ва тўлов талабномаларига ўз вақтида ҳақ тўлашни кузатиб бориш, корхонага турли мақсадлар учун, муайян таъминот ҳисобидан ссудалар бериш ва мазкур ссудаларнинг белгиланган муддатда қайтарилишини кузатиш ва ҳоказолар имконини беради.

Банк орқали нақд пулсиз ўтказишлар йўли билан тўловлар шакли ёрдамида нафақат мол етказиб берувчилар билан улардан келиб тушган моддий бойликлар учун ёки харидорлар билан улар сотган маҳсулотлар, бажарган ишлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоблар, балки шунингдек бюджет билан солиқлар бўйича, турли хил дебитор ва кредиторлар, бош (*асосий*) компания ёки бирлашма билан *(ички доиравий, ички хўжалик ҳисоб-китоблар),* касаба уюшма ташкилоти билан ҳисоб-китоблар ҳамда бир қанча бошқа тўловлар амалга оширилади.

Пул маблағларининг нисбатан кичик суммаларидан ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича, ҳисобот берувчи шахслар билан хизмат сафарлари харажатлари, касса орқали муомала қилинадиган нақд пулларга ҳарид қилинган ёки сотилган бойликлар (*қимматликлар)* учун нақд пулли ҳисоб-китоблар қилишда фойдаланилади. Пул маблағлари барча ҳисоб-китобларда воситачи бўлгани сабабли, табиийки, республика халқ хўжалигида маблағларнинг бир маромдаги доиравий айланишини, бозор иқтисодиёти соҳасида фаолият юритишни таъминлаш учун барча ўзаро тўловлар ва ўзаро ҳисоб-китоблар тўғри ва ўз вақтида бажарилиши зарур. Ўз навбатида, пул маблағлари, тўлов, ҳисоб-китоб ва кредит муомалаларини ўз вақтида ҳамда самарали амалга оширишга жиддий таъсир кўрсатади.

Корхонанинг молия бухгалтерияси, одатда, барча тўлов ва ҳисоб-китоб муомалаларини бажаради, молиявий, тўлов, ҳисоб-китоб ва кредит муомалалари ҳисобини, ушбу муомалаларни қонунларга мувофиқ ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш устидан назоратни амалга оширади.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул маблағлари билан биргаликда қисқа муддатли инвестициялар катта аҳамиятига эгадир. Мамлакатимизда инвестицион муҳитни барпо этиш ҳамда инвестицион фаолиятни ривожлантириш ишлари амалга оширилаётган вақтда қисқа муддатли инвестицияларнинг иқтисодиётдаги ўрни янада ошади.

Иқтисодий тизимда пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг амал қилишини тартибга солиш ва такомиллаштириш, энг аввало, уларнинг ҳисобда тўғри ва ўз вақтида акс эттирилишига боғликдир.

Бухгалтерия ҳисоби олдида пул маблағлари ва қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш бобида қуйидаги асосий вазифалар туради:

- корхонанинг пул маблағларини самарали бошқариш мақсадлари учун зарур ахборот билан таъминлаш;
- мазкур шароитларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этган ҳолда нақд пулсиз ўтказишлар ва нақд пуллар воситасида зарур тўловлар ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш;

♦ ҳисоб регистрларида тўлов ва ҳисоб-китоб муомалалари пул маблағларининг мавжудлиги ҳамда ҳаракатини тўлиқ ва тезкор акс эттириш, зеро корхона пул маблағларининг ҳаракати корхона амалий фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади;

♦ пул маблағларидан корхонада ишлаб чиқилган лимитлар ва сметаларга мувофиқ фойдаланишнинг амалдаги қоидаларига риоя қилиш;

♦ пул маблағлари ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолатининг инвентаризациясини ташкил этиш ҳамда белгиланган муддатларда ўтказиш;

♦ кассада, банклардаги ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақларда пуллар мавжудлиги ва бутлигини назорат қилиш;

♦ пул ресурсларининг ҳаракат оқимини прогнозлаш ва пул маблағларининг ҳаракат оқимини мақбул ҳолга келтиришни тартибга солиш бўйича тегишли бошқарув қарорларини тайёрлаш;

♦ қисқа муддатли инвестициялар билан боғлиқ муомалаларни ўз вақтида ҳисобга олиш.

15.2. Касса муомалаларини ҳисобга олиш

Касса муомалаларини юритиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 24 январдаги 376-сонли қарори билан тасдиқланган "Юридик шахслар томонидан касса муомалаларини юритиш қоидалари" билан тартибга солинади.

Бевосита корхона кассасидан нақд пулни олиш ва сарфлаш билан боғлиқ бўлган муомалалар касса муомалалари жумласига киради. Барча мулкчилик шаклидаги корхоналар ўз кассаларида нақд пул қолдиқлари лимитлари чегарасида нақд пулларни сақлаб туришлари ва уларни тушумдан олиб, меъёрлар чегарасида фойдаланишлари мумкин.

Касса муомалаларини олиб бориш учун корхона штатидан кассир ажратилади. У ўзи қабул қилиб олган барча бойликларнинг бут сақланиши учун тўлиқ моддий жавобгар шахс ҳисобланади. Кассирни тайинлаш бўйича буйруқ чиққанидан сўнг корхона раҳбари уни касса муомалаларини олиб бориш тартиби билан таништириши, тўлиқ якка моддий жавобгарлик ҳақида у

билан шартнома тузиши шарт. Кассир ўз вазифаларини ҳеч кимнинг зиммасига юклай олмайди. Кассирни вақтинчалик алмаштиришга эҳтиёж туғилганида корхона раҳбарининг қарори асосида унинг вазифалари бошқа ходим зиммасига юкланади. Ўз навбатида, у билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади. Кассир тўсатдан ишни ташлаб кетишга мажбур бўлганида (касал бўлганида ва бошқа ҳолларда) унинг ҳисобдорлигидаги бойликларни корхона раҳбари тайинлаган шахслардан иборат комиссия бошқа кассирга ўтказади. Бунда қайта ҳисоблаш натижалари ва бойликларни бериш ҳақида далолатнома тузилади, унга комиссия аъзолари имзо чекади.

Корхона раҳбари пул маблағларининг кассада бут сақланишини таъминлайдиган зарур шароитларни яратиши лозим. Касса учун керагича жиҳозланган алоҳида хона, сейф ажратилиши зарур. Иш охирида кассир касса сейфини калит билан бекитиши ва сурғучли муҳр билан муҳрлаши шарт. Сейф калити ва муҳр кассирда сақланади, калитнинг бошқа нусхалари кассир муҳрлаган пакетлар, қутичаларда корхона раҳбарида туради.

Кассир нақд пул белгилари ва тангаларни кассага қабул қилиб олишда Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг тўловга яроқлилик аломатларини аниқлаш қоидаларига риоя қилиши лозим. Бу қоидаларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг ҳақиқийлигига шубҳа туғдирмайдиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Гербининг тасвири, атайлаб бузиш аломатлари бўлмаган, шунингдек, бузилиш тарзидан қатъий назар юза томони (ўнги)да қийматининг тўлиқ миқдори ва тасвири сақланган ҳарфли серия ва рақамлари тўлиқ сақланган қоғоз пуллар ва тангалар тўловга яроқли ҳисобланади.

Қуйидаги камчиликларга эга бўлган қоғоз пулларни корхоналар тушум сифатида сўзсиз қабул қилиши ва банкка топшириши шарт:

♦ исталган жойида тешиклар, йиртиқлар, қирилган жойлар, доғлар, қалам ва сиёҳда ёзилган ёзувлар бўлган қоғоз пуллар;

♦ йиртилган ва шу йиртилган жойидан елимлаб ёпиштирилган, лекин иккала қисми ҳам бир қоғоз пулга тегишли бўлган қоғоз пуллар;

♦ бўёқ тегиб, ўз рангини ўзгартириб юборган жойлари бўлган қоғоз пуллар;

♦ тўлиқ катталиги сақланиб қолмаган қоғоз пуллар.

Ҳисоб-китоб счётидан кассага олинган пул ишчи-хизматчиларга иш ҳақи, мукофот тўлаш, нафақа бериш, хизмат сафари харажатларини қоплаш ва бошқа мақсадлар учун сарфланади. Банкдан олинган маблағлар белгиланган мақсадлар учун сарфланиши лозим.

Корхона кассасига нақд пулларни қабул қилиш **КО-1** шаклидаги касса кирим ордери билан амалга оширилади. У икки қисмдан иборат: кирим ордери (бланкнинг чап қисми) ва унга оид квитанция (ўнг қисми). Касса кирим ордерини бухгалтерия ёзиб беради ва бош бухгалтер ёки у ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Кирим ордерини кассага топширишдан олдин, албатта, кирим ва чиқим ҳужжатларини қайд қилиш журналида (КО-3 ёки КО-4 шакли) қайд қилиниши лозим. Журнал икки қисмдан иборат: чап қисмида кассага келиб тушган пул маблағлари, ўнг қисмида сарфланган пул маблағлари қайд қилинади.

Кирим ва чиқим касса ордерларини қайд қилиш журнали

чап қисм

Кирим ҳужжатлари			
Сана	Рақам	Сумма	Эслатма
1	2	3	4
Кирим бўйича жами			

ўнг қисм

Чиқим ҳужжатлари			
Сана	Рақам	Сумма	Эслатма
5	6	7	8
Чиқим бўйича жами			

Касса кирим ордерини пул топшираётган шахслар қўлига бериш тақиқланади. Кирим ордери ижро этиш учун бевосита кассага топширилади, бу ерда кассир ордернинг тўғри расмийлаштирилганлигини, бош бух-

галтернинг имзоси борлиги ва ҳақиқийлигини текширади, пулни қабул қилади, кирим ордери ва квитанцияни имзолайди. Пул топширган шахсга кирим ордери квитанцияси берилади. Касса кирим ордери бўйича пуллар фақат ушбу ҳужжат тўлдирилган кунда қабул қилинади.

Банкдаги ҳисоб-китоб счёти ва бошқа счётлардан кассага нақд пул келиб тушганида ҳам касса кирим ордери тузилади ва унинг квитанцияси тўлдирилади. Квитанция ҳисоб-китоб счётидан пулларни ҳисобдан чиқариш учун банк муассасаси кўчирмасига қўшиб қўйилади.

Нақд пуллар кассадан **касса чиқим ордерлари (КО-2 шакли)** ёки касса чиқим ордерларининг ўрнини босадиган, махсус штамп билан босилган бошқа ҳужжатлар (тўлов қайдномалари, пул бериш учун ариза, ҳисобварақлар ва ҳоказо) асосида берилади.

Пул беришга доир барча ҳужжатларни корхона раҳбари ва бош бухгалтер ёки улар ваколат берган шахслар имзолаши керак. Агар касса чиқим ордерига илова қилинган ҳужжатларда корхона раҳбарининг рухсат берувчи қайди бўлса, ордерда унинг имзоси бўлиши шарт эмас.

Касса чиқим ордери бухгалтерияда тузилади ва касса чиқим ордерларини қайд қилиш журналида қайд қилинади ва кассирга ижро этиш учун топширилади. Касса чиқим ордерларини пул олувчи шахс қўлига беришга рухсат этилмайди.

Кассир пулни бирор-бир шахсга бераётганида унинг шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат кўрсатишини талаб қилади, бу ҳужжатнинг номи ва рақами, ким томонидан ва қачон берилганлигини касса чиқим ордерига ёзиб қўяди ҳамда олувчининг тилхатини олади.

Бир неча шахс номига ёзилган битта тўлов ҳужжати бўйича пул олишда ҳам шахсни тасдиқлайдиган ҳужжат кўрсатилиши шарт.

Корхонанинг рўйхати таркибида бўлмаган шахсларга пул фақат касса чиқим ордери бўйича берилади. Кассадан пул фақат номи чиқим касса ордерида ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат (қайднома)да кўрсатилган шахсга берилади.

Агар пул ишончнома орқали олинадиган бўлса, бухгалтерия ордерда пул олиш ишониб топширилган шахснинг исми шарифини кўрсатади. Агар пул қайднома бўйича берилса, пулни олганлиги ҳақида имзо чектиришдан олдин кассир "Ишончнома бўйича" деб ёзиб қўйиши лозим, тегишлича расмийлаштирилган ва тасдиқланган ишончнома кассирда қолади ва касса чиқим ордерига ёки қайдномага қўшиб қўйилади.

Иш ҳақи, вақтинчалик иш қобилиятини йўқотганлик нафақаси, пенсиялар ва мукофотлар кассир томонидан **тўлов қайдномалари** бўйича ҳар бир ходимга чиқим ордерларини тузиб ўтирмасдан берилади. Тўлов қайдноманинг титул (биринчи) варағига пул беришга рухсат бериш ҳақида ёзув қилинади, унинг тагига корхона раҳбари, бош бухгалтери ёки улар ваколат берган шахслар имзо чекади, пул бериш муддати ва сумма ёзувда кўрсатилади.

Агарда ходимлар ушбу пулларни ўз вақтида олмасалар (яъни 3 кун ичида), улар депонентга ўтказилади.

Кирим ва чиқим касса ордери ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар бўйича пул олинганидан ёки берилганидан сўнг дарҳол кассир уларга имзо чекади, уларга илова қилинган ҳужжатларга эса "Олинган" (кирим ҳужжатларига) ёки "Тўланган" (чиқим ҳужжатларига) штампи босилади ёки сўзлар қўлда ёзилади ва сана, яъни кун, ой, йил кўрсатилади.

Касса ордерига ҳеч қандай ўзгаришларни, ҳатто изоҳларни ҳам қилишга йўл қўйилмайди. Агар унда хато борлиги аниқланса, касса ордери бошқатдан расмийлаштирилади.

Ҳар бир ордер ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат бўйича пул олинганидан ёки берилганидан сўнг кассир дарҳол касса бўйича нақд пуллар ҳаракатини ҳисобга олиш учун мўлжалланган КО-4 шаклли касса дафтарига буни қайд қилади.

Касса дафтари

Касса: "_____" _____ 2002 йил учун

Ва _____

			Кирим	чиқим
			4	5
	Кун бошига қолдиқ			
	- чек билан банк-дан			
	Иш ҳақи			
	Бир кунда жами			
	Кун охиридаги қолдиқ			
	Шу жумладан иш ҳақига			

Кассир _____ (имзо) сони

Касса дафтаридаги қайдларни текширдим ва _____

(ёзувда)

_____ кирим ва _____чиқим ҳужжатларини олдим.

Бухгалтер _____(имзо).

Корхонада фақат битта касса дафтари юритилади. У рақамланган, шнурланган ва сургучли ёки мастика муҳр билан муҳрланган бўлиши керак. Касса дафтарининг охирги варағида рақамланган бетлар сони кўрсатилиб, корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг имзоси билан тасдиқлаб қўйилади. Касса дафтаридаги қайдлар қора қоғоз орқали икки нусхада қилинади. Ҳар куни иш охирида кассир бир кунда қилинган муомалалар якунини ҳисоблаб чиқаради, кейинги кунга кассада қолган пул миқдорини ва тўлов қайдномаси бўйича чиқимга ҳисобдан чиқарилмаган суммани чиқаради. Иккинчи қирқма варақ (кассирнинг ҳисоботи — бир кунда касса дафтарида қилинган қайдларнинг нусхаси) кирим ва чиқим ҳужжатлари билан бирга бухгалтерияга топширилади ва бу ҳақда касса дафтарида қайд этилади.

Республикамиз миллий валюта қадрини оширишда нақд пул муомалалари муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам кейинги пайтларда нақд пул муомалаларини тартибга солиш бўйича кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Пул муомаласини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, банкдан ташқари муомалани қисқартириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш мақсадида 2002 йил 3 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорнинг 5-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси ва Марказий банки зиммасига алоҳида йирик миқдордаги пул маблағлари муомаласи, шу жумладан, нақд пул берилиши бўйича ахборотларни электрон айирбошлаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаси юклатилган. Бундан ташқари, ушбу Қарорнинг 10-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки зиммасига тижорат банклари билан биргаликда 2002 йил 1 октябригача кредит пластик карточкаларни муомалага чиқариш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Тижорат банклари зиммасига чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда товарлар ва хизматларга ҳақ тўлаш сифатида пластик дебет карточкалари қабул қилинишини таъминловчи терминаллар тармоғини кенгайтириш вазифаси юклатилган.

Нақд пул муомаласини тартибга солиш тўғрисидаги ушбу Қарор корхона, ташкилот ва муассасаларда касса муомалаларини юритишда талайгина янгиликларни келтириб чиқаради. Масалан, иш ҳақи, мукофот, хизмат сафари харажатлари учун пул маблағлари берилишининг электрон карточка тизимига ўтилиши касса муомалаларида ҳужжатлар оқимининг камайишига олиб келади. Хусусан, пул маблағлари берилишида касса чиқим ордерлари расмийлаштирилмасдан, балки ягона ҳужжат — тўлов қайдномасининг тўлдирилиши касса муомалалари ишини енгиллаштиради.

Касса муомалалари бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ҳисобварақларда акс эттирилади:

5010—"Миллий валютадаги пул маблағлари";

5020—"Хорижий валютадаги пул маблағлари".

Ушбу ҳисобварақларнинг дебет томонида корхона кассасига пул маблағларининг кирими акс эттирилади. Кредит томонида корхона кассасидан тўланадиган пул маблағлари ва лимитдан ортиқча пулларни банкка топшириш акс эттирилади.

5000-"Кассадаги пул маблағлари"ни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар корреспонденцияси

№	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси		Ёзувларнинг асослари
			Кредит	
1.	Банкдаги тегишли ҳисобварақлардан пул маблағларининг кассага келиб тушиши (иш ҳақи, нафақа, мукофотлар)	5010	5110, 5210	Пул чеки паттаси ва банк кўчирмаси, кассанинг кирим ордери, касса китоби
2.	Йўлдаги пул маблағларининг келиб тушиши	5010	5620	Кирим тўғрисидаги тасдиқнома
3.	Маҳсулот, иш ва хизматларнинг нақд пулга сотилиши	5010	9010-9030	Сотиш ведомости ва кассанинг кирим ордери
4.	Ҳисобдор шахслар томонидан олинган ва ишлатилмаган ортиқча суммаларнинг қайтарилиши	5010	4230	Бўнак ҳисоботи ва кассанинг кирим ордери
5.	Пул маблағларининг кассадан ҳисоблашиш ҳисобварағига қайтарилиши	5110	5010	Топшириш эълони ва банкнинг кўчирмаси
6.	Кассадан иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг (ёрдам пуллари, мукофотлар, иштирок этишдан даромадлар)нинг берилиши	6710	5010	Тўлов ведомости ва касса чиқим ордери
7.	Бир марталик ёрдам пулининг кассадан тўланиши	9430	5010	Касса чиқим ордери, раҳбарнинг буйруғи ва ариза

Журнал-ордер шакли бўйича ҳисобга олишда касса бўйича муомалалар 1-журнал-ордерда (5000—"Касса" ҳисобварағининг кредит оборотлари) ва журнал-ордерга кирувчи 1-қайдномада (5000—"Касса" ҳисобварағининг дебет оборотлари) акс эттирилади. Айтиб ўтилган регистрларга қилинадиган қайдлар кассирнинг текширилган ва ишлов берилган ҳисоботлари асосида ҳар куни олиб борилади.

Касса муомалаларини олиб бориш тартибида кассани тўсатдан инвентаризация қилиш кўзда тутилган. Бунда кассадаги пул бирма-бир қайта саналади ва кассадаги бошқа бойликлар текширилади. Касса инвентаризацияси "Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш" номли 19-сон БҲМАга биноан ҳар ойда ўтказилади.

Инвентаризация натижалари инв.15-шаклдаги далолатнома билан расмийлаштирилади. Бунда кассадаги нақд пулнинг амалдаги қолдиғи ҳисобга олиш маълумотлари билан таққосланади, бу эса пул маблағлари камомадини ёки ортиқчалигини аниқлашга имкон беради. Далолатнома касса тафтиш қилинган куни расмийлаштирилиши ва комиссия аъзолари томонидан имзоланиши лозим.

Далолатнома икки нусхада тузилади: бир нусхаси инвентаризация комиссияси папкасида қолади, иккинчиси корхона бухгалтериясида сақланади. Агар камомад ёки ортиқчалик мавжудлиги аниқланса, комиссия кассирдан ёзма тушунтириш хати талаб қилиши лозим.

Инвентаризация натижалари ўз вақтида бухгалтерия ҳисобварақларида акс эттирилади:

♦ ортиқча пуллар чиққанда, ушбу сумма кассага қайтадан кирим қилинади:

Д-т 5010—"Миллий валютадаги пул маблағлари";

К-т 9390—"Бошқа муомалавий даромадлар".

♦ камомад аниқланганида:

Д-т 4730—"Моддий зарарни қоплаш юзасидан ходимларнинг қарзи";

К-т 5010—"Миллий валютадаги пул маблағлари".

♦ камомад суммасини кассир бевосита кассага тўлаганида:

Д-т 5010—"Миллий валютадаги пул маблағлари";

К-т 4730—"Моддий зарарни қоплаш юзасидан ходимларнинг қарзи".

♦ камомад суммаси кассирнинг иш ҳақидан ушлаб қолинганида:

Д-т 6710—"Ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашишлар"

К-т 4730—"Моддий зарарни қоплаш юзасидан ходимларнинг қарзи".

15.3. Ҳисоб-китоб счёти бўйича муомалалар ҳисоби

Корхоналар бошқа юридик шахслар, давлат назорат органлари ва бошқа ташкилотлар билан бўладиган ҳисоб-китобларини асосан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўринишида амалга оширади. Маблағларни бир ҳисоб рақамидан иккинчи ҳисоб рақамига нақд пул иштирокисиз, пул ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар нақд пулсиз ҳисоб-китоблар дейилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар 1995 йил 4 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни олиб бориш тўғрисида"ги 60-сонлий ўриқномага асосан олиб борилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

♦ корхона, ташкилотлар ўз пул маблағларини (ўз маблағлари ва қарз маблағлари) банкда сақлашлари лозим;

♦ барча нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банк орқали ўтиши керак;

♦ хўжалик органлари ҳисоб-китоблар шаклларини эркин танлашлари ва уни шартнома орқали мустаҳкамлаб қўйишлари мумкин;

♦ хўжалик органларининг ҳисоб-китоблар бўйича шартномавий муносабатларига банк аралашмаслиги керак;

♦ товарлар ва хизматлар учун тўловлар тўловчининг розилиги билан амалга оширилади;

♦ тўловлар хўжалик органларининг ҳисобрақамидаги маблағлари ҳисобидан, баъзида банк кредити ҳисобидан амалга ошириши мумкин;

♦ тўлов қоидаси мол етказиб берувчи ва мол сотиб олувчи томонидан мол етказиб бериш тўғрисидаги шартнома асосида келишиб олинади;

♦ мол етказиб берувчининг ҳисобрақамига пул маблағларини ўтказиш мазкур маблағларнинг мол сотиб олувчининг ҳисобрақамидан ўчирилганидан кейин амалга оширилади.

Банк муассасасида ҳисоб-китоб счётини очиш учун корхона қуйидагиларни тақдим қилиши лозим:

♦ ҳисобварақни очиш ҳақида ариза (0401025-шакл); уни корхона раҳбари имзолаши шарт;

♦ корхонанинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида ҳужжат;

♦ корхонанинг нотариус тасдиқлаган устави нусхаси;

♦ имзолар намуналари ва муҳр нусхаси туширилган, нотариус тасдиқлаган варақча (0401026-шакл);

♦ корхонани тузиш ҳақидаги таъсис шартнома (муассиснинг қарори, таъсисчилар умумий йиғилишининг қарори) нусхаси;

♦ солиқ органида рўйхатдан ўтганлиги ва идентификациялашган солиқ тўловчи номери берилганлиги тўғрисида нотариусда тасдиқланган гувоҳнома кўчирмаси ёки шахс солиқ тўловчи субъект эмаслиги тўғрисида маълумот.

Корхонанинг ҳисобварағида олинган материаллар, асосий воситалар учун мол юборувчига тўланмалари, бюджетдан, ижтимоий суғуртадан бўлган қарзни тўлаш, иш ҳақи бериш учун кассага олинган пул ва бошқа заруриятлар учун тўланган пул маблағлари акс эттирилади.

Одатда, банк томонидан ҳар қандай пул ўтказиб бериш ёки нақд пул бериш корхона ёки ҳисобварақни тасарруф этувчининг буйруғи ёки у билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Лекин банк қуйидаги ҳолларда корхона розилигини олмай бошқа ташкилотларнинг ҳужжатлари бўйича унинг ҳисоб-китоб счётидан пулни мажбурий ўтказиб беради: молия ва солиқ органларининг буйруғи бўйича тўланмаган солиқ ва йиғимлар, шунингдек, улар бўйича жарима ва боқимандалар суммасини; қондирилган даъволар суммасини — ижро варақлари, хўжалик судининг буйруғи бўйича; кредит-

дан фойдаланганлиги учун фоиз суммасини; банк томонидан кўрсатилган хизматлар суммасини.

Ҳисоб-китоб счёти бўйича барча муомалалар ҳисоб-китоб счётининг эгаси розилиги билан белгиланган шаклдаги тўлов (банк) ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Тўлов шакллари деганда, одатда, ҳуқуқий меъёрларда кўзда тутилган, кредитор ҳисобига маблағларни ўтказиш усули, ҳисоб-китоб ҳужжати тури ва ҳужжатлар айланиш тартиби билан фарқланувчи нақд пулсиз тўловлар шартлари кўзда тутилади.

Корхоналар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар:

- ♦ тўлов топшириқномалари;
- ♦ чеклар;
- ♦ аккредитивлар;
- ♦ тижорат банклари векселлари;
- ♦ тўлов талабнома-топшириқномалари;
- ♦ тўлов талабномалари;
- ♦ инкассо топшириқномалари;
- ♦ режали тўловлар воситасида амалга оширилади.

Маблағларни тўловчи билан олувчи ўртасидаги тўловлар шакли шартнома (келишув) билан белгиланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатлари белгиланган стандартлар талабларига мувофиқ келиши ва ҳисоб-китоб ҳужжати номи, ҳисоб-китоб ҳужжати рақами, унинг ёзилган куни, ойи, йилини ўз ичига олиш керак. Кун рақамларда, ой сўз билан, йил рақамлар билан кўрсатилади, ҳисоблаш машиналарида тўлдириладиган тўлов ҳужжатларида ой рақамларида кўрсатилиши мумкин, тўловчи банкининг рақами, тўловчи банкининг номи кўрсатилади, тўловчи банкининг номи ўрнига ҳужжат матнида унинг фирма белгиси; тўловчининг номланиши, унинг банкдаги ҳисоб рақами; маблағ олувчининг номланиши, унинг банкдаги ҳисоб рақами; олувчи банкининг номланиши (*чекда кўрсатилмайди*), маблағ олувчи банкнинг рақами кўрсатилиши мумкин. Тўловчи ва маблағ олувчи номининг банклар ва мижозлар ишини қийинлаштирмайдиган оқилона қисқартирилишига йўл қўйилади, тўлов мақсади кўрсатилади (*чекда кўрсатилмаган*).

Банк пул бериш, нақд пулсиз ўтказишлар, баъзи ҳолларда ҳисобга ёзишлари ҳам махсус шаклдаги ҳужжатлар бўйича амалга оширилади, уларга раҳбар ва бош бухгалтер имзо чекиб, корхона муҳри билан тасдиқланади.

Қонун ҳужжатларида кўзда тутилган айрим ҳолларда банк пул маблағларини корхонанинг ҳисоб-китоб счётидан инкассо йўли билан мажбурий тарзда ўчиради. Бундан ташқари, банк ссудаларидан фойдаланганлик учун фоизлар, тўлаш муддати ўтган ссудалар бўйича суммалар, банк хизматлари қиймати сингари ва ҳоказо пул суммаларини ўзининг хоҳишига қараб ҳисобдан ўчиради. Бунда банк пулларни ҳисоб-китоб счётидан ўчириш, шу жумладан пулларни бюджетга ўтказиш ва кассага иш ҳақи учун беришни унга тегишли ҳужжатлар келиб тушгандагидек кетма-кетликда амалга оширади.

Корхона ва ташкилотлар билан ҳисоб-китобларда улар ўртасида кўзда тутилган тўлов шаклига боғлиқ ҳолда ҳужжатлар қўлланади. Агар шартномада корхонанинг ўзи қарзини мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва турли ташкилотларга ўтказиши кўзда тутилган бўлса, тўлов топшириқномаси ёзилади.

Тўлов топшириқномаси корхонанинг ўзига хизмат кўрсатувчи банкка ўз ҳисобварағидан муайян суммани бошқа корхонанинг ва шу банкдаги ёки ана шу шаҳарда ёхуд бошқа шаҳарда жойлашган банк муассасасидаги счётига ўтказиш тўғрисидаги топшириғи ҳисобланади. Бунда тўловчи банкка белгиланган шаклдаги бланкда топшириқнома тақдим этади.

Топшириқномалар ёзилган кундан бошлаб 10 кун давомида амал қилади (ёзилган кун ҳисобга кирмайди).

Томонларнинг келишувига кўра топшириқномаларга асосланган тўловлар муддатли, муддатдан олдин ва муддати узайтирилган бўлиши мумкин.

Муддатли тўлов қуйидаги вариантларда амалга оширилади:

- бўнак тўлови, яъни товарларни юклаб жўнатиш ёки хизматлар кўрсатишдан олдин;
- товар юклаб жўнатилганидан сўнг, яъни товарни тўғридан-тўғри акцептлаш йўли билан;
- йирик битимларда қисман тўловлар.

Муддатидан олдин ва муддати узайтирилган тўловлар шартномавий муносабатлар доирасида, томонларнинг молиявий мавқеига зарар келтирмасдан амалга оширилиши мумкин.

Олинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун топшириқномалар банк томонидан улар тақдим этилган кунда ҳисоб-китоб счётида маблағлар бўлганда ёки банк ссудаси ҳисобига имконияти мавжуд бўлгандагина қабул қилинади.

Тўлов топшириқномалари бланкларда (0401002) тузилади, битта банк муассасаси хизмат кўрсатадиган учта ва ундан ортиқ олувчига ўтказилганда эса бланкларда йиғма тўлов топшириқномалари (0401003) тузилади.

Маблағ тўловчи ва олувчига битта банк муассасаси томонидан хизмат кўрсатиладиган ҳисоб-китоблари топшириқнома асосида уч нусхада тақдим этилади. Биринчи нусха тўловчи банкида мемориал ордер бўлиб хизмат қилади, иккинчи нусха бир шаҳардаги ўтказишларда унинг ҳисобварағидан ёзиш чоғида олувчига юборилади, учинчи нусхаси тўловчига берилиб, топшириқнома қабул қилинганлиги тўғрисида тилхат ва банк муассасаси штампи билан берилади.

Агар маблағ тўловчи ва олувчига бир шаҳарда жойлашган турли банк муассасалари хизмат кўрсатаётган бўлса, топшириқнома тўрт нусхада тақдим этилади, уларнинг биринчисидан мемориал ордер сифатида фойдаланилади, иккинчи ва учинчи нусхалари тўловдан сўнг маблағ олувчининг банкига юборилади, бунда иккинчи нусха ордер бўлиб хизмат қилади ва банкда қолади, учинчи нусха олувчи ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади, тўртинчи нусха тўловчига тилхат ва банк штампи билан бирга қайтарилади.

Ижро учун қабул қилинган топшириқномалар суммалари топшириқномаларда кўрсатилган тўловчилар ҳисобварағидан ўчирилади.

Акцептланган топшириқнома тўловга фақат тўлов суммада қабул қилиниши мумкин. Акцептланган топшириқномаларни қабул қилганда банк топшириқноманинг орқа томонида уларни тўлаш учун қабул қилган корхонанинг қабул қилиш санаси кўрсатилган штампи бўлишини назорат қилиши керак.

Ҳисоб-китобни банк томонидан акцептланган топшириқнома билан амалга оширмоқчи бўлган тўловчи унга хизмат кўрсатувчи банк муассасасига акцепт учун топшириқномани (0401002) уч нусхада тақдим этади. Дастлабки икки нусхага имзо чекилиши ва муҳр изи туширилиши шарт.

Топшириқномани бажариш мумкинлиги ва у тўғри расмийлаштирилгани текширилганидан сўнг унинг суммаси банк муассасаси томонидан топшириқнома тақдим этган тўловчининг ҳисобварағидан ўчирилади ва *"Акцептланган тўлов топшириқномалари ва банкларнинг ҳисоб-китоб чеклари"* ҳисобварағида депонентланади.

Топшириқноманинг биринчи нусхаси банк муассасаси муҳри изи билан тасдиқланади ва тўловчининг ишончли вакилига берилади, бу вакилнинг имзосидан намуна топшириқнома иккинчи нусхасида келтирилади. Зарурат туғилганда банк ишончли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларни топширади.

Ўтказма юборувчидан қабул қилинган акцептланган топшириқномаларни алоқа корхоналари ва транспорт ташкилотлари уларга хизмат кўрсатувчи банк муассасаларига тўлов топшириқномаларининг бланклардаги реестрида (0401007) топширади.

Нотўғри расмийлаштирилиши, депозитнинг амал қилиш муддати тугагани ёки бошқа сабабларга кўра тўлашга қабул қилинмаган акцептланган топшириқномалар реестрдан унинг якуни тузатилган ҳолда ўчирилади ва ҳисобот тақдим этган корхонага қайтарилади.

Ишлатилмаган акцептланган топшириқнома суммаси уни акцептлаган банкка тақдим этилган топшириқнома бўйича тўловчи ҳисобварағида тикланади.

Акцептланган топшириқнома унинг акцепт кунидан бошлаб бир ой давомида тўлаш учун тақдим этилмаганда ушбу топшириқнома суммаси *"Акцептланмаган тўлов топшириқномалари ва банкларнинг ҳисоб-китоб чеклари"* ҳисобварағидан *"Бошқа дебиторлар ва кредиторлар"* баланс ҳисобварағига ўтказилади ва кейин даъво муддати тугаганидан сўнг, республика бюджетининг даромадига ўтказилади.

Тўлов топшириқномаси бўйича пул ўтказиб берилганида қуйидаги ёзувлар қилинади:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик";

Д-т 6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар";
Д-т 6990—"Бошқа мажбуриятлар";
К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

Тўловларнинг тўлов талабнома-топшириқномалари шаклида мол етказиб берувчи маҳсулотни юклаб жўнатгандан сўнг тўлов талабномасини ёзиб, унга хизмат кўрсатадиган банкка топширади. У харидордан пулни ундириш ва уни мол етказиб берувчининг ҳисоб-китоб счётига киритиш учун талабномани харидорнинг банкига жўнатади. Тўловчининг акцепти (*розилиги*) мавжуд бўлганда, ҳисобварақлар ҳақи тўланади. Агар шартномага мувофиқ корхонанинг ўзи харидорлардан берилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар қийматини ундириш керак бўлса, тўлов талабнома-топшириқномаси тузилади, унинг шакли ва мазмуни тўлов топшириқномасига ўхшашдир.

Тўлов талабнома-топшириқномаси мол етказиб берувчининг харидорга банкни четлаб ўтиб, унга юборилган тўлов ва юклаб жўнатиш ҳужжатлари асосида, шартнома бўйича етказиб берилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қийматини тўлаш тўғрисидаги талабини ифодалайди.

Тўловчи олинган тўлов талабнома-топшириқномасини тўлаш имкониятини белгилаб, уни хизмат кўрсатувчи банк муассасасига топширади, токи тўлов талабнома-топшириқномаси бўйича акцептланган сумма тўловчи ҳисобварағидан мол етказиб берувчининг ҳисобварағига ўтказилсин.

Тўлов талабнома-топшириқномаларини мол етказиб берувчи 0401040 — сон бланкда ёзади ва шартномада кўзда тутилган юклаб жўнатиш ҳамда бошқа ҳужжатлар билан бирга 3 нусхада бевосита харидорга юборилади.

Биринчи нусха белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, мол етказиб берувчининг имзолари ва муҳр изи қўйилган бўлиши керак.

Тўлов талабнома-топшириқномаси тўловчи ҳисобварағида маблағ бўлганида қабул қилинади.

Тўлиқ ёки қисман тўлашга рози бўлинганда тўловчи тўлов талабнома-топшириқномасининг барча нусхаларини ҳисобварақни тасарруф этишга ваколатли шахслар имзолари ва муҳр изи билан расмийлаштира-

ди ҳамда уларнинг ҳаммасини хизмат кўрсатувчи банкка топширади, бунда:

♦ биринчи нусха маблағларни тўловчи ҳисобварағидан чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади ва муомала якунланганидан сўнг банк учун ҳужжатларда жойлаштирилади;

♦ иккинчи нусха мол етказиб берувчига хизмат кўрсатадиган банкка юборилади;

♦ учинчи нусхаси юклаб жўнатиш ҳужжатлари билан бирга жўнатиш учун қабул қилиш ва товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳақи тўланган тўғрисида тилхат сифатида тўловчига қайтарилади.

♦ тўловчи банкка акцептланган тўлов талабнома-топшириқномаларини тақдим этиши шарт бўлган муддатни томонлар шартномада белгилайди ва уни банк назорат қилмайди.

Тўлов талабнома-топшириқномаси унга илова қилинган юклаб жўнатиш ҳужжатлари ва тўлашдан бош тортилгани тўғрисидаги хабарнома билан бирга бевосита мол етказиб берувчига қайтариб берилади. Келиб тушган ва тўланмаган тўлов ҳужжатлари ҳисобини тўловчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда амалга оширади.

Тўлов талабномаси ҳисоб-китоб ҳужжати бўлиб, мол етказиб берувчи *(юк жўнатувчи)* ва воситаларни бошқа олувчиларнинг тўловчига муайян суммани банк орқали тўлаш тўғрисидаги талабини ўз ичига олади.

Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоб қилиш зарурати Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан, юзага келган молиявий вазиятдан ва тўловларни таъминлаш заруратидан келиб чиқиб белгиланади.

Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоб қилишда воситаларни олувчи унга хизмат кўрсатувчи банкка инкассо учун тўловчидан муайян суммани банк орқали тўлаш талаб қилинган ҳисоб-китоб ҳужжатини тақдим этади.

Тўловчиларнинг акцептли ёки акцептсиз талабли ҳисоб-китоблари корхоналар ўртасида юклаб жўнатилган *(берилган)* товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун, бошқа тўловлар бўйича эса — амалдаги қонунлар ёки шартномада кўзда тутилган ҳолларда қўлланади, талабномада мазкур тўлов шаклини

белгилаган тегишли меъёрий ҳужжат, шартнома бандига, албатта, ҳавола қилиниши керак.

Олинган акцепт белгиланган ҳисоб-китобларда талабнома акцепт муддати тугаган куннинг эртасига тўланади.

Тўловчи унга хизмат кўрсатадиган банк муассасасига мазкур банк муассасаси талабномани олган кундан сўнг 3 кун давомида, талабнома келиб тушган кунни ҳисобга олмаганда, акцептдан воз кечиши тўғрисида айтиш ҳуқуқига эгадир.

Зарурат туғилганда корхонанинг сўровига биноан банк муассасаси раҳбари талабнома акцепти муддатини 10 кунга қадар узайтириши мумкин.

Банк томонидан 10 кун мобайнида розилик *(акцепт)* олинмаган тақдирда бундай талабномалар банк муассасасига қайтарилиб, ҳужжат акцептланмагани кўрсатилади.

Акцептдан воз кечишларни қабул қилиш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар доираси банк раҳбари томонидан белгиланади. Агар акцептдан воз кечиш умуман асослаб берилмаган бўлса, уни банк ижро этиш учун қабул қилмайди.

Тўлов талабномаси 0401001 — сонли бланкларда тузилади. Агар талабнома спецификация билан мувофиқлаштирилмаган бўлса, унга товар транспорт ҳужжатлари ёки улар ўрнини босувчи ҳужжатлар илова қилиниши керак. Банк бошқа иловаларни қабул қилмайди, амалдаги қоидаларда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Талабномаларда мол етказиб берувчи, албатта:

♦ шартнома санаси ва рақамини кўрсатади;

♦ товарларни юклаб жўнатиш *(бериш)* санаси ҳамда товар-транспорт ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари ва транспорт тури, товарлар алоқа корхонаси орқали жўнатмалар сифатида юборилганда — почта квитанцияларининг рақамлари кўрсатилиши керак.

♦ Талабномалар 4 нусхада тақдим этилади:

♦ талабноманинг биринчи нусхаси тўловчининг банкига тўлаш пайтида мемориал-ордер бўлиб хизмат қилади;

♦ талабноманинг иккинчи нусхаси инкассо муомаласи якунланганидан сўнг мол етказиб берувчининг

ҳисобварағидан кўчирма қилганда унга бериш учун мўлжалланади;

♦ учинчи нусха унга илова қилинган товар-транспорт ҳужжатлари билан бирга талабнома тўловчининг банкига келиб тушгандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай тўловчига тўлов тўғрисида хабар бериш ва акцепт учун топширилади;

♦ тўртинчи нусха бир шаҳардаги ҳисоб-китобларда маблағлар ҳисобварағига ёзилгандан сўнг мол етказиб берувчининг банкида мемориал-ордер сифатида ишлатилади.

Талабномалар товар юклаб жўнатилган (хизмат кўрсатилган)дан сўнг шартномада тилга олинган муддатдан кечиктирмай инкассога топширилади.

Талабномалар икки нусхада тузиладиган реестрга (0401014) киритилади.

Реестр шакли мол етказиб берувчиларнинг хоҳишига биноан мол етказиб берувчи банкининг розилиги билан ўзгартирилиши ва реквизитлар билан тўлдирилиши мумкин.

Корхона бухгалтериясида ҳисоб-китоб ҳисобварағидаги пуллар ҳаракати банк кўчирмалари бўйича "Ҳисоб-китоб счёти" номли 5110—актив ҳисобварақда ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ бўйича кредит оборотлари 2-журнал-ордерда ёзилади, дебет бўйича оборотлар эса турли журнал-ордерларда акс эттирилади. 2-журнал-ордерга 2-қайднома юритилади, унда 5110-"Ҳисоб-китоб счёти" ҳисобварақ дебетига киритилган суммалар ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ҳисобварағига ёзилган ва ундан ўчирилган суммаларни ҳисобда акс эттиришдан олдин банк кўчирмаси бухгалтер томонидан синчиклаб текширилади ва шундан сўнг бевосита ҳисоб-китоб варағидан кўчирмада ҳисобварақлар корреспонденциялари тузилади.

Бунда банклардаги корхоналарнинг ҳисоб-китоб ҳисобварағилари пассив эканини эътиборда тутиш зарур, бинобарин, банк бухгалтериясида пулнинг ҳисоб-китоб счётига келиб тушиши ҳисобварақнинг кредити бўйича, ҳисобдан ўчириш эса унинг дебетида акс эттирилади. Корхоналарда эса, аксинча, ҳисоб-китоб ҳисобварағи актив ҳисобланади, шунинг учун пул маб-

лағларининг ҳисоб-китоб ҳисобварағида кўпайиши дебет бўйича, камайиши эса кредит бўйича акс эттирилади.

Агар банк кўчирмасида хатога йўл қўйилган бўлса, тегишли сумма 4860—"Даъволар бўйича олинадиган счётлар" ҳисобварағининг дебети ёки кредити бўйича, 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" ҳисобварақ билан корреспонденцияда акс эттирилади, бу ҳақда дарҳол банкка хабар қилиниши керак.

Хатонинг тузатилгани тўғрисида банк корхонага навбатдаги кўчирмада хабар қилади ва бунга асосланиб тузатув ёзувини киритади.

Товарларни жўнатиш ва пул маблағларини ҳисоб-китоб варақларига ўтказиш билан боғлиқ бўлган муомалалар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

♦ товарлар жўнатилиши билан мол юборувчида:

Д-т 4110—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар";

К-т 9010, 9020.

♦ мол юборувчида ҳисоб-китоб счётига пул ўтказилганида:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти";

К-т 4110—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар".

♦ материаллар келиб тушиши билан мол олувчиларда:

Д-т 1010—"Хом-ашё ва материаллар" ;

К-т 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар".

♦ мол сотиб олувчида ҳисоб-китоб счётидан пул ўтказилганда:

Д-т 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

Вексел бир томон *(вексел берувчи)* иккинчи томонга *(вексел тузувчига)* берган ва герб йиғими тўланган, белгиланган шаклда тузилиб, сўзсиз ёзма қарз пул мажбурияти ҳисобланади. Векселлар оддий ва ўтказма векселлар бўлиши мумкин.

Оддий вексел ёзма ҳужжат бўлиб, вексел берувчи (қарздор) нинг муайян пул суммасини муайян муд-

датда ва муайян жойда вексел тутувчига ёки унинг буйруғига биноан тўлаши тўғрисида оддий ва ҳеч нарса билан шартланмаган мажбуриятидир.

Ўтказма вексел *(тратта)* ёзма ҳужжат бўлиб, вексел берувчининг тўловчига муайян пул суммасини муайян муддатда ва муайян жойда олувчига ёки унинг буйруғига биноан тўлаши тўғрисида сўзсиз буйруғидир.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида векселлардан амалда фойданилмаяпти. Улар муомалада бўлмасада, аммо ҳисоб-китобларнинг қулай усулидан бири бўлиб ҳисобланади.

Инкассо топшириқномаларига биноан тўловлар ҳисоби корхоналар ҳисобварақларидаги маблағларни улар розилигисиз ҳисобдан ўчиришнинг қуйидаги ҳолларида қўлланади: бюджетга тўловлар бўйича боқимандалар, жарималарни ундиришда ва маблағларни ҳисобдан ўчиришнинг сўзсиз тартиби белгиланган бошқа ҳолларда: ундирувчиларнинг фармойишлари бўйича; ижро этиш ва унга тенглаштирилган ҳужжатлар бўйича.

Маблағларни ҳисобварақлардан сўзсиз тартибда ҳисобдан ўчириш ундирувчиларнинг тўлов талабномаси-топшириқномаси бланкида тақдим этиладиган фармойишлари асосида амалга оширилади.

Режали тўловлар тартибидаги ҳисоб-китоблар шакли корхоналар ўртасида, яъни мол етказиб берувчи ва харидор ўртасида доимий алоқа мавжуд бўлган ҳолларда қўлланилади. Ҳисоб-китобнинг бу шакли машинасозлик корхоналарида, кўмир, газ, металл сотиб олишда, озиқ-овқат саноати корхоналари билан савдо ташкилотлари ўртасида нон, сут маҳсулотларини сотиш ва сотиб олишда қўлланилади. Унинг хусусияти шундаки, ҳисоб-китоб ҳар бир жўнатилган маҳсулот учун эмас, балки белгиланган муайян муддатда, яъни ҳар куни ёки 3—5 кунда бир марта олиб борилади. Ушбу шакддаги ҳисоб-китобнинг тўғри олиб борилишини банк назорат қилиб туради. Ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидор ёки мол етказиб берувчи томонидан ёзилиши мумкин. Вақти-вақти билан жўнатилган маҳсулот ва тўланган пул текшириб турилади, ўртадаги фарқ қўшимча маблағ тўлаш ёки маҳсулот жўнатиш билан тартибга солинади.

Режали тўловлар орқали олиб бориладиган ҳисоб-китоблар ҳисоби мол юборувчининг балансида 4110-"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" ҳисобварағининг "Режали тўловлар ҳисоб-китоби" аналитик ҳисобварағида юритилади.

Маҳсулот сотилганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4110—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар";

К-т 9010—"Маҳсулотни сотишдан олинган даромад".

Сотилган маҳсулотнинг пули келиб тушганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти";

К-т 4110—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар".

Мижоз (корхона) чек дафтарчаларини унга хизмат кўрсатувчи банк муассасасидан олади. Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар, касаллик варақаси бўйича нафақалар, мукофотлар, хизмат сафарлари ва хўжалик харажатлари учун нақд пулларни банк чеки асосида корхонанинг ҳисоб-китоб ҳисобварағидан шу корхона кассасига беради.

Пул чеки корхонанинг ҳисоб-китоб ҳисобварағидан чекда кўрсатилган нақд пул суммасини бериш тўғрисида банкка берган фармойишидан иборат. Чек сиёҳда ёки шарикли ручкада тўлдирилади. Унда сумма, чек берилган вақт, олувчининг номи, шунингдек, олинган суммaнинг нима мақсадда ишлатилиши кўрсатилади.

Пул бадаллари ҳақидаги эълон билан ҳисоб-китоб ҳисобварағига нақд пуллар топширилганлиги расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжат бир нусхада тўлдирилади ва унда тўланадиган пулнинг ҳосил бўлиш манбаи кўрсатилади. Банк қабул қилинган пулга кассирга квитанция беради, у бухгалтерияда касса чиқим ордерини тузиш ва касса бўйича пул маблағларини ҳисобдан чиқариш учун асос вазифасини ўтайди.

Ҳисоб-китоб ҳисобварағидаги барча ўзгаришлар ҳақида банк ўз мижозини ҳисоб-китоб ҳисобварағидан кўчирмалар бериш орқали хабардор қилади. **Банк кўчирмаларида** ҳисоб-китоб ҳисобварағига маблағларнинг тушиши ва ундан ҳисобдан чиқарилиши, кун боши ва охири учун ундаги маблағ қолдиқлари кўрсатилади.

_____ бўйича ҳисоб-китоб варағидан банк кўчирмаси (корхона)

2003 йил "_____" _____ учун

Сана	Ҳуж-	Банк-	Му						Ўзаро ланув ҳисоб ақлар ни ги лан корхо галқ ясида уйил ди)
		Жами оборот-лари							

Корхона бухгалтерияси кўчирмага илова қилинган ҳисоб-китоб ва тўлов ҳужжатлари бўйича ҳар қайси кўчирманинг тўғрилигини ҳамда тушган ва ҳисобдан чиқарилган суммаларнинг мослигини текширади. Хато топилган тақдирда корхона бу ҳақда банк муассасасига кўчирма олинганидан сўнг 10 кундан кечикмай хабар қилади.

Корхонанинг ҳисоб-китоб счётидаги Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги пул маблағларининг миқдори ва ҳаракатини ҳисобга олиш учун 5110— "Ҳисоб-китоб счёти" актив пул ҳисобварағидан фойдаланилади. 5110-ҳисобварақ дебети бўйича тушумлар тарзига боғлиқ равишда турли ҳисобварақлар кредитидан ҳисоб-китоб варағига маблағларнинг тушиши бўйича хўжалик муомалалари, 5110-ҳисобварақ кредити бўйича эса харажатнинг нима мақсадда қилинганлигига кўра ҳисоб-китоб варағи турли ҳисобварақлар дебетига маблағларни ҳисобдан чиқариш бўйича хўжалик муомалалари акс эттирилади.

5110-"Ҳисоб-китоб счёти" ҳисобварағи бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси

	ларин	Ҳисоб-		ақ- лар
1.	Маҳсулот, иш ва хизматларнинг сотилишидан олинган тушумларнинг кирим қилиниши	5110		ҳисоб-китоб варағидан кўчирма
2.	Асосий воситалар ва бошқа активларнинг сотилишидан тушган тушумларнинг келиб тушиши	5110	4010	ҳисоб-китоб варағидан кўчирма
3.	Кассадан нақд пулнинг ҳисоб-китоб счётига қайтарилиши	5110	5010	топшириш эълони ва ҳисоб-китоб варағидан кўчирма
4.	Банкдан кассага пул маблағларининг келиб тушиши (меҳнат ҳақи, нафақа, мукофотлар ва бошқалар учун)	5010	5110	ҳисоб-китоб варағидан кўчирма ва пул чеклари
5.	Бюджетга ҳисобланган тўловлар бўйича қарздорлик суммаларининг ўтказилиши	6410	5110	тўлов топшириқномаси, инкассо ва ҳисоб-китоб варағидан кўчирма
6.	Мол етказиб берувчиларга сотиб олинган ТМЗлар қийматининг тўланиши	6010	5110	тўлов топшириқномаси, ҳисоб-китоб варағидан кўчирма

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклидаги корхонанинг ҳисоб-китоб счёти муомалалари 2-журнал-ордерда ва 2-қайдномада акс эттирилади. Кўрсатилган регистрлардаги ёзувлар қатъий хронологик тартибда ҳисоб-китоб счётлари бўйича текширилган ва ишлов берилган кўчирмалар ва уларга илова қилинган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

2-журнал-ордер
200__ йилнинг _____ойи учун
5110-"Ҳисоб-китоб счёти"нинг кредитидан қуйидаги ҳисобварақларнинг дебетига

сўм

Сана	Дебетланувчи ҳисобварақлар							Жами
	5010	5510	5610	6010	6410	6520	6720	
Жами								

2-журнал-ордер
2003 йилнинг _____ойи учун
5110-"Ҳисоб-китоб счёти"нинг дебетидан қуйидаги ҳисобварақларнинг кредитига

сўм

Сана	Кредитланувчи ҳисобварақлар						Жами
	Ж-о №	Ж-о №	Ж-о №	Ж-о №	Ж-о №	Ж-о №	
	2810	5010	5510	6720	6810	ва ҳоказо	
Жами							

15.4. Банкларда очилган махсус ҳисобварақларда бажариладиган пул муомалаларининг ҳисоби

Корхоналарнинг махсус ҳисобварақларидаги пул муомалаларининг бухгалтерия ҳисоби 5500—"Банклардаги махсус ҳисобварақлар" ҳисобварағида юритилади. Мазкур ҳисобварақ мамлакатимиз ҳудудида ва ундан ташқарида аккредитивлар, чек дафтарчалари, бошқа тўлов ҳужжатлари кўринишида (векселлардан ташқари), жорий, алоҳида ва бошқа махсус ҳисобварақларда турган миллий ҳамда хорижий валютадаги пул маблағлари ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги, шунингдек аниқ мақсадлар учун молиялаш маблағлари (тушумлари)нинг алоҳида сақланадиган қисми ҳаракати ҳақидаги маълумотларни умумлаштиришга мўлжалланган.

Банклардаги махсус ҳисобварақларни ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳисобварақлар очилиши мумкин:

- 5510—"Аккредитивлар";
- 5520—"Чек дафтарчалари";
- 5530—"Бошқа махсус счётлар".

5510—"Аккредитивлар" ҳисобварағида аккредитивларда турган маблағлар ҳаракати ҳисобга олинади. Аккредитив шаклида ҳисоб-китоб қилиш тартиби Марказий банк қоидаларида белгилаб қўйилган.

Аккредитив банкнинг шартли пул мажбуриятномаси бўлиб, банк бу ҳужжатни мижознинг топшириғига кўра шартнома бўйича унинг контрагентига беради. Бу шартномага кўра аккредитив очган банк (эмитент банк) маҳсулот етказиб берувчига пул тўлаши ёхуд шундай тўловлар ўтказиш учун бошқа банкка ваколат бериши мумкин. Бунда мижоз аккредитивда кўзда тутилган ҳужжатларни тақдим этиши ва аккредитивнинг бошқа талабларини бажариши шарт қилиб қўйилади.

Аккредитивларнинг қуйидаги турлари очилиши мумкин:

♦ қопланган (депонентланган) ёки қопланмаган (кафолатланган);

♦ қайтариб олинадиган ёки қайтариб олинмайдиган.

Агар аккредитив очилаётган вақтда эмитент банк тўловчининг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни эмитент банк мажбуриятлари амал қиладиган бутун муддатга "Аккредитивлар" деган алоҳида баланс ҳисобварағига қўйиш учун маҳсулот етказиб берувчи банки (ижрочи банк) ихтиёрига ўтказса, бу қопланган (депонентланган) аккредитив ҳисобланади.

Банклар орасида корреспондентлик муносабатлари ўрнатилган ҳолларда қопланмаган (кафолатланган) аккредитив ижрочи банкда унга эмитент банкнинг ижрочи банкдаги ҳисобварағидан бутун аккредитив суммасини чиқариб олиш ҳуқуқини бериш йўли билан очилиши мумкин.

Ҳар бир аккредитивда у қайтариб олинадиган ёки қайтариб олинмайдиган шаклдалиги аниқ кўрсатилиши керак. Агар шундай кўрсатма бўлмаса, аккредитив қайтариб олинадиган деб ҳисобланади.

Қайтариб олинмайдиган аккредитив унинг асосида пул оладиган маҳсулот етказиб берувчининг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Аккредитив фақат битта маҳсулот етказиб берувчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун очилиши мумкин.

Аккредитив амал қиладиган муддат ва ҳисоб-китоб

қилиш тартиби тўловчи билан маҳсулот етказиб берувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади. Шартномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши зарур:

- эмитент банк номи;
- аккредитив тури ва уни ижро этиш усули;
- аккредитив очилгани тўғрисида маҳсулот етказиб берувчига хабар қилиш усули;
- аккредитив бўйича пул олиш учун маҳсулот етказиб берувчи тақдим этадиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи;
- товар жўнатилгандан кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддати ҳамда уларни расмийлаштиришга доир талаблар;
- бошқа зарур ҳужжатлар ва шартлар.

Эмитент кафолатланган аккредитивларни харидор билан келишувга кўра ва бошқа банк билан ўрнатилган корреспондентлик муносабатлари шартларига мувофиқ очади. Маҳсулот етказиб берувчининг банки бундай аккредитивларни белгиланган тартибда ижро этади.

Аккредитив очмоқчи бўлган тўловчи ўзига хизмат кўрсатувчи банкка (эмитент банкка) аккредитив учун электрон ариза беради. Бу аризада тўловчи қуйидагиларни кўрсатиши шарт:

- аккредитив очиш учун асос бўлган шартнома рақами;
- аккредитив амал қиладиган муддат (аккредитив ёпиладиган кун ва ой);
- маҳсулот етказиб берувчининг номи;
- аккредитивни ижро этувчи банк номи;
- аккредитив ижро этиладиган жой;
- аккредитив бўйича тўловлар ўтказилишига асос бўладиган ҳужжатларнинг тўлиқ ва аниқ номи, уларни тақдим этиш муддати ва расмийлаштириш тартиби (тўлиқ батафсил рўйхат аризага илова қилиниши мумкин);
- аккредитив тури ва унга доир зарур маълумотлар;
- аккредитив қандай товарлар юклаб жўнатиш (хизматлар кўрсатиш) учун очилаётгани, товарлар юклаб жўнатиш (хизматлар кўрсатиш) муддати;
- аккредитив суммаси;
- аккредитивни амалга ошириш усули.

Электрон тўлов ҳужжатини тўғри расмийлаштириш

учун тўловчилар маҳсулот етказиб берувчидан аккредитив бўйича унинг номига очилган ҳисобварақ рақамини аниқлаб олишлари керак.

Аккредитив очиш тўғрисидаги ариза аккредитив шартларини бажариш учун тўловчи банкига зарур миқдордаги нусхаларда тақдим этилади.

Банк муассасасига келиб тушган аккредитивлар ҳисобини юритиш учун тўловчи банкида "пули тўланадиган аккредитивлар" деган балансдан ташқари ҳисобварақ очилади.

Ижрога қабул қилинган аккредитив махсус шаклдаги дафтарда рўйхатга олинади. Унда сана, тартиб рақами, маҳсулот етказиб берувчининг номи, аккредитив муддати ва сумма кўрсатилади. Аккредитивга ўтказиш дафтарда рўйхатга олинган тартиб рақами берилади.

Корхоналарда пул маблағлари аккредитивга киритилиши 5510—"Аккредитивлар" ҳисобварағи дебетида ҳамда 5110—"Ҳисоб-китоб счёти", 5210—"Валюта счёти", 6810—"Қисқа муддатли кредитлар" ҳисобварақлари ва шунга ўхшаш бошқа ҳисобварақларнинг кредит қисмида акс эттирилади.

5510—"Аккредитивлар" ҳисобварағи бўйича ҳисобга олинган аккредитивдаги маблағлар улардан фойдаланилишига қараб (банк берган кўчирмаларга мувофиқ), одатда, 6010—"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" ҳисобварағи дебетига ўтказиб борилади. Аккредитивлардаги фойдаланилмаган маблағларни банк улар олинган ҳисобварақда тиклагандан кейин бу суммалар 5510—"Аккредитивлар" ҳисобварағи кредитида 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" ёки 5210—"Валюта счёти" ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

5510—"Аккредитивлар" ҳисобварағига доир таҳлилий ҳисоб корхона очган ҳар бир аккредитив бўйича юритилади.

5520—"Чек дафтарчалари" ҳисобварағида чек дафтарчаларида турган маблағлар ҳаракати ҳисобга олинади.

Чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби Марказий банк чиқарган қоидаларда белгилаб қўйилган.

Ҳисоб-китоб чеки — ҳисобварақ эгаси (чек берувчи) нинг ҳисобварағидан муайян суммани олувчи (чек

ушловчи)нинг ҳисобварағига ўтказиш тўғрисида банкнинг махсус бланкида тузилиб, банкка ёзма равишда берган топшириқдир.

Ҳисоб-китоб чеклари, нафақат хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар билан жисмоний шахслар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишда қўлланилади.

Ҳисоб-китоб чеклари қуйидаги турларга бўлинади:

- банк акцептламаган чеклар;
- банк акцептлаган чеклар;
- эгасининг номи ёзилган (ҳисоб-китоб) чеклари — бир марталик;
- лимитланган дафтарчалар чеклари.

Чек бланклари Марказий банк билан келишиб белгиланган андозада, тижорат банкларининг буюртмалари бўйича тайёрланади. Чек дафтарчаларининг бланклари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади.

Лимитланган чек дафтарчаларидан берилган чеклар уларни хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этиш учун 10 кун мобайнида амал қилади. Бунда улар ёзиб берилган кун ҳисобига кирмайди.

Чеклар тўлов суммаси белгиланган вақтда ёзиб борилади. Чек дафтарчаларининг эгалари уларни маҳсулот етказиб берувчилар (чек бўйича пул олувчилар) га бериши, шунингдек тўлдирилмаган чек бланкларига имзо чекиб қўйиши тақиқланади.

Дафтарчадан чеклар берилаётганда маблағларнинг депонентга қўйилиши 5520—"Чек дафтарчалари" ҳисобварағи дебетида ҳамда 5110—"Ҳисоб-китоб счёти", 5210—"Валюта счёти", 6810—"Қисқа муддатли кредитлар" ҳисобварақлари ва шунга ўхшаш бошқа ҳисобварақларнинг кредит қисмида акс эттирилади. Банкдан олинган чек дафтарчалари бўйича суммалар корхона берган чеклар пули тўланишига қараб, яъни банк ўзига тақдим этилган чеклар пулини тўлаган (банк берган кўчирмаларга мувофиқ) суммаларда 5520—"Чек дафтарчалари" ҳисобварағи кредитидан ҳисоб-китоблар ҳисоби юритиладиган ҳисобварақлар дебетига ўтказиб турилади. Берилган, лекин банк пулини тўламаган чеклар бўйича суммалар 5520—"Чек дафтарчалари" ҳисобварағида қолади, 5520—"Чек дафтарчалари" ҳисобварағи бўйича сальдо банк берган кўчирмадаги сальдога

мос келиши лозим. Банкка қайтарилган (фойдаланилмаган) чеклар бўйича суммалар 5520—"Чек дафтарчалари" ҳисобварағининг кредит қисмида 5110—"Ҳисобкитоб счёти" ёки 5210—"Валюта счёти" ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

5520—"Чек дафтарчалари" ҳисобварағи юзасидан таҳлилий ҳисоб олинган ҳар бир чек дафтарчаси бўйича юритилади.

Корхоналарнинг алоҳида баланс билан ажратилган ва жорий харажатлар қилиш учун маҳаллий банк муассасаларида жорий ҳисобварақлар очилган филиаллари, унга кирувчи таркибий бўлинмалар юқорида айтилган маблағлар ҳаракатини 5500—"Банклардаги махсус ҳисобварақлар" ҳисобварағининг алоҳида аналитик ҳисобварағида акс эттирадилар.

Хорижий валютада пул маблағлари мавжудлиги ҳамда ҳаракати ҳисоби 5500—"Банклардаги махсус ҳисобварақлар" ҳисобварағида алоҳида юритилади. Мазкур ҳисобварақда таҳлилий ҳисоб юритилиши мамлакат ҳудудида ва хорижда аккредитивлар, чек дафтарчалари ва шу кабилардаги пул маблағлари мавжудлиги ҳамда ҳаракати тўғрисида маълумот олиш имкониятини таъминлаши лозим.

15.5. Валюта муомалалари ҳисоби

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фақат миллий валюта — сўмдан эмас, балки ҳар хил хорижий валюталардаги пул маблағларидан фойдаланмоқда ва муомалаларни амалга оширмоқда. Шу муносабат билан валюта бойликлари ва муомалалари бухгалтерия ҳисоби объектига айланмоқда.

Валюта муомалаларининг бухгалтерия ҳисоби:

- валюта муомалалари корхона фаолиятининг ташкил этувчилари сифатида акс эттирилишини;
- корхонанинг ҳақиқий валюта аҳволи аниқ акс эттирилишини;
- валюта битимларининг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги, валюта бойликларининг борлиги, уларнинг бус-бутун сақланиши ва тўғри фойдаланилиши устидан назоратни таъминлаши лозим.

Корхона валюта счётини Ўзбекистон Республика-

синининг ҳудудида исталган ваколатли банкларда очиши мумкин. Корхонанинг чет элдаги хорижий банкда счёт очиши ва у бўйича муомалаларни амалга ошириши учун Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг рухсати талаб қилинади. Бунинг учун корхона кўрсатилган счётлардаги маблағлар қолдиқлари тўғрисидаги ҳисоботни ҳамда бошқа маълумотларни Марказий Банк белгилаган шакл ва муддатларда тақдим этиши шарт.

Валюта счётини очиш учун корхона банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

- валюта счётини очиш тўғрисидаги белгиланган шаклдаги ариза;
- устав ва таъсис шартномасининг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси;
- корхона тузилганлиги ёки рўйхатга олинганлиги ҳақидаги қарорнинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси;
- корхона рўйхатга олинган жойдаги солиқ инспекцияси ва Пенсия фондида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида маълумотнома;
- имзолар намуналари ва муҳр изи туширилган, нотариал тартибда тасдиқланган варақча (карточка);

Корхонанинг валюта счётларига қуйидаги манбалардан пул келиб тушади:

- экспорт товарларига ҳақ тўлаш учун ваколатли банклар орқали чет элдан ўтказилган суммалар;
- ҳисобварақлар эгасидан сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлаш учун бошқа соҳиблар (норезидентлар, биринчи воситачилар, транспорт, суғурта ва бошқа ташкилотлар)нинг валюта счётларидан ўтказилган суммалар;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан рухсат этилган бошқа манбалар.

Валюта счётидан маблағлар унинг эгаси кўрсатмаси бўйича қуйидаги мақсадларга ўчирилиши мумкин:

- счёт эгасининг экспорт-импорт муомалалари бўйича қабул қилинган банк шаклида чет элга ўтказилиши;
- кейинчалик импорт қилинадиган товарлар, ишлар, хизматлар ҳақини тўлаш учун чет элга ўтказиш мақсадида ваколатли банк мижозлари ҳисобланган ташқи иқтисодий ташкилотларнинг счётларига ўтказилиши;

♦ корхоналар ишлаб чиқарадиган товарлар ҳақини тўлаш учун бошқа соҳиблар (норезидентлар, биринчи воситачилар, транспорт, суғурта ва бошқа ташкилотлар)нинг валюта счётларидан ўтказилиши;

♦ банкнинг воситачилик ҳақини тўлаш мақсадида банкдан хорижий валютада олинган кредитлар бўйича қарзни, почта-телеграф, хизмат сафари харажатларини тўлаш, валюта бозорларида сотиш учун фойдаланилиши;

♦ қонун рухсат этган бошқа мақсадлар учун фойдаланилиши мумкин.

Хорижий валюта маблағлари, қийматликлари ва муомалалари хўжалик муомалалари содир бўлган санага Марказий банк курси бўйича сўм эквивалентида акс эттирилади. Жумладан қуйидагилар бўйича:

♦ кассадаги валюта маблағлари, банкдаги депозит ва ссуда счётлари, аккредитивлар, валюта ссуда қарзлари;

♦ хорижий валютадаги дебитор ва кредитор қарзлар;

♦ тузилган шартномалар бўйича юк бож декларациясини расмийлаштириш санасига импорт қилинган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларнинг кирими;

♦ божхона тўловларининг амалга оширилиши;

♦ хорижий валюта кўринишидаги пулли ҳужжатлар;

♦ хорижий валютадаги қимматли қоғозлар.

Хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш бухгалтерия ҳисобида муомала содир бўлган санага бўлган Марказий банк курси бўйича акс эттирилади.

Хорижий валютани сотиш ва сотиб олишда содир бўладиган курсдаги фарқ ижобий бўлса — 9540—"Курс фарқларидан олинган даромадлар" ҳисобварағида, салбий бўлса — 9620—"Курс фарқларидан зарарлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Хорижий валютанинг сотилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

♦ валюта счётидан хорижий валютани Марказий банк курси бўйича ўтказилиши:

Д-т "Банклардаги махсус счётлар" ҳисобварағининг "Блоксчёт" аналитик ҳисобварағи;

К-т "Валюта ҳисобварағи".

♦ Марказий банк курси бўйича хорижий валютани "Блоксчёт"дан чиқарилиши:

Д-т "Бошқа активларнинг сотилиши";

К-т "Банклардаги махсус счётлар" ҳисобварағининг "Блоксчёт" аналитик ҳисобварағи.

♦ валюта бозорида келишилган курс бўйича сотилган хорижий валютанинг сўм эквивалентининг ҳисоб-китоб ҳисобварағига ўтказилиши:

Д-т "Ҳисоб-китоб счёти";

К-т "Бошқа активларнинг сотилиши".

♦ хорижий валютани сотишда ҳосил бўлган ижобий курс фарқини Марказий банк курсидан ортиғининг акс эттирилиши:

Д-т "Бошқа активларнинг сотилиши";

К-т "Курс фарқларидан олинган даромадлар".

♦ хорижий валютани сотишда ҳосил булган салбий курс фарқининг (Марказий банк курсидан паст) акс эттирилиши:

Д-т "Курс фарқларидан зарарлар";

К-т "Бошқа активларнинг сотилиши".

Ўзининг маҳсулот (иш, хизмат)лари нархи (тарифлари)ни хорижий валюта эквивалентида белгилайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўзаро ҳисоб-китобларни миллий валюта — сўмда олиб борадилар. Хизмат кўрсатган санада тўланмаларни тушган санасигача Марказий банк курсининг ўзгариши натижасида содир бўладиган фарқ молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромад (харажат) сифатида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига олиб борилади.

Хорижий валютани сотиб олиш муомалалари бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан расмийлаштирилади:

Валюта бозорида келишилган курс бўйича хорижий валютани сотиб олиш кунига:

♦ хорижий валютани сотиб олиш учун ҳисоб-китоб счётидан сўм кўринишидаги маблағларни валюта бозорида келишилган сотиб олиш кунига бўлган курс бўйича ўтказиб берилиши:

Д-т "Банклардаги махсус счётлар" ҳисобварағининг "Блоксчёт" аналитик ҳисобварағи;

К-т "Ҳисоб-китоб счёти".

♦ Марказий банк курси бўйича хорижий валютанинг валюта счётига ўтказилиши:

Д-т "Валюта счёти";

К-т "Банклардаги махсус счётлар" ҳисобварағининг "Блоксчёт" аналитик ҳисобварағи.

♦ хорижий валютани Марказий банк курсидан паст курсда сотиб олиш натижасида содир бўлган ижобий курс фарқининг акс эттирилиши:

Д-т "Банклардаги махсус счётлар" ҳисобварағининг "Блоксчёт" аналитик ҳисобварағи;

К-т "Курс фарқларидан олинган даромадлар".

♦ хорижий валютани Марказий банк курсидан юқори курсда сотиб олиш натижасида содир бўлган салбий курс фарқининг акс эттирилиши:

Д-т "Курс фарқларидан зарарлар";

К-т "Банклардаги махсус счётлар" ҳисобварағининг "Блоксчёт" аналитик ҳисобварағи.

Мамлакат ҳудудида ва унинг ташқарисида жойлашган банкдаги хорижий валюта счётларидаги пул маблағларининг ҳаракати ва ҳолати тўғрисида умумлаштирилган маълумот қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

5210—"Мамлакат ичидаги хорижий валюта ҳисобварақлари";

5220—"Хориждаги валюта ҳисобварақлари".

Корхонанинг валюта маблағлари ҳисобварақлари дебетида корхона валюта счётларига маблағларнинг тушуми, кредит томонида эса ушбу маблағларнинг чиқими акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида валюта счётлари бўйича муомалалар банк кўчирмалари ва уларга илова қилинган пул-ҳисоблашиш ҳужжатлари асосида олиб борилади. Корхона валюта маблағларининг таҳлилий ҳисоби хорижий валютада пул маблағларини сақлаш учун банк муассасаларида очилган ҳар бир ҳисобварақ бўйича очилади.

5200—"Валюта ҳисобварақлари"даги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг корр[illegible]ндеи[illegible]и

№	Хў[illegible]к муомалала-ғ мазмуни	Ҳисоб кор[illegible]	[illegible]ар	[illegible]зувларни [illegible]ндирловчи ўжжатлар
		Деб[illegible]	[illegible]дит	
1.	Қарздор корхоналар томонидан узоқ муддатли қарзларнинг қайтарилиши	5210-5220	7820	Валюта ҳисобварағидан кўчирма
2.	Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан тушган валюта киримининг акс эттирилиши	5210	4010	Валюта ҳисобварағидан кўчирма
3.	Асосий воситалар ва бошқа активларнинг сотилишидан банкка келиб тушган валюта киримининг акс эттирилиши	5210	4010	Валюта ҳисобварағидан кўчирма
4.	Валюта маблағларининг кассадан валюта счётига берилиши	5210	5010	Пул топшириш эълони, валюта ҳисобварағидан кўчирма
5.	Банкдан кассага валюта маблағларининг келиб тушиши	5010	5210	Валюта ҳисобварағидан кўчирма
6.	Келиб тушган ТМБлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарзнинг ўтказилиши	6010	5210	Тўлов топшириқномаси ва валюта ҳисобварағидан кўчирма
7.	Банкнинг узоқ ва қисқа муддатли қарзларининг узилиши	7810 6810	5210	Тўлов топшириқномаси ва валюта ҳисобварағидан кўчирма

Хорижий валюта ҳаракати тўғрисидаги маълумотни банк муассасаси корхонага валюта счётидан кўчирма бериш йўли билан хабар беради. 5210—"Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари"нинг кредит оборотн 2/1-журнал-ордерда акс эттирилади. Бу ҳисобварақнинг дебет обороти 2/1-қайдномани юритиш билан назорат қилинади. Валюта ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб карточкаларда, валюталарнинг номлари бўйича юритилади.

15.6. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар ҳисоби

Қисқа муддатли молиявий инвестициялар — ўзида муомала муддати 12 ойдан ошмайдиган, енгил сотиладиган молиявий активларнинг харид қилинишига оид инвестициялардир. Уларнинг синтетик (умумлашган) ҳисоби 5800—"Қисқа муддатли молиявий инвестициялар" ҳисобварағида юритилади. Ушбу ҳисобварақ муддатли бўлиб (бир йилдан ошмаган муддат ичида), хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицияларини, яъни бошқа бир корхоналарнинг қимматли қоғозлари, фоизли давлат ва маҳаллий облигациялари, шунингдек бир корхонанинг бошқа корхонага берган қарзларининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун хизмат қилади. Ушбу ҳисобварақ фоизли облигацияларга инвестициялар ва шу каби қимматли қоғозлар, шунингдек бошқа корхоналарга берилган қарзнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун хизмат қилади.

Агарда фоизли облигацияларга инвестициялар ва шу каби қимматли қоғозлар, шунингдек бошқа корхоналарга берилган қарзларни қайтариш муддати бир йилдан ошмасагина, бу инвестициялар 5800—"Қисқа муддатли молиявий инвестициялар" ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади. Бундан ташқари, қайтариш (қайта сотиб олиш) муддати кўрсатилмаган бошқа қимматли қоғозлар учун инвестициялар, агар улардан даромад олиш мўлжали бир йилдан ортиқ бўлмаса ҳам корхоналар 5800—"Қисқа муддатли молиявий инвестициялар" ҳисобварағида синтетик ҳисобини олиб борадилар.

Ҳисобварақлар режасига мувофиқ ушбу ҳисобварақ бўйича қуйидаги ҳисобварақлар очилиши мумкин:

5810—"Қимматли қоғозлар";

5830—"Берилган қисқа муддатли қарзлар";

5890—"Бошқа жорий инвестициялар".

Корхоналарда 5810—"Қимматли қоғозлар" ҳисобварағида акция, давлат ва маҳаллий заёмларнинг фоизли облигацияларига бир йилдан кам муддатга қилинган инвестицияларнинг ҳолати ҳисобга олиб борилади.

Корхоналар даромадли ва барқарор фаолият юритувчи бошқа бир корхоналар акция ёки облигацияла-

рини бир йилдан кам муддатга харид қилганда 5810—"Қимматли қоғозлар" ҳисобварағи дебетланиб, 5110—"Ҳисоб-китоб счёти", 5210—"Валюта счёти" ёки бошқа материал ва ҳар хил қийматликларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар кредитланади (агар қимматли қоғозларнинг қиймати моддий қийматликлар билан тўланса ёки сотувчи корхонага берилса).

Ушбу қимматли қоғозларни сотиш ва қайта сотиш (қоплаш) жараёнида 9220—"Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими" ҳисобварағи дебетланиб, 5810—"Қимматли қоғозлар" ҳисобварағи кредитланади.

5830—"Берилган қисқа муддатли қарзлар" ҳисобварағида корхоналарнинг бошқа бир корхонага берган қисқа муддатли қарзларининг ҳаракати ҳисобга олинади.

Ушбу берилган қарзларга қуйидагича: дебет 5830—"Берилган қисқа муддатли қарзлар" ҳисобварағи кредит 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" ёки бошқа ҳисобварақлар ёзуви берилади.

Корхоналар берган қарзлари қайтариб берилганда 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" ёки бошқа ҳисобварақлар дебетланиб, 5830—"Берилган қисқа муддатли қарзлар" ҳисобварағи кредитланади.

5890—"Бошқа жорий инвестициялар" ҳисобварағида корхоналарнинг мамлакат ва чет эл валюталарида омонат сертификатлари, банклардаги депозит счётларга қилинган инвестицияларнинг ва бошқа жорий инвестицияларнинг ҳаракати ҳисобга олинади.

Корхоналарда 5800—"Қисқа муддатли молиявий инвестициялар" ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб инвестициялар ва объектларнинг турлари бўйича, яъни сотиб олинган қимматли қоғозлар турлари ва уларни чиқарган корхоналар бўйича юритилади.

Корхоналар 5810—"Қимматли қоғозлар" ҳисобварағида алоҳида "Давлат облигациялари", "Маҳаллий заём облигацияси", "Корхоналар облигацияси" (облигациянинг турлари бўйича), шунингдек акциянинг турлари бўйича "Оддий акциялар" ва "Имтиёзли акциялар" унинг объектлари бўйича ҳам (акцияни чиқарган корхоналар бўйича) алоҳида аналитик ҳисобварақлар очиб, уларнинг ҳаракатини ҳисобга оладилар.

5830—"Берилган қисқа муддатли қарзлар" ҳисобварағида аналитик ҳисоб қарзларни олган корхоналар бўйича берилган қарзни қайтариб олиш муддатлари бўйича юритилади.

Корхоналарда очилган аналитик ҳисобварақлар мамлакат ҳудудидаги ва чет элдаги қисқа муддатли молиявий инвестициялар тўғрисидаги маълумот олиш имконини бериши керак.

Корхоналарда молиявий инвестицияларнинг синтетик ҳисоби уларнинг муддатидан келиб чиққан ҳолда алоҳида ҳисобварақларда юритилади.

5800—"Қисқа муддатли молиявий инвестициялар" ҳисобварағи бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси

	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1.	Асосий воситаларни бериш ҳисобига қимматли қоғозларнинг қабул қилиниши	5810	9210
2.	Номоддий активларни бериш ҳисобига қимматли қоғозларнинг қабул қилиниши	5810	9220
3.	Қимматли қоғозларни уларнинг қийматини ҳисоб-китоб ва валюта счётларидан тўлаш орқали харид қилиниши	5810	5110 5210-5220
4.	Қимматли қоғозларнинг нақд пул ҳисобига харид қилиниши	5810	5010
5.	Тайёр маҳсулот ва товарлар кўринишида қисқа муддатли қарзларнинг берилиши	5830	9010 9020
6.	Қимматли қоғозларнинг сотилиши	5110	5810
7.	Бошқа корхоналардан қисқа муддатли қарзларнинг қайтарилиши	5110	5830
8.	Мол етказиб берувчилардан бўлган қарзнинг қимматли қоғозларни бериш ҳисобига узилиши	6010	5810

Такрорлаш учун саволлар

1. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда нимани тушунасиз?
2. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қандай турлари мавжуд?
3. Пул маблағлари ҳаракатининг ҳисоби қайси ҳужжатларда расмийлаштирилади?

4. Касса муомалаларини ҳисобга олиш хусусиятлари нималардан иборат?
5. Ҳисоб-китоб счёти бўйича муомалалар ҳисоби қандай юритилади?
6. *Банкларда очилган махсус ҳисобварақларда* бажариладиган пул муомалаларининг ҳисоби қандай ташкил қилинади?
7. Валюта муомалалари ҳисобининг хусусиятлари нималардан иборат?
8. Қисқа муддатли молиявий инвестициялар ҳисобини юритишнинг афзалликлари нимада?
9. Пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий инвестициялар инвентаризацияси қайси муддатларда ўтказилади?

16-боб. ҲИСОБ-КИТОБ ВА КРЕДИТ МУОМАЛАЛАРИ ҲИСОБИ

16.1. Ҳисоб-китоб ва кредит муомалалари ҳисобининг вазифалари

Эркин товар-пул муносабатларига асосланган жамиятда ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса бошқа шу турдаги хўжалик юритувчи субъектлар билан узлуксиз равишда ўзаро муносабатда бўлади. Масалан, мол етказиб берувчилар билан сотиб олинган материал, асбоб-ускуна, ёқилғи ва бошқа товар-моддий бойликлар, харидор ва буюртмачилар билан жўнатилган маҳсулот, транспорт ташкилотлари билан юкларни ташиш, солиқ органлари билан бюджетга тўловлар юзасидан ва ҳоказо. Бундан ташқари, корхона, ташкилот ва муассасалар жисмоний шахслар, корхонанинг ўзида ишловчи ходимлар билан ҳисоб-китоб операцияларини олиб боришлари мумкин. Масалан, ҳисобдор шахслар билан сафар харажатлари юзасидан, ота-оналардан фарзандлари учун болалар боғчаси харажатларини қоплаш юзасидан ва бошқа хил ҳисоб-китоблар. Корхона, ташкилот ва муассасалар ўртасидаги ҳисоб-китоблар асосан нақд пулсиз кўринишда бўлади. Бу ҳисоб-китоб муомалалари тегишли банк муассасалари воситачилигида амалга оширилади.

Банклар, асосан, корхоналар маблағларини жалб қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва қайтариб олиш, тўловлилик ва муддатлилик шарти билан бўш маблағларни жойлаштириш учун ташкил этилган. Бундан ташқари, банклар хўжалик юритувчи субъектларга кредитлар бериш билан ҳам шуғулланади. Кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш натижасида корхоналар фаолияти узлуксизлиги таъминланади ҳамда уларнинг иқтисодий аҳволи яхшиланади. Мана шу жараёнларда бевосита бухгалтерия ҳисоби белгиловчи роль

ўйнайди. Бухгалтерия ҳисобининг бу борадаги вазифалари қуйидагилардан иборат:

♦ ҳисоб-китоб муомалаларини ўз вақтида ҳисобга олиш;

♦ ҳисоб-китоб муомалаларини ҳужжатларда тўғри расмийлаштириш;

♦ ҳисоб-китоб тўлов интизомига риоя қилиниши устидан назорат олиб бориш.

16.2. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни юритиш

Корхонанинг ўз молиявий-хўжалик фаолиятида етказиб берилган бойликлар, бажарилган ишлар, олинган хизматлар учун бошқа корхоналар билан ўзаро пулли ҳисоб-китоб муносабатларига киришади. Ҳисоб-китоблар маҳсулот етказиб бериш, ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш шартномалари бўйича бажарилган мажбуриятлар учун кейин ҳақ тўлаш ёки олдиндан тўлаш тарзида амалга оширилади. Халқ хўжалигидаги ҳисоб-китоблар шакллари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади. Унинг белгилашича, мулкнинг барча шаклидаги корхоналарнинг ўз мажбуриятлари бўйича бошқа корхоналар билан ҳисоб-китоблари, шунингдек, товар-моддий бойликлар учун жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, одатда, банк муассасалари орқали нақд пулсиз тартибда амалга оширилиши лозим.

Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан бўладиган ҳисоб-китобларни ҳисобга олишда 6010—"Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" ҳисобварағидан фойдаланилади.

6010—"Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" ҳисобварағи пассив бўлиб, унинг кредит томонида ҳисобот даври охирида қолган сальдо корхонанинг мол етказиб берувчи ва пудратчилардан бўлган қарзини кўрсатади. Кредит оборотн ушбу қарзнинг кўпайишини, дебет обороти эса унинг узилишини англатади.

Мол етказиб берувчилардан ишлаб чиқариш захиралари сотиб олинганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 1010—1090, 1510;

К-т 6010—"Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар".

Мол етказиб берувчининг қарзи ҳисоб-китоб счётидан тўланганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 6010—"Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

Баъзи ҳолларда мол етказиб берувчининг қарзи банк кредити ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин:

Д-т 6010—"Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар";

К-т 6810, 7810.

16.3. Ҳисобдор шахслар билан бўладиган муомалалар ҳисоби

Корхона ўз амалий фаолиятида ҳар доим ҳам бевосита ўз кассасидан ёки ўз ҳисоб-китоб варағидан ҳисоб-китобларни амалга ошира олмайди. Бундай ҳолларда мансабдор шахсларга ҳисобдорлик асосида бўнаклар нақд пулларда берилади, улар тўловларни амалга оширадилар.

Нақд пуллар корхонанинг хизмат сафарларига, муомалалар ва хўжалик харажатларига ҳисобдорлик асосида берилади. Нақд пуллар хизмат сафарлари учун бўнаклар тарзида кўпроқ берилади.

Корхона раҳбарининг фармойиши билан ходимларнинг доимий иш жойидан ташқарида топшириқларни бажариш учун маълум муддатга қиладиган сафари хизмат сафари ҳисобланади. Хизмат сафари раҳбарнинг буйруғи билан расмийлаштирилади, унда ходим хизмат сафарига борадиган жойнинг номи, хизмат сафарининг муддати, мақсадлари ва давомийлиги кўрсатилади.

Хизмат сафарига борадиган ходимга корхона раҳбари имзолаган, муҳр босилган сафар гувоҳномаси берилади. Хизмат сафари билан боғлиқ харажатларга шу мақсад учун белгиланган сумма миқдорида нақд пул берилади.

Ҳисоб бериш шарти билан олинган пулни у қандай мақсадга берилган бўлса, ўша мақсад учун сарфлашга рухсат этилади, уни бир шахсдан бошқа шахсга ўтка-

зиш тақиқланади. Ҳисобдор шахс илгари унга берилган бўнак юзасидан тўлиқ ҳисоб-китоб берганидан кейингина унга янги бўнаклар берилади.

Ходим хизмат сафаридан қайтганидан сўнг, 3 кун ичида бухгалтерияга раҳбар томонидан тасдиқланган хизмат сафари тўғрисидаги ёзма ҳисоботни ва хизмат сафарида сарфланган пул ҳақидаги бўнак ҳисоботини тақдим этишга мажбур.

Бўнак ҳисоботига хизмат сафарига жўнаб кетиш, тайинланган жойга етиб келиш, у ердан жўнаб кетиш ва иш жойига етиб келиш саналари қайд қилинган хизмат сафари гувоҳномаси, ижарага уй олганлик ва ҳақиқий йўл харажатлари тўғрисидаги ҳужжатлар илова қилинади.

Хизмат сафарига юборилган ходимга йўл, ижарага уй олиш харажатлари тўланади ва сафардаги кунлик пул берилади. Йўл ҳақи қиймати чипталар билан тасдиқланиши лозим.

Ижарага уй олиш харажатлари меҳмонхоналарнинг ҳисобварақлари, корхоналарнинг кирим ордери ва ҳоказолар билан тасдиқланган ҳақиқий харажатлар миқдори, бундай ҳужжатлар бўлмаганда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган миқдорларда сафардаги кунлик пул тўланади.

Хизмат сафари бўйича ходимларга берилган бўнакларни ҳисобга олиш ҳамда бошқа ҳисобдорликларни ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳисобварақлардан фойдаланилади:

4210—"Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича берилган бўнаклар";

4220—"Хизмат сафари учун берилган бўнаклар";

4230—"Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар";

4290—"Ходимларга берилган бошқа бўнаклар".

Бу ҳисобварақларда корхона ишчиларига меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича, ҳисобдор шахсларга маъмурий-хўжалик ва муомалавий харажатлар бўйича, шунингдек, хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар ҳисобга олинади.

Корхона ходимларига нақд пул маблағларини бериш тартиби касса муомалаларини юритиш қоидалари билан тартибга солинади.

Ходимларга бўнаклар берилганида бўнакларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда дебетланади, ходимларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлари харажатлар ва харид қилинган бойликлар ҳисобга олинадиган ҳисобварақлар билан ёки сарфланадиган харажатларнинг турларига кўра бошқа ҳисобварақлар билан корреспонденцияда кредитланади.

Ҳисобдор шахслар билан хизмат сафари юзасидан ҳисоблашишлар бухгалтерия ҳисобварақларида қуйидагича акс эттирилади:

♦ ҳисоб бериш шарти билан касса чиқим ордери асосида берилган суммаларга:

Д-т 4220—"Хизмат сафари учун берилган бўнаклар";

К-т 5010—"Миллий валютадаги пул маблағлари";

♦ ҳисобдор шахсларнинг бўнак ҳисоботлари бўйича сарфланган суммаларга:

Д-т 1010—"Хомашё ва материаллар";

Д-т 2510—"Умумишлаб чиқариш харажатлари";

Д-т 9420—"Маъмурий-бошқарув харажатлари";

К-т 4220—"Хизмат сафари учун берилган бўнаклар";

♦ фойдаланилмаган ва кассага қайтарилган бўнаклар суммасига:

Д-т 5010—"Миллий валютадаги пул маблағлари";

К-т 4220—"Хизмат сафари учун берилган бўнаклар";

♦ ҳисобдор шахслар ҳисоб берилувчи суммалар белгиланган муддатларда сарфлангани тўғрисида ҳисобот бермаганларида ёки фойдаланилмаган бўнак қолдиғини қайтармаганларида уларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган суммаларга:

Д-т 6710—"Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар";

К-т 4220—"Хизмат сафари учун берилган бўнаклар".

Ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашувларнинг жамлама ҳисоби 7-журнал-ордерда юритилади. Ушбу журнал-ордерда ҳисоб бериш шарти билан берилган ҳар қайси суммага битта сатр ажратилади ва бўнак ҳисоботи тақдим этилиши, фойдаланилмаган суммаларнинг кассага қайтарилиши ёки ортиқча харажатни қоплаш учун олиниши билан ана шу муомалаларга доир суммалар ўша сатрларнинг ўзида кўрсатилади.

16.4. Ходимлар билан бошқа муомалалар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби

Корхона ходимлари билан иш ҳақи ва депонентлар бўйича ҳисоб-китоблардан ташқари бошқа ҳисоб-китоб турларини ҳам олиб боришлари мумкин. Кредит ҳисобига сотиб олинган товарлар бўйича ҳисоб-китоблар, уй-жой қуриш учун олинган ссудалар, моддий бойликларнинг камомади бўйича зарарларни қоплаш учун берилган суммалар бўйича ҳисоб-китоблар ходимлар билан бошқа муомалалар бўйича ҳисоб-китоб муомалаларини ташкил этади. Ушбу ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳисобварақлар кўзда тутилган:

4710—"Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари";

4720—"Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзлари";

4730—"Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари";

4790—"Ходимларнинг бошқа қарзлари".

4710—"Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари" ҳисобварағида корхона ходимларига кредитга берилган товарлар юзасидан ҳисоблашишлар ҳисобга олинади. Кредитга товарлар сотиб олган шахслар ишловчи корхона банк кредити ҳисобига унинг ишчиларига берилган кредит суммаларини савдо корхоналарига тўлалигича ўтказадилар.

Кредитга товар сотиб олган ходимларнинг қарзи учун банк кредитлари олинса, қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4710—"Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари";

К-т 6710—"Қисқа муддатли банк кредитлар";

К-т 7810—"Узоқ муддатли банк кредитлари".

Корхона ходимлардан кредитга сотилган товарлар бўйича ҳақларни иш ҳақидан ушлаб қолади:

Д-т 6710—"Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар";

К-т 4710—"Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари".

Сўнгра ушлаб қолинган суммалар банк кредитини сўндириш учун йўналтирилади:

Д-т 6810—"Қисқа муддатли банк кредитлар";

Д-т 7810—"Узоқ муддатли банк кредитлар";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

4720—"Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзлари" ҳисобварағида корхона ишчиларига берилган қарзларига оид ҳисоблашишлар акс эттирилади. Масалан, уй-жой қурилишига, дала ҳовлиларни харид қилиш ёки қуриш учун ва ҳоказо.

Ходимларга ушбу мақсадлар учун қарз берилганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4720—"Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзлари";

К-т 5010—"Миллий валютадаги пул маблағлари";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

Агар маблағлар корхонага берилган кредит ҳисобига бевосита банк томонидан ходимга берилса, у ҳолда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4720—"Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзлари";

К-т 6810—"Қисқа муддатли кредитлар";

К-т 7810—"Узоқ муддатли кредитлар".

Қарздор ходимлардан тўловлар қабул қилишганда қуйидагича ёзув қилинади:

Д-т 5010—"Миллий валютадаги пул маблағлари";

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти";

Д-т 6710—"Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар";

К-т 4720—"Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзлари".

Банк кредитларини сўндириш пайтида:

Д-т 6810—"Қисқа муддатли кредитлар";

Д-т 7810—"Узоқ муддатли кредитлар";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

4730—"Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари" ҳисобварағида корхона ходими томонидан пул ва товар-моддий бойликларнинг камомади ва талон-тарож қилиниши, яроқсиз маҳсулот натижасида юзага келган моддий зарарни қоплаш бўйича, шунингдек, зарарнинг бошқа турларини қоплаш бўйича ҳисоблашишлар ҳисобга олинади.

Айбдор шахслардан олинган суммалар 2610—"Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар", материаллар, товарлар ва бошқа бойликларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг кредитидан 4730—"Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари" ҳисобварағининг дебетига олиб борилади.

4730—"Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари" ҳисобварағининг кредити бўйича ёзувлар, тўланган тўловлар суммасига — пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан, моддий зарарни қоплаш учун меҳнат ҳақидан ушлаб қолинадиган суммаларга — 6710—"Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар" ҳисобварағи билан корреспонденцияда амалга оширилади.

4790—"Ходимларнинг бошқа қарзлари" ҳисобварағида юқорида қайд қилинган қарзлардан бошқа вужудга келган қарзлар юзасидан ҳисоблашишларнинг ҳисоби корхонанинг ҳар бир ходими бўйича юритилади.

16.5. Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби

Ҳар хил ташкилот ва шахслар билан ўзаро ҳисоб-китоб муносабатларида корхонада тугалланмаган ҳисоб-китоблар бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзлари юзага келади.

Дебитор — муайян корхонадан пул қарзи бўлган корхона, ташкилот ёки шахс. Товарлар юклаб жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 90 кун мобайнида, етказиб берилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ҳамда кўрсатилган хизматлар учун маблағ келиб тушмаган вақтда дебиторлик қарзи муддати ўтказиб юборилган ҳисобланади.

Кредитор бу шундай корхона, ташкилот ёки шахски, унинг олдида бошқа корхоналарнинг ҳисоб-китоблар бўйича мажбуриятлари бўлади. Турли дебитор ва кредитор қарзлар қуйидаги ҳолларда юзага келади:

- корхонанинг ўзидан ёки унинг меҳнат жамоаси аъзоларидан ижро варақаларига асосан пул ундириладиган бўлса;
- коммунал хизмати, турар жой ҳақи, турар жой бўлмаган хоналарнинг ижара ҳақлари бўйича;

♦ меҳнат жамоаси аъзоларининг буйруғи билан банкка ва бошқа жойларга пул ўтказиш бўйича;

♦ бошқа ҳолларда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-1154-сон Фармонини қисман ўзгартириш тўғрисида" ПФ-2340-сон Фармонининг 1-бандига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1999 йил 7-сон) дебиторлик қарзи товарлар ҳақиқатда юклаб жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 90 кун ўтгач ўтказиб юборилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 сентябрдаги "Табиий газни етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 439-сон қарори билан (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 йил 9-сон, 57-модда) айрим корхоналарга (қарорга 5-илова) мавсумийлик ва технологик жараёнларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, истисно тариқасида "Ўзтрансгаз" АКга етказиб берилган газ учун 120 кун давомида ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилган. Юқорида кўрсатилган қарорнинг 5-иловасида саналган корхоналар учун ўтказиб юборилган дебиторлик қарзининг муддати товарлар ҳақиқатда юклаб жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 120 кун ўтгач белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги "Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида" 245-сон қарорига кўра (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 йил 6-сон, 33-модда), марказлаштирилмаган экспорт операциялари бўйича тушумнинг келиб тушиши ёки товарни қайтадан олиб келиш муддати 60 кундан ошмаслиги керак, муассислар томонидан хориждаги корхоналар (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари, фирма

дўконлари, дилерлик тармоқлари ва консигнация омборлари) манзилига олиб чиқиладиган товарлар бўйича — 180 кундан ошмаслиги керак. Ташқи савдо операциялари бўйича қарз божхона чегарасидан ўтилганидан кейин тегишлича 60 ва 180 кун ўтгач ўтказиб юборилган ҳисобланади.

Бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар бўйича кредиторлик қарзи қонун ҳужжатларида белгиланган тўлов муддатлари тугагандан кейин келадиган кундан бошлаб ўтказиб юборилган ҳисобланади.

Бошқа кредиторлик қарзлари бўйича ўтказиб юбориш муддати сўндиришнинг муайян муддатлари белгиланган хўжалик шартномалари асосида аниқланади.

Корхонада дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари юзага келишининг асосий сабаби — ҳисоб-китобларда тўловлар муддати ёки санасининг турли ҳисобот даврига тушиб қолишидир. Бунга ҳар қандай ҳолатда ҳам йўл қўйилади. Агарда маҳсулот ортиб жўнатиш орқали сотиладиган бўлса, бунда тўловлар амалга ошиш санасига қадар мажбурият, қарз сифатида акс эттирилади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг ундириш муддати 3 ой ёки 90 кун қилиб белгиланган. Ушбу муддатдан сўнг дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари назоратга олинади ва уларнинг ҳолати бўйича амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик шартлари (маъмурий ва молиявий) белгиланади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини ҳисобдан чиқариш муддати сифатида юридик шахслар ўртасида ҳам, корхона билан жисмоний шахслар ўртасида ҳам 3 йил муддат белгиланган. Ушбу муддатда тўланмаган ёки ундириб олинмаган мажбуриятлар, қарзлар корхона фойда ва зарарларига олиб борилади. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари давлат томонидан назоратга олинади. Муддати ўтказиб юборилган кредиторлик мажбуриятлари корхона фойдасига қўшилади ва умумий асосда солиққа тортилади. Муддати ўтган дебиторлик мажбуриятларини зарарга олиб бориш солиққа тортиладиган фойда суммасини камайтирмайди.

Даъволар бўйича ҳисоблашишлар 4860—"Даъволар бўйича олинадиган счёт (тўловлар)" ҳисобварағида юри-

тилади. Бу ҳисобварақ мол етказиб берувчиларга, пудратчиларга, транспорт ва бошқа ташкилотларга билдирилган эътирозлар, шунингдек, уларга тақдим этилган ва тан олинган жарималар, ўсимлар ва беқарорликлар бўйича ҳисоблашишлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Бундан ташқари, турли дебиторлар таркибида молиявий ва оператив лизинглар бўйича олинадиган тўловлар, олинадиган фоизлар ва дивидендлар, роялти (***роялти*** — бу сотувчига лицензия шартномасида белгиланган маълум нарсани ишлатиш ҳуқуқи учун даврий тўловлар) ва гонорар (***гонорар*** — бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар бўйича мукофот ва рағбатлантиришлар) бўйича олинадиган счётлар ва бошқа шахсларнинг қарзлари (жорий қисми) ҳисобга олинади. Бу муомалаларнинг ҳисоби 4800—"Турли дебиторларнинг қарзлари ҳисоби" бўйича очилган (4810, 4820, 4840 ва 4890) ҳисобварақларда акс эттирилади.

Корхонанинг турли кредиторлардан бўлган қарзлари таркибига молиявий ва оператив лизинглар бўйича тўланадиган тўловлар, тўланадиган фоизлар ва дивидендлар, роялти ва гонорар бўйича тўланадиган счётлар, ҳисобдор шахслардан бўлган қарзлар ва бошқа мажбуриятлар киради. Бундай муомалаларнинг ҳисоби 6900-"Турли кредиторлардан олинган қарзлар ва бошқа мажбуриятлар ҳисоби" ҳисобварағи бўйича очилган (6910, 6920, 6930, 6940, 6950, 6960, 6970 ва 6990) ҳисобварақларда акс эттирилади.

43, 40, 63, 65, 47, 67, 48, 69, 41, 61-ҳисобварақлар бўйича аналитик ҳисоб 7-қайдномада юритилади. Қуйида бу қайдноманинг шакли кўрсатилган:

200_ йил январь ойи учун 6990—"Бошқа мажбуриятлар" ҳисобварағининг [illegible] ҳисоби бўйича [illegible]йднома

№			Деб[illegible]борот						
		д-т к-т	асос (ёзув мазмуни)	коррес. ҳисобварақ	сумма	асос (ёзув мазмуни)	5010	5110	—

	Жами:								

16.6. Банк кредитлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби

Корхоналар ўз маблағлари етарли бўлмаганида банкдан кредит маблағлари ёки бошқа юридик ва жисмоний шахслардан қарз маблағлари олишлари мумкин.

Кредит — бу вақтинча бўш турган пул маблағларини маълум муддатга, ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир.

Кредитлаш орқали аҳолининг, корхонанинг ва давлатнинг бўш турган пул маблағлари банкларда тўпланади ҳамда муайян ҳақ эвазига вақтинча фойдаланиш учун хўжалик юритувчи субъектларга берилади. Маълумки, ишлаб чиқариш воситалари кўринишидаги капиталнинг тармоқдан-тармоққа ўтиш имкониятлари жуда чекланган, лекин иқтисодиётда ҳар доим иқтисодий ресурсларни, энг аввало капитални, тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш зарурияти мавжуд бўлади. Бу вазифани энг оқилона тарзда кредит механизми ва унинг таркибий қисми бўлган банк кредити адо этади. Банк кредити воситасида молиявий ресурслар пул капитали сифатида жамланади ҳамда тармоқлар ва маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида бозор талаблари асосида тақсимланади, кредитни белгиланган муддат давомида қайтариш ва кредитдан фойдаланганлик учун муайян ҳақ тўлаш зарурлиги кредитга олинган маблағлардан юқори самара бера оладиган фаолият соҳаларида фойдаланишга мажбур этади. Шундай қилиб, кредит иқтисодий самарадорлик даражасини оширишга хизмат қилади. Банк кредитининг муҳим вазифаларидан бири бу ишлаб турган корхоналар маблағларини доиравий алмаштиришнинг узлуксизлигини таъминлашдан иборат. Бу асосан қисқа муддатли кредитлаш воситасида амалга оширилади.

Банк кредити корхоналар фаолияти самарадорлиги оширишга хизмат қилиши туфайли иқтисодиётда фой-

данинг капиталлашуви жараёнларини тезлаштиради. Банк кредити мамлакатда пул массасининг ҳажми ва таркибига, тўлов оборотига, пул муомаласи тезлигига жуда кучли таъсир кўрсатади. Банк векселлари, облигациялари, сертификатлар ва бошқа муддатли, мажбуриятли қимматли қоғозлар чиқариш орқали кредит пулларини вужудга келтирдилар. Берилган кредит маблағлари билан бир қаторда кредит пуллари ҳам мамлакатда жами талабга таъсир кўрсатади ва жами миллий маҳсулот сотилишини тезлаштиради. Банк кредити давлат томонидан тартибга солинади. Кредитлаш тартиб қоидаларини ўз ваколатлари доирасида Марказий банк белгилайди. Муайян тармоқлар ва соҳаларнинг ривожланишини рағбатлантириш мақсадларида қарз олувчилар турли гуруҳларига давлат кафолатлари ва имтиёзлари жорий этилади. Кредитдан мамлакат экспорт потенциалини юксалтириш, уй-жой қурилиши капитал қўйилмаларини рағбатлантириш, регионларни жадал ривожлантириш мақсадларда фойдаланиши мумкин. Тижорат банкларининг кредитлари юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Қайтарилиш муддатларига кўра кредитлар қисқа муддатли (1 йилгача), ўрта муддатли (1 йилдан 5 йилгача) ва узоқ муддатли (5 йилдан ортиқ) кредитларга бўлинади. Таъминланганлигига қараб банк кредитлари гаровли, кафолатли ва суғурталанган кредитларга бўлинади. Таъминланиши талаб этилмасдан берилган кредитлар ишонч кредити деб юритилади. Банк кредити муддатлилик берилиши табақалаштирилганлиги, таъминланганлиги ва тўловлилиги қоидалари асосида берилади. Муддатлилик кредитга берилган маблағлар қайтарилишни таъминланишининг зарурий воситасидир. Кредит қатъий белгиланган муддатда қайтарилмаган кредит пул муомаласига салбий таъсир кўрсатади. Чунки, у муомалада товар таъминотига эга бўлмаган пул мавжудлигини билдиради. Кредитга берилган пул маблағи банкка қайтиб келмаслиги сабабли шу кредит ресурсларидан бошқа хўжалик юритиш субъектлари маҳрум этиладилар. Тижорат банкининг ликвидлиги ёмонлашади. Булардан ташқари қарздорнинг ўзи ҳам банкдан янги кредит олиш имкониятидан маҳрум бўлади ва кечиктирилган кредит учун оширилган фоизлар тўлашга мажбур бўлади. Тижорат банки кредит беришда ми-

жозларнинг молиявий аҳволи, баланснинг ликвидлиги, ўз маблағларига эга эканлиги, ҳозирда ва келажакда рентабеллик даражаси кредитдан самарали фойдаланиш ва уни қайтариш имкониятларини характерловчи бошқа сифатларни эътиборга олиши лозим. Банк кредит беришда ҳар бир мижозга алоҳида ёндошади. Кредитнинг тўловлиги қарздор банкка кредитдан фойдаланганлиги учун ҳақ тўлаш лозимлигини билдиради. Тўланадиган ҳақ кредит суммасига нисбатан фоизда белгиланади. Банк амалиётида йиллик (кредитдан 1 йил фойдаланганлик учун фоиз даражаси) ёки ойлик (кредитдан 1 ой фойдаланганлиги учун фоиз даражаси) фоизлар қўлланилади. Кредит учун фоиз даражаси ўз моҳиятига кўра кредитнинг баҳосидир. Бозор иқтисодиёти шароитида қарзга берилаётган маблағ ўзига хос товарга айланади. Бу товарнинг бошқа товарлардан фарқи шундаки, унинг ўзи эмас балки ундан фойдаланиш имконияти (ҳуқуқи) сотилади ва бунинг учун фоиз кўринишида ҳақ тўланади. Кредитнинг тўловлиги қарз олувчиларни имкони борича ўз маблағларидан фойдаланишга мажбур қилади. Олинган фоиз воситасида банк ўз харажатларини қоплаш ва жалб этилган маблағ эгаларига фоиз тўлаш имкониятига эга бўлади. Банк кредити учун фоиз номинал ва реал даражасини фарқлаш лозим. Фоизнинг реал даражаси унинг номинал даражасидан инфляция суръатини чегириб ташлаб аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик юритувчи субъектларга кредит бериш тижорат банклари томонидан "Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги" Қонун асосида ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ равишда амалга оширилади. Банклар Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғрисида"ги Қонунига асосан, ўз капитал ва мустақил балансига, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектларга уларнинг мулкчилик шаклларидан қатъий назар, шартнома асосида қисқа муддатли кредит берилади. Кредит мижознинг ҳисоб-китоб счёти жойлашган банкдан берилади. Бошқа банкларнинг мижозларига кредит берилишига йўл қўйилмайди. Зарар кўриб ишлайдиган, ноликвид балансга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга кредит берилмайди. Илгари берилган ссудалар эса белгиланган тартибда муддатидан

илгари ундириб олинади. Кредит ресурсларидан узоқ муддатли молиявий нобарқарорлик, хўжасизлик ва зарарларни қоплаш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Кредит ёрдамида товар-моддий бойликлар, турли машина ва механизмлар сотиб олинади, истеъмолчиларнинг маблағлари етарли бўлмаганида тўловни кечиктириб, товарлар сотиб олишлари ва бошқа ҳар хил тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Корхона кредит олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

♦ Кредит ажратиш тўғрисидаги ариза, илтимоснома. Унда қарз олувчининг номи, юридик мақоми, жойлашган манзили, унга кредит ҳисоб-китоб хизмати кўрсатувчи банк муассасаси, кредит сўраб, банкка мурожаат қилишнинг сабаблари, кредитдан қандай мақсадларда фойдаланиш мўлжалланаётгани, сўралаётган кредит суммаси ва уни қайтариш муддати кўрсатилади.

♦ Кредит буюртманомаси. Унда корхонанинг фаолият турлари ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, мавжуд хусусий маблағлар, кредитни қайтариш кафолати, ишлаб-чиқариш ва молиявий кўрсаткичлар, жумладан дебиторлик-кредиторлик қарзлари миқдори батафсил баён қилинади.

♦ Техник-иқтисодий асослаш (бизнес-режа). Унда олган кредит ҳисобидан амалга ошириш мўлжалланаётган сарф-харажатлар рўйхати, зарурат туғилганида эса маҳсулот шаклида ифода қилинадиган тахминий маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳажми, бир дона маҳсулот баҳоси, кўрсатилган хизмат ҳақи), режалаштирилаётган маҳсулот сотиш бозори, ишлаб чиқариш қувватлари, асбоб-ускуналар, хом-ашё ва материалларнинг мавжудлиги кўрсатилади. Шунингдек, корхона томонидан охирги ҳисобот санасигача бўлган баланс, зарурат туғилганида эса бошқа саналарга оид бўлган ва солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган баланслар ҳам тақдим этилади. Охирги ҳисобот санасига тузилган балансда дебиторлик-кредиторлик қарзлар батафсил баён қилиниши ҳамда тўлов муддатидан 90 ва ундан ортиқ кун ўтган қарзларни қиёслаш далолатномалари илова қилинган бўлиши лозим;

♦ Кредитни банк амалиётида қабул қилинган шаклда ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мажбурияти;

♦ Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;

♦ Оборот маблағларининг айланишига доир ҳисоб-китоб;

♦ Бошқа кредиторлардан олинган қарз маблағлари ва бошқа банкларда сақланаётган бўш маблағларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома;

♦ Қарз олувчининг бошқа корхоналар сармоясидаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар;

♦ Мижознинг молиявий аҳволини тасдиқловчи бошқа турли ҳужжатлар.

Банк ходими барча зарур ҳужжатларни олгач, 5 кун муддат ичида Марказий банк талабларида кўзда тутилгани учун бўлғуси қарз олувчининг кредитга ва тўловга лаёқатлигини аниқлаши лозим. Бу бизнес-режа тайёрлаш масалалари билан биргаликда батафсил кўриб чиқилади. Кредитни олишдан кўзда тутилган мақсадларнинг корхонанинг устав фаолиятига ва кредит турининг, унинг мақсадларига мос келиши эътиборга олинади. Банк ходими тақдим этилган ҳужжатлар тўпламини ўрганиб чиқиш натижаларига қараб, кредит бериш ёки бермаслик юзасидан хулоса тайёрлайди. Унда қуйидагилар кўрсатилади:

♦ кредитга лаёқатлилик;

♦ кредитни олишдан кўзда тутилган мақсад;

♦ унинг муддати ва миқдори;

♦ кредит қайтарилишининг таъминоти;

♦ фоиз ставкаси.

Банк ходимининг хулосаси раҳбар томонидан тасдиқлангач, илова қилинган ҳужжатлар билан биргаликда кредит қўмитаси муҳокамасига юборилади. Ҳозирги кунда корхоналарда банк кредитларини ҳисобга олувчи иккита ҳисобварағи мавжуд.

6810—"Қисқа муддатли кредитлар" ҳисобварағи.

7810—"Узоқ муддатли кредитлар" ҳисобварағи.

6810—"Қисқа муддатли кредитлар" ҳисобварағида мамлакат ҳудудидаги ва чет элдаги банклардан олинган қисқа муддатли кредит бўйича банк билан бўладиган ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади. Таҳлилий ҳисобварақлар кредит тури бўйича очилади. 6890-ҳисобварақ балансга нисбатан пассив ҳисобланиб, кредит томони-

дан банкдан олинган қисқа муддатли қарзлар, дебетида эса қисқа муддатли қарзларни қайтарилиши ҳисобга олинади, қолдиқ кредит томонида қолади. Унинг аналитик ҳисоби олинган қарзлар турлари бўйича 38-қайдномада, синтетик ҳисоби эса 4-журнал-ордер ёрдамида юритилади.

7810—"Узоқ муддатли банк кредитлар" ҳисобварағида давлатимиз ва чет эл валютасида олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади. Ҳисобварақда узоқ муддатли кредитларнинг турлари балансга нисбатан пассив ҳисобланиб, унинг кредит томонида банкдан олинган узоқ муддатли кредитлар, дебет томонида эса бу қарзларнинг тўланган суммалари ҳисобга олинади. Қолдиқ кредит томонида қолади. Бу ҳисобварақнинг аналитик ҳисоби олинган қарзлар турлари бўйича 38-қайдномада, синтетик ҳисоби эса 4-журнал-ордер ёрдамида юритилади.

Корхоналарда ўрта муддатли кредитларни ҳисобга олувчи ҳисобварақ мавжуд бўлмаганлиги учун бу кредитлар ҳозирги кунда узоқ муддатли кредитларга қўшиб олиб борилади. Яъни 1 йилдан ортиқ муддатга олинган кредитлар 7810—"Узоқ муддатли банк кредитлар" ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади.

Қисқа муддатли банк кредитлари бўйича қуйидагича бухгалтерия икки ёқлама ёзуви амалга оширилади:

№	Муомала мазмуни	Ҳисобварақ-лар корреспонденцияси	
		Д-т	К-т
1.	Қисқа муддатли банк кредити ҳисобидан олинган товар ва материаллар омборга кирим қилинди. Счёт-фактуралар, товар транспорт накладнойи, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси асосида ёзилади.	1010	6810
2.	Қисқа муддатли банк кредитлари пул маблағлари таркибига қабул қилинади (банк кўчирмаси, тўлов топшириқномаси асос бўлади).	5110	6810
3.	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар бажарган иши, хизмати ва етказиб берилган маҳсулот қиймати қисқа муддатли кредит ҳисобидан тўланди (счёт-фактура, товар транспорт накладнойи, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси).	6010 6020	6810

4.	Қисқа муддатли банк кредити ҳисобидан банкдан вексель олинади (кредит шартномаси асосида).	5610	6810
5.	Валюта муомалаларидаги валюта курсларининг фарқидан кўрилган зарар қисқа муддатли банк кредити ҳисобидан қопланади (кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси ва банк кўчирмаси асосида).	9620	6810
6.	Узоқ муддатга олинган банк кредити қисқа муддатли кредит ҳисобидан тўланди (кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси ва банк кўчирмаси асосида).	7810	6810
7.	Қисқа муддатли банк кредити тўланади (тўлов топшириқномаси ва банк кўчирмаси асосида)	6810	5110 5210
8.	Валюта курсидан тўплаган фойда ҳисобидан қисқа муддатли банк кредити тўланади (тўлов шартномаси, кредит шартномаси).	6810	9540

Узоқ муддатли банк кредитлари бўйича қуйидагича бухгалтерия икки ёқлама ёзуви амалга оширилади:

№	Муомала мазм.		
1.	Капитал қўйилмалар ҳисобварағи орқали асосий воситалар корхонага узоқ муддатли кредитлар ҳисобидан қабул қилинади (асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси, счёт фактуралари асосида)	0820 0110, 0190	7810
2.	Узоқ муддатли банк кредити пул маблағлари ҳисобварақларига қабул қилинади (кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси асосида)	5110 5210 5510	7810
3.	Мол етказиб берувчи ва пудратчилар томонидан кўрсатилган хизмат ва етказиб берилган маҳсулотлар учун бўлган қарз узоқ муддатли кредит ҳисобидан тўланади (счёт-фактура, товар-транспорт накладнойи, тўлов топшириқномаси)	6010	7810
4.	Узоқ муддатли кредит бўйича фоиз суммаси харажатларга ўтказилди ва тўлаш учун ҳисобланди (кредит шартномаси асосида)	6810	7810
5.	Пул маблағлари ҳисобидан узоқ муддатли банк кредит бўйича қарз тўланади (кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси)	7810	5110 5210 5220

6.	Валюта курсидаги фарқдан кўрилган фойда ҳисобидан узоқ муддатли кредит тўланади (кредит шартномаси, тўлов топшириқномаси)	7810	9540
7.	Валюта курсидаги фарқдан кўрилган зарар узоқ муддатли банк кредит ҳисобидан қопланди.	9620	7810

№ 4-журнал-ордер

2003 йил 1 январь ой бошига бош китоб 6810-ҳисобварақ бўйича қолдиқ — 30000000 сўм.

Банк кўчирмаси санаси	6810 кред кред собв:					
	6010			5110		
01.01.2003 йил	30000000					
31.01 2003 йил				4000000		
Жами:	30000000			4000000		

2003 йил 1 январь ҳолатига 6810—"Қисқа муддатли банк кредитлари" ҳисобварағи бўйича қолдиғи.

1. Шундан тайёрланган ип учун	24700000 сўм.
2. Мазут ва нефть чиқиндиси учун	1800000 сўм.
3. Химикатлар ниналар бўёқлар учун	3500000 сўм.
Жами: 30000000 сўм.	

Банк кўчирмасига асосан 6810-ҳисобварақнинг дебет суммаси 4000000 сўм, 6810-ҳисобварақ бўйича ой охирига қолдиқлари — 26000000 сўм. 6810-ҳисобварақ бўйича аналитик маълумотлар.

Кредит турлари	Ой охирида қолдиқ
Хом-ашё материаллари ва ёқилғи	26000000
Тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ярим тайёр маҳсулотлар	
Тайёр маҳсулотлар	
Товарлар	
Жами:	26000000

4-журнал-ордернинг 6810-ҳисобварақ бўйича аналитик ҳисоби 38-қайдномада кўрсатилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни юритиш тартиби ҳақида нималарни биласиз?
2. Ҳисобдор шахслар билан бўладиган муомалалар ҳисоби қандай ташкил қилинади?
3. Ходимлар билан бошқа муомалалар деганда нимани тушунасиз?
4. Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобининг хусусиятлари нималардан иборат?
5. Кредит деганда нимани тушунасиз, унинг қандай турлари мавжуд?
6. Банк кредитлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби қандай ташкил қилинади?

17-боб. КАПИТАЛ, РЕЗЕРВЛАР ВА ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА ҲИСОБИ

17.1. Капитал, резервлар ва тақсимланмаган фойдани ҳисобга олишнинг вазифалари

Бозор иқтисодиёти шароитида янги ташкил этилаётган корхоналар ўз молиявий ва моддий ресурсларини мустақил шакллантиради. Бундай ресурслар, одатда, корхона таъсисчилари томонидан ўз хусусий мулкларини устав капиталига улуш сифатида қўшиш билан яратилади.

Устав капитали — ҳуқуқлар ва имтиёзлар олиш учун корхона муассислари томонидан таъсис ҳужжатларига мувофиқ қўшилган (тўланган) ҳамда корхонанинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий бойликлар, пул маблағлари ва харажатлар мажмуидир.

Устав капиталини ташкил қилиш амалдаги қонунлар ва таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Устав капиталига ҳисса шаклида қўшиладиган моддий ва номоддий активлар таъсисчилар келишувига ёки юридик шахс ижроия органининг қарорига кўра баҳоланади ва ҳисобга олинади.

Барча мулк шаклларидаги корхоналарда капитал, резервлар ва тақсимланмаган фойда бўйича бухгалтерия ҳисобининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Устав капиталини шаклланиши ва ундан фойдаланишни назорат қилиш;
- Корхона муассислари, капиталнинг шаклланиш босқичлари ва акциялар турлари бўйича ахборот тўплаш;
- Устав капиталининг ҳолати ва ҳаракати хусусида ҳисобот тузиш бўйича маълумотлар олишни таъминлаш;
- Қўшилган капитал ҳамда резерв капиталининг шаклланиши билан боғлиқ муомалаларни ўз вақтида ҳисобда акс эттириш;

♦ Корхона соф фойдасининг шаклланиши ва унинг тақсимланишини ўз вақтида ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш.

17.2. Турли мулкчилик шаклидаги корхоналарда устав капиталини шакллантириш хусусиятлари

Бугунги кунда республикамизда турли мулкчилик шаклидаги корхоналар ўз фаолиятларини амалга ошириб келмоқда. Буларга давлат мулки шаклидаги, акциядорлик жамияти шаклидаги, маъсулияти чекланган жамият шаклидаги, қўшма корхона шаклидаги ва бошқа корхоналар киради.

Давлат корхонасининг устав капитали — давлат томонидан корхонанинг доимий тасарруфига текинга берилган моддий ва пул маблағлари суммасидир. Устав капитали ҳисобига асосий ва айланма маблағлар шаклланади.

Корхонага асосий восита мавжуд ишлаб чиқариш ҳажмига ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш объектларига қараб, айланма маблағлар эса нормативлар асосида берилади. Норматив юқори ташкилот томонидан белгиланади, аммо уларни тақсимлашни корхонанинг ўзи мустақил амалга оширади.

Амалдаги тартибга кўра корхона устав капитали миқдори унинг таъсис ҳужжатларида қайд этилган миқдорига мувофиқ бўлиши керак. Давлат корхонаси учун юқори турган ташкилотнинг корхонани ташкил этиш ва унинг балансига устав капиталини ўтказиш тўғрисидаги буйруғи таъсис ҳужжати ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда давлат корхонасининг устав капитали ҳажми ўзгариши мумкин. Устав капитали миқдорини фақатгина юқори ташкилот ўзгартириши мумкин.

Акциядорлик жамияти устав капитали унинг акциядорлари сотиб оладиган акцияларининг номинал қийматидан иборат бўлади. Бунда чиқариладиган жами акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши мумкин.

Акциядорлик жамиятининг устав капитали миқдори кўпайиши ёки камайиши мумкин. Устав капиталини кўпайтириш қўшимча акцияларни жойлаштириш

йўли билан амалга оширилиши мумкин. Жамият томонидан қўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган эълон қилинган акциялар миқдори доирасида жойлаштирилиши мумкин.

Акциядорлик жамияти устав капиталини камайтириш фавқулодда ҳолларда юз беради ва уни кўпайтиришдаги сингари тартибда амалга оширилади. Устав капитали миқдорининг камайиши акциялар умумий сонининг қисқариши билан боғлиқ бўлади, шу жумладан, жамиятнинг ўзи ҳақини кейинчалик тўлаш билан акцияларни сотиб олиши ҳам шу ҳисобга киради.

Амалдаги қонунларга биноан акциядорлик жамияти устав капиталига ҳисса тариқасида пул билан баҳоланадиган ва таъсисчилар томонидан жамият акциялари ҳақини тўлаш учун киритиладиган моддий бойлик, мулкий ёки ўзга ҳуқуқларни тўлашлари мумкин. Жамият таъсис этилаётганда унинг акциялари пулини тўлаш шакллари жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги шартнома ёки жамият уставида, қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар пулини тўлаш уларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорда кўрсатилади.

Акциядор таъсис йиғилиши белгиланган муддатларда, аммо жамият рўйхатдан ўтгандан кейин бир йилдан кечикмай акцияларнинг тўлиқ пулини тўлаши керак. Акцияларни сотиб олиш муддати ўтганидан кейин акциядорлар жамияти уларни ўз ихтиёрига қараб сотишга ҳақли.

Амалдаги қонунларга мувофиқ ҳиссаларга бўлинган устав капиталига эга бўлган жамият масъулияти чекланган жамият деб аталади. Бундай жамият устав капиталидаги бўлинган ҳиссалар миқдори таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилади, унинг иштирокчилари мажбуриятлар бўйича фақат ўз мулки доирасида жавоб беради.

Масъулияти чекланган жамиятнинг устав капитали фақат муассисларнинг ҳиссалари ҳисобига ташкил топади ва унинг кўпайиши ёки камайиши ҳамманинг розилиги билан ҳисса қўшувчиларнинг кўпайиши ёки камайиши билан юз бериши мумкин.

Жамият иштирокчиси ўз ҳиссасини жамият рўйхатга олинган санадан кейин бир йил давомида тўлаши лозим.

Қўшма корхона Ўзбекистон ҳамда хориж корхоналари ҳиссалари асосида ташкил топади. Қўшма корхонанинг устав капиталига ҳисса тариқасида табиат ресурсларидан, интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи, ноу-хау, моддий ва пул воситалари, шу жумладан, чет эл валютаси берилиши мумкин.

17.3. Устав капиталининг шаклланиши ва фойдаланилиши ҳисоби

Устав капиталини бухгалтерияда ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳисобварақлар очилган:

8310—"Оддий акциялар"
8320—"Имтиёзли акциялар"
8330—"Пай ва қўйилмалар".

Ушбу ҳисобварақлар пассив ҳисобланади ҳамда давлат корхоналари устав фондининг, акционерлик жамиятлар ва ширкатлар устав капиталининг шаклланиши ва унинг ҳаракатини ҳисобга олади.

Акциядорлик сармояси рўйхатга олинган ҳажмда, бироқ ҳали тугалланмаган эмиссия сифатида ҳисобда акс эттирилар экан, эълон қилинган (чиқарилишга рухсат этилган), жойлаштирилган (уларга акциядорлар обунаси амалга оширилган) ҳамда муомаладаги, уставга мувофиқ қўшимча жойлаштирилган оддий акцияларнинг аналитик ҳисобини юритиш лозим.

Мисол. АЖ уставида 100 сўмлик номинал қийматга эга бўлган 20000 дона оддий акциялар чиқаришга рухсат этилган.

Эълон қилинган акциядорлик капиталига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4610—"Устав капиталига бадаллар бўйича муассислар қарзлари"—2000000 сўм;

К-т 8310—"Оддий акциялар" — 2000000 сўм.

Кейин АЖ номинал қиймати бўйича АЖ аъзоларига 10000 дона акция сотади, деб фараз қилайлик:

Д-т 5110, 5010—"Пул маблағлари" — 1000000 сўм

К-т 4610—"Устав капиталига бадаллар бўйича муассислар қарзлари" — 1000000 сўм.

Маълум вақт ўтгач, АЖ қолган 10000 дона акцияни ҳар бир акция учун 120 сўм эвазига бошқа инвесторга сотади. Акцияларнинг сотиш ва номинал қийматлари орасидаги

фарқ—20 сўмни ташкил этади ва бу фарқ 8410—"Эмиссион даромад" ҳисобварағида акс эттирилади:

Д-т 5110, 5010—"Пул маблағлари" — 1200000 сўм;

К-т 4610—"Устав капиталига бадаллар бўйича муассислар қарзлари" — 1000000 сўм;

К-т 8410—"Эмиссион даромад" — 200000 сўм.

Акцияларга тўловлар активларни бериш йўли билан ҳам узилиши мумкин.

Мисол. Таъсисчи акция қиймати эвазига аввал фойдаланишда бўлган транспорт воситасини устав капиталига ҳисса тариқасида киритди. Ушбу транспорт воситаси аввал хизмат қилганлиги туфайли унинг бозор баҳосини аниқлаш қийин бўлди. Таъсисчилар ўзаро келишиб, акциядорга ушбу транспорт воситаси учун 1000 та оддий акция беришди, акцияларнинг номинал қиймати 200 сўм, бозор қиймати 250 сўм.

Мазкур ҳолатда АЖ ҳисобидаги транспорт воситасининг қиймати — 250000 сўм (250×1000) бўлади.

АЖ мол-мулкидаги акциядор улуши — 200×1000=200000 сўм, акцияларнинг бозор ва номинал қийматлари орасидаги 50000 (250000—200000) сўмлик фарқ эмиссион даромадни ташкил қилади. Ушбу муомалаларга қуйидагича проводка берилади:

Д-т 0160—"Транспорт воситалари" — 250000 сўм;

К-т 4610—"Устав капиталига бадаллар бўйича муассислар қарзлари" — 200000 сўм;

К-т 8410—"Эмиссион даромад" — 50000 сўм.

Акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан АЖ устав капиталини ошириш, акциялар номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш, шу жумладан, акцияларнинг маълум қисмини сўндириш йўли билан жамиятнинг ўзи сотиб олиши орқали устав капиталини қисқартириш амалга оширилади.

8610-ҳисобварақда сотиб олинган хусусий акциялар устав капитали ҳисобварағига нисбатан контрпассив ҳисобланади ва у АЖнинг капиталини камайтиради ва шу сабабли балансда устав сармоясидан чегирилади. АЖ қуйидаги сабабларга кўра ўз акцияларини қайта сотиб олиши мумкин:

- акциялар курсини мақбул даражада ушлаб туриш учун;
- ҳар бир қолган акцияга дивидендларни ошириш учун;
- ўз ходимлари орасида акцияларни тарқатиш ёки қолган акциялар номинал қийматини ошириш учун;

♦ бошқа фирмалар томонидан назорат ўрнатиш учун акцияларнинг сотиб олинишини бартараф этиш мақсадида.

Хусусий акциялар сотиб олинганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 8610—"Сотиб олинган хусусий оддий акциялар";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

Акциядорлар қарорига кўра устав капитали ҳажмини сотиб олинган акциялар номинал қиймати суммасига уларни йўқ қилиш йўли билан камайтириш мумкин:

Д-т 8310—"Оддий акциялар";

К-т 8610—"Сотиб олинган хусусий оддий акциялар".

Давлат корхоналарининг устав фондининг ҳажми унинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун давлат томонидан белгиланган мол-мулк суммасига мос келади. Мазкур миқдор таъсис ҳужжатларида қайд қилинган миқдорга мувофиқ бўлиши лозим.

Давлат корхонаси устав фондини шакллантириш бўйича проводка қуйидагича бўлади:

Д-т 0110—0190—"Асосий воситалар";

Д-т 1010—"Хом-ашё ва материаллар";

Д-т 5010, 5110—"Пул маблағлари";

К-т 8330—"Пайлар ва улушлар".

Масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) устав капиталига қўйилмалар устав капиталидаги иштирокчиларнинг улушини ташкил қилади.

Мисол. "Бобур" МЧЖни ташкил қилиш пайтида 500000 сўм миқдорида устав капитали рўйхатга олинган. Каримов А. ва Жўраев Б. МЧЖнинг муассислари ҳисобланишади. МЧЖнинг устав капиталида Каримов А.нинг улуши 60%ни, Жўраев Б.нинг улуши 40%ни ташкил қилади.

Ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилган санадан кейин бу муомала ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 4610—"Устав капиталига бадаллар бўйича Каримовнинг қарзи" — 300000 сўм;

К-т 8330—"Пайлар ва улушлар" Каримов қўйилмаси — 300000 сўм;

ҳамда

Д-т 4610—"Устав капиталига бадаллар бўйича Жўраевнинг қарзи" — 200000 сўм;

К-т 8330 — "Пайлар ва улушлар" Жўраев қўйилмаси — 200000 сўм.

Ҳар бир иштирокчи (муассис) МЧЖга таъсис шартномасига мувофиқ бирон-бир активни киритади. Устав капиталини шакллантириш бўйича бухгалтерия ёзувлари якка эгаликдаги ёзувларга айнан ўхшаш бўлади, муассислар бўйича таҳлилий ҳисобгина зарур.

Мисол. Каримов ўз қўйилмасини транспорт воситаси кўринишида (300000 сўм) киритди:

Д-т 0160 —"Транспорт воситалари" — 300000 сўм;

К-т 4610—"Устав капиталига бадаллар бўйича Каримовнинг қарзи" — 300000 сўм.

Жўраев Б. ўз қўйилмасини хом-ашё кўринишида (200000 сўм) киритди:

Д-т 1010—"Хом-ашё ва материаллар" — 200000 сўм;

К-т 4610—"Устав капиталига бадаллар бўйича Жўраевнинг қарзи" — 200000 сўм.

Таъсисчиларнинг қарорига мувофиқ устав капитали миқдори ошиши мумкин. Устав капиталининг оширилиши таъсисчиларнинг қўшимча қўйилмалари ҳисобига ёки тақсимланган фойдадан ажратма қилиш ҳисобига бўлиши мумкин.

Баъзи ҳолларда МЧЖга янги муассис келиб қўшилиши мумкин. Бу қуйидаги йўллар орқали юзага келади:

- устав капитали улушини битта ёки бир неча шериқдан сотиб олиш йўли билан;
- қўшимча сармоя киритиш йўли билан.

Бироқ ҳар иккала ҳолатда ҳам янги муассиснинг келиб қўшилиши жамиятнинг барча аъзолари томонидан маъқулланиши лозим.

Биринчи ҳолатда сармоя сотиб олинган улуши олдинги муассис сармояси ҳисобварағидан янгисиникига ўтказилади.

Мисол. Каримов ўзининг 100000 сўмлик миқдордаги улушини Эргашевга сотди:

Д-т 8330—"Устав капитали Каримов қўйилмаси" —100000 сўм;

К-т 8330—"Устав капитали Эргашев қўйилмаси" —100000 сўм.

Иккинчи ҳолатда янги муассис мавжуд сармояга қўшимча сифатида устав капиталига ўз улушини қўшганда муассислар улушларининг фоиз нисбати ўзгаради.

Мисол. 500000 сўм миқдорида рўйхатга олинган устав капиталига эга бўлган ва муассислари улуши: Каримовники — 60%, Жўраевники — 40% бўлган "Бобур" МЧЖ янги аъзо

Ҳасанов Б.ни жалб этиш ҳисобига ўз устав капиталини 600000 сўмгача оширишга қарор қилди. Мазкур ҳолатда улушлар нисбати ўзгаради ва қуйидагича кўринишга эга бўлади:

Каримов — 50% (300000/600000);

Жўраев — 33,3% (200000/600000);

Ҳасанов — 16,7% (100000/600000).

МЧЖ устав капитали миқдорининг кўпайиши тақсимланмаган фойда ҳисобидан ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳолатда қуйидагича ёзув қилинади:

Д-т 8710—"Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)"

К-т 8330—"Пайлар ва улушлар".

МЧЖда муассис жамият таркибидан чиқишга ҳамда ўз улушини олишга қарор қилганда қуйидаги проводкалар берилади:

Д-т 8330—"Пайлар ва улушлар";

К-т 6620—"Чиқиб кетаётган муассислардан улушлари бўйича қарзлар".

Агар муассис чиқиб кетаётган пайтда МЧЖ маълум жамғарилган фойдага эга бўлса, у ҳолда таъсис ҳужжатларига белгиланган нисбатга мувофиқ муассисларнинг унга ҳам ҳаққи бор.

Д-т 8720— «Жамғарилган фойда».

К-т 6620—"Чиқиб кетаётган муассислардан улушлари бўйича қарзлар".

Муассис чиқиб кетаётганида олган жамғарилган фойда суммасидан олган жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғини тўлаши лозим.

Муассис устав сармоясидан ўз улушини олиб чиқиб кетаётганида ҳеч қандай чегирма ва ажратмаларсиз ҳам олиб чиқиб кетиши мумкин.

Муассис чиқиб кетаётганида унинг қарзининг сўндирилишига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 6620—"Чиқиб кетаётган муассислардан улушлари бўйича қарзлар"

К-т 5010, 5110—"Пул маблағлари".

Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар. Корхона рўйхатдан ўтганидан сўнг рўйхатдан ўтказилган устав капитали суммасига корхона олдида муассисларнинг қарзи вужудга келади. Таъсисчиларнинг устав капиталига бўлган қарзлари бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг ҳисоби 4610—"Устав капиталига бадаллар бўйича таъ-

сисчиларнинг қарзлари" ҳисобварағида олиб борилади.

4610—ҳисобварақ актив бўлиб, дебет сальдоси таъсисчиларнинг ой бошига бўлган сальдосини кўрсатади. Дебет обороти ҳисобот ойида вужудга келган таъсисчиларнинг қарзларини акс эттирса, кредит обороти таъсисчилар томонидан ўтказиб берилган пул маблағлари, моддий қийматликлар ва мулклар қийматини кўрсатади.

Таъсисчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг аналитик ҳисобини юритиш учун асос бўлиб таъсис ҳужжатлари, асосий воситалар ва номоддий активларни қабул-қилиш-топшириш далолатномалари, кирим касса ордерлари ва бошқалар ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтказилган устав капитали суммасига 4610—"Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари" ҳисобварағи дебетланиб, 8310—"Оддий акциялар", 8320—"Имтиёзли акциялар" ва 8330—"Пайлар ва улушлар" ҳисобварақлари кредитланади.

4610—"Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари" ҳисобварағи бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси

№	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Ҳисобкар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1.	Устав капиталига улушлар бўйича таъсисчилар қарзларининг ташкил этилиши	4...	8310 8320 8330
2.	Таъсисчилар қарзларининг асосий воситалар тарзида тўланиши	0110—0190	4610
3.	Таъсисчилар қарзларининг номоддий активлар тарзида тўланиши	0410—0490	4610
4.	Таъсисчилар қарзларининг пул маблағларини бериш йўли билан тўланиши	5010 5110 5210	4610
5.	Таъсисчилар қарзларининг бошқа активлар тарзида тўланиши	1010—1090 2910	4610

17.4. Қўшилган капитал ҳисоби

Корхонада қўшилган капитал ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

8410—"Эмиссион даромад"

8420—"Устав капиталини шакллантириш бўйича курсдаги фарқ".

Ушбу ҳисобварақлар пассив бўлиб, улар оддий ва имтиёзли акциялар бўйича номинал қийматдан юқори баҳода олинган суммаларни ва уларнинг ҳаракатини умумлаштириш учун мўлжалланган.

Корхонада **қўшилган капитал** қуйидаги операциялар натижасида вужудга келиши мумкин:

♦ эмиссион даромадни юзага келтирувчи номинал қийматдан юқори баҳода акциялар бирламчи сотилишида;

♦ курсдаги фарқни келтириб чиқарувчи хорижий инвестицияли корхоналар устав капиталини шакллантириш пайтида.

Мисол. Номинал қиймати 600 сўм бўлган акциялар 850 сўмга сотилди.

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" —850 сўм;

К-т 4610—"Устав капиталига бадаллар бўйича муассислар қарзлари" — 600 сўм;

К-т 8410—"Эмиссион даромад" — 250 сўм.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, 8410—"Эмиссион даромад" ҳисобварағи кредити бўйича фақатгина акцияларнинг бирламчи эмиссияси пайтидаги номинал қийматидан ортиқча сумма ҳисобга олинади. Мазкур сумма фойда солиғига тортиш объекти бўлиб ҳисобланмайди.

Сотиш баҳосидан паст нархларда сотиб олинган акцияларни сотишда ва суммалар камомадида 8410—"Эмиссион даромад" ҳисобварағида зарар акс эттирилади.

Мисол. 200 сўмлик номинал қийматли, дастлаб 240 сўмдан сотилган акциялар 260 сўмдан сотиб олинди, кейин эса иккинчи марта 200 сўмдан сотилди:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 200 сўм;

Д-т 8410—"Эмиссион даромад"— 40 сўм;

Д-т 9690—"Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар" — 20 сўм;

К-т 8610— "Сотиб олинган хусусий оддий акциялар" — 260 сўм.

Қўшма корхонанинг устав капиталини шакллантиришда таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш пайтидаги ва устав капиталига амалда валюта ва валюта бойликларига оид бадалларни киритиш пайтидаги валюта курсларининг фарқланиши натижасида курсдаги тафовут юзага келади.

Мисол. Таъсис шартномасига мувофиқ қўшма корхонанинг устав капиталида чет эллик муассиснинг улуши 200 минг доллардан иборат. Ҳужжатларни рўйхатга олиш пайтида 1$ 300 сўмга тенг бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда, унинг улуши 60000 минг сўм, деб баҳоланди. Бироқ пул маблағлари билан бадаллар тўлаш пайтида 1$ 310 сўмга тенг бўлган. Бу эса корхона сўм ҳисобида 200 минг долларни олиб, 60000 минг сўм эмас, балки 62000 сўмга эга бўлади, деган маънони англатади. Бу тафовут 2000 (62000—60000)минг сўм қўшимча сармояга киритилади:

Д-т 5210—"Мамлакат ичкарисидаги валюта маблағлари"— 62000 минг сўм;

К-т 4610—"Устав капиталига бадаллар бўйича муассислар қарзлари"— 60000 минг сўм;

К-т 8420—"Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқ" — 2000 минг сўм.

Бироқ кейинчалик хорижий валютадаги пулга оид моддалар ҳар бир ҳисобот даври якунланадиган санада қайта баҳоланади, бу қайта баҳолаш натижаси келгуси даврлар даромади ёки харажатларига ўтказилади.

17.5. Резерв капитали ҳисоби

Амалдаги қонунчиликка биноан корхонада резерв капитали ташкил этилади. Унинг миқдори жамият устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаслиги керак. **Резерв капитали** ҳар йили соф фойдадан ажратмалар ўтказиш йўли билан жамият уставида белгиланган миқдорга етгунча ташкил этилади. Резерв капитали корхона кўрган зарарини қоплаш, имтиёзли акциялар учун дивиденд тўлаш, акциядорлар талабига кўра акцияларни қайта сотиб олиш учун ишлатилади. Шу билан биргаликда резерв капитали ҳисобварақлари узоқ муддатли активларни қайта баҳолашда юзага келадиган инфляцион резервларга мувофиқ фойда ҳисобидан ташкил қилинадиган резерв ҳисоби учун мўлжалланган.

Резерв капитали ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

8510—"Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар";

8520—"Резерв капитали";

8530—"Текинга олинган мол-мулк".

8510—"Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" ҳисобварағи қайта баҳолаш натижасида активлар қийматининг ошишини ҳисобга олади.

Мисол. Транспорт воситасининг бошланғич қиймати 500000 сўмга, эскириш қиймати 200000 сўмга тенг. 3 коэффициент билан қайта баҳолаш натижасида транспорт воситасининг бошланғич қиймати 1500000 сўм (500000×3)гача ошган. Транспорт воситасининг эскириши эса 600000 сўм (200000×3)гача ошган. Транспорт воситасининг бошланғич қиймати ўртасидаги фарқ 1000000 сўм (1500000—500000)га эскириш қиймати ўртасидаги фарқ 400000 сўм (600000—200000)га тенг.

Ушбу муомалалар ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 0160—"Транспорт воситалари" — 1000000 сўм;

К-т 8510—"Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар"— 1000000 сўм;

Д-т 8510—"Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" — 400000 сўм;

К-т 0260—"Транспорт воситаларининг эскириши"— 400000 сўм.

Асосий воситалар каби қимматли қоғозлар ҳам қайта баҳоланади.

Мисол. Корхонада баланс қиймати 80000 сўмлик қимматли қоғоз бор. Уларнинг ҳисобот даври охиридаги бозор қиймати 85000 сўмга тенг бўлган.

Агар корхона ўз инвестицияларини қайта баҳоланган қиймат бўйича ҳисобга олса, у ҳолда қайта баҳолашдан олинган даромад резерв капитал ҳисобварақларида акс эттирилади:

Д-т 0610—"Қимматли қоғозлар" — 5000 сўм;

К-т 8510—"Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" — 5000 сўм.

Агар кейинги ҳисобот даврига келиб бу қимматли қоғозларнинг бозор қиймати камайса, унда мазкур қимматли қоғозлар бўйича аввалги қайта баҳолаш доирасида резерв капиталини камайтириш ҳисобига уни қоплаш мумкин. Бу қимматли қоғозлар бўйича ташкил этилган резервдан ошувчи нархнинг пасайиш суммаси харажат сифатида тан олинади.

Мисол. Қимматли қоғозларнинг бозор қиймати 78000 сўмга тушиб кетган, яъни 7000 сўмга камайган:

Д-т 8510—"Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" — 5000 сўм;

Д-т 9690—"Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар" — 2000 сўм;

К-т 0610—"Қимматли қоғозлар" — 7000 сўм.

АЖ резерв капитали уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан ажратмалар йўли билан шакллантирилади:

Д-т 8710—"Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)";

К-т 8520—"Резерв капитал".

Резерв капитали корхона кўрган зарарини қоплаш, имтиёзли акциялар учун дивиденд тўлаш, акциядорлар талабига кўра акцияларни қайта сотиб олиш учун ишлатилади.

Масалан, ҳисобот даврида фойда мавжуд бўлмаганида имтиёзли акциялар учун дивидендлар тўланди:

Д-т 8520—"Резерв капитал";

К-т 6610—"Тўлов учун дивидендлар".

Корхона тугатилаётганида турли дебиторларнинг қарзлари ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 8520—"Резерв капитал";

К-т 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар".

Таъсис ҳужжатлари ва ҳисоб сиёсатига мувофиқ турли мақсадлар учун резерв фонди бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналарда ҳам ташкил этилиши мумкин.

Мол-мулк текинга олинганида қуйидаги проводка берилади:

Д-т 0110—0190—"Асосий воситалар";

Д-т 0410—0490—"Номоддий активлар";

Д-т 0610—"Қимматли қоғозлар";

Д-т 1010—"Хомашё ва материаллар";

К-т 8530—"Беғараз олинган мол-мулк".

Амалдаги қонунчиликка биноан бепул олинган мол-мулк қиймати фойда солиғи базасини оширади. Бепул олинган мол-мулк эксперт йўли билан ёки ўтказма ҳужжатлар асосида аниқланган адолатли қиймат бўйича ҳисобда акс эттирилади.

17.6. Тақсимланмаган фойда ва дивидендлар ҳисоби

Тақсимланмаган фойда бу ҳисобот даври якунида хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қоладиган соф фойда (фойданинг бир қисми)дир. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олишда қуйидаги ҳисобварақлардан фойдаланилади:

8710—"Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" ҳисобварағида корхона фаолиятининг бутун ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) ҳисобга олиб борилади.

8720—"Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)" ҳисобварағида корхонанинг бутун фаолияти давомидаги зарар, дивидендлар бўйича тўловлар ҳамда устав капиталига қайта инвестицияланган фойдани чегирган ҳолда соф фойда суммасини ифодаловчи жамланган фойда ҳисобга олиб борилади.

Ҳисобот давридаги соф фойда тақсимланмаган фойдани оширади ва у қуйидагича проводка билан расмийлаштирилади:

Д-т 9900—"Якуний молиявий натижа";

К-т 8710—"Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)".

Бизга маълумки, корхона соф фойдасидан акциядорларга дивиденд тўланади. Корхонада дивидендлар ҳисоби ва таъсисчилар олдидаги бошқа мажбуриятларни ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳисобварақлардан фойдаланиш кўзда тутилган:

6610—"Тўлов учун дивидендлар" ҳисобварағи;

6620—"Чиқиб кетаётган муассислардан уларнинг улушлари бўйича қарзлар" ҳисобварағи.

Бу ҳисобварақлар пассив ҳисобланади ва улар бўйича сальдо фақат кредит томонда бўлади. Ушбу ҳисобварақлар кредити бўйича оборотлар ҳисобланган дивидендларни ёки чиқиб кетаётган муассисларнинг улушига доир мажбуриятларни, дебети бўйича оборотлар эса дивидендлар тўлови ҳамда муассислар олдидаги қарзларнинг сўндирилишини ифодалайди.

Дивидендлар ҳисобланганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 8710—"Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)";

К-т 6610—"Тўлов учун дивидендлар".

Дивидендлардан 15%лик ставка билан ундириладиган солиқ тўлов манбаида бўлади:

Д-т 6610—"Тўлов учун дивидендлар";

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар".

Солиқ суммаси бюджетга ўтказилганида:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар".

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

Кассадан дивидендлар тўланганида:

Д-т 6610—"Тўлов учун дивидендлар";

К-т 5010—"Миллий валютадаги пул маблағлари".

Агарда муассис чиқиб кетаётган бўлса, у ҳолда жамиятнинг муассислар олдидаги қарзлари қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 8310, 8320, 8330—Устав капиталини ҳисобга олиш ҳисобварақлари;

К-т 6620—"Чиқиб кетаётган муассислардан уларнинг улушлари бўйича қарзлар".

Тўлов пайтида:

Д-т 6620—"Чиқиб кетаётган муассислардан уларнинг улушлари бўйича қарзлар";

К-т 5110, 5010—Пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари.

Ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойда (зарар) суммаси дивидендлар ҳисобланганидан сўнг 8720—"Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)" ҳисобварағига ҳисоблаб ўтказилади.

Фойда олинган ҳолатда:

Д-т 8710—"Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)";

К-т 8720—"Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)".

Зарар кўрилганда:

Д-т 8720—"Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)";

К-т 8710—"Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)".

Акциядорлар ўртасида тақсимланиши лозим бўлган мажбурий тўловлар ва барча солиқлар тўлангандан кейин корхонада қоладиган фойданинг бир қисми дивиденд ҳисобланади.

Одатда, дивидендлар ҳисобот йили якунлари бўйича ҳисобланади. Бироқ АЖлари ҳар чоракда ва ярим

йилда бир марта, агар бу жамият уставида тақиқланмаган бўлса, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Йиллик дивидендларни тўлаш санаси АЖ уставида ёки акциядорлар йиғилиши қарори билан белгиланади.

Корхона раҳбарияти томонидан дивидендларни тўлаш эълон қилинганидан сўнг, агар улар келаси йил учун тўланадиган бўлса, жорий мажбуриятлар сифатида ҳисобда акс эттирилади. АЖ қуйидаги ҳолларда дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

♦ жамиятнинг устав капитали тўлиқ тўлангунига қадар;

♦ агар дивидендларни тўлаш пайтида у банкротлик белгиларига жавоб берса ёки жамиятда дивидендларни тўлаш натижасида банкротлик аломатлари пайдо бўлса;

♦ агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав ва резерв капитали суммаларидан кам бўлса.

Дивидендлар нафақат пул маблағлари, балки акциялар билан ҳам тўланиши мумкин.

Акциялар кўринишидаги дивидендлар "капиталлаштириш"да тақсимланмаган фойда сифатида ифодаланувчи, акциядорлар учун қўшимча акциялар чиқаришдир.

Мисол. 500 сўмлик номинал қийматдаги 10000 дона акцияга эга акциядорлик жамияти амалдагидан 2% миқдорида акциялар кўринишидаги дивидендлар тўлови ҳақида эълон қилади. Ушбу даврда акцияларнинг бозор қиймати — 550 сўм.

Дивидендлар эълон қилинган пайтда АЖ хусусий капиталининг тузилиши қуйидагича бўлган:

♦ номинал қиймати 500 сўмлик 10000 дона акция оддий акциялар — 5000000 сўм;

♦ эмиссион даромад — 400000 сўм;

♦ тақсимланмаган фойда — 3000000 сўм;

Жами хусусий капитал — 8400000 сўм.

Қарор: дивидендлар тўлаш учун янги акциялар чиқарилди — 2% (10000 дона=200 дона).

Кичик миқдорда акциялар чиқарилганлиги учун улар бозор баҳосида, яъни 550 сўмдан ҳисобга олиниши лозим.

Чиқарилган акцияларнинг бозор қиймати — 550 сўм. (200=110000 сўм, шу жумладан, 100000 сўм — акцияларнинг номинал қиймати, 10000 сўм эса — эмиссион даромад).

Ушбу муомалаларга қуйидагича бухгалтерия ёзуви қилинади:

Ҳисоблаб ёзиш пайтида;

Д-т 8710—"Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" — 110000 сўм;

К-т 6610—"Тўлов учун дивидендлар" — 110000 сўм.

Акциялар билан тўлаш пайтида:

Д-т 6610—"Тўлов учун дивидендлар" — 110000 сўм;

К-т 8310—"Оддий акциялар" — 100000 сўм;

К-т 8410—"Эмиссион даромад" — 10000 сўм.

Дивидендлар акциялар билан тўланганидан кейин хусусий капитал қуйидаги кўринишга эга бўлди:

♦ номинал қиймати 500 сўмлик 10200 дона оддий акция — 5100000 сўм;

♦ эмиссион даромад — 410000 сўм;

♦ тақсимланмаган фойда — 289000 сўм;

Жами хусусий капитал — 8400000 сўм.

Акциялар билан дивидендлар тўланганида АЖнинг мажбуриятлари ёки активларида ўзгариш юз бермайди, чунки дивидендлар пул маблағлари кўринишида тўланадиган ҳолатдаги каби корхона маблағлари тақсимланмайди. Яъни дивидендлар акциялар билан тўланганида хусусий капитал ҳажми ўзгармайди, фақат унинг тузилмаси ўзгаради. Бундан ташқари, акциялар кўринишида олинган дивидендлар жисмоний шахсларда солиққа тортишдан озод қилинади.

Дивидендлар, шунингдек, натура кўринишида ҳам берилиши мумкин.

Мисол. 200 минг сўмлик суммадаги дивидендларни таннархи 160 минг сўмга тенг бўлган тайёр маҳсулот билан тўлашга қарор қилинди.

Акциядорларга тайёр маҳсулот дивиденд сифатида берилганида ҳам ҚҚС ҳисобланади. ҚҚС тўловчиси бўлган корхона эса маҳсулот сотилиши бўйича оборотдан ҳам ҚҚС ҳисоблаши керак.

Дивидендлар ҳисоблаб ёзилди:

Д-т 8710—"Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)"— 200 минг сўм;

К-т 6610—"Тўлов учун дивидендлар" — 200 минг сўм.

ҚҚС билан маҳсулот сотилиши акс эттирилган:

Д-т 6610—"Тўлов учун дивидендлар" — 200 минг сўм;

К-т 9010—"Тайёр маҳсулот сотилишидан олинган даромадлар" — 166,6 минг сўм;

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" — 33,4 минг сўм.

Тайёр маҳсулот таннархи ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 9110—"Сотилган маҳсулотнинг таннархи" — 160 минг сўм;

К-т 2810—"Омбордаги тайёр маҳсулот" — 160 минг сўм.

Мазкур ҳолатда ҳам 15% лик ставка бўйича дивиденддан солиқ ҳисобланади ва акциядорлар бу суммани корхона кассасига тўлайдилар.

Дивидендлардан 15%лик ставка билан ундириладиган солиқ тўлов манбаида бўлади:

Д-т 6610—"Тўлов учун дивидендлар" — 30 минг сўм;

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" —30 минг сўм.

Акциядорларга натура ҳолида дивиденд бериш натижасида молиявий натижа аниқланди:

Д-т 9010 —"Тайёр маҳсулот сотилишидан олинган даромадлар" — 166,6 минг сўм;

К-т 9900—"Якуний молиявий натижа" — 166,6 минг сўм;

Д-т 9900—"Якуний молиявий натижа" — 160 минг сўм;

К-т 9110—"Сотилган маҳсулотнинг таннархи" — 160 минг сўм.

9900-ҳисобварақдаги сальдо ушбу тадбирдаги фойда (зарар)ни кўрсатди. Ушбу ҳолатда 9900-ҳисобварақ бўйича кредит сальдоси корхона томонидан бу тадбирда олинган 6,6 минг сўм суммадаги фойдани акс эттиради ва корхона бу суммадан солиқ тўлаши лозим.

17.7. Грантлар, субсидиялар ҳамда келгуси давр харажатлари ва тўловлари резервини ҳисобга олиш

Грантлар, субсидиялар ва бепараз ёрдамларни ҳисобга олиш 1998 йил 3 декабрда Адлия вазирлиги томонидан 562-рақам билан тасдиқланган "Давлат субсидиялари ҳисоби ва давлат ёрдамини изоҳлаш" номли 10-сон БҲМА билан тартибга солинади.

Грант (субсидия) деганда хўжалик юритувчи субъектларга улар белгиланган шартларни бажарганларида иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида давлат ёки халқаро хорижий ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган пул ёки натура кўринишидаги ёрдам тушунилади.

Шу билан биргаликда субсидия ва грантлар турли нодавлат, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан маълум дастурларни амалга ошириш учун корхоналар томонидан тақдим этилиши мумкин.

Грант ва субсидиялар қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олинади:

8810—"Грантлар";

8820—"Субсидиялар".

Мазкур ҳисобварақларда ўз сармоясига киритилувчи ҳамда корхона фаолиятини молиялаш манбаи сифатида кўриб чиқиладиган ажратилган грант ва субсидияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олинади.

Пул шаклида олинган грантлар қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 5110, 5210—"Пул маблағлари"ҳисобварақлари

К-т 8810—"Грантлар".

Грантлар ҳисобига устав капиталининг ортиши қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 8810—"Грантлар";

К-т 8310, 8320, 8330 Устав капиталини ҳисобга олиш ҳисобварақлари.

Грант ажратган ташкилотнинг грант суммасини корхона устав сармоясига бадал сифатида киритиш ҳақидаги қарори зарур. Устав капиталининг ошишига ҳамда янги муассис пайдо бўлишига барча муассисларнинг розилиги ҳам керак ва таъсис ҳужжатларини қайта рўйхатдан ўтказиш лозим:

Д-т 8810—"Грантлар";

К-т 8530—"Текинга олинган мол-мулк".

Субсидияни олиш шакли уни ҳисобда акс эттириш тартибига таъсир этмайди. Активларга тегишли давлат субсидиялари қуйидагича акс эттирилади:

- активнинг фойдали хизмат муддати давомида даромад сифатида тан олинадиган мақсадли тушумлар сифатида;
- келиб тушган активнинг баланс қийматини камайтиради ҳамда амортизацияланадиган активдан фойдали фойдаланиш муддати давомида ҳисобланадиган эскиришни қисқартириш йўли билан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади.

Шунингдек, 8800—"Мақсадли тушумлар" гуруҳида қуйидаги ҳисобварақлар очилган:

8830—"Аъзолик бадаллари";

8840—"Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари".

8830—"Аъзолик бадаллари" ҳисобварағида таъсис ҳужжатлари билан белгиланган жамият аъзоларининг аъзолик бадаллари акс эттирилади. Аъзолик бадалларининг тушуми 8830—"Аъзолик бадаллари" ҳисобварағи кредити бўйича пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Солиқ солишдан озод этиш натижасида бўшаган маблағлар суммаларини мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтиришнинг ҳисоби 8840—"Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари" ҳисобварағида амалга оширилади.

Бюджетга тўловлар бўйича (турлари бўйича) қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари бўшаган маблағлар суммасига дебетланади, 8840—"Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари" ҳисобварағи кредитланади. Солиқ солишдан озод этиш натижасида бўшаган маблағлар суммалари имтиёзли давр кўрсатилган тақдирда — имтиёзли давр тугагач, қолган ҳолларда эса — ҳар йили 8840—"Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари" ҳисобварағи дебетидан 8530—"Бепул олинган мол-мулк" ҳисобварағи кредитига ҳисобдан чиқарилади.

8910—"Келгуси давр харажатлари ва тўловлар резерви" ҳисобварағи бир маромда харажат ва тўловларни ишлаб чиқариш ёки муомала харажатларига киритиш йўли билан белгиланган тартибда резерв қилинган суммалар ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни жамлаш учун қўлланилади.

Хусусан, ушбу ҳисобварақда асосий воситаларни таъмирлаш бўйича келгуси харажатлар суммасини акс эттириш мумкин. Резервнинг ҳосил бўлиши:

Д-т 2010, 2110, 2310, 2510 Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобварақлари;

К-т 8910—"Келгуси давр харажатлари ва тўловлар резерви".

Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқ бундай резервни ташкил қилиш тавсия қилинмайди, чунки корхона уни ташкил этишда ўз ҳисоботида амалга оширилмаган харажатларни акс эттиради ва фойдани камайтиради.

Тижорат корхоналари, агар ҳисоб сиёсатида бу акс эттирилган бўлса, фақат соф фойда ҳисобига резерв ташкил этишлари мумкин. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун резервдан фойдаланишда солиқ солинадиган база мазкур харажатлар суммасига камайтирилади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига резерв ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, асосан мавсумий ишлайдиган корхоналар учун рухсат этилади.

Корхоналарда ташкил этилган ушбу резервлардан асосий воситалар таъмир қилинаётганда ва бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин.

Илгари ташкил этилган резерв ҳисобидан асосий воситани капитал таъмир қилиш учун материаллар сарфланса, қуйидагича проводка берилади:

Д-т 8910—"Келгуси давр харажатлари ва тўловлар резерви";

К-т 1010—"Хом-ашё ва материаллар".

Илгари резерв қилинган суммалар бўйича ҳисоб-китоб ҳисобварақларидан харажатлар тўланса, қуйидагича ёзув қилинади:

Д-т 8910—"Келгуси давр харажатлари ва тўловлар резерви";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

Такро

1. Устав капитали деб нимага айтилади?
2. Турли мулкчилик шаклидаги корхоналарда устав капиталини шакллантириш хусусиятлари нималарда ўз ифодасини топади?
3. Устав капиталининг шаклланиши ва фойдаланилиши ҳисоби қандай ташкил қилинади?
4. Қўшилган капитал таркибига нималар киради?
5. Корхонада резерв капиталини ташкил қилишнинг қандай афзалликлари мавжуд?
6. Корхона соф фойдасидан акциядорларга дивидендлар ажратиш қай тартибда ҳисобга олиб борилади?
7. Грантлар, субсидиялар ҳамда келгуси давр харажатлари ва тўловлари резервини ҳисобга олишнинг хусусиятлари нималардан иборат?

18-боб. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ

18.1. Молиявий натижалар ҳисобининг аҳамияти ва вазифалари

Молиявий натижалар — бу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши ёки камайишидир. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисобот давридаги барча фойдалар ва зарарларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш корхоналар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, уларни юзага келган янги иқтисодий муносабатлар шароитида ривожланишини таъминлаш, мамлакатда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш корхоналарнинг молиявий барқарорлигига узвий боғлиқ. Корхоналарнинг молиявий жиҳатдан барқарор бўлиши уларнинг фаолияти давомида олган фойдасининг тўғри шаклланти-рилиши билан боғлиқ. Чунки корхоналарда фойда шу ерда ишловчиларнинг моддий таъминланишининг, корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришнинг, ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларини ва янги технологияларни жорий қилиш каби ишларнинг асосий моддий манбаси ҳисобланади.

Фойда моддий ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркорлик фаолияти жараёнида яратилади. Ишлаб чиқариш омиллари (меҳнат, капитал ва табиий ресурслар) ва хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдали ишлаб чиқариш фаолияти бирикиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқарилади, у истеъмолга сотилганда, товар бўлиб ҳисобланади.

Товар-пул муносабатлари шароитида корхона даражасида соф даромад фойда шаклини олади. Товарлар бозорида корхоналар нисбатан алоҳида товар ишлаб чиқарувчи бўлиб майдонга чиқадилар. Бозорда маҳсулотга нарх белгилаб, уни истеъмолчиларга сотадилар.

Сотиш натижасида улар пул тушумини оладилар, бу эса даромад олинганлигини англатади. Молиявий натижани аниқлаш учун тушумни маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажат билан таққослаш керак.

Агар тушум харажатлардан юқори бўлса, молиявий натижа фойда олинганлигидан далолат беради. Тадбиркор доимо фойда олишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди, лекин бунга доим ҳам эриша олмайди. Агар тушум харажатларга тенг бўлса, унда фақат маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари қопланган бўлади, холос. Бунда зарар кўрилмайди, лекин ишлаб чиқариш, илмий-техник ва ижтимоий ривожланишнинг манбаи сифатидаги фойда ҳам олинмайди.

Агар корхона харажатлари тушумидан кўп бўлса, у зарар кўради, яъни салбий молиявий натижага эришади. Бу ҳолат уни анча мураккаб молиявий аҳволга солиб қўяди.

Фойдани бозор муносабатларининг ўта муҳим тоифаси сифатида талқин этиш мумкин.

1. Фойда корхона фаолияти натижасида олинган иқтисодий самарани характерлайди. Лекин ягона фойда кўрсаткичи ёрдамида корхона фаолиятининг барча томонларини баҳолаб бўлмайди. Бундай универсал кўрсаткичнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Айнан шунинг учун корхонанинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятини ташкил қилишда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Фойданинг аҳамияти шундан иборатки, у якуний молиявий натижани акс эттиради, шу билан бирга унинг миқдори ва ўзгаришга корхонанинг харажатларига боғлиқ бўлган ҳамда боғлиқ бўлмаган омиллар таъсир қилади. Фойда рағбатлантирувчи функциясини бажаради. Бунинг мазмуни шундан иборатки, фойда бир вақтнинг ўзида молиявий натижа ва корхона молиявий ресурсларининг асосий элементи ҳисобланади. Ўз-ўзини молиялаштириш тамойилининг реал таъминланиши олинган фойда билан белгиланади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришни, корхонанинг илмий-техник ва ижтимоий ривожланишини, ходимларни моддий рағбатлантиришни молиялаштириш учун етарли бўлиши керак.

2. Фойда турли даражадаги бюджетларни рағбатлантириш манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. У солиқлар кўринишида бюджетларга келиб тушади ва бошқа даромад тушумлари билан бир қаторда ижтимоий эҳтиёжларни қондиришни молиялаштириш, давлат томонидан ўз фаолиятини бажаришни таъминлаш, давлатнинг инвестиция, ишлаб чиқариш, илмий-техник ва ижтимоий дастурларини амалга ошириш учун ишлатилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фойданинг аҳамияти жуда катта. Фойда олишга интилиш товар ишлаб чиқарувчиларни истеъмолига керак бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга, ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни камайтиришга ундайди. Эркин рақобат шароитида бу орқали нафақат тадбиркорларнинг мақсадига, балки ижтимоий эҳтиёжлар қондирилишига ҳам эришилади. Зарарларнинг ҳам ўз ўрни бор. Улар маблағларни йўналтиришда, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда ва маҳсулотни сотишдаги хатоларни ёритиб беради.

Фойдага иқтисодий тоифа сифатида қараганда, у ҳақда абстракт ҳолда гапирилади. Лекин корхонанинг хўжалик ва молиявий фаолиятини режалаштиришда ҳамда баҳолашда, корхона ихтиёрида қолган фойдани тақсимлашда фойданинг аниқ кўрсаткичлари ишлатилади. Фойда бу корхонанинг маҳсулот сотишдан олинган фойдаси (зарари) билан маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлмаган фойдалари (зарарлари) йиғиндисидир. Маҳсулот сотиш дейилганда, нафақат, натурал-моддий шаклга эга бўлган ишлаб чиқарилган товарларни сотиш, балки ишларни бажариш, хизматлар, кўрсатиш ҳам тушунилади. Охирги молиявий натижа сифатида фойда корхонанинг барча хўжалик операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва баланс моддаларини баҳолаш асосида аниқланади. Фойда атамасининг ишлатилиши шу билан боғлиқки, корхона ишининг якуний молиявий натижаси унинг чорак, йил якуни бўйича тузиладиган балансида акс этади.

Молиявий натижаларни бухгалтерияда ҳисобга олишнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

♦ молиявий натижаларнинг шаклланиши тўғри эканлигини ўрганиш;

♦ олинган фойда миқдорини ҳар ойда ҳамда йил бошидан ўз вақтида ва тўғри ҳисоб-китоб қилиш;

♦ молиявий натижалар билан боғлиқ операцияларни ва уларнинг тақсимланишини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида ва тегишли регистрларда тўғри акс эттириш.

18.2. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва тақсимланиши

Корхона томонидан олинадиган фойданинг таркибини аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки қайси фаолият туридан корхона фойда олаётганлиги ва қайси фаолият туридан зарар кўраётганлигини билиш корхонанинг молиявий-иқтисодий барқарорлигига ҳам ўзининг таъсирини ўтказади.

Фойданинг қуйидаги турлари бор:

1. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда;
2. Асосий фаолиятидан олинган бошқа фойда (операцион фойда);
3. Молиявий фаолиятдан олинган фойда;
4. Фавқулодда олинган фойда;

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари билан таснифланади:

♦ маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тавофут сифатида аниқланади:

$$ЯФ = ССТ — ИТ$$

бунда, ЯФ — ялпи фойда; ССТ — сотишдан олинган соф тушум; ИТ — сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;

♦ асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

$$АФФ = ЯФ — ДХ + БД — БЗ,$$

бунда, АФФ — асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ — давр харажатлари; БД — асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ — асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар;

♦ хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарарлар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$УФ = АФФ+МД—МХ,$$

бунда, УФ — умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда; МД — молиявий фаолиятдан олинган даромадлар; МХ — молиявий фаолият харажатлари;

♦ солиқ тўлагунгача олинган фойда, у умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятларда кўрилган фойда ва минус фавқулодда зарар сифатида аниқланади:

$$СТФ = УФ+ФП—ФЗ,$$

бунда, СТФ — солиқ тўлагунгача олинган фойда; ФП — фавқулодда вазиятлардан олинган фойда; ФЗ — фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар;

♦ йилнинг соф фойдаси, у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида даромад (фойда)дан тўланадиган солиқни ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$СФ = СТФ—ДС—БС,$$

бунда, СФ — соф фойда; ДС — даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ; БС — бошқа солиқлар ва тўловлар.

Фойданинг тақсимланиши деганда унинг истеъмол ва жамғаришга йўналтирилиши, жорий давр фойдасининг солиқлар тўлови, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва захиралашга ҳамда капитал эгалари ўртасидаги шартлар, келишувларга биноан тақсимланиши тушунилади.

Фойда қуйидагича тақсимланади:

♦ солиқ қонунчилигига мувофиқ давлат бюджетига солиқлар, йиғимлар ва тўловларга;

♦ ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва захиралашга;

♦ акция ва капитал эгаларига дивидендлар тўлашга.

Корхона ўзининг ҳисоб фойдасидан, аввало, давлат олдида ҳисоб беради ва ўзининг ихтиёрида ҳамда тасарруфида бўлган фойда суммасини аниқлайди. Фойдадан олинган солиқлар қатъий ставкаларда ва фоизларда ундирилади. Ҳисоб фойдасининг қолган қисми корхона соф фойдаси сифатида унинг эркин белгиловига (акционерлар умумий йиғилишининг қарори ва ички низомига) мувофиқ тақсимланади.

Соф фойдадан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга оид сарфлар акционерларнинг умумий йиғилишида ҳисоб бериш ҳамда уларнинг розилигини олиш асосида белгиланади.

Соф фойданинг қолган қисми чиқарилган акцияларнинг турига қараб ва уларнинг имтиёзли шартлари асосида тақсимланади. Дастлаб имтиёзли акция эгаларига олдиндан кафолатланган фоизларда тўловлар ҳисобга олинади, сўнгра оддий акция эгаларига дивиденд фоизлари ва суммалари эълон қилинади. Фойданинг тақсимланмаган қисми корхона учун тақсимланмаган фойда сифатида, агар корхона ночор аҳволда бўлса, қопланмаган зарар сифатида кейинги ҳисобот йилига ўтказилади.

18.3. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда (зарар) ҳисоби

Маҳсулот (иш хизматлар)ни сотишдан олинган ялпи фойда корхонада яратилган фойдани ифодалайди. Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойдани топиш учун маҳсулотни сотишдан тушган соф тушумлардан шу сотилган маҳсулот таннархини чегириб ташлаш керак, ўз навбатида, маҳсулот сотишдан тушган соф тушумни топиш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан кейин келган тушумдан қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, қайтарилган товарлар қиймати, харидорга берилган скидкалар (чегирмалар) айириб ташланади. Маҳсулотни экспорт қилувчи корхоналар экспорт тарифларини ҳам чегириб ташлайдилар. Маҳсулотни сотишдан келадиган тушум эса Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунига асосан аниқланади.

Демак, маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда маҳсулот сотишдан тушган соф тушум билан сотилган маҳсулот таннархи орасидаги фарққа тенг. Бу фарқ ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ижобий фарқ фойда сифатида, салбий фарқ эса зарар сифатида эътироф этилади.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушумни ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳисобварақлар очилган:

9010—"Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромад";

9020—"Товарларни сотишдан олинган даромад";

9030—"Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар";

9040—"Сотилган товарларнинг қайтарилиши";

9050—"Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар".

Юқоридаги ҳисобварақларда корхонанинг асосий фаолиятидан олинган соф тушуми сифатида қуйидагилар акс эттирилади:

- саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар корхоналарининг ишлаб чиқарган тайёр маҳсулоти ва ярим тайёр маҳсулотларини сотишдан олинган даромадлар;
- саноат тусидаги иш ва хизматлар;
- саноат характерига эга бўлмаган иш ва хизматлар;
- сотиб олинган буюмлар;
- қурилиш-монтаж, лойиҳа-қидирув, геолог-разведка, илмий-тадқиқот ишларини сотишдан олинган даромадлар;
- савдо ва таъминот ташкилотларининг товарларни сотишдан олинган даромадлари;
- транспорт корхоналарининг йўловчи ва юкларни ташиши бўйича хизматлари;
- енгил автомобилларни ижарага бериш ва автомашиналарни ҳайдаб олиб бориш хизматлари;
- алоқа корхоналарининг хизматлари ва бошқалар.

9010—"Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар", 9020—"Товарларни сотишдан олинган даромадлар", 9030—"Бажарилган иш ва кўрсатилган хиз-

матлардан олинган даромадлар" ҳисобварақларининг кредитида корхонанинг асосий фаолиятидан (маҳсулот сотиш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш) олинган даромадлар акс эттирилади ва 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар", 4110—"Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар" ҳамда пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебети билан ўзаро корреспонденцияда бўлади. Олдинги даврда олинган, аммо ҳисобот йилига тегишли бўлган даромадлар (бўнак) суммасига пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар дебетланиб, 6210—"Муддати узайтирилган даромад" ёки 6310—"Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар" ҳисобварақлари кредитланади.

9040—"Сотилган товарларнинг қайтарилиши" ва 9050—"Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар" ҳисобварақлари контрпассив ҳисобварақ бўлиб, 9010, 9020, 9030-ҳисобварақлар суммасини корректировка қилиб туради. 9040-ҳисобварақнинг дебет оборотти маҳсулот сотишдан тушган тушум суммасидан чиқариб ташланади.

Сотилган маҳсулотнинг қайтариб олинишига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9040—"Сотилган маҳсулотнинг қайтарилиши";

К-т Пул маблағлари ҳисобварақлари.

Қайтариб олинган маҳсулот ва товарларнинг таннархига қизил сторно ёзуви орқали қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9110, 9120, 9130-ҳисобварақлар;

К-т 2810, 2910, 2920-ҳисобварақлар.

Қайтариб олинган маҳсулот ва товарлар бўйича ҳисобланган ҚҚС суммасига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

Ҳисобот даври охирида 9040-ҳисобварақнинг дебет сальдоси якуний молиявий натижага ўтказилади:

Д-т 9900—"Якуний молиявий натижа";

К-т 9040—"Сотилган товарларнинг қайтарилиши".

9050—"Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар" ҳисобварағида тайёр маҳсулот ва товарлар қийматидан харидор ва буюртмачиларга берилган че-

гирмалар ҳисобга олинади. Харидор ва буюртмачиларга чегирмалар берилганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9050—"Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар";

К-т 4010, 4110—ҳисобварақлар.

Ҳисобот даври охирида 9050—ҳисобварақнинг дебет сальдоси якуний молиявий натижага ўтказилади:

Д-т 9900—"Якуний молиявий натижа";

К-т 9050—"Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар".

Сотилган тайёр маҳсулот, товарлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар таннархи тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги ҳисобварақларда акс эттирилади:

9110—"Сотилган маҳсулот таннархи";

9120—"Сотилган товарлар таннархи";

9130—"Сотилган иш ва хизматлар таннархи";

9140—"Даврий ҳисобда ТМЗларни харид қилиш ва сотиш";

9150—"Даврий ҳисобда ТМЗлар баҳосига тузатишлар".

Ушбу ҳисобварақларнинг дебети кўпайишни, кредити камайишни кўрсатади. 9110, 9120, 9130-ҳисобварақлар транзит бўлиб, ҳисобот даврининг бошига қолдиқ қолмайди.

Сотилган тайёр маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар таннархи 9110, 9120, 9130-ҳисобварақларнинг дебети ва 2010—"Асосий ишлаб чиқариш", 2810—"Омбордаги тайёр маҳсулот", 2910—"Омбордаги товарлар" ҳисобварақларининг кредити билан ўзаро корреспонденцияда акс эттирилади.

Ой охирида маҳсулот, иш ва хизматларнинг ҳақиқий таннархи билан режа таннархи орасидаги фарқи тегишли ҳисобварақларга ўтказилади. Бунда қуйидагича проводкалар берилади:

Д-т 2810, 2820—ҳисобварақлар — тайёр маҳсулотга тегишли фарқ суммасига;

Д-т 9110, 9130—ҳисобварақлар — сотилган маҳсулот, ишлар ва хизматларга тегишли фарқ суммасига;

К-т 2010, 2310—ҳисобварақлар.

Агар ушбу фарқ суммаси ортиқча қилинган харажатни кўрсатса, юқоридаги проводкалар берилади. Агарда тежалган суммани кўрсатса, ушбу проводкалар қизил

сторно ёзуви орқали режа таннарх ҳақиқий таннархга етказиб қуйилади.

Ҳисобот даври охирида 9110, 9120, 9130-ҳисобварақларнинг дебет оборотларидаги суммалар якуний молиявий натижага ўтказилади:

Д-т 9900—"Якуний молиявий натижа";

К-т 9110, 9120, 9130—ҳисобварақлар.

Демак, 9900—"Якуний молиявий натижа" ҳисобварағининг дебетида сотилган маҳсулот, иш ва хизматларнинг ҳақиқий таннархи, кредитида эса маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан тушган соф тушум акс эттирилади. Ушбу муомалалар бўйича 9900-ҳисобварақнинг дебет ва кредит оборотларининг фарқи орқали маҳсулот, иш, хизматларни сотишдан олинган ялпи фойда (зарар) аниқланади.

18.4. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинадиган бошқа даромадларга қуйидагилар киради:

- ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган қарзлар ва хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун бошқа хил жазо жарималари, шунингдек етказилган зарарларни ундириш бўйича даромадлар;
- ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда;
- ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан рента даромади, хўжалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан даромадлар сифатидаги кирим қилинган бошқа даромадлар;
- хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фондларини ва бошқа мол-мулкларини сотишдан олинган даромадлар;
- даъво муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;
- товар-моддий бойликларни қайта баҳолаш;
- давлат субсидияларидан даромадлар;
- холисона молиявий ёрдам;

♦ бошқа муомала даромадлари.

Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар қуйидаги ҳисобварақларда акс эттирилади:

9310—"Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимдан олинган фойда";

9320—"Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимдан олинган фойда";

9330—"Ундирилган жарима, боқиманда ва бурдсизликлар";

9340—"Ўтган йил фойдаси";

9350—"Оператив лизингдан олинган даромад";

9360—"Кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар";

9370—"Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг даромадлари";

9380—"Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам";

9390—"Бошқа операцион даромадлар".

Ушбу ҳисобварақлар транзит ҳисобланади. Юқоридаги ҳисобварақларнинг кредит оборотн фойда (даромад)нинг кўпайишини, дебет обороти эса уларнинг ҳисобдан чиқарилишини кўрсатади.

9300—"Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар" ҳисобварағи бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси

Т.р.	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1.	Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимдан олинган фойданинг акс эттирилиши	9210	9310
2.	Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимдан олинган фойданинг акс эттирилиши	9220	9320
3.	Шартнома шартларини бузганлиги учун ундирилган боқиманда, жарима ва бурдсизликларнинг акс эттирилиши	4860	9330
4.	Харидорларга олдинги йилларда жўнатилган маҳсулот бўйича қайтадан ҳисоблаш натижасида ҳисобот йилида олинган фойданинг акс эттирилиши	4010	9340
5.	Даъво муддати ўтган кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан	6910-6990	9360

	чиқаришдан олинган фойданинг акс эттирилиши	6720	
6.	Қайтарилмайдиган пул маблағларининг кирим қилиниши	5110-5120	9380
7.	Товарлар ва тайёр маҳсулот ортиқчалигининг аниқланиши	2810, 2910	9390
8.	Мулкий суғурта органлари томонидан суғурта тўловларининг тушиши	6510	9390
9.	Ҳисобот даври охирида асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларнинг якуний молиявий натижага ўтказилиши	9310, 9320, 9330, 9340, 9350, 9360, 9370, 9380, 9390	9900

18.5. Давр харажатлари ҳисоби

Давр харажатлари таркибига корхона ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар киради. Булар жумласига бошқарув, тижорат билан боғлиқ харажатлар, шунингдек умумхўжалик харажатлари, жумладан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича харажатлар ҳам киради. Бу харажатлар корхона асосий фаолияти ва маҳсулот сотиш билан боғлиқ бўлмаганлиги, лекин маълум бир жараёнларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлганлиги учун улар операцион харажатлар, умумий ва маъмурий харажатлар дейилади. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига боғлиқ бўлмагани, ва аксинча, вақт билан, хўжалик фаолиятининг давомийлиги билан боғлиқ бўлгани сабабли улар ***давр харажатлари*** деб юритилади.

Маҳсулот сотиш, маъмурий харажатлар, хизмат кўрсатувчи хўжаликлар харажатлари, бошқа операцион харажатлар давр харажатлари таркибига киритилади.

Ҳисобварақлар режасига биноан давр харажатлари қуйидаги ҳисобварақларда акс эттирилади:

9410—"Сотиш харажатлари";

9420—"Маъмурий харажатлар";

9430—"Бошқа операцион харажатлар";
9440—"Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари".

Низомга биноан сотиш харажатлари таркибига қуйидагилар киритилади:

- темир йўл, сув, автомобиль, от-уловда ташиш харажатлари ҳамда транспорт воситалари бекор туриб қолганлиги учун тўланган жарималар;
- савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг харажатлари;
- маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари (маъмурий-бошқарув ходимларидан ташқари);
- уларнинг ижтимоий суғурта ажратмалари;
- савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва хоналарни ижарага олиш, сақлаш ва тузатиш харажатлари;
- асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;
- санитария кийим-бошн, ошхона дастурхон ва сочиқлари, ошхона идиш-товоғи ва анжомларининг эскириши;
- газ, ёқилғи, электр энергияси харажатлари;
- товарларни сақлаш, уларга ишлов бериш ва уларни сортларга ажратиш харажатлари;
- савдо рекламаси харажатлари;
- ташиш, сақлаш ва сотиш чоғида товарларнинг норма доирасида ва ундан ортиқча йўқотилиши;
- ўраш-жойлаш материаллари харажатлари;
- мол-мулкни мажбурий суғурта қилиш харажатлари;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги харажатлари;
- вентиляторлар, машиналар ва уларнинг ҳаракатланувчи қисмларини ўрнатиш ва сақлаш, туйнуклар, ўйиқлар ва бошқаларнинг атрофини ўраш бўйича жорий (номукаммал тусдаги) харажатлар;
- махсус кийим-бош ва пойафзални ювиш ва тузатишга материаллар қиймати;
- умумий овқатланиш ва савдо ходимлари тиббий кўрикдан ўтказилганлиги учун тиббиёт муассасаларига ҳақ тўлаш;

♦ касса хўжалигини ва тушум инкассациясини юритиш чиқимлари;

♦ умумий овқатланиш корхоналарида қоғоз салфеткалар, қоғоз дастурхонлар, қоғоз стаканлар ва тарелкалар, бир марта фойдаланиладиган анжомлар қиймати;

♦ сотиш бозорларини ўрганиш бўйича белгиланган нормативлар доирасида ва ундан ортиқча харажатлар (маркетингга, рекламага сарфланган харажатлар);

♦ илгариги иш жой бўйича лавозим оклад миқдорини сақлаган ҳолда бошқа ташкилотлар, корхоналардан, шунингдек, вақтинчалик ўриндошлик бўйича ходимларга тўланадиган окладлардаги фарқ;

♦ совун, аптека дори-дармон воситаларининг қиймати;

♦ солиқлар (ер учун, мулк учун, автотранспорт воситалари учун);

♦ умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлашга ва таъмирлашга ажратмалар;

♦ банк хизматларига тўловлар.

Юқорида келтирилган харажатлар 9410—"Сотиш бўйича харажатлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ транзит ҳисоварақ бўлиб, қайси давр бўлмасин унинг ой бошида қолдиқ суммаси бўлмайди. Ҳисобварақнинг дебет томонида товарларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар кўрсатилса, кредит томонида ушбу харажатларни ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Бу сумма фойданинг камайишига олиб келади, яъни фойда ҳисобидан қопланади.

9410—"Сотиш бўйича харажатлар" ҳисобварағининг аналитик ҳисоби 15-сонли қайдномада харажатларнинг дебет ва кредит обороти кўрсатилади. Дебет оборотининг жами суммаси №1, 2, 7, 10/1-журнал ордерларда акс эттирилса, кредит бўйича оборот суммалари эса № 11-журнал-ордерида акс эттирилади.

Корхоналар ишини олиб бориш, уюштириш ва бошқариш тегишли харажатларни талаб қилади. Ҳар бир корхона бундай харажатларни қоплаш учун тегишли ажратмалар қилади ва бу ажратмалар 9420—"Маъмурий (бошқарув) харажатлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Унга қуйидаги харажатлар киради:

♦ бошқарув ходимларига тегишли бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

♦ бошқарув ходимларига тегишли ижтимоий суғурта ажратмалари;

♦ хизмат енгил автотранспорти ва хизмат микроавтобусини сақлаш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари;

♦ хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва уларни бошқариш харажатлари;

♦ бошқарувнинг техник воситалари, алоқа узеллари, сигнализация воситалари, ҳисоблаш марказларини ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган бошқарувнинг бошқа техник воситаларини сақлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

♦ ижара, хизматлар кўрсатилгани учун алоқа узелларига ҳақ тўлаш (АТС, уяли, йўлдош, пейжинг алоқа);

♦ шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари учун белгиланган нормативлар доирасида ва улардан ортиқча ҳақ тўлаш;

♦ маъмурий бошқарув эҳтиёжлари учун бинолар ва хоналар ижараси учун ҳақ тўлаш;

♦ маъмурий аҳамиятга эга бўлган асосий воситаларни сақлаш ва уларни тузатиш, шунингдек эскириш харажатлари;

♦ юқори ташкилотлар ва юридик шахслар бирлашмалар: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернларга ва бошқа харажатларга ажратмалар;

♦ ходимларни ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган мол-мулкни мажбурий суғурта қилиш;

♦ бошқарув ходимларини хизмат сафарларига юбориш бўйича белгиланган нормалар доирасида ва ундан ортиқча харажатлар;

♦ белгиланган нормалар доирасида ва ундан ортиқча миқдордаги вакиллик харажатлари;

♦ умумий овқатланиш корхоналари ва бошқаларга биноларни текин бериш ва коммунал хизматлар қийматига ҳақ тўлаш харажатлари;

♦ бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлмаган, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига эга бўлган жамғармаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар, шу жумладан йўл

қўйиладиган нормалар доирасида ва улардан ортиқча ифлослантирувчи моддаларнинг атроф-муҳитга чиқарилганлиги (ташланганлиги) учун тўловлар.

Бошқа операцион харажатларга қуйидагилар киради:

♦ янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектда ишлаш учун мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари, нормалар доирасида ва улардан ортиқча мутахассислар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бундан мустасно;

♦ лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларида чала ишларни бартараф этиш харажатларини қоплаш, шунингдек объект қошидаги омборгача транспортда ташиш чоғидаги шикастланишлар ва бузилишлар, коррозияга қарши ҳимоя нуқсонлари туфайли келиб чиққан тафтиш харажатлари (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) ва шунга ўхшаш бошқа харажатлар етказиб бериш ва ишларни бажариш шартларини бузган юридик шахслар ҳисобига мазкур харажатлар чала ишлар, шикастланиш ёки зарар кўриш учун жавобгар бўлган етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ундирилиши мумкин бўлмаган даражада амалга оширилади;

♦ маслаҳат ва ахборот хизматларига ҳақ тўлаш;

♦ аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектнинг қатнашчиларидан (мулкдорлардан) бирининг ташаббуси бўйича ўтказиладиган аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш;

♦ ўзининг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларини асрашдан кўрилган зарарлар;

♦ саломатликни муҳофаза қилиш ва ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашуви билан боғлиқ бўлмаган дам олишларни ташкил этиш тадбирлари;

♦ хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишлар (хизматлар)ни (шаҳар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам бериш ва бошқа хил ишларни) бажариш харажатлари;

♦ компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар;

♦ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига кўра компенсация тўловлари;

♦ бир йўла тўланадиган мукофотлар ва тақдирлашлар, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг қарорига кўра кўп йиллик хизмати учун ҳақ тўлаш (натурадаги тўловлар ҳам шу жумлага киради), шунингдек, улар бўйича ижтимоий жамғармаларга ўтказилган суммалар;

♦ қонун ҳужжатларига ёки хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг қарорига мувофиқ мажбурий ишга келмаган вақти ёки паст ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш;

♦ вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотган тақдирда қонун ҳужжатлари билан белгиланган, ҳақиқий иш ҳақи миқдоригача қўшимча ҳақ;

♦ асосий иш жойи хўжалик ишчиларига, хўжалик юритувчи субъект ишчи ва мутахассисларига улар ишдан ажраган ҳолда малака ошириш ва мутахассисларни қайта тайёрлаш тизимида ўқиган вақтда иш ҳақи тўлаш;

♦ икки ва ундан кўп болалари ёки ўн олти ёшгача ногирон боласи бўлган аёлларга қонунчиликка мувофиқ қўшимча меҳнат таътили ҳақини тўлаш;

♦ ходимларга товарлар, маҳсулотлар ва бошқа нарсаларни бепул бериш ёки ходимлар учун ишлар, хизматларни бажариш;

♦ ходимларнинг (овқатланиши, йўл кираси, даволаниш ва дам олишга, экскурсия ва саёҳатларга йўлланмалари, спорт секцияларида, тўгаракларда, клублардаги машғулотлари, маданий-кўнгилочар ва жисмоний тарбия (спорт) тадбирларига қатнашиши, ходимларнинг шахсий обунаси ва истеъмоли ҳамда бошқа шунга ўхшаш тўловлари) харажатларини қоплаш;

♦ иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар;

♦ қонунчиликка мувофиқ болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақани тўлаш бўйича харажатлар;

♦ пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бир йўла тўланадиган нафақалар;

♦ амалдаги қонунчиликка мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлардан уларнинг қайта ташкил этилиши, ходимлар ва штатлар сонининг қисқариши муносабати билан бўшаб қоладиган ходимларга тўловлар;

♦ ходимларга тўланадиган моддий ёрдам;

♦ соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, соғломлаштириш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, шунингдек уй-жой фонди объектлари таъминотига (шу жумладан барча турдаги таъмирлаш ишларини ўтказишга амортизация ажратмалари ва харажатларни ҳам қўшган ҳолда) жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган нормативлар доирасидаги ва улардан ортиқча харажатлар;

♦ вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини сақлаш харажатлари (бошқа манбалар ҳисобига қопланадиган харажатлардан ташқари);

♦ банк ва депозитарий хизматларига тўловлар;

♦ экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармаларига, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига бадаллар;

♦ бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланадиган ва хўжалик юритувчи субъект харажатларига қўшиладиган махсус бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар;

♦ зарарлар, жарималар, пенялар:

♦ бекор қилинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича йўқотишлар;

♦ моддий бойликларнинг табиий йўқолиши нормалари доирасидаги ва нормаларидан кўпроқ, бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлмаган йўқотишлар ҳамда камомадлар;

♦ ишлаб чиқариш захираларини ва тайёр маҳсулотни энг паст баҳолаш усули ёки сотишнинг соф қиймати бўйича қайта баҳолаш ёки баҳосини пасайтириш натижасидаги зарарлар;

♦ идишларга доир муомалалар бўйича зарарлар;

♦ суд харажатлари;

♦ тўланиши шубҳали қарзлар бўйича захирага ажратмалар;

♦ қонунчиликка мувофиқ даъво билдириш муддати ўтган ва ундирилиши нореал бўлган бошқа қарзлар

бўйича дебиторлик қарзларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар, шунингдек қонунчиликка мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар билан ҳисоблашишлар бўйича тўланиши шубҳали қарзларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар;

♦ ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар операциялар бўйича кўрилган зарарлар;

♦ табиий офатлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулотлар ва бошқа моддий бойликларнинг нобуд бўлиши ва бузилиши, ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва бошқалар туфайли йўқотишлар) туфайли кўрилган қопланмайдиган йўқотишлар ва зарарлар, шу жумладан табиий офатлар оқибатларининг олдини олиш ёки оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар;

♦ айбдорлари аниқланмаган камомадлардан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммани ундириш мумкин бўлмаган ҳолларда кўрилган зарарлар.

♦ хўжалик юритувчи субъект томонидан уч ва ундан кўп йил мобайнида ишлатилган асосий воситаларни сотишдан кўрилган зарарлар, хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа мулкини (активларни) сотишдан кўрилган зарарлар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари бошқа мулклари (активлари)нинг ҳисобдан чиқарилиши, текин берилиши ва бошқача йўқотишларидан кўрилган зарарлар;

♦ хўжалик шартномалари шартларининг, шу жумладан маҳсулотни етказиб берувчилар ва дебиторлар айби билан бузилганлиги учун белгиланган ёки эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган тўловлар ва бошқа хил чоралар, шунингдек етказилган зарарларни тўлаш бўйича харажатлар;

♦ солиқ қонуни ва бошқа қонунларни бузганлик учун жарима ва пенялар;

♦ тўланган бошқа жарималар;

♦ бошқа харажатлар.

Юқоридаги келтириб ўтилган харажатлар 9430—"Бошқа операцион харажатлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

9440—"Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари" ҳисобварағида ҳисобот даврида солиққа тортиладиган базадан

чегирилмайдиган, аммо ушбу тадбирларни амалга ошириш учун қилинган харажатларни режалаштирилган самарага эришилган ҳолда, келгуси ҳисобот даврларида солиққа тортиладиган базадан камайтириладиган харажатлар ҳисобга олинади.

Ҳисобот даври охирида 9440-ҳисобварақнинг дебетида йиғилган харажатлар 9900—"Якуний молиявий натижа" ҳисобварағига ўтказилади. 9440-ҳисобварақнинг дебетида ҳисобга олинган харажатлар балансдан ташқари 010—"Вақтли тафовутлар бўйича харажатлар" ҳисобварағида йиғиб борилади. Содир булган муомалалар суммасига 9440-ҳисобварақнинг дебети билан бирга, 010-ҳисобварақда ҳам ёзиб борилади. 010-ҳисобварақнинг чиқимига ҳисобга олинган харажатлар бу тадбир учун сарфланган харажат ва ундан олинадиган самара муддатига қараб, тузилган махсус комиссия расчётига асосан ҳисобдан чиқарилганда ёзилади.

9400-"Давр харажатлари" ҳисобварағи бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			кредит
1.	Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ транспорт харажатларнинг акс эттирилиши	9410	6990
2.	Реклама ва маркетинг харажатларининг акс эттирилиши	9410	6990
3.	Бошқарув ходимларига иш ҳақи ҳисобланиши	9420	6710
4.	Умуммаъмурий аҳамиятдаги асосий воситаларга эскириш ҳисобланиши	9420	0210-0299
5.	Умуммаъмурий фойдаланиш учун материаллар сарфланиши	9420	1010-1090
6.	Аудиторлик хизматига тўловларнинг акс эттирилиши	9420	6990
7.	Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши бўйича зарарнинг акс эттирилиши	9430	9210
8.	Солиқ органларининг қарорига биноан жарима ҳисобланилиши	9430	6410

9.	Шартнома шартларини бузганлик учун жарима ҳисобланилиши	9430	6960
10.	Ҳисобот даври охирида давр харажатларининг якуний молиявий натижага ўтказилиши	9900	9410, 9420, 9430, 9440,

18.6. Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар ҳисоби

"Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом"га биноан молиявий фаолиятдан олинадиган даромадларга қуйидагилар киради:

♦ олинган роялтилар ва сармоя трансферти;

♦ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;

♦ мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш);

♦ валюта счётлари, шунингдек чет эл валюталаридаги муомалалари бўйича ижобий курс тафовутлари;

♦ сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар.

Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар солиққа тортишда ялпи даромадга киритилмайди.

Молиявий фаолият бўйича даромадлар ҳисоби "Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар" номли 2-сон БҲМА, "Лизинг ҳисоби" номли 6-сон БҲМА, "Молиявий инвестициялар ҳисоби" номли 12-сон БҲМАлар билан тартибга солинади.

Молиявий фаолият бўйича олинадиган даромадлар учун қуйидаги ҳисобварақлар очилиши мумкин:

9510—"Роялтидан олинган даромадлар";

9520—"Дивидендлар кўринишидаги даромадлар";

9530—"Фоиз кўринишидаги даромадлар";

9540—"Курс фарқларидан олинган даромадлар" ;

9550—"Молияланадиган лизингдан олинадиган даромадлар";

9560—"Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар";

9590—"Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар".

Ушбу ҳисобварақлар транзит бўлиб, пассив характерга эга. Уларнинг кредит оборотида тегишли манбалар ҳисобидан молиявий фойданинг кўпайиши, дебет оборотида эса уларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

9510—"Роялтидан олинган даромадлар" ҳисобварағида роялти ва капитал трансферти бўйича олинган даромадлар акс эттирилади.

Роялтидан олинган даромадларга қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4850—"Роялти бўйича олишга тегишли счётлар";

К-т 9510—"Роялтидан олинган даромадлар".

9520—"Дивидендлар кўринишидаги даромадлар" ҳисобварағида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет элларда улуш қўшиш йўли билан бошқа корхоналар фаолиятида қатнашишдан олинган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар акс эттирилади.

Дивидендлар бўйича олинадиган даромадларга қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4840—"Олинадиган дивидендлар";

К-т 9520—"Дивидендлар кўринишидаги даромадлар".

9530—"Фоизлар кўринишидаги даромадлар" ҳисобварағида узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар акс эттирилади. Фоизлар ҳисобланганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4830—"Олинадиган фоизлар";

К-т 9530—"Фоизлар кўринишидаги даромадлар".

9540—"Курс фарқларидан олинган даромадлар" ҳисобварағида валюта счётлари, шунингдек хорижий валюта муомалалари бўйича ижобий курс фарқларидан олинган даромадлар акс эттирилади.

9550—"Молияланадиган лизингдан даромадлар" ҳисобварағида мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромад акс эттирилади.

Молияланадиган лизинг бўйича жорий йилда оли-

надиган даромад суммасига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 6230—"Муддати узайтирилган даромад" — жорий қисми;

К-т 9550—"Молияланадиган лизингдан даромадлар";

Молиявий лизинг бўйича асосий воситаларни ижарага беришдан олинган даромад суммасига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 7290—"Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар";

К-т 9550—"Молияланадиган лизингдан даромадлар".

Узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар бўйича қимматли қоғозларнинг номинал қийматидан ортиқ баҳоланган фарқ суммасига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 0610, 5810;

К-т 9590—"Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар".

9590—ҳисобварақда молиявий фаолиятнинг бошқа турларидан олинган фойда акс эттирилади.

Ҳисобот даври якунида 9510, 9520, 9530, 9540, 9550, 9560, 9590-ҳисобварақларнинг кредит оборотидаги суммалар якуний молиявий натижага ўтказилади.

18.7. Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоби

Молиявий фаолият бўйича харажатларга қуйидагилар киради:

♦ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган ҳисоб ставкалари даражасида ва улардан ортиқча олинган қисқа муддатли ҳамда узоқ муддатли кредитлар бўйича, шу жумладан тўлов муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича тўловлар.

♦ Мулкни узоқ муддатли ижарага олиш (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлар.

♦ Чет эл валютаси билан муомалалар бўйича салбий курс тафовутларидан зарарлар.

♦ Сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар.

♦ Ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар.

♦ Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар, шу жумладан салбий дисконт.

Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобда акс эттириш учун қуйидаги ҳисобварақлар очилган:

9610—"Фоизлар кўринишидаги харажатлар";

9620—"Курс фарқларидан зарарлар";

9630—"Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар";

9690—"Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар".

Ушбу ҳисобварақлар транзит бўлиб, актив ҳисобварақ характерига эга. Уларнинг дебет оборотлари содир бўлган молиявий харажатларни, кредит обороти эса уларнинг ҳисобдан чиқарилишини кўрсатади.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоби "Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар" номли 2-сон БҲМА, "Лизинг ҳисоби" номли 6-сон БҲМА, "Молиявий инвестициялар ҳисоби" номли 12-сон БҲМАлар билан тартибга солинади.

9600—"Молиявий фаолият бўйича харажатлар" ҳисобварағи бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси

№	Хўжалик муо[illegible]ларининг [illegible]уни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1.	Кредит ва қарзлар бўйича фоизларнинг ҳисобланиши	9610	6920
2.	Молиявий лизинг шартномаси асосида олинган асосий воситалар бўйича фоизларнинг ҳисобланиши	9620	6920
3.	Ҳисобот даври охирида молиявий фаолият бўйича харажатларнинг якуний молиявий натижага ўтказилиши	9900	9610, 9620, 9630, 9690

18.8. Фавқулодда фойда ва зарарлар ҳисоби

Фавқулодда фойда моддалари — бу кўзда тутилмаган, тасодифий тусга эга бўлган, ҳодиса ёки хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолият доирасидан четга чиқадиган тусдаги муомалалар натижасида пайдо бўладиган ва олиниши кутилмаган фойдадир. Бунга даромадларнинг фавқулодда моддалари ёки асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар бўлимида акс эттирилиши керак бўлган ўтган даврлардаги фойда кирмайди.

Фавқулодда зарарлар — бу хўжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятидан четга чиқувчи ҳодисалар ёки муомалалар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатлардир. Бунга фавқулодда ва давр харажатлари таркибида акс эттирилиши керак бўлган ўтган давр харажатлари кирмайди.

У ёки бу модданинг фавқулодда фойда ва зарарлар сифатида акс эттирилиши учун у қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

- корхонанинг одатдаги хўжалик фаолиятига хос эмаслик;
- бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак;
- бошқарув ходими томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ эмаслик.

Тегишли моддаларни фавқулодда харажатларга киритиш ёки киритмаслик тўғрисида қарорлар қабул қилишда ишлар амалга ошириладиган шароитларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан, агар хўжалик юритувчи субъект алоҳида иқлим шароитларида жойлашган бўлса, у ҳолда — иқлим шароитларига боғлиқ ҳолдаги ишламай туриб колишлар фавқулодда деб баҳоланиши мумкин эмас, чунки ушбу модда "бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак" мезонига жавоб бермайди.

Фавқулодда фойда ва зарарлар қуйидаги ҳисобварақларда акс эттирилади:

9710—"Фавқулодда фойда"

9720—"Фавқулодда зарар".

Ушбу ҳисобварақлар транзит бўлиб, 9710-ҳисобварақ-пассив, 9720-ҳисобварақ-актив характерга эга.

9700—"Фавқулодда фойда ва зарарлар" ҳисобварағи бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси

№	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1.	Табиий офатлар натижасида жиҳозлар ва материаллар ортиқчалигининг аниқланиши	0710 0720, 0810, 0890, 1010-1090	9710
2.	Табиий офатлар натижасида товарлар ортиқчалигининг аниқланиши	2910	9710
3.	Табиий офатлар натижасида жиҳозлар ва материаллар камомадининг аниқланиши	9720	0710-0720, 0810-0890, 1010-1090
4.	Табиий офатлар бўйича харажатларнинг тўланиши	9720	5010, 5110, 5210
5.	Ҳисобот даври охирида фавқулодда фойданинг якуний молиявий натижага ўтказилиши	9710	9900
6.	Ҳисобот даври охирида фавқулодда зарарнинг якуний молиявий натижага ўтказилиши	9900	9720

18.9. Якуний молиявий натижа ҳисоби

Якуний молиявий натижа — бу корхонанинг ҳисобот даврида жами фаолият турларидан олинган даромадлари билан жами фаолият бўйича кўрилган зарарларининг фарқидир.

Якуний молиявий натижа бухгалтерия ҳисобида 9900—"Якуний молиявий натижа" ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ транзит бўлиб, актив-пассив ҳисобварақ характерига эга. Ҳисобварақнинг дебетида зарарлар, кредитида эса фойда акс эттирилади. Ушбу ҳисобварақнинг дебет ва кредит оборотлари-

нинг фарқи корхонанинг ҳисобот йилидаги молиявий натижасини, яъни солиқ тўлангунга қадар бўлган фойдасини акс эттиради. Ҳисобот йилининг охирида 9810—"Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар", 9820—"Бошқа солиқ ва йиғимлар бўйича харажатлар" ҳисобварақларида фойда (даромад)дан ҳисобланган умумий сумма акс эттирилади. Ҳисобот даврида ҳисобланган солиқ ва йиғимлар суммаси қуйидаги проводка орқали чегириб ташланади:

Д-т 9900—"Якуний молиявий натижа";
К-т 9810, 9820.

Ушбу муомаладан сўнг 9900—"Якуний молиявий натижа" ҳисобварағида қолган сумма корхонанинг ҳисобот йилида олган соф фойда (ёки зарар)ини англатади ва ушбу сумма қуйидаги проводка орқали 8710—"Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)" ҳисобварағига ўтказилади:

♦ соф фойда суммасига:
Д-т 9900—"Якуний молиявий натижа";
К-т 8710—"Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)";

♦ зарар суммасига:
Д-т 8710—"Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)";
К-т 9900—"Якуний молиявий натижа".

Такрорлаш учун саволлар

1. Молиявий натижа деганда нимани тушунасиз?
2. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва тақсимланиши тартиби ҳақида нималарни биласиз?
3. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда (зарар) ҳисоби қандай ташкил қилинади?
4. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисобининг хусусиятлари нималарда ўз ифодасини топади?
5. Давр харажатлари ҳисобини ташкил қилишнинг долзарблиги нимада?
6. Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар таркибига нималар киради?
7. Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисобининг хусусиятлари нималарда акс этади?
8. Фавқулодда фойда ва зарарлар таркиби нималардан ташкил топган?
9. Якуний молиявий натижа ҳисобини юритиш қандай ташкил қилинади?

19-боб. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

19.1. Молиявий ҳисобот, унинг аҳамияти ва таркиби

Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий мақсади маълум бир хўжалик субъектининг барча хўжалик муомалаларини расмий равишда ҳисобда акс эттириш ва маълум бир даврларда фойдаланувчиларга зарурий маълумотларни бериш ҳисобланади.

Молиявий ҳисобот алоҳида мустақил корхона бўлиши ёки хўжалик юритувчи корхоналарнинг уюшган гуруҳига киришидан қатъий назар, бажарадиган ва субъектга таъсир кўрсатувчи молиявий воқеаларни ва муомалаларни кўрсатиш усули ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботларнинг мақсади корхонанинг молиявий аҳволидан, унинг фаолиятидан ва унинг пул маблағлари ҳаракати бўйича маълумот беришдан иборат бўлиб, у фойдаланувчиларнинг кенг гуруҳига иқтисодий қарорлар қабул қилишлари учун зарурдир.

Молиявий ҳисобот хўжалик муомалалари хусусияти ва моҳияти жиҳатидан уларни гуруҳларга тузилмавий бирлаштириш натижаси ҳисобланади. Умумлаштириш ва тасниф қилиш жараёнининг якуний босқичи бу туркумларга ажратилган жуда қисқа ахборотни тақдим этишдир, чунки молиявий ҳисоботлар банд сифатида ва изоҳларда берилган бўлади. Молиявий ҳисоботлар, шунингдек, корхона имкониятларини раҳбарият томонидан бошқарилишини амалга ошириш натижаларини ҳам кўрсатади.

"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасига биноан молиявий ҳисоботда қуйидаги ахборот бўлиши керак:

♦ инвестиция қарорлари ва кредитлар бериш тўғрисида қарорлар қабул қилишда керак бўладиган ахборот;

♦ субъектнинг бўлажак пул оқимларини баҳолашда фойдали ахборот;

♦ субъектга берилган ресурслар, мажбуриятлар ва улардаги ўзгаришлар тўғрисида ахборот.

Юқорида айтиб ўтилган ахборотлардан ташқари, молиявий ҳисоботда батафсилроқ маълумотлар ҳам берилади. 1-БҲМАга асосан, молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларга пул маблағлари ҳаракати оқимини тахмин қилишга ёрдам берадиган, корхонанинг мулки ва ихтиёридаги ресурслари тўғрисида қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

♦ корхонанинг назорати остида бўлган активлар ҳақида;

♦ корхонанинг пассивлари ҳақида;

♦ корхонанинг тақсимланмаган даромади, корхонанинг бир даврдан бошқа даврга ўтишдаги иқтисодий имкониятлари ва мажбуриятларидаги ўзгаришлар ҳақида;

♦ пул маблағларининг ҳаракати ҳақида.

Ушбу маълумот молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун корхонанинг дивидендларни ва фоизларни тўлаш, шунингдек, мажбуриятлари бўйича муддати келган тўловларни тўлаш имкониятини баҳолашда фойдали бўлади.

Молиявий ҳисоботнинг шаклланиши қисқа вақтда, ҳисобот даври муомалалари тугагандан сўнг рўй беради ва корхонадан профессионал бухгалтерия билимлари ва кўникмаларидан ташқари, қўшимча маълумотлар тузиш (изоҳлар, тушунтиришлар) кетма-кетлигига риоя қилишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, йиллик молиявий ҳисобот қуйидаги шакллардан иборат бўлиши шарт:

♦ бухгалтерия баланси — 1-шакл;

♦ молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот — 2-шакл;

♦ асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот — 3-шакл;

♦ пул оқими тўғрисида ҳисобот — 4-шакл;

♦ хусусий капитал тўғрисида ҳисобот — 5-шакл;

♦ эслатмалар, ҳисоблар ва изоҳлар.

Молиявий ҳисоботларинг изоҳлари тушунтириш хати

кўринишида мунтазам равишда тартибга солинади. Изоҳлардаги маълумотлар тақдим этилган молиявий ҳисоботнинг ҳар бир тегишли банди кўрсатилган ҳолда берилиши керак.

Молиявий ҳисоботлар тайёрлаш ва бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос сиёсати асослари тўғрисидаги маълумот молиявий ҳисобот изоҳларидан олдин алоҳида ҳисоб кўринишида берилиши керак. Молиявий ҳисоботга бериладиган тушунтириш ёзувида энг камида лозим бўлган зарурий маълумотлар бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир аниқ андозасининг "Очиб бериш" бўлимида келтирилади.

19.2. Молиявий ҳисоботни тузиш қоидалари

Молиявий ҳисоботлар тузиш учун фойдаланиладиган ўзига хос ҳисоб юритиш сиёсатига қўшимчаларда фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботларда фойдаланиладиган баҳоларнинг асоси (дастлабки қиймат, жорий қиймат, сотиш қиймати, дисконт қиймати ва бошқалар)ни билиш жуда муҳим ҳисобланади. Бу тамойиллар кўп ҳолларда узлуксизлик ва ҳисоблаш тамойиллари билан ўхшашдир, улар молиявий ҳисоботни тузиш асосини ташкил қилади. Улар бу тамойиллардан баъзи ҳолатларда баҳолашларнинг асослари ўртасида танлов мавжудлиги билан фарқ қилади.

Молиявий ҳисоботда корхона ҳисоб юритиш сиёсатини акс эттириш пайтида қуйидагиларга алоҳида эътиборни қаратиши лозим:

- даромаднинг акс эттирилиши;
- консолидация тамойиллари;
- фаолият турларининг уйғунлиги;
- қўшма фаолият;
- моддий ва номоддий активларни ва уларнинг эскиришини акс эттириш;
- жалб қилинган маблағлар қийматини капитализация қилиш;
- капитал қўйилмалар;
- инвестицион мулк;
- молиявий инвестициялар ҳамда молиявий активлар;
- ижара;

♦ тадқиқотлар ва ривожланиш билан боғлиқ харажатлар;
♦ товар-моддий захиралар;
♦ солиқлар ҳамда муддати кечиктирилган солиқлар;
♦ захиралар;
♦ ишчи ва хизматчиларни асраб туриш харажатлари;
♦ чет эл валютасини ўтказиш;
♦ инфляция ҳисоби;
♦ ҳукумат субсидиялари.

Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботнинг изоҳларида, ҳисобларида ва тушунтиришларида даромадлар ва харажатларни даромадлар, харажатлар ва фаолият турлари таҳлилини гуруҳлаштириб кўрсатиши керак.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг изоҳлари, ҳисоблари ва тушунтиришларида қуйидаги маълумотларни кўрсатиши лозим:

♦ хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи ва ҳисоб сиёсати асослари учун турли асосий муомалалар ва ҳодисаларни танлагани ва қўлланилгани тўғрисида маълумот тақдим этиш;

♦ БҲМА талаб қилган, ҳеч бир молиявий ҳисоботда акс эттирилмаган ахборотни ёритиш;

♦ молиявий ҳисоботларда акс эттирилмаган, лекин молиявий ҳисоботни аниқ ва ҳаққоний тақдим этиш учун қўшимча таҳлил ахборотларини тақдим этиш.

Амалиётда кўпгина корхоналарнинг фаолияти кўп қиррали бўлади ҳамда бу молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун иқтисодий қарорлар қабул қилишда қийинчиликларни келтириб чиқаради. Йиллик молиявий ҳисоботлар қўшимча равишда тузиладиган молиявий шарҳни ўз ичига олиши керак, чунки у корхонанинг молиявий фаолиятини, молиявий аҳволини ва улар дуч келган асосий ноаниқликларни бартараф этади.

Молиявий шарҳ корхона маъмурияти томонидан тузилади. Бу шарҳ корхонанинг молиявий аҳволи ва молиявий фаолиятининг асосий белгисини, шунингдек, фойдаланувчи ҳисобот билан танишиш жараёнида дуч келиши мумкин бўлган молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни изоҳлаб бериши ва тушунтириб бериши лозим.

Қўшимча маълумотлар: изоҳлар, эслатмалар ва

ҳисоблар корхона томонидан махсус шаклларда ҳам, шунингдек, ихтиёрий кўринишда ҳам тақдим этилади.

Зарурият туғилганида статистик ҳисоботнинг шакллари молиявий ҳисоботга бериладиган қўшимча маълумотлар орқали зарурий фойдаланувчиларга тақдим этилиши мумкин. Бундан ташқари, корхона раҳбарияти қўшимча маълумотлар сифатида субъект доирасида маълумотларни тақдим этиш шакли ҳисобланувчи жадваллар ва маълумотномаларни тақдим этиши мумкин.

Молиявий ҳисоботлар қуйидаги асосий идентификацион реквизитларни ўз ичига олади:

♦ корхонанинг номи, мулкчилик шакли, юридик манзили, бўйсуниши, идентификацион рақами ва корхонани билиш учун керак бўлган бошқа реквизитлар;

♦ алоҳида корхоналарни ёки корхоналар гуруҳининг молиявий ҳисоботларини қамраб олиши, яъни бу ҳисобот жамланган ёки ягона бўлиши керак. Агар ҳисобот жамланган бўлса, у ҳолда барча шаклларда "Жамланма" ёки "Субъектлар бўйича якуний" субъектлар сони кўрсатилади. Тушунтириш ёзувида жамланган якуний ҳисоботга киритилган ҳисоботларнинг сони кўрсатилиши зарур;

♦ молиявий ҳисобот томонидан қамраб олинган ҳисобот куни ёки даври.

19.3. Инвентаризация

"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддасига биноан хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишончлилигини тасдиқлаш учун вақти-вақти билан активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиб туриши керак.

Инвентаризация — бу маълум бир вақтга корхона маблағлари ва уларнинг манбаларининг ҳақиқий мавжудлигини, инвентаризация қилинаётган объектни натура шаклида санаш, яъни қолдиқларини ҳисоблаш ёки ҳисоб ёзувларини текшириш йўли билан ҳақиқий қилинган харажатларни белгилаш.

Инвентаризация бухгалтерия ҳисоби усулларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида жорий ҳисоб маълумотларининг тўғрилиги текширилади, ҳисобда йўл қўйил-

ган хатолар аниқланади, ҳисобга олинмаган хўжалик муомалалари ҳисобга олинади, моддий жавобгар шахслар жавобгарлиги остида бўлган маблағларнинг бутлиги назорат қилинади.

Корхона, ташкилот ва муассасалар инвентаризация ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 833-сонли буйруғи билан рўйхатдан ўтказилган 19-сонли БҲМА "Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш"га тўлиқ амал қиладилар.

Қуйидаги ҳолатларда инвентаризация муддатидан олдин ўтказилиши шарт:

♦ корхона мол-мулкини ижарага бериш, сотиб олиш, сотиш, шунингдек давлат корхонасини акциядорлик жамиятига айлантириш чоғида;

♦ молиявий ҳисобот тузишдан олдин, лекин ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин инвентаризация қилинган мулк бундан мустасно;

♦ асосий воситалар ва товар-моддий захираларни қайта баҳолашда;

♦ моддий жавобгар шахс ўзгарганида;

♦ талон-тарож қилиш ёки суиистеъмол қилиш, шунингдек бойликларнинг бузилиши билан боғлиқ фактлар аниқланганида;

♦ ёнғин ёки табиий офатлар содир бўлганида;

♦ корхона тугатилаётганида тугатиш балансини тузиш олдидан ва бошқа ҳолларда.

Текшириш кўламига кўра инвентаризация ёппасига ёки танлаб ўтказиладиган, ўтказиш вақти бўйича режалаштирилган ёки тўсатдан ўтказиладиган инвентаризацияларга бўлиниши мумкин.

"Асосий воситалар" номли 5-сон БҲМАга биноан асосий воситалар инвентаризацияси камида икки йилда бир марта ўтказилади, кутубхона фонди 5 йилда бир марта инвентаризация қилинади.

"Товар-моддий захиралар" номли 4-сон БҲМАга биноан товар-моддий захиралар инвентаризацияси камида бир йилда бир марта ўтказилади.

Пул маблағлари, пулли ҳужжатлар, қатъий ҳисобот бланкалари бир ойда бир марта, ёнилғи ва мойлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳар чоракда инвентаризация қилинади.

Инвентаризацияни ўтказиш учун корхонада дои-

мий инвентаризация комиссияси фаолият юритади. Доимий инвентаризация комиссияси таркибига қуйидагилар киради:

♦ корхона раҳбари ёки унинг ёрдамчиси;

♦ бош бухгалтер;

♦ бошқа мутахассислар (муҳандис, иқтисодчи ва бошқалар);

♦ ички аудит вакили.

Доимий ҳаракатдаги комиссия асосан қуйидаги вазифаларни бажаради:

♦ қийматликлар бутлигини таъминлаш бўйича профилактика ишларини олиб боради;

♦ инвентаризация ўтказишни ташкил этади, ишчи инвентаризация комиссияси аъзоларига тегишли маслаҳат ва кўрсатмалар беради;

♦ инвентаризация натижаларининг тўғрилигини текширади;

♦ инвентаризация ўтказиш тартиби бузилганида қайтадан инвентаризация ўтказишга буйруқ беради;

♦ камомад ва нобудгарчилик ҳоллари бўйича моддий-жавобгар шахслардан олинган тушунтириш хатларини кўриб чиқади ва тегишли чоралар кўриш бўйича таклифлар беради.

Агар иш ҳажми кўп бўлса, мулклар ва молиявий мажбуриятлар инвентаризациясини бир вақтнинг ўзида ўтказиш учун корхона раҳбарининг буйруғи билан қуйидаги таркибда ишчи инвентаризация комиссияси ташкил этилади:

♦ инвентаризация ўтказишни тайинлаган корхонанинг вакили (комиссия раиси);

♦ *мутахассислар (товаршунос, муҳандис, технолог,* механик, иш юритувчи, иқтисодчи, бухгалтер ва бошқалар).

Ишчи инвентаризация комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

♦ моддий бойликлар ва пул маблағларини сақлаш ва ишлатиш жойларида инвентаризация ўтказади;

♦ корхона бухгалтерияси билан бирга инвентаризация натижасини аниқлашда қатнашади ва камомадни ортиқчаси билан қоплаш, шунингдек табиий камайиш нормаси доирасидаги камомадни ҳисобдан чиқариш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

♦ товар-моддий бойликларни қабул қилиш, сақлаш ва жўнатиш. Уларнинг бутлиги ҳисоби ва назоратини яхшилаш, шунингдек нормадан ортиқ ва фойдаланилмайдиган моддий қийматликларни сотиш тўғрисида таклифлар киритади.

Ишчи инвентаризация комиссиясига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

♦ корхона раҳбарининг буйруғига биноан инвентаризацияни ўз вақтида ва белгиланган тартибда ўтказиш;

♦ текширилган асосий воситалар, товар-моддий захиралар, пул маблағлари ва ҳисоб-китоблардаги маблағларни ҳақиқий қолдиқ рўйхатига тўлиқ ва аниқ ёзиш;

♦ товар-моддий захиралар баҳосини аниқлайдиган белгилар (тип, нав, марка, размер, прейскурант бўйича тартиб номери, артикул ва шу кабилар)ни рўйхатда тўғри кўрсатиш;

♦ белгиланган тартибга биноан инвентаризация материалларини тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш.

Инвентаризация комиссияси инвентаризация бошланиш вақтига бўлган охирги кирим ва чиқим ҳужжатлари *ёки материал ва пул маблағлари ҳаракати* тўғрисидаги ҳисоботларни олиши лозим.

Инвентаризация комиссияси раиси "инвентаризациягача_____(сана)" белгисини қўйиб, ҳисоботга илова қилинган барча кирим ва чиқим ҳужжатларини имзолайди. Бунда, ўз навбатида, ҳисоб маълумотлари бўйича инвентаризация бошланиш вақтига мулклар бўйича барча кирим ва чиқим ҳужжатлари бухгалтерияга топширилганлиги ёки комиссияга берилганлиги тўғрисида моддий жавобгар шахслар тилхат берадилар.

Инвентаризация бошланишидан олдин комиссия аъзоларига инвентаризацияни қачон бошлаб қачон тугатиш тўғрисида буйруқ топширилади, комиссия раисига эса назорат пломбири (муҳри) топширилади. Агарда мулк инвентаризацияси бир неча кун давом этадиган бўлса, иш куни тугаши билан моддий бойликлар сақланаётган хонанинг эшиги муҳрланиши керак.

Инвентаризация қилинган моддий бойликлар ва объектлар ҳамда уларнинг миқдори рўйхатда номенклатураси бўйича ва ҳисобда қабул қилинган ўлчов бирлигида кўрсатилади. Бу рўйхат ишчи инвентаризация

комиссиясининг барча аъзолари ва моддий жавобгар шахс томонидан имзоланади.

Инвентаризация рўйхатининг охирида комиссия томонидан текшириш моддий жавобгар шахслар иштирокида ўтказилганлиги, комиссия аъзоларига ҳеч қандай даъво йўқлиги ва рўйхатда келтирилган моддий бойликларни маъсул сақлашга қабул қилганлиги тўғрисида моддий жавобгар шахслар тилхат ёзиб берадилар.

Ишчи инвентаризация комиссияси ҳар бир турдаги моддий бойликларнинг инвентаризацияси тугагач, инвентаризация далолатномасини тузади. Масалан, "Асосий воситаларни тугалланмаган таъмирининг инвентаризация далолатномаси", "Йўлдаги товарлар ва материаллар инвентаризация далолатномаси" ва бошқалар.

Инвентаризация тугагач, ўтказилган инвентаризация тўғрилигини текшириш учун назорат текшируви ўтказилиши мумкин. Бундай текшириш инвентаризация ўтказилган омбор очилмасдан туриб, инвентаризация комиссияси ва моддий жавобгар шахслар иштирокида ўтказилади. Инвентаризацияларни назорат текширишдан ўтказиш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ва ўтказилган инвентаризациянинг тўғрилигини назорат текширишни ҳисобга олиш дафтарида рўйхатга олинади.

Инвентаризация натижасида аниқланган мулкларнинг бухгалтерия маълумотлари билан мавжуд ҳақиқийси орасидаги фарқи қуйидагича тартибга солинади:

♦ ортиқча чиққан асосий воситалар, моддий қийматликлар, пул маблағлари ва бошқа мулклар киримга олиниб, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (93-ҳисобварақ) кўпайтирилади. Айбдор шахслардан қийматликларнинг ортиқча чиққанлик сабаблари хусусидаги тушунтириш хатлари олинади;

♦ қийматликларнинг қонунчилик билан белгиланган норма доирасидаги камомади корхона раҳбарининг буйруғи билан ишлаб чиқариш, муомала харажатларига ёки молиялаштириш (фондлар)ни камайтиришга ўтказилади;

♦ моддий қийматликлар, пул маблағлари ва бошқа мулклар камомади, шунингдек табиий камайиш нормасидан ортиқча нобудгарчиликлар айбдор шахслардан ундириб олинади. Агар айбдор шахслар аниқлан-

маса ёки айбдор шахслардан ундириб олиш суд орқали рад этилган бўлса, камомад ва нобудгарчиликлардан кўрилган зарарлар ишлаб чиқариш, муомала харажатларига ёки молиялаштириш (фондлар)ни камайтиришга ўтказилади. Бундай зарарлар келгусида солиққа тортиладиган базага қўшилади.

Дебитор ва кредиторлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг инвентаризацияси тегишли корхона, ташкилот ва алоҳида шахслар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни ўзаро текширишдан иборат. Корхонанинг бухгалтерия ҳисоби маълумоти бўйича у ёки бу дебитордан олинадиган қарзлар суммаси қарздор бўлган корхона (алоҳида шахслар)нинг бухгалтерия ҳисобида ёзилган қарзлар суммаси билан солиштирилади.

Ҳисоб-китобларни текшириш учун қарздор ташкилотларга бухгалтерия ходимлари сафарга юборилади ёки хат жўнатилади. Ҳисоб-китобларни текшириш учун юборилган бухгалтерия ходими текшириш якунида далолатнома тузади. Текшириш натижасида дебитор қарзларни ундириб олиш даргумон бўлиб қолиши мумкин (корхона тугатилган бўлиб, қарзнинг кимдан ундирилиши номаълум, дебитор қарзини тан олмаслиги, даъво қилиш муддати тушириб қолдирилиши ва ҳ.к.). Бундай ҳолларда корхона бухгалтериясида умидсиз дебитор қарзлар рўйхати тузилиб, ҳар бир дебитор ва кредиторларнинг рўпарасига нима сабабдан қарз реал эмаслиги кўрсатилади.

Бу рўйхат корхонанинг доимий ҳаракатдаги инвентаризация комиссиясига тақдим этилади. Комиссиянинг хулосасидан сўнг даъво қилиш муддати ўтган, шунингдек суд ундириб олишга қарор қилган, лекин қарздорнинг тўлаш қобилияти йўқлиги туфайли ундириб олиш иложи бўлмаган қарзлар даргумон қарзлар резерви ҳисобидан қопланади.

Ундирилмаган дебитор қарзлар даргумон қарзлар резерви билан қопланганда 4910—"Даргумон қарзлар бўйича резервлар" ҳисобварағи дебетланиб, дебитор қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар кредитланади. Ушбу бухгалтерия ёзуви 7-ведомост ва 8-журнал-ордерда акс эттирилади. Қарздорнинг тўлаш қобилияти йўқлиги туфайли дебитор қарзлар ҳисобдан чиқарил-

гани билан улар бекор қилинмайди. Бундай қарзлар 007—"Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилган қарзи" ҳисобварағининг кирим қисмида беш йил давомида ҳисобга олинади.

Даъво қилиш муддати ичида талаб қилиб олинмаган кредитор қарз суммаси корхонанинг асосий фаолиятидан олинган бошқа даромадлари таркиби (9360-ҳисобварақ)га ўтказилади.

Инвентаризация натижалари доимий ҳаракатдаги инвентаризация комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, аниқланган камомад кимнинг ҳисобидан ундириб олиниши ёки қандай харажатларга ўтказилиши ёхуд аниқланган ортиқча маблағлар қандай киримга олиниши тўғрисида қарор қабул қилади. Доимий ҳаракатдаги инвентаризация комиссиясининг қарори баённома билан расмийлаштирилади ва у корхона раҳбари ёки корхона раҳбари таклифига биноан юқори орган томонидан тасдиқланади.

19.4. Чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот

Молиявий ҳисоботлар маълум бир ҳисобот даври ёки маълум бир ҳисобот санаси бўйича тузилади. Бунда бухгалтерия баланси ва ҳисобварақлардаги қолдиқлар бўйича маълумотлар маълум бир санага тузилади, молиявий ҳисобот шаклларининг қолганлари эса маълум бир давр учун тузилади.

Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври 1 январдан 31 декабригача бўлган давр календарь йил ҳисобланади.

Молиявий ҳисобот қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда календарь йилидан фарқли равишда даврлар бўйича (ой, чорак учун) ҳам тақдим этилиши мумкин.

Молиявий ҳисоботлар учун ҳисобот куни ҳисобот даврининг охирги календарь куни ҳисобланади. Субъектнинг бухгалтерия баланси учун ҳисобот куни 31 декабрь ҳисобланади, молиявий натижалар тўғрисидаги йиллик ҳисобот учун ҳисобот даври 1 январдан 31 декабригача бўлган давр ҳисобланади.

Корхонанинг йиллик молиявий ҳисоботи мулкчилик шаклидан қатъи назар, тўлиқ нусхаларда қуйидаги

фойдаланувчиларга ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралигача бўлган муддатда тақдим этилиши шарт:

♦ корхонанинг мулкдори ҳисобланган (давлат мулкини бошқаришга ваколати бўлган органларга, қатнашчиларга, таъсисчиларга) таъсис этиш тўғрисидаги ҳужжатлар асосида;

♦ давлат солиқ идораларига;

♦ давлат статистика идораларига;

♦ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

Молиявий ҳисоботни бошқа фойдаланувчиларга тақдим этиш тартиби мустақил равишда корхона раҳбарияти (унинг мулкдорлари ва таъсисчилари) томонидан тартибга солинади ва корхонанинг ҳисоб сиёсатида қўзда тутилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботлари манфаатдор субъектлар: банклар, биржалар, инвесторлар, кредиторлар ва шу кабилар учун ошкора ҳисобланади. Манфаатдор шахслар йиллик молиявий ҳисобот билан танишиш ва нусха кўчириш харажатларини қоплаб, унинг нусхасини олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, суғурта компаниялари, банклар, фонд ва товар биржалари, инвестиция фондлари ва бошқа молия муассасалари ҳар йили молиявий ҳисоботни ундаги маълумотларнинг тўғрилиги аудитор томонидан тасдиқлангандан сўнг ҳисобот тугагандан кейин 1 майдан кечиктирмай эълон қиладилар.

Бундан ташқари, акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботлари газеталар, журналлар ва бюллетенларда ёки қонунчиликда қўзда тутилган муддатларда алоҳида нашрда эълон қилиниши керак.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш даврийлиги

Молиявий [illegible]ди	**Тақдим этишнинг даврийлиги**
бухгалтерия баланси — 1-шакл	ҳар чоракда
молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот —2-шакл	ҳар чоракда
асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот — 3-шакл	йиллик

19.5. Консолидацияланган молиявий ҳисобот

Республикамиз иқтисодини, шу жумладан бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири, бошқарувни тўғри йўлга қўйиш ҳисобланади. Чунки турли хил мулкчилик шаклларига асосланган корхоналар, шу жумладан чет эл инвестициялари асосидаги қўшма корхоналар, акционерлик жамиятлари, корпорациялар, компаниялар ва бошқаларнинг ташкил этилиши туфайли хорижий давлатлар, ташкилотлар ва хусусий шахслар билан алоқалар тобора мустаҳкамланиб, уларнинг иқтисодиётдаги ўрни тобора салмоқли бўлиб бормоқда.

Жаҳон мамлакатлари тажрибасидан маълумки, корхоналарни самарали бошқаришда кўпроқ уларни йирик гуруҳларга бирлаштирган ҳолда тузиш мақсадга мувофиқдир. Бунда икки ёки ундан ортиқ компания молиявий-иқтисодий жиҳатдан бир компания остида бирлашади.

Корхоналарнинг бирлашуви деб, алоҳида бир корхонанинг иккинчисига қўшилиши ёки бир корхона иккинчи корхонанинг соф активлари ва ишлаб чиқариш фаолияти устидан назоратни сотиб олиш оқибатида бир иқтисодий бирликка қўйилишига айтилади. Бу, асосан, бирор-бир фаолият билан шуғулланаётган компаниянинг эгалари томонидан ушбу компания таркибида бир нечта майда мустақил корхоналарни ташкил этишга бўлган ҳаракатидан келиб чиқади. Бунинг натижасида солиқ тўловлари бўйича муайян тежаш юзага келади. Кўпчилик ҳолларда бизнеснинг кенгайиши зарурият ҳисобланади. Бундай вазиятда транснационал компаниялар ўз фаолиятини бутун жаҳон бўйлаб кенгайтиради. Хўжалик юритувчи субъектлар гуруҳининг бош корхона назорати остида бирлашуви юз берса, консолидациялашган молиявий ҳисобот тузилади.

Молиявий ҳисобот консолидацияси (консолидация инглизча *consolidate* сўзидан олинган бўлиб, *бирлаштирмоқ, мустаҳкамламоқ* деган маънони англатади) бу юридик жиҳатдан мустақил, аммо иқтисодий ва молиявий томондан ўзаро боғлиқ икки ёки ундан ортиқ компаниялар ҳисоботларини бирлаштиришдир.

Консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузишнинг асосий мақсади — корпорация фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини тўлиғича очиб беришдан иборатдир. Афсуски, ҳозирда амал қилиб турган консолидацияланган молиявий ҳисобот тузиш услубияти ҳар доим ҳам аъло сифатда ишламайди. Корпорация фойдаси тақсимланишининг тортишувли жараён эканлиги ҳамда инфляция шароитида мамлакатлар валюта курсларининг доимий ўзгариб туриши консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузишда қийинчилик туғдирмоқда. Демак, валюта курсларини қайта ҳисоб-китоб қилиш бухгалтерлар олдида турган энг катта муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Консолидацияланган молиявий ҳисобот иқтисодий ва молиявий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлган бир нечта компанияларнинг гуруҳи хусусида умумий маълумот олишни таъминлаб, ушбу компаниялар гуруҳининг фаолияти натижалари ва истиқболини ўзида акс эттиради.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мувофиқ консолидацияланган ҳисобот муайян тамойилларга асосланилиши лозим:

♦ **Тўлиқлик тамойили.** Консолидацияланган гуруҳнинг жами активлари, мажбуриятлари, келгуси давр харажатлари, келгуси давр даромадлари бош компанияга боғлиқ бўлмаган ҳолда тўлиқлигича қабул қилинади. Камчиликнинг улуши балансда алоҳида моддада кўрсатилади.

♦ **Хусусий капитал тамойили.** Бош компания ва шўъба корхона яхлит иқтисодий бирлик бўлишига қарамасдан, хусусий капитал консолидацияланадиган корхона акцияларининг баланс қиймати, шунингдек бу корхоналарнинг фойда ва зарарлари ҳамда резервлари асосида аниқланади.

♦ **Адолатли ва ҳаққоний баҳолаш тамойили.** Консолидацияланган ҳисобот тушунарли ва қулай шаклда тақдим қилиниши ва гуруҳ таркибига кирадиган корхоналарнинг активлари, мажбуриятлари, молиявий ҳолати, фойда ва зарарлари хусусида ишончли маълумот бериши лозим.

♦ **Консолидациялаш ва баҳолаш усулларининг доимий амал қилиш тамойили.** Консолидациялаш усулла-

ри корхона фаолият юритаётган вақтда доимо амал қилади. Ушбу вазиятдан четга чиқиш ҳолатлари ҳисоботнинг иловаларида очиб берилиши лозим.

♦ **Муҳимлилик тамойили.** Ушбу тамойил корхона молия-хўжалик фаолияти хусусида қарор чиқаришга таъсир ўтказадиган ҳисобот моддаларини очиб беришда кўзда тутилади.

♦ **Ягона баҳолаш усуллари.** Консолидацияланган компаниянинг активлари, пассивлари, келгуси давр харажатлари, фойда ва зарарлари яхлит ҳолда акс эттирилиши лозим. Яъни, бош компания ва шўъба корхона активлари ва пассивларини консолидациялашда бош компанияда қўлланиладиган баҳолаш усулларидан фойдаланиш шарт.

♦ **Ҳисобот тузишнинг ягона санаси.** Консолидацияланган ҳисобот бош компания баланси тузиладиган кунда тузилиши лозим. Шўъба корхоналар ҳисоботлари кўрсаткичлари консолидациялаш санасига ҳисоб-китоб қилиниши шарт.

Илк маротаба консолидацияланган бухгалтерия ҳисоботи XX асрнинг бошларида АҚШда вужудга келган. Айнан ўша давр жадал иқтисодий ривожланиш даври бўлиб, ҳозирги иқтисодий гигантлар ўша вақтдаги кичик корхоналарни "ютиб юбориш" ҳодисаси мамлакат бўйлаб кенг ёйилган. Бунинг натижасида АҚШда биринчи бўлиб, консолидацияланган молиявий ҳисоботлар тузиш зарурияти пайдо бўлган.

Буюк Британия ва Нидерландияда консолидацияланган молиявий ҳисоботнинг қўлланилиши XX асрнинг 20-йилларига тўғри келади. Бу давлатларда холдинг бизнесларининг кенг қулоч ёзиши консолидацияланган ҳисоботларни тузишни тақозо этган. Ҳозирги кунда бу давлатларда консолидацияланган ҳисоб маълумотлари миллий стандартлар асосида тартибга солинади.

Европанинг бошқа мамлакатларида консолидациялаш жараёни секинлик билан ривожланган. Масалан, Германияда компанияларнинг барча филиаллари бўйича консолидацияланган молиявий ҳисобот тузиш зарурияти бўйича Қонун 1960 йилда қабул қилинган бўлса, йирик компанияларнинг хорижда фаолият юритаётган шўъба корхоналари бўйича қонун 1990 йилда қабул

қилинган. Францияда бу хусусдаги қонун 80-йилларнинг охирида амалга киритилган. Швейцарияда консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузиш миллий стандартлар билан тартибга солиниб, кўпгина йирик компаниялар ўз бўлинмалари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўз ҳисоботларида акс эттирадилар. Италияда қимматли қоғозлар биржасида рўйхатдан ўтган компаниялар консолидацияланган молиявий ҳисоботларни тузиши мажбурий ҳисобланади. Японияда консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузиш бўйича стандарт 1977 йилда қабул қилинган. Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан кўриниб турибдики, жаҳон мамлакатларида бу масалани ҳал қилиш бўйича турли хил қарашлар мавжуд.

Консолидацияланган молиявий ҳисобот 1970 йилда қабул қилинган "Консолидацияланган молиявий ҳисобот" номли 3-сон БҲХС қабул қилинишидан кейин илк маротаба қонуний кучга эга бўлди. 1979 йилда 3-сон БҲХС "Консолидацияланган молиявий ҳисобот ва шўъба корхоналарга қўйилган инвестициялар ҳисоби" номли 27-сон БҲХСга ўзгартирилди, шу билан биргаликда 1983 йилда Европа Иттифоқининг (ЕИ) "Консолидацияланган счетлар" номли 7-сон Директиваси қабул қилинди.

Халқаро ҳисоб андозаларига кўра, консолидацияланган молиявий ҳисобот бош корхона раҳбарлигидаги корхоналар гуруҳи учун умумлаштирилган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш билан шуғулланади. Консолидацияланган молиявий ҳисобот моддалари корхоналар гуруҳидаги молиявий аҳвол, операциялар натижалари ва молиявий аҳволдаги ўзгаришга оид ахборотга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида ривожлантирилган.

"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасида бир ёки бир неча шўъба корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарга эга бўлган бош корхонанинг консолидацияланган молиявий ҳисобот тузиши назарда тутилади. Мазкур модда талаблари вазирликлар, идоралар ва бюджет ташкилотларининг жамлама молиявий ҳисоботларига жорий этилмайди.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тузишга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

Ҳисоб амалиётини тартибга солиш даражаси ва шакли. Ҳисоб тизимини тартибга солиш даражаси ва шаклига кўра барча мамлакатлар икки гуруҳга бўлинади:

♦ Бухгалтерия ҳисоби услубияти ва амалиёти махсус қонунлар ёрдамида давлат томонидан тартибга солинадиган давлатлар;

♦ Бухгалтерия ҳисоби услубияти ва амалиёти ноҳукумат профессионал бухгалтерлар ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиладиган махсус стандартлар асосида тартибга солинадиган давлатлар.

Бухгалтерия ҳисоби услубияти ва амалиётини тартибга солиш характерига мос равишда ҳисобот тузиш ва тақдим этиш тартиби ҳам ўзгаради. Бухгалтерия ҳисоботларини тузишни марказлашган давлат бошқаруви назорат қилиб турадиган давлатларда ҳисобот тузиш консерватив характерга эга. Бу консолидацияланган молиявий ҳисобот тузишга ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Сиёсий ва иқтисодий алоқалар. Жаҳон мамлакатлари ўртасида ҳисоб амалиёти ва услубияти бўйича тажриба алмашиш ушбу мамлакатлар ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг қай даражада ўрнатилганлигига боғлиқдир. Мексика ва Филиппиннинг АҚШ билан иқтисодий ва сиёсий алоқалари яхши йўлга қўйилганлиги сабабли, бу мамлакатларда консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузиш тартиби ва унинг амал қилиш кўлами АҚШдаги амалиётга тўла-тўкис мос келади. Буюк Британияда тузиладиган консолидацияланган молиявий ҳисоботлар Ҳамдўстлик таркибига кирувчи мамлакатлар: Австралия, Малайзия, ЖАР ва бошқалар билан бир хил.

Консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузиш трансмиллий компаниялар фаолиятида одатий ҳолат ҳисобланади. Лекин бу жараёнда инвестор шу нарсани билиши лозимки, корпорация раҳбарлари кўпинча бўлинмалар фаолияти бўйича зарарлар, йўқотишларни бекитиши мумкин. Натижада корпорациянинг реал ҳолати ҳисоботда акс этмаслиги мумкин.

Консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузишнинг афзалликлари билан биргаликда камчиликлари ҳам мавжуд. Агарда компаниянинг фаолияти фақат битта ишлаб чиқариш-технологик линия ёки алоҳида минтақавий бўлинма фаолияти билан белгиланса, ҳисоботда

аналитик ҳисоб-китоблар тушиб қолдирилади, консолидацияланган молиявий ҳисоботлар эса компаниянинг бу хатти-ҳаракатини бекитмайди. Йиғма ҳисоботда компаниянинг зарар кўриб ишлайдиган шўъба корхоналари бўйича ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичлари кўрсатилмайди. Шу сабабдан молиявий ҳисоблар батафсилроқ, аналитик ҳисоб-китоблар илова қилинган ҳолда тузилиши керак.

Миллий валюталарни қайта баҳолаш муаммолари. Трансмиллий компанияларнинг хориждаги бўлинмалари улар қайси мамлакат ҳудудида жойлашган бўлса, улар ўша мамлакатнинг валютасида ҳисоб ва ҳисоботни юритадилар. Бу бухгалтерия ҳисоб-китобларини хорижий валютада юритиш учун ноқулайдир. Шу сабабдан трансмиллий компаниялар йиғма ҳисобот тузишда ўзларининг штаб-квартираси жойлашган мамлакат валютасида барча операцияларни қайта ҳисоб-китоб қилишлари лозим бўлади.

Ҳисоботни бир валютадан бошқасига ўтказиш функционал валютадан келиб чиқади. Функционал валюта — бўлинманинг асосий фаолияти амалга ошириладиган мамлакатнинг валютасидир. Бундан ташқари, функционал валютани танлашда уларда бажариладиган муомалалар турига ҳам эътибор қаратилади. Бўлинмалар томонидан амалга ошириладиган муомалаларнинг иккита йирик гуруҳи бор:

♦ Ўзи жойлашган мамлакат иқтисодиётига тўла асосланиб фаолият кўрсатадиган бўлинмаларда бажариладиган операциялар;

♦ Асосий операциялар ёки бош компания операциялари давоми кўринишидаги операциялар.

Биринчи гуруҳга киритиладиган операцияларни бажарадиган компаниялар ўзлари жойлашган давлатнинг валютасида ҳисоб ва ҳисоботни юритадилар. Иккинчи гуруҳга кирадиган асосий операцияларни бажарадиган компаниялар бош компания ишлатадиган валютада ҳисоб ва ҳисоботларини юритадилар.

Консолидацияланган молиявий ҳисобот — тўлиқ ҳамда яхлит ҳолда тақдим этиладиган гуруҳларнинг молиявий моддаларидир.

Гуруҳ — барча шўъба корхоналар учун бош компания.

Бош корхона — бир ёки бир нечта шўъба корхоналарга эга бўлган корхона.

Шўъба корхона — бош компания назоратида бўлган корхона.

Назорат — корхона фаолиятидан фойда олиш бўйича молиявий ёки оператив бошқариш ҳуқуқи.

Камчилик фоизи — Бош корхонага бевосита ёки билвосита тегишли бўлмаган шўъба корхонанинг операциялардан соф даромад ёки соф активларининг фоиз кўринишидаги қисми.

Масалан, гуруҳнинг тузилиши қуйидагича



Фараз қилайлик, А компания С компаниянинг 30% акция пакетини назорат қилади. Бундан сиёсий таъсир, капитал устидан назорат (иқтисодий таъсир) ва камчиликнинг улушини аниқлаш лозим.

[illegible]ат	Сиёсий таъс[illegible]	[illegible]тисод[illegible] таъсир	Ка[illegible]лик [illegible]ў[illegible]
A/B	60%	60%	
B/C	40%	40%	
A/C	70 % (30 % тўғри, 40 % билвосита)	30 % + 0,6 * 40 % = 54%	46 % = 100 % = 54 %

Юқоридаги ҳолатдан кўриниб турибдики, А компания — бош, В ва С компаниялар шўъба корхоналар ҳисобланишади.

ЕИ 7—Директивасига биноан бош компания ва шўъба компания ўртасида қуйидаги шартлар кўзда тутилса, бош компания консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузиши мажбурий ҳисобланади:

♦ Овозларнинг кўпчилиги (агар бош корхона 50% дан кўп овозга эга бўлса);

♦ Директорлар Кенгаши устидан назорат (агарда бош компания Директорлар Кенгаши таркиби ва сонини ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлса);

♦ Шартнома орқали назорат (шартнома ёки низом шартларига мувофиқ бош компания шўъба корхонага таъсир ўтказа олса);

♦ Келишув бўйича назорат (агарда бош компания келишув бўйича Директорлар Кенгаши йиғилишида овозларни ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқига эга бўлса);

♦ Кенгашнинг тайинланиши бўйича амалдаги назорат (агарда Директорлар Кенгашининг кўпчилик қисми бош компаниянинг таъсири остида тайинланган бўлса);

♦ Бирлашган бошқарувда иштирок этиш ҳуқуқи (агарда бош компания шўъба корхонага кучли таъсир ўтказса ёки иккита компания бирлашган асосда бошқарилаётган бўлса);

♦ Горизонтал гуруҳлар (Бирлашмаган акциядорлик алоқаси гуруҳида консолидация қуйида келтирилган икки ҳолатдан бири мавжуд бўлганда тузилади):

1. шартнома ёки низом бўйича компания бирлаштирилган ҳолда бошқарилса;

2. консолидацияланган ҳисобот тузиш даврида муайян акциядорлар иккала компаниянинг кенгашида кўпчиликни ташкил қилса.

Бундай ҳолатда истаган бош компания консолидацияланган ҳисоботни тақдим қилиши шарт, қуйидагиларни истисно қилганда (27-сон БҲХСнинг 27-бандига биноан):

1. Бош компания шўъба корхонанинг ўзи бўлса;

2. Бош компания 100% овозга эга бўлса;

Шўъба корхона консолидациядан қуйидаги ҳолларда истисно қилинади:

3. Назорат вақтинчалик бўлса;

4. Узоқ муддатли чекловларга эга бўлса.

Бундай компанияларда инвестициялар ҳисоби 25-сон БҲХСга биноан юритилади.

Консолидациядан истисно қилишнинг асосий ҳолатлари уюшган аъзо номи билан аталувчи бирлашган корхонанинг мавжуд бўлиши билан боғлиқ. Агарда

юқори ташкилот ёки бошқа корхона томонидан унинг молиявий ва оператив фаолиятига сезиларли таъсири кўрсатилмаса, бу корхоналар ҳисобот гуруҳлари ичига киритилмайди. Сезиларли таъсир даражаси капиталда иштирок этиш ҳамда овоз ҳуқуқига қараб аниқланади. Сезиларли таъсир деб, бош ёки бошқа компаниянинг таъсири барча овозларнинг 1/5 қисмидан кам бўлмаган ва 20 % дан 50%гача бўлган таъсири тушунилади.

Капитал устидан назорат ва унга таъсир даражасига кўра бухгалтерия ҳисоби усулларининг қўлланилиши

Эгалик қилиш даражаси	Эгалик улуши	Бухгалтерия усуллари
Моддий таъсир йўқ, шунинг учун капитал устидан иқтисодий назорат мавжуд эмас	<20 %	Инвестициялар ҳисоби LCM тамойили бўйича амалга оширилади
Моддий таъсир мавжуд, аммо назорат мавжуд эмас	20 % дан 50 % гача	Инвестициялар ҳисоби сотиб олиш баҳоси + Инвестиция қилинган компания фойдасидан улуш — олинган дивидендлар кўринишида юритилади
Назорат (маржиритал ҳукмронлик)	>50 %	Гуруҳ консолидация қилиниши керак

Масалан, гуруҳда қуйидаги боғланиш мавжуд:



А компаниялар гуруҳига киради ми? У нима деб номланади?

40% улуш 20%дан кўп, аммо 50 фоиздан кам, бунда эгалик маржиритал эмас, шунинг учун А гуруҳга киритилмайди, балки уюшган аъзо деб юритилади.

ЕИ мамлакатларида уюшган аъзоларнинг мажбурий консолидацияга тайёргарлик кўриши хусусида низом мавжуд. Ушбу низомга биноан уюшган аъзо бирлашганидан сўнг икки йил ичида қуйидаги кўрсаткич-

ларга эга бўлса, мажбурий консолидацияланган ҳисобот тузишлари шарт:

♦ Бош корхонанинг жами капитали 17000000 АҚШ долларидан ошса;

♦ Сотиш ҳажми 35000000 АҚШ долларидан ошса;

♦ Ходимларининг ўртача йиллик рўйхатдаги сони 500 дан ошиқ бўлса.

Агарда корхона бирлашган гуруҳ таркибида бўлиб, унга моддий таъсир кўрсата олмаса, у икки йил ичида консолидацияга қўшилмаслиги мумкин. Аммо икки йил ичида юқоридаги учта кўрсаткичдан иккитаси талабга жавоб берса, у ҳолда компания консолидацияга тайёрланиши лозим.

БҲХСга мувофиқ агарда компания бошқа компаниянинг 50% дан ошиқ акциялар пакетига эгалик қилса, у ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий томондан ҳукмронлик қилиши мумкин. Бу ҳолатда гуруҳ ***субординация*** дейилади.

Агарда иккита корхона умумий битта раҳбарлик остида бўлса ҳамда бирининг улуши иккинчисида бўлмаса, бундай гуруҳ ***координация гуруҳи*** дейилади.

ЕИ мамлакатлари субординация гуруҳидан консолидацияни талаб қилади. Бу ТМКлар учун мажбурийдир. Капиталнинг тақсимланиши тарзида уюшган ҳамда ҳеч бир корхона бошқа корхонага маржиритал ҳукмронлик ўтказа олмайдиган бирлашма жамияти ***мультигуруҳ*** дейилади.

Масалан,



Бу мультигуруҳдир, чунки ҳеч бирида маржиритал ҳукмронлик мавжуд эмас ва улар биргаликда 100%ни ташкил қилади.

Қуйидаги чизмага эътиборни қаратайлик:



А — бош компания,
С — шўъба корхона,
В — уюшган аъзо,
Д, Ф, Е — мультигуруҳ.
Консолидацияланган ҳисоботга А, С компаниялар тушади (мажбурий), В компания тушиши мумкин.
Д, Е, Ф — фақат ўз ичида консолидацияланиши мумкин.

Корхоналарнинг иштирокига кўра консолидация усуллари қўлланилади. Улар қуйидагилардир:

1. Субординация гуруҳи глобал интеграция усули орқали консолидация қилинади;
2. Уюшган аъзолар эквивалент усули орқали консолидация қилинади;
3. Мультигуруҳ мутаносиб интеграция усули орқали консолидация қилинади.

ЕИнинг 7-Директиваси ҳамда 27-сон БҲХСга биноан капиталларни бирлаштириш учун дастлабки бирлаштириш ёки капиталларнинг натижавий бирлаштирилиши номли англо-саксон усули қўлланилади.

Консолидация натижасида учта ҳисоб-китоб амалга оширилади:

♦ Инвестицияларни чегириш. Бунда элиминлаш усули қўлланилади;

♦ Иқтисодий операцияларни чегириш. Гуруҳ ичидаги олди-сотди операцияларини ҳисобдан чиқариш;

♦ Молиявий операцияларни чегириш. Гуруҳ ичидаги ўзаро қарз муносабатларини чегириш. Масалан, бош компания шўъба корхонага қарз берган. Консолидацияланган молиявий ҳисоботда бу операцияни чегириш лозим.

Ўзбекистонда консолидацияланган ҳисоботни тузиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 28 декабрда 580-сон билан рўйхатга олинган "Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва инвестицияларни шўъба хўжалик жамиятларида ҳисобга олиш" деб номланган 8-сон Ўзбекистон Республикаси

Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) билан тартибга солинади. Мазкур БҲМСга мувофиқ консолидацияланган молиявий ҳисоботни бош хўжалик юритувчи жамият назоратида бўлган хўжалик юритувчи жамиятлар тузади. Бунда назорат деганда улар фаолиятидан фойда олиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ва хўжалик сиёсатини белгилаш ҳуқуқи тушунилади, бош жамият томонидан назорат қилинадиган хўжалик юритувчи субъект эса шўъба хўжалик юритувчи субъект (шўъба корхона) деб номланади. Яъни консолидацияланган молиявий ҳисобот фақат бош жамиятда (асосий компанияда), улар мулкчилик туридан ва бош жамиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар назорат қилинадиган шўъба корхоналар мавжуд бўлгандагина тузилади.

Бунда юридик жиҳатдан мустақил ҳар бир корхона, ўз операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритишлари ва уларнинг натижаларини алоҳида молиявий ҳисобот кўринишида расмийлаштиришлари шарт.

Умуман олганда консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузишда асосий мақсад, солиқ солинадиган фойдани аниқлаш эмас, балки корпоратив гуруҳ фаолияти тўғрисида умумий тасаввур олишдир.

Консолидацияланган балансда ҳам бош корхона, ҳам шўъба корхонанинг моддий қийматликлари кўрсатилган бўлади. Худди шундай молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда "Сотиш ҳажми" моддаси ҳам бош корхона, ҳам шўъба корхона томонидан амалга оширилган сотиш ҳажмини ўз ичига олади.

Консолидациялашган балансни тайёрлаш вақтида бош ва шўъба корхоналарнинг маълум моддалари бирлаштирилади. Айрим моддалар бош ва шўъба корхоналар ўртасида юз берган муомалалар сифатида айрилиши (ҳисобдан чиқарилиши) мумкин. Масалан, бош компания назорати остида бўлган бир корхонани иккинчисига бўлган қарзи, улар орасидаги олди-сотди муомалалари. Ҳисобот тузиш жараёнида бундай хўжалик муомалалари ҳисобварақларнинг умумий натижасида акс эттирилмаслиги лозим. Чунки олди-сотди муомалалари, қарзни тўлаш ва уни олиш муомалалари компания ичидаги пул маблағларининг кўпайишига сабаб бўлади. Қайта ҳисоблашларнинг

олдини олиш мақсадида бир қатор муомалалар бўйича бартараф қилиш ёки тузатиш усулларидан фойдаланиш тавсия этилади. Бош корхона ва шўъба корхона ўртасидаги операциялар бўйича такрорий ҳисоблашни инкор этиш мақсадида элиминлаш (чиқариб ташлаш) усули ишлатилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, элиминлаш фақат консолидацияланган молиявий ҳисоботни тайёрлаш пайтида ишлатилади ва у бош корхона ҳамда шўъба корхонанинг ҳисоб регистрларида акс эттирилмайди. Ҳеч қандай консолидациялашган ҳисобот регистрлари юритилмайди. Гуруҳ ичидаги қолдиқ ва муомалалар ҳамда фойдаланилмай қолинган фойда натижасида юзага келган муомалаларнинг барчаси бутунлай ҳисобдан чиқарилиши лозим.

Агар консолидация пайтида ишлатилган молиявий ҳисоботлар ҳар хил ҳисобот саналарига тайёрланган бўлса, унда мавжуд муомалалар ва бошқа ушбу ҳисобот саналари ҳамда бош корхонанинг молиявий ҳисоботи санаси орасидаги давр ичида бўлиб ўтадиган, хўжалик фаолиятининг воқеалари натижаларига тузатиш киритилиши лозим. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳисобот саналари ўртасидаги фарқ муддати уч ойдан ортиқ бўлмаслиги лозим. Консолидацияланган молиявий ҳисоботларни ягона ҳисоб сиёсатини қўллаган ҳолда тайёрлаш лозим. Агар консолидацияланган ҳисоботларни тайёрлашда ягона ҳисоб сиёсатини қўллашнинг имконияти бўлмаса, бу ҳолат бошқа ҳисоб сиёсати қўлланилган ҳисоботнинг қисмлари бўйича ёритиб берилиши лозим.

Озчилик улуши консолидацияланган баланс ҳисоботида мажбуриятлардан ҳамда бош корхонанинг акционерлик капиталидан алоҳида ҳолда кўрсатилиши лозим. Гуруҳ даромадида ҳам камчилик улуши алоҳида кўрсатилади. Аммо баъзи ҳолларда, яъни бош ва шўъба корхоналарнинг фаолият йўналишлари бутунлай бошқа бўлса, консолидацияланган молиявий ҳисоботлар тайёрланмайди. Масалан, банк акцияларига эга савдо-сотиқ компанияси, иштирок этиш улуши 60%дан кўп бўлса, ўз ҳисоботини банк ҳисоботи билан бирлаштирмайди. Бош корхонага айрим

чегараланишлар белгиланган ҳолатларда ҳам консолидацияланган молиявий ҳисоботлар тузилмайди. Банкротлик арафасида турган шўъба корхоналар маълумотлари одатда консолидациялашган ҳисоботларга киритилмайди.

Бош корхонанинг баланс ҳисоботидаги "Узоқ муддатли молиявий инвестициялар" моддасини бош ва шўъба корхоналар орасидаги ўзаро муносабат натижаларига яхши бир мисол ўрнида келтириш мумкин. Инвестицияларнинг ҳисобланиши консолидациялашган балансда яна камайтирилмаслиги учун бу моддалар тузатилиши лозим. Консолидациялашган балансни тузиш учун бош ва шўъба корхоналарнинг балансларини кўриб чиқамиз:

Баланс моддалари	Бош корхона	Шўъба корхона
Пул маблағлари	200000	50000
Бошқа активлар	1520000	120000
Жами активлар	1720000	170000
Кредиторлар	120000	20000
Акциядорлик капитали		
Оддий акциялар, номинал қиймати 10 доллар	1200000	110000
Реинвестицияланган фойда	400000	40000
Жами пассив ва капитал	1720000	170000

Фараз қилайлик, бош корхона компаниянинг тўлиқ баланс қийматига мос нархда, шўъба корхонадан 100% акцияларини сотиб олмоқда. Шўъба корхонанинг баланс қиймати 150000 (170000—20000) долларни ташкил этади. Ушбу муомала бош корхонанинг бухгалтерия ҳисоботида қуйидагича кўрсатилади:

Дебет 0610—"Қимматли қоғозлар" — 150000 АҚШ доллари;

Кредит 5010—"Касса" — 150000 АҚШ доллари.

олдини олиш мақсадида бир қатор муомалалар бўйича бартараф қилиш ёки тузатиш усулларидан фойдаланиш тавсия этилади. Бош корхона ва шўъба корхона ўртасидаги операциялар бўйича такрорий ҳисоблашни инкор этиш мақсадида элиминлаш (чиқариб ташлаш) усули ишлатилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, элиминлаш фақат консолидацияланган молиявий ҳисоботни тайёрлаш пайтида ишлатилади ва у бош корхона ҳамда шўъба корхонанинг ҳисоб регистрларида акс эттирилмайди. Ҳеч қандай консолидациялашган ҳисобот регистрлари юритилмайди. Гуруҳ ичидаги қолдиқ ва муомалалар ҳамда фойдаланилмай қолинган фойда натижасида юзага келган муомалаларнинг барчаси бутунлай ҳисобдан чиқарилиши лозим.

Агар консолидация пайтида ишлатилган молиявий ҳисоботлар ҳар хил ҳисобот саналарига тайёрланган бўлса, унда мавжуд муомалалар ва бошқа ушбу ҳисобот саналари ҳамда бош корхонанинг молиявий ҳисоботи санаси орасидаги давр ичида бўлиб ўтадиган, хўжалик фаолиятининг воқеалари натижаларига тузатиш киритилиши лозим. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳисобот саналари ўртасидаги фарқ муддати уч ойдан ортиқ бўлмаслиги лозим. Консолидацияланган молиявий ҳисоботларни ягона ҳисоб сиёсатини қўллаган ҳолда тайёрлаш лозим. Агар консолидацияланган ҳисоботларни тайёрлашда ягона ҳисоб сиёсатини қўллашнинг имконияти бўлмаса, бу ҳолат бошқа ҳисоб сиёсати қўлланилган ҳисоботнинг қисмлари бўйича ёритиб берилиши лозим.

Озчилик улуши консолидацияланган баланс ҳисоботида мажбуриятлардан ҳамда бош корхонанинг акционерлик капиталидан алоҳида ҳолда кўрсатилиши лозим. Гуруҳ даромадида ҳам камчилик улуши алоҳида кўрсатилади. Аммо баъзи ҳолларда, яъни бош ва шўъба корхоналарнинг фаолият йўналишлари бутунлай бошқа бўлса, консолидацияланган молиявий ҳисоботлар тайёрланмайди. Масалан, банк акцияларига эга савдо-сотиқ компанияси, иштирок этиш улуши 60%дан кўп бўлса, ўз ҳисоботини банк ҳисоботи билан бирлаштирмайди. Бош корхонага айрим

чегараланишлар белгиланган ҳолатларда ҳам консолидацияланган молиявий ҳисоботлар тузилмайди. Банкротлик арафасида турган шўъба корхоналар маълумотлари одатда консолидациялашган ҳисоботларга киритилмайди.

Бош корхонанинг баланс ҳисоботидаги "Узоқ муддатли молиявий инвестициялар" моддасини бош ва шўъба корхоналар орасидаги ўзаро муносабат натижаларига яхши бир мисол ўрнида келтириш мумкин. Инвестицияларнинг ҳисобланиши консолидациялашган балансда яна камайтирилмаслиги учун бу моддалар тузатилиши лозим. Консолидациялашган балансни тузиш учун бош ва шўъба корхоналарнинг балансларини кўриб чиқамиз:

Баланс моддалари	Бош корхона	Шўъба корхона
Пул маблағлари	200000	50000
Бошқа активлар	1520000	120000
Жами активлар	1720000	170000
Кредиторлар	120000	20000
Акциядорлик капитали		
Оддий акциялар, номинал қиймати 10 доллар	1200000	110000
Реинвестицияланган фойда	400000	40000
Жами пассив ва капитал	1720000	170000

Фараз қилайлик, бош корхона компаниянинг тўлиқ баланс қийматига мос нархда, шўъба корхонадан 100% акцияларини сотиб олмоқда. Шўъба корхонанинг баланс қиймати 150000 (170000—20000) долларни ташкил этади. Ушбу муомала бош корхонанинг бухгалтерия ҳисоботида қуйидагича кўрсатилади:

Дебет 0610—"Қимматли қоғозлар" — 150000 АҚШ доллари;

Кредит 5010—"Касса" — 150000 АҚШ доллари.

Консолидациялашган баланс тўлдириш учун ишчи жадвал

Моддалар	Бош корхона балансы	Шўъба корхона балансы	Тузатиш ёзувлари		Консолидациялашган баланс
			дебет	кредит	
Пул маблағлари	50000	50000			100000
Узоқ муддатли молиявий инвестициялар	150000			150000	
Бошқа активлар	1520000	120000			1640000
Жами	1720000	170000			1740000
Кредиторлар	120000	20000			140000
Оддий акциялар, номинал қиймати 10 доллар	1200000	110000	110000		1200000
Реинвестициялашган фойда	400000	40000	40000		400000
Жами	1720000	170000	150000	150000	1740000

Консолидациялашган баланс тайёрлашда шўъба корхонага қилинган инвестицияларни ҳисобдан чиқариш керак. Бу хўжалик муомаласи "Тузатиш ёзувлари" устунида кўрсатилган. Консолидациялашган балансни тайёрлаганда тузатиш ёзувларини қўллаш актив ва акционерлик капитали ҳисобварақларини қайта ҳисоблашнинг олдини олади. Консолидациялашган ҳисоботда келтирилган акционерлик капиталининг қиймати бош корхонанинг акционерлик капитали қийматига тенгдир. Шўъба корхонага қўйилган инвестициялар қиймати чиқариб ташлангач ва шўъба корхона акционерлик капиталининг ҳажми тузатилгандан кейин аввалги маълумотларни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

Сотиб олиш санасига консолидацнялашган баланс

Касса	100000	Кредиторлар	140000
Бошқа активлар	1640000	Акционерлик капитали	
		Оддий акциялар	1200000
		Реинвестицияланган фойда	400000
Жами активлар	1740000	Жами пассивлар	1740000

Молиявий натижалар тўғрисида консолидациялашган ҳисобот ягона хўжалик ташкилоти учун бош ва шўъба корхоналар молиявий натижалари бирлаштириш йўли билан тўлдирилади, бунда фирманинг ички битимлари ҳисобнинг қайтарилмаслиги учун тузатилади. Консолидациялашган ҳисоботга фирма ичидаги қуйидаги муомалалар таъсир қилади:

♦ бош ва шўъба корхоналар ўртасида содир бўладиган товарлар ва хизматлар савдо-сотиғи;

♦ бу компаниялар ўртасидаги қарзлар, дебиторлик қарзлари, облигация қарзлари бўйича мажбуриятларга тегишли фойда ва зарарлар;

♦ фирманинг ички битимлари бўйича фойда ва зарарлар.

Фараз қилайлик, бош корхона ва унга 100% боғлиқ шўъба корхона ўртасида қуйидаги битимлар содир бўлди: бош корхона шўъба корхонага 240000 АҚШ доллари қийматида товар сотди; шўъба корхона, ўз навбатида, ҳамма товарларини бошқа томонга сотмоқда. Бундан ташқари, шўъба корхона фирманинг ички кредити бўйича бош корхонага фоизлар бўйича 4000 АҚШ доллари тўлади.

Тузатиш ёзувларининг мақсади ушбу икки компанияни ягона бир ташкилот сифатида кўрсатишдир. Шунинг учун "Сотиш" моддасига фақат ташқаридаги компаниялар билан содир этилган битимлар киритилиши муҳимдир ва сотилган товарлар таннархига эса — фақат бошқа томондан сотиб олинган хом-ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларга кетган харажатлар киради. Шундай қилиб, фирма ичидаги муомалалардан олинган 240000 АҚШ доллари суммани "Сотиш" моддаси бўйича дебетлаб, "Сотилган товарлар таннархи" моддаси бўйича кредитлаб тузатилади. Бунинг натижасида Молиявий натижалар тўғрисидаги йиғма ҳисобот устунига фақат бошқа компаниялар билан амалга оширилган 1020000 АҚШ доллари қийматига эга бўлган сотиш ҳажми ва сотилган маҳсулотлар таннархига 480000 АҚШ доллари кўрсатилади. Фирма ичидаги берилган кредит бўйича тўловлар "Бошқа даромадлар" моддасини дебетлаш ва "Бошқа харажатлар" моддасини кредитлаш орқали тузатилади.

2002 йил учун консолидациялашган "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот"ни тайёрлаш учун ишчи жадвал

Моддалар		Шўъба корхона ҳисоботи			Консолидация-
Сотиш ҳажми	860000	1) 400000	240000		1020000
Бошқа даромадлар	120000	2) 20000	4000		136000
Жами	980000	420000			1156000
Сотилган товарлар таннархи	420000	300000		240000	480000
Бошқа харажатлар	280000	100000		4000	376000
Жами	700000	400000			852000
Соф фойда	280000	20000	244000	244000	300000

Компания молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан ташқари яна тақсимланмаган фойда ва пул оқимлари тўғрисида йиғма ҳисоботларни тўлдирадилар.

Консолидациялашда асосий ҳолатлар қуйидагилар:

♦ бир компания иккинчи компаниянинг назорат улушига эга бўлганда қўлланилади. Ҳар бир компания бухгалтерия ҳисоботини мустақил равишда олиб боради. Бош компания ҳамма назорат қиладиган субъектларни бир молиявий ҳисоботлар пакетига йиғиб, консолидациялашган молиявий ҳисоботлар тўпламини барпо этади.

♦ молиявий ҳисобот ҳисобварақларида қолдиқлар сунъий тарзда ошириб кўрсатилмаслиги учун ҳамма ҳисобварақлардаги қолдиқлар қўшилади ҳамда гуруҳлар ичидаги муомалалар ва қолдиқлар бир-бирига ейиштирилади;

♦ агар назорат қилувчи компания бошқа компания акцияларининг 100%дан кам бўлган улушга эга бўлса, бухгалтерия баланси ва молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ҳақидаги ҳисоботда бошқа томонларнинг пропорционал эгалик улушини кўрсатиш учун тегишли ҳисобварақлар очилади. Бу ҳолатни шўъба корхоналарнинг иштирок улуши деб тавсифлаш мумкин.

Умуман олганда, консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузиш тартибининг белгиланиши бозор муносабатларига босқичма-босқич одимлаётган Ўзбекистон учун бухгалтерия ҳисоби борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Турли хил мулкчилик шакллари қарор топтирилаётган ҳозирги шароитда консолидацияланган молиявий ҳисоботларни тузиш хўжалик юритувчи субъектлар, аввало, республикамизда самарали фаолият юритаётган холдинг компаниялар таркибидаги шўъба корхоналари мавжуд бўлган иқтисодий субъектлар учун зарурдир.

19.6. Молиявий коэффициентлар ва рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз ҳаракат доирасида ва унинг таъсирида ривожланиши, қайта ташкил этилиши ёки банкрот бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда ташкил этилган корхона ёки фирма қаторида ўз фаолиятини тўхтатаётганлари ҳам учраб турибди. Бунга асосий сабаб рақобатдир. Рақобат ўзгарувчанликни, ҳаракатчанликни ва янгиликни талаб қилади. Рақобатга бардош беролмаган корхоналар ўрнини бошқа шундай корхоналар банд қилишади.

1999 йил 26 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 362-сонли қарорига мувофиқ "Корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқловчи мезонлар тизими" қайтадан ишлаб чиқилди. Корхоналарни банкрот деб эълон қилиш ва уларни тугатиш шартлари ваколатига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси қошидаги "Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўлими" эгадир. Бу бўлим томонидан корхонани иқтисодий ночор ёки банкрот деб эълон қилишнинг тартиблари ишлаб чиқилган. Унга кўра иқтисодий ночор белгиларини аниқлаш (ташхис қўйиш)нинг асосий мезонлари сифатида қуйидаги кўрсаткичлар тизими белгиланган:

- корхонанинг тўловга лаёқати ва қоплаш коэффициентини ўрганиш;
- корхонанинг молиявий мустақиллик даражасини баҳолаш;

♦ узоқ муддатли активлар ва жорий активларни, моддий айланма маблағларни манбалашнинг ҳолати;

♦ ўз ва қарз маблағлари орасидаги ўзаро нисбат даражалари;

♦ ишлаб чиқариш қувватларидан ҳақиқий фойдаланиш даражаси;

♦ асосий ва номоддий активларнинг ҳолат кўрсаткичлари;

♦ муддати ўтган қарз мажбуриятларининг ҳолати.

Бу кўрсаткичларни ўрганиш орқали корхона ва фирмаларнинг иқтисодий ночорлигини ойдинлаштирувчи саволларга жавоб берилади, иқтисодий ночорлик белгиларининг бор ёки йўқлиги аниқланиб, зарур бўлса банкротлик қарори қабул қилинади. Иқтисодий ночорликни белгилашда фойдаланиладиган ҳар бир коэффициентнинг меъёрлаштирилган чегаравийлиги белгиланган ушбу чегаравийликдан ўзгаришлар асосида корхона молиявий ҳолатига иқтисодий ташхис қўйилади.

Корхона иқтисодий ночорлигини аниқлаш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Аниқлаш тартиби	Меъёрий чегара	Ночорлик белгиси
1	2	3	4
Корхонанинг тўлов лаёқати	$Кт = \frac{\text{Жорий активлар (жами)}}{\text{Муддати келган тўлов мажбуриятлари}}$	2—3	Кт<2
Корхонанинг молиявий мустақиллик даражасини баҳолаш	$Км = \frac{\text{Ўз маблағлари манбаи}}{\text{Жами мулк}}$	50%<Км	Км<50 %
Узоқ муддатли активлар ва жорий активлар ҳамда моддий айланма маблағларни манбалашнинг ҳолати	Оборот маблағлари нақдлиги—Моддий ғамламалар Ўз маблағлари + Узоқ муддатли қарз капитали — Моддий ғамламалар Ўз маблағлари +Узоқ муддатли қарз капитали +қисқа муддатли қарз капитали — Моддий захиралар	Ортиқчалик Ортиқчалик Ортиқчалик	Етишмовчилик Етишмовчилик Етишмовчилик

Ўз ва қарз маблағлари орасидаги нисбат даражалари	$Ка = \frac{Ўз\ маблағлари}{Қарз\ маблағлари}$	2 дан ортиқ	2 дан кам
Активлар, капитал ва мажбуриятлар рентабеллиги	$Кр = \frac{Соф\ фойда}{Актив,\ капитал,\ мажбурият}$	Кр>0	0 дан кичик
Ишлаб чиқариш қувватларидан ҳақиқий фойдаланиш даражалари	$Кф = \frac{Ишлаб\ чиқариш\ қувватининг\ ҳақиқий\ даражасидаги\ маҳсулот\ ҳажми}{Техник\ лойиҳа\ бўйича\ ишлаб\ чиқарилиши\ мумкин\ бўлган\ ҳажм\ кўрсаткичи}$	Кф=1>0	Кф=1<0
Асосий ва номоддий активларнинг ҳолат кўрсаткичлари	$Кз = \frac{Асосий\ восита\ ва\ номоддий\ активларнинг\ эскириш\ қиймати}{Асосий\ восита\ ва\ номоддий\ активларнинг\ бошланғич\ қиймати}$	Кс>0,5	Кс>0,5
Муддати ўтган қарз мажбуриятларининг ҳолати	$Кд/к = \frac{Муддати\ ўтган\ мажбуриятлар}{Жами\ мажбуриятлар}$	Кд/к<0,5	Кд/к>0,5

Бугунги кунда фойда ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи корхона фаолиятига бериладиган баҳо мезонидир. Аммо корхона фаолиятига баҳо беришда фойда кўрсаткичидан ташқари рентабеллик кўрсаткичидан ҳам кенг фойдаланилади.

Рентабеллик даромадлилик, фойдалилик деган маънони англатади. Рентабеллик кўрсаткичи фоизларда аниқланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида рентабелликнинг кўпгина турлари мавжуд бўлиб, қуйида уларнинг энг асосий турларига эътибор қаратилади:

1. Мол-мулк рентабеллиги:

$Р_м$ = Соф фойда×100%/ Баланс жами.

2. Инвестиция рентабеллиги:

$Р_и$ = Соф фойда×100%/ (Ўз сармояси+узоқ муддатли мажбуриятлар).

3. Таннарх рентабеллиги:

$Р_т$= Соф фойда×100%/ Ишлаб чиқариш харажатлари.

4. Маҳсулот рентабеллиги:

$Р_{маҳ}$= Ялпи фойда×100%/Сотишдан тушган соф тушум.

Такрорлаш учун саволлар

1. Молиявий ҳисоботнинг аҳамияти нимада?
2. Молиявий ҳисоботни тузиш тартиби ҳақида нималарни биласиз?
3. Инвентаризация деб нимага айтилади?
4. Чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот қайси муддатларда тақдим қилинади?
5. Консолидацияланган молиявий ҳисобот қайси субъектлар томонидан тузилади?
6. Корхона молиявий ҳолатига баҳо беришда қандай кўрсаткичлар фойдаланилади?

IV бўлим

СОЛИҚЛАР ВА ТЎЛОВЛАР ҲИСОБИ

20-боб. УМУМДАВЛАТ СОЛИҚЛАРИ ҲИСОБИ

20.1. Солиқларнинг моҳияти ва аҳамияти

Солиқлар — бу жисмоний ва юридик шахслар даромадлари ҳамда мулкларидан маълум (қонунда белгиланган) бир қисмини давлатнинг молиявий имкониятини таъминлаш мақсадида мажбурийлик, қайтармаслик, давлат мажбурловини қўллашлик асосида бюджетга ўтказишнинг бирдан-бир қонуний усулидир.

Солиқлар миллий даромадни давлат тасарруфига олишнинг энг муҳим воситасига айлангани сабабли, улар макроиқтисодиётни тартибга солишда борган сари муҳимроқ рол ўйнамоқдаки, ЯММ умумий ҳажмида солиқ тушумлари салмоғининг кўпайиши бунинг кўрсаткичи ҳисобланади.

Солиқлар янги сифат касб этиб, иқтисодий фаолликни тартибга солиш, такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатиш куролларидан бири ролида чиқади. Ушбу таъсир ғоятда кўп қиррали бўлади. Фойдага солинадиган солиқлардан фойдаланиб, давлат сармояни жамғариш жараёнларига ғоятда сезиларли таъсир кўрсатади. Бунга жадаллаштирилган амортизациянинг солиқ механизми мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин, бу ҳолда давлат молия органлари корхоналарига амортизация фондига асосий сармоянинг ҳақиқатдан сарфланишидан анчагина ошадиган суммани ўтказиш учун рухсат беради. Натижада солиққа тортиладиган фойданинг ҳажми, бинобарин, тўланадиган солиқ сум-

маси ҳам анча қисқаради. Жадаллаштирилган амортизация усули иқтисодиётнинг корпоратив секторида капитал қўйилмаларини кўпайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Уни қўллаш фан-техника тараққиётини интенсивлаш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни рағбатлантириш имконини беради.

Солиқларни таснифлаш — солиқларни муайян характерли белгилари, яъни уларни ундириш усуллари, қўлланиладиган ставкалар тури, солиқ имтиёзлари ва ҳоказолар бўйича гуруҳлашдир.

Солиқларни турлари бўйича таснифлашга бир неча белгилар асос қилиб олинган. Халқаро амалиётда иккита асосий тасниф гуруҳлари қабул қилинган — ***бевосита*** ва ***билвосита*** солиқлар. Ушбу гуруҳлар солиқ солиш объектига ва тўловчи билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларга боғлиқдир.

Бевосита солиқлар бевосита даромад ва мол-мулкка белгиланади (солиққа тортишнинг бевосита шакли), яъни бевосита солиқларнинг узил-кесил тўловчиси даромад олувчи (мол-мулкка эгалик қилувчи ва ҳ.к.) хўжалик субъекти ҳисобланади.

Солиқ тўловчининг даромади (иш ҳақи, фойда, фоизлар ва бошқалар) ва мол-мулки (ерлар, уйлар, қимматли қоғозлар ва бошқалар) қиймати бевосита солиқлар объектидир.

Билвосита солиқлар — нарх ёки тарифга устама кўринишида белгиланадиган, товар ва хизматлардан олинадиган солиқлар. Билвосита солиқларга товарни сотиш нархида тўланадиган ёки тарифга киритилган товар ва хизматларга солинадиган солиқлар киради, яъни билвосита солиқларнинг пировард тўловчиси бўлиб, товар истеъмолчиси майдонга чиқади, унинг зиммасига солиқ нархда кўзда тутилган устамалар орқали юкланади. Мазкур ҳолда корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган товарлар ва хизматларни сотиб, солиқ суммалари ҳисобга олинган пул суммаларини оладилар, сўнгра олинган барча солиқ суммаларини тегишли тартибда бюджетга ўтказадилар.

Билвосита солиқ солишда давлат амалда янги қийматни тақсимлаш иштирокчисига айланиб, товар ёки хизматларни сотиш пайтида ушбу қийматнинг бир қисмига бўлган ўз ҳуқуқларини эълон қилади.

Бевосита солиқлардан фарқ қилиб, билвосита солиқлар бевосита тўловчининг даромади ёки мол-мулки билан боғланмайди. Одатда, шахсий истеъмол товарлари, шунингдек, аҳолига сартарошхоналарда, кимёвий тозалаш шохобчаларида, автотранспорт корхоналари томонидан кўрсатилган ва ҳоказо хизматлар солиқ солиш объекти ҳисобланади. Билвосита солиқларга тортиладиган товарлар ва хизматлар сони мунтазам равишда ошиб боради.

Бевосита солиқлар салмоғининг камайиши корхоналарнинг моддий-техника базасини кенгайтиришга, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келадиган бўлса, билвосита солиқлар салмоғининг кўтарилиши корхоналарда инвестицион фаолиятини ривожлантиришга имкон яратади.

Солиқлар мажбурий тўлов бўлиб, қонун асосида ундирилади. Демак, солиқларда, молияда бўлгани сингари доимий қайтарилиб турадиган молиявий воқеликлар, аниқроғи пул муносабатлари бўлади. Ана шу пул муносабатларининг мазмунини очиш орқали солиқлар моҳияти очилади.

Умумдавлат ва маҳаллий бюджетларга тўланадиган солиқларнинг асосий қисми юридик шахслар зиммасига тўғри келади. Шу билан биргаликда давлат мақсадли фондларига тўланадиган мажбурий тўловларнинг ҳам каттагина қисмини юридик шахслар тўлайди. Юридик шахслар томонидан солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ва тўғри тўланиши, аввало, уларда солиқ ҳисобининг қай даражада юритилишига боғлиқ. Солиқ ҳисобини тўғри ташкил қилиш ва юритишда ҳисобнинг асосий вазифалари белгилаб олинади. Солиқ ҳисобининг асосий вазифалари қуйидагилардир:

♦ юридик шахслар томонидан солиқлар ҳамда мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўғри ҳисоблаш;

♦ ҳисобланган солиқ ва мажбурий тўловларни давлат бюджети ҳамда давлатнинг мақсадли фондларига ўз вақтида тўланишини таъминлаш;

♦ солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича белгиланган имтиёзлардан кенг фойдаланиш.

20.2. Юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқлар ва унинг аҳамияти

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар 1998 йил 1 январдан амалга киритилган Солиқ кодексига асосланади.

Ушбу Кодексда солиқлардан кўзланган мақсад давлат ижтимоий кафолатларининг молиявий базасини таъминлаш, юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш, табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланишни ва атроф-муҳитни муҳофаза этишни рағбатлантириш, деб белгиланган.

Мазкур Кодексда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи солиқлар, солиқ тўловчилар, солиқ солиш объектлари, солиқ тўлаш тартиби, солиқ солиш юзасидан бериладиган имтиёзлар, қонунни бузганлик учун жавобгарлик ҳамда солиқлар тўлаш муносабати билан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишнинг умумий тартиби белгиланган.

Солиқ Кодексига биноан Ўзбекистон Республикасидаги барча солиқлар умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлинган.

Умумдавлат солиқларига қуйидагилар киради:

1) юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи;

2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

3) қўшилган қиймат солиғи;

4) акциз солиғи;

5) ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;

6) экология солиғи;

7) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар киради:

1) мол-мулк солиғи;

2) ер солиғи;

3) инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва ҳоказолар.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг асосий қисми корхоналар, бирлашмалар ва

ташкилотлардан олинадиган солиқлар ҳисобига ташкил топади.

1991 йилдан буён республикамизда қатор солиқ қонунлари қабул қилинди ва ушбу қонунлар, айниқса 1991 йил 15 февралдаги Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши билан мулкчилик шакли, хўжалик юритиш услубидан қатъий назар барча юридик шахслар умумий асосларда солиққа тортиладиган бўлади. Шундан кейинги ривожланиш даврида давлат мулкини хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш жараёнининг авж олиши, мулкчилик соҳасидаги давлат монополиясига барҳам берилиши билан турли шаклдаги мулкчиликка асосланган корхоналар кескин кўпайгани натижасида солиқ муносабатлари соҳасида ҳам туб ўзгаришлар амалга ошди. Солиққа тортиш соҳасида мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча корхона ва ташкилотлар бир хил шароитга эга бўлдилар, уларнинг солиққа оид ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўзаро тенг бўлиб қолди.

Солиқ қонунларида корхоналарни муайян шарт-шароитлар билан боғлиқ равишда қўллаб-қувватлаш иқтисодиётнинг устувор йўналишларини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари берилиши кўзда тутилиши мумкин. Бу имтиёзлар ўз моҳиятига кўра уч гуруҳга бўлиниши мумкин:

а) истиснолар; б) чегирма (скидка); в) солиқ кредити.

Истиснолар — бу айрим предмет (объект)ларни солиқдан озод қилишга қаратилган имтиёзлардан иборат. Масалан, ногиронлар учун жиҳозлар ишлаб чиқарувчи, ишловчилар сонининг эллик фоиздан ортиғи ногиронлар бўлган корхоналарнинг даромад (фойда) солиғидан озод қилиниши.

Истисно тариқасидаги имтиёзлар эгри солиқларга ҳам, барча солиқ тўловчиларга ёки уларнинг муайян тоифасига доимий равишда ёки вақтинчалик равишда берилиши мумкин.

Чегирма (скидка) — солиқ солиш базасини қисқартиришга қаратилган имтиёздан иборат. Чегирмалар даромадларга нисбатан эмас, балки харажатларга нис-

батан қўлланилади, яъни муайян ҳолатларда айрим харажат суммалари солиқ базасига киритилмайди, яъни солиқ солинадиган даромадлар доираси имтиёзли тарзда ҳисобга олинган харажат ҳисобига камайтирилади.

Чегирмалар лимитланган (чегирма ҳажми чекланган) ёки лимитланмаган бўлиши, умумий (ҳаммага берилган) ёки махсус (айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга берилган) бўлиши мумкин.

Солиқ кредити — бу солиқ ставкаси ёки миқдорини камайтиришга қаратилган имтиёз бўлиб, ҳар доим ҳам қайтарилиши, вақтинчалиги ва ҳақ олиш эвазига берилишини англатавермайди ва кўпчилик ҳолларда солиқ кредити шаклида берилган имтиёзлар қайтариб олинмайди. Масалан, кичик корхоналар очилган пайтдан бошлаб маълум давр давомида солиқ соҳасида имтиёздан фойдаланади. Аммо, улар қонунда белгиланган муддат тамом бўлмасдан ўз фаолиятини тўхтатса, бу имтиёздан маҳрум бўлади ва ўтган давр учун, яъни ташкил топган пайтдан бошлаб солиқ тўла ҳажмда олинади, солиқ юзасидан берилган кредит шаклидаги имтиёз қарз сифатида қайтариб олинади.

Корхоналарнинг аризасига мувофиқ солиқ тўлаш муддати кечиктирилиши ёки уни бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилиши мумкин.

Корхоналар солиқлардан ташқари йиғимларни ҳам тўлайдилар. Йиғимлар солиқлардан фарқ қилиб, маълум ижтимоий хизматлар кўрсатилгани учун, яъни ҳақ баробарида амалга ошириладиган тўловлар саналади. Юридик шахслардан олинадиган йиғимларнинг турлари миқдори, олиниш тартиблари қонунларда белгилаб қўйилади.

20.3. Даромад (фойда) солиғига тортиладиган базани аниқлаш

Республикамизда мавжуд солиқ тизими бухгалтерия тизимига тўла-тўкис мос келмайди. Шу сабабдан ҳам солиққа тортиладиган базани аниқлашга эҳтиёж туғилади.

1999 йил 5 февралда "Харажатлар таркиби тўғрисида"ги Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб тасдиқланди. Ушбу Низом бухгалтерия ҳисоби

ва солиққа тортишда харажатларни ҳисобга олишда пайдо бўладиган фарқларни ажратиш мақсадида ишлаб чиқилган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлилигини аниқлаш мақсадида улар фаолиятининг харажатларини ҳисоблаб чиқиш ва молиявий натижаларни аниқлаш бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади ҳисобланади. Солиқ солинадиган даромад хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг айрим моддаларини солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ солиқ солинадиган базага киритиш йўли билан аниқланади.

"Харажатлар таркиби тўғрисидаги" Низомга бинoан солиққа тортиладиган база қуйидагича аниқланади:

Солиққа тортиладиган база = Солиқ тўлангунга қадар бўлган фойда + Доимий тафовутлар (1-илова) ± Вақтинчалик тафовутлар (2-илова).

Доимий тафовутлар Низомнинг 1-иловасида келтириб ўтилган. 1-илова бўйича (давр харажатлари бўйича) солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар қуйидагилардан иборат:

- реклама ва маркетинг учун белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар;
- хизмат енгил транспорти ва хизмат микроавтобусини сақлашда сарфланадиган харажатлар, уларни ёллаш ва ижарага олиш харажатлари;
- шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлар учун белгиланган нормативлардан ортиқча тўлов;
- юқори органлар ҳамда юридик шахслар бирлашмалари: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва бошқа харажатларга ажратмалар;
- бошқарув ходимларининг хизмат сафарлари белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар;
- қонунчиликда белгиланган норматив ва нормалардан ортиқча вакиллик харажатлари;
- умумий овқатланиш корхоналари учун бепул бинолар бериш харажатлари, уларга коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш ва бошқалар;
- ишлаб чиқариш жараёнига бевосита тааллуқли бўлмаган, атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддаларни ортиқча ташланганлиги учун йўл қўйиладиган нормалардан ортиқча тўловлар;
- хўжалик юритувчи субъект соҳасига тўғри кел-

майдиган касблар бўйича ва нормалардан ортиқча кадрлар тайёрлаш харажатлари;

♦ лойиҳалардаги ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек объект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунгача содир бўлган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этиш бўйича харажатлар, занглашдан ҳимоя қилишдаги камчиликлар оқибатида текшириб кўриш бўйича харажатлар ва шу каби бошқа харажатлар етказиб бериш ва ишларни бажариш шартларини бузган юридик шахслар ҳисобига, ушбу харажатларни камчиликлар, бузилишлар ёки нобудгарчиликлар учун жавобгар етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ундириш мумкин бўлмаган миқдорда қопланади;

♦ хўжалик юритувчи субъект қатнашчиларидан бирининг ташаббуси бўйича амалга ошириладиган аудиторлик хизматлари учун тўлов;

♦ ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлмаган саломатликни муҳофаза қилиш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирлари харажатлари;

♦ маҳсулот ишлаб чиқариш (шаҳарлар ва шаҳарларни ободонлаштириш, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа иш турлари) билан боғлиқ бўлмаган ишларни бажаришда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сарфланган харажатлар;

♦ ходимларга товарлар, маҳсулотлар ва бошқа қиммат*баҳо буюмларни бепул бериш ёки ходимлар учун* ишлар, хизматларни бажариш;

♦ пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бир йўла тўланадиган нафақалар;

♦ соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, соғломлаштириш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, шунингдек уй-жой фонди объектлари таъминотига жойлардаги давлат *ҳокимияти органлари* томонидан белгиланган нормативлардан ортиқча харажатлар;

♦ экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармаларига (агар улар юридик шахслар сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса), маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тар-

бия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига бадаллар;

♦ суд харажатлари;

♦ тўланиши шубҳали қарзлар бўйича захирага ажратмалар;

♦ хўжалик юритувчи субъект томонидан уч йилгача ишлатилган асосий воситаларни ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа мол-мулк (актив)ларини сотишдан кўрилган зарар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситаларини ва бошқа мол-мулкини ҳисобдан чиқариш, текин бериш ва уларнинг бошқача тарзда камайишидан кўрилган зарарлар;

♦ хўжалик шартномалари шартларининг, шу жумладан маҳсулот етказиб берувчилар ва дебиторлар айби билан бузилганлиги учун белгиланган ёки эътироф этилган жарималар, пенялар, неустойкалар ва бошқа хил санкциялар, шунингдек етказилган зарарларни тўлаш бўйича харажатлар;

♦ бошқа харажатлар.

Ушбу даврнинг солиқ солинадиган базасидан чиқарилмайдиган, бироқ кейинги даврларнинг солиқ солинадиган базасидан чиқариладиган харажатлар (вақтлар бўйича тафовутлар) хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларида давр харажатлари сифатида ҳисобга олинади. Бироқ, солиқ солиш мақсадларида уларни солиқ солинадиган базага киритиш учун фойдада қайтадан ҳисобга олинади, сўнгра ушбу харажатларнинг бутун фойдали муддати давомида ёки 10 йил мобайнида, ушбу муддатлардан қайси бирининг (вақтлар бўйича тафовутларнинг) қисқа бўлишига қараб, кейинчалик чиқариб ташланади.

Товар-моддий захираларни давр харажатлари сифатида ҳисобга олинадиган иккита энг паст таннарх бўйича ёки соф бозор нархи бўйича баҳолаш билан боғлиқ бўлган махсус ажратмалар солиқ солинадиган базани ҳисоблашда фойда таркибига қайтадан киритилади, бироқ товар-моддий захиралар ҳақиқатан сотилгандан кейин чегириб ташланади.

Ушбу даврнинг солиқ солинадиган базасидан чиқарилмайдиган, бироқ кейинги даврларнинг солиқ солинадиган базасидан чиқариладиган харажатларга қуйидагилар киради (2-илова):

1. Хўжалик юритувчи янги субъектлар, ишлаб чиқаришлар, цехлар ва агрегатларни ўзлаштириш харажатлари.

2. Машина ва механизмларнинг айрим турларини якка тартибда синаб кўриш ҳамда барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни, уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида комплекс синаб кўриш.

3. Асбоб-ускуналарни етказиб берган заводлар ёки уларнинг топшириғига биноан ихтисослаштирилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга ошириладиган шефмонтаж харажатлари.

4. Қўрилаётган хўжалик юритувчи субъект дирекциясининг, дирекция бўлмаган тақдирда техник назорат гуруҳининг харажатлари (маъмурий харажатлар), шунингдек хўжалик юритувчи янги субъектлар ва объектларни фойдаланишда қабул қилиб олиш билан боғлиқ харажатлар.

5. Янги ишга туширилган хўжалик юритувчи субъектларда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш харажатлари.

6. Янги технологияларни яратиш ва қўлланилаётган технологияларни такомиллаштириш бўйича, шунингдек илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш, хом-ашё ва материалларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш билан боғлиқ бўлган маҳсулотлар сифатини ошириш бўйича харажатлар.

7. Бошқарув тизимлари ва воситаларини яратиш ҳамда такомиллаштириш бўйича харажатлар.

8. Серияли ва кенг кўламда чиқариладиган маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ҳамда технологик жараёнларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўзлаштириш харажатлари.

9. Қонунчиликка мувофиқ ишчи кучлари қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар.

10. Ихтирочилик ва ишлаб чиқариш тусидаги рационализаторлик, тажриба-синов ишлари ўтказиш, ихтиролар ва рационализаторлик таклифлари бўйича моделлар ва намуналар тайёрлаш ҳамда синаб кўриш, ихтирочилик ва рационализаторлик бўйича кўргазмалар ва кўриклар, танловлар ўтказиш, сертификатлаш ҳамда бошқа тадбирларни ташкил этиш харажатлари,

муаллифлик мукофотлари тўлаш ҳамда бошқа харажатлар.

11. Қазилмаларни қазиб олиш соҳаларидаги тайёргарлик ишлари бўйича харажатлар, агар улар капитал харажатларга тааллуқли бўлмаса (яъни асосий фондлар сифатида сармоя билан таъминланмаса).

12.Хўжалик юритувчи субъектларни, ишлаб чиқариш линияларини ривожлантириш харажатлари.

Даромад солиғига тортиладиган базани аниқлаш бўйича қуйидаги мисолни кўриб чиқамиз.

Мисол. Корхонада солиқ тўлангунга қадар бўлган олинган фойда (2-шаклдаги ҳисоботнинг 240-сатри) 24700 минг сўмга тенгдир. Низомнинг 1-иловасига мувофиқ корхона харажатлари:

а) моддий ёрдам — 2550 минг сўм.

б) вазирликни сақлаш учун ажратмалар — 5100 минг сўм.

в) жарима ва пенялар — 850 минг сўм.

Солиқ солинадиган база:

24700+2550+5100+850=33200 минг сўм.

Солиқ 20 фоиз. Солиқ суммаси 6640 минг сўм (33200×20:100).

Солиққа тортиладиган базани аниқлаш ҳисоби қуйидаги шаклда тузилади.

200__ йил учун фойда (даромад) солиғи ҳисоби

минг сўм

№	Кўрсаткичлар	Сатр	Сумма
1	2	3	4
1.	Солиққа тортилгунга қадар бўлган молиявий натижа (Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 240-сатри)	010	24700
2.	Солиққа тортиладиган базага қўшиладиган харажатлар ("Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом"нинг 1-иловасига биноан)	020	
3.	Мазкур ҳисобот даврида солиққа тортилмайдиган базадан чегирилмайдиган харажатлар (2-илова)	030	
4.	Мазкур ҳисобот даврида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган олдин қилинган харажатлар (010-баланслан ташқари ҳисобварақ бўйича махсус ҳисоб-китоб)	040	

5.	Солиққа тортиладиган базага қўшиладиган харажатлар (030сатр-040сатр)	050	
6.	Акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадлар, шунингдек, бошқа корхоналар фаолиятида улуш қатнашишдан олинган даромадлар	060	
7.	Солиққа тортиладиган база (010+020+050-060-сатрлар)	070	
8.	Амалдаги солиқ қонунчилигига биноан солиққа тортиладиган базанинг камайиши (имтиёзлар қўлланилиши)	080	
9.	Солиққа тортиладиган фойда (даромад) (070сатр-080-сатр)	090	
10.	Фойда (даромад) дан ажратиладиган солиқ ставкаси	100	
11.	Фойда (даромад)дан ажратма солиғи ставкасининг тузатилиши	110	
12.	Бюджетга тўлашга тегишли фойда (даромад)дан ажратма солиғи суммаси: (090-сатр×110-сатр:100%)	120	
13.	Бюджетга ҳисобланди	130	
14.	Муддати бўйича қўшимча ҳисоблаш	140	
15.	Камайтирилиши	150	

Корхона раҳбари _____(имзо)
Бош бухгалтер _____ (имзо).

20.4. Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Даромад (фойда) солиғи Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг таркибий элементи ҳисобланиб, миллий даромадларни қайта тақсимлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Мазкур солиқ бевосита солиқ бўлиб, унинг суммаси корхона хўжалик фаолиятининг пировард молиявий натижаси билан чамбарчас боғликдир.

Даромад (фойда) солиғи тўловчилари солиқ солинадиган даромад (фойда)га эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади.

Солиқ тортиладиган объект деб ялпи даромад билан маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиладиган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ кўрсатилган Низомнинг иловаларида белгиланган харажатлар суммасига ўзгартирилган чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқилган даромад (фойда) ҳисобланади.

Жами даромад таркибига юклаб жўнатилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун юридик шахс олиши лозим бўлган (олинган) ёки у текинга олган пул ёки бошқа маблағлар киради.

Бундай даромадлар қуйидагилардир:

а) товар (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган даромад; товар (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган тушум деганда қуйидаги суммалар тушунилади:

- юклаб жўнатилган маҳсулот учун тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатларида кўрсатилган суммалар;
- буюртмачи тасдиқлаган бажарилган ишлар далолатномаларида кўрсатилган суммалар;
- хизматлар кўрсатилиши фактини тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган суммалар.

Даромад (фойда) солиғини тўловчилар ҳисобланадиган харид, тайёрлов ва савдо ташкилотлари учун солиққа тортиш мақсадларида сотишдан олинган тушум деганда, сотилган товарларнинг сотиш нархи билан харид нархи ўртасидаги фарқ тушунилади.

Воситачилик фаолиятидан даромадлар (комиссион рағбатлантиришлар, фоизлар сифатидаги) оладиган корхоналар учун тушум деганда, солиққа тортиладиган даврда амалга оширилган ҳамма битимлар бўйича олинган комиссион рағбатлантириш ҳақлар (фоизлар) суммаси тушунилади.

Асосий воситалар, номоддий активлар қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк объектлари, материаллар ва бошқа активларни сотишдан олинган даромад;

Солиққа тортиш мақсадида корхонанинг асосий фондлар ва бошқа мол-мулкини сотишдан олган даромадини белгилашда ушбу фондлар ва мол-мулкнинг сотиш қиймати билан қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ

(ортиқча сумма) ҳисобга олинади. Бунда мол-мулкнинг қолдиқ қиймати, асосий фондлар, номоддий активларга нисбатан қўлланилади.

Агар активларнинг бир қисми сотилса, унда активнинг сотиш пайтидаги қиймати қолган ва сотилган қисмлар ўртасида тақсимланади.

Активларнинг текинга ёки камайтирилган қиймат бўйича берилиши ҳолларида берувчи шахснинг активлари қиймати вужудга келган харажатлар асосида, олувчи шахснинг даромадлари эса — кирим қилинган баҳолаш қиймати бўйича, лекин бериладиган активларнинг таннархидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади;

Фоизлар сифатидаги даромад;

Дивидендлар;

Текинга олинган мол-мулк.

Агар воситаларнинг текинга берилиши вазирлик, концерн, трест ва шу кабилар тизим деб тушунилади-ган тизим ичидаги корхоналар ўртасида юз берадиган бўлса ва бундай воситалар бўлиш баланси бўйича юқори ташкилот буйруғига кўра олинган бўлса, унда улар солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди;

Мол-мулкни ижара беришдан олинган даромад.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, агар ижарага берувчи амортизация қилиниши керак бўлган асосий воситаларни лизинг шартномаси бўйича ижарага топширса, унда бундай операция солиққа тортиш мақсадларида ижарачи томонидан мол-мулк харид қилинган деб кўриб чиқилиши лозим.

Амортизация қилинищи керак бўлган асосий воситаларнинг ижараси агар қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ келса, у лизинг ҳисобланади.

Ижара муддати асосий воситалар хизмат муддатининг саксон фоизидан ортиқ бўлса; ижарачи асосий воситаларни қатъий белгиланган нархда ёки ижара тугаганидан сўнг белгиланадиган нарх бўйича харид қилиш ҳуқуқига эга бўлса; ижарага олинган асосий воситаларнинг ижара тугалланганидаги қолдиқ қиймати уларнинг ижара бошланишидаги қийматининг йигирма фоизидан камни ташкил этса; ижарага олинган бутун давр учун жорий тўловларнинг суммаси ижарага олинган воситалар қийматининг тўқсон фоизидан ортиқ бўлса.

Ушбу кичик банднинг иккинчи қисми қоидалари лизинг шартномасини узайтириш ҳуқуқи амалга оширилиши мумкин бўлган даврга ҳам тегишли бўлади;

ж) Роялтилар:

з) Текинга берилган молиявий ёрдам (давлат бюджети субсидияларидан ташқари).

и) Даъво муддати ўтиб кетган кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар.

Даъво муддати — шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво тақдим этиш йўли билан ҳимоя қилиш мумкин бўлган давр доирасидаги муддатдир.

Даъво муддатининг умумий муддати — 3 (уч) йил.

к) Илгари чегирилган харажатлар, зарарлар ёки гумонли қарзларнинг ўрнини қоплаш тариқасида олинган даромадлар.

л) Валюта ҳисобварақлари бўйича курсдаги мусбат фарқ.

м) Фавқулодда даромадлар.

н) Бошқа даромадлар.

Даромад (фойда) солиғи қуйидаги ставкалар бўйича ундирилади:

2003 йилда юридик шахслар даромадлари (фойдаси)дан олинадиган солиқ ставкалари

№	Тўловчилар	
1.	Юридик шахслар	
2.	Аукционлар ўтказишдан, гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш лицензиясига бўлган юридик ва жисмоний шахсларни, шунингдек норезидентларни жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар	35
3.	Устав фонди 1млн. доллар ва ундан юқори суммага эквивалент бўлган миқдорда устав фондидаги хорижий сармоянинг ҳиссаси 50% ва ундан ортиқ бўлган чет эл инвестициялари	

	иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари	16
4.	Болалар учун товарлар, аёллар гигиена буюмлари ҳамда бадиий ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар	10
5.	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун	
	Сотишнинг умумий ҳажмида 15 %дан 30 %гача	Белгиланган ставка 30%га пасайтирилади.
	Сотишнинг умумий ҳажмида 30 % ва ундан ортиқ	Белгиланган ставка 2 баравар пасайтирилади

Банклар ва суғурта ташкилотлари, видеосалонлар (видеокўрсатув пунктлари), аукцион, казинолар, видео ва аудио маҳсулотни кўпайтириш, ижарага беришдан, пул ютуқли ўйин автоматларни ишлатиш, лотерея ўйинларини, оммавий концерт-томоша тадбирларини ўтказишдан даромад солиғини тўлайди.

Даромад (фойда) солиғи тўловидан қуйидагилар озод этилади:

а) Ходимлари умумий сонининг камида етмиш беш (75) фоизини ўрта мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари ташкил этадиган юридик шахслар.

б) Протез-ортопедия буюмлари, инвентарини ишлаб чиқариш, шунингдек, ногиронларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган юридик шахслар — асосий фаолият тури бўйича.

в) Ходимлари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар, 1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил қилган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиганларидан ташқари.

Кўрсатилган имтиёзни олиш учун ҳуқуқни белгилашда ходимларнинг умумий сонига корхона штатида турадиган ходимлар, шунингдек, корхона штатида тур-

майдиган (пудрат шартномаси ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги бошқа шартномалар бўйича ишларни бажарадиган) ходимлар киритилади.

г) Даволаш муассасалари қошидаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари.

д) Жазони ижро этувчи муассасалар.

е) Нотижорат корхоналар.

Солиққа тортиш мақсадларида нотижорат ташкилотлари деганда қуйидагилар тушунилади:

♦ бутунлай давлат бюджети маблағлар билан таъминланадиган, харажатларни қоплаш учун тасдиқланган сметалар доирасида дотациялар оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

♦ хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва жамғармалари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар;

♦ жамоатчилик-хайрия ёки бошқа мақсадлар учун ташкил этилган, таъсис ҳужжатларида айтиб ўтилганидек тадбиркорлик фаолиятидан даромадлар олишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаганлари;

♦ молиявий ва бошқа пул маблағларини ходимлар ёки ушбу ташкилот аъзоларининг шахсий мақсадларида тақсимламайдиган ва инвестиция қилмайдиганлари (қонунда белгиланган тартибда меҳнатни рағбатлантиришдан ташқари).

Бунда тадбиркорлик фаолиятидан даромад (фойда) оладиган нотижорат корхоналари ушбу фаолият туридан умумий белгиланган тартибда солиқ тўлайдилар:

ж) Шаҳар йўловчи транспорти (такси, шу жумладан йўналишлар оралиғида қатнайдиган таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш билан боғлиқ хизматлари бўйича.

з) Тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклашга доир ишларни амалга оширишдан олинган даромадлар (фойда).

и) Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш ва қуришга оид ишларни амалга оширишдан олинган даромадлар (фойда):

к) "Ўзуйжойжамғармабанк" билан тузилган шартномалар бўйича ўз ходимлари учун уй-жой харид қилиш учун ишлатиладиган даромадлар (фойда).

л) Устав фондида хорижий сармоя улуши 50 (эллик) фоиз ва ундан кўпни ташкил этадиган хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга йўналтирадиган даромади (фойда).

м) Давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари бўйича дивидендлар ва фоизлар.

н) Ҳисобот йилининг якунларига кўра корхоналарнинг товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти ҳажмини оширишдан олган эркин алмаштириладиган валютадаги тушуми даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод қилинади.

Агар корхона ҳисобот йилида товар (иш, хизмат)ларни экспортга сотса, бундан олдинги йилда эса маҳсулот (иш, хизмат)лар экспорти амалга оширилмаган бўлса, унда олинган тушум ўсиш ҳисобланмайди ва имтиёз қўлланилмайди.

Ушбу имтиёз воситачилик ташкилотларига, шунингдек, экспортга кетадиган хом-ашё товарлари: пахта толаси, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, электр энергияси, газ конденсати, табиий газ, қимматбаҳо, рангли ва қора металлар, ип ишлаб чиқарадиган корхоналарга тегишли бўлмайди.

Қуйидагилар даромад (фойда) солиғини тўлашдан вақтинча озод қилинади:

а) Янгидан ташкил қилинган деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусий корхоналар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашдан, халқ истеъмоли товарлари, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришдан олган даромадлари бўйича улар рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб икки йиллик муддатга.

б) Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янгидан ташкил этилган, туризм фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар, ташкил топган вақтидан бошлаб биринчи фойдани олгунига қадар, лекин рўйхатдан ўтган вақтидан бошлаб уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга.

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янгидан ташкил этилган, туризм фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар фойда олишнинг биринчи йили солиқнинг 50 (эллик) фоизини, иккинчи

йили 75 (етмиш беш) фоизини, учинчи йилдан бошлаб — 100 (юз) фоизини тўлайдилар;

в) Янгидан ташкил этиладиган, экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари:

♦ агар ишлаб чиқариш ҳажмининг 25 (йигирма беш) фоизидан ортиғи болалар ассортименти товарларидан иборат бўлса, ишлаб чиқариш бошланган пайтдан бошлаб 5 (беш) йил муддатга. Кейинги йилларда солиқ амалдагига нисбатан 2 (икки) баравар пасайтирилган ставка бўйича ундирилади;

♦ агар хорижий сармоя улуши корхона устав капитали (фонди)нинг 50 (эллик) фоизи ва ундан кўпини ташкил этса, ишлаб чиқариш бошланган пайтидан бошлаб 2 (икки) йил муддатга;

г) шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш бўйича янгидан ташкил қилинган корхоналар ишлаб чиқаришни бошлаган пайтидан бошлаб 3 (уч) йил муддатга. Кейинги йилларда солиқ амалдагига нисбатан 2 (икки) баравар пасайтирилган ставка бўйича ундирилади;

д) янгидан ташкил топган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланганларидан ташқари) ташкил топган (рўйхатдан ўтган) вақтидан бошлаб биринчи йил давомида белгиланган ставканинг 25 (йигирма беш) фоизи ва иккинчи йили — 50 (эллик) фоизи миқдорида солиқ тўлайдилар. Кейинги йилларда солиқ белгиланган ставка бўйича тўлиқ тўланади.

Ушбу солиқ бўйича бериладиган имтиёзлар илгари амал қилган юридик шахслар (хорижий инвестицияли корхоналардан ташқари), уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмалари негизидан ташкил топган юридик шахсларга, шунингдек корхоналар қошида шу корхоналардан ижарага олинган ускуналар билан ишлайдиган юридик шахсларга тегишли бўлмайди.

е) Устав капитали (фонди)да хорижий сармоя улуши ўттиз фоиздан кўпни ташкил этадиган, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (узум ва резавор мева винолари, ўткир ичимликлардан ташқари) ишлаб чиқариш

ва қайта ишлаш, халқ истеъмоли моллари ва қурилиш материаллари, тиббий ускуналар, қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати учун машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, иккиламчи хомашё ва маиший чиқитларни тайёрлаш, қайта ишлашга ихтисослашган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар — рўйхатдан ўтган вақтидан бошлаб икки йил давомида солиқни тўлашдан озод қилинди.

Агар корхоналар белгиланган имтиёзли даврнинг бир йили ўтгунигача тугатилган тақдирда солиқ суммаси унинг бутун фаолият даври учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади;

ж) Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга капитал маблағ сарфлашни амалга оширувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари, рўйхатдан ўтган вақтидан бошлаб дастлабки етти йил давомида солиқни тўлашдан озод қилинади.

Қуйидагиларнинг олган даромад (фойда) суммаси солиқни тўлашдан озод қилинади:

а) патент эгасининг (лицензиар) саноат мулки объектларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишдан, шунингдек уларга лицензия сотишдан олган даромади — фойдалана бошлаган вақтдан бошлаб амал қилиш муддати доирасида:

♦ патент бўйича ихтиролар ва селекция ютуқлари — 5 йил давомида;

♦ олдиндан олинадиган патент бўйича ихтиролар — 3 йил давомида;

♦ гувоҳнома бўйича селекция ютуқлари — 3 йил давомида;

♦ патент бўйича саноат намунаси — 3 йил давомида;

♦ олдиндан олинадиган патент бўйича саноат намунаси — 2 йил давомида.

б) Лицензиат (лицензияли шартнома предметидан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахс) томонидан саноат мулки объектларидан фойдаланганлиги учун фойдалана бошлаган санадан бошлаб:

♦ патент бўйича ихтиролар ва селекция ютуқлари — 5 йил давомида:

♦ олдиндан олинадиган патент бўйича ихтиролар — 3 йил давомида;

♦ гувоҳнома бўйича селекция ютуқлари — 3 йил давомида;

♦ патент бўйича саноат намунаси — 3 йил давомида;

♦ олдиндан олинадиган патент бўйича саноат намунаси — 2 йил давомида;

♦ гувоҳнома бўйича фойдали модель — 2 йил давомида;

♦ товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси бўйича — 1 йил давомида (лицензиар маҳсулоти ишлаб чиқаришда).

Қуйидагиларнинг солиққа тортиладиган даромади (фойдаси) суммаларга камайтирилади:

♦ экология, саломатлик ва хайрия фондлари, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига бадаллар, бироқ солиққа тортиладиган даромад (фойда)нинг бир фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

♦ инвестицияларга (асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилиш), шунингдек инвестициялар учун олинган кредитларни узишга йўналтириладиган харажатлар, ҳисобланган эскириш тўлиқ фойдаланилиши шарти билан, бироқ солиққа тортиладиган даромад (фойда)нинг 50 (эллик) фоизидан кўп бўлмаган миқдорда.

Инвестициялар деганда ўзининг қуйидагилар учун сарфланган харажатлари тушунилади:

♦ янги қурилиш шаклидаги капитал қурилиш, шунингдек, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш;

♦ ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа алоҳида объектларни (ёки уларнинг қисмларини) сотиб олиш;

♦ диний ва жамоат бирлашмалари (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия фондлари мулки бўлган корхоналар даромадлари (фойдаси)нинг ушбу бирлашмалар ва фондларнинг устав фаолиятини амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари;

♦ табиатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ўтка-

зилишига сарфланадиган харажатларнинг 30 (ўттиз) фоизига.

Кўрсатилган имтиёз фақат ўз ишлаб чиқаришнинг экологик таъсирини яхшилаш учун табиатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширадиган корхоналарга тегишли бўлади.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш бўйича буюртмаларни бажаришдан даромад (фойда) оладиган корхоналарга нисбатан юқорида кўрсатилган имтиёз тегишли бўлмайди:

♦ футболни ривожлантириш ва унга кўмаклашиш, футбол клублари ва мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга йўналтириладиган маблағлар солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг 5 (беш) фоизигача бўлган миқдорда;

♦ "Истеъдод" фонди дастурларини маблағ билан таъминлашга йўналтириладиган маблағлар.

Хорижий инвестицияли корхоналар учун солиқ солинадиган даромад (фойда) улар захира фондининг миқдорлари устав фондининг 25 (йигирма беш) фоизига етгунигача даромад (фойда) нинг 20 (йигирма) фоизигача бўлган миқдорда захира фондига йўналтириладиган ажратмалар суммасига камайтирилади.

Бундай имтиёз фақат резервдан фойдаланиш миқдоридан қатъи назар, устав фондининг 25 (йигирма беш) фоизи доирасида ҳисобланган суммага тегишли бўлади.

Ходимлари умумий сонининг 3 (уч) фоизидан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи суммаси қуйидаги тарзда камайтирилади: белгиланган нормадан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига даромад (фойда) солиғи 1 (бир) фоиз камайтирилади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугагунгача сақлаб қолинади.

Барча солиқ тўловчилар йил чораги давомида жорий йил чораги биринчи ойининг 5-кунигача солиқ органларига тақдим қилинадиган маълумотномага мувофиқ, тегишли йил чораги учун мўлжалдаги фойда

суммаси ва белгиланган ставкалари бўйича солиқнинг бўнак (аванс) тўловларини бюджетга тўлайдилар.

Мавсумий тусдаги ишлаб чиқариш корхоналаридан ташқари барча ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги корхоналар бўйича фойдадан олинадиган солиқнинг бўнак (аванс) суммалари пасайтириб кўрсатилган ҳолларда, олдинги йил чорагининг амалдаги солиқ суммасидан келиб чиққан ҳолда мазкур корхоналар билан биргаликда молия ва солиқ органлари томонидан қўшимча равишда аниқлик киритилади.

Фойдадан олинадиган солиқнинг бўнак (аванс) тўловларини солиқ тўловчилар фойдадан олинадиган солиқнинг йил чораги суммаси олтидан бири миқдорида тенг улушларда ҳар ойнинг 10 ва 25-кунларидан кечикмай тўланади.

Фойда солиғи суммаси унчалик катта бўлмаганда солиқ тўловчининг илтимос хатига кўра, у жойлашган ердаги солиқ идораси тўлов учун битта муддатни — ҳар ойнинг 20-санасида йил чораги солиқ суммасининг учдан бири миқдорда белгилаб қўйиши мумкин.

Ҳисобот йили чорагида маҳсулотларни сотишдан энг кам иш ҳақининг 200 баробари даражасига фойдага эга бўлган корхоналар бўнак (аванс) тўловларини ҳар йил чорагида йил бошидан ўсиб борувчи жамлаш тартибида олдинги йил чораклари учун ҳисобланган солиқ суммаларини ҳисобга олган ҳолда, ҳақиқатда олинган фойда суммасига қараб белгилайди.

Солиқ тўловчилар йилнинг биринчи чораги, ярим йиллик, тўққиз ойлик ва йил якуни бўйича мустақил равишда йил бошидан бошлаб ўсиб борувчи жамлаш тартибида фойда солиғи суммасини солиққа тортиладиган ҳақиқатда олинган фойдадан берилган имтиёзлар ва белгиланган солиқ ставкаларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб борадилар.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси аввал ҳисобланган тўловларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Солиқ бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағида алоҳида амалга оширилади. Белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилган солиқ 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағи-

нинг кредитига 9810—"Фойдадан ҳисобланган ва тўланган солиқлар" ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилади. Солиқ суммаларини ўтказиш 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағи дебетида ва 5110—"Ҳисоб-китоб счёти"нинг кредитида акс эттирилади.

20.5. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) товарларни сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида янги ҳосил қилинган қийматга асосланган ҳолда соф даромаднинг бир қисмини бюджет даромадига олиб қўйишнинг бир шаклидир.

Солиқ тўловчилар мукчиликнинг барча шаклларига кирувчи мустақил баланс ва ҳисоб-китоб счётига эга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар, ташкилотлар ва уларнинг мустақил бўлинмаларидир.

Товар (иш, хизмат)ларнинг сотилишига доир оборотлар, яъни юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборот ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20% миқдорида белгиланган.

Қўшилган қиймат солиғи суммаси белгиланган ставкалар асосида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$С_{ҚҚС} = С_{Тоб} \times СС/100$$

бунда: $С_{ҚҚС}$ — истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси;

$С_{Тоб}$ — солиққа тортиладиган оборот;

СС — қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Товар (иш, хизмат)лар қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олган нархлар ва тарифлар бўйича сотилганида — солиқ қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$С_{ҚҚС} = Т_{К} \times СС/(СС+100)$$

бунда: $Т_{К}$ — қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган товар (иш, хизмат)лар қиймати.

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товар

(иш, хизмат)ларни сотадиган корхоналар эркин (шартномавий) нарх ва тарифга қўшилган қиймат солиғи суммасини қўшмайдилар.

Ягона солиқни тўлайдиган кичик корхоналар, шунингдек, ялпи даромад солиғини тўлайдиган улгуржи савдо корхоналарига ҳам шунга ўхшаш тартиб тегишли бўлади.

15 ва 20 фоизлик миқдорлардаги ставкалар бўйича қўшилган қиймат солиғига тортиладиган товарларни ишлаб чиқарувчи ва сотувчи корхоналар товарларнинг сотилиши ва уларга доир солиқлар суммаси юзасидан қўлланиладиган ставкалар бўйича алоҳида ҳисобни юритиши ва ҳисоб-китоб ҳужжатларида солиқ суммаларини товарлар турлари бўйича қўлланиладиган ставкаларга қараб кўрсатиши лозим.

Хомашё ва материалларни сотиб олувчи корхоналар уларнинг қийматини мол етказиб берувчиларга қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиб тўлайдилар. Мол етказиб берувчи харидордан олган қийматдан бюджетга солиқни тўлайди.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи сотилган товарлар (бажарилган ишлар, хизматлар) учун ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммаси билан қиймати ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига киритиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи суммаси ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади.

Мисол: Корхона мол етказиб берувчиларга материаллар сотиб олгани учун қўшилган қиймат солиғини 1700 минг сўм қийматида тўлади, бу аввал 4410—"Солиқлар бўйича бўнак тўловлари" ҳисобварағида акс эттирилади, ҳисобот даври охирида ушбу сумма 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағининг дебетида кўрсатилади.

Бу қийматга қуйидаги бухгалтерия проводкаси берилади:

◆ материал сотиб олинганидаги ҚҚС суммаси — 1700 минг сўм:

Д-т 4410—"Солиқлар бўйича бўнак тўловлари" — 1700 минг сўм;

К-т 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" — 1700 минг сўм;

◆ ҳисобот даври охирида ҚҚС суммаси 6410—ҳисобварақ дебетига ўтказилди — 1700 минг сўм:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" — 1700 минг сўм;

К-т 4410—"Солиқлар бўйича бўнак тўловлари" — 1700 минг сўм.

Бу материаллардан шу ойда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди: Унинг қиймати — 30000 минг сўм; Шу жумладан қўшилган қиймат солиғи: 30000 × 20% : 100 = 6000 минг сўм;

ҚҚС билан бирга умумий даромад 36000 сўмни ташкил этди. Бунда қуйидаги проводкалар берилади:

Сотилган маҳсулот қийматига:

Д-т 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" — 30000 минг сўм.

К-т 9010—"Реализация" ҳисобварағи — 30000 минг сўм;

Қўшилган қиймат солиғига:

Д-т 4010—"Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" ҳисобварағи — 6000 минг сўм;

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағи — 6000 минг сўм.

Шу ойда бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғини аниқлаш учун харидорлардан олинган қўшилган қиймат солиғи ва мол етказиб берувчиларга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи, яъни 6410-ҳисобварақнинг кредити билан дебети солиштирилиб аниқланади.

Бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи қуйидагича ҳисобланади: 6000—1700 =4300 минг сўм.

Бу солиқ бюджетга ўтказилганда:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағи — 4300 минг сўм;

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" ҳисобварағи — 4300 минг сўм.

Қўшилган қиймат солиғига тортиладиган ва тортилмайдиган сотувчи, ишларни бажарувчи ва хизматларни кўрсатувчи корхоналар ушбу товарлар (ишлар, хизматлар)ни оладиган шахсга ҳисобварақ-фактурани тақдим этиш шарт.

Бунда мазкур корхоналар ҳисобварақ-фактурада қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатишмайди ва "қўшилган қиймат солиғисиз" деган белгили муҳр қўяди (ёки ёзувни ёзади).

Корхоналар қўшилган солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тасдиқланган шакл бўйича ўсиб борувчи якун билан солиқ юзасидан рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати идораларига ҳар ойда ҳисоб ойидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмасдан ва йил якун-

лари бўйича йиллик молиявий ҳисоботни топшириш муддатида тақдим этади.

Корхоналар солиқни қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш учун белгиланган кунгача, тегишли давр (ой) учун сотишга доир амаллардаги оборот асосида тўлайди.

Солиқ бўйича ўтган ой учун тўлов суммаси энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдоридан ошган корхоналар охирги ойлик ҳисоб-китобга кўра бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасининг иккидан бири миқдорида жорий тўловларни тўлайди (ҳисобот ойининг 20-куни ва ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунида), сўнгра сотиш бўйича ҳақиқий айланмалардан келиб чиқиб, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунига қадар қайта ҳисоб-китоб ьилинади.

Агар корхона маҳсулот (иш, хизмат)ларни барқарор бўлмаган тарзда ишлаб чиқарадиган бўлса ёки корхонада навбатдаги ҳисоб даврида солиқ солинадиган оборот мавжуд бўлмаса, унда улар тўловларни ҳисоблашнинг биринчи муддатигача бу ҳақда давлат солиқ хизмати органларига ёзма равишда хабар бериши лозим.

Навбатдаги ҳисобот даврида мўлжалланган оборот камайган ҳолда тўловларнинг ҳисобланиши баён қилинган оборот ва тўланиши мўлжалланган солиқ суммаси асосида амалга оширилади.

Янгидан ташкил қилинган корхоналар, шунингдек, илгари тўловчи бўлмаган корхоналар фаолиятининг биринчи ойи учун солиқни амалдаги оборот асосида тўлайдилар. Фаолиятнинг кейинги ойларида қўшилган қиймат солиғи умумий белгиланган тартибда ҳисобланади ва тўланади.

Корхона солиқлар ва йиғимлар суммаларини ортиқча тўлаган ҳолда ҳамда солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи бўлмаган ҳолда бундай суммалар навбатдаги тўловлар ҳисобида ўтказилади ёки тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун муддатда солиқ идораси томонидан солиқ тўловчига қайтарилади.

20.6. Акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Акциз солиғи соф даромад нархида ва қўшилган қиймат солиғига тортиладиган базада ҳисобга олинадиган, билвосита солиқ сифатида бюджетга тўланадиган солиқдир.

Акциз солиғи олинадиган товарлар рўйхати ва солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан табақаланган ҳолда белгиланади. Вазирлар Маҳкамаси солиқ ставкалари ва акциз солиғи солинадиган товарлар рўйхатини қайтадан кўриб чиқиб жорий этиш ҳуқуқига эга. Акциз солиғи солинадиган товарнинг натурада ҳақ тўлаш сифатида ёки бепул берилиши ҳам солиққа тортиладиган объект ҳисобланади. Бунда солиқ тўловчида товарни бериш пайтида қарор топган, лекин бундай акциз солиғи солинадиган товарнинг ишлаб чиқарилишига доир амалда таркиб топган харажатлардан паст бўлмаган нархлар даражасида ҳисоблаб чиқилган қиймат солиққа тортиш объекти ҳисобланади.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формулага биноан белгиланади.

$$(О \times А) / 100,$$

бунда: О — акциз солиғи суммасини ўз ичига оладиган, ҚҚСсиз шартномавий (эркин) нарх; А — акциз солиғи ставкаси.

Акциз маркалари ёпиштирилган товарлар бўйича акциз солиғи умумий белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилади. Бунда акциз маркаларининг номинал қиймати акциз солиғини тўлаш ҳисобига ҳисобга олинади.

Бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги қонунларга мувофиқ берилган хомашё маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхона томонидан балансдан ташқарида ҳисобга олинади.

Берилган хомашёдан ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблашда акциз солиғи солинадиган маҳсулотнинг сотилишига доир айланма бундай товарларни ишлаб чиқаришга оид ишлар қиймати ва берилган хомашё қиймати асосида белгиланади.

Мисол: Телевизор ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқарилган телевизорларнинг сотилиш нархи 1000000 сўм. Акциз солиғи ставкаси 15%. Демак солиқ — 150000 сўм (1000000 × 15% : 100). Телевизорларнинг сотилиш нархи 1150000 сўм (1000000 + 150000). Телевизорларнинг сотилиш қийматига:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" ҳисобварағи — 1150000 сўм;

К-т 9010—"Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар" ҳисобварағи — 1150000 сўм.

Акциз солиғи қийматига:

Д-т 9010—"Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар" ҳисобварағи — 150000 сўм.

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағи — 150000 сўм.

Акциз солиғи бюджетга ўтказилганда:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағи — 150000 сўм.

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" ҳисобварағи — 150000 сўм.

Тўловчилар томонидан амалдаги сотиш ҳажми асосида ҳисоблаб чиқилган акциз солиғи суммаси қуйидаги муддатларда бюджетга тўланади:

— жорий ойнинг 13-кунигача — жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун;

— жорий ойнинг 23-кунигача — жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун;

— навбатдаги ойнинг 3 кунгача — ҳисобот ойининг қолган кунлари учун.

Товарга илова қилинадиган ҳужжатларда кўрсатилган маҳсулот юклаб жўнатилган кун сотиш куни деб ҳисобланади.

Акциз солиғининг ўн кунлик тўловлар бўйича келиб тушган суммаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларида бир вақтнинг ўзида солиқнинг "ҳисобланиши" ва "тўланиши" устунларида акс эттирилади.

Солиқ тўловчи ўзи рўйхатдан ўтган тегишли солиқ хизмати идорасига ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 20-кунигача акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобни, унга солиқ солинмайдиган айланмалар суммалари кўрсатилган маълумотномани илова қилиб тақдим этади.

20.7. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалар қазиб олиш, шунингдек қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи шахслар тўлайди.

Фойдали қазилмалар таркиби ва солиқ ставкалари Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганувчи, геология ҳудудларида илмий ишларни олиб борувчи, ер ости иншоотларини қурганлик ва улардан фойдаланганлик учун бюджет ташкилотлари мазкур солиқни тўлашдан озод қилинади.

Мисол. Ҳисобот даврида корхонада қазиб олинган кўмир ҳажми 2000 минг сўмни ташкил этади, солиқ ставкаси 3,8%.

Солиқ суммаси 2000 минг сўм × 3,8% = 76 минг сўмни ташкил этади.

Ҳисоблаб чиқилган солиқ суммаси ҳар ойда 9430—"Бошқа операцион харажатлар" ҳисобварағининг дебети ва 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади:

Д-т 9430—"Бошқа операцион харажатлар" ҳисобварағи—76000 сўм;

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағи — 76000 сўм.

Ушбу солиқ бюджетга тўланганда:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағи — 76000 сўм;

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" ҳисобварағи — 76000 сўм.

20.8. Экология солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Экология солиғи тўловчилари товарлар ишлаб чиқарадиган, ишларни бажарадиган, хизматлар кўрсатадиган, мустақил балансга ва ҳисоб-китоб варағига эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади.

Солиқ солиш объекти бўлиб, бюджетга тўланадиган мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар ва Республика йўл жамғармаси, Давлат бандликка кўмакла-

шиш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси ва Давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисобварағига ажратмалардан ташқари, ишлаб чиқариш ва давр харажатлари ҳисобланади.

Бунда қурилиш, қурилиш-монтаж, ремонт-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа қидирув ва илмий тадқиқот ташкилотлари учун солиқ солиш объекти бўлиб ўз кучи билан бажарилган ишлар бўйича ишлаб чиқариш харажатлари ва бюджетга тўланадиган мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар ва давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалардан ташқари давр харажатлари ҳисобланади;

Суғурта ташкилотлари учун солиқ солиш объекти бўлиб кўрсатилган хизматлар бўйича жами харажатлар ва бюджетга тўланадиган мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар ва давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалардан ташқари давр харажатлари ҳисобланади.

Солиққа тортиш мақсадида экология солиғини ҳисоблашда ишлаб чиқариш харажатлари деганда корхона ичидаги айланмасиз ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисобга олинадиган ("Асосий ишлаб чиқариш" ва "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида четга кўрсатилган хизматлар қисмида) ялпи харажатлар суммалари тушунилади.

Чет элда ўзларининг таркибий бўлинмалари бўлган корхоналар ва ташкилотлар солиқ солиш базасида фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилган харажатларнигина ҳисобга олишлари керак, яъни Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган таркибий бўлинмаларнинг харажатлари солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланмайди.

Экология солиғи 1 фоизлик ставка бўйича тўланади.

Экология солиғини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

а) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмаси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қиладиган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно;

б) мактабгача таълим нодавлат муассасалари рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб уч йил муддатга, башарти улар бўшатиб олинаётган маблағларни моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, ускуналар, жиҳозлар, дидактик материаллар, болалар ўйинчоқлари ва адабиётини сотиб олишга сарфласа;

в) гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган юридик шахслар.

Экология солиғи солиқ тўловчи томонидан солиқ солиш объекти ва белгиланган ставка асосида ҳисоблаб чиқилади. Экология солиғи бўйича ҳисоб-китоблар ўсиб борувчи якун билан чиқарилган чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатларда тақдим этилади. Экология солиғи йилнинг ҳар чорагида унга доир ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмасдан тўланади.

Экология солиғининг ҳисобланган суммаси 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағининг кредити ва 9430—"Бошқа операцион харажатлар" ҳисобварағининг дебетида акс эттирилади.

Солиқнинг тўланган суммаси 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағининг дебети ва 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" ҳисобварағининг кредити буйича акс эттирилади.

Мисол: 2010 ва 2310-ҳисобварақда жорий даврда йиғилган корхона харажатлари 300000 сўмни ташкил этди. Экология солиғи 300000 × 1% : 100 = 3000 сўм.

Ушбу солиқ ҳисобланганда қуйидаги проводка берилади:

Д-т 9430—"Бошқа операцион харажатлар" — 3000 сўм;

К-т 6410—" Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" — 3000 сўм.

Ушбу солиқ бюджетга тўланганда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик"— 3000 сўм;

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 3000 сўм.

20.9. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Ушбу солиқни тўловчилар ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ва техника эҳтиёжлари учун ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми, яъни юридик шахслар фойдаланган сув ресурсларининг бутун ҳажми сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат Солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчиларга белгиланган тартибда етказилади.

Тўловчилар	1 куб. метр учун ставка (тийин)	
	Ер усти сув ресурслари манбаларидан	Ер ости сув ресурслари манбаларидан
1. Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар	326,9	420,5
2. Электростанциялар	93,6	139,7
3. Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	180,0	233,3
4. Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари	15,8	20,2

Солиқ тўлиқ тўланмаган ҳолда солиқ суммаси ҳисоб-китоб тақдим қилингандан сўнг беш кунлик муддатда бюджетга ўтказилади. Ортиқча тўланган солиқ суммалари тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб солиқлар ва йиғимлар бўйича қарз бўлмаган ҳолда 30 кун муддатда солиқ идораси томонидан солиқ тўловчига қайтарилади ёки навбатдаги тўловлар ҳисобига ўтказилади.

Ер ости ва ер устидаги манбалардан сув келиб тушадиган водопровод тармоғидаги сувдан фойдаланилган ҳолда солиқ тегишли манбалар учун белгиланган

ставкалар асосида ҳисоблаб чиқилади. Туманлар ва шаҳарлар давлат солиқ инспекциялари сув етказиб берувчи корхоналардан водопровод тармоғига ер ости ва ер устидаги манбалардан келиб тушадиган сув ҳажмларининг нисбати ҳақидаги маълумотларни олиши ва уларни солиқ тўловчилар эътиборига ҳавола этиши лозим.

Масалан: Тошкент шаҳрида водопровод тармоғига 74% ер ости ва 26% ер устидаги манбалардан сув келиб тушади. Айтайлик, корхона бир ойда 10 минг куб м. сув олган. Шундай бўлганида, ер устидаги манбалардан олинган сув ҳажми:

$$10000 \times 74 : 100 = 7400 \text{ куб м. ни,}$$

ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми:

$$10000 - 7400 = 2600 \text{ куб м. ни ташкил этади.}$$

1999 йилда саноат корхоналари учун ер устидаги манбалардан олинган сув учун солиқ ставкаси 1 куб м. га 326,9 тийин ва ер ости манбаларидан олинган сув учун солиқ ставкаси 420,5 тийин қилиб белгиланган. Солиқнинг умумий суммаси:

$$(7400 \times 420{,}5) + (2600 \times 326{,}9) = 39616{,}40 \text{ сўм бўлади.}$$

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисобланганда:

Д-т 9430—"Бошқа операцион харажатлар" — 39616,40 сўм;

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" — 39616,40 сўм.

Ушбу солиқ бюджетга тўланганда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" — 39616,40 сўм

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 39616,40 сўм.

Такрорлаш учун саволлар

1. Солиқ деганда нимани тушунасиз?
2. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ ҳисобини юритишнинг зарурлиги нимада?
3. Юридик шахслар бюджетга қайси турдаги солиқларни тўлайди?
4. Даромад (фойда) солиғига тортиладиган база қандай аниқланади?

5. Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибининг хусусиятлари нималарда ўз ифодасини топади?
6. Қўшилган қиймат солиғи қандай тартибда ҳисобланади?
7. Акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ҳақида нималарни биласиз?
8. Юридик шахслар томонидан ер остидан фойдаланганлик учун солиқ қай тартибда ҳисобланади?
9. Экология солиғини ҳисоблаш қай тартибда амалга оширилади?
10. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш қайси муддатларда бюджетга ўтказиб берилади?

21-боб. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТГА ТЎЛАНАДИГАН СОЛИҚЛАР ҲИСОБИ

21.1. Кичик корхоналар учун ягона солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи кичик корхоналар учун Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш берилган.

Кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида назарда тутилган амалдаги солиқ солиш тизими билан бир қаторда қўлланилади.

Солиқ солиш тизимини танлаш ҳуқуқи ихтиёрийлик асосида кичик корхоналарга берилади.

Мулкчиликнинг турли шаклдаги солиқ ставкалари қуйида келтирилган.

Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимига ўтиб ишлаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ ставкалари

Тўловчилар	Товарлар, хизматлар реализациясидан олинган умумий даромадларнинг
Харид, таъминот-сотув, брокерлик фирмалари	30*
Хусусий амалиёт билан шуғулланадиган нотариуслар	50
Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш лицензиясига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек норезидентларни жалб қилиш орқали оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи корхоналар	35
Қишлоқ хўжалик корхоналари, ягона ер солиғини тўлайдиган товар ишлаб чиқарувчилар бундан мустасно	6
Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналари	12

* Ялпи даромадга нисбатан фоизларда.

Мисол. Кичик корхона таъмирлаш ва қурилиш ишларини амалга оширади. Бажарилган ишлардан ялпи тушум 530 минг сўмни ташкил этса, солиқ ставкаси 10%.

Солиқ қуйидагича ҳисобланади:

530 минг сўм × 10% / 100 =53 минг сўм.

Ушбу солиқ ҳисобланганда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9810—"Фойдадан ҳисобланган ва тўланган солиқлар" ҳисобварағи.

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағи.

Бу солиқ бюджетга ўтказилганда:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағи

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" ҳисобварағи.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 12 июлдаги "Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш тартиби тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ:

♦ чакана савдо соҳасида микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқни ўзида белгиланган физик кўрсаткич бирлигига белгиланган даромад миқдоридан (солиқ тўловчининг потенциал ялпи даромадидан) келиб чиқиб ҳисобланган солиқнинг қатъий белгиланган суммасини тўлайди;

♦ савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи тушум ҳажмидан (товар айланмаси ҳажмидан) олинадиган ягона солиқни тўлайди.

Чакана савдо соҳасида микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган даромаддан олинадиган солиқ:

♦ солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўлловчи солиқ тўловчилар учун — ифлослантирувчи моддаларни табиий муҳитга чиқариб ташлаганлик, оқизганлик ва чиқитларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жойлаштирилганлиги учун ягона солиқ ва тўлов ўрнига;

♦ солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимига ўтмаган солиқ тўловчилар учун ялпи даромад солиғи ўрнига жорий этилади.

Фойдаланиладиган умумий майдон, шу жумладан ижарага берилган ва ижарага олинган майдон белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ солиш объекти ҳисобланади. Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ суммаси:

умумий фойдаланиладиган майдон ҳажмидан;

базавий ставкалардан;

корхоналарнинг жойлашган жойига ва сотиладиган товарлар турларига қараб тузатиш киритувчи коэффициентлардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилади:

$$N = P \times C \times Kp,$$

бу ерда: N — белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ суммаси; P — умумий фойдаланиладиган майдон; C — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланадиган даромаддан олинадиган ягона солиқнинг аниқ ставкаси; Кр — сотиладиган товарлар турларига қараб тузатувчи коэффициент.

Чакана савдо соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг белгиланган даромадидан олинадиган ягона солиқни ҳисоблаш учун базавий ставкалар ва ўзгарувчан коэффициентлар

Фаолият ту	баз	Бир ойдаги солиқнинг ий (энг	Ягона солиқнинг базавий ставкасига ўзгарувчан коэффициентлар		
			Тош-кент ш.	Вило-ятлар-даги шаҳар-лар	туман-лар, шу жумла-дан қишлоқ жойлар
10 кишигача ишчиси бўлган турғун савдо шоҳобчалари орқали амалга ошириладиган чакана савдо	Умумий фойда-ланила-диган майдон	ҳар кв.м. учун 0,5	0,7–2,0	0,5–1,5	0,2–1,0

Сотиладиган товарларнинг турларига қараб жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган ставкаларга тузатувчи коэффициентлар

	Товарларнинг номи	Коэффициентлар
1	Тамаки маҳсулотлари ва алкоголли маҳсулотлар	1,5
2	Автомобиллар, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ва аксессуарлар	2,0
3	Чарм ва мўйнадан тайёрланган буюмлар, кийим бош ва пойабзал	1,2
4	Қурилиш, пардозлаш материаллари ва қурилиш асбоб-ускуналари ва жиҳозлари	1,2
5	Маиший-техника, ташкилий техника, ёритиш приборлари, алоқа воситалари, кино ва фототехника, шунингдек улар учун тегишли анжомлар	1,5
6	Мебеллар, гиламлар ва гиламбоп буюмлар	1,5
7	Заргарлик буюмлари, қимматбаҳо металлардан тайёрланган буюмлар	1,5
8	Чинни ва биллур идишлар	1,2
9	Бошқа товарлар, шу жумладан озиқ-овқат товарлари	1,0

Эслатма: аралаш ассортимент билан савдо қилишда сотиладиган товарларнинг айрим турлари учун белгиланган тузатувчи коэффициентнинг энг кўп миқдори қўлланилади.

Мисол. Мебель сотувчи корхонанинг тавсифи:

1. Умумий фойдаланиладиган майдон — 45 кв.м.;
2. Жойлашган жойи — вилоят шаҳри;
3. Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган аниқ ставка — 1 кв.м.га ойига энг кам ойлик иш ҳақининг ярми;
4. Сотиладиган товарлар (мебель) туридан келиб чиққан ҳолда ставканинг белгиланган миқдорига тузатувчи коэффициент — 1,5.

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Сумма
1	Умумий фойдаланиладиган майдон	кв.м	45
2	Бир кв.м.га ойига жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган ставканинг аниқ миқдори	энг кам ойлик иш ҳақи	0,5
3	Ҳисобот ойидаги энг кам иш ҳақи	сўм	4535
4	Сотиладиган товарлар (мебель) туридан келиб чиққан ҳолда ставканинг белгиланган миқдорига тузатувчи коэффициент		1,5
5	Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ суммаси (1сатр×2сатр×3сатр×4сатр)	сўм	153056,3

Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ тақдим этилган ҳисоб-китоб асосида ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечикмай ҳар ойда тўланади ва тўлиқ миқдорда маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Ҳисобланган ягона солиқ суммасига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9430—"Бошқа операцион харажатлар" ҳисобварағи;

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағи.

Ушбу солиқ бюджетга тўланганда:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағи;

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" ҳисобварағи.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар ялпи даромад солиғи, мол-мулк солиғи, шунингдек ялпи даромаддан олинадиган ягона солиқ тўлаш ўрнига ялпи тушумдан (товар айланмаси ҳажмидан) олинадиган ягона солиқни тўлайдилар.

Корхонанинг ялпи тушуми ялпи тушумдан ягона солиқ олиш объекти ҳисобланади.

Ялпи тушум таркибига қуйидагилар киритилади:

товарлар сотишдан (ишлар, хизматларни амалга оширишдан) тушум суммаси;

бошқа нарсаларни (мол-мулк ва бошқа активларни) сотишдан олинган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида назарда тутилган бошқа даромадлар.

Солиқ солиш мақсадлари учун ялпи тушумдан қуйидагилар чегирилади:

маҳсулотни сотиш бўйича айланмалар суммаси ҳисобланган ҚҚС суммаси (улгуржи савдо корхоналари учун);

автотранспорт воситаларига қуйиш учун бензин, дизель ёнилғиси ва газдан фойдаланганлик учун жисмоний шахслардан олинган солиқ суммаси;

тўлов манбаидан улар бўйича солиқ тўланган дивидендлар ва фоизлар тарзида олинган даромадлар;

давлат облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар ва фоизлар тарзида олинган даромадлар.

Ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқ рўйхатдан

Ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқ ставкалари

Тўловчилар	Корхоналар бўйича уларнинг жойлашган жойига қараб солиқ ставкалари (ялпи тушум ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)	
	шаҳар ва қишлоқ жойларда	узоқ ва тоғли туманларда
Улгуржи, чакана савдо	5	3
Жумладан, республикада ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари реализацияси	2	1
Умумий овқатланиш	10	7
Жумладан, умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатларда, урта ва олий ўқув юртларида жойлашганлари	5	5

ўтказилган жойдаги давлат солиқ органларига ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечикмай тақдим этилади.

Ушбу солиқ ҳисобланганда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9810—"Фойдадан ҳисобланган ва тўланган солиқлар" ҳисобварағи;

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағи;

Бу солиқ бюджетга ўтказилганда:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағи;

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" ҳисобварағи.

21.2. Ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи тўловчиларидир.

Юридик шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади:

1) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

2) қишлоқ ёки ўрмон хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга берилган ер участкалари;

3) корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ёки қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун берилган ер участкалари;

4) корхоналар, бинолар ёки иншоотларга бўлган мулк хуқуқи ўтиши билан бирга эгалик қилиш ва фойдаланиш хуқуқи ҳам ўтган ер участкалари.

Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан белгиланган умумий тартибда солиқ тўловчиларга етказилади.

Ер солиғини ҳисоблаш ер участкасининг ҳақиқий майдони асосида амалга оширилади.

Мисол: Корхона Тошкент шаҳар Чилонзор туманида 3 гектар майдонда жойлашган ҳамда Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги 2 гектар майдонда дам олиш зонасига эга.

Чилонзор тумани ҳудудида солиқ ставкаси 1 гектар ер учун 2060370 сўм. Солиқ 2060370 × 3 = 6181110 сўм.

Солиқ Тошкент шаҳар Чилонзор туманига тўланади.

Тошкент вилояти Паркент тумани ҳудудида 1 гектар ер учун солиқ ставкаси 1820,3 сўм. Солиқ 1820,3×2 = 3640,6 сўм.

Ушбу солиқ Паркент туманининг маҳаллий бюджетига тўланади.

Солиқнинг жами суммаси 6181110 + 3640,6 = 6184750,6 сўм.

Ҳисобланган сумма қуйидаги ёзув билан ифодаланади:

Д-т 9430—"Бошқа операцион харажатлар" — 6184,7 минг сўм

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик"— 6184,7 минг сўм.

Ушбу солиқ бюджетга тўланганда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" — 6184,7 минг сўм

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" — 6184,7 минг сўм.

21.3. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Юридик шахслар мол-мулкига солиқ солишнинг мақсади кераксиз ва ортиқча ускуналар ҳамда бошқа мулкларнинг корхоналарда меъёрдан ортиқча сақланишини бартараф этишдан, корхоналарда товар оборотини жараёнини жадаллаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, мустақил балансга эга бўлган, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган барча юридик шахслар солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Шунингдек корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, мустақил балансга эга бўлган филиал, ваколатхона ёки бошқа шаклдаги таркибий қисмлари ҳам мол-мулк учун солиқ тўловчилар саналади. Солиқ солиш ставкалари ва солиқ солиш объектлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ушбу солиқ корхонанинг мол-мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан олинади. Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкаси қуйидагича:

Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан % ларда солиқ ставкалари
Юридик шахслар	3
Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссасиқуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун:	
Сотишнинг умумий ҳажмида 15% дан 25%гача	белгиланган ставка 30%га пасайтирилади
Сотишнинг умумий ҳажмида 25% дан 50%гача	белгиланган ставка 30%га пасайтирилади
Сотишнинг умумий ҳажмида 50% ва ундан ортиқ	Солиқ ундирилмайди

Солиқ солиш объекти бўлиб, корхона асосий воситаларининг, шу жумладан лизинг шартномаси бўйича қабул қилинган асосий воситаларнинг) ўртача йиллик қолдиқ қиймати, номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ва корхоналарнинг ўз вақтида ўрнатилмаган ва ишлатилмаган ускуналари ҳисобланади. Корхона балансида бўлган асосий воситалар, шу жумладан, лизинг шартномасига кўра сотиб олинган воситалар ва номоддий активларнинг эскириши чегириб ташланган ўртача йиллик қолдиқ қиймати солиққа тортиш объекти ҳисобланади, бундай объектлар кейинги ўринларда мол-мулк деб аталади.

Амортизация қилиниши керак бўлган асосий воситаларнинг ижараси агар қуйидаги шартлардан бири мувофиқ келса, лизинг ҳисобланади:

♦ ижара муддати асосий воситалар хизмат муддатидан 80 фоизидан ортиқ бўлса;

♦ ижарачи асосий воситаларни қатъий белгиланган нархда ёки ижара тугаганидан сўнг белгиланадиган нарх бўйича харид қилиш ҳуқуқига эга бўлса;

♦ ижарага олинган асосий воситаларнинг ижара тугалланганидаги қолдиқ қиймати уларнинг ижара бошланишидаги қийматининг 20 фоизидан камни ташкил этса;

♦ ижарага олинган бутун давр учун жорий тўловларнинг суммаси ижарага олинган воситалар қийматининг 90 фоизидан ортиқ бўлса.

Корхона мол-мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати мол-мулкнинг ҳисобот йили 1 январидаги қолдиқ қиймати ярмини ҳисобот йилидан кейинги йил 1 январидаги қолдиқ қийматининг ярмига қўшилишига ҳосил бўлган суммани, шунингдек мол-мулкнинг ҳисобот давридаги қолган барча ойларнинг биринчи кунидаги қолдиқ қиймати суммасини 12 га бўлишдан ҳосил бўлган хусусий ҳосила сифатида қуйидаги формулага кўра белгиланади:

$$\text{Ўртача йиллик қолдиқ қиймати} = \frac{(1\ \text{янв}/2)+1\ \text{фев.га}+\ldots+1\text{дек.га}+(1\ \text{янв}/2)}{12}$$

Мисол: Корхона 20 октябрда ишга туширилган.

200_ йил учун корхона мол-мулки ўртача қолдиқ қийматининг ҳисоб-китоби

Баланс модда-лари номи	Ҳисоб варақ коди	Баланс сатри коди	Баланс моддалари бўйича қуйидаги саналардаги суммалари:				
			01.01	. . .	01.11	01.12	01.01
Асосий воситалар	0110-0199,0310	010	—	—	845	845	835
Номоддий активлар	0410-0490	020					
Асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириши		011, 021			100	100	100
Солиқ солиниши лозим бўлган мол-мулкнинг қолдиқ қиймати		012, 022			745	745	735

Солиқ солишнинг лозим бўлган мол-мулкнинг қолдиқ

$$\text{қиймати} = \frac{(745 \div 2 + 745 + 735 \div 2)}{12} = 123{,}75$$

Йил давомида мол-мулкнинг ҳисобот давридаги (йил чораги, ярим йиллик, 9 ойлик) қолдиқ қиймати мол-мулкнинг биринчи ойининг 1 кунидаги қолдиқ қийматининг ярмини ҳисобот даврида кейинги ойнинг 1 кунидаги қолдиқ қийматининг ярмига қўшилишидан ҳосил бўлган суммани, шунингдек мол-мулк қолдиқ қийматининг ҳисобот давридаги қолган барча ойларнинг 1 кунидаги суммасини ҳисобот давридаги ойлар сонига бўлишдан ҳосил бўлган хусусий ҳосила сифатида белгиланади.

Масалан:

1) ҳисобот йилининг 1 чораги учун:

$$\text{Мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қиймати} = \frac{(1\ \text{янв}/2) + 1\ \text{фев.га} + \ldots + 1\text{дек.га} + (1\ \text{янв}/2)}{12}$$

2) 13 мартдан бошлаб мол-мулк солиғини тўловчи бўлиб ҳисобланадиган корхона учун:

$$\text{Мол-мулкнинг 1 чорак учун ўртача қолдиқ қиймати} = \frac{(1\ \text{мартга}/2 + 1\ \text{апрелга}/2}{3}$$

Солиқ солинадиган базани белгилаш учун бухгалтерия ҳисобининг баланс активида акс эттириладиган қуйидаги ҳисобварақлар бўйича суммалар қабул қилинади:

0110-0199—"Асосий воситалар";

0310—"Узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситалар";

0410-0490—"Номоддий активлар".

Мулк солиғи ҳисобланганда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9430—"Бошқа операцион харажатлар";

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик".

Ушбу солиқ бюджетга тўланганда қуйидагича проводка берилганида:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

21.4. Инфраструктурани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган хорижий инвестицияли юридик шахслар ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар ҳисобланади.

Солиқ солиш объекти бўлиб "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот"нинг 2-сон шакли 240-сатрида "Солиқ солинадиган даромад (фойда)" қийматидан даромад (фойда) солиғи айрилган суммаси ҳисобланади. Солиқнинг энг юқори ставкаси солиққа тортиш объектининг 8%и миқдорида белгиланган. Маҳаллий ҳокимият идоралари солиқни паст ставкалар бўйича тўлаши мумкин.

Мисол. Солиқ тўлашдан аввалги корхона фойдаси 500000 сўм. Даромад (фойда) солиғи суммаси 200000 сўм.

500000 — 200000 =300000 сўм. Ушбу суммани солиқ ставкасига кўпайтирамиз 300000×8 /100 = 24000 сўм.

Белгиланган тартибда ҳисобланган солиқ суммасига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9810—"Фойдадан ҳисобланган ва тўланган солиқлар" ҳисобварағи;

К-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағи;

Мазкур солиқ бюджетга тўланганда:

Д-т 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик" ҳисобварағи;

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" ҳисобварағи.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қандай сабабларга кўра солиққа тортиш тизимида ягона солиқни жорий қилинди?
2. Амалдаги қонунчиликка биноан юридик шахслар томонидан тўланадиган ер солиғини ҳисоблаш тартиби қай тартибда белгиланган?
3. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ҳақида нималарни биласиз?
4. Инфраструктурани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибининг хусусиятлари нималарда ўз ифодасини топади?

22-боб. БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ФОНДЛАРГА ТЎЛОВЛАР ҲИСОБИ

22.1. Бюджетдан ташқари фондларни ташкил этиш мақсади ва уларнинг турлари

Бюджетдан ташқари фондлари марказий ёки маҳаллий ҳокимият органларининг ихтиёрида бўлган молиявий ресурслар йиғиндиси бўлиб, улар маълум мақсадга йўналтирилади. Бюджетдан ташқари фондлар молиянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, уларнинг шаклланиши ва ишлатилиш тартиби молиявий қонунчилик орқали тартибга солинади.

Давлат ва маҳаллий мақсадли пул жамғармалари молия тизимида яқинда пайдо бўлган бўлиб, илк кўриниши давлат бюджетдан ташқари жамғармалари сифатида ташкил этилган бюджетдан ташқари жамғармаларнинг юзага келиши 1990 йилларга тўғри келади. Бюджетдан ташқари жамғарма сифатида илк бор пенсия жамғармалари ташкил этилди.

Давлат бюджетдан ташқари жамғармаларни ташкил этиш орқали ўзининг молиявий маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлайди. Амалиётдан маълумки, фақатгина бюджет маблағлари ёрдамида у ёки бу ижтимоий-иқтисодий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш мушкулдир.

Бюджетдан тащқари жамғармалар молия тизимининг ўзига хос элементларидан бири ҳисобланади. Давлат бюджетидан фарқ қилган ҳолда, давлат мақсадли фондлари ижро этувчи органлар ихтиёрида ёки бошқа махсус органлар ихтиёрида бўлади. Шу сабабли маблағларни бюджетдан ташқари фондлар ўртасида қайта тақсимлаш ёки улардан фойдаланиш оператив ҳолда амалга оширилади. Бундан ташқари давлат мақсадли фондлари узоқ ёки қисқа муддатли мақсадларни амалга ошириш учун ташкил қилинади. Бу мақсадларга эри-

шиш билан бюджетдан ташқари жамғармалар қайта ташкил қилинади.

Мақсадли жамғармаларнинг уч тури мавжуд:

1. Давлат ва маҳаллий бюджетдан ташқари пул маблағлари жамғармалари;

2. Мақсадли бюджет пул маблағлари жамғармаси;

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг давлат мақсадли жамғармалари.

Давлат ва маҳаллий мақсадли пул маблағлари жамғармаларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

♦ жамғармалар ваколатли органлар томонидан аниқ мақсадлар учун ташкил этилади;

♦ жамғармалар фақатгина мақсадга мувофиқ фойдаланилади;

♦ мақсадли жамғармаларнинг ҳуқуқий мақоми ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида белгиланади.

Давлат ва маҳаллий бюджетдан ташқари фондлар турли асосларга кўра тавсифланади. Иқтисодий нуқтаи назардан фондлар иккига бўлинади:

♦ Ижтимоий фондлар — Пенсия фонди, Бандликка кўмаклашиш фонди, "Умид", "Камолот" ва бошқалар;

♦ Иқтисодий фондлар — Йўл фонди, "Бизнес-Фонд" ва бошқалар.

Бюджетдан ташқари фондлар маблағлари икки хил йўл билан шаклланади:

♦ махсус солиқ ва йиғимлар;

♦ бюджет маблағлари ва қарзлар.

Махсус солиқ ва йиғимлар орқали давлат мақсадли фондларининг маблағларини шакллантириш асосий усул ҳисобланади. Уларнинг миқдори давлат томонидан ўрнатилади.

Бюджет маблағларига беғараз субсидиялар ва солиқ даромадларидан аниқ ажратмалар шаклида бўлади. Шунингдек қарз маблағлари ҳам бўлиши мумкин.

Давлат мақсадли фондлари, хусусан, Пенсия фонди, Бандликка кўмаклашиш фонди ва Йўл фондига ажратмалар мажбурий тусда ундирилишини инобатга олган ҳолда, бу фондларга ажратмалар ҳисоблаш ва тўлаш тартибини солиқ ҳисобида акс эттириш лозим ҳисобланади.

Аҳолининг ночор, моддий ёрдамга муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Ижтимоий суғурта фонди ташкил этилган. Бу фонднинг таркиби қуйидагилардан иборат:

Ижтимоий суғурта фондининг таркибий қисмлари	Маблағнинг вужудга келиш манбаи	Фоиз ҳисобида
Пенсия фонди	Меҳнат ҳақи фондига нисбатан	35 %
Бандлик фонди	Меҳнат ҳақи фондига нисбатан	1,5 %
Касаба уюшмалари федерацияси	Меҳнат ҳақи фондига нисбатан	0,7 %
Жами	Меҳнат ҳақи фондига нисбатан	37,2%

22.2. Пенсия фондига тўловлар ҳисоби

Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия фонди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 498-сон қарори билан тасдиқланган "Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида"ги Низом асосида ташкил қилинади. Низомга кўра Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия фонди пенсия таъминоти тизимидаги бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар, ажратмалар ва тўловларнинг тўлиқ йиғилишини таъминлаш, аҳолини давлат томонидан кафолатланган ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ўз вақтида маблағ билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Ушбу фонднинг маблағлари қуйидагича шаклланади:

Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг меҳнат ҳақи фондига нисбатан	35 %
Юридик шахс мақомини олмасдан туриб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар	Мустақил ҳолда белгилайди, аммо бир минимал иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак
Фуқароларнинг иш ҳақидан мажбурий суғурта бадаллари	2,5 фоиз миқдорида

Деҳқон хўжаликлари аъзоларининг ихтиёрий тарзда тўлайдиган суғурта бадаллари	Мустақил ҳолда белгилайди, аммо бир минимал иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак
Мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот ва муассасаларнинг сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларининг ҳақиқий ҳажмига нисбатан	0,7 фоиз миқдорида

Шунингдек, Пенсия фонди шаклланишининг бошқа элементлари ҳам бор:

1. "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 15-моддасига мувофиқ тайинланган меҳнатда жароҳатланганлик ёки касб касаллиги оқибатида ногирон бўлганларга пенсия тўлаш харажатларини қоплаш учун регресс талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролардан ундириладиган маблағлар;

2. "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14-моддасига мувофиқ муддатидан олдин тайинланган пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш учун ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари;

3. "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддасига мувофиқ тайинланган имтиёзли пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш учун ўтказиладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маблағлари;

4. Ҳисобланган жарималар суммалари, қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ органларини ривожлантириш жамғармасига ундирилган суммаларидан ташқари, суғурта бадаллари ва ажратмаларнинг ўз вақтида тўламаганлиги учун пенялар;

5. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари;

6. Корхона тугатилганда, меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланган, касб касаллигига учраган ёки соғлигига бошқача шикаст етказилган ходимга зарарни қоплаш учун тўланадиган суммалар.

Пенсия фонди маблағлари қуйидаги мақсадларда сарфланади:

1. Ижтимоий таъминот органлари томонидан тайинланган пенсияларга;

2. Давлат пенсия таъминотини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган болаликдан ногирон, қария ҳамда меҳнат лаёқатини йўқотган фуқароларга нафақаларга;

3. Вақтинчалик ишга лаёқатсиз, шу жумладан ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги вақт учун тўланадиган нафақаларга;

4. Бола туғилиши учун нафақа;

5. Вафот этганлик учун нафақа;

6. Бошқа йўналишларга.

Пенсия фондига ажратмаларни ҳисобга олишда қуйидаги ҳисобварақлардан фойдаланилади:

4520—"Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлари";

6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар".

4520—"Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлари" ҳисобварағида корхона ва ташкилотлар томонидан Пенсия фондига ҳисобот даврида ўтказиб берилган бўнак тўловлари ҳисобга олинади. Бу муомалага қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4520—"Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлари"

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти";

6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар" ҳисобварағида корхона ва ташкилотлар томонидан Пенсия фондига тўланадиган ажратмалар ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилади. Пенсия фондига ажратмалар ҳисобланганида қуйидагича проводкалар берилади:

— Капитал қўйилмалар бўйича суғурта тўловлари ҳисобланди:

Д-т 0810—0890;

К-т 6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар".

— Харажатларга тегишли суғурта тўловлари ҳисобланди:

Д-т 2010, 2310, 2510, 9420;

К-т 6520— "Давлат мақсадли фондларига тўловлар".

— Ходимнинг иш ҳақидан ушланадиган суғурта тўловлари ҳисобланди:

Д-т 6710—"Ходимлар билан меҳнат ҳақи ҳисобидан ҳисоблашишлар";

К-т 6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар".

Ҳисобот даври якунида Пенсия фондига илгари тўланган бўнак тўловлари якуний ҳисоб-китоб қилиш учун 6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар" ҳисобварағига ўтказилади:

Д-т 6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар"

К-т 4520—"Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлари".

Шундан сўнг Пенсия фондига бўлган қарз тўловлдари ўтказиб берилади:

Д-т 6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

22.3. Бандликка кўмаклашиш фондига тўловлар ҳисоби

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонунининг 21-моддасига мувофиқ аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш чора-тадбирларини молиялаш ва меҳнат органларининг самарали фаолият кўрсатиши учун Бандликка кўмаклашиш фонди ташкил қилинди.

Бандликка кўмаклашиш фонди давлат мақсадли фонди бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда қуйидагилар ҳисобидан ҳосил этилади:

1. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 1,5 фоизи миқдоридаги мажбурий ажратмалари, бу харажатларни маҳсулот таннархига қўшиш шарти билан;

2. Республика ва маҳаллий бюджетлар маблағларидан тегишли бюджетларни шакллантириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланадиган миқдордаги дотациялар;

3. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни бузганлик учун маҳаллий меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органлари томонидан солинадиган жарима ва ҳисоблаб чиқиладиган пенялар суммаси;

4. Юридик ва жисмоний шахсларнинг қўшимча ва янги иш жойларини яратиш учун Бандликка кўмаклашиш фонди маблағларидан шартнома асосида фойдаланганидан келган даромадлар;

5. Жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, чет эллик жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий бадаллари;

6. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар.

Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бадаллари ҳисобига вужудга келадиган Бандликка кўмаклашиш фонди маблағларининг 70 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг меҳнат бўйича органлари ихтиёрида қолса, қолган 30 фоизи республика миқёсида марказлаштирилади.

Бандликка кўмаклашиш фонди маблағлари қуйидаги йўналишларга сарфланади:

1. Ишсизларни профессионал тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш вақтида тўланадиган стипендияларга;

2. Жамоат ишларини бажаришни молиялаштиришга;

3. Ишсизларга нафақа беришга;

4. Бошқа йўналишларга.

Бандликка кўмаклашиш фонди маблағларини сарфлаш йўналишлари аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги тегишли республика, ҳудудий ва бошқа махсус дастурларга мувофиқ белгиланади.

Бандликка кўмаклашиш фондига ажратмаларни ҳисобга олишда қуйидаги ҳисобварақлардан фойдаланилади:

4520—"Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлари";

6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар".

4520—"Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлари" ҳисобварағида корхона ва ташкилотлар томонидан Бандликка кўмаклашиш фондига ҳисобот даврида ўтказиб берилган бўнак тўловлари ҳисобга олинади. Бу муомалага қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4520—"Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлари";

К-т 5110-"Ҳисоб-китоб счёти".

6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар" ҳисобварағида корхона ва ташкилотлар томонидан

Бандликка кўмаклашиш фондига тўланадиган ажратмалар ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилади. Бандликка кўмаклашиш фондига ажратмалар ҳисобланганида қуйидагича проводкалар берилади:

Капитал қўйилмалар бўйича тўловлар ҳисобланди:

Д-т 0810—0890—"Капитал қўйилмалар";

К-т 6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар".

Харажатларга тегишли тўловлар ҳисобланди:

Д-т 2010, 2310, 2510, 9420;

К-т 6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар".

Ҳисобот даври якунида Бандлик фондига илгари тўланган бўнак тўловлари якуний ҳисоб-китоб қилиш учун 6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар" ҳисобварағига ўтказилади:

Д-т 6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар"

К-т 4520—"Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлари".

Шундан сўнг Бандликка кўмаклашиш фондига бўлган қарз тўловлари ўтказиб берилади:

Д-т 6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

22.4. Давлат йўл фондига тўловлар ҳисоби

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги қонунининг 10-моддасига биноан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида бажариладиган ишлар (лойиҳалаш, қуриш, қайтадан қуриш, таъмирлаш ва сақлаш) йўл жамғармалари ҳисобидан пул билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги қонунига асосланган ҳолда ҳамда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, қайтадан қуриш, таъмирлаш ва сақлашни молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги 1993 йил 5 июлдаги 334-сонли қарорига асосан Республика ва маҳаллий йўл жамғармалари ташкил этилди.

Мазкур қарорга биноан йўл жамғармалари юридик

ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган тўловлар асосида ташкил этилади.

Давлат Йўл фонди маблағлари қуйидагича шаклланади:

Корхона ва ташкилотларнинг сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларининг ҳақиқий ҳажмига нисбатан	1,5 %
Тайёрлов, таъминот, савдо, умумий овқатланиш корхоналари — ҳақиқий товарооборот ҳажмига нисбатан	1 %
Банклар (Марказий банкдан ташқари), сугурта ташкилотлари, видеосалонлар, аукционлар ва бошқа шу турдаги корхоналар — ҳақиқий даромад ҳажмига нисбатан	1,5 %
Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари — уз кучи билан бажарилган ишларнинг ҳақиқий ҳажмига нисбатан	1,5 %
Автотранспортга эга бўлган корхона ва ташкилотларнинг автомобиль транспорти ва автотранспорт воситаларини ишлатишдан олган даромадлари ҳажмидан	2,5 %
Бошқа ҳолатлар	

Йўл фондининг маблағлари қуйидаги мақсадларга сарфланади:

♦ республика йўл хўжалигини ривожлантириш давлат дастури молиялаш ҳамда йўл хўжалиги бошқарувида банд бўлган ходимларнинг малакасини оширишга;

♦ умумий фойдаланишда бўлган автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишни молиялаштиришга;

♦ бошқа харажатлар.

Йўл жамғармаларининг маблағлари давлат бюджети ва бошқа жамғармалар таркибига кирмайди ҳамда бу маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини ривожлантириш ва фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Республика йўл фондидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга дотация ва субвенциялар берилиши мумкин.

Йўл фондининг маблағлари умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, қуриш, қайтадан

қуриш, таъмирлаш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда олиб қўйилиши ёки сарфланиши мумкин эмас. Йўл фондининг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари захирага ўтказилиб, кейинги йилда фақат мақсадга мувофиқ сарфланади.

Йўл фондига ажратмаларни ҳисобга олишда қуйидаги ҳисобварақлардан фойдаланилади:

4520—"Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлари";

6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар".

4520—"Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлари" ҳисобварағида корхона ва ташкилотлар томонидан Йўл фондига ҳисобот даврида ўтказиб берилган бўнак тўловлари ҳисобга олинади. Бу муомалага қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4520—"Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлари";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти";

6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар" ҳисобварағида корхона ва ташкилотлар томонидан Йўл фондига тўланадиган ажратмалар ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилади. Йўл фондига ажратмалар ҳисобланганида қуйидагича проводкалар берилади:

♦ капитал қўйилмалар бўйича суғурта тўловлари ҳисобланди:

Д-т 0810—0890;

К-т 6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар".

Харажатларга тегишли суғурта тўловлари ҳисобланди:

Д-т 2010, 2310, 2510, 9420;

К-т 6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар".

Ҳисобот даври якунида Йўл фондига илгари тўланган бўнак тўловлари якуний ҳисоб-китоб қилиш учун 6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар" ҳисобварағига ўтказилади:

Д-т 6520—"Давлат мақсадли фондларига тўловлар";

К-т 4520—"Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлари".

Шундан сўнг Йўл фондига бўлган қарз тўловлари ўтказиб берилади:

Д-т 6520— "Давлат мақсадли фондларига тўловлар";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

...н саволлар

1. Давлат мақсадли фондлари таркибига қайси фондлар киради?
2. Пенсия фондига тўловлар ҳисоби қай тартибда юритилади?
3. Бандликка кўмаклашиш фондига тўловлар ҳисобининг хусусиятлари нималардан иборат?
4. Юридик шахлар томонидан Давлат йўл фондига тўловлар ҳисобини ташкил қилишнинг зарурлиги нимада?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Тошкент 1995—1996 йиллар. I—II қисмлар.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни. 1996 йил 30 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Т.: — 1998.
5. Маҳсулот (ишлар хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 54-сонли Қарори. 1999 йил 5 февраль.
6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. —Т.: Адолат, 1999.
7. Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. "Солиқлар ва божхона хабарлари", 2000 й. 3 июнь
8. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрирда) Т.:— 2002 й.
9. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. № 0—21. Т.: — 1998—2002 й.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: Ўзбекистон, 1995.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон, 1997.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. — Т., Ўзбекистон, 1998.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. —Т.: Ўзбекистон, 1998.
14. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. —Т.: Ўзбекистон, 2000.
15. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. — Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999. 3-сон.
16. Абдуллаев Ё., Ибрагимов А., Рахимов М. Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб. — Т.: Меҳнат, 2001.
17. Абрютина М.С. От бухгалтерского учета к национальным счётам/ Учебно-практическое пособие. — М.: ЗАО "Финстатинформ", 2001.
18. Бобожонов О. "Молиявий ҳисоб". — Т.: "Шарқ" НМАК, 2000.
19. Бухгалтерия ҳисоби ва унинг хусусиятлари. — Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999.
20. Ваҳобов А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. — Т.: "Шарқ" НМАК, 2002.
21. Гадоев Э.Ф., Хасанов Н.Х. Бошловчилар учун бухгалтерия ҳисоби. — Т.: 1996.
22. Гадоев. Э. Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари. Ўзбекистон Республикаси Молиявий Қонунлари, 1999 йил 2-сон.

23. Иброҳимов А. Ижара ва кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ҳамда иқтисодий назоратни ташкил этиш. — Т.: Меҳнат, 1992.
24. Иброҳимов А.К., Каримов А.А. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
25. Иткин Ю.М., Гадоев Э.Ф., Сотиволдиев А.С., Тўлаходжаева М.М. Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Узбекистана. Том №1, №2. Ташкент — 2000.
26. Иткин Ю.М., Сотиволдиев А.С. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Т.: -2002.
27. Караваева И.В. Налоговое регулирование рыночной экономики: Учеб. пос. для вузов. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000.
28. Карп М.В. Налоговый менежмент: Учебник для вузов. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
29. Кожинов В.Я. Бухгалтерский учет на основе налогового кодекса. М.: I. Федеративная Книготорговая Компания. 1998.
30. Камышанов П.И. Камышанов А.П и др. Современная бухгалтерия и аудит на предприятиях и в банках. — М.: Элиста АПП "Джангар", 1999.
31. Карпова Т.П. Управленческий учет: Учебник для вузов. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002.
32. Крутякова Т.М., Гиндзбург Л.М. Национальные схемы налогового учета и отчетности. Практическое пособие. — М.: АКДИ Экономика и жизнь, 2002.
33. Кутер М.И. Теория и принципы бухгалтерского учета: Учебн. пособие. — М.: Финансы и статистика, 2000.
34. Пардаев А. Бошқарув ҳисоби. — Т.: Академия, 2002.
35. Пучкова С.И. Бухгалтерская (финансовая) отчетность: Учебное пособие. — М.: ИДФБК-ПРЕСС, 2002.
36. Рудановский А.П. Классики бухгалтерского учета. — М.: Финансы и статистика, 1992.
37. Самуэльсон П. Экономика. В 2-х т. — М.: 1992.
38. Умарова М., Эшбоев Ў., Ахмаджонов К. Бухгалтерия ҳисоби. — Т.: Меҳнат, 1999.
39. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. — М.: Экономика. 1995.
40. Хорнгрен Ч.Т., Фостер Дж. Бухгалтерский учет: управленческий аспект: Перевод с англ./Под ред. Я.В.Соколова. — М.: Финансы и статистика, 2002.
41. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. — Т.: Ўқитувчи, 2001.
42. Шарп У., Александр Г., Бейли Дж. Инвестиции. — М.: ИНФРА, 1997.
43. Э.А. Аренс., Дж.К. Лоббек. Аудит. — М.: Финансы и статистика, 1995.
44. Ўлмасов А, Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. — Т.: Меҳнат, 1995.
45. Руломов С.С. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Ўқув қўлланма — Т.: Меҳнат, 1997.
46. Руломов С., Шермуҳамедов А., Бегалов Б. Иқтисодий информатика. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
47. Руломова Ф.Г. Бухгалтерия ҳисоби бўйича амалий қўлланма. — Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999.

48. "Бозор, пул ва кредит" журнали 1998—2002 йил сонлари.
49. "Солиқлар ва божхона хабарлари" журнали, 1998—2002 йил сонлари.
50. Bernstein and Masky Cases. Cases in Financial statement reporting and Analysis. second edition Boatsman, Griffin, Vickrey and Williams 1999.
51. Bockholdt. Accounting Information Systems, fourth edition, 1996.
52. Calvin Engler, Ph.D., CPA Iona College, Leopold A. Bernstein, Ph.D., CPA Baruch College of the City University of New York. Advanced Accounting. Third edition 1995.
53. Introduction to Project Analysis. A training manual for Central Asia in English and Russian. Vol.5 — Readings in Project Analysis.
54. Ferris. Financial Accounting and Corporate Reporting: A casebook fourth edition, 1999.
55. Mishan, E.J. Cost-Benefit Analysis (3rd edition). London, UK: Allen & Unwin.
56. Mveller, Gernon and Meek. Accounting: An International Perspective. Third edition 1993.
57. Pany and Whittington. Auditing. 1999.
58. Pratt and Kulsrud. Corporate, Partnership, Estate, and gift taxation, 1996 edition.
59. Pratt and Kulsrud. Individual Taxation, 1996 edition, 532 p.
60. Robert N.Antheny, James S.Reece.Accounting Principles 1995.
61. Roger H. Hermanson James Don Edvards, Michel W. Maher. Accounting a Business Perspective. Sixth edition 1995.
62. Robert Libby, Patricia A. Libby, Daniel G. Short. Financial Accounting. Miami University Press, 1998.
63. http://www.iia.org.uk
64. http://www.iasc.org.uk
65. http://www.aicpa.org/index.htm
66. http://www.referat. uz.
67. http://www.gao.gov/
68. http://www. taxsites.com
69. http://www.accounting.com/
70. http://www.fasb.org
71. http://www.dfas.mil
72. http://www.accounting.rutgars.edu
73. http://www.accountingweb.com
74. http://www.buhgalteria.com.ua
75. http://www.1c.ru
76. http://www.gaap.ru
77. http://www.glavbukh.ru
78. http://www.saldo.ru
79. http://www.mkdgaap.narod.ru
80. http://www.konto.ru
81. http://www.referat.ru
82. http://www.72.repherats.ru
83. http://www.referat2000.bizforum.ru
84. http://www.access-accounts.com
85. http://www.accounting.megareferats.ru
86. http://www.bankreferatov.ru.

ИЛОВАЛАР

1-*илова*

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда ҳисобот тузиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида қонунда баён этилганидан кўра бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартномалар қоидалари қўлланилади.

2-модда. Бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир.

Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари:

бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ва аниқ маълумотларни шакллантириш;

самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

молиявий, солиққа доир ва бошқа ҳисоботларни тузишдан иборатдир.

3-модда. Бухгалтерия ҳисоби субъектлари

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шўъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби субъектларидир.

Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритади ва бухгалтерия (молия) ҳисоботини тақдим этади.

4-модда. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари

Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромад ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялар бухгалтерия ҳисобининг объектларидир. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари жамлама ҳисоб-

варақларда акс эттирилади. Аналитик ҳисобни юритиш тартиби бухгалтерия ҳисоби субъекти томонидан мустақил равишда белгиланади.

5-модда. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш, бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юкланади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан, шу жумладан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш стандарти билан белгиланади.

Банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш Марказий банк томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

6-модда. Бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари

Бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари қуйидагилардир:

бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув усулида юритиш;

узлуксизлик;

хўжалик операциялари, активлар ва пассивларнинг пулда баҳоланиши;

аниқлик;

ҳисоблаш;

олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик);

мазмуннинг шаклдан устунлиги;

кўрсаткичларнинг қиёсувчанлиги;

молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги;

ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги;

активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

7-модда. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари амалга оширади.

Раҳбар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтер хизматидан фойдаланиш;

бухгалтерия ҳисоби юритишни шартнома асосида ихтисослаштирилган бухгалтерия фирмасига ёки таркибида бухгалтерия субъекти ҳам кирадиган хўжалик бирлашмасининг марказлаштирилган ҳисобга олиш бўлимига юклаш;

бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

Раҳбар қуйидагиларни таъминлаши шарт:

ички ҳисоб ва ҳисобот тизими ишлаб чиқилишини;

хўжалик операцияларини назорат қилиш тартибини;

бухгалтерия ҳисоби аниқ ва тўлиқ юритилишини;

ҳисоб-китоб ҳужжатларининг сақланишини;

ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот тайёрланишини;

солиқ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатлар тайёрланишини;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини.

8-модда. Имзо ҳуқуқи

Пул, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар, корхона, муассаса ва ташкилотнинг кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятлари, шу-

нингдек бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари раҳбар томонидан ёки у белгилайдиган шахслар томонидан имзоланади.

Раҳбар имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккита рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга — раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахслар, иккинчисига — бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслар киради.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг имзоси бўлмаган ҳужжатлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

9-модда. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари

Хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун операциялар амалга оширилганлигини қайд этувчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва уларни ўтказишга доир фармойишлар асос бўлади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик операциялари амалга оширилаётган вақтда ёки операциялар амалга оширилиб бўлинганидан кейин тузилади.

Ҳисобот даврига тегишли бўлган хўжалик операциялари, агар улар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар олинмаган бўлса, тегишли бошланғич ҳужжат расмийлаштирилиб, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари қуйидагилардир:

корхонанинг (муассиснинг) номи;

ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;

хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва миқдор ўлчови (натура ҳолида ва пулда ифодаланган ҳолида);

масъул шахсларнинг шахсий имзолари.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида тўғри ва аниқ тузилиши, шунингдек бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун уларнинг белгиланган муддатларда топширилишига жавобгардирлар.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларига хўжалик операцияси қатнашчилари томонидан тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди. Банк ва касса-пул ҳужжатларида тузатишлар ва ўчириб ёзишларга йўл қўйилмайди.

10-модда. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари икки ёқлама ёзув қоидаларига мувофиқ юритиладиган журналлар, қайдномалар, дафтарлар, тасдиқланган бланклар (шакллар)дир.

Регистрлар техника воситаларидан фойдаланишда олинган монограмма кўринишидаги ёзувлар йўли билан, шунингдек магнит тасмалари, дисклар, дискетлар ва бошқа машиналарда бажарилиши мумкин. Регистрларни шакллантириш тартиби бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан белгиланади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларига тасдиқланмаган тузатишларнинг киритилишига йўл қўйилмайди.

11-модда. Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг тўғрилиги ҳамда аниқлиги активлар ва мажбуриятларни мажбурий суратда инвентаризация қилиш орқали тасдиқланади. Инвентаризация объектлари, уни ўтказиш тартиби ва муддатлари инвентаризация бўйича бухгалтерия ҳисоби стандартига мувофиқ белгиланади.

12-модда. Активлар ва мажбурятларни баҳолаш

Оборот активларини баҳолаш қуйидаги икки баҳонинг энг пасти бўйича — баланс тузилаётган санадаги ҳақиқий таннархи бўйича (сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи) ёки бозор баҳоси бўйича (соф сотиш қиймати) амалга оширилади.

Асосий маблағлар ва номоддий активлар уларнинг тўлиқ бошланғич қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Асосий маблағлар ва номоддий активлар қийматини ҳисобдан чиқариш уларнинг қиймати тўлиқ тўланганга қадар ёки объект сафдан чиқиб кетгунга қадар бўлган эскиришини (амортизацияни) ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади. Амортизация ажратмалари объект фойдаланишга топширилганидан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади. Ернинг қиймати амортизация қилинмайди.

Молиявий қўйилмалар бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ ҳисобга олинади.

Мажбуриятлар тарафларнинг келишувига биноан пул билан акс эттирилади.

Суд қарори бўйича юзага келган мажбуриятлар тегишли суммада акс эттирилади.

Потенциал мажбуриятлар дастлабки ҳақиқий баҳоси бўйича акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисоби миллий валюта — сўмда юритилади.

13-модда. Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш

Даромадлар ва харажатлар, тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъи назар, қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилади.

14-модда. Хусусий капитални ҳисобга олиш

Хусусий капитал — устав капитали, қўшилган ва захира капиталидан ҳамда тақсимланмаган фойдадан таркиб топади.

Устав капитали — таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳиссаларнинг (пул ифодасида) йиғиндисидир. Устав капиталига ҳисса шаклида қўшиладиган моддий ва номоддий активлар таъсисчилар келишувига ёки юридик шахс ижроия органининг қарорига кўра баҳоланади ва ҳисобга олинади.

Қўшилган капитал акцияларни номинал қийматидан баланд нархларда дастлабки сотишдан олинадиган эмиссия даромадини акс эттиради.

Захира капитали мол-мулкни қайта баҳолаш чоғида ҳосил бўладиган инфляция захираларини, шунингдек текинга олинган мол-мулк қийматини акс эттиради.

Тақсимланмаган фойда фойданинг жамғарилаётганлигини ифодалайди ва мулкдорнинг қарорига биноан устав капиталига қўшилиши мумкин.

15-модда. Гаровни ҳисобга олиш

Ўзининг ёки ўзгаларнинг мажбуриятларини таъминлаш учун гаровга берилган мол-мулк қиймати, шу жумладан пул маблағлари корхона томонидан бошқа активлардан алоҳида ҳисобга олинади.

Гаровга олинган мол-мулк қиймати, гаров сифатида қабул қилиб олинган пул маблағлари ва валюта бойликлари қиймати алоҳида балансдан ташқари ҳисобварақларда акс эттирилади.

16-модда. Молиявий ҳисобот

Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади.

Молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:
бухгалтерия баланси;
молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот;
асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот;
пул оқимлари тўғрисида ҳисобот;
хусусий капитал тўғрисида ҳисобот;
изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботи соддалаштирилган шаклда тузилади.

Молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмунини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди.

17-модда. Умумлаштирилган молиявий ҳисобот

Шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари бўлган корхоналар умумлаштирилган молиявий ҳисобот тузади.

Шўъба корхоналарга қўшилган ҳиссалар бош корхонанинг молиявий ҳисоботда унинг молиявий қўйилмалари сифатида акс эттирилади.

Юридик шахслар ўз филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмаларини мустақил балансга ажратишлари мумкин бўлиб, уларнинг баланслари ва бошқа ҳисобот шаклларини ўзларининг умумлаштирилган ҳисоботига киритишлари шарт.

Умумлаштирилган ҳисоботга бош корхона, унинг шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналарнинг молиявий ҳисоботлари илова қилинади.

Умумлаштирилган ҳисобот бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ тузилади.

Ушбу модданинг талаблари вазирликлар, идоралар ва бюджет ташкилотларининг жамлама молиявий ҳисоботига нисбатан татбиқ этилмайди.

18-модда. Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври

1 январдан 31 декабрга қадар бўлган календарь йил молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври ҳисобланади.

Янгидан ташкил этилган юридик шахслар учун юридик шахс ҳуқуқи қўлга киритилган санадан бошлаб ўша йилнинг 31 декабрига қадар бўлган давр, юридик шахс ҳисобланмайдиганлар учун эса, улар давлат органларида рўйхатга олинган санадан бошлаб биринчи ҳисобот йили ҳисобланади.

Агар юридик шахс 1 октябрдан кейин рўйхатга олинган бўлса, биринчи ҳисобот йили кейинги йилнинг 31 декабрида тугайди.

Рўйхатдан ўтишга ёки юридик шахс ҳуқуқини қўлга киритишга қадар амалга оширилган ҳўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотлар биринчи ҳисобот йили молиявий ҳисоботига киритилади.

19-модда. Молиявий ҳисоботни тақдим этиш

Молиявий ҳисобот қуйидагиларга тақдим этилади:
солиқ органларига;
таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга;
давлат статистика органларига;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

Молия ҳисоботи ҳисобот йили бошидан қўшилиб борувчи жамлама тартибида йилнинг ҳар чорагида тақдим этилади.

Бюджетдаги муассасалар йил чораги бўйича ва йиллик ҳисоботни юқори органга тақдим этадилар.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бухгалтерия ҳисобининг айрим субъектлари учун молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг бошқа муддатларини белгилаши мумкин.

20-модда. Молиявий ҳисоботни эълон қилиш

Хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботи манфаатдор банклар, инвесторлар, кредиторлар ва бошқалар учун ошкора ҳисобланади.

Очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, суғурта компаниялари, банклар, фонд ва товар биржалари, инвестиция фондлари ва бошқа молия муассасалари ҳар йилги молиявий ҳисоботни уларда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини аудитор тасдиқлагач, ҳисобот йили тугагандан сўнг биринчи майгача эълон қилишлари шарт.

21-модда. Тугатиш вақтида молиявий ҳисобот

Хўжалик юритувчи субъект тугатилган вақтда якуний молиявий ҳисобот тузилади.

Тугатиш бўйича операцияларни ҳисобга олиш, тугатиш баланси ва ҳисоботни тузиш, активлар қийматини аниқлаш юзасидан жавобгарлик тугатиш комиссияси зиммасига юкланади.

Умидсиз қарзлар ва зарарлар тугатиш балансига киритилмайди.

Мажбуриятлар уларни узиш вақтига қадар ҳисобланган фоизлари билан тугатиш балансида акс эттирилади.

22-модда. Бухгалтерия ахборотининг махфийлиги

Бухгалтерия ҳисобини юритишда махфийликка риоя қилинади. Бухгалтерия ҳисоби регистрларининг мазмуни билан танишишга маъмурият рухсати билан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари билан танишишга рухсат этилган шахслар уларнинг махфийлигини сақлашлари шарт. Махфийликни бузганлик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

23-модда. Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш

Бухгалтерия ҳужжатлари ва регистрлар, микрофильмлар ва компьютер ҳисоби молиявий маълумотлари камида уч йил, молиявий ҳисобот эса қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида сақланади.

Бухгалтерия ҳужжатларини олиб қўйиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

24-модда. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 30 август

2-илова

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ РЕЖАСИ

Ҳисобварақлар рақами	Ҳисобварақнинг номи	Ҳисобварақларнинг тоифаси
	I қисм. **УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР**	
	1-бўлим. **АСОСИЙ ВОСИТАЛАР, НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ВА БОШҚА УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР**	
01	АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
0110	Ер	
0111	Ерни ободонлаштириш	
0112	Молияланадиган *лизинг шартномаси бўйича олинган* асосий воситаларни ўзлаштириш	
0120	Бинолар, иншоотлар ва узаткич мосламалар	
0130	Машина ва ускуналар	
0140	Мебель ва офис жиҳозлари	
0150	Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси	
0160	Транспорт воситалари	
0170	Иш ҳайвонлари	
0171	Маҳсулдор ҳайвонлар	
0180	Кўп йиллик экинлар	
0190	Бошқа асосий воситалар	
0199	Консервация қилинган асосий воситалар	
02	АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ЭСКИРИШ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	КА
0211	Ободонлаштирилган ернинг эскириши	
0212	Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олиниб ўзлаштирилган асосий воситаларнинг эскириши	
0220	Бинолар, иншоотлар ва узаткич мосламаларнинг эскириши	
0230	Машина ва ускуналарнинг эскириши	

0240	Мебель ва офис жиҳозларининг эскириши	
0250	Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши	
0260	Транспорт воситаларининг эскириши	
0270	Иш ҳайвонларининг эскириши	
0280	Куп йиллик экинларнинг эскириши	
0290	Бошқа асосий воситаларнинг эскириши	
0299	Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши	
03	МОЛИЯЛАНАДИГАН ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ОЛИНГАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
0310	Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг ҳисобварақлари	
04	НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
0410	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау	
0420	Савдо маркалари, маҳсулот белгилари ва саноат намуналари	
0430	Дастурий маҳсулот	
0440	Ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи	
0450	Ташкилий харажатлар	
0460	Франчайз	
0470	Муаллифлик ҳуқуқи	
0480	Гудвилл	
0490	Бошқа номоддий активлар	
05	НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИНГ ЭСКИРИШ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	КА
0510	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хауларнинг эскириши	
0520	Савдо маркалари, маҳсулот белгилари ва саноат намуналарининг эскириши	
0530	Дастурий маҳсулотнинг эскириши	
0540	Ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқининг эскириши	
0550	Ташкилий харажатларнинг эскириши	
0560	Франчайзнинг эскириши	
0570	Муаллифлик ҳуқуқининг эскириши	
0590	Бошқа номоддий активларнинг эскириши	

06	УЗОҚ МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
0610	Қимматли қоғозлар	
0620	Шўъба корхоналарга инвестициялар	
0630	Қарам корхоналарга инвестициялар	
0640	Қўшма корхоналарга инвестициялар	
0690	Бошқа узоқ муддатли инвестициялар	
07	ЎРНАТИШ ЖИҲОЗЛАРИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
0710	Ўрнатиш жиҳозлари — мамлакатимизда ишлаб чиқарилган	
0720	Ўрнатиш жиҳозлари — импорт	
08	КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
0810	Тугалланмаган қурилиш	
0820	Асосий воситаларни сотиб олиш	
0830	Номоддий активларни сотиб олиш	
0840	Асосий подани шакллантириш	
0850	Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар	
0860	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар	
0890	Бошқа капитал қўйилмалар	
09	ДЕБИТОР ҚАРЗЛАР ВА МУДДАТИ КЕЧИКТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ — УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚИСМИ	А
0910	Олинган векселлар — узоқ муддатли қисми	
0920	Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар	
0930	Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари	
0940	Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари	
0950	Вақтдаги фарқлар бўйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғига доир муддатли мажбуриятлар	
0960	Дисконтлар бўйича муддати кечиктирилган узоқ муддатли харажатлар	
0990	Бошқа узоқ муддатли муддати кечиктирилган қарзлар	

II қисм. ЖОРИЙ АКТИВЛАР		
2-бўлим. ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР		
10	МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
1010	Хом-ашё ва материаллар	
1020	Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар	
1030	Ёқилғи	
1040	Эҳтиёт қисмлар	
1050	Қурилиш моллари	
1060	Идиш ва идиш материаллари	
1070	Бошқа томонга қайта ишлаш учун берилган материаллар	
1080	Инвентарь ва хўжалик анжомлари	
1090	Бошқа материаллар	
11	ЕТҚАЗИБ БЕРИШ ВА БОҚУВДАГИ ҲАЙВОНЛАР ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
1110	Етказиб беришдаги ҳайвонлар	
1120	Боқувдаги ҳайвонлар	
15	МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА СОТИБ ОЛИШНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
1510	Материалларни тайёрлаш ва сотиб олишнинг ҳисобварақлари	
16	МАТЕРИАЛЛАР ҚИЙМАТИДАГИ ОҒИШЛАРНИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
1610	Материаллар қийматидаги оғишлар	
17		
18		
20	АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
2010	Асосий ишлаб чиқариш	
21	ЎЗИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН ЯРИМ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
2110	Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар	
22		

23	ЁРДАМЧИ ВА БОШҚА ЧИҚАРИШЛАР ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
2310	Ёрдамчи ишлаб чиқариш	
24		
25	УМУМИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
2510	Умумишлаб чиқариш харажатлари	
26	ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ЯРОҚСИЗЛИК ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
2610	Ишлаб чиқаришдаги яроқсизлик	
27	ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ХЎЖАЛИКЛАР ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
2710	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар	
28	ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
2810	Омбордаги тайёр маҳсулот	
2820	Кўргазмадаги тайёр маҳсулот	
2830	Комиссияга топширилган тайёр маҳсулот	
29	ТОВАРЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
2910	Омбордаги товарлар	
2920	Чакана савдодаги товарлар	
2930	Кўргазмадаги товарлар	
2940	Ижара буюмлари	
2950	Товар ости идишлар ва бўш идишлар	
2960	Комиссияга топширилган товарлар	
2970	Йўлдаги товарлар	
2980	Савдо устамаси	
2990	Бошқа товарлар	

	3-бўлим. **КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ВА МУДДАТИ КЕЧИКТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР —ЖОРИЙ ҚИСМИ**	
30		
31	КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
3110	Олдиндан тўланган ижара ҳақи	
3120	Олдиндан тўланган хизматлар	
3190	Бошқа олдиндан тўланган харажатлар	
32	МУДДАТИ КЕЧИКТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР — ЖОРИЙ ҚИСМИ	А
3210	Вақтлар бўйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи	
3220	Дисконтлар бўйича муддати кечиктирилган харажатлар	
3290	Муддати ўтказиб юборилган бошқа харажатлар	
33		
34		
35		
36		
37		
38		
39		
	4-бўлим. ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР	
40	ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР — ЖОРИЙ ҚИСМИ	А
4010	Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар	
4020	Олинган векселлар	
41	АЛОҲИДА БАЛАНСГА АЖРАТИЛГАН БЎЛИНМАЛАРДАН, ШЎЪБА ВА ТОБЕ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР	А
4110	Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар	

4120	Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан олишга доир счётлар	
42	ХОДИМЛАРГА БЕРИЛГАН БЎНАКЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
4210	Меҳнатга ҳақ тўлаш учун берилган бўнаклар	
4220	Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар	
4230	Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар	
4290	Ходимларга берилган бошқа бўнаклар	
43	МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА БЕРИЛГАН БЎНАКЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
4310	Товар етказиб берувчи ва пудратчиларга ТМБ ҳисобидан берилган бўнаклар	
4320	Товар етказиб берувчи ва пудратчиларга узоқ муддати активлар ҳисобидан берилган бўнаклар	
4330	Бошқа берилган бўнаклар	
44	СОЛИҚЛАР БЎЙИЧА БЎНАК ТЎЛОВЛАРИНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
4410	Солиқ бўйича бўнак тўловлар	
45	ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ФОНДЛАРИ ВА СУҒУРТА БЎЙИЧА БЎНАК ТЎЛОВЛАРИНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
4510	Сугурта буйича бўнак тўловлар	
4520	Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлар	
46	МУАССИСЛАРНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИ (ФОНДИ)ГА БАДАЛЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗЛАРИ	А
4610	Муассисларнинг устав капитали (фонди)га бадаллар буйича қарзлари	
47	БОШҚА ОПЕРАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ХОДИМЛАР ҚАРЗЛАРИНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
4710	Ходимларнинг кредитга берилган товарлар буйича қарзлари	
4720	Ходимларнинг берилган қарзлар буйича қарзлари	

4730	Ходимларнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзлари	
4790	Ходимларнинг бошқа қарзлари	
48	ТУРЛИ ДЕБИТОРЛАР ҚАРЗЛАРИНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
4810	Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар	
4820	Оператив лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар	
4830	Олинадиган фоизлар	
4840	Олинадиган дивидендлар	
4850	Роялти бўйича олинадиган счётлар	
4860	Даъволар бўйича олишга доир ҳисобварақлар	
4890	Бошқа шахсларнинг қарзлари — жорий қисми	
49	ДАРГУМОН ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА РЕЗЕРВЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	КА
4910	Даргумон қарзлар бўйича резервлар	

5-бўлим.

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ, ҚИСҚА МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР БОШҚА ЖОРИЙ АКТИВЛАР

50	КАССАДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
5010	Миллий валютадаги пул маблағлари	
5020	Чет эл валютасидаги пул маблағлари	
51	ҲИСОБ-КИТОБ СЧЁТИДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
5110	Ҳисоб-китоб счёти	
52	ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
5210	Мамлакат ичкарисидаги валюта счёти	
5220	Чет элдаги валюта счёти	
53		

54		
55	БАНКДАГИ МАХСУС СЧЁТЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
5510	Аккредитивлар	
5520	Чек дафтарчалари	
5530	Бошқа махсус счётлар	
56	ЙЎЛДАГИ ПУЛ ЭКВИВАЛЕНТЛАРИ ВА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
5610	Пул эквивалентлари (турлари бўйича)	
57	УТКАЗИЛГАН ЙЎЛДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
5710	Утказилган йўлдаги пуллар (турлари бўйича)	
58	ҚИСҚА МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
5810	Қимматли қоғозлар	
5830	Берилган қисқа муддатли қарзлар	
5890	Бошқа жорий инвестициялар	
59	КАМОМАДЛАР ВА ҚИММАТЛИКЛАРНИ ШИКАСТЛАШДАН ТАЛОФАТЛАР ҲАМДА БОШҚА ЖОРИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	А
5910	Камомадлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар	
5920	Бошқа жорий активлар	

III қисм.
МАЖБУРИЯТЛАР

6-бўлим.
ЖОРИЙ МАЖБУРИЯТЛАР

60	МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ПУДРАТЧИЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН СЧЁТЛАР – ЖОРИЙ ҚИСМИ	П
6010	Мол етказиб берувчиларга тўланадиган счётлар	
6020	Берилган векселлар	

61	АЛОҲИДА БАЛАНСГА АЖРАТИЛГАН БЎЛИНМАЛАРГА, ШЎЪБА ВА ТОБЕ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА ТЎЛАНАДИГАН СЧЁТЛАР — ЖОРИЙ ҚИСМИ	П
6110	Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар	
6120	Шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар	
62	МУДДАТИ КЕЧИКТИРИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ — ЖОРИЙ ҚИСМИ	П
6210	Муддати кечиктирилган дисконтлар (чегирмалар)	
6220	Кечиктирилган мукофотлар (қўшимчалар)	
6230	Бошқа муддати кечиктирилган даромадлар	
6240	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар	
6250	Вақтдаги фарқлар бўйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғига доир муддатли мажбуриятлар	
6290	Бошқа муддати кечиктирилган мажбуриятлар	
63	ОЛИНГАН БУНАКЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ— ЖОРИЙ ҚИСМИ	П
6310	Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	
6320	Акцияларга ёзилган шахслардан олинган бўнаклар	
6390	Бошқа олинган бўнаклар	
64	БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗЛАРНИНГ (ТУРЛАРИ БЎЙИЧА) ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	П
6410	Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)	
65	ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ФОНДЛАРИ ВА СУҒУРТА БЎЙИЧА ҚАРЗЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	П
6510	Суғурта бўйича тўловлар	
6520	Давлат мақсадли фондларига тўловлар	
66	МУАССИСЛАРНИНГ ҚАРЗЛАРИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	П

6610	Туловга дивидендлар	
6620	Чиқиб кетган муассисларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар	
67	ХОДИМЛАР БИЛАН ИШ ҲАҚИ БЎЙИЧА ҲИСОБЛАШИШЛАР ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	П
6710	Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар	
6720	Депонирлаштирилган иш ҳақи	
68	ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР ВА ҚАРЗЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	П
6810	Қисқа муддатли кредитлар	
6820	Қисқа муддатли қарзлар	
6830	Туланадиган облигациялар	
6840	Туланадиган векселлар	
69	ТУРЛИ КРЕДИТОРЛАРГА БЎЛГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	П
6910	Туланадиган оператив лизинг	
6920	Туланадиган фоизлар	
6930	Роялти бўйича қарзлар	
6940	Кафолатлар бўйича қарзлар	
6950	Тўланадиган узоқ муддатли қарзлар — жорий қисми	
6960	Шикоятлар бўйича туланадиган счётлар	
6970	Ҳисобдор шахсларга қарзлар	
6990	Бошқа мажбуриятлар	

7-бўлим.
УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАР

70	МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ПУДРАТЧИЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН СЧЁТЛАР — УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚИСМИ	П
7010	Мол етказиб берувчиларга тўланадиган счётлар	
7020	Берилган векселлар	
71	БЎЛИНМАЛАРГА БЎЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	П
7110	Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга бўлган узоқ муддатли қарзлар	

7120	Шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига тўланадиган узоқ муддатли қарзлар	
72	МУДДАТИ КЕЧИКТИРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	П
7210	Муддати кечиктирилган дисконтлар (чегирмалар)	
7220	Кечиктирилган мукофотлар (қўшимчалар)	
7230	Бошқа муддати кечиктирилган даромадлар	
7240	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар	
7250	Вақтдаги фарқлар бўйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солигига доир муддатли мажбуриятлар	
7290	Бошқа муддати кечиктирилган мажбуриятлар	
73	ХАРИДОР ВА БУЮРТМАЧИЛАРДАН ОЛИНГАН БЎНАКЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ — УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚИСМИ	П
7310	Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	
78	УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТ ВА ҚАРЗЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	П
7810	Узоқ муддатли кредитлар	
7820	Узоқ муддатли қарзлар	
7830	Тўланадиган облигациялар	
7840	Тўланадиган векселлар	
7900	ТУРЛИ КРЕДИТОРЛАРГА БЎЛГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	П
7910	Тўланадиган молиявий лизинг	
7990	Туряи кредиторларга бошқа узоқ муддатл мажбуриятлар	

IV қисм.
ЎЗ КАПИТАЛИ

8-бўлим.
КАПИТАЛ, ФОЙДА ВА РЕЗЕРВЛАР

80		
81		
82		

83	УСТАВ КАПИТАЛИ (ФОНДИ)НИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	П
8310	Оддий акциялар	
8320	Имтиёзли акциялар	
8330	Пай ва қуйилмалар	
84	ҚУШИЛГАН КАПИТАЛНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	П
8410	Эмиссион даромад	
8520	Устав капиталини шакллантириш бўйича курсдаги фарқ	
85	РЕЗЕРВ КАПИТАЛИНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	П
8510	Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар	
8520	Резерв капитали	
8530	Бепараз олинган мол-мулк	
86	СОТИБ ОЛИНГАН ХУСУСИЙ АКЦИЯЛАР ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	КП
8610	Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий	
8620	Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли	
87	ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА (ҚОПЛАНМАГАН ЗАРАР)НИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	П
8710	Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	
8720	Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)	
88	ГРАНТЛАР, СУБСИДИЯЛАР ВА БЕҒАРАЗ ЁРДАМНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	П
8810	Грантлар	
8820	Субсидиялар	
8830	Аъзолик бадаллари	
8840	Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари	
8890	Бошқа мақсадли тушумлар	
89	КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ВА ТУЛОВЛАРИ РЕЗЕРВЛАРИНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	П
8910	Келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви	

V қисм.
МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ ВА ФОЙДАЛАНИЛИШИ

9-бўлим.
ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР

90	АСОСИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	Т
9010	Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромад	
9020	Товарларни сотишдан олинган даромад	
9030	Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар	
9040	Сотилган товарларнинг қайтарилиши	КП
9050	Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар	КП
91	СОТИЛГАН МАҲСУЛОТ (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) ТАННАРХИНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	Т
9110	Сотилган маҳсулот таннархи	
9120	Сотилган товарлар таннархи	
9130	Сотилган иш ва хизматлар таннархи	
9140	Даврий ҳисобда ТМЗларни харид қилиш ва сотиш	
9150	Даврий ҳисобда ТМЗлар баҳосига тузатишлар	
92	АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА БОШҚА АКТИВЛАРНИ СОТИШ ВА БОШҚАЧА ЧИҚИБ КЕТИШИНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	Т
9210	Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши	
9220	Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши	
93	АСОСИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН БОШҚА ДАРОМАДЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	Т
9310	Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетишидан олинган фойда	
9320	Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетишидан олинган фойда	
9330	Ундирилган жарима, боқиманда ва бурдсизликлар	
9340	Ўтган йил фойдаси	
9350	Оператив лизингдан олинган даромад	
9360	Кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар	

9370	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари	
9380	Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам	
9390	Бошқа операцион даромадлар	
94	ДАВР ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	Т
9410	Реализация бўйича харажатлар	
9420	Маъмурий-бошқарув харажатлари	
9430	Бошқа операцион харажатлар	
9440	Кейинчалик солиқ солиш базасидан чиқариладиган ҳисобот даври харажатларининг ҳисобварақлари (харажатларнинг турлари бўйича)	
95	МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТДАН КЕЛАДИГАН ДАРОМАДЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	Т
ялтидан олинган даромадлар		
9520	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар	
9530	Фоиз кўринишидаги даромадлар	
9540	Курс фарқларидан олинган даромадлар	
9550	Молияланадиган лизингдан олинадиган даромадлар	
9560	Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар	
9590	Молиявий фаолият буйича бошқа даромадлар	
96	МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	Т
9610	Фоизлар кўринишидаги харажатлар	
9620	Курс фарқларидан зарарлар	
9630	Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш буйича харажатлар	
9690	Молиявий фаолият буйича бошқа харажатлар	
97	ФАВҚУЛОДДА ФОЙДАЛАР (ЗАРАРЛАР)НИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ	Т
9710	Фавқулодда фойда	
9720	Фавқулодда зарар	
98	СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАРНИ ТЎЛАШДА ФОЙДАНИНГ ИШЛАТИЛИШИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР	Т
9810	Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар	

9820	Бошқа солиқ ва йиғимлар бўйича харажатлар	
99	ЯКУНИЙ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР	Т
9900	Якуний молиявий натижа (даромадлар ва харажатлар)	
	БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ ҲИСОБВАРАҚЛАР	
001	Оператив лизинг бўйича олинган асосий воситалар	БТ
002	Маъсул сақлашга олинган товар-моддий бойликлар	БТ
003	Қайта ишлашга олинган материаллар	БТ
004	Комиссияга олинган товарлар	БТ
005	Монтаж учун қабул қилинган ускуна	БТ
006	Қатъий ҳисобот бланкалари	БТ
007	Зарарга олиб борилган тўловга лаёқатсиз бўлган дебиторларнинг қарзлари	БТ
008	Мажбуриятлар ва тўловларнинг таъминоти олинганлари	БТ
009	Мажбуриятлар ва тўловларнинг таъминоти — берилганлари	БТ
010	Вақтинчалик фарқлар бўйича харажатлар	БТ
011	Ссуда (қарз) шартномаси бўйича олинган мол-мулк	БТ
012	Кейинги даврларнинг солиқ солинадиган базасидан чиқариладиган харажатлар	БТ
013	Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)	БТ
014	Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик анжомлари	БТ

3-илова

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ТЎЛДИРИШ БЎЙИЧА ҚОИДАЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилган. Рўйхат рақами 1209.

(“Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси”, 2003 йил 1-2-сон)

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” қонуни 16-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисида низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Молиявий ҳисобот шакллари қуйидаги иловаларга биноан тасдиқлансин:

1-сон: “Бухгалтерия баланси” — 1-сон шакл;

2-сон: “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”— 2-сон шакл;

3-сон: “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот” — 3-сон шакл;

4-сон: “Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот” — 4-сон шакл;

5-сон: “Ўз сармояси тўғрисида ҳисобот” — 5-сон шакл;

6-сон: “Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома” — 2а-сонли шакл.

2. Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш қоидалари 7-иловага кўра тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, юридик шахс мақомига эга бўлган барча бюджет ташкилотлари молия органларига йилда бир марта, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартига қадар фақат 2-сонли шакл “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”ни тақдим этишлари керак.

4. Мазкур буйруқ билан тасдиқланадиган молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича Қоидалар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, аудиторлик ташкилотлари ва биржалар учун — у Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ўн кун ўтгач; мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа хўжалик юритувчи субъектлар учун, бундан суғурта ташкилотлари ва банклар мустасно — 2004 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

5. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб ўн кун ўтгач:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 7-февралдаги "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича кўрсатмаларни тасдиқлаш ҳақида" 31-сон буйруғининг (рўйхат рақами 1117, 2002 йил 19 март, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил 6-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 12-июлдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 7-февралдаги "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида 31-сон буйруғининг 7-сон иловасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида" 86-сон буйруғининг (рўйхат рақами 1117-1, 2002 йил 22 июль, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил 14-сон) биржаларга нисбатан амал қилиши тўхтатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазири **М.НУРМУРОДОВ**

Тошкент шаҳри
2002 йил 27 декабрь
140-сон

ЎзР молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 40-сон буйруғига 7-илова

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИНИ ТЎЛДИРИШ БЎЙИЧА ҚОИДАЛАР

1-§. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларга мувофиқ молиявий ҳисоботни мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра юридик шахс ҳисобланган корхона ва ташкилотлар (бундан суғурта ташкилотлари ва банклар мустасно), шунингдек мулкда, хўжалик юритишда ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган, солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ тўловчи ҳисобланадиган алоҳида бўлинмалар тақдим этади. Юридик шахс мақомига эга бюджет ташкилотлари фақат 2-сон шакл ҳисоботи — "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот"ни молия органларига тақдим этишлари керак.

2. Молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 15 июнда 47-сон билан тасдиқланган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисида низом (рўйхат рақами 942, 2000 йил 3 июль, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 йил 13-сон) билан белгиланади.

2. Йиллик молиявий ҳисобот қуйидаги шакллар ҳажмида тақдим этилади:

а) бухгалтерия баланси — 1-сон шакл;

б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот — 2-сон шакл;

в) асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот — 3-сон шакл;

г) пул оқимлари тўғрисида ҳисобот — 4-сон шакл;

д) ўз сармояси тўғрисида ҳисобот — 5-сон шакл;

е) дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома — 2-сон шакл.

3. Ярим йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботлар қуйидаги шакллар ҳажмида тақдим этилади:

а) бухгалтерия баланси — 1-сон шакл;

б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот — 2-сон шакл;

в) дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома — 2-сон шакл.

4. Кичик корхона ва микрофирмалар фақат бухгалтерия баланси — 1-сон шакл, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот — 2-сон шакл ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома — 2а-сон шаклдан иборат бўлган йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этадилар.

5. Йиллик молиявий ҳисоботга ҳисобот йилида корхона фаолиятининг якуний натижаларига таъсир кўрсатган асосий омиллар баён этилган тушунтириш хати илова қилинади.

Агар баланс йил бошида ўзгартирилган бўлса, тушунтириш хатида ўзгартириш сабаблари тушунтирилади. Унда кейинги йил учун қабул қилинган ҳисоб сиёсати ҳам келтирилади.

6. Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида" қонунининг 10-моддасида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил 5-сон) кўрсатилган юридик шахслар солиқ органларига аудиторлик текшируви ўтказилганидан кейин 15 кун давомида, лекин ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай, молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги тўғрисида аудиторлик хулосаси нусхасини тақдим этадилар.

Ташаббусли аудиторлик текшируви ўтказилган тақдирда корхона молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги тўғрисида аудиторлик хулосасининг нусхаси солиқ органларига аудиторлик текшируви ўтказилганидан кейин 15 кун давомида тақдим этилади.

7. Молиявий ҳисобот шаклларида барча реквизитлар ва назарда тутилган кўрсаткичлар тўлдирилиши керак. Корхона тегишли активлар, пассивлар, операциялар мавжуд эмаслиги сабабли бирор-бир модда (сатрлар, устунлар) тўлдирилмаган тақдирда, ушбу модда (сатр, устун) устига чизиб қўйилади.

8. Молиявий ҳисобот шаклларининг манзил қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади:

а) "Корхона, ташкилот" реквизити — корхонанинг тўлиқ номи (белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларига мувофиқ) ва КТУТга кўра унинг коди кўрсатилади;

б) "Тармоқ" реквизити — корхона тармоғи ва ХХТУТга кўра тармоқ коди кўрсатилади;

в) "Ташкилий-ҳуқуқий шакл" реквизити — корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва ТҲТга кўра ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг коди кўрсатилади;

г) "Мулкчилик шакли" реквизити — корхонанинг мулкчилик шакли ва МШТга кўра мулкчилик шаклининг коди кўрсатилади;

д) "Вазирликлар, идоралар ва бошқалар" реквизити — ихтиёрида корхона турган (агар у мавжуд бўлса) ва унга

молиявий ҳисобот йўналтириладиган органнинг номи ҳамда ДБПБТга кўра ушбу органнинг коди кўрсатилади;

е) "Солиқ тўловчининг идентификация рақами" реквизити — СТИР бўйича корхонанинг идентификация рақами кўрсатилади;

ж) "Ҳудуд" реквизити — МҲОБТ бўйича код кўрсатилади;

з) "Манзил" реквизити — корхонанинг тўлиқ юридик манзили кўрсатилади.

9. Молиявий ҳисоботни тузиш чоғида Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига, шунингдек бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш масалалари бўйича бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиш лозим.

10. Корхона ва ташкилотлар барча алоҳида мустақил балансга ажратилмаган бўлинмаларининг фаолият кўрсаткичлари молиявий ҳисобот шаклларининг кўрсаткичларига киритилиши керак.

11. Молиявий ҳисоботни тузиш чоғида ҳисобот санаси бўлиб, ҳисобот даврининг охирги тақвимий куни ҳисобланади.

Ҳисобот йилида тугатилган ёки қайта ташкил этилган корхона йил бошидан тугатиш (қайта ташкил этиш) пайтигача бўлган давр учун йиллик молиявий ҳисоботнинг амалдаги шакллари бўйича ҳисобот тақдим этади.

1 октябрга қадар янги барпо этилган корхоналар молиявий ҳисоботда маблағлар ва уларнинг манбаларини улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ойнинг 1-кунидан бошлаб ҳисобот йилининг 31 декабрига қадар, ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин барпо этилган корхоналар эса — давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб кейинги йилнинг 31 декабригача (31 декабрь ҳам киради) кўрсатадилар (кўрсатилган тартиб тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари базасида барпо этилган корхоналарга татбиқ этилмайди).

12. Корхона балансининг моддалари активлар ва мажбуриятларнинг пухта ўтказилган инвентаризацияси билан асосланган бўлиши керак. Инвентаризация Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (19-сон БҲМС) "Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш" (рўйхат рақами 833, 1999 йил 2 ноябрь) белгиланган тартибда ўтказилади. Бунда йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этишга қадар доимий ишлаб турган инвентаризация комиссиялари томонидан инвентаризация давомида аниқланган, бойликлар ҳақиқий мавжудлигининг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари-

га қараганда тафовутлари тартибга солиниши керак. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларни инвентаризациялашлар ҳам ўтказилиши керак, улар ўзаро ҳисоб-китоблар сальдосини тасдиқлайдиган солиштириш далолатномалари ёки хатлар билан расмийлаштирилади. Ўтказилган инвентаризациялар сони ва натижалари, шунингдек уларни ўтказмаслик сабаблари йиллик молиявий ҳисоботга илова қилинадиган тушунтириш хатида акс эттирилиши керак.

13. Молиявий ҳисобот шаклларига раҳбар ва бош бухгалтер имзо чекади, имзолар муҳр билан тасдиқланади.

14. Молиявий ҳисоботда ўчириш ва устига ёзишлар бўлмаслиги керак. Хатолар тузатилган тақдирда тегишли қайдлар қилинади, уларни молиявий ҳисоботларга имзо чеккан шахслар тасдиқлаб, тузатиш санасини кўрсатадилар.

15. Жорий ҳамда ўтган йил ҳисобот маълумотларидаги (улар тасдиқланганидан кейин) тузатишлар унинг маълумотларини бузишлар аниқланган ҳисобот даври учун тузилган ҳисоботда амалга оширилади, бунда тузатишлар ҳисобот даври (чорак, йил бошидан) учун маълумотларга киритилади.

Йиллик молиявий ҳисоботни текшириш чоғида даромадларни яшириш ёки улар билан боғлиқ бўлмаган харажатларни давр харажатларига (ёки муомала чиқимларига) киритиш натижасида молиявий натижаларни камайтириб кўрсатиш аниқланган ҳолда бухгалтерия ҳисоби ва ўтган йил учун молиявий ҳисоботга тузатишлар киритилмайди, балки жорий йилда ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдаси сифатида акс эттирилади.

2-§. Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)

16. Бухгалтерия баланси (бундан кейин — баланс) тузилгунига қадар таҳлилий ҳисобварақлар бўйича айланмалар ва қолдиқлар ҳисобот даври охиридаги Бош дафтарнинг жамлама ҳисобварақалари бўйича айланмалар ва қолдиқлар билан, албатта, солиштирилиши керак.

17. 3-устунда ҳисобот бошидаги маълумотлар, яъни олдинги ҳисобот даври учун баланс 4-устунининг маълумотлари кўрсатилади.

18. Балансда "Дастлабки (тиклаш) қиймат" моддаси (010-сатр) бўйича асосий воситалар ўз асосий воситалари (ишлаб турган ҳамда консервацияда бўлган) ва узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситаларнинг, уларнинг ҳисоби асосий воситаларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари (0100) ва 0310—"Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар" ҳисобварағида амалга оширилади, дастлабки (тиклаш) қиймати бўйича кўрсатилади.

Алоҳида "Эскириш суммаси" (011-сатр) моддаси бўйича

корхона асосий воситаларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (0100) ва 0310—"Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар" ҳисобварағида ҳисобга олинган, ҳисоби асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиш ҳисобварақлари (0200) да юритиладиган, асосий воситалар бўйича ҳисоблаб ёзилган эскириш суммаси келтирилади.

"Қолдиқ (баланс) қиймат" моддаси бўйича (012-сатр) 010—"Дастлабки (тиклаш) қиймат" ва 011—"Эскириш суммаси" сатрлари фарқи акс эттирилади.

19. Номоддий активлар балансда "Дастлабки қиймат" моддаси бўйича (020-сатр) корхонанинг номоддий активларга (узоқ муддат даврида хўжалик фаолиятида ишлатиладиган ва даромад келтирадиган) доир харажатлари суммаси бўлиб ҳам, табиий ресурслардан, ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқлари, патентлар, лицензиялар, савдо маркалари, товар белгилари, саноат намуналари, ташкилий харажатлар, муаллифлик ҳуқуқлари ва ҳисоби номоддий активларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (0400) юритиладиган бошқа номоддий активларнинг дастлабки қиймати бўлиб ҳам кўрсатилади.

Бу модда бўйича, шунингдек, ҳисобот даври учун қилинган ҳисобдан чиқарилган чегирилган ҳолда гудвилл суммаси (фирма нархи) акс эттирилади. Бухгалтерия ҳисобида гудвилл (фирма нархи) номоддий активининг суммасини ҳисобдан чиқариш алоҳида ҳисобварақда амортизацияни жамламасидан, бевосита 0480—"Гудвилл" ҳисобварағи сальдосини камайтиришга ёзилади.

Алоҳида "Амортизация суммаси" (021-сатр) моддаси бўйича номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (0500) юритиладиган номоддий активлар бўйича ҳисоблаб ёзилган амортизация суммаси келтирилади.

"Қолдиқ (баланс) қиймат" моддаси бўйича (022-сатр) 020—"Дастлабки қиймат" ва 021—"Амортизация суммаси" сатрлари фарқи акс эттирилади.

20. "Узоқ муддатли инвестициялар, жами" моддаси бўйича (030-сатр) қимматли қоғозларга, шуъба ва тобе хўжалик жамиятлари, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга қўйилган маблағлар суммаси ҳамда 040, 050, 060, 070, 080-сатрларда кўрсатилган бошқа узоқ муддатли инвестиялар кўрсатилади.

Қимматли қоғозлар баланс активида уларнинг тўла харид қийматида кўрсатилиб, инвестор дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлган ва ушбу қўйилмалар бўйича тўла жавоб берадиган ҳолларда кредиторлар моддаси бўйича сўндирилмаган сумма баланс пассивига киритилади. Қолган ҳолларда харид қилинадиган қимматли қоғозлар ҳисобига киритилган суммалар баланс активида дебиторлар моддаси бўйича кўрсатилади.

21. "Қимматли қоғозлар" моддаси бўйича (040-сатр) об-

лигациялар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга қўйилган, 0610—"Қимматли қоғозлар" ҳисобварағида ҳисобга олинадиган сумма кўрсатилади.

22. "Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар" моддаси бўйича (050-сатр) шуъба хўжалик жамиятларининг акциялари, облигациялари ва бошқа инвестицияларига қўйилган, 0620—"Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар" ҳисобварағида ҳисобга олинадиган маблағлар суммаси кўрсатилади.

23. "Тобе хўжалик жамиятларига инвестициялар" моддаси бўйича (060-сатр) тобе хўжалик жамиятларининг акциялари, облигациялари ва бошқа инвестицияларига қўйилган, 0630—"Тобе хўжалик жамиятларига инвестициялар" ҳисобварағида ҳисобга олинадиган маблағлар суммаси акс эттирилади.

24. "Хорижий сармоя иштирокидаги корхонага инвестициялар" моддаси бўйича (070-сатр) хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг акциялари, облигациялари, устав сармоясига улушлари ва бошқа инвестицияларига қўйилган, 0640—"Хорижий сармоя иштирокидаги корхонага инвестициялар" ҳисобварағида ҳисобга олинадиган маблағлар суммаси кўрсатилади.

25. "Бошқа узоқ муддатли инвестициялар" моддаси бўйича (080-сатр) узоқ муддатли инвестицияларга қўйилган, юқорида саналган моддаларда ҳисобга олинмаган ва 0690—"Бошқа узоқ муддатли инвестициялар" ҳисобварағида ҳисобга олинадиган маблағлар суммаси кўрсатилади.

26. "Ўрнатиладиган ускуна" моддаси бўйича (090-сатр) корхона омборларида бўлган, ҳисоби 0710—"Ўрнатиладиган ускуна — мамлакатимизники" ва 0720—"Ўрнатиладиган ускуна — импорт қилинган" ҳисобварақларида юритиладиган ўрнатиладиган ускунанинг ҳақиқий қиймат бўйича қиймати кўрсатилади.

27. "Капитал қўйилмалар" моддаси бўйича (100-сатр) хўжалик усулида ва пудрат усулида амалга ошириладиган тугалланмаган қурилишнинг қиймати, харид қилинган, фойдаланишга топширилмаган асосий воситалар ва номоддий активларнинг қиймати, асосий подани шакллантириш харажатлари, шунингдек ерни ободонлаштиришга, узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга ва ҳисоби капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (0800) юритиладиган бошқа воситаларга қўйилмалар суммалари кўрсатилади.

28. "Узоқ муддатли дебиторлик қарзи" моддаси бўйича (110-сатр) олинган векселларнинг узоқ муддатли қисми, узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) шартномаси бўйича топширилган асосий воситалар учун олинадиган тўловлар қолдиғи, ходимларнинг узоқ муддатли қарзи ва ҳисоби 0910—

"Олинган векселлар", 0920—"Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар", 0930—"Ходимларнинг узоқ муддатли қарзи", 0940—"Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзи" ҳисобварақларда юритиладиган бошқа муддатли дебиторлик қарзлари кўрсатилади.

111-сатрда маълумот учун узоқ муддатли дебиторлик қарзининг муддати ўтказиб юборилган қисми кўрсатилади.

29. "Узоқ муддатли муддати кўчирилган харажатлар" моддаси бўйича (120-сатр) вақт фарқлари бўйича ўтказиб юборилган даромад (фойда) солиғи, дисконтлар (нарх чегирмалари) бўйича узоқ муддатли ўтказиб юборилган харажатлар ва ҳисоби 0950—"Вақт фарқлари бўйича ўтказиб юборилган даромад (фойда) солиғи", 0960—"Дисконтлар (нарх чегирмалари) бўйича узоқ муддатли ўтказиб юборилган харажатлар", 0990—"Бошқа узоқ муддатли ўтказиб юборилган харажатлар" ҳисобварақларида юритиладиган бошқа узоқ муддатли ўтказиб юборилган харажатлар кўрсатилади.

30. "I бўлим бўйича жами" моддаси бўйича (130-сатр) 012, 022, 030, 090, 100, 110, 120-сатрлар бўйича сумма кўрсатилади.

31. "Товар-моддий захиралар, жами" моддаси бўйича (140-сатр) 150, 160, 170, 180-сатрларда кўрсатилган ишлаб чиқариш захираларининг қолдиқлари, тугалланмаган ишлаб чиқариш суммаси, тайёр маҳсулот ва товарлар кўрсатилади.

32. "Ишлаб чиқариш захиралари" моддаси бўйича (150-сатр) хом ашё захиралари, харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, идиш ва идиш материаллари, инвентарь ва хўжалик анжомлари, қайтариладиган чиқиндилар ва 1000-"Материалларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари" ҳисобварағида ҳисобга олинадиган бошқа моддий бойликларнинг ҳақиқий таннархи кўрсатилади.

Ушбу модда бўйича, шунингдек, ёш ҳайвонлар; бўрдоқига, яйловда боқилаётган катта ҳайвонлар; паррандалар; ёввойи ҳайвонлар, қуёнлар; асалари уялари; сотиш учун асосий подадан чиқарилган (бўрдоқига боқиш учун қўйилмалар) катта моллар; аҳолидан сотиш учун қабул қилинган, парваришлаш ва бўрдоқига боқиш учун ҳайвонларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (1100) ҳисобга олинадиган молларнинг ҳақиқий таннархи акс эттирилади.

Материалларни тайёрлаш ва харид қилишни ҳисобга олиш (1500) ва материаллар қийматидаги тафовутларни ҳисобга олиш (1600) ҳисобварақларидан фойдаланилганда кўрсатилган бойликлар ушбу ҳисобварақларда "Ишлаб чиқариш захиралари" моддаси бўйича акс эттирилади.

33. "Тугалланмаган ишлаб чиқариш" моддаси бўйича (160-сатр) ҳисоби асосий ишлаб чиқариш (2000), ўзи ишлаб чи-

қарган ярим тайёр маҳсулотлар (2100), ёрдамчи ишлаб чиқаришлар (2300), хизмат кўрсатувчи хўжаликларни (2700) ҳисобга олиш ҳисобварақларида юритиладиган тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тугалланмаган ишлар (хизматлар) бўйича харажатлар кўрсатилади.

34. "Тайёр маҳсулот" моддаси бўйича (170-сатр) ишлаб чиқариши тугалланган, синов ва қабул қилишдан ўтган, буюртмачилар билан шартнома шартларига кўра барча қисмлар билан бутланган ва техник шартлар ҳамда стандартларга мувофиқ бўлган буюмлар қолдиқларининг, кўргазмада бўлган ва бошқа корхоналарга комиссияга (консигнацияга) топширилган, тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (2800) ҳисобга олинадиган тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи кўрсатилади. Кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган маҳсулот ва топширилмаган ишлар тугалланмаган, деб ҳисобланади ва тугалланмаган ишлаб чиқариш тартибида кўрсатилади.

35. "Товарлар" моддаси бўйича (180-сатр) омборлардаги товарлар қолдиқларининг қиймати, товарнинг чакана савдодаги қиймати, кўргазмада бўлган ва бошқа корхоналарга комиссия (консигнацияга) топширилган товарларнинг қиймати, ижара буюмлари, товар идишлари ва бўш идишларнинг қиймати, йўлдаги товарлар, савдо устамасини чегирган ҳолда савдо ёки умумий овқатланишда ўз фаолиятини амалга оширадиган корхона харид қилган ва товарларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (2900) ҳисобга олинадиган бошқа товарлар кўрсатилади.

36. "Келгуси давр харажатлари" моддаси бўйича (190-сатр) бўлғуси даврлар харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (3100) акс эттирилган, ҳисобот даврида амалга оширилган, лекин у тааллуқли бўлган муддат давомида кейинги ҳисобот даврларида молиявий-хўжалик фаолияти харажатларига киритиладиган харажатлар суммаси кўрсатилади. Бундай харажатларга оммавий ахборот воситалари нашрига обуна бўйича харажатлар, олдиндан тўланган ижара ҳақи ва ҳоказолар киради.

37. "Муддати ўтказиб юборилган харажатлар" моддаси бўйича (200-сатр) муддати ўтказиб юборилган даромад (фойда) солиғининг вақт фарқлари бўйича жорий қисми, дисконт (нархдаги чегиришлар) бўйича муддати ўтказиб юборилган харажатлар ва муддати ўтказиб юборилган харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (3200) ҳисобга олинган бошқа муддати ўтказиб юборилган харажатлар кўрсатилади.

38. "Дебиторлар, жами" моддаси бўйича (120-сатр) харидорлар ва буюртмачилар қарзлари суммасининг якуни сифатида жами дебиторлик қарзи, алоҳида, шуъба ва тобе хўжалик жамиятларининг қарзи, мол етказиб берувчилар, пуд-

ратчилар, ходимларга берилган бўнаклар; бюджетга, давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурта бўйича бўнак тўловлари; муассисларнинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзи ва турли дебиторларнинг 220, 230, 240, 250, 260, 270, 280, 290, 300, 310-сатрларда кўрсатилган қарзлари кўрсатилади.

211-сатрларда маълумот учун дебиторлик қарзининг муддати ўтказиб юборилган қисми кўрсатилади.

39. "Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзи" моддаси бўйича (220-сатр) буюртмачилар (харидорлар)га сотилган маҳсулот, товарлар, топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун қарз кўрсатилади, бунда шубҳали қарзлар бўйича резерв чегирилади.

40. "Алоҳида бўлинмаларнинг қарзи" моддаси бўйича (230-сатр) алоҳида бўлинмалар (филиаллар, ваколатхоналар)нинг корхона балансига (ички хўжалик ҳисоб-китобларига) киритиладиган, ҳисоби 4110—"Алоҳида бўлинмалардан олишга доир ҳисобварақлар" ҳисобварағида юритиладиган жорий қарзи акс эттирилади.

41. "Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларининг қарзи" моддаси бўйича (240-сатр) шуъба ва тобе хўжалик жамиятлари ҳисоби 4120-"Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан олишга доир ҳисобварақлар" ҳисобварағида юритиладиган жорий қарзлари (ички идора ҳисоб-китоблари) акс эттирилади. Шуъба ва (ёки) тобе хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 октябрда 50-сон билан тасдиқланган (рўйхат рақами 580, 1998 йил 28 декабрь, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 йил 6-сон) Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (8-БҲМС) "Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби"га кўра бош жамиятнинг молиявий ҳисобида консолидацияланиши керак.

42. "Ходимларга берилган бўнаклар" моддаси бўйича (250-сатр) ходимларга меҳнат ҳақи бўйича, хизмат сафарларига, умумхўжалик харажатларига берилган бўнаклар суммаси ва бўлғуси ҳисоб-китоблар бўйича бошқа бўнаклар кўрсатилади. Ходимларга берилган бўнаклар ҳисоби ходимларга берилган бўнакларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (4200) юритилади.

43. "Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар" моддаси бўйича (260-сатр) бўлғуси ҳисоб-китоблар бўйича бошқа корхоналарга тўланган бўнаклар суммаси кўрсатилади. Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар ҳисоби етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнакларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (4300) юритилади.

44. "Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари" моддаси бўйича (270-сатр) бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари кўрсатилади. Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари бўйича ҳисоби 4410-"Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича (турлари бўйича) бўнак тўловлари" ҳисобварағида юритилади.

45. "Давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурта бўйича бўнак тўловлар" моддаси бўйича (280-сатр) ҳисоби давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурта бўйича бўнак тўловларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (4500) юритиладиган давлат мақсадли жамғармаларига (Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Давлат бандликка кўмаклашиш жамғармасига) ва суғурта бўйича мажбурий ажратмалар бўйича бўнак тўловлари ва ортиқча тўловлар кўрсатилади.

46. "Муассисларнинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзи" моддаси бўйича (290-сатр) 4610—"Муассисларнинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзи" ҳисобварағида ҳисобга олинадиган муассисларнинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзи кўрсатилади.

47. "Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи" моддаси бўйича (300-сатр) корхона ходимларининг кредитга сотилган товарлар, ходимларга берилган қарзлар, корхонага етказилган моддий зарарни қоплаш бўйича қарзи ва ходимларнинг бошқа қарзлари кўрсатилади. Ходимларнинг бошқа операциялари бўйича қарзини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (4700) юритилади.

48. "Бошқа дебиторларнинг қарзи" моддаси бўйича (310-сатр) турли дебиторларнинг юқорида кўрсатилган дебиторлар билан ҳисоб-китоблар моддаларида акс эттирилмаган қарзлари кўрсатилади, хусусан, олинадиган фоиз ва дивидендлар, узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича жорий тўловлар, қисқа муддатли ижара (тезкор лизинг) бўйича тўловлар; роялти бўйича олишга доир ҳисобварақлар, қарздорлар эътироф ёки улар бўйича суд ёки бошқа органнинг уларни ундириш тўғрисида қарори олинган, молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилган жарималар, пеня ва неустойкалар, бошқа шахсларнинг ҳисоби турли дебиторларида (4800) юритиладиган қарзи кўрсатилади.

49. "Пул маблағлари, жами" моддаси бўйича (320-сатр) касса, ҳисоб-китоб ва валюта ҳисобварақларидаги пул маблағлари суммаси, шунингдек 330, 340, 350, 360-сатрларда кўрсатилган бошқа пул маблағлари кўрсатилади. Баланснинг ушбу моддаларида акс эттирилган суммалар банк кўчирмаларига пул маблағларининг касса ҳисоботи бўйича қолдиқларига мос келиши керак.

50. "Кассадаги пул маблағлари" моддаси бўйича (330-сатр) ҳисобот даврининг охирги санасида корхона кассаларида бўлган, миллий валюта ва хорижий валютадаги пул маблағлари қолдиғи кўрсатилади. Кассадаги пул маблағлари ҳисоби кассадаги пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида юритилади (5000).

51. "Ҳисоб-китоб варағидаги пул маблағлари" моддаси бўйича (340-сатр) ҳисобот даврининг охирги санасида банклардаги ҳисоб-китоб варақларида бўлган, миллий валюта пул маблағлари қолдиғи кўрсатилади. Ҳисоб-китоб варағида миллий валютадаги пул маблағларининг ҳисоби 5110—"Ҳисоб-китоб варағи" ҳисоб варағида юритилади.

52. "Хорижий валютадаги пул маблағлари" моддаси бўйича (350-сатр) корхона банклардаги валюта ҳисобварақларида бўлган, ҳисобот даврининг охирги санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валюта баҳоланган валюта маблағларининг қолдиғи кўрсатилади. Хорижий валютадаги пул маблағларининг ҳисоби хорижий валютадаги пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (5200) юритилади.

53. "Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари" моддаси бўйича (360-сатр) корхонанинг банкда махсус ҳисобварақлардаги пул маблағлари (5500), пул эквивалентлари (5600), йўлдаги пул маблағлари (жўнатмалари) ни (5700) ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисобга олинадиган пул маблағлари қолдиғи кўрсатилади.

54. "Қисқа муддатли инвестициялар" моддаси бўйича (370-сатр) корхонанинг бошқа корхоналар қимматли қоғозларига қисқа муддатли (12 ойдан ошмайдиган муддатга) инвестициялари, давлат ва маҳаллий заём облигациялари ва шу сингарилар, шунингдек бошқа корхоналарига берилган қарзлар ва ҳисоби қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (5800) юритиладиган бошқа жорий инвестициялар кўрсатилади.

55. "Бошқа жорий активлар" моддаси бўйича (380-сатр) мазкур ҳисобот даврида инвентаризация чоғида аниқланган, улар бўйича айбдор шахслар топилмаган комомадлар, ўғирликлар ва бойликларни шикастлашдан талафотлар суммаси ҳамда юқорида келтирилган бўлим моддаларида назарда тутилмаган, бироқ корхона мулки ҳисобланган бошқа жорий активлар кўрсатилади, улар ҳисоби 5910-"Камомадлар ва бойликлар шикастланишидан талафотлар" ва 5920-"Бошқа жорий активлар" ҳисобварақларида юритилади.

56. "II бўлим бўйича жами" моддаси бўйича (390-сатр) 140, 190, 200, 210, 320, 370, 380-сатрлар бўйича сумма кўрсатилади.

57. "Баланс активи бўйича жами" моддаси бўйича (400-

сатр) сатрларни қўшиш йўли билан олинган активнинг якуний суммаси кўрсатилади 130-сатр+390 сатр.

58. "Устав сармояси" моддаси бўйича (410-сатр) устав сармоясининг таъсис ҳужжатларида корхона муассислари улушлари (ҳиссалари, номинал қиймат бўйича акциялари, пай бадаллари)нинг жами сифатида рўйхатга олинган миқдори кўрсатилади. Устав сармоясининг ҳисоби устав сармоясини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8300) юритилади.

59. "Қўшилган сармоя" моддаси бўйича (420-сатр) акцияларини номинал қийматдан юқори нархларда бирламчи сотиш чоғида олинган эмиссион даромад суммаси, корхонанинг устав сармоясини шакллантириш чоғида таъсис ҳужжатларини рўйхатга олиш санаси билан маблағларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курслари ўртасида юзага келадиган курслардаги фарқ суммаси кўрсатилади, уларнинг ҳисоби қўшилган сармояни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8400) юритилади.

60. "Захира сармоя" моддаси бўйича (430-сатр) корхона уставига кўра фойда ҳисобига, мол-мулкни қайта баҳолаш чоғида ҳосил бўладиган инфляцион захиралар, текинга олинган мол-мулк ҳисобига ташкил этилган, ҳисоби захира сармоясини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8500) юритиладиган захиралар суммаси кўрсатилади.

Мазкур модда бўйича имтиёзли давр тугаганидан кейин 8840—"Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари" ҳисобварағидан 8530—"Текинга олинган мол-мулк" ҳисобварағи кредитига ҳисобдан чиқариладиган, солиқ солишдан озод қилиш натижасида бўшайдиган маблағларни мақсадли вазифаларини бажаришга йўналтириш шарти билан божхона тўловларини, бюджетга солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ имтиёзлари суммалари ҳам акс эттирилади.

61. "Сотиб олинган ўз акциялари" моддаси бўйича (440-сатр) корхонада бўлган, уларни кейинчалик тарқатиш ёки йўқ қилиш учун сотиб олинган ўз акцияларининг қиймати кўрсатилади. Сотиб олинган ўз акцияларини сотиб олинган акцияларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8600) ҳисобга олинади.

62. "Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" моддаси бўйича (450-сатр) ҳисоби тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8700) юритиладиган ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) ва ўтган йилларнинг жамғарилган фойдаси (зарари) акс эттирилади.

Агар корхона зарар олган бўлса, ҳисобот даврининг охирида ушбу зарар ушбу модда бўйича "минус" белгиси билан кўрсатилади.

63. "Мақсадли тушумлар" моддаси бўйича (460-сатр) олинган грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари, мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари суммалари ва мақсадли тушумларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8800) ҳисобга олинган, мақсадли тадбирларни амалга ошириш учун бошқа мақсадли тушумлар кўрсатилади.

64. "Бўлғуси харажатлар ва тўловлар захиралари" моддаси бўйича (470-сатр) корхона томонидан бўлғуси харажатлар ва тўловлар учун харажатларда бир текисда тақсимлаш мақсадида захира қилинган маблағлар кўрсатилади.

65. "I бўлим бўйича жами" моддаси бўйича (480-сатр) қуйидаги натижа кўрсатилади: 410-сатр + 420-сатр + 430-сатр – –440-сатр + 450-сатр + 460-сатр + 470-сатр + 430-сатр – 440-сатр + 450-сатр + 460-сатр + 470-сатр.

66. "Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами" моддаси бўйича (490-сатр) корхонанинг 500, 510, 520, 530, 540, 550, 560, 570, 580, 590-сатрларда кўрсатилган узоқ муддатли мажбуриятлари (сўндириш муддати бир йилдан ортиқ бўлган) кўрсатилади.

491-сатрда маълумот учун корхонанинг 500, 520, 540, 560, 590-сатрларда кўрсатилган узоқ муддатли кредиторлик қарзлари суммаси кўрсатилади.

492-сатрда маълумот учун корхона узоқ муддатли кредиторлик қарзларининг муддати ўтказиб юборилган қисми кўрсатилади.

67. "Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилардан узоқ муддатли қарз" моддаси бўйича (500-сатр) ҳисоби 7010— "Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар" ва 7020—"Берилган векселлар" ҳисобварақларида юритиладиган, келиб тушган мол-мулк, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли мажбуриятлар суммаси кўрсатилади.

68. "Алоҳида бўлинмалардан узоқ муддатли қарз" моддаси бўйича (510-сатр) корхона балансига (ички хўжалик ҳисоб-китоблари) киритиладиган ҳисоби 7110—"Алоҳида бўлинмалардан узоқ муддатли қарз" ҳисобварағида юритиладиган алоҳида бўлинмаларга (филиаллар, ваколатхоналарга) узоқ муддатли мажбуриятлар акс эттирилади.

69. "Шўъба ва тобе хўжалик жамиятларидан узоқ муддатли қарз" моддаси бўйича (520-сатр) ҳисоби 7120—"Шўъба ва тобе хўжалик жамиятларидан узоқ муддатли қарз" ҳисобида юритиладиган шўъба ва тобе хўжалик жамиятларидан узоқ муддатли қарзлар (ички идора ҳисоб-китоблари) акс эттирилади.

70. "Муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли даромадлар" моддаси бўйича (530-сатр) ҳисоби 7210—"Дисконт (нарх-

дан чегирмалар) кўринишида муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли даромадлар", 7220—"Мукофотлар (устамалар) кўринишида муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли даромадлар", 7230—"Муддати ўтказиб юборилган бошқа узоқ муддатли даромадлар" ҳисобварақларида юритилган, корхоналарнинг муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли мажбуриятлар суммаси кўрсатилади.

71. "Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли мажбуриятлар" моддаси бўйича (540-сатр) ҳисоби 7240—"Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли мажбуриятлар" ҳисобварағида юритиладиган, корхоналарнинг солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

72. "Муддати ўтказиб юборилган бошқа узоқ муддатли мажбуриятлар" моддаси бўйича (550-сатр) ҳисоби 7250—"Вақт фарқлари бўйича даромад (фойда) солиғига доир муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли мажбуриятлар", 7290—"Муддати ўтказиб юборилган бошқа узоқ муддатли мажбуриятлар" ҳисобварақларида юритиладиган, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ, муддати ўтказиб юборилган бошқа узоқ муддатли мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

73. "Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар" моддаси бўйича (560-сатр) 7310—"Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар" ҳисобварағида ҳисобга олинган, бўлғуси ҳисоб-китоблар бўйича бўнаклар кўринишида чет ташкилотлардан олинган узоқ муддатли қарзлар суммаси кўрсатилади.

74. "Узоқ муддатли банк кредитлари" моддаси бўйича (570-сатр) 7810—"Узоқ муддатли банк кредитлари" ҳисобварағида ҳисобга олинган, олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича банклардан қарз суммалари кўрсатилади.

75. "Узоқ муддатли қарз (заём)лар" моддаси бўйича (580-сатр) 7820—"Узоқ муддатли қарзлар", 7830—"Тўлашга доир облигациялар", 7840—"Тўлашга доир векселлар" ҳисобварақларида ҳисобга олинган, бошқа корхоналар ва муассасалардан узоқ муддатли қарзлар бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

76. "Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлари" моддаси бўйича (590-сатр) турли кредиторлардан узоқ муддатли қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (7900) ҳисобга олинган, корхонанинг ижарага берувчи (лизинг берувчи), ходимлар, турли жисмоний ва юридик шахслар олдида турли хил нотижорий операциялар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари суммалари, суд органларининг ижро ҳужжатлари ёки қарорлари асосида турли ташкилотлар ва айрим шахслар фой-

дасига корхона ходимларининг иш ҳақидан ушланган суммалар кўрсатилади.

77. "Жорий мажбуриятлар, жами" моддаси бўйича (600-сатр) 610, 620, 630, 640, 650, 660, 670, 680, 690, 700, 710, 720, 730, 740, 750, 760-сатрларда кўрсатилган корхона жорий мажбуриятларининг (бир йилдан кам бўлган муддатли) суммасини акс эттирилади.

601-сатрлар маълумот учун 610, 630, 650, 670, 680, 690, 700, 710, 720, 760-сатрда кўрсатилган корхона жорий кредиторлик қарзларининг суммаси кўрсатилади.

602-сатрда маълумот учун корхона жорий кредиторлик қарзларининг муддати ўтказиб юборилган қисми кўрсатилади.

78. "Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилардан қарз" моддаси бўйича (610-сатр) ҳисоби 6010—"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар" ва 6020—"Берилган векселлар" ҳисобварақларида юритиладиган келиб тушган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун маҳсулот етказиб берувчилар ҳамда пудратчиларга жорий мажбуриятлар суммаси кўрсатилади.

79. "Алоҳида бўлинмалардан қарз" моддаси бўйича (620-сатр) ҳисоби "Алоҳида бўлинмаларга тўлашга доир ҳисобварақлар" ҳисобварағида юритиладиган, корхона балансига киритиладиган алоҳида бўлинмаларга (филиаллар, ваколатхоналарга) жорий мажбуриятлар (ички хўжалик ҳисоб-китоблари) акс эттирилади.

80. "Шўъба ва тобе хўжалик жамиятларидан қарз" моддаси бўйича (630-сатр) ҳисоби 6120—"Шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига тўлашга доир ҳисобварақлар" ҳисобварағида юритиладиган, шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан жорий қарзлар (ички идора ҳисоб-китоблари) акс эттирилади.

81. "Муддати ўтказиб юборилган даромадлар" моддаси бўйича (640-сатр) ҳисоби 6210—"Дисконтлар (нархдан чегиришлар) кўринишида муддати ўтказиб юборилган даромадлар", 6220—"Мукофотлар (устамалар) кўринишида муддати ўтказиб юборилган даромадлар" ҳисобварақларида юритиладиган, муддати ўтказиб юбориладиган даромад бўйича корхоналар мажбуриятларининг суммаси кўрсатилади.

82. "Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган мажбуриятлар" моддаси бўйича (650-сатр) ҳисоби 6240—"Солиқлар ва мажбурий тўловлар муддати ўтказиб юборилган мажбуриятлар" ҳисобварағида юритиладиган, корхонанинг солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари суммасининг жорий қисми кўрсатилади.

83. "Муддати ўтказиб юборилган бошқа мажбуриятлар" моддаси бўйича (660-сатр) ҳисоби 6250—"Вақт фарқлари бўйича даромад (фойда) солиғига доир муддати ўтказиб юборил-

ган мажбуриятлар", 6290—"Муддати ўтказиб юборилган бошқа мажбуриятлар" ҳисобварақларида юритиладиган, корхонанинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ, муддати ўтказиб юборилган бошқа мажбуриятлар суммаси кўрсатилади.

84. "Олинган бўнаклар" моддаси бўйича (670-сатр) чет ташкилотлардан бўлғуси ҳисоб-китоблар бўйича бўнаклар кўринишида олинган, олинган бўнакларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (6300) ҳисобга олинган қарз суммаси кўрсатилади.

85. "Бюджетга тўловлар бўйича қарз" моддаси бўйича (680-сатр) 6410—"Бюджетга тўловлар бўйича (турлари бўйича) қарз" ҳисобварағида ҳисобга олинадиган, бюджетга тўловларнинг барча турлари, жумладан жисмоний шахслар даромад солиғи суммаси бўйича корхонанинг қарзи кўрсатилади.

86. "Суғурта бўйича қарз" моддаси бўйича (690-сатр) корхона суғурталанувчи ҳисобланган ва ҳисоби 6510—"Суғурта бўйича тўловлар" ҳисобварақларида юритиладиган суғурта бўйича тўловларга доир қарз кўрсатилади.

87. "Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз" моддаси бўйича (700-сатр) ҳисоби 6530—"Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар" ҳисобварағида юритиладиган, корхонанинг давлат мақсадли жамғармаларидан қарзи кўрсатилади.

88. "Муассислардан қарз" моддаси бўйича (710-сатр) ҳисоби 6610—"Тўлашга доир дивидендлар", 6620—"Чиқиб кетаётган муассислардан уларнинг ҳиссаси бўйича қарз" ҳисобварақларида амалга оширилган, корхонанинг муассислар олдида дивидендлар ва чиқиб кетаётган муассислар олдида уларнинг ҳиссаси бўйича мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

89. "Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз" моддаси бўйича (720-сатр) 6710—"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар", 6720—"Депонентга қўйилган иш ҳақи" ҳисобварақларида ҳисобга олинган, ҳисоблаб ёзилган, лекин ҳали тўланмаган меҳнатга ҳақ тўлаш суммалари, мукофотлар, нафақалар ва ҳоказолар кўрсатилади.

90. "Қисқа муддатли банк кредитлари" моддаси бўйича (730-сатр) ҳисоби 6810—"Қисқа муддатли банк кредитлари" ҳисобварағида юритиладиган, олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича банклар олдидаги қарз суммалари кўрсатилади.

91. "Қисқа муддатли қарзлар" моддаси бўйича (740-сатр) ҳисоби 6820—"Қисқа муддатли банк кредитлари" ҳисобварағида юритиладиган, олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича банклар олдидаги қарз суммалари кўрсатилади.

92. "Қисқа муддатли қарзлар" моддаси бўйича (740-сатр) ҳисоби 6820—"Қисқа муддатли қарзлар", 6830—"Тўлашга доир облигациялар", 6840—"Тўлашга доир векселлар" ҳисобварақларида юритиладиган, бошқа корхоналар ва шахслардан

олинган қарзлар (заёмлар) бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

93. "Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми" моддаси бўйича (750-сатр) ҳисоби 6950—"Узоқ муддатли мажбуриятлар-жорий қисм" ҳисобварағида юритилган, корхона узоқ муддатли мажбуриятларининг жорий қисми суммалари кўрсатилади.

94. "Бошқа кредиторлик қарзлари" моддаси бўйича (760-сатр) ҳисоби 6910—"Тўлашга доир қисқа муддатли ижара", 6920—"Ҳисоблаб ёзилган фоизлар", 6930—"Роялти бўйича қарз", 6840—"Кафолатлар бўйича қарз", 6960—"Даъволар бўйича тўлашга доир ҳисобварақлар", 6870—"Ҳисобдор шахслардан қарз" ва 6990—"Бошқа мажбуриятлар" ҳисобварақларида юритиладиган, корхонанинг турли кредитлари билан операциялар бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

95. "II бўлим бўйича жами" моддаси бўйича (770-сатр) 490 ва 600-сатрлар бўйича сумма кўрсатилади.

96. "Баланс пассиви бўйича жами" моддаси бўйича (780-сатр) 480 ва 770-сатрлар бўйича суммалар натижаси сифатида олинган пассивнинг якуний суммаси кўрсатилади.

97. "Балансдан ташқари ҳисобварақларда ҳисобга олинадиган бойликлар мавжудлиги тўғрисида маълумотнома" 790-920-сатрларда корхонага тегишли бўлмаган, лекин вақтинча фойдаланадиган ёки унинг тасарруфида бўлган бойликлар (қисқа муддатга ижара олинган асосий воситалар, маъсулиятли сақлашдаги, қайта ишланаётган ва ҳоказо моддий бойликлар), шартли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар мавжудлиги тўғрисидаги, шунингдек корхонанинг балансдан ташқари ҳисобварақларида ҳисобга олинган айрим хўжалик операцияларини назорат қилиш учун ахборот кўрсатилади.

3-§. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сонли шакл)

98. "Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум" моддаси бўйича (010-сатр) маҳсулот, товар, ишлар ва хизматларни сотишдан олинган, харидорлар ва буюртмачилар тўлайдиган тушум кўрсатилади, бунда солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи) ҳамда қайтарилган товарлар ва тайёр маҳсулотларнинг қиймати, харидорнинг сотиш нархларидан чегирмалари чегирилади.

010-сатр асосий (операцион) фаолиятдан даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (9000) маълумотлари бўйича тўлдирилади.

Асосий фаолияти мол-мулкни ижарага (лизингга) бериш ҳисобланган корхоналар 010-сатр бўйича ҳисоблаб ёзилган ижара ҳақи (лизинг тўлови) суммасини акс эттирадилар.

Воситачи корхоналар 010-сатрда комиссион ҳақлар суммасини акс эттирадилар.

99. "Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи" моддаси бўйича (020-сатр) сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (9100) ҳисобга олинган, сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархини суммаси кўрсатилади.

Савдо корхоналари ушбу сатр бўйича сотилган товарларнинг харид қийматини акс эттирадилар. Товар айланмасида (товарларни қабул қилиш ва сотишда) иштирок этмасдан, хизматлар учун ҳақ кўринишида даромад оладиган воситачи ташкилотлар ушбу сатрни тўлдирмайдилар.

100. "Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)" (030-сатр) маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум билан сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи ўртасидаги фарқ (010-сатр—020-сатр) сифатида аниқланади.

101. "Давр ҳаражатлари, жами" моддаси бўйича (040-сатр) 050, 060, 070, 080-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

102. "Реализация харажатлари" моддаси бўйича (050-сатр) ҳисоби 9410—"Реализация харажатлари" ҳисобварағида юритиладиган: маҳсулотни реализация қилиш ҳаражатлари, яъни маҳсулотни истеъмолчига етказиш, транспорт воситаларига ортиш билан боғлиқ харажатлар, маркетинг билан шуғулланадиган бўлимлар ва ходимларнинг харажатлари ва ҳоказолар акс эттирилади.

103. "Маъмурий харажатлар" моддаси бўйича (060-сатр) ҳисоби 9420—"Маъмурий харажатлар" ҳисобварағида юритиладиган: корхонани бошқариш харажатлари, бошқарув ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, умуммаъмурий мақсаддаги асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик мақсадидаги хоналарнинг ижара ҳақи ва бошқа маъмурий харажатлар акс эттирилади.

104. "Бошқа операцион харажатлар" моддаси бўйича (070-сатр) ҳисоби 9430—"Бошқа операцион харажатлар" ҳисобварағида юритиладиган: кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, ахборий, аудиторлик ва маслаҳат хизматларига ҳақ тўлаш харажатлари, компенсациялайдиган ва рағбатлантирадиган хусусиятдаги тўловлар, иш ҳақини ҳисоблаб ёзишда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар, банк ва депозитарий хизматларига ҳақ, зарарлар, жарималар, пенялар ва операцион фаолият жараёнида юзага келадиган, ишлаб чиқариш жараёни, молиявий фаолият билан боғланмаган ва харажатларнинг фавқулодда моддалари сифатларига эга бўлмаган бошқа харажатлар акс эттирилади.

105. "Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқарилади-

ган ҳисобот даври харажатлари" моддаси бўйича (080-сатр) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон билан тасдиқланган "Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари тартиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом"нинг (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 йил 2-сон, 9-модда) 2.4-бўлимида келтирилган, келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари акс эттирилади ва 9440—"Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари" ҳисобварағида умумлаштирилган ҳисоб маълумотлари бўйича тўлдирилади.

106. "Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар" моддаси бўйича (090-сатр) ҳисоби асосий фаолиятдан бошқа даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (9300) юритиладиган: асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда, ундирилган жарималар, пеня ва неустойкалар, ўтган йиллар фойдаси, қисқа муддатли ижарадан даромадлар, кредиторлик ва депонентлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар, хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг даромадлари, текин молиявий ёрдам ва бошқа операцион даромадлар кўрсатилади.

107. "Асосий фаолиятдан фойда (зарар)" моддаси бўйича (100-сатр) корхона асосий фаолиятининг молиявий натижалари кўрсатилади, улар маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар) дан (030-сатр) давр харажатлари суммасини (040-сатр) айириш ҳамда асосий фаолиятдан бошқа даромадлар суммасини (090-сатр) қўшиш йўли билан аниқланади.

108. "Молиявий фаолиятдан даромадлар, жами" моддаси бўйича якуний сумма акс эттирилади.

109. "Дивидендлар кўринишида даромадлар" моддаси бўйича (120-сатр) ҳисоби 9520—"Дивидендлар кўринишида даромадлар" ҳисобварағида юритиладиган: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида бошқа корхоналар фаолиятида улушбай иштирок этишдан олинган даромадлар, корхона эгалигида бўлган акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар акс эттирилади.

110. "Фоизлар кўринишида даромадлар" моддаси бўйича (130-сатр) ҳисоби 9530—"Фоизлар кўринишида даромадлар" ҳисобварағида юритиладиган, узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоизлар кўринишида даромадлар кўрсатилади.

111. "Узоқ муддатли ижарадан даромадлар (молиявий лизинг)" моддаси бўйича (140-сатр) ҳисоби 9550-"Узоқ муддатли ижарадан даромадлар" ҳисобварағида юритиладиган, мол-мулкни юридик ва жисмоний шахсларга узоқ муддатли ижарага беришдан даромадлар акс эттирилади.

112. "Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар" моддаси бўйича (150-сатр) ҳисоби 9540—"Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар" ҳисобварағида юритиладиган, шу жумладан балансни тузиш санасида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан, валюта операциялари бўйича мусбат курслардаги фарқлардан даромадлар акс эттирилади.

113. "Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар" моддаси бўйича (160-сатр) ҳисоби 9510—"Роялти кўринишида даромадлар", 9560—"Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар". 9590—"Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар" ҳисобварақларида юритиладиган: қимматли қоғозларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар, роялти кўринишида даромадлар ва молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар кўрсатилади.

114. "Молиявий фаолият бўйича харажатлар, жами" моддаси бўйича (170-сатр) 180, 190, 200, 210-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

115. "Фоизлар кўринишида харажатлар" моддаси бўйича (180-сатр) ҳисоби 9610—"Фоизлар кўринишида харажатлар" ҳисобварағида юритиладиган, банклар кредитлари ва қарзлар бўйича фоизларни тўлаш харажатлари кўрсатилади.

116. "Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар кўринишида харажатлар" моддаси бўйича (190-сатр) ҳисоби 9610-сатр "Фоизлар кўринишида харажатлар" ҳисобварағида юритиладиган, узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари акс эттирилади.

117. "Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар" моддаси бўйича (200-сатр) ҳисоби 9620—"Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар" ҳисобварағида юритиладиган, валюта операциялари бўйича ва баланс тузиш санасида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан манфий курслардаги фарқлар акс эттирилади.

118. "Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар" моддаси бўйича (120-сатр) ҳисоби 9630—"Қимматли қоғозлар чиқариш ва тарқатиш харажатлари" ва 9690—"Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар" ҳисобварақларида юритиладиган, қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда молиявий фаолиятга доир бошқа харажатлар акс эттирилади.

119. "Умумхўжалик фаолиятидан фойда (зарар)" моддаси бўйича (220-сатр) корхонанинг умумхўжалик фаолиятига доир, асосий фаолиятдан фойда (зарар) суммасига (100-сатр) молиявий фаолиятдан даромадлар суммасини (110-сатр) қўшиш ва молиявий фаолият бўйича харажатлар суммасини (170-сатр) айириш йўли билан белгиланадиган молиявий натижалар кўрсатилади.

120. "Фавқулодда фойда ва зарарлар" моддаси бўйича (230-

сатр) фавқулодда воқеалар натижалари кўрсатилади, "Даромадлар (фойда)" устуни 9710—"Фавқулодда фойдалар" ҳисобварағининг маълумотлари, "Харажатлар (зарар)" устуни эса 9720—"Фавқулодда зарарлар" ҳисобварағининг маълумотлари бўйича тўлдирилади.

121. "Даромад (фойда) солиғини тўлашга қадар фойда (зарар)" моддаси бўйича (240-сатр)+/—белгисини ҳисобга олган ҳолда 220 ва 230-сатрларни қўшиш натижалари акс эттирилади. Ушбу сатр натижаси даромад (фойда) солиғининг ҳисоб-китоби чоғида асос бўлиб ҳисобланади.

122. "Даромад (фойда) солиғи" моддаси бўйича (250-сатр) ҳисобот даври бошидан ҳисоблаб ёзилган, бюджетга тўланадиган ва 9810—"Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар" ҳисобварағида ҳисобга олинган суммалар кўрсатилади.

123. "Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар" моддаси бўйича (260-сатр) йил бошидан ҳисоблаб ёзилган, корхона фойда ҳисобига тўлайдиган солиқлар ва йиғимлар суммаси акс эттирилади.

Улар учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солишнинг махсус тартиби назарда тутилган корхоналар 260-сатр бўйича ҳисоблаб ёзилган ягона солиқ, ялпи тушумдан солиқ, белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ, ягона ер солиғи суммасини акс эттирилади.

124. "Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)" моддаси бўйича (270-сатр) ҳисобот даврининг пировард молиявий натижаси кўрсатилади, у 240-250-260-сатрлар айирмаси сифатида белгиланган.

125. "Бюджетга тўловлар бўйича маълумотнома"да (280-440-сатрлар) корхоналар томонидан солиқ қонунчилигига мувофиқ ҳисоблаб ёзилган ва тўланадиган солиқлар турлари бўйича бюджетга тўловлар кўрсатилади. Мазкур маълумотномада 450-сатр бўйича корхоналар томонидан ҳисоблаб ёзилган ва тўланадиган бюджетга тўловларнинг якуний суммаси кўрсатилади.

4-§. Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот (3-сонли шакл)

126. Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисоботда корхона асосий воситаларининг мавжудлиги ва ҳаракати кўрсатилади.

127. 3-устунда ва 6-устунда тегишлича йил бошида ва охирида корхона балансида қайд этилган корхона асосий воситаларининг, шу жумладан жорий ижарага топширилган, консервацияда бўлган ва ҳоказо асосий воситаларнинг айрим турларининг дастлабки (тиклаш) қиймати акс эттирилади.

128. 4-устунда барча манбалар бўйича ҳисобот йили давомида келиб тушган асосий воситаларнинг қиймати, шу жумладан: илгари ҳисобга олинмаган асосий воситалар, айланма маблағлардан асосий воситаларга ўтиш, шунингдек ҳисобот йилида ишга туширилган янги асосий воситалар молиялашнинг барча манбалари бўйича акс эттирилади.

129. 5-устунда ҳисобот йилида тугатиш, сотиш, текинга бериш, улуш сифатида устав сармоясига бериш, узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) шартномаси бўйича бериш, камомад ёки талофатларни аниқлаш натижасида ва бошқа сабаблар бўйича чиқиб кетган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати акс эттирилади.

130. 7-устунда ва 10-устунда тегишлича йил боши ва охиридаги ҳолат бўйича асосий воситаларнинг жамғарилган эскириш суммаси акс эттирилади.

131. 8-устунда барча манбалар бўйича ҳисобот йилида ҳисоблаб ёзилган асосий воситаларнинг эскириш суммаси, шу жумладан қўшимча баҳолаш чоғида қўшимча ҳисоблаб ёзилган эскириш, илгари ҳисобга олинмаган эскириш, келиб тушган, фойдаланишда бўлган асосий воситалар бўйича эскириш акс эттирилади.

132. 9-устунда тугатиш, сотиш, текинга бериш, улуш сифатида устав сармоясига бериш, узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) шартномаси бўйича бериш, камомад ёки талофатларни аниқлаш ва асосий воситаларнинг бошқача чиқиб кетиши жараёнида чиқиб кетишга доир жамғарилган эскириш акс эттирилади.

133. 11-устунда асосий воситаларнинг йил бошидаги, 3-устун маълумотлари ўртасидаги айирманинг натижаси сифатида олинган қолдиқ қиймати акс эттирилади.

134. 12-устунда асосий воситаларнинг йил охиридаги, 6-устун ва 10-устун маълумотлари ўртасидаги айирманинг натижаси сифатида олинган қолдиқ қиймати акс эттирилади.

135. 010—160-сатрлар бўйича асосий воситалар турлари бўйича тегишли устунларда, асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (0100), 0310—"Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар" ҳисобварағи ва асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиш ҳисобварағи (0200) маълумотларига мувофиқ асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) қиймати, келиб тушиши, чиқиб кетиши, эскириши ва қолдиқ қиймати акс эттирилади.

136. "Жами асосий воситалар" моддаси бўйича (170-сатр) 010-сатрдан 160-сатрга қадар бўлган сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади ва тегишли устунларда барча асосий воситаларнинг, шу жумладан ишлаб чиқариш (171-сатр) ва ноишлаб чиқариш (172-сатр) асосий воситаларининг ҳолати ва ҳаракати кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш асосий воситаларига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш билан ҳамда моддий ишлаб чиқариш соҳасига тааллуқли бўлган фаолиятнинг бошқа турлари билан боғлиқ воситалар киритилади.

Ноишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситаларга уй-жой ва коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот, халқ таълими, маданият воситалари ва ҳоказолар киритилади.

137. "Йил давомида асосий воситаларни харид қилишлар, жами" моддаси бўйича (180-сатр) маълумот учун йил давомида харид қилинган барча асосий воситаларнинг қиймати кўрсатилади, 181, 182, 183-сатрлар бўйича эса молиялаш манбалари бўйича, яъни тегишлича ўз маблағлари, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобига харид қилинган асосий воситаларнинг қиймати кўрсатилади.

138. "Тугалланмаган қурилиш" моддаси бўйича (190-сатр) маълумот учун тегишли устунларда пудрат ҳамда хўжалик усуллари билан бажариладиган тугалланмаган қурилишнинг мавжудлиги ва ҳаракати кўрсатилади.

5-§. Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот (4-сонли шакл)

139. Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботда пул маблағлари ҳаракати нуқтаи назаридан корхонанинг молиявий ресурсларидаги барча ўзгаришлар акс эттирилади.

Операцион, инвестицион ва молиявий фаолият боришида пул маблағларининг ҳаракати ҳисобот даврининг боши ва охирида пул маблағларининг қолдиқлари ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш имконини берадиган тарзда акс эттирилади.

140. "Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан пул тушумлари" моддаси бўйича (010-сатр) ҳисобот даврида сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) учун корхонанинг банк ҳисобварақлари ва кассасига келиб тушган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

141. "Маҳсулот етказиб берувчиларга материаллар, товарлар, ишлар ва хизматлар учун пул тўловлари" моддаси бўйича (020-сатр) маҳсулот етказиб берувчиларга материаллар, товарлар, ишлар ва хизматлар учун тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади, бундан узоқ муддатли активларни харид қилиш учун тўловлар мустасно.

142. "Ходимларга ва улар номидан пул тўловлари" моддаси бўйича (030-сатр) ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишида тўланган пул маблағлари суммаси, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига тўланган маблағлар суммалари, бюд-

жетга жисмоний шахслар даромад солиғини тўлаш, касаба уюшмасига ажратмалар, алиментлар, уй-жой фондига, ходимларга берилган банк кредитлари бўйича тўлаш, ходимларга кўрсатиладиган хизматлар учун корхонанинг ҳақ тўлаши, кассадан ва банк ҳисобварақларидан ходимлар билан ва улар номидан операцияларга доир ва пул маблағларини сарфлаш билан боғлиқ бошқа сарфлашлар кўрсатилади.

143. "Операцион фаолиятга доир бошқа пул тушумлари ва тўловлар" моддаси бўйича (040-сатр) "Чиқим" устунида роялти, турли хил тақдирлашлар, комиссион йиғимлар ва бошқа операцион фаолиятдан тўланган пул маблағлари суммаси, "кирим" устунида эса улардан олинган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

144. "Жами: операцион фаолиятдан соф пул оқими/чиқими моддаси бўйича (050-сатр), "Кирим" устуни бўйича "+" белгисининг ва "Чиқим" устуни бўйича "—" белгисининг таъсирини ҳисобга олиб, 010, 020, 030, 040-сатрларни қўшиш натижаси кўрсатилади.

145. "Асосий воситаларни харид қилиш ва сотиш" моддаси бўйича (060-сатр) корхоналар "Чиқим" устунида маҳсулот етказиб берувчиларга тўланган асосий воситаларни харид қилганлик учун пул маблағлари суммасини, "Кирим" устунида эса — асосий воситаларни сотишдан келиб тушган маблағлар суммасини кўрсатадилар.

146. "Номоддий активларни харид қилиш ва сотиш" моддаси бўйича (070-сатр) корхоналар "Чиқим" устунида номоддий активларни харид қилганлик учун маҳсулот етказиб берувчига тўланган пул маблағлари суммасини, "Кирим" устунида эса-номоддий активларни сотганлик учун келиб тушган маблағлар суммасини кўрсатадилар.

147. "Узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларни харид қилиш ва сотиш" моддаси бўйича (080-сатр) "Чиқим" устунида қимматли қоғозлар ва инвестициялар бошқа дастакларини харид қилиш учун тўланган пул маблағлари суммаси, шу жумладан воситачиларга комиссион ҳақлар ва биржада тўланган фоизлар кўрсатилади, "Кирим" устунида эса қимматли қоғозлар ва инвестициялар бошқа дастакларини сотишдан келиб тушган пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

148. "Инвестиция фаолиятига оид бошқа пул маблағлари ва тўловлар" моддаси бўйича (090-сатр) "Чиқим" устунида бошқа инвестицион фаолиятга оид тўланган пул маблағлари суммаси, "Кирим" устунида эса-олинган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

149. "Жами: инвестиция фаолиятига оид соф пул оқими/чиқими" моддаси бўйича (100-сатр), "Кирим" устунида "+" ва "Чиқим" устуни бўйича "—" белгисининг таъсирини ҳисоб-

га олган ҳолда, 060, 070, 080, 090-сатрларни жамлаш натижаси кўрсатилади.

150. "Олинган ва тўланган фоизлар" моддаси бўйича (110-сатр) "кирим" устунида олинган фоизлар суммаси, "Чиқим" устунида эса тўланган фоизлар суммаси кўрсатилади.

151. "Олинган ва тўланган дивидендлар" моддаси бўйича (120-сатр) "кирим" устунида олинган дивидендлар суммалари кўрсатилади, "Чиқим" устунида эса тўланган дивидендлар суммалари акс эттирилади.

152. "Акциялар ёки ўз сармояси билан боғлиқ бошқа дастакларни чиқаришдан пул тушумлари" моддаси бўйича (130-сатр) ҳисобот йилида чиқариладиган (сотилган) акциялар ёки ўз сармояси билан боғлиқ бошқа дастаклар учун акциядорлардан келиб тушган пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

153. "Ўз акцияларини сотиб олиш чоғида тўловлари" моддаси бўйича (140-сатр) корхонада бўлган ўз акциялари учун, уларни кейинги тарқатиш ёки йўқ қилиш мақсадида, эгаларига тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

154. "Узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредитлар ҳамда қарзлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари" моддаси бўйича (150-сатр) "Кирим" устунида ҳисобот даврида келиб тушган кредитлар ва қарзлар суммаси, "Чиқим" устунида эса — кредитлар ва қарзлар бўйича тўловлар кўрсатилади.

155. "Узоқ муддатли (молиявий лизинг) бўйича пул тушумлари ва тўловлари" моддаси бўйича (160-сатр) "Чиқим" устунида ижарага берувчига (лизинг берувчига) тўланган пул маблағлари суммаси, "Кирим" устунида эса — ижарачидан (лизинг олувчидан) келиб тушган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

156. "Молиявий фаолиятга оид бошқа пул тушумлари ва тўловлари" моддаси бўйича (170-сатр) "Чиқим" устунида бошқа молиявий фаолиятга оид тўланган пул маблағлари суммаси.

157. "Жами: молиявий фаолиятга оид соф оқим/ чиқим" моддаси бўйича (180-сатр) "Кирим" устуни бўйича "+" ва "Чиқим" устуни бўйича "—" белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 110, 120, 130, 140, 150, 160, 170-сатрлар суммаси кўрсатилади.

158. "Тўланган даромад (фойда) солиғи" моддаси бўйича (190-сатр) тўланган даромад (фойда) солиғи суммаси кўрсатилади.

159. "Тўланган бошқа солиқлар" моддаси бўйича (200-сатр) тўланган солиқлар, божлар ва уларга тенглаштирилган йиғимлар ҳамда ажратмалар суммаси кўрсатилади, бундан даромад (фойда) солиғи мустасно.

160. "Жами: тўланган солиқлар" моддаси бўйича (210-сатр) 190 ва 200-сатрлар суммаси акс эттирилади.

161. "Жами: молия-хўжалик фаолиятига оид соф оқим/чиқим" моддаси бўйича (200-сатр), "Кирим" устуни бўйича (220-сатр) "+" ва "Чиқим" устуни бўйича "—" белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 050, 100, 180, 210-сатрлар суммаси кўрсатилади.

162. "Йил бошидан пул маблағлари" моддаси бўйича (230-сатр) корхона баланси 320-сатри 3-устуни бўйича қайд этилган, пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларидаги (5000, 5100, 5200, 5500, 5600, 5700) пул маблағлари қолдиқларининг суммаси кўрсатилади.

163. "Йил охирида пул маблағлари" моддаси бўйича (240-сатр) корхона баланси 320-сатри 4-устунида қайд этилган, пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларидаги (5000, 5100, 5200, 5500, 5700) пул маблағлари қолдиқларининг суммаси кўрсатилади.

164. "Хорижий валютада пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумотнома" бўлимида ҳисобот даврида хорижий валютада пул маблағларининг ҳаракати кўрсатилади.

Валюта маблағлари операцияларини амалга ошириш пайтида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида, валюта маблағлари қолдиғи эса-ҳисобот даврининг охирги санасида акс эттирилади.

165. "Йил бошида қолдиқ" моддаси бўйича (250-сатр) ҳисобот даври бошида корхонанинг валюта ҳисобварақлари ва кассасида бўлган валюта маблағлари суммаси кўрсатилади.

166. "Валюта маблағлари келиб тушди, жами" моддаси бўйича (260-сатр) 261, 262, 263, 264-сатрларда кўрсатилган, ҳисобот даврида валюта тушумларининг умумий суммаси кўрсатилади, бу сатрларда акс эттирилади.

а) 261-сатр бўйича: "Сотишдан тушум" — корхона томонидан ҳисобот даврида олинган валюта тушуми суммаси;

б) 262-сатр бўйича: "Конвертацияланган" — сотиб олинган хорижий валюта суммаси;

в) 263-сатр бўйича: "Молиявий фаолият бўйича" молиявий фаолиятдан олинган валюта маблағлари суммаси;

г) 264-сатр бўйича: "Бошқа манбалар" — 261, 262, 263-сатрларда саналмаган манбалар ҳисобига корхонанинг валюта ҳисобварақлари ва кассасига бошқа валюта тушумлари суммаси.

167. "Валюта маблағлари сарфланди, жами" моддаси бўйича (270-сатр) корхона томонидан 271—273-сатрларда кўрсатилган турли мақсадларга сарфланган валюта маблағларининг умумий суммаси акс эттирилади, бу сатрларда акс эттирилади:

а) 271-сатр бўйича: "Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўловлар" — мол-мулкни харид қилишга сарфланган валюта маблағлари суммаси;

б) 272-сатр бўйича: "Молиявий фаолият бўйича" тўловлар" — молиявий фаолият бўйича сарфланган валюта маблағлари суммаси;

в) 273-сатр бўйича: "Бошқа мақсадларга" — 271, 272-сатрларда саналмаган бошқа мақсадларга сарфланган валюта суммаси.

168. "Йил охирида қолдиқ" моддаси бўйича (280-сатр) ҳисобот йили охирида корхонанинг валюта ҳисобварақлари ва кассасида бўлган, сатрлар маълумотлари: 250+260+270-сатрлар бўйича аниқланадиган валюта маблағлари суммаси акс эттирилади.

6-§. Ўз сармояси тўғрисида ҳисобот (5-сонли шакл)

169. Ўз сармояси тўғрисида ҳисобот ҳисобот даврида корхона ўз капиталининг ҳолати ва уни шакллантириш манбалари бўйича ҳаракатини акс эттиради.

170. "Йил бошида қолдиқ" моддаси бўйича (010-сатр) йил бошидаги ҳолат бўйича қуйидаги ахборот акс эттирилади:

а) 3-устунда — "Устав сармояси" — таъсис ҳужжатларида қайд этилган ва устав сармоясини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8300) кўрсатилган устав сармоясининг суммаси кўрсатилади;

б) 4-устунда — "Қўшилган сармоя" — қўшилган сармояни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8400) қайд этилган қўшилган сармоя суммаси кўрсатилади;

в) 5-устунда — "Захира сармоя" — қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, захира сармоясини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8500) қайд этилган захира сармоя маблағлари суммаси акс эттирилади;

г) 6-устунда — "Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарарлар)" — тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8700) қайд этилган, йил бошида тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) суммаси кўрсатилади;

д) 7-устунда — "Сотиб олинган ўз акциялари"-сотиб олинган ўз акцияларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8600) қайд этилган, корхонада бўлган сотиб олинган ўз акцияларининг суммаси; уларни кейин тарқатиш ёки йўқ қилиш учун, кўрсатилади;

е) 8-устунда — "Мақсадли тушумлар ва бошқалар" — мақсадли тадбирларни амалга ошириш учун бюджетдан, мах-

сус жамғармалар, бошқа корхоналар, жисмоний грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари кўринишида текинга олинган активлар ва бошқа мақсадли тушумлар, шунингдек ўз сармоясини шакллантиришнинг бошқа манбалари кўрсатилади.

171. "Қимматли қоғозлар эмиссияси" моддаси бўйича (020-сатр) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобот даврида қимматли қоғозларни чиқариш ва сотишдан олинган эмиссия суммаси акс эттирилади.

172. "Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш" моддаси бўйича (030-сатр) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобот йилида ўтказилган, асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш суммасини акс эттирилади.

173. "Устав сармоясини шакллантириш чоғида валюта курсларида фарқ" моддаси бўйича (040-сатр) бухгалтерия ҳисобида 8420—"Устав сармоясини шакллантириш чоғида валюта курсларида фарқ" ҳисобварағида акс эттирилган, таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш санасида ва маблағлар устав сармоясига ҳақиқатда киритилган санада Марказий банк курслари ўртасида юзага келадиган, корхонанинг устав сармоясини шакллантириш чоғида ҳисобот даври учун курслардаги фарқ акс эттирилади.

174. "Захира сармояга ажратмалар" моддаси бўйича (050-сатр) таъсис ҳужжатларига кўра ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобот йили учун захира сармояга ажратмалар суммаси акс эттирилади.

175. "Жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси (захира)" моддаси бўйича (060-сатр) ҳисобот йилида олинган соф фойда (зарар) суммаси кўрсатилади.

176. "Текинга олинган мол-мулк" моддаси бўйича (070-сатр) ҳисобот йилида турли манбалардан текинга олинган мол-мулкнинг қиймати кўрсатилади.

177. "Мақсадли олинган маблағлар" моддаси бўйича (080-сатр) ҳисобот йилида олинган грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари ва мақсадли фойдаланиш учун бошқа мақсадли тушумлар кўрсатилади.

178. "Тўланган дивидендлар" моддаси бўйича (090-сатр) аввалги йил учун фаолият якунлари бўйича ҳисобот йили учун фаолият якунлари бўйича ҳисобот йили бошида тақсимланмаган фойдадан ҳисоблаб ёзилган дивидендлар суммаси кўрсатилади.

179. "Ўз сармоясини шакллантиришнинг бошқа манбалари" моддаси бўйича (100-сатр) ўз сармоясини шакллантириш бошқа манбаларининг суммаси кўрсатилади.

180. "Йил охирида қолдиқ" моддаси бўйича (110-сатр)

тегишли устунлар бўйича ҳисобот даври охирида ўз сармоясининг сальдоси кўрсатилади.

181. "Ўз сармоясининг кўпайиши (+) ёки камайиши (—)" моддаси бўйича (120-сатр) йил бошидаги сумма билан қиёсланганда ҳисобот йили охирида ўз сармоясининг кўпайиши ёки камайиши суммаси акс эттирилади.

182. Акциядорлик жамиятлари 130 дан 150-сатрларгача бўлган сатрларни маълумот учун тўлдирадилар.

7-§. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома (2а-сонли шакл)

183. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотномада ҳисобот даври охирги санасида корхона дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолати акс эттирилади.

1. 2-устунда — "Дебиторлар ва кредиторлар рўйхати" — дебитор (кредитор)дан юқори турадиган вазирликлар (идоралар) бўйича дебитор ва кредиторлар рўйхати келтирилади. Агар дебитор (кредитор) юқори турадиган вазирликка (идорага) эга бўлмаса, юридик шахснинг тўлиқ номини кўрсатиш лозим.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги қарзлар бўйича дебитор (кредитор) номи (тўлиқ ёки умумқабул қилинган қисқартиришлар билан) кўрсатилади, шунингдек, қавсларда мамлакатнинг номи кўрсатилади.

2-устунда 2.1, 2.2.1, 3.1, 5.1, 5.2.1, 6.1-сатрлар бўйича мажбурий тартибда дебитор (кредитор)нинг номини кўрсатиш лозим.

184. 3-устунда қарзнинг умумий суммаси кўрсатилади, хусусан:

а) 1-сатр бўйича дебиторлик қарзининг умумий суммаси кўрсатилади, у 3-устуннинг 2 ва 3-сатрлари суммасига тенг бўлиши керак;

б) 4-сатр бўйича кредиторлик қарзнинг умумий суммаси кўрсатилади, у 3-устуннинг 5 ва 6-сатрлари суммасига тенг бўлиши керак.

Дебиторлик қарзининг умумий суммаси ўз ичига узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловларни, харидор ва буюртмачилардан, шўъба ва тобе хўжалик жамиятларидан, даъволар бўйича олишга доир ҳисоб варақаларини; ходимларга, маҳсулот етказиб берувчиларга, пудратчиларга берилган бўнакларни; бюджетга, давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурта бўнак тўловларини; муассисларнинг устав сармоясига бадаллар бўйича қарзларини; ходимлар ва бошқа дебиторларнинг бошқа операциялар, ижара мажбуриятлари бўйича қарзларини, шу жумладан, ички идоравий ҳисоб-китобларни олади. Бунда ички идоравий ҳисоб-китоблар деганда мус-

тақил балансларга эга бўлган ва бир муайян вазирлик, идора, корпорация, уюшма, концерн ёки бирлашма таркибига кирадиган корхоналар ва ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар тушунилади. Дебиторлик қарзининг умумий суммаси бухгалтерия баланси 1-сон шаклининг 110 ва 210-сатрлари суммасига мувофиқ келиши керак (алоҳида бўлинмаларнинг қарзи бундан мустасно).

Кредиторлик қарзининг умумий суммаси ўз ичига маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар, шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига тўлашга доир ҳисобварақларни; олинган бўнакларни; бюджетга, суғурта бўйича давлат мақсадли жамғармалари, муассислар олдидаги, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ва бошқа кредиторлар олдидаги тўловлар бўйича қарзларни, шу жумладан ички идоравий корхоналар билан ҳисоб-китобларни олади. Кредиторлик қарзининг умумий суммаси бухгалтерия баланси 1-сон шаклининг 491 ва 601-сатрлари суммасига мувофиқ келиши керак.

185. 3-устун бўйича 2, 2.1, 2.2, 2.2.1, 3.3.1-сатрлар бўйича 1-сатр бўйича акс эттирилган дебиторлик қарзининг умумий суммаси қуйидаги тартибда очиб кўрсатилади:

а) 2-сатр бўйича республика ичида дебиторлик қарзининг умумий суммаси кўрсатилади;

б) 2.1-сатр бўйича республика ичида дебиторларнинг номлари бўйича кўрсатилади;

в) 2.2-сатр бўйича ички идоравий дебиторлик қарзининг умумий суммаси келтирилади;

г) 2.2.1-сатр бўйича 2-сатрдан ажратилган, дебиторлар номлари бўйича ички идоравий қарз суммаси кўрсатилади;

д) 3-сатр бўйича республика ташқарисидаги дебиторлик қарзининг умумий суммаси кўрсатилади;

е) 3.1-сатр бўйича республика ташқарисида дебиторлар номлари бўйича қарз кўрсатилади.

186. 5, 5.1, 5.2, 5.2.1, 6, 6.1-сатрлар 184 ва 185-бандларга кўра, дебиторлик қарзига ўхшаш ҳолда тўлдирилади.

187. 4-устунда муддати ўтказиб юборилган, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сўндирилмаган қарзнинг умумий суммаси кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-1154-сон Фармонини қисман ўзгартириш тўғрисида" ПФ-2340-сон Фармонининг 1-бандига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1999 йил 7-сон) дебиторлик қарзи товарлар ҳақиқатда юклаб жўна-

тилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 90 кун ўтгач ўтказиб юборилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 сентябрдаги "Табиий газни етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 439-сон қарори билан ("Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами", 1999 йил 9-сон, 57-модда) айрим корхоналарга (қарорга 5-илова) мавсумийлик ва технологик жараёнларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, истисно тариқасида "Ўзтрансгаз" АКга етказиб берилган газ учун 120 кун давомида ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилган. Юқорида кўрсатилган қарорнинг 5-иловасида саналган корхоналар учун ўтказиб юборилган дебиторлик қарзининг муддати товарлар ҳақиқатда юклаб жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 120 кун ўтгач белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги "Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида" 245-сон қарорига кўра ("Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами", 2000 йил 6-сон, 33-модда), марказлаштирилмаган экспорт операциялари бўйича тушумнинг келиб тушиши ёки товарни қайтадан олиб келиш муддати 60 кундан ошмаслиги керак, муассислар томонидан хориждаги корхоналар (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари, фирма дўконлари, дилерлик тармоқлари ва консигнация омборлари) манзилига олиб чиқиладиган товарлар бўйича — 180 кундан ошмаслиги керак. Ташқи савдо операциялари бўйича қарз божхона чегарасидан ўтилганидан кейин тегишлича 60 ва 180 кун ўтгач ўтказиб юборилган ҳисобланади.

Бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар бўйича кредиторлик қарзи қонун ҳужжатларида белгиланган тўлов муддатлари тугагандан кейин келадиган кундан бошлаб ўтказиб юборилган ҳисобланади.

Бошқа кредиторлик қарзлари бўйича ўтказиб юбориш муддати сўндиришнинг муайян муддатлари белгиланган хўжалик шартномалари асосида аниқланади.

188. Корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича юзага келган қарзлар бўйича:

а) 5-устунда корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича юзага келган умумий қарз кўрсатилади, хусусан;

1-сатр бўйича — дебиторлик қарзининг умумий суммаси, у 7, 9, 11, 12-устунларда кўрсатилган суммага тенг бўлиши керак;

4-сатр бўйича — кредиторлик қарзининг умумий суммаси, у 7, 11, 12-устунларда кўрсатилган суммаган тенг бўлиши керак;

б) ўтказиб юборилган қарзнинг умумий суммаси кўрсатилади (ўтказиб юбориш муддати мазкур қоидаларнинг 187-бандига мувофиқ аниқланади);

в) 7-устунда корхона ва ташкилотнинг ҳукумат қарорларига кўра олдиндан ҳақ тўламасдан юклаб жўнатилган (олинган) маҳсулот (иш, хизмат) бўйича умумий дебиторлик (кредиторлик) қарзи кўрсатилади. Ундан ўтказиб юборилган қарз 8-устун бўйича акс эттирилади (ўтказиб юборилган муддат мазкур қоидаларнинг 187-бандига мувофиқ аниқланади);

г) 9-устунда улар бўйича хом-ашё ва материалларни давлат захиралари ва фондларидан юклаб жўнатиш назарда тутилган бўнак тўловларининг суммаси кўрсатилади. Ундан муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзи 10-устунда кўрсатилади (ўтказиб юборилган муддат мазкур қоидаларнинг 187-бандига мувофиқ аниқланади);

д) 11-устунда корхона ва ташкилотнинг ҳукумат қарорлари бўйича қарзни сўндириш муддати аниқланган тартибда кечиктирилган қарзи акс эттирилади;

е) 12-устунда қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилган даъволар бўйича суд тергаб-текшируви жараёнида борадиган қарз суммаси кўрсатилади. Бу ерда унинг бўйича хўжалик судининг кредитордан ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорлари чиқарилган қарз ҳам акс эттирилади.

189. Зарурат туғилган тақдирда корхона ва ташкилотларга "Корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича юзага келган қарз" бўлимида қўшимча устунлар очишга рухсат берилади.

190. 2а-сон шакл сатрларининг миқдори тегишлича 2.1, 2.2.1, 3.1, 5.1, 5.2.1, 6.1-сатрлар бўйича кўрсатиладиган дебиторлар ва кредиторлар миқдорига боғлиқдир.

191. 2а-сон шакл раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланади ҳамда ҳар бир саҳифада муҳр билан тасдиқланади.

8-§. Тушунтириш хати

192. Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар корхонанинг ҳисоб сиёсатини очиб бериши ва ҳисоботдан фойдаланувчиларни корхонанинг мулкий ва молиявий аҳволини реал баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар билан таъминлаши керак.

193. Молиявий ҳисоботга тушунтириш хати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (1-сон БҲМС) "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот" (рўйхат рақами 474, 1998 йил 14 август, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 йил 5-сон)да назарда тутилган талабларга мувофиқ тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига 1-сонли илова

Приложение № 1
к приказу Министерства финансов Республики Узбекистан
от 27 декабря 2002 года № 140

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ 1-сонли шакл
БУХГАЛТЕРСКИЙ БАЛАНС форма № 1

		Кодлар Коды
_____20___йилга на _____20___год	БҲУТ бўйича 1-шакл Форма № 1 по ОКУД	0710002
Корхона, ташкилот Предприятие, организация _____	КТУТ бўйича по ОКПО	
Тармоқ Отрасль _____	ХХТУТ бўйича по ОКОНХ	
Ташкилий-ҳуқуқий шакли Организационно-правовая форма _____	ТҲШТ бўйича по КОПФ	
Мулкчилик шакли Форма собственности _____	МШТ бўйича по КФС	
Вазирлик, идора ва бошқалар Министерства, ведомства и другие _____	ДБИБТ бўйича по СООГУ	
Солиқ тўловчининг идентификацион рақами Идентификационный номер налогоплательщика	СТИР ИНН	
Ҳудуд Территория	МҲОБТ СОАТО	
Манзил Адрес_____	Жўнатилган сана Дата высылки	
Ўлчов бирлиги, минг сўм Единица измерения, тыс. сум.	Қабул қилинган сана Дата получения	
	Тақдим қилиш муддати Срок предоставления	

Курсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
Актив			
I. Узоқ муддатли активлар **I. Долгосрочные активы**			
Асосий воситалар: **Основные средства:**			
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300) Первоначальная (восстановительная) стоимость (0100, 0300)	010		
Эскириш суммаси (0200) Сумма износа (0200)	011		
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010—011) Остаточная (балансовая) стоимость (стр. 010—011)	012		
Номоддий активлар: ***Нематериальные активы:***			
Бошланғич қиймати (0400) Первоначальная стоимость (0400)	020		
Амортизация суммаси (0500) Сумма амортизации (0500)	021		
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 020—021) Остаточная (балансовая) стоимость (стр. 020—021)	022		
Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр.040+050+060+070+080), **шу жумладан:** ***Долгосрочные инвестиции***, *всего* (стр.040+050+060+070+080), в том числе:	030		
Қимматли қоғозлар (0610) Ценные бумаги (0610)	040		
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар(0620) Инвестиции в дочерние хозяйственные общества (0620)	050		
Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630) Инвестиции в зависимые хозяйственные общества (0630)	060		
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640) Инвестиции в предприятие с иностранным капиталом (0640)	070		
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690) Прочие долгосрочные инвестиции (0690)	080		
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700) Оборудование к установке (0700)	090		
Капитал қўйилмалар (0800) Капитальные вложения (0800)	100		

Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930, 0940) Долгосрочная дебиторская задолженность (0910, 0920, 0930, 0940)	110		
шундан: муддати ўтган из неё: просроченная	111		
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990) Долгосрочные отсроченные расходы (0950, 0960, 0990)	120		
I бўлим бўйича жами (сатр. 012+022+030+090+100+110+120) **Итого по разделу I** (стр. 012+022+030+090+100+110+120)	130		
II. Жорий активлар **II. Текущие активы**			
Товар-моддий захиралари, жами (сатр.150+160+170+180), шу жумладан: **Товарно-материальные запасы,** всего (стр.150+160+170+180), в том числе:	140		
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600) Производственные запасы (1000, 1100, 1500, 1600)	150		
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700) Незавершенное производство (2000, 2100, 2300, 2700)	160		
Тайёр маҳсулот (2800) Готовая продукция (2800)	170		
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси) Товары (2900 за минусом 2980)	180		
Келгуси давр харажатлари (3100) Расходы будущих периодов (3100)	190		
Кечиктирилган харажатлар (3200) Отсроченные расходы (3200)	200		
Дебиторлар, жами (сатр.220+230+240++250+260+270+280+290+300+310) **Дебиторы**, всего (стр.220+230+240++250+260+270+280+290+300+310)	210		
шундан: муддати ўтган из неё: просроченная	211		
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси) Задолженность покупателей и заказчиков (4000 за минусом 4900)	220		
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110) Задолженность обособленных подразделений (4110)	230		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120) Задолженность дочерних и зависимых хозяйственных обществ (4120)	240		
Ходимларга берилган бунаклар (4200) Авансы, выданные персоналу (4200)	250		

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бунаклар (4300) Авансы, выданные поставщикам и подрядчикам (4300)	260		
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бунак тўловлари (4400) Авансовые платежи по налогам и сборам в бюджет (4400)	270		
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бунак тўловлари (4500) Авансовые платежи в государственные целевые фонды и по страхованию (4500)	280		
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600) Задолженность учредителей по вкладам в уставный капитал (4600)	290		
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700) Задолженность персонала по прочим операциям (4700)	300		
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800) Прочие дебиторские задолженности (4800)	310		
Пул маблағлари, жами (сатр.330+340+350+360), шу жумладан: **Денежные средства**, всего (стр.330+340+350+360), в том числе:	320		
Кассадаги пул маблағлари (5000) Денежные средства в кассе (5000)	330		
Ҳисоблашиш счётидаги пул маблағлари (5100) Денежные средства на расчетном счете (5100)	340		
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200) Денежные средства в иностранной валюте (5200)	350		
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700) Прочие денежные средства и эквиваленты (5500, 5600, 5700)	360		
Қисқа муддатли инвестициялар (5800) Краткосрочные инвестиции (5800)	370		
Бошқа жорий активлар (5900) Прочие текущие активы (5900)	380		
II бўлим бўйича жами (сатр.140+190+200+210+320+370+380) **Итого по разделу II** (стр. 140+190+200+210+320+370+380)	390		
Баланс активи бўйича жами (сатр.130+390) ***Всего по активу баланса*** (*стр.*130+*стр.*390)	400		

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
Пассив			
I. Ўз маблағлари манбалари **I. Источники собственных средств**			
Устав капитали (8300) Уставный капитал (8300)	410		
Қўшилган капитал (8400) Добавленный капитал (8400)	420		
Резерв капитали (8500) Резервный капитал (8500)	430		
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600) Выкупленные собственные акции (8600)	440		
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700) Нераспределенная прибыль (непокрытый убыток) (8700)	450		
Мақсадли тушумлар (8800) Целевые поступления (8800)	460		
Келгуси давр харажатлари ва туловлари учун захиралар (8900) Резервы предстоящих расходов и платежей (8900)	470		
I бўлим бўйича жами (сатр.410+420+430-440+450+460+470) **Итого по разделу I** (стр.410+420+430-440+450+460+470)	480		
II. Мажбуриятлар **II. Обязательства**			
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр.500+510+520+530+540+550+560+570+580+590) Долгосрочные обязательства, всего (стр.500+510+520+530+540+550+560+570+580+590)	490		
шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр.500+520+540+560+590) в том числе: долгосрочная кредиторская задолженность (стр.500+520+540+560+590)	491		
шундан: муддати ўтган узоқ муддатли кредиторлик қарзлари из неё: просроченная долгосрочная кредиторская задолженность	492		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз (7000) Долгосрочная задолженность поставщикам и подрядчикам (7000)	500		
Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110) Долгосрочная задолженность обособленным подразделениям (7110)	510		

Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120) Долгосрочная задолженность дочерним и зависимым хозяйственным обществам (7120)	520		
Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар (7210, 7220, 7230) Долгосрочные отсроченные доходы (7210, 7220, 7230)	530		
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240) Долгосрочные отсроченные обязательства по налогам и обязательным платежам (7240)	540		
Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290) Прочие долгосрочные отсроченные обязательства (7250, 7290)	550		
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунаклар (7300) Авансы, полученные от покупателей и заказчиков (7300)	560		
Узоқ муддатли банк кредитлари (7810) Долгосрочные банковские кредиты (7810)	570		
Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840) Долгосрочные займы (7820, 7830, 7840)	580		
Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлар (7900) Прочие долгосрочные кредиторские задолженности (7900)	590		
Жорий мажбуриятлар, жами (сатр.610+630+640+650+660+670+680+690+700+710+720+730+740+750+760) **Текущие обязательства**, всего (стр.610+620+630+640+650+660+670+680+690+700++710+720+730+740+750+760)	600		
шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (сатр.610+630+650+670+680+690++700+710+720+760) в том числе: текущая кредиторская задолженность (стр.610+630+650+670+680+690++700+710+720+760)	601		
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари из неё: просроченная текущая кредиторская задолженность	602		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000) Задолженность поставщикам и подрядчикам (6000)	610		
Ажратилган бўлинмаларга қарз (6110) Задолженность обособленным подразделениям (6110)	620		
Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120) Задолженность дочерним и зависимым хозяйственным обществам (6120)	630		

Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230) Отсроченные доходы (6210, 6220, 6230)	640		
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240) Отсроченные обязательства по налогам и обязательным платежам (6240)	650		
Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290) Прочие отсроченные обязательства (6250, 6290)	660		
Олинган бўнаклар (6300) Полученные авансы (6300)	670		
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400) Задолженность по платежам в бюджет (6400)	680		
Суғурталар бўйича қарз (6510) Задолженность по страхованию (6510)	690		
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520) Задолженность по платежам в государственные целевые фонды (6520)	700		
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600) Задолженность учредителям (6600)	710		
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700) Задолженность по оплате труда (6700)	720		
Қисқа муддатли банк кредитлари (6810) Краткосрочные банковские кредиты (6810)	730		
Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840) Краткосрочные займы (6820, 6830, 6840)	740		
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950) Текущая часть долгосрочных обязательств (6950)	750		
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900) Прочие кредиторские задолженности (6900 кроме 6950)	760		
II бўлим бўйича жами (сатр.490+600) **Итого по разделу II** (стр.490+600)	770		
Баланс пассиви бўйича жами (сатр.480+770) **Всего по пассиву баланса** (стр.480+770)	780		

БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ СЧЁТЛАРДА ҲИСОБГА ОЛИНАДИГАН ҚИЙМАТЛИКЛАРНИНГ МАВЖУДЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ
СПРАВКА О НАЛИЧИИ ЦЕННОСТЕЙ, УЧИТЫВАЕМЫХ НА ЗАБАЛАНСОВЫХ СЧЕТАХ

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар (001) Основные средства, полученные по краткосрочной аренде (001)	790		
Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар (002) Товарно-материальные ценности, принятые на ответственное хранение (002)	800		
Қайта ишлашга қабул қилинган материаллар (003) Материалы, принятые в переработку (003)	810		
Комиссияга қабул қилинган товарлар (004) Товары, принятые на комиссию (004)	820		
Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар (005) Оборудование, принятое для монтажа (005)	830		
Қатъий ҳисобот бланкалари (006) Бланки строгой отчетности (006)	840		
Тўловга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ҳисобдан чиқарилган қарзи (007) Списанная в убыток задолженность неплатежеспособных дебиторов (007)	850		
Олинган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти (008) Обеспечение обязательств и платежей — полученные (008)	860		
Берилган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти (009) Обеспечение обязательств и платежей — выданные (009)	870		
Узоқ муддатли ижара шартномасига асосан берилган асосий воситалар (010) Основные средства, сданные по договору долгосрочной аренды (010)	880		
Ссуда шартномаси бўйича олинган мулклар (011) Имущество, полученное по договору ссуды (011)	890		
Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар (012)900 Расходы, исключаемые из налогооблагаемой базы следующих периодов (012)	900		

Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича) (013) Временные налоговые льготы (по видам) (013)	910		
Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари (014) Инвентарь и хозяйственные принадлежности в эксплуатации (014)	920		

Раҳбар
Руководитель_____

Бош бухгалтер
Главный бухгалтер_____

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига 2-сонли илова

Приложение № 2
к приказу Министерства финансов Реслублики Узбекистан
от 27 декабря 2002 года № 140

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ
(2-сонли шакл)
ОТЧЕТ О ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТАХ
(форма № 2)

		Кодлар Коды
20___йил 1 январдан 1 _____ гача с 1 января по 1 _____ 20___год	БҲУТ бўйича 2-шакл Форма № 2 по ОКУД	0710002
Корхона, ташкилот Предприятие, организация _____	КТУТ бўйича по ОКПО	
Тармоқ Отрасль _____	ХХТУТ бўйича по ОКОНХ	
Ташкилий-ҳуқуқий шакли Организационно-правовая форма _____	ТҲШТ бўйича по КОПФ	
Мулкчилик шакли Форма собственности _____	МШТ бўйича по КФС	
Вазирлик, идора ва бошқалар Министерства, ведомства и другие _____	ДБИБТ бўйича по СООГУ	
Солиқ тўловчининг идентификацион рақами Идентификационный номер налогоплательщика	СТИР ИНН	
Ҳудуд Территория	МҲОБТ СОАТО	
Манзил Адрес _____	Жўнатилган сана Дата высылки	
Ўлчов бирлиги, минг сум Единица измерения, тыс. сум.	Қабул қилинган сана Дата получения	
	Тақдим қилиш муддати Срок предоставления	

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код строки	Ўтган йилнинг шу даврида За соответствующий период прошлого года		Ҳисобот даврида За отчетный период	
		Даромадлар (фойда) Доходы (прибыль)	Харажатлар (зарарлар) Расходы (убытки)	Даромадлар (фойда) Доходы (прибыль)	Харажатлар (зарарлар) Расходы (убытки)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум Чистая выручка от реализации продукции (товаров, работ и услуг)	010		x		x
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи Себестоимость реализованной продукции (товаров, работ и услуг)	020	x		x	
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр.010—020) Валовая прибыль (убыток) от реализации продукции (товаров, работ и услуг) (стр.010—020)	030				
Давр харажатлари, жами (сатр.050+060+070+080), шу жумладан: Расходы периода, всего (стр.050+060+070+080), в том числе:	040	x		x	
Сотиш харажатлари Расходы по реализации	050	x		x	
Маъмурий харажатлар Административные расходы	060	x		x	
Бошқа операцион харажатлар Прочие операционные расходы	070	x		x	
Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари Расходы отчетного периода, исключаемые из налогооблагаемой базы в будущем	080	x		x	

Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари Прочие доходы от основной деятельности	090		x		x
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090) Прибыль (убыток) от основной деятельности (стр.030-040+090)	100				
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр.120+130+140+150+160), шу жумладан: Доходы от финансовой деятельности, всего (стр.120+130+140+150+160), в том числе:	110		x		x
Дивидендлар шаклидаги даромадлар Доходы в виде дивидендов	120		x		x
Фоизлар шаклидаги даромадлар Доходы в виде процентов	130		x		x
Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) дан даромадлар Доходы от долгосрочной аренды (финансовый лизинг)	140		x		x
Валюта курси фарқидан даромадлар Доходы от валютных курсовых разниц	150		x		x
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари Прочие доходы от финансовой деятельности	160		x		x
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр.180+ +190+200+210), шу жумладан: Расходы по финансовой деятельности (стр.180+ +190+200+210), в том числе:	170	x		x	
Фоизлар шаклидаги харажатлар Расходы в виде процентов	180	x		x	
Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190	x		x	

Расходы в виде процентов по долгосрочной аренде (финансовому лизингу)					
Валюта курси фарқидан зарарлар Убытки от валютных курсовых разниц	200	x		x	
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар Прочие расходы по финансовой деятельности	210	x		x	
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр.100+110—170) Прибыль (убыток) от общехозяйственной деятельности (стр.100+110—170)	220				
Фавқулоддаги фойда ва зарарлар Чрезвычайные прибыли и убытки	230				
Даромад (фойда) солиғини тулагунга қадар фойда (зарар) (сатр.220+/—230) Прибыль (убыток) до уплаты налога на доходы (прибыль) (стр.220+/—230)	240				
Даромад (фойда) солиғи Налог на доходы (прибыль)	250	x		x	
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар Прочие налоги и сборы от прибыли	260	x		x	
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр.240—250—260) Чистая прибыль (убыток) отчетного периода (стр.240—250—260)	270				

БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ
СПРАВКА О ПЛАТЕЖАХ В БЮДЖЕТ

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код строки	Ҳисоб бўйича тўланади Причитается по расчету	Ҳақиқатда тўланган Фактически внесено
Даромад (фойда) солиғи, (сатр.281+282) шу жумладан: Налог на доходы (прибыль), (стр.281+282) в том числе:	280		
юридик шахслардан с юридических лиц	281		
жисмоний шахслардан с физических лиц	282		
Ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқ Единый налог с валовой выручки	290		
Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ Единый налог на вмененный доход	300		
Ягона ер солиғи Единый земельный налог	310		
Ягона солиқ Единый налог	320		
Қўшилган қиймат солиғи Налог на добавленную стоимость	330		
Акциз солиғи Акцизный налог	340		
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ Налог за пользование недрами	350		
Экология солиғи Экологический налог	360		
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ Налог за пользование водными ресурсами	370		
Импорт бўйича божхона божи Импортные таможенные пошлины	380		
Мол-мулк солиғи Налог на имущество	390		
Ер солиғи Земельный налог	400		
Инфраструктурани ривожлантириш солиғи Налог на развитие инфраструктуры	410		
Бошқа солиқлар Прочие налоги	420		

Маҳаллий бюджетга йиғимлар Сборы в местный бюджет	430		
Бюджетга тўловларнинг кечиктирилганлиги учун молиявий жазолар Финансовые санкции за просроченные платежи в бюджет	440		
Жами бюджетга тўловлар суммаси (280 дан 440 сатргача, 281 ва 282 сатрлардан ташқари) **Всего сумма платежей в бюджет (стр. с 280 по 440 кроме стр.281 и 282)**	450		

Раҳбар
Руководитель_____

Бош бухгалтер
Главный бухгалтер_____

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига 3-сонли илова

Приложение № 3
к приказу Министерства финансов Республики Узбекистан
от 27 декабря 2002 года № 140

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ (3-сонли шакл)
ОТЧЕТ О ДВИЖЕНИИ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ (форма № 3)

	Кодлар Коды
_____20___йил учун за _____20___год	
БҲУТ бўйича 3-шакл Форма № 3 по ОКУД	0710003
Корхона, ташкилот Предприятие, организация _____ КТУТ бўйича по ОКПО	
Тармоқ Отрасль _____ ХХТУТ бўйича по ОКОНХ	
Ташкилий-ҳуқуқий шакли Организационно-правовая форма _____ ТҲШТ бўйича по КОПФ	
Мулкчилик шакли Форма собственности _____ МШТ бўйича по КФС	
Вазирлик, идора ва бошқалар Министерства, ведомства и другие _____ ДБИБТ бўйича по СООГУ	
Солиқ тўловчининг идентификацион рақами Идентификационный номер налогоплательщика СТИР ИНН	
Ҳудуд Территория МҲОБТ СОАТО	
Манзил Адрес_____ Жўнатилган сана Дата высылки	
Ўлчов бирлиги, минг сўм Единица измерения, тыс. сум. Қабул қилинган сана Дата получения	
Тақдим қилиш муддати Срок предоставления	

Машина ва ускуналар Машины и оборудование	070											
Мебел ва офис жиҳозлари Мебель и офисное оборудование	080											
Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси Компьютерное оборудование и вычислительная техника	090											
Транспорт воситалари Транспортные средства	100											
Ишчи ҳайвонлар Рабочий скот	110											
Маҳсулдор ҳайвонлар Продуктивный скот	120											
Кўп йиллик усимликлар Многолетние насаждения	130											
Бошқа асосий воситалар Прочие основные средства	140											
Консервация қилинган асосий воситалар Законсервированные основные средства	150											
Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) га олинган асосий воситалар Основные средства,	160											

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати Первоначальная (восстановительная) стоимость				Жамғарилган эскириш Накопленный износ				Қолдиқ қиймати Остаточная стоимость	
		йил бошига қолдиқ остаток на начало года	келиб тушган поступление	чиқиб кетган выбытие	йил охирига қолдиқ остаток на конец года	йил бошига қолдиқ остаток на начало года	келиб тушган поступление	чиқиб кетган выбытие	йил охирига қолдиқ остаток на конец года	йил бошига на начало года	йил охирига на конец года
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Ер Земля	010										
Ерни ободонлаштириш Благоустройство земли	020										
Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш Благоустройство основных средств, полученных по договору долгосрочной аренды (финансового лизинга)	030										
Бино Здания	040										
Иншоот Сооружения	050										
Узатиш мосламалари Передаточные устройства	060										

за счет других заемных средств											
Тугалланмаган курилиш Незавершенное строительство	190					X	X	X	X	X	X

Раҳбар
Руководитель_____

Бош бухгалтер
Главный бухгалтер_____

полученные в долгосрочную аренду (финансовый лизинг)											
Жами асосий воситалар (010 сатрдан сатргача) **Всего основных средств** (с стр. 010 по стр. 160)	170										
шундан: из них:											
ишлаб чиқариш производственные	171										
ноишлаб чиқариш непроизводственные	172										
МАЪЛУМОТ УЧУН: СПРАВОЧНО:											
Йил давомида сотиб олинган асосий воситалар, жами (сатр 181+182+183) шу жумладан: Приобретенные основные средства в течение года, всего (стр. 181+182+183) в том числе:	180					X	X	X	X	X	X
уз маблағлари ҳисобига за счет собственных средств	181					X	X	X	X	X	X
банк кредити ҳисобига за счет кредитов банка	182					X	X	X	X	X	X
бошқа қарзга олинган маблағлар ҳисобига	183					X	X	X	X	X	X

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйругига 4-сонли илова

Приложение № 4
к приказу Министерства финансов Республики Узбекистан
от 27 декабря 2002 года № 140

ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
(4-сонли шакл)
ОТЧЕТ О ДЕНЕЖНЫХ ПОТОКАХ
(форма № 4)

	Кодлар Коды
_____20___йил учун за _____20___год	
БҲУТ бўйича 4-шакл Форма № 4 по ОКУД	0710004
Корхона, ташкилот Предприятие, организация _____ КТУТ бўйича по ОКПО	
Тармоқ Отрасль _____ ХХТУТ бўйича по ОКОНХ	
Ташкилий-ҳуқуқий шакли Организационно-правовая форма _____ ТҲШТ бўйича по КОПФ	
Мулкчилик шакли Форма собственности _____ МШТ бўйича по КФС	
Вазирлик, идора ва бошқалар Министерства, ведомства и другие _____ ДБИБТ бўйича по СООГУ	
Солиқ тўловчининг идентификацион рақами Идентификационный номер налогоплательщика	СТИР ИНН
Ҳудуд Территория	МҲОБТ СОАТО
Манзил Адрес_____	Жўнатилган сана Дата высылки
Ўлчов бирлиги, минг сум Единица измерения, тыс. сум.	*Қабул қилинган сана* Дата получения
	Тақдим қилиш муддати Срок предоставления

Кўрсаткичлар номи Наименование показателей	Сатр коди Код стр.	Кирим Приход	Чиқим Расход
1	2	3	4
Операцион фаолият **Операционная деятельность**			
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари *Денежные поступления от реализации продукции (товаров, работ и услуг)*	010		
Материал, товар, иш ва хизматлар учуг мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари *Денежные выплаты поставщикам за материалы, товары, работы и услуги*	020		
Ходимларга ва улар номидан тўланган пул маблағлари *Денежные платежи персоналу и от их имени*	030		
Операцион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари *Другие денежные поступления и выплаты от операционной деятельности*	040		
Жами: операцион фаолиятнинг соф пул киримн/ чиқими (сатр. 010—020—030+/—040) **Итого: чистый денежный приток/ отток от операционной деятельности** (стр. 010—020—030+/—040)	**050**		
Инвестиция фаолияти **Инвестиционная деятельность**			
Асосий воситаларни сотиб олиш ва сотиш Приобретение и продажа основных средств	060		
Номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш Приобретение и продажа нематериальных активов	070		
Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш Приобретение и продажа долгосрочных и *краткосрочных инвестиций*	080		
Инвестицион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари Другие денежные поступления и выплаты от *инвестиционной деятельности*	090		
Жами: инвестицион фаолиятнинг соф пул киримн/чиқими (сатр. 060+/-070+/-080+/— —090) **Итого: чистый денежный приток/отток от *инвестиционной* деятельности** (стр. 060+/— — 070+/-080+/-090)	**100**		

Молиявий фаолият **Финансовая деятельность**			
Олинган ва тўланган фоизлар Полученные и выплаченные проценты	110		
Олинган ва тўланган дивидендлар Полученные и выплаченные дивиденды	120		
Акциялар чиқаришдан ёки хусусий капитал билан боғлиқ бўлган бошқа инструментлардан келган пул тушумлари Денежные поступления от выпуска акций или других инструментов, связанных с собственным капиталом	130		
Хусусий акциялар сотиб олингандаги пул тўловлари Денежные выплаты при выкупе собственных акций	140		
Узоқ ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари Денежные поступления и выплаты по долгосрочным и краткосрочным кредитам и займам	150		
Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича пул тушумлари ва тўловлари Денежные поступления и платежи по долгосрочной аренде (финансовому лизингу)	160		
Молиявий фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари Другие денежные поступления и выплаты от финансовой деятельности	170		
Жами: *молиявий фаолиятнинг соф пул кирими/чиқими* (сатр. 110+/—120+130—140+/—150+/——160+/—170) **Итого: чистый денежный приток/отток от финансовой деятельности** (стр.110+/120+130——140+/—150+/—160+/—170)	**180**		
Солиққа тортиш **Налогообложение**			
Тўланган даромад (фойда) солиғи Уплаченный налог на доход (прибыль)	190		
Тўланган бошқа солиқлар Уплаченные прочие налоги	200		
Жами: тўланган солиқлар (сатр. 190+200) **Итого: уплаченные налоги** (стр. 190+200)	**210**		
Жами: молиявий-хўжалик фаолиятининг соф пул кирими/чиқими (сатр. 050+/—100+/—180—210) **Итого: чистый денежный приток/отток от финансово-хозяйственной деятельности** (стр. 050+/—100+/—180—210)	**220**		
Йил бошидаги пул маблағлари **Денежные средства на начало года**	**230**		
Йил охиридаги пул маблағлари **Денежные средства на конец года**	**240**		

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига 5-сонли илова

Приложение № 5
к приказу Министерства финансов Республики Узбекистан
от 27 декабря 2002 года № 140

ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
(5-сонли шакл)
ОТЧЕТ О СОБСТВЕННОМ КАПИТАЛЕ
(форма № 5)

	Кодлар Коды
_____ 20___йил учун за _____ 20___год	
БҲУТ бўйича 5-шакл Форма № 5 по ОКУД	0710005
Корхона, ташкилот Предприятие, организация _____ КТУТ бўйича по ОКПО	
Тармоқ Отрасль _____ ХХТУТ бўйича по ОКОНХ	
Ташкилий-ҳуқуқий шакли Организационно-правовая форма _____ ТҲШТ бўйича по КОПФ	
Мулкчилик шакли Форма собственности _____ МШТ бўйича по КФС	
Вазирлик, идора ва бошқалар Министерства, ведомства и другие _____ ДБИБТ бўйича по СООГУ	
Солиқ тўловчининг идентификацион рақами Идентификационный номер налогоплательщика	СТИР ИНН
Ҳудуд Территория	МҲОБТ СОАТО
Манзил Адрес_____	Жўнатилган сана Дата высылки
Ўлчов бирлиги, минг сўм. Единица измерения, тыс. сум.	Қабул қилинган сана Дата получения
	Тақдим қилиш муддати Срок предоставления

Тўланган дивидендлар Дивиденды уплаченные	090	x	x	x		x	x
Хусусий капитал шаклланишининг бошқа манбалари Прочие источники формирования собственного капитала	100						
Йил охиридаги қолдиқ **Остаток на конец года**	110						
Хусусий капиталининг кўпайиши (+) — ёки камайиши(—) Увеличение (+) или уменьшение (—) собственного капитала	120						
МАЪЛУМОТ УЧУН: **СПРАВОЧНО:**							
Чиқарилган акциялар сони, дона Количество выпущенных акций, шт.	130	x	x	x	x	x	x
шу жумладан: в том числе:							
имтиёзли привилегированные	131	x	x	x	x	x	x
оддий простые	132	x	x	x	x	x	x
Акциянинг номинал қиймати Номинальная стоимость акции	140	x	x	x	x	x	x
Муомаладаги акциялар сони, дона Количество акций в обращении, шт.	150	x	x	x	x	x	x
шу жумладан: в том числе:							

Кўрсаткичлар номи **Наименование показателя**	Сатр коди Код стр.	Устав капитали Уставный капитал	Қўшилган капитал Добавленный капитал	Резерв капитали Резервный капитал	Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар) Нераспределенная прибыль (не покрытые убытки)	Сотиб олинган хусусий акциялар Выкупленные собственные акции	Мақсадли тушумлар ва бошқалар Целевые поступления и прочие
1	**2**	**3**	**4**	**5**	**6**	**7**	**8**
Йил бошидаги қолдиқ Остаток на начало года	010						
Ёимматли қоғозлар эмиссияси Эмиссия ценных бумаг	020			x	x	x	x
Узоқ муддатли активларни қайта бақолаш Переоценка долгосрочных активов	030	x	x		x	x	x
Устав капиталини шакллантиришда пайдо бўлган валюта курси фарқлари Валютная курсовая разница при формировании уставного капитала							
Резерв капиталига ажратмалар Отчисления в резервный капитал	040	x		x	x	x	x
Жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари) Нераспределенная прибыль (убыток) текущего года	050	x	x			x	x
Текинга олинган мол-мулк Безвозмездно полученное имущество	060	x	x	x		x	x
Мақсадли фойдаланиш учун олинган маблағлар Полученные средства по целевому назначению	070	x	x		x	x	x

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140- сонли буйруғига 6-сонли илова

Приложение № 6
к приказу Министерства финансов Республики Узбекистан от 27 декабря 2002 года № 140

ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТНОМА (2а-сонли шакл)

20___ йил _____ ҳолатига

СПРАВКА О ДЕБИТОРСКОЙ И КРЕДИТОРСКОЙ ЗАДОЛЖЕННОСТЯХ (форма № 2а)

по состоянию _____ 20___ г.

Корхона, ташкилот
Предприятие, организация _____

КТУТбуйича
по ОКПО

Тармоқ
Отрасль _____

ХХТУТ буйича
по КОНХ

Ташкилий-ҳуқуқий шакли
Организационно-правовая форма _____

ТҲШТ буйича
по КОПФ

Мулкчилик шакли
Форма собственности _____

МШТ буйича
По КФС

Вазирлик, идора ва бошқалар
Министерства, ведомства и другие

ДБИБТ буйича
по СООГУ

Солиқ тўловчининг идентификацион рақами
Идентификационный номер налогоплательщика

СТИР
ИНН

Ҳудуд
Территория

МҲОБТ
СОАТО

Манзил
Адрес _____

Жўнатилган сана
Дата высылки

Ўлчов бирлиги, минг сўм
Единица измерения, тыс. сум.

Қабул қилинган сана
Дата получения

Тақдим қилиш муддати
Срок предоставления

имтиёзли привилегированные							
оддий простые							

Раҳбар
Руководитель _____

Бош бухгалтер
Главный бухгалтер _____

		жами всего	ундан муддати ўтган из неё просро-ченная			жами всего	ундан муддати ўтган из неё просро-ченная	жами всего	ундан муддати ўтган из неё просро-ченная		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ / ДЕБИТОРСКАЯ ЗАДОЛЖЕННОСТЬ											
1	**Дебиторлар, жами** **Дебиторы, всего**										
2	**Республика ичидаги қарзлар, жами** **Задолженность внутри республики, всего**										
2.1	шу жумладан дебиторлар номи буйича в том числе по наименованиям дебиторов										
2.2	**Ички идоравий қарзлар, жами** **Внутриведомственная задолженность, всего**										
2.3	шу жумладан дебиторлар номи буйича в том числе по наименованиям дебиторов										

Т/р №	Дебитор ва кредиторлар рўйхати Перечень дебиторов и кредиторов	Умумий карз Общая задолженность	Корхонага боғлиқ булмаган сабаблар бўйича вужудга келган қарзлар Задолженность, образовавшаяся по причинам, не зависящим от предприятий					
			Жами Всего	Ундан муддати ўтган Из неё просроченная	шу жумладан / в том числе:			
					Ҳукумат қарорларига асосан олдиндан хақ тўламай жунатилган (олинган) маҳсулотлар бўйича қарзлар Задолженность по продукции, отгруженной (полученной) без предоплаты по решениям Правительства	Давлат ресурслари ва жамғармаларидан жунатиш кузда тутилган хом ашё ва материаллар бўйича утказилган бунак тўловлари суммаси Сумма перечис-ленных авансовых платежей, по которым предусмотрена отгрузка сырья и материалов из государственных ресурсов и фондов	Ҳукумат қарорлари бўйича кечиктирилган қарзлар Задолженность отсроченная по решениям Правительства	Қонунчиликка мувофиқ даъволар бўйича суд жараёнида кўриб чиқилаётган ёки хўжалик суди томонидан кредиторлардан ундириш тўғрисида қарор чиққан қарзлар суммаси Сумма задолженности, по которой в соответствии с законодательством идет процесс судебного разбирательства по предъявленным искам или вынесено решение хозяйственного суда о взыскании с кредитора

		жами всего	ундан муддати утган из неё просро-ченная			жами всего	ундан муддати утган из неё просро-ченная	жами всего	ундан муддати утган из неё просро-ченная		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ / ДЕБИТОРСКАЯ ЗАДОЛЖЕННОСТЬ											
1	**Дебиторлар, жами Дебиторы, всего**										
2	**Республика ичидаги қарзлар, жами Задолженность внутри республики, всего**										
2.1	шу жумладан дебиторлар номи буйича в том числе по наименованиям дебиторов										
2.2	**Ички идоравий қарзлар, жами Внутриведомственная задолженность, всего**										
2.3	шу жумладан дебиторлар номи буйича в том числе по наименованиям дебиторов										

Т/р №	Дебитор ва кредиторлар рўйхати Перечень дебиторов и кредиторов	Умумий қарз Общая задолженность	Корхонага боғлиқ булмаган сабаблар буйича вужудга келган қарзлар Задолженность, образовавшаяся по причинам, не зависящим от предприятий					
			Жами Всего	Ундан муддати ўтган Из неё просроченная	шу жумладан / в том числе:			
					Ҳукумат қарорларига асосан олдиндан хақ тўламай жўнатилган (олинган) маҳсулотлар буйича қарзлар Задолженность по продукции, отгруженной (полученной) без предоплаты по решениям Правительства	Давлат ресурслари ва жамғармаларидан жўнатиш кўзда тутилган хом ашё ва материаллар буйича ўтказилган бўнак тўловлари суммаси Сумма перечисленных авансовых платежей, по которым предусмотрена отгрузка сырья и материалов из государственных ресурсов и фондов	Ҳукумат қарорлари буйича кечиктирилган қарзлар Задолженность отсроченная по решениям Правительства	Қонунчиликка мувофиқ даъволар буйича суд жараёнида кўриб чиқилаётган ёки хўжалик суди томонидан кредиторлардан ундириш тўғрисида қарор чиққан қарзлар суммаси Сумма задолженности, по которой в соответствии с законодательством идет процесс судебного разбирательства по предъявленным искам или вынесено решение хозяйственного суда о взыскании с кредитора

6	**Республикадан ташқаридаги қарзлар, жами** **Задолженность за пределами республики, всего**								x	x	
6.1	шу жумладан кредиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям кредиторов								x	x	

Раҳбар _____ (Ф.И.О) _____ (имзо / подпись)
Руководитель

М.У / М.П.
Бош бухгалтер _____ (Ф.И.О) _____ (имзо / подпись)
Главный бухгалтер

3	Республикадан ташқаридаги қарзлар, жами Задолженность за пределами республики. всего										
3.1	шу жумладан дебиторлар номи буйича в том числе по наименованиям дебиторов										
КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ / КРЕДИТОРСКАЯ ЗАДОЛЖЕННОСТЬ											
4	**Кредиторлар, жами** **Кредиторы, всего**							X	X		
5	**Республика ичидаги қарзлар, жами** **Задолженность внутри республики, всего**							X	X		
5.1	шу жумладан кредиторлар номи буйича в том числе по наименованиям кредиторов							X	X		
5.2	**Ички идоравий қарзлар, жами** **Внутриведомственная задолженность, всего**							X	X		
5.2.1	шу жумладан кредиторлар номи буйича в том числе по наименованиям кредиторов							X	X		

Каримов Акром Аббасович
Исломов Фарҳод Рашидович
Авлоқулов Анвар Зиядуллаевич

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Дарслик

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2004

Муҳаррир *А. Баҳромов*
Бадиий муҳаррир *А. Мусахўжаев*
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*
Мусаҳҳиҳлар *Ю. Бизаатова, Ш. Хурраматова*
Компьютерда саҳифаловчи *Л. Цой*

Теришга берилди 28.01.04. Босишга рухсат этилди 3.03.04.
Бичими 84x108 $^{1}/_{32}$. Офсет босма. Таймс гарнитураси.
Шартли босма табоғи 31,2. Нашриёт-ҳисоб табоғи 33,0.
Адади 2000 нусха. Буюртма № 49. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Республикадан ташқаридаги
қарзлар, жами
Задолженность за пределами
3



Акром Аббосович Каримов — 1953 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1974 йилда Тошкент халқ хўжалиги институти Ҳисоб-иқтисод факультетини тамомлаган. Иқтисод фанлари номзоди, доцент, Тошкент Молия институтининг фахрий профессори. Шу кунгача 100 га яқин илмий асарлар ва мақолалар, шу жумладан 10 дан ортиқ ўқув қўлланма ва рисолалар чоп этган. Буюк Британия, АҚШ, Италия давлатларида бухгалтерия ҳисоби, аудит, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида малака ошириб келган.

Ўзбекистон Республикасининг «Фахрий ёрлиғи» ва «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ҳозирда Тошкент Молия институти «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудири лавозимида ишламоқда.



Фарҳод Рашидович Исломов — 1967 йилда Қашқадарё вилоятида таваллуд топган. 1990 йилда Тошкент Молия институтининг I курсига ўқишга кириб, 1996 йилда Ҳисоб-иқтисод факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаган. Европа Иттифоқининг «ТАСИС», USAID CARANA Corporation ва бошқа хорижий ўқув дастурларида малака оширган. 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган аудитор малака сертификатига эга. Шу кунга қадар 20 дан ортиқ илмий асарлар ва мақолалари (жумладан 2 таси чет элда) чоп этилган.

Ҳозирда Тошкент Молия институти «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишламоқда.



Анвар Зиядуллаевич Авлокулов — 1980 йил Қашқадарё вилоятида туғилган. 2001 йилда Тошкент Молия институти Ҳисоб-иқтисод факультетини, 2003 йилда Тошкент Молия институти Магистратурасини имтиёзли диплом билан битирган.

Шу кунгача 30 дан ортиқ илмий асарлар ва мақолалар муаллифи ҳисобланади. Унинг ҳаммуаллифлигида «Молиявий ҳисоб-2» ўқув қўлланмаси ҳамда «Магистрлик диссертациясини ёзиш, расмийлаштириш ҳамда ҳимоя қилиш» услубий қўлланмаси нашр қилинган.

Хорижий давлатларда, жумладан, Буюк Британия, Чехия ва Украинада мақолалари чоп этилган.

Ҳозирда Тошкент Молия институти «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишламоқда.

SHARQ